ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

МАКРОИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ

# “ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ: ОМИЛЛАР, НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР”

**мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани**

## ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

**2018 йил 30 октябрь**

ТОШКЕНТ-2018

**Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар.** Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами (2018 йил 30 октябрь). – Т.: ТДИУ, 2018. 478 б.

Мазкур тўплам Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Макроиқтисодиёт" кафедраси профессор-ўқитувчиларининг ОТ-А2-56-рақамли "Ўзбекистонда инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашнинг концептуал асосларини такомиллаштириш" амалий илмий лойиҳа бўйича олинган натижалар ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, олимлар, илмий ходимлар, талабалар, шунингдек, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг тегишли вазирлик ва корхоналар вакилларининг илмий-тадқиқот ишлари асосида тайёрланган илмий мақолаларидан иборат.

**Масъул муҳаррир:** иқтисодиёт фанлари доктори Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич

**Таҳрир ҳайъати:**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Беркинов Б.Б.
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Махмудов Н.М.
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қосимова М.С.
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Асқарова М.Т.
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Қосимов М.С.
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент Якубов И.О.

Илмий мақолалар тўплами Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2018 йил ___ сентябрдаги №3-сонли баёни билан нашрга тавсия этилган.

Тўпламга киритилган мақолаларнинг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда келтирилган танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари масъул.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2018 й.

# КИРИШ

Экспертларнинг прогнозларига кўра, фан-техника тараққиётидаги ўзгаришлар тезлиги, инсон ва капитал ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари каби омиллар мамлакатнинг узоқ муддатли ривожланиш йўналишларини белгилаб беради.

Мамлакат ривожланишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини амалга ошириш мақсадида 2018 йил 30 октябрь куни Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Макроиқтисодиёт” кафедраси томонидан “Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Анжуманнинг асосий мақсади етук олимлар ва амалиётчиларнинг Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, илмий ва инновацион салоҳиятни илмий-назарий ва илмий-амалий баҳолашдан иборат. Жумладан, мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар ва натижаларга, пул-кредит ва бюджет солиқ сиёсатларини қатьий мувофиқлаштириш бўйича илмий асосланган ҳулосалар бериш.

Мазкур анжуманда иқтисодчи олимлар, илмий тадқиқот институтлари директорлари, амалиётчи-мутахассислар, шунингдек нуфузли ОТМ профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Таниқли иқтисодчи-олимлар ва амалиётчиларнинг Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналиши “Иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш” бўйича қатор ислоҳотларни амалга оширишга оид тақдимотлари келтирилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ “қабул қилинган ўрта муддатли дастурларни амалга ошириш асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаб қолиш, таркибий ва

институционал ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни барқарор юқори ўсиш суръатини таъминлаш” қайд этилди. Бунинг учун анъанавий ўсиш манбалари билан бирга янги, янада истиқболли ривожлантириш омилларини ҳам ишга тушириш зарур.

2017 йилда мамлакатимиз ЯИМ 5,3%га ўсди, шунингдек, 2017 йилда 68,4 трлн. сўм (доллар эквивалентида 13,4 млрд. АҚШ доллари) ёки 2016 йилга нисбатан 120,4% асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. ЯИМга нисбатан асосий капиталга инвестицияларнинг улуши 2017 йилда 26,9 %ни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан 2,8% пунктга кўпайди.

Бунда, мамлакатда инвестиция муҳити ва ишбилармонлик фаоллигини янада ошириш, бутун иқтисодиёт ва унинг тармоқлари инновацион таркибини такомиллаштиришни чуқурлаштириш, якуний маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни кенг кўламли модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича чора-тадбирлар асосий омил сифатида илгари сурилмоқда. Бу борада, инновацион соҳаларни ривожлантириш йўлларини ҳам инобатга олиш лозим.

Барча олимлар, жумладан хорижлик олимларнинг анжуман мақолалари тўпламига қабул қилинган мақолаларда келтирилган қиёсий танқидий таҳлиллар ва натижалар бўйича хулосалари асосида ҳукумат учун таклиф ва тавсиялари тайёрланган.

# 1 - ШЎЪБА: МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ ВА УНДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ТДИУ ректори, и.ф.д., профессор – Б.Ю. Ходиев

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ ВА ИННОВАЦИОН-КОРПОРАТИВ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Кириш. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан олий таълим ва илмий тадқиқот ишларини такомиллаштириш, уни том маънода ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган илғор стандартлар даражасига олиб чиқиш ва оқибатда жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмини кўтариш, аҳолининг турмуш шароитини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш, умуман мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича ўзоқ муддатли стратегик ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича 2017 йил 22 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари ва Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом қабул қилинди. Ушбу қарор билан Ўзбекистон тажрибасида мутлақо янги бўлган тизим таянч докторантура (PhD) ва фан доктори (DSc) институтлари фаолият юритишни бошлади.

Маълумки ҳар қандай тизим ҳаёт талаби ва глобаллашувнинг чуқурлашуви билан ўзгаришга ва модернизациялашга эҳтиёж сезади. Унда белгиланган принцип ва вазифалар қайсидир маънода шиддатли ривожланиш таъсирида, тезкор ўзгаришлар оқибатида ўз аҳамиятини йўқотиб боради. Шу боисдан, юқори ривожланишни таъминлаш, мавжуд вазиятни янада такомиллаштириш мақсадида мунтазам равишда қонун ва қонун ости ҳужжатлари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга қўшимчалар киритилиб борилиши табиий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидланган фикрлардан билиб олиш мумкинки, биз томонимиздан олиб борилган таҳлиллар ва таққослама кузатувлар натижаси ўларок, айнан, “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш, унинг айрим бандларини бугунги воқелик нуқтаи назаридан такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Асосий қисм. Мавжуд таълим ва илм-фан тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, мамлакатимизнинг илм-фан ютуқларини янги босқичга кўтариш, илмий тадқиқот ишлари ва инновацион ишланмаларни амалиётга кенг татбиқ этиш билан боғлиқ институционал ўзгаришлар тадрижий ҳаракат касб этиб, қуйидаги қонун ости ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларда

таълим-илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни таъминлаш бўйича қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарори. Қарор шарҳида келтирилганидек, қатор ОТМда илмий-педагогик салоҳият ҳануз паст даражада қолмоқда; ОТМнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида корхоналарнинг буюртмасига асосан, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширадиган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари юридик шахслардан олинадиган даромад солиғидан, ягона солиқ тўловидан, мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий тўлов ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди; ОТМнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, уларнинг академик илм-фан билан интеграциясини кучайтириш, профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий фаолияти самарадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш масалалари қўйилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли қарори. Қарорда: олий таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган; илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда; ишлаб чиқариш, илм-фан ва таълим ўртасидаги интеграцияни чуқурлаштириш учун комплекслар таркибидаги вазирликлар ва идораларга қарашли тармоқлар (соҳалар)ни илмий-техник ривожлантириш йўналишлари муаммоларига бағишланган мавзулар базасини шакллантириш ҳамда бу муаммоларни ОТМлари билан хўжалик шартномалари тузган ҳолда ҳал этишга уларнинг илмий салоҳиятини, айниқса, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни тизимли тарзда жалб этиш, докторантларни корхона (муассаса)ларнинг муаммоли масалаларига бағишланган диссертация мавзулари устида шлашини, шунингдек, тажриба-синовларни корхоналарда ўтказиш белгиланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси"ги ПҚ-3775-сонли қарори. Мазкур қарорда: ОТМ инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган; ОТМнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ва тизимли ўзгаришлардаги иштироки ҳамда ташаббускорлиги сезилмаяпти, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти ханузгача қониқарсиз эканлиги акс этган.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш

механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарори. Ушбу қарорда илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустаҳкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар: ОТМ илмий ишлари ва илмий-тадқиот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги; инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларни амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмалари мавжуд эмаслиги; хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарли даражада жалб қилинмасилиги келтирилган.

Таққослама таҳлиллар. Жаҳон тажрибасига таянган ҳолда фикрларимизни давом эттирадиган бўлсак, илмий тадқиқот ишлари ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга, ҳаётни енгиллаштиришга, табиат ҳодисалари, атроф-муҳит ўзгаришларини осон англаб етишга хизмат қилиб келган. Машҳур иқтисодий моделлар, макро ва микроиқтисодий қонуниятларнинг барчаси илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида яратилган, кашф этилган.

Иқтисодий адабиётларда ўзининг машҳурлиги билан доимий равишда ўрганилиб келинадиган ва бошқа кўплаб моделларнинг яратилишига замин яратган Кобба Дуглас ишлаб чиқариш модели ҳам илмий изланувчи ва ишлаб чиқариш вакили томонидан яратилган. Шу билан бирга, жуда ҳам кўплаб жиддий тадқиқотлар ва аҳамияти юқори бўлган илмий мақолалар бугунги кунда ҳаммуаллифликда, ҳамкорликда олиб борилган изланишлар натижасида машхурлик касб этмоқда ва танқинчи-иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда АҚШ ва Европанинг нуфузли олий таълим муассасаларида фундаментал фан сифатида ўқитилаётган “Macroeconomics” адабиёти ҳам Америкалик машҳур олим ва амалиётчи мутахассис Andrew B. Abel, Ben S.Bernanke томонидан ёзилган. Бизга маълумки, ушбу китобда акс этган статистик маълумотлар, ўтказилган сўровномалар, амалга оширилган прогноз кўрсаткичларининг ишончлилиги, баён этилган иқтисодий қонуниятлар ва тенденцияларнинг реал ҳаёт билан чамбарчас боғланганлигининг асосий сабаби: Ben S.Bernanke ўз вақтида Федерал Захира Тизимида хизмат қилганлиги, уни муваффақиятли бошқариш давомида ишончли маълумотларни келтирганлиги; иқтисодий-молиявий кўрсаткичларнинг эконометрик таҳлиллар асосида чуқур қайта ишлаганлиги билан белгиланади.

Жаҳон илм аҳиллари томонидан чоп этиладиган нуфузли илмий-техник маълумотлар базаси бўлмиш: Scopus, Science Direct, Web of Science таркибидан жой олган илмий журналларда машҳур олимлар, иқтисодиёт йўналишидага Нобель мукофотлари лауреатлари томонидан ёзилган мақолалар ҳамда изланувчилар томонидан энг кўп ўқилган, энг кўп иқтибос ва ҳаволалар берилган

мақолаларнинг аксарияти олим ва амалиётчи-мутахассислар бирикуви (ҳаммуаллифликда) натижасида тайёрланган мақолалар ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган ҳисоботлар, иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги халқаро индекслар кўрсаткичларини ҳисоблаш, уларни эълон қилиш бўйича ташкил этилган гуруҳларда ҳам олимлар билан бирга етакчи амалиётчи-мутахассисларнинг билими ва амалий кўникмасидан фойдаланган ҳолда яратилганлигига ҳам гувоҳ бўламиз.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш соҳасида, яъни амалиётда жуда ҳам катта илмий-амалий салоҳиятнинг яширин ётганлигини кўришимиз мумкин. Улар томонидан илм-фан дунёсига ошкора қилинмайдиган, илмий журналларда мақола сифатида эълон қилинмайдиган иқтисодий ютуқлар, ишланмалар яратилмоқда.

Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда илм-фан амалиётга қараганда бир қадам олдинда юради, илмий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, иқтисодий сиёсатни самарали амалга оширишда, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда, коплекс қарорлар чиқаришда илмий асосланган далил ва таҳлиллар талаб этилади.

Илмий соҳада яратилган тадқиқотлар фақат қоғозда қолиб кетмасдан ишлаб чиқаришга жорий этиш, ҳар бир соҳада юқори даражада самарадорликка эришиш бўйича янгидан-янги илмий тадқиқотларни олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун олий таълим муассасалари ва илмий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган илмий изланувчилар билан реал сектор корхоналарида меҳнат қилаётган амалиётчи-мутахассисларнинг ҳамкорлик доирасини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган далиллар, таъкидланган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда умумий хулоса ясайдиган бўлсак, номлари зикр этилган қарорларда энг асосий урғу таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, амалиётда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг билим савияси ва амалий кўникмасидан унумли фойдаланиш, уларни илмий жараёнларга йўналтириш катта самаралар олиб келиши жаҳон амалиётида ўз тасдиғини топаётган ҳақиқат ҳисобланади.

Чунончи инновацион-корпоратив ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш, илмий изланувчилар билан амалиётчи мутахассисларни умумий муаммо доирасида бирлаштириш, ҳамкорликда илмий мақолаларни ёзиш, илмий ишларни тайёрлаш якка муаллифликда бажариладиган ишлардан кўра ҳам мазмун, ҳам сифат жиҳатидан юқори аҳамият касб этади. Бунинг натижасида далилларнинг ишончлилиги, ишлаб чиқилган илмий янгиликларнинг амалиётга татбиқ этилиши янада тезлашади. Шуларни ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари ва Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом бандларига қуйидаги ўзгаришларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таклиф ва тавсиялар. Иқтисодий йўналиш бўйича ҳимоя қилинаётган PhD докторлик диссертациялари ҳимоясини ташкил этиш, унинг самарадорлигини ошириш, тадқиқот ишларининг умрини узайтириш учун:

1. Илмий изланувчилар (олимлар) ва амалиётчи-мутахассислар билан қўшма диссертациялар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;
2. Қўшма ҳимояларни амалга ошириш бўйича талабларни ишлаб чиқиш ва қарорга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;
3. Амалиётчи-мутахассисларни ОТМ/ИТМга мустақил изланувчи институтига киритмасдан туриб, ҳимояга чиқишига имкон яратиш;
4. Амалиётчи-мутахассисларга ҳам Низомда белгиланган минимум талаблар, яъни малакавий имтиҳонларни топшириш, ҳамкорликда мақола ва илмий ишланмаларни яратиш бўйича тўлиқ шарт-шароитларни тақдим этиш;
5. Бинар ҳимояларни ташкил этиш. Ҳар бир муаллифнинг илмий муаммони қанчалик даражада тадқиқ этганлиги, қўшган ҳиссаси, ишлаб чиқилган илмий янгиликларнинг амалиётга қай даражада татбиқ этилганлиги, эришилган ижтимоий-иқтисодий самаралар бўйича ягона тақдимотни амалга ошириш. Бинар ҳимоядан муваффақиятли ўтган муаллифларга тенг кучга эга бўлган PhD дипломининг берилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ахунова Гульчехра Назаровна
профессор, директор повышения
квалификации и переподготовки кадров при ТГЭУ

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ УСЛОВИЙ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКУ УЗБЕКИСТАН

Иностранные инвестиции играют существенную роль в экономическом развитии Республики Узбекистан на протяжении последних лет. Сегодня в нашей республике мы наблюдаем весьма интенсивные процессы либерализации экономики, которые направлены не только для привлечения иностранных инвесторов, но и в целом для улучшения делового климата, а вместе с тем, на новый уровень все чаще поднимаются вопросы эффективности нормативно-правовой базы для инвесторов. Не случайно, в своем выступлении Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиеёв отметил, что «ключевым фактором является дальнейшее повышение конкурентоспособности экономики страны на мировом рынке, модернизация и диверсификация секторов и отраслей экономики, расширение экспортного потенциала, усиление инвестиционной активности» [1].

Как известно, инвестиционные отношения между субъектами мирового хозяйства невозможны без нормативно-правового регулирования. Особую значимость этому вопросу придает тот факт, что законодательная база

[1] Послание Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева Олий Мажлису. [Электронный ресурс] // Официальный Веб-Сайт Президента Республики Узбекистан: http://www.press-service.uz/22.12.2017г

инвестиционного регулирования влияет на поведение инвесторов. В связи с этим, актуально рассмотреть взаимоотношения инвестора и государства через призму законодательства Республики Узбекистан.

Высокая эффективность вложенных инвестиций являются результатом оптимального взаимодействия двух главных составляющих: государства и инвестора. Государство, являясь главным реформатором экономических реформ в Узбекистане, устанавливает и регулирует инвестиционную политику, а инвестор, в свою очередь, обязуется выполнять свои обязательства перед государством. В результате данного взаимодействия, улучшается деловая и инвестиционная среда, осуществляется приток инноваций и капитала, проводятся модернизация и диверсификация отраслей, повышается уровень занятости и доходов населения.

Вместе с тем, текущее состояние инвестиционной законодательной базы создает вокруг инвесторов ряд вопросов, среди которых:

1) Централизация полномочий. Во многих развитых странах мира (Франция, Германия, США и др.) регулирование иностранных инвестиций, т.е. разработка, проведение инвестиционной политики и ее стимулирование осуществляется государственными органами на местах. В случае Узбекистана, такой процесс строго контролируются регуляторами, которыми и определяется инвестиционная политика, тогда как государственным органам на местах остается выполнять вопросы налогообложения, предоставлять гарантию и защиту для справедливой деятельности субъектов предпринимательства, а также информацию для инвесторов.

2)Большое количество регуляторов создают в деятельности инвесторов определенные сложности, связанные с их деятельностью. К примеру, в Китае действуют всего два регулятора: Государственный комитет по развитию и реформам КНР и Министерство коммерции КНР, что намного упрощает взаимодействие субъектов инвестиционной деятельности.

3)Наличие административных барьеров, в частности усложненный порядок привлечения иностранной рабочей силы; отсутствие правовых норм, регулирующих деятельность филиала (возможность присуждения филиалам статуса юридического лица).

4)Несовершенная процедура регистрации субъектов предпринимательства прямых иностранных инвестиций.

В соответствии со статьей 14 Закона Республики Узбекистан «Об инвестиционной деятельности», вопросы регулирования иностранных инвестиций в Узбекистане находятся в совместном ведении нескольких государственных органов: Кабинета Министров Республики Узбекистан, Министерства внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан, Министерства юстиции Республики Узбекистан представлены в (таблице 1)

**Таблица-1**

Государственное регулирование инвестиционной деятельности[2]

| Регуляторы | Вопросы регулирования |
|---|---|
| Кабинет Министров Республики Узбекистан, Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан | Разработка Предложений по совершенствованию законодательной базы инвестиционной деятельности |
| Государственный налоговый комитет Республики Узбекистан | Применение налоговой системы, дифференцирующей налогоплательщиков и объекты налогообложения, ставки налогов и льготы по ним |
| Кабинет Министров Республики Узбекистан | Применение ускоренной амортизации основных фондов |
| Уполномоченные органы Кабинета Министров Республики Узбекистан по вопросам Установления норм, правили стандартов | Установления норм, правил и стандартов |
| Государственный комитет Республики Узбекистан по приватизации, демонополизации развитию конкуренции (подотчетен Кабинету Министров Республики Узбекистан) | Применение антимонопольных мер |
| Центральный банк | Проведение кредитной политики |
| Министерство экономики Республики Узбекистан, Министерство финансов Республики Узбекистан | Проведение политики ценообразования |
| Кабинет Министров Республики Узбекистан | Определение условий владения и пользования землей и другими природными ресурсами |
| Кабинет Министров Республики Узбекистан | Установление механизмов экспертизы инвестиционных проектов |
| Кабинет Министров Республики Узбекистан | Мониторинг реализации инвестиционных проектов, включенных в инвестиционную программу Республики Узбекистан |

Кабинет Министров Республики Узбекистан, как ведущий исполнительный орган правительства в сфере экономического и инвестиционного развития, разрабатывает политику оказания благоприятных условий инвестирования, создает соответствующий деловой климат, вместе принимает меры по ограничению деятельности монополий, созданию конкурентной среды на внутреннем рынке; в сфере регулирования концессионных отношений разрабатывает программы в рамках эффективной концессионной деятельности и др.

Министерство внешней торговли Республики Узбекистан, в свою очередь, выполняет ряд задач в сфере регулирования внешнеэкономической и инвестиционной политики:

– нормативно-правовое регулирование;

– экспертиза и учет договоров, контрактов и соглашений; регистрация

[2] На основе данных интернет портала www.norma.uz

иностранных и международных организаций и их аккредитация;

– определение порядка выдачи лицензий на экспорт-импорт товаров;

– создание организаций по страхованию экспортных программ и иностранных инвестиций и др.

Регистрация предприятий с иностранным капиталом и регистрация изменений в предприятиях с иностранным капиталом утверждается Министерством юстиции Республики Узбекистан и управлениями на местах.

На практике это означает, что предприятия с иностранным капиталом должны зарегистрироваться в уполномоченных органах Республики, получить разрешение на осуществление своей деятельности. Согласно Закону Республики Узбекистан «Об иностранных инвестициях», иностранные инвесторы могут создавать на территории Республики Узбекистан предприятия с иностранными инвестициями, в которых иностранные инвестиции составляют не менее тридцати процентов акций (долей, паев) или уставного фонда. Они действуют в любых организационно-правовых формах (общества с ограниченной ответственностью, товарищества, акционерного общества, дочернего предприятия, унитарного предприятия, совместного предприятия), не противоречащих законодательству Республики Узбекистан.

Особые условия регулирования иностранных инвестиций существуют в специальных экономических зонах, функционирующих на территории Республики Узбекистан. В настоящее время на территории республики действуют 7 специальных экономических зон.

Свободная индустриально-экономическая зона «Джизак» создана в целях формирования благоприятных условий по привлечению инвестиции для создания высокотехнологичных продукций с высокой добавленной стоимостью. Данная СИЭЗ создана в рамках Меморандума взаимопонимания по реализации проекта создания Узбекско-Китайского промышленного парка в Узбекистане. На территории специальной зоны упрощен порядок создания предприятий, в том числе предприятий с иностранным капиталом, а также субъекты освобождаются от уплаты налогов сроком от 3 до 7 лет в зависимости от объема инвестиций. Свободная индустриальная-экономическая зона «Ангрен» по форме, функциям и задачам похожа на СИЭ «Джизак», единственной отличительной особенностью СИЭЗ «Ангрен» является наличие центра логистики. Условия регулирования иностранных инвестиций те же самые.

Свободная индустриально-экономическая зона «Навои» отличается от двух предыдущих условиями регулирования, к примеру, здесь действуют особый валютный режим для инвесторов. Льготный период освобождения от уплаты налогов – от 7 до 15 лет. Местоположение данной СИЭЗ также имеет ряд преимуществ. Во-первых, СИЭЗ расположена вблизи от международного аэропорта, автомагистрали Е-40 и железнодорожных путей международного значения. Во-вторых, мультимодальный транспортно-логистический узел Навои дает возможность инвесторам эффективно осуществлять свою деятельность, выходить беспрепятственно на другие соседние международные рынки.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 24 июля 2017 года № УП–5120 «О мерах по внедрению системы проектного управления

в Республике Узбекистан» создано Национальное агентство проектного управления, которое подчинено напрямую Президенту Узбекистана. Задачами НАПУ определены создание, внедрение и эксплуатацию Единой национальной информационной системы проектного управления Республики Узбекистан и задачи НАПУ состоится из:

– повышение эффективности и прозрачности разработки и реализации государственных и региональных программ, инвестиционных проектов, финансируемых за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан, государственных целевых фондов, иностранных кредитов, займов и грантов, привлекаемых Республикой Узбекистан;

– ведение единого национального справочника ресурсов, позволяющего формировать их объективную рыночную стоимость, исключить некорректные технические задания и сметы;

– создание единого информационного пространства для осуществления государственных закупок.

Национальное агентство проектного управления при президенте Узбекистана должно обеспечить содействия в качественной и своевременной реализации проектов, финансируемых за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан, государственных целевых фондов. Также оно обеспечит эффективное и целевое расходование иностранных кредитов, займов и грантов, привлекаемых Республикой Узбекистан, выявление нерентабельных и низкоэффективных проектов;

– обеспечение разработки и всестороннего анализа концепций внедрения современных технологий в государственных органах и иных организациях;

– проведение комплексного технико-экономического анализа проектов, в том числе реализуемых, на предмет наличия в них признаков коррупции и других злоупотреблений;

– внедрение в государственных органах и иных организациях современных информационно-коммуникационных технологий, обеспечивающих функционирование Единой национальной информационной системы проектного управления Республики Узбекистан;

– содействие в обучении и повышении квалификации кадров в сфере проектного управления.

Постановлением Президента от 30.03.2018 г. № ПП-3643 образован Центр по аккредитации при Национальном агентстве проектного управления при Президенте (Центр). Он создан на базе Узбекского центра аккредитации органов оценки соответствия при Агентстве «Узстандарт».

Вновь образованный Центр является специально уполномоченным органом по аккредитации органов по оценке соответствия. Ему переданы функции Агентства «Узстандарт» по аккредитации и инспекционному контролю органов по оценке соответствия, испытательных и калибровочных лабораторий, а также централизованная база данных и материалов о ранее выданных свидетельствах об аккредитации.

Сфера деятельности Центра распространяется на все госорганы, органы

хозяйственного управления, хозяйствующих субъектов, осуществляющих оценку и сертификацию товаров и услуг. В его основные задачи входит:

– осуществление единой государственной политики в области аккредитации органов по оценке соответствия;

– аккредитацию в соответствии с международными стандартами органов по оценке соответствия, а также осуществление инспекционного контроля за выполнением аккредитованными органами по оценке соответствия и метрологическими службами установленных условий и требований;

– активное взаимодействие с международными и национальными органами по аккредитации, внедрение международных стандартов и технических регламентов в данной сфере.

В.А. Вахабов,
Ўз.МУ “Макроиқтисодиёт” кафедраси
мудири профессор, и.ф.д.

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ

Жамиятда аста-секинлик билан табиий ресурсларни рекреация ва илмий тадқиқот мақсадлари учун асраб қолиш заруриятига бағишланган ғоялар, келажак авлод олдида экологик масъулиятга асосланган илмий концепциялар шаклланa бошлади. Ушбу ғояларнинг амалиётга тадбиқи барқарор ривожланишни таъминлаш орқали ҳал этилиши зарур. Барқарор ривожланиш дейилганда, аҳоли эҳтиёжларини тўла қондириш, келажак авлод эҳтиёжларини қондириш имкониятларини хавф остига қўймасликка асосланган ривожланиш тушунилади. Барқарор ривожланишни “ижтимоий”-“иқтисодий”-“экологик” учликнинг ўзаро боғлиқликда ривожланишига асосланган синергетик самара ҳисобидан тараққий этадиган жараён сифатида тасаввур этиш мумкин.

Барқарор ривожланиш концепциясига нисбатан иқтисодий ёндашувга Е.Р.Линдаль ва Ж.Р.Хикслар асос солишган[3]. Хикс-Линдаль ялпи даромадларнинг максимал оқими назариясига мувофиқ даромад ялпи капиталнисақлаб қолган ҳолда яратилиши зарур. Бунда чекланган ресурслар ва экологик (табиий ресурслар, энергия ва материалларни тежовчи) технологиялардан оқилона фойдаланиш, экологик маҳсулотлар яратиш, чиқиндиларни минималлаштириш, қайта ишлаш ва йўқ қилиш назарда тутилади. Ушбу масалани ҳал этишдаги асосий муаммо қайси капитал (жисмоний, табиий ёки инсон капитали) сақланиб қолиши ва турли капиталлар қанчалик ўзаро ўрин алмашиниши ҳамда ушбу активлар (аввало, экологик ресурслар) қийматини баҳолаш муаммоси ҳисобланади. Натижада иқтисодий барқарорликнинг қуйидаги икки тури пайдо бўлди:

- кучсиз – вақт бўйича камаймайдиган табиий ва жамғарилган капитал иқтисодий барқарорлик;

---

[3]https://www.researchgate.net/publication/301638196_The_concept_of_sustainable_development_as_a_methodological_base_to_form_strategy_for_enterprises_of_oil_complex

- кучли – табиий капиталнинг камаймаслигига (қайта тикланмайдиган ресурсларни сотишдан тушган фойданинг бир қисми қайта тикланадиган табиий капитал қийматини оширишга йўналтирилиши зарурлигига) асосланган иқтисодий барқарорлик.

**Барқарор ривожланиш** – иқтисодиётнинг узоқ муддат мувозанатли, узлуксиз ривожланиш ҳолатидан иборат.

**Барқарор иқтисодий ўсишнинг объектив шарт-шароитлари**

***Анъанавий иқтисодиёт ёндашувига кўра:***

❖ Иқтисодий ўсишнинг максималлашуви ва бозор тизимида эҳтиёжларни тўларок қондириш;

❖ Бозор камчиликларини давлатни макроиқтисодий сиёсати орқали тўғрилаш мумкин;

❖ Кўп турдаги табиий ресурслар тегишли қийматга эга бўлмай, иқтисодий етишмовчилик ва деградация манбаи ҳисобланади;

❖ Бойликларни жамғаришнинг ўлчаш услублари табиий ресурсларни камайиши ва деградацияни ҳисобга олмайди;

❖ Анъанавий табиий ресурслар иқтисодиёт ривожлана боргани сари тақчил бўла бошлайди.

***Барқарор ривожланиш ёндашувига кўра:***

❖ Иқтисодий ўсишнинг максималлашуви ва аҳоли эҳтиёжини қондирилиши пировард натижада аҳоли фаровонлигини яхшиланишига олиб келади;

❖ Табиатни ёмонлашуви жамиятда ижтимоий муносабатларга, ишлаб чиқариш ва истеъмолни қисқаришига, қашшоқликни ўсишига олиб келади;

❖ Иқтисодиётни ривожланишини табиий ресурслар билан бир қаторда информация ва билим ресурслари таъминлайди.




**1.Чизма. Мамлакатлар гуруҳи бўйича реал ЯИМнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан %)[4]**

[4] https://www.imf.org/~/media/Files/Publications/WEO/2018/October/Russian/pdf/execsumr.ashx?la=ru

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра 1980 йилдан 2018 йилгача бўлган муддатда жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ўсиш суръатлари ўсиш тенденциясига эга бўлди. Ушбу даврни икки босқичга бўлиш мумкин. 1980-2007 йилларда жаҳон иқтисодиётида ривожланаётган ва ўтиш мамлакатлари иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга қараганда нисбатан жадал суръатларда ривожланди. Жумладан ривожланган мамлакатларда ишчи кучи қариши ва меҳнат унумдорлиги суръатларини секинлашуви билан боғлиқ ҳолда иқтисодий ўсиш суръатларида пасайди. Ўтиш иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатларида ташқи савдо сиёсати эркинлашди, инфляцияни таргетлаш, эгилувчан алмашув курси режимига ўтиш тадбирлари амалга оширилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий кризисидан кейинги даврда 60та банк кризиси содир бўлган, 85 кризисга дучор бўлган иқтисодиётлар ЯИМ ҳажми бўйича кризисдан олдинги ҳолга қайта олмадилар. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ривожланган мамлакатларда меҳнат унумдорлиги ва бандлик пасайди, аҳолини даромадлари табақаланиши кучайди. Узоқ давр мобайнида процент ставкаларни паст бўлиши ташқи молиявий боғлиқликни кучайтирди. Тараққий этган мамлакатларнинг ўртача давлат қарзини ЯИМга бўлган нисбати 2007 йилдаги 36%дан 2017 йил 52%га етди. Инвестицион муҳит ёмонлашганлиги сабабли умумий инвестиция ҳажми қисқарди. 2017 йил жаҳон иқтисодиётида ҳаракат қилаётган ТТХИларнинг ҳажми 25%га қисқарди. Иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестиция ҳажмини қисқариши заҳирадаги капитални камайтирди ва юқори технологияларни жорий этиш суръатларини қисқартирди. Жаҳонда банк кризисини ўз бошидан кечирган 80% мамлакатлар иқтисодиёти капитал тақчиллигига дучор бўлди. Банк кризисига дучор бўлмаган 65 мамлакатлар иқтисодиётида капитал запаслари жиддий қисқарди. Қизиқ қонуният кузатилди мамлакатлар иқтисодиёти қанчалик жаҳон молия бозорига кўп жалб этилган бўлса, шунчалик уларни ривожланган бозорлар талабига боғлиқлиги кучайди, шунга мутаносиб равишда ЯИМ ҳажми қисқарди.

Барқарор ривожланишнинг ижтимоий таркиби инсонга қаратилган бўлиб, ижтимоий ва маданий тизимларнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилгандир. Ижтимоий барқарорликнинг асосий жиҳати неъматларни адолатли тақсимлаш ҳисобланади. Инсон тараққиёти концепциясига мувофиқ инсон тараққиёт объекти эмас, балки унинг субъекти саналади. Барқарор ривожланиш концепцияси инсон танловини кенгайтириш асосий ғоя эканлигига таянган ҳолда инсоннинг ўз ҳаёт фаолиятини шакллантириш, қарорлар қабул қилиш, уларни амалга ошириш ва бажарилишини назорат қилиш жараёнида тўлақонли қатнашиши лозимлигини назарда тутади.

Экология нуктаи назаридан барқарор ривожланиш жисмоний ва биологик табиат тизимининг яхлитлигини таъминлаши зарур. Бунда глобал биосферанинг барқарорлигини таъминлаб берувчи экотизим муҳим аҳамият касб этади. Табиий ресурсларнинг деградациялашуви, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши экология тизимининг қайта тикланиш қобилияти, имкониятларининг қисқаришига олиб келади.

Барқарор ривожланишга эришиш воситалари ҳисобланган иқтисодий, ижтимоий ва экологик компонентларни ўзаро мувофиқлаштириш мураккаб

вазифа ҳисобланади. Бунда ушбу уч концепциянинг ўзаро таъсир механизмалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий ва ижтимоий компонентлар жамият олдига бир авлод (масалан, даромадларни тақсимлаш) адолатга эришиш ва аҳолининг камбағал гуруҳларига мақсадли ёрдам кўрсатиш каби янги вазифларни қўймоқда. Иқтисодий ва экологик компонентлар атроф-муҳитга ташқи таъсир қийматини баҳолаш (корхоналарнинг иқтисодий ҳисоботида ҳисобга олиниши зарур) зарарлиги билан боғлиқ янги ғояларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ижтимоий ва экологик компонентлар эса авлодлар ичида ва авлодлар ўртасида тенгликни таъминлаш (кейинги авлод ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, аҳолининг қарорлар қабул қилиш жараёнида қатнашиши) каби масалаларнинг долзарблигини оширмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, “соф технологиялар”га нисбатан инновацион ёндашишни кучайтириш, “яшил иқтисодиёт”ни шакллантириш муаммолари халқаро иқтисодий, экологик, инвестицион форумларда мунтазам равишда муҳокама этиб келинмоқда. “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга бағишланган илк илмий тадқиқотлар XX асрнинг 70-йилларидан бошланган. Жумладан, 1972 йилда Стокгольмда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экология муаммоларига бағишланган халқаро конференцияда атроф-муҳитни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган 26 та тамойил ишлаб чиқилди[5].

Илмий тадқиқотларда “яшил иқтисодиёт” тушунчаси илк маротаба 1989 йилда қўлланилганлигига қарамасдан унинг моҳияти ҳозирга қадар турлича талқин этилади[6]. Айрим манбаларда “яшил иқтисодиёт” мамлакат табиатини яхшилашга кўмаклашувчи иқтисодиётнинг янги тармоқлари сифатида таъриф берилса, баъзи тадқиқотларда “яшил иқтисодиёт” табиатга ёрдам берувчи ва фойда келтирувчи янги технологиялар, экотизимлар сифатида ўрганилади, учинчи гуруҳ тадқиқотларда эса “яшил иқтисодиёт” – бу экологик тоза маҳсулотлар яратишга йўналтирилган ривожланишнинг янги босқичига ўтиш ҳисобланиб, унинг асосини соф ёки “яшил” технологиялар ташкил этади деб таъкидланади.

“Яшил иқтисодиёт” тушунчасининг кенг тарқалган, нисбатан тўлиқ таърифи БМТнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури (UNEP) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, “яшил иқтисодиёт” – бу “одамлар фаровонлиги ва ижтимоий тенглигининг яхшиланиши, экологик рисклар ва экологик тақчилликни сезиларли даражада камайтириш”га олиб келувчи иқтисодиётдир[7]. Ушбу тушунчанинг моҳиятини ёритиб беришда умумқабул қилинган ёндашувнинг мавжуд эмаслиги “яшил иқтисодиёт” концепцияси ҳали шаклланиш босқичида эканлигидан далолат беради. Ушбу концепция иқтисодиёт тармоқлари, “яшил иқтисодиёт” назарияси, тамойиллари ёки “яшил иқтисодиёт” сиёсатига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

“Яшил иқтисодиёт” концепциясининг мақсади барқарор иқтисодий

---

[5] Декларация Конференции ООН по проблемам окружающей человека среды от 16.06.1972 // Консультант плюс 4012.00.32 2002-2013.

[6] Blueprint for a green economy : David Pearce, Anil Markandya and Edward B. Barbier. Earthscan, London, Great Britain, 1989. 192 pp.

[7] Навстречу «зелёной» экономике: пути к устойчивому развитию и искоренению бедности / Штайнер А., Айрис Р., Бэсса С. И др: ЮНЕП/Грид Арендаль, 2011. С. 17.

ўсишни таъминлаш ва инвестициялар фаоллигини ошириш билан бир вақтда атроф муҳит муҳофазаси ва ижтимоий интеграция сифатини яхшилаш ҳисобланади[8]. Мазкур мақсадга эришиш учун давлат ва хусусий инвестицияларни барқарор ривожланишнинг экологик ва ижтимоий омилларига кенг миқёсда йўналтириш зарур бўлади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ресурс сиғимкорлиги юқори қуйидаги белгилар хос бўлган иқтисодий ўсиш моделлари имкониятларининг чекланганлигини тасдиқлади: тез ва тугаётган қайта тикланмайдиган табиий ресурслар турлари; тикланадиган ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва тиклашда меъёрдан ортиқ фойдаланиш; атроф муҳитни ифлослантирадиган модда ва чиқиндиларни катта уюмларининг тўпланиб қолиши. Ушбу иқтисодий тизим табиий ресурслардан хўжасизларча фойдаланишни кўзда тутади, иқтисодий фаолликни экологик талаблари ва салбий оқибатларини инкор этиб инсон соғлиғига зарар келтиради ва атроф муҳитни ифлослантиради. XX асрнинг 80 йилларида атроф-муҳит сифатини яхшилаш шароитида иқтисодий ривожланиш ғояси ўрнига экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолиятни юритиш зарурлигини тақозо этувчи барқарор иқтисодий ривожланиш концепцияси вужудга келди. Ҳозирда жаҳоннинг барча мамлакатлари барқарор иқтисодий ривожланиш йўлидан боришга ҳаракат қилишмоқдалар. Барқарор иқтисодий ривожланишни амалга оширишнинг асосий дастаги яшил иқтисодиёт – узоқ истиқболда инсон фаровонлигини оширишга қаратилган ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият турлари тизимидан иборат. Яшил иқтисодиётга асосланиш углеводород ва экологияни аёвсиз эксплуатация қилувчи уклад ўрнига келувчи янги уклад бошланганлигини билдиради. “Яшил” иқтисодиёт барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим иқтисодий, ижтимоий ва экологик таркибий қисмларини комплекс боғлаш ва гармоник уйғунлашувини таъминлайди. Ушбу моделда “яшил” иқтисодиёт барқарор ривожланишни инкор этмайди, балки уни тўлдиради, ҳамда узоқ мақсадлилигини кучайтиради.

XX аср давомида дунёнинг ташқи қиёфаси сезиларли даражада ўзгарди. 1900 йилда дунё аҳолиси 1,6 млрд. кишини ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 6 млрд. кишидан ошди, 2011 йилда эса 7 млрд. кишига етди, 2017 йилга келиб ер юзидаги аҳоли сони 7,6 млрд. кишини ташкил этмоқда. Шунингдек дунёда ўртача умр кўриш давомийлиги деярли икки марта ошди, камбағаллик даражаси 3 мартадан кўпроқ камайди. Дунё аҳолисининг бундай ўсишига фан-техника борасида эришилаётган ютуқлар туфайли мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръати ва турмуш даражасининг яхшиланиши сабаб бўлди. Фан-техника ютуқлари иқтисодий ўсишни дунё аҳолиси ўсиши билан таққослаганда сезиларли даражада тез ўсишини таъминлади. Жумладан, XX аср давомида дунё аҳолиси 3,75 марта кўпайган бўлса, дунё ялпи ички маҳсулоти 18 мартадан ортиқ ошди.[9] Лекин шуни ҳам эътиборга олиш керакки, дунё аҳолисининг ошиши ва иқтисодий ўсиш мунтазам равишда атроф муҳитга

---

[8] Ўша манба. С.20.

[9]Historical and Statistic World Economy. Maddison Project. (2015). http://www.ggdc.net/maddison/Historical_Statistics/horizontal-file_03-2007.xls.

бўлган юкнинг ошиб боришига олиб келди. Сўнги юз йилликдаги аҳолининг сони ва иқтисодий фаоллигининг ошиши ҳисобига дунё океанининг оксидланиш даражаси деярли 1,2 мартага (2000 йилда 1900 йилга нисбатан) ошди, тропик ўрмонларнинг йўқотилиш даражаси 6 марта ошди, углерод оксиди чиқарилиши 1,5 мартага кўпайди[10]. Дунё аҳолиси иқтисодий фаоллигининг ошиши натижасида юз бераётган бундай иқлим ўзгаришлари ўрта муддатли истиқболда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ривожланиш ва эҳтиёжларни қондириш учун сезиларли миқдордаги углеводордларни талаб этувчи жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий соҳанинг жорий ҳолати ўзгартирилмаса 2030 йилдан 2050 йилгача бўлган муддатда инсоният 5 млн. кишини йўқотиши мумкин[11]. Иқлим ва глобал табиий тизимнинг ўзгариши инсон ҳаётининг барча жиҳатларига салбий таъсир кўрсатади ва мамлакатлар аҳолиси турмуш даражасини ёмонлаштиради.

Жаҳон ялпи истеъмолининг ўсиши чекланган ресурслардан фойдаланиш муаммосини келтириб чиқаради. Ресурсларнинг чекланганлиги, ер курраси ва океанда қанча миқдорда мавжудлиги уларга хос хусусият ҳисобланади. Назарий жиҳатдан минерал ресурслар узоқ вақт интенсив ишлатилиши оқибатида тугаши мумкин. Аммо ер куррасида мавжуд аксарият ресурсларнинг умумий ҳажми истеъмол қилинаётганидан минглаб, миллионлаб марта кўпдир. Мисол учун 1990 йилда саноат захираларининг ўртача йиллик истеъмолга нисбати темир рудаси бўйча 250 йилни, никель бўйича – 76, алюминий бўйича – 280, кумуш бўйича – 60, кўмир, табиий газ ва нефть бўйича – мос равишда 400, 71 ва 45 йилни ташкил этган. Қазиб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида хом-ашё захиралари миқдори камайиб бормоқда. Шу билан бирга саноат учун ишлатиладиган хомашёдан самарали, тежамкорлик билан фойдаланиш ва янги конларни қидириб топиш ресурсларни кўпайтиради. ХВФ маълумотларига кўра 2007-2015 йилларда нефть ва табиий газнинг аниқланган захиралари ўртача 1,2 мартага ошган[12].

Табиий ресурслардан оқилона ва барқарор фойдаланилмаслик натижасида вужудга келувчи салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида ривожланаётган минтақалар мамлакатлари ўз экологик тизимини, биологик хилма-хиллигини ва иқлимини яхшилаш учун ҳар йили 70-100 млрд. АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритишлари зарур. Шу билан биргаликда ривожланаётган минтақаларнинг инвестицион салоҳияти анча паст эканлигини эътиборга олиш зарур. Жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ушбу минтақалар учун стратегик муҳим бўлган (ер ости бойликларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш) соҳаларга йўналтирилмоқда. Бундан ташқари айрим ривожланаётган мамлакатларнинг миллий қонунчилиги хўжалик субъектларининг экологик ёки ижтимоий жавобгарлигини таъминламайди. Табиий ресурсларни эксплуатация қилиш борасидаги бундай агрессив ёндашув бутун замонавий цивилизация учун жиддий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

UNEP тадқиқотларига кўра жаҳон табиий ресурсларидан оқилона ва

[10] Ўша манба.
[11] UNEP. (2015), Publication UNEP. United Nations Environment Program. http://www.unep.org/climatechange/
[12] World Economic Outlook: Legacies, Clouds, Uncertainties. October 2014. IMF, 2014. P. 27.

самарали фойдаланиш келгуси авлод учун 2050 йилга қадар ҳар йили 2 трлн. доллар иқтисодий фойда олиш имконини яратади. Бу даврда дунё аҳолиси сони 28%га, аҳоли жон бошига ресурслардан фойдаланиш даражаси эса 71%га ортиши башорат қилинмоқда. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича қатъий чоралар ишлаб чиқилмас экан, металлар, биоёқилғи, минераллар ва бошқа ресурсларнинг йиллик истеъмоли 85 млрд. тоннадан 186 млрд. тоннагача кўпайиши мумкин. Иқлим ўзгаришининг олдини олиш учун сарфланаётган инвестициялар аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот улушининг 3,7%га қисқаришига олиб келгани ҳолда ресурслардан самарали фойдаланиш амалиётини жорий этиш ушбу йўқотишни қоплаб кетиши мумкин[13].

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) прогнозларига кўра, ҳозирги ишлаб чиқариш усуллари ва истеъмол даражаси сақланиб қолгани ҳолда 2050 йилда 2000 йилга нисбатан дунё флора ва фаунаси 61%дан 72%га қадар йўқотилиши, табиий ҳудудлар майдонининг 7,5 млн. кв км.и қайта тикланмайдиган даражада йўқ қилиниши мумкин[14]. 2015 йил Global Footprint Network лойиҳаси мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра ер ресурсларининг фойдаланиш, кейинчалик қайта тиклаш мумкин бўлган йиллик миқдори бор-йўғи 7 ой 13 кунда ишлатиб бўлинган[15].

Мавжуд вазиятда иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани қайта тикланадиган энергия ресурсларидан фойдаланишга ўтказишни энг оптимал ечим деб ҳисоблаш мумкин. Дунёнинг деярли барча минтақаларида қайта тикланувчи энергетика (қуёш, шамол, гидроэнаргетика ва биоэнергетика) секторидан фойдаланиш билан боғлиқ сезиларли салоҳият мавжуд. Жумладан, Халқаро қайта тикланувчи энергия агентлиги маълумотларига кўра, Канада ва АҚШ қайта тикланадиган энергия ресурсларидан мос равишда 96 636 ва 214 766 МВт энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни яратди. Россия ўзининг сезиларли даражадаги салоҳияти ва хилма-хил иқлими билан қайта тикланувчи энергия ресурсларидан фақатгина йилига 51 747 МВт энергия ишлаб чиқариш қувватларини ярата олди. Бразилия ва Хитой қайта тикланувчи энергия ресурсларидан мос равишда йилига 122 951 ва 545 206 МВт энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга туширди. Бу борада Африка мутлақо аутсайдер ҳисобланади. Чунки бутун Африка минтақаси қайта тикланувчи энергия ресурсларидан 38 192 МВт энергия ишлаб чиқариш қувватларига эга[16].

Мутахассислар “яшил” иқтисодиётни шакллантиришнинг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатишади[17]:

1. Қайта тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш. Экологлар таъкидлашича, барча ёқилғи қазилма бойликларнинг ярми ер шарида иқлимнинг

---

[13] http://web.unep.org/newscentre/smarter-use-resources-can-add-2-trillion-annually-global-economy

[14] Перспективы энергетических технологий. Сценарии и стратегии до 2050 г. / ОЭСР/МЭА ; WWF России ; ред. А. Кокорина, Т. Муратовой. – М., 2007. – 586 с.

[15] http://www.amic.ru/news/311549/

[16] IRENA (2017), Renewable capacity statistics 2017, International Renewable Energy Agency (IRENA), www.irena.org/Publications

[17] Иванова Н.И., Левченко Л.В. «Зеленая» экономика: сущность, принципы и перспективы. //Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2017. № 2 (58) с.20-21.

кескин ўзгариб кетишининг олдини олиш мақсадида қидириб топилмаслиги зарур.

Жаҳон хом-ашё бозорида рўй берган йирик цикл 2015 йилда ушбу ресурслар нархларининг кескин тушиб кетиши натижасида ўз ниҳоясига етганлигига қарамасдан энергия тежайдиган технологиялар тараққиёти жадал суръатларда давом этмоқда. Ушбу ҳолат дунё мамлакатларининг “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш борасида қабул қилган мажбуриятларига тўла мос келади. McKinsey мутахассислари технологияларнинг ривожланишида мўътадил ва жадал ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқишган. Мўътадил сценарияга мувофиқ 2035 йилга қадар энергиядан самарали фойдаланиш 43%га, жадал ривожланиш сценарияси бўйича эса 70%га ортиши башорат қилинмоқда. Энергиядан самарали фойдаланиш ҳисобига жаҳон иқтисодиёти миқёсида 100 млн. теражоулга тенг энергия ёки 0,2-1,2 трлн. доллар тежалиши мумкин. Яқин истиқболда XIX асрдан бошлаб энергия ишлаб чиқаришнинг етакчи манбаи ҳисобланган қазиб чиқариладиган ёқилғи-энергетика манбалари нисбатан қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига ўзгариб боради. 2030 йилга қадар жаҳонда электрэнерия ишлаб чиқаришнинг 36%и шамол ва қуёш электр станциялари ёрдамида амалга оширилади (1-расм).

2. Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш. Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда ҳар куни аҳоли жон бошига 1 кг.дан 3 кг.гача қаттиқ маиший чиқиндилар тўғри келади. Жумладан АҚШда ушбу кўрсаткич ҳар 10 йилда 10% га ортиб бормоқда. Россияда эса чиқиндилар тўпланадиган майдонлар 2 минг кв. км.дан ортиқ майдонни ташкил этади[18]. Шу билан бир вақтда чиқиндиларни оқилона бошқариш тизимини яратиш жиддий иқтисодий дивиденд келтириши мумкин. Мисол учун, Буюк Британияда 2005-2010 йилларда махсус дастурлар доирасида 7 млн. тонна чиқинди қайта ишланган ва улардан иккиламчи марта фойдаланилган. Бу эса 6 млн. тонна иссиқхона газларини атмосферага чиқариш, 10 млн. тонна бирламчи материаллар ва 10 млн. литр сувни тежаш имконини берди. Ушбу соҳада 8 700 нафар ишчи ўринлари яратилган.[19]

3. Сув ресурсларини бошқариш тизимларини такомиллаштириш. Ер шарида ҳар олтинчи киши ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда[20]. Бундан ташқари иқлим ўзгариши, сувнинг глобал табиий айланишининг фаоллашуви натижасида иқлими нам ҳудудларда намгарчилик янада ошиб бораётган бўлса, иқлими қуруқ минтақаларда қурғоқчиликлар авж олмоқда. Ҳозирги вақтда 3,6 млрд. киши (ер шари аҳолисининг деярли ярми) йилига бир ойдан кам бўлмаган муддатда сув танқислиги кузатиладиган ҳудудларда яшайди ва 2050 йилга қадар ушбу кўрсаткич 4,8 млрд. кишидан 5,7 млрд. кишигача

[18] Корнилов А. М. Зарубежный опыт управления отходами // Вторичное сырье. – URL : http://www.recyclers.ru/modules/section/item.php?itemid=56 (дата обращения: 22.02.2017).
[19] http://web.unep.org/newscentre/smarter-use-resources-can-add-2-trillion-annually-global-economy
[20] Кушнаренко А. Дефицит пресной воды: проблемы и способы решения // The WALL magazine. – URL : http://thewallmagazine.ru/lack-of-fresh-water/ (дата обращения: 15.01.2017).

ортиши мумкин[21].

**а) мўътадил сценарий** **б) жадал сценарий**




**биоёқилғи, геотермал энергия, шамол ва қуёш энергиялари.*

**1-расм. Жаҳонда энергия манбаларига бўлган талабнинг ўзгариш истиқболлари, млн. теражоул**[22]

4. “Соф”, барқарор “яшил” транспортни ривожлантириш. UNEP аҳолининг умумий ҳаракатига зиён етказмасдан транспортга, аввало хусусий транспорт воситаларига бўлган талабни қисқартириш устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

5. Қишлоқ хўжалигида органик деҳқончиликни ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигида гербицидлар, пестицидлар, заҳарли кимёвий моддалар ҳамда сунъий ўғитлардан фойдаланишдан воз кечиш таклиф этилмоқда. Органик қишлоқ хўжалиги глобал “яшил иқтисодиёт”нинг муҳим йўналиши сифатида дунёнинг 178 мамлакатида ривожлантирилмоқда. Органик ишлаб чиқариш учун ажратилаётган ер майдонлари ҳам йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2000-2016 йилларда 15,0 млн. гектардан 57,8 млн. гектаргача ёки 3,8 мартага ортди. Тадқиқот даврида жаҳон органик маҳсулотлар бозорининг ҳажми 5,2 мартага ошиб, 2017 йилда 89,7 млрд. долларни ташкил этди ва прогнозларга кўра 2020 йилга қадар 200 млрд. доллардан ошиб кетиши кутилмоқда (2-расм.).

---

[21]Всемирный доклад Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов, 2018 г.: Природные решения проблем управления водными ресурсами. Рабочее резюме http://unesdoc.unesco.org/images/0026/002615/261594r.pdf

[22] McKinsey Global Institute. Beyond the supercycle: How technology is reshaping resources. FEBRUARY 2017 маълумотлари асосида тузилган.

6. Уй-жой коммунал хўжалигида энергия самарадорлигини ошириш. Самарасиз иситиш тизимлари ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган уй-жойларнинг мавжудлиги иссиқликнинг сезиларли даражада йўқотишга олиб келади.

7. Экотизимларни сақлаб қолиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш. Инсон фаолиятининг барча турлари биомуҳитнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Ушбу ўзгаришларнинг йўналиши ва миқёсини экологик инқироз, деб баҳолаш мумкин.

8. “Яшил технологиялар”ни яратиш ва сотиш бозорларини ривожлантириш. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йилга бориб жаҳон экологик тоза асбоб-ускуналар бозори 4,4 трлн. евро (тахминан 6 трлн. долл.)га тенглашади. Бу ушбу бозорнинг ҳар йили ўртача 30%га ўсаётганлиги ва жаҳон ялпи ички маҳсулотига қўшаётган ҳиссаси 6-7%га қадар ортаётганлигини кўрсатади. Таҳлиллар, 2020 йилга келиб жаҳон экологик тоза асбоб-ускуналар бозори ҳажми икки бараварга, тегишли тармоқларда банд бўлганлар сони 4 мартага ва “яшил” иқтисодиётнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотига қўшган ҳиссаси эса 5%га ортиши кутилмоқда[23].




**2-расм. Жаҳонда органик қишлоқ хўжалигининг ривожланиш кўрсаткичлари[24].**

UNEP маълумотларига кўра 1990 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда уч хил шаклдаги капитал (табиий, инсон ва асосий ишлаб чиқариш капитали) бўйича

[23] Порфирьев Б. «Зеленая» экономика: реалии, перспективы и пределы роста // Фонд Карнеги за международный мир. – URL : http://carnegieendowment.org/files/WP_Porfiriev_web.pdf

[24] Willer, H. and Lernoud, J.(Eds.)(2017): The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends. FiBL&IFOAM – Organic International (2017): Frick and Bonn, 2017-02-20.; The World of Organic Agriculture. Statistics and Emerging Trends. FiBL&IFOAM – Organic International (2017) маълумотлари асосида тузилган.

дунёнинг турли минтақаларида фаровонлик даражаси сезиларли даражада ошди (3-расм).

Маълумки, иқтисодий ўсиш табиат ресурсларга юкнинг ортиши билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам Лотин Америкаси, Ғарбий ва Шарқий Европа, Россия, Осиё-Тинч океани минтақасида ҳар бир фоизи йўқотилган табиий капитал ҳисобига 2-3% дан ортиқ иқтисодий ўсишга эришилмоқда. Африкада эса табиий капитални йўқотиш даражаси иқтисодий ўсиш даражаси билан деярли бир хил. Ушбу ҳолат Африкада табиий ресурслардан интенсив фойдаланилаётганлиги ва табиий ресурслар инсон капиталинг жамғарилишига йўналтирилмаётганлигини англатади.




**3-расм. Дунё минтақаларида капитал жамғарилиши ўзгаришлари (2010 йилда 1990 йилга нисбатан % да)[25].**

Жаҳон банки маълумотлари таҳлили барқарор ривожланиш мақсадлари устун даражада юқори даромадли мамлакатларда амалга ошаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2014 йилда ИҲҲТ аъзоси ҳисобланган юқори даромадли мамлакатлар миллий бойлигининг 70%ини инсон капитали ташкил этгани ҳолда ИҲТТ аъзоси бўлмаган юқори даромадли мамлакатларда инсон капиталининг улуши 42%га тенг. Ушбу ҳолат мазкур мамлакатларда иқтисодий ривожланиш устун даражада табиий ресурслар ҳисобига таъминланаётганлигидан далолат беради (1-жадвал).

[25] Ўша манба.

*1-жадвал*

**Жаҳон миллий бойлигининг таркибида мамлакатлар гуруҳларининг ҳиссаси, фоиз ҳисобида, 2014 йил.**[26]

| Капитал турлари | Қуйи даромадли мамлакатлар | Ўрта қуйи даромадли мамлакатлар | Ўрта юқори даромадли мамлакатлар | Юқори даромадли мамлакатлар (ИҲТТга аъзо бўлмаган) | Юқори даромадли мамлакатлар (ИҲТТга аъзолари) | Жаҳон |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Жисмоний (асосий) капитал | 14 | 25 | 25 | 22 | 28 | 27 |
| Табиий капитал | 47 | 27 | 17 | 30 | 3 | 9 |
| Инсон капитали | 41 | 51 | 58 | 42 | 70 | 64 |
| Соф хорижий активлар | -2 | -3 | 0 | 5 | -1 | 0 |
| Жами миллий бойлик | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Жами миллий бойлик, трлн. долл. | 7,2 | 70,7 | 247,8 | 76,2 | 741,4 | 1143,3 |
| Жами миллий бойлик, аҳоли жон бошига, долл. | 13629 | 25948 | 112798 | 264998 | 708389 | 168580 |

Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти миллий иқтисодиётда истеъмол қилинаётган энергиянинг аксарият қисми тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётганлиги, ушбу ресурслар захирасининг чекланганлиги, саноатнинг жадал суръатларда ривожланиши оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, сув танқислиги, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, таркибий ўзгаришларнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ички ва глобал жараёнлар ҳамда муаммоларни ҳисобга олишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан “...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш” 2017−2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади[27]. Жумладан, 2017-2021 йилларда ушбу соҳа лойиҳаларига 1,9 млрд. доллар миқдорида инвестиция сарфланиши режалаштирилган. Умумий қуввати 500 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш учун 1,1 млрд. долл., мавжуд 8 нафар ГЭСлар ва 13 та янги кичик ГЭСлар қуриш учун 700 млн. долл. миқдорида инвестиция сарфланади[28].

Жаҳон банки мутахассислари фикрича, Ўзбекистон дунёдаги энергия сиғимкорлиги жуда юқори мамлакатлардан бири ҳисобланади. Масалан,

[26] Lange, Glenn-Marie, Quentin Wodon, and Kevin Carey, eds. 2018. The Changing Wealth of Nations 2018: Building a Sustainable Future. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1046-6. P.8

[27] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон фармони http://www.lex.uz

[28] Махмудов Р. Нормативная энергетика. //Экономическое обозрение, №5, 2017. С. 28.

мамлакат ялпи ички маҳсулотининг энергия сиғимкорлиги Қозоғистонга нисбатан 35%, Германияга нисбатан эса 3 баравар юқори. Мамлакатда истеъмол қилинаётган энергиянинг 40%га яқини ишлаб чиқариш жараёнида эски технологиялардан фойдаланаётган корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон ҳукумати 2030 йилга қадар миллий иқтисодиётнинг энергия сиғимкорлигини 50%га қисқартиришни режалаштирган. Жаҳон банки Ўзбекистон саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш учун мўлжалланган инвестицион лойиҳани молиялаштиришга 200 млн. доллар ажратди[29].

Ўзбекистонда барқарор ривожланишни таъминлашда "яшил" иқтисодиётнинг ролини кучайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим:

- аҳолини атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашаётганлиги ва унинг сабаблари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларга устуворлик бериш;
- атроф-муҳит муҳофазаси ҳолатини давлат томонидан бошқариш сифатини ошириш. Атроф-муҳит муҳофазаси ҳолатини яхшилашда реал иқтисодий рағбатлантириш (солиқ имтиёзлари ва б.) тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;
- "яшил" давлат хариди сиёсатини юритиш орқали экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришда "яшил" технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш;
- миллий иқтисодиётнинг энергия сиғимкорлигини пасайтиришда "яшил" технологиялардан самарали фойдаланиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида "яшил" инфратузилмага (жамоат транспорти, қайта тикланадиган энергия манбаларини ўзлаштириш, энергия самарадорлиги юқори бинолар қуриш ва б.) сарфланаётган давлат инвестициялари миқдорини ошириш.

Таклиф этилаётган тадбирлар миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш билан бир вақтда "яшил" иқтисодиёт асосида барқарор ривожланиш йўлига ўтиш имконини яратади. Миллий иқтисодиётни "яшиллаштириш" табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспорти миқдорини ошириш, таркибини диверсификациялаш ва миллий компанияларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

---

[29] https://nbu.uz/wp-content/uploads/Novosti-TSAMRIT-5-02-2018.pdf

Беркинов Б.Б,
ТДИУ “Макроиқтисодиёт”
кафедраси профессори, и.ф.д.

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШДАГИ РОЛИ

Маълумки, деярли барча дунё мамлакатларини иқтисодий сиёсатининг якуний натижавийлиги асосан аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш фаровонлиги ва яшаш сифатини оширишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда аҳоли бандлигини ва даромадларини барқарор ўсишини таъминлаш йўналишида кичик бизнес, ҳўнармандчилик (касаначилик) хусусан уни йирик саноат корхоналари билан кооперацияси, шунингдек оилавий тадбиркорлик асосий роль ўйнамоқда.

Статистик маълумотларга қараганда 2010-2016 йиллар мобайнида кичик бизнес (шу жумладан оилавий тадбиркорлик)нинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,5% дан 56,9%гача, саноатда эса мос равишда 13,6% дан 45% гача ошди. Бу натижаларга эришишда асосан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, шунингдек Ҳукумат томонидан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга[30,31,32] кенг йўл очилиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва турли имтиёз ва преференциялар берилиши, улар фаолиятига аралашувнинг кескин қисқартирилиши асосий омил сифатида хизмат қилди.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдадаги ЎРҚ-327–сонли Қонуни[33] қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон иқтисодий амалиётида аҳоли рационал бандлигини таъминлашнинг бутунлай янги институционал шакли жорий этилди. Мазкур қонун билан оилавий корхонани ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, оилавий корхонанинг ҳамда унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг ижтимоий муҳофазаси, оилавий корхона фаолияти эркинлигининг кафолат нормалари белгилаб берилди.

Оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ва шуғулланмоқчи бўлган фуқароларга янада қулай шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила бюджетлари даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ ҳунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий

[30] Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-327- сонли Қонун.
[31] “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июлдаги 225-сонли қарор таҳририда – ЎР ҚҲТ, 2012 й., 29-сон, 339- модда
[32] “Ҳунармандчилни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 20.11.2017й.
[33] “Халқ сўзи”, 2012 йил 27 апрель

тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлда 216–сонли қарори[34] қабул қилинди. Ушбу қарор билан “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланди.

Кичик бизнес субъектлари сонининг, шунингдек аҳолининг ўз фаолиятидан иштиёқмандлиги йил сайин муттасил ошиб бориши, жумладан 2010-2016 йиллар мобайнида деярли 19%га (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) ошиши, мазкур соҳанинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрнини ҳам беқиёслигини курсатмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда кичик бизнесда бандлар умумий аҳоли бандлигининг 78% дан юқорисини ташкил этади.

Кичик бизнес таркибида фаолият юритувчи хўжалик субъектларида 2000 йилда 745,3 минг киши банд бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 1386,9 кишини, 2010 йилда 1972,8 ва 2016 йилда 2180,4 кишини ташкил этган. Ёки шу даврда хўжалик субъеактларида бандлар сони қарийб 3 мартага ошган (1-жадвал).

1-жадвал

**Кичик бизнес ва якка тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши ва бандларнинг ўсиш динамикаси**

| Йил | Кичик бизнес субъектларининг ЯИМдаги улуши % | Шу жумладан | | Фаолият юритаётган субъектлар | Хўжалик юритувси субъектлардаги бандлар сони, (минг киши) |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Кичик корхона ва микрофирма | Якка тадбиркорлик | | |
| 2000 | 31,0 | 13,1 | 17,9 | 149,3 | 745,3 |
| 2005 | 38,2 | 25,1 | 13,1 | 268,6 | 1386,9 |
| 2010 | 52,5 | 32,7 | 19,8 | 201,7* | 1972,8 |
| 2015 | 56,5 | 35,0 | 21,5 | 226,0* | 2229,5 |
| 2016 | 56,9 | 35,2 | 21,7 | 233,3* | 2180,4 |

* Деҳқон ва фермер хўжаликларисиз

**Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитасининг йиллик статистик маълумотлари асосида ҳисобланган.**

Кичик бизнес хўжалик юритувчи субъектларида бандлар сонининг ошиб бориши, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар, шунингдек, якка тадбиркорлик ҳамда оилавий корхоналар сонининг ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳажмининг муттасил ошиб бориши натижаси ҳисобланади (2-жадвал). Ушбу жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ЯИМ ишлаб чиқаришдаги кичик бизнес субъектларининг улуши 2016 йилда 2000

[34] "Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами", 2009 йил, 30-31-сон, 347-модда.

йилга солиштирганда 112 мартага ёки 112406,8 млрд. сўмга кўпайган. Шу даврда якка тадбиркорлар улуши 41770,8 млрд. сўмга тенг бўлган. 2000 йилдан кичик корхоналар сони аввал қисқариб, 2016 йилдан яна ўсиб борган. Шу даврда микрофирмалар сони 65,8 фоизга кўпайган. Бу ушбу тоифага кирувчи кичик бизнес субъектларига давлат томонидан берилган имтиёзлар билан боғлиқ ҳисобланади.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар 2016 йилда уларнинг 1 бирлигига ҳисоблаганда ўртача 3090,8 млн. сўм ЯИМ маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу 2000 йилга нисбатан қарийб 162 мартага кўп. Битта якка тадбиркор эса шу даврда ишлаб чиқарган маҳсулоти (кўрсатган хизмати) 4,2 млн. сўмдан 205,4 млн сўмгача бўлган. Ёки ўсиш шу даврда қарийб 50 мартани ташкил этган.

**2-жадвал**

| Йил | Кичик бизнес субъектларининг ЯИМдаги улуши, млрд. сўм | | | Фаолият юритаётган | | Кичик бизнес субъектига тўғри келадиган ЯИМ (млн.сўм) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жаъми | Шу жумладан | | Кичик корхоналар сони | Микро-фирмалар сони | Кичик корхона ва микро-фирмаларда | Якка тадбиркор-ликда |
| | | Кичик корхоналар ва микрофирмалар | Якка тидбиркорлар | | | | |
| 2000 | 1009,2 | 426,5 | 582,7 | 22,3 | 127,0 | 19,1 | 4,2 |
| 2005 | 6082,7 | 3996,7 | 2086,0 | 18,1 | 250,5 | 220,9 | 8,4 |
| 2010 | 32753,8 | 20400,9 | 12352,8 | 20,0 | 181,7 | 1020,0 | 67,9 |
| 2015 | 96823,5 | 59979,1 | 36844,3 | 20,1 | 205,9 | 2984,0 | 178,9 |
| 2016 | 113416,0 | 70162,4 | 42353,5 | 22,7 | 210,6 | 3090,8 | 205,4 |

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитасининг йиллик статистик маълумотлари асосида ҳисобланган.

Бу мамлакатимизда якка тадбиркорлик, уй меҳнатини юритиш фаолияти йўналишларини янада кенгайтириш ва муносиб шарт – шароитлар яратиш, улар шаффофлигини таъминлаш зарур эканлигини кўрсатади.

Юқорида қайд этилган амалий чора-тадбирларни изчил амалга оширилиши натижасида қисқа муддат давомида, оилавий корхоналар сони қарийб 8689 тага етди, 2017 йилнинг ўзида эса 2326 та оилавий корхоналар давлат рўйхатига олинди (1-расм).

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 367,2 млрд.сум ёки 2015 йилга нисбатан 33,1%га кўп кредитлар ажратилди. Оилавий корхоналарнинг энг кўп қисми Фарғона вилоятига (1,6 мингта),Тошкент шаҳри (1.2 минг) ва Тошкент вилоятига (1,1 мингта) тўғри келади.




1-расм. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик субъектлари сони (дона)[35]

Статистик маълумотларга кўра, 2016 йилда оилавий корхоналар маҳсулотларини сотишдан соф тушум 679,3 млрд. сўмни ташкил этди. Битта оилавий корхонанинг маҳсулот сотишдан олган ўртача соф тушуми ҳажми 2012 йилда 27,6 млн сўм бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилда 5,1 мартага ошди (1-расм).




2-расм. Битта оилавий корхонанинг маҳсулотлар сотиш, хизмат кўрсатиш ҳамда ишларни бажаришдан тушган ўртача соф тушумнинг ўзгариш динамикаси, млн. сўм.

Битта оилавий корхона 2016 йилда махсулот сотишдан энг юқори олинган ўртача соф тушум 323 млн. сўм Тошкент шахрида эришилган. Ушбу кўрсаткичнинг энг пасти Сирдарё вилоятига (39,7 млн. сўм) тўғри келади.

Оилавий корхоналарда маҳсулот сотишдан энг катта тушум саноатдан (40,8 %), савдодан (33,1 %), яшаш ва овқатланиш хизматидан (11,1 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларидан (3,3 %), қурилишдан (3,0 %), ташиш ва сақлаш (0,8 %) ва бошқа иқтисодий фаолиятдан (7,9 %) олинди.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликка тегишли бўлган оилавий корхоналар сони ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми нисбатан паст бўлишига қарамасдан, уларнинг ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Бу мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш орқали аҳоли бандлиги ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш имкониятлар кенг эканлигини кўрсатади.

[35] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари ас

Ғ.Э.Захидов
ТДИУ, ўқув ишлари бўйича
проректори (PhD)

# МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма–босқич амалга оширилган иқтисодий ва институционалислоҳотлар жараёнида мамлакат ривожланишини белгилаб берувчи расмий қоидалар ва нормаларни ўз ичига олувчи тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити шаклланди. Шаклланган тадбиркорлик муҳити мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларига ҳамда янгича бошқариш тизимини барпо этилишига; моддий, табиий, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш эса иқтисодий ўсишга кучли таъсир кўрсатди. Натижада мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланди. Шу билан бир вақтда Ўзбекистонда “Ҳаракатлар стратегияси” тамоилларига ва устувор йўналишларига амал қилган ҳолда ривожланишнинг стратегик мақсадлари жаҳон андозаларига мослаштирилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Фармонлари, маърузалари ва чиқишларида белгилаб берилган барқарор иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларини амалда ижросини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг ҳудудларини янада ривожлантиришга асос яратмоқда.

Ўзбекистонда реал ЯИМ ва меҳнат унумдорлиги ўсиш динамикаси, аҳоли сонининг ўсиб боришига қарамасдан барқарор ўсиш тенденциясига эга. Бунда аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш 1991-1995 йилларда ўртача 6,8 фоиздан камайиб борган бўлса, 1996-2003 йилларда 2,9 фоизга, 2004-2008 йилларда ўртача йилига 6,8 фоизга ўсди. Ушбу кўрсаткич 2009-2016 йилларда йилига ўртача қарийб 8,0 фоизга тенг бўлган. Мамлакатимизда меҳнат унумдорлигининг муттасил ошиб бориши аҳоли реал иш ҳақининг ўсиш суръатларини тезлаштирди ва аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалишини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда ўзига хос ёндашувлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожланишининг муҳим йўналиши сифатида хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни устувор ривожлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланганидек, кичик бизнеснинг янги субъектларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини ҳар томонлама рағбатлантириш, кичик бизнес нуфузини ошириш, уларни қўллаб-кувватлашни фаоллаштириш ҳамда ҳимоя қилишнинг институционал нормалари янада такомиллаштирилди.

Шу билан бирга иқтисодий ўсишни барқарор суръатларини таъминлаш учун иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш

учун бошқариш усуллари такомиллаштирилмоқда. Иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, айниқса саноат ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ўсиши ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига эмас, балким сифат жиҳатда такомиллаштирилган ишлаб чиқариш кооперацияси ва кластер механизмларни жорий этиш ҳисобига эришилмоқда.

Мамлакатимизда ЯИМ ҳажмини оширишнинг прогноз вариатлари инновацион - инвестицион тавсифга эга бўлиб, уни амалга ошириш тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари иши самарадорлигининг асосий мезонига айланмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида саноат, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш ва шу каби бошқа йўналишларга йирик тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва бунга сармоядорларни қизиқишини орттириш учун мамлакат – ҳудуд – корхона поғоналарида инвестицион жозибадорликни ҳамда давлат бошқарув органлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун қуйидаги чораларни амалга оширишни фаоллаштириш зарур:

- иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва институционал модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш;
- иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорликни кенгайтиришни рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш;
- моддий-техника ресурслари ва тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизими институтларида трансакция харажатларини пасайтириш;
- аҳолининг асосий қатламини иқтисодий фаолликка жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш.

Хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчиликга инвестицияларни жалб қилиш ва ундан амалда фойдаланиш билан боғлиқ битимларни тузиш ва ижросини таъминлаш жараёнлардаги трансакция харажатларини пасайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига йўналтирилган инвестициялар ҳажми кўпайтириш ҳисобига соҳада йирик инвесторлар иштирокида қорамалчилик комплексларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, шаҳар олди ҳудудларида мева, сабзавот ва чорвачилик махсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган йирик агрохолдинглар ташкил этиш аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларга бўлган талабларини қондиришда самарали йўл ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни мамлакатимизга фаол жалб қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг ўз нисбий устунликлари, фойдаланилмаётган имкониятлари, ўсиш захиралари ва салоҳиятидан оқилона фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини ҳудудларнинг нисбий афзалликларини, улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омиллар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва охир-оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистонни янада ривожлантиришда халқаро алоқалар муҳим ўрин тутади. Шу йилнинг 16-19 октябрь кунлари Ўзбекистонда Россия Федерацияси билан иқтисодиёт, таълим ҳамда ҳудудларни ривожлантириш йўналишлари бўйича ўтказилган ўзаро ҳамкорлик форумлари нафақат мамлакатимиз тарихида катта воқеа сифатида қайд этилмоқда, балким бу форумлар Ўзбекистонни ривожланишида янги босқични бошлаб беради.

Ўзбекистонда Россия университетлари билан биргаликда олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, шубхасиз мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожланишга катта ижобий таъсир кўрсатади.

**Адабиётлар рўйхати**


1. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, ЎзР Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.12.2017 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Статистик маълумотлар тўплами. 2017 й.



ТГЭУ, зав. каф "Макроэкономика"
к.э.н., доцент Аскарова М.Т.


## НЕОБХОДИМОСТЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНКЛЮЗИВНОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ

Устойчивый экономический рост является главнейшим целевым ориентиром экономической политики многих стран мира. Одним из главных уроков современного мирового финансово-экономического кризиса является тот факт, что открываемые глобализацией и либерализацией экономические возможности сопровождаются опасными рисками, связанными с неустойчивостью потоков капитала, ростом долговой зависимости, усилением неравенства, ростом бедности, нестабильностью финансового сектора. Происходящие в мировой экономике трансформационные изменения, появление новых глобальных вызовов приводят к пересмотру ортодоксальных, чисто рыночных взглядов на  приоритеты и стратегии развития. Происходящие в мировой экономике трансформационные изменения, появление новых глобальных вызовов приводят к пересмотру ортодоксальных, чисто рыночных взглядов на  приоритеты и стратегии развития. Новейшей концептуальной инновацией в области стратегии развития является понятие инклюзивного роста. При этом концепция инклюзивного роста основана на том, что благосостояние общества является многомерным понятием, его уровень не должен измеряться только устойчивыми темпами роста реального ВВП и материальных доходов населения.

Республика Узбекистан в течение 2000-2013 гг. достигла значительного прогресса. Это стало возможным в рамках модели экономического роста, основанной на глубоких структурных реформах, масштабных инвестициях государства в развитие социальных секторов, стимулировании динамичного развития сектора малого бизнеса и частного предпринимательства и реализации региональных программ развития. В результате, несмотря на все сложности в экономике страны, удалось обеспечить баланс между важнейшими ключевыми целями развития: экономическим ростом на базе структурных реформ и повышением благосостояния всех слоев населения.

В этой связи хотелось бы отметить, что умеренный темп экономического роста может стать «новой нормой» для многих стран. Долгосрочные структурные вопросы, такие как дефицит энергии и инфраструктуры, а также высокая зависимость от мировых цен на сырьевые усиливают замедление роста в стране. Решения структурного характера, которые могли бы придать силу локомотивам роста лежат в области придания процессу развития более инклюзивного и устойчивого характера.

Как известно из зарубежного опыта, экономический рост сопровождается ростом неравенства в распределении доходов, прежде всего, в крупных развивающихся странах региона, а также медленным ростом устойчивой занятости. Кроме того, хотя в течение 1996-2016 гг. доступ к медицине, образованию и чистой питьевой воде улучшился, сохраняется неравенство в степени доступности данных услуг (инклюзивности) между мужчинами и женщинами, жителями городов и сельских районов и жителями разных регионов внутри одной страны.

В этой связи новейшей концептуальной инновацией в области стратегии развития выступает понятие инклюзивного роста. При этом концепция инклюзивного роста основана на том, что благосостояние общества является многомерным понятием, его уровень не должен измеряться только устойчивыми темпами роста реального ВВП и материальных доходов населения. Эмпирическими исследованиями доказано, что даже страны, имеющие одинаковый уровень средних доходов населения, могут существенно различаться по показателям «вовлеченности» и «качества жизни», т.е. возможности иметь работу, доступности образования и медицинских услуг, чистоты воздуха и питьевой воды, а также уровню социальной защиты и возможностям участия каждого человека в жизни общества. Таким образом, одного лишь параметра «устойчивости» для экономического роста недостаточно: рост должен быть инклюзивным. Поскольку термин «инклюзивность» является довольно сложным для измерения понятием, в настоящее время существует несколько подходов к многомерному определению инклюзивного роста.

Главными результатами инклюзивного роста в широком понимании являются важнейшие критерии человеческого развития: благосостояние, справедливость и расширение возможностей человека, его активное его участие в производстве и распределении благ. Одной из самых первых попыток расчета инклюзивного роста, включающего именно данные критерии, является методика

измерения *индекса инклюзивного роста*. Впервые данная методика была использована АБР в рамках разработки Стратегии 2020 для диагностики и мониторинга тенденций экономического роста в соответствии с целями инклюзивного развития в таких странах как Бангладеш, Индия, Индонезия, Камбоджа, Филиппины и Узбекистан.

Расчет индекса инклюзивного роста представляет собой составную оценку основных компонентов инклюзивного роста: прогресс страны в достижении экономического роста, продуктивной занятости, экономической инфраструктуры; прогресс в сокращении бедности и неравенства (включая вертикальное (по доходам), горизонтальное (разница в уровне жизни городского и сельского населения), а также гендерное равенство; человеческие возможности; социальная защита. Максимальное значение индекса инклюзивного роста – 10, при этом значение индекса инклюзивного роста от 1 до 3 рассматривается как неудовлетворительный прогресс инклюзивного роста, значение от 4 до 7 как удовлетворительный прогресс, значение от 8 до 10 как высший прогресс инклюзивного роста.

Поиск модели инклюзивного роста экономики начинает превращаться в задачу по поиску квадратуры политического круга. Ведь она предполагает значительное повышение госрасходов, особенно на образование, на пособия по безработице, на профессиональную подготовку, на здравоохранение.

На Всемирном экономическом форуме (ВЭФ) в Давосе был представлен новый показатель странового экономического развития — индекс инклюзивного развития (Inclusive Development Index, IDI). Согласно одной из ключевых идей ВЭФ, приоритеты экономической политики должны быть переориентированы на более эффективное противодействие незащищенности и неравенству, которые сопровождают технологические изменения и глобализацию. Именно устойчивый, всеобъемлющий прогресс, сопровождающийся ростом доходов населения наравне с ростом его экономических возможностей, уровня защищенности и качества жизни, должен быть признан главной целью экономического развития — а вовсе не рост ВВП.

Впервые на международном уровне учеными стран были принят индекс инклюзивного развития, который включает 12 параметров, объединенных в три группы, причем рост ВВП — это только один из них. Три основные части IDI:

1. рост и развитие (рост ВВП, занятость, производительность труда, ожидаемая продолжительность жизни);
2. инклюзивность (медианный доход домохозяйств, уровень бедности, коэффициент расслоения общества по доходам и коэффициент расслоения общества по распределению богатства);
3. межпоколенческая справедливость и устойчивость (уровень сбережений, демографической нагрузки, государственного долга и загрязнения окружающей среды).

Из показателей каждой группы рассчитываются сначала групповые индексы, а затем складывается итоговый — их среднее арифметическое.

Такой комплексный показатель, по мнению ВЭФ, отражает более целостную картину экономического развития, если его цель — устойчивое

повышение уровня жизни населения, а не просто увеличение производства товаров и услуг.

Если не обеспечивается инклюзивное развитие, то потенциальные темпы роста экономики, даже несмотря на рост ВВП, снижаются. Низкий показатель инклюзивного развития свидетельствует о наличии инфраструктурных проблем, недостатков в диверсификации экономики и угроз для инвестиционного климата. Таким образом, данный показатель может быть весьма полезен, в том числе, для инвесторов.

Тенденция развития экономики стран мира свидетельствует о том, что инклюзивная экономика и инклюзивный экономический рост в последние годы стали одной из ведущих тем в документах международных и наднациональных организаций (МВФ, ОЭСР, ЕБРР, Всемирного банка). И ожидается, что индекс инклюзивного роста со временем займет главенствующее положение в системе показателей оценки экономического развития стран.

Она включает в себя не только экономический компонент устойчивого развития, но и социальный с экологическим.

Отличительной особенностью данной стратегии является разделение реализации стратегических целей на два этапа.

*Первый этап* – 2016–2020 гг. Основная цель – переход к качественному сбалансированному росту экономики на основе ее структурно-институциональной трансформации с учетом принципов «зеленой» экономики, приоритетного развития высокотехнологичных производств, которые станут основой для повышения конкурентоспособности страны и качества жизни населения.

*Второй этап* – 2021–2030 гг. Главная цель – поддержание стабильной устойчивости развития, в основе которой – рост духовно-нравственных ценностей и достижение высокого качества человеческого развития, ускоренное развитие наукоемких производств и услуг, дальнейшее становление «зеленой экономики» при сохранении природного капитала.

В этой связи хотелось бы отметить, что в соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития республики Узбекистан в 2017-2021 годах требуется «обеспечение устойчиво высоких темпов роста валового внутреннего продукта за счет сохранения макроэкономической сбалансированности, углубления структурных и институциональных преобразований на основе реализации принятых среднесрочных программ». Для этого необходимо мобилизовать как традиционные источники роста, так и задействовать новые, более перспективные факторы развития, лежащих вне сферы сырьевых и добывающих отраслей нашей экономики.

Для дальнейшего обеспечения инклюзивности экономики страны в рамках выполнения стратегии нами рекомендуются следующие направления:

- качественное воспроизводство человеческого потенциала и эффективное его использование;
- ускоренное развитие высокотехнологичных производств и услуг, а также снижение энергоемкости ВВП

-совершенствование институциональной среды и формирование благоприятной бизнес-среды;

– рост экспортного потенциала;

– экологизация производства и обеспечение экологической безопасности.

В заключении хотелось отметить важную прикладную ценность представленной методики, которая, вбирая в себя множество аспектов развития, даёт возможность определить соответствие динамики экономического роста приоритетам инклюзивного развития. Важно подчеркнуть, что в концепции инклюзивного развития наряду с экономической модернизацией, технологическим прогрессом и структурной трансформацией *равноценными* компонентами являются социальная справедливость, политическая стабильность, расширение и равенство возможностей для всех членов общества. Однако существует необходимость совершенствования и унификации методологии расчёта индекса инклюзивного роста для развитых и развивающихся стран. На наш взгляд, в целях более полной качественной оценки проводимых в стране социальных и институциональных преобразований, в расчетах необходимо учитывать такие важные критерии инклюзивного роста, как макроэкономическая стабильность, устойчивость платежного баланса, степень деградации окружающей среды.

Turayev Nurbek
Lecturer of the Department of World Economy, TSUE

## DEVELOPMENT OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY OF UZBEKISTAN

The participation of the republic in international cooperation is determined by natural, economic, cultural, historical and other opportunities. Modern Uzbekistan has quite favorable conditions that contribute to the intensification of foreign economic relations. These include:

- large reserves of mineral, land and plant resources, unique soil and climatic conditions for the development of agriculture and processing industries;

- significant export potential, which, with appropriate investment of capital, production cooperation and joint investment, to form a production products;

- accumulated scientific potential, the existing infrastructure of the national economic complex, allowing to the wide world economic relations;

- relatively stable political situation in the republic with a relatively low cost of labor, ensuring mutually beneficial economic cooperation.

The World Bank Group’s Country Partnership Framework (CPF) for the period FY16–20 is aligned with Uzbekistan’s goal of achieving upper-middle-income status by 2030, by increasing the economy’s competitiveness, improving the business environment, and developing the infrastructure to support rapid job creation. In February 2017, the Government of Uzbekistan launched a comprehensive reform process with the adoption of the National Development Strategy for 2017–2021.

The World Bank’s program in Uzbekistan is being adjusted to better respond to the country’s new priorities and development vision. As of April 2018, the

International Finance Corporation's (IFC) total committed portfolio stood at US$52.7 million for nine projects, with investments in the financial sector and manufacturing. IFC's advisory services program is helping the country to develop its financial markets and infrastructure, expand its access to finance, upgrade the credit information sharing system, promote food safety, and increase water and power efficiency. IFC has launched a new six-year advisory program in Uzbekistan, focused on developing a sustainable cotton supply chain and on introducing modern, socially and environmentally sound cotton-growing technologies and farming practices in the country.

**Eurasia's Latest Economic Reboot Can Be Found In Uzbekistan**

Uzbekistan has become a hot spot on the map because of China's Silk Road initiative. The region's most populated country, once closed to the world, is now looking to reboot itself following generations of Soviet-style governing, and maybe take advantage of the region's new push forward. As a starter, its central bank has made first moves to make its currency, the sum, fully convertible, something that even Bloomberg noted on September 5. Over the years, they've managed to increase their rankings in The World Bank's Doing Business report. (They're number 87 out of 190 countries, which is better than Brazil at 123.)

**Figure 1**

**Uzbekistan GDP Annual Growth rate (2008-2018)**




***Source:*** *Official trading economics data*

The Gross Domestic Product (GDP) in Uzbekistan expanded 4.90 percent year-on-year in the first half of 2018. GDP Annual Growth Rate in Uzbekistan averaged 7.77 percent from 2006 until 2018, reaching an all-time high of 9.80 percent in the third quarter of 2007 and a record low of 3.60 percent in the first quarter of 2006[36].

[36] https://tradingeconomics.com/uzbekistan/gdp-growth-annual

Figure 2

**Uzbekistan GDP Per Capital (2008-2018)**




***Source:*** *Official trading economics data*

The Gross Domestic Product per capita in Uzbekistan was last recorded at 2031.05 US dollars in 2017. The GDP per Capita in Uzbekistan is equivalent to 16 percent of the world's average. GDP per capita in Uzbekistan averaged 1121.47 USD from 1987 until 2017, reaching an all-time high of 2031.05 USD in 2017 and a record low of 726.60 USD in 1996[37].

Figure 3

**Uzbekistan Exports (2008-2018)**




***Source:*** *Official trading economics data*

Exports in Uzbekistan increased to 13953 USD Million in 2017 from 12178.70 USD Million in 2016. Exports in Uzbekistan averaged 4200.85 USD Million from 2006 until 2017, reaching an all-time high of 14084 USD Million in 2014 and a record low of 1386.80 USD Million in 2006[38].

---

[37] https://tradingeconomics.com/uzbekistan/gdp-per-capita
[38] https://tradingeconomics.com/uzbekistan/exports

**Figure 4**

**Uzbekistan Imports (2008-2018)**




***Source:*** *Official trading economics data*

Imports in Uzbekistan increased to 13008.30 USD Million in 2017 from 12130.70 USD Million in 2016. Imports in Uzbekistan averaged 3423.15 USD Million from 2006 until 2017, reaching an all-time high of 13970 USD Million in 2014 and a record low of 999.70 USD Million in 2006[39].

Figure 5

External dept of Uzbekistan (2008-2018)




***Source:*** *Official trading economics data*

Total External Debt in Uzbekistan increased to 16282526 USD Thousand in 2016 from 14854025 USD Thousand in 2015. External Debt in Uzbekistan averaged 6008566.16 USD Thousand from 1992 until 2016, reaching an all-time high of 16282526 USD Thousand in 2016 and a record low of 59702 USD Thousand in 1992[40].

[39] https://tradingeconomics.com/uzbekistan/imports
[40] https://tradingeconomics.com/uzbekistan/external-debt

**Figure 6**

**Uzbekistan Government Revenues (2015-2018)**




***Source:*** *Official trading economics data*

Government Revenues in Uzbekistan increased to 33161.50 UZS Billion in the second quarter of 2018 from 14163.20 UZS Billion in the first quarter of 2018. Government Revenues in Uzbekistan averaged 14409.74 UZS Billion from 2006 until 2018, reaching an all-time high of 49684.80 UZS Billion in the fourth quarter of 2017 and a record low of 1206.70 UZS Billion in the first quarter of 2007[41].

**Figure 7**

**Uzbekistan Government Spending (2008-2016)**




***Source:*** *Official trading economics data*

Government Spending in Uzbekistan increased to 16979500 UZS Million in 2016 from 14641001.70 UZS Million in 2015. Government Spending in Uzbekistan averaged 8337377.71 UZS Million from 1990 until 2016[42].

[41] https://tradingeconomics.com/uzbekistan/government-revenues
[42] https://tradingeconomics.com/uzbekistan/government-spending

Figure 8

**Uzbekistan Balance of Trade (2008-2016)**




***Source:*** *Official trading economics data*

Uzbekistan recorded a trade surplus of 945.50 USD Million in 2017. Balance of Trade in Uzbekistan averaged 788.16 USD Million from 2006 until 2017, reaching an all-time high of 2024.80 USD Million in 2008 and a record low of -393.90 USD Million in 2008[43].

Notably, the Government of Uzbekistan has to be expanding structural reforms to a diversified industrial and agro-industrial economy, while also strengthening democratic and foreign economic activity as following directions:

✓ reduce regulatory burden for small to mid-sized business owners;

✓ reduce bureaucratic red tape for some inspection agencies;

✓ liberalize financial, taxation and customs systems (think China-style free trade zones);

✓ reforming laws that protect private business from the government.

In contrast an impressive array of institutional reforms to enhance macro-fiscal and financial resilience, creates markets, foster private sector participation, and improve the business climate. Meanwhile, Uzbekistan plays a pivotal role in developing an independent, stable, prosperous and democratic Central Asia that helps ensure regional and global security. As Central Asia's most populous country, with extensive natural resources and transportation links, Uzbekistan is a potential force for regional economic growth and stability. Emerging local and regional markets of Uzbekistan provides positive balance competitive goods and services.

Aziz Zikriyoev
Assistant teacher of the Department of World Economy, TSUE,
Anora Pashkulova
Faculty of Corporate Governance, TSUE

## STRATEGY OF ACTIONS ON FURTHER DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN TROUGH MACROECONOMIC STABILITY

Uzbekistan has seen few effects from the global economic downturn due to its relative isolation from the global financial markets, and continued its strong

[43] https://tradingeconomics.com/uzbekistan/balanceof-trade

performance, registering 8% growth in 2015. GDP growth was driven mainly by favorable trade terms for its key export commodities like copper, gold, natural gas, cotton, and government's macro-economic management (World Bank file, 2016). Although the global financial crisis has hardly affected the domestic financial sector directly, it has slowed exports, remittances, and investment due to slower economic growth in Russia, Kazakhstan and certain other Uzbekistan's large trading partner's[44].

***Economic Developments.***[45] In February 2017, the new government initiated a comprehensive reform program with the adoption of the National Development Strategy for 2017-21. This strategy reiterated the authorities' commitment to ensuring macroeconomic stability, improving the quality of life of households, and achieving inclusive growth, especially in rural and remote areas of the country. The Strategy includes five priority areas: improving public administration and state- building; ensuring the rule of law and judiciary reform; maintaining economic growth and liberalizing the economy; enhancing social safety nets; and ensuring security and implementing a constructiveforeign policy.

Under this development strategy, robust growth and job creation are expected to continue. Economic growth slowed from 7.8 percent in 2016 to 5.3 percent in 2017 due to FX adjustments, but strong investment has remained a key driver of growth. During 2018-19, the authorities expect economic growth to be around 6 percent, supported by favorable external demand and commodity prices, a pickup in agriculture due to reform measures and the normalization of harvests, and a buoyant construction sector building houses and public infrastructure.

**Picture 1**

**Nominal GDP, 2015-2019, (in trillions of sum)**




**Source:** IMF official data

***Exchange Rate Policy.*** A key economic reform was the liberalization of foreign exchange regulations in September 2017. The authorities unified the official and parallel market FX rates, depreciating the official exchange rate by 50 percent. As a result, individuals and entities can freely buy and sell foreign currency, and the

[44] See Guide to doing businessand investing in Uzbekistan2016 edition www.pwc.com/uz

[45] Statement by Christine Barron, Alternative Executive Director for Republic of Uzbekistanand Gwibeom Kim, Advisor to the Executive Director May 4, 2018

requirements for compulsory sale of foreign currency by exporters have been removed. The exchange rate is now determined by the market.

**Picture 2**

**Money and credit (Annual percent change)**



| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
|---|---|---|---|---|---|
| Reserve money | 20 | 22,2 | 84,8 | 15,4 | 14,5 |
| Broad money | 24,2 | 23,5 | 40,3 | 19 | 17,9 |
| Net foreign assets | 15,5 | 27,1 | 167,3 | -7,5 | 10 |
| Net domestic assets | 5,4 | 31,9 | 329,8 | -18,6 | 5,2 |
| Net claims on government | 14 | 14,5 | 107,8 | -5 | 12,1 |
| Credit to the economy | 23,3 | 28,4 | 103 | 24,5 | 15,2 |

**Source:** IMF official data

***Monetary Policy*. The Central Bank of Uzbekistan (CBU) has taken considerable steps to improve its monetary and exchange rate policies.**

Monetary policy was tightened before the start of the FX market reforms and the CBU has been able to effectively manage anti-inflationary policies and ensure the stable functioning of the banking system during this period of liberalization. Starting in 2018, the CBU has been implementing a new strategy based on the principle of foreign reserves neutrality. This aims to sterilize additional liquidity from the CBU's direct purchase of gold by supplying the appropriate amount of FX into the market.

**Picture 3**

**Real sector (Annual percent change)**




**Source:** IMF official data

***Fiscal Policy*.** Despite the challenges of reform, the authorities have continued their efforts to maintain a prudent fiscal policy, and tax reform is a top priority. The

authorities will conduct a tighter fiscal policy by reducing on-lending operations. They will also focus budget spending on mitigating the impact of the exchange rate adjustment on the vulnerable, supporting critical public enterprises to gradually converge toward greater sustainability and cost recovery, and sustaining the public investment program. The authorities have made significant efforts to consolidate on- and off-budget transactions in the fiscal data. They have recently launched tax reforms to improve the tax system and tax administration.

***Structural Reforms***. The authorities remain committed to their goal of achieving upper-middle-income status by 2030, by increasing the economy's competitiveness, improving the business environment, and developing the infrastructure to support rapid job creation. Broad structural reforms began in 2017. These included the FX market reforms, liberalization of the visa regime, more independence for the CBU, an assessment of banking sector resilience, the implementation of financial recovery plans in key SOEs, plans to resume the accession process to the WTO, and new legislation to promote competition and public-private partnerships. The recommendations of the consulting group on SOE governance will be ready in July, providing an opportunity to draw up a comprehensive plan to deal with SOE issues.

**Picture 4**

**Uzbekistan Interest Rate (2010-2018)**




**Source:** Official data of trading economics

The benchmark interest rate in Uzbekistan was last recorded at 16 percent. Interest Rate in Uzbekistan averaged 32.47 percent from 1994 until 2018, reaching an all time high of 300 percent in March of 1995 and a record low of 9 percent in January of 2015[46].

In conclusion five years strategic action plan of further development state program continued subdued new job creation, macroeconomic stability, investment attractiveness and providing prospective life of the country. Economic growth will be supported by almost all sectors for the continuous reforms in national economy. Hope gross investment projects by the government will become realized very soon.

[46] https://tradingeconomics.com/uzbekistan/interest-rate

Баева Ш.Х.
ТДИУ докторанти

# МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида ташқи сиёсат соҳасида хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларди натижаларга эришилди. Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти кундан кунга ривожланиб бормоқда. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш ҳозирги кунда жуда зарур ҳисобланади.

Хорижий ҳамкорликлар борасида  2017 йилда 21 та олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб  60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди. Қабул қилинган ҳужжат ва келишувларни ўз вақтида тўлиқ бажариш мақсадида 40 та “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва хорижий  ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.

“Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё-бош устувор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришилди. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар  мустаҳкамланмоқда. Туркманистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Қозоғистон билан стратегик ҳамкорлигимизни янада чуқурлаштириш борасида бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди, 2 миллиард доллар миқдорида иқтисодий битимлар тузилди. Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди. Қўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувлларга эришилди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди. Шунингдек, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам самарали битим ва келишувларга эришилди.Ўзбекистон Бирлашаган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда.Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро хамкорлик самарали тус олмоқда.

Ўзбекистон қисқа вақт мобайнида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича дунёнинг кўпгина мамлакатлари қаторида ривожланишда катта ютуқларга эришмоқда. Мамлакатда хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар яратилган, тўқимачилик, ахборот технологиялари, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, миненарал ўғитларни қазиб олиш ва қайта ишлаш каби соҳаларда ишга солинмаган улкан потенциал мавжуд. Бундай улкан потенциалдан фойдаланиш учун пахта толасини қайта ишлаш, минерал ўғитларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда хориж тажрибаси қўл келади, чунки кўпгина хориж мамлакатларида маҳсулотларни (минерал ўғитлар, озиқ-овқат, пахта толаси, ахборот технологиялари кабилар) қайта ишлаш корхоналари фаолияти яхши йўлга қўйилган. Бундай фаолиятдан корхоналар кўп фойда кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралда "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонига асосан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури қабул қилинди.[47]

Давлат дастурига кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгиланди:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;
2. Қонун устоворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;
4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;
5. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Буларнинг ичида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, иқтисодий ривожланишни таъминлаб беради. Халқаро андозаларга мос равишда ҳукумат, барча вазирлик ва идоралар ҳамда Марказий банк томонидан макроиқтисодий кўрсаткичлар, давлат бюджети ижроси, пул муомаласи ва олтин-валюта захиралари ҳолати тўғрисидаги барча статистик ва таҳлилий маълумотларнинг доимий равишда очиқ чоп этиб борилиши йўлга қўйилди. Хориж тажрибалари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун максимал қулай шароит яратиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида хориж мамлакатларидаги каби хусусий секторнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш лозим деб ҳисоблаймиз, чунки хусусий сектор кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг янада ривожланишига таъсир кўрсатади.

[47]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.02.2017 даги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947 сонли Фармони.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг яна бир ўзига хос устувор йўналиши давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бунда, энг аввало, хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат мулкини бошқариш услублари тамоман ўзгартирилиб, қуйидаги ижобий натижаларга эришилди:

биринчидан, корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги қўллаб-қувватлашнинг янги амалиёти жорий этилди, ишламаётган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда давлат томонидан кўмаклашиш йўлга қўйилди. Тадбиркорлик субъектларига фаолият юритмаётган ва тўлиқ қувват билан ишламаётган корхоналар майдонларида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш имконияти берилди. Бу эса, юқори қийматдаги инвестцияларни ўзлаштириш ва минглаб иш ўринларини ташкил этиш имкониятини берди. Ушбу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш махсус жамғармаси ташкил этилди ва ушбу жамғарма томонидан тегишли кредит линиялари очилди.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда тадбиркорлик соҳаси ҳам ривожланмоқда. Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз-кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат".[48]

Давлатнинг иқтисодиётидаги иштирокини қисқартириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, аввал хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат мулкини бошқариш услублари тамоман ўзгартирилди.

Тадбиркорлик субъектларига инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини яратиш мажбурияти билан давлат мулкини "ноль" харид қийматида бериш амалиёти сезиларли кенгайтирилди. Шу жумладан, тадбиркорларга 509 та объект "ноль" харид қийматида хусусий мулк сифатида берилди, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш мақсадида, 639,8 млрд. сўм инвестиция киритилди, 10,9 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда вилоят ва унинг туманларида фойдаланилмаётган объектлар ва ер участкалари ҳам маълум миқдорда борлиги кузатилади. 2017 йилда фаолият юритмаётган, бўшаб ётган ва самарали фойдаланилмаётган йирик объектлар ва ер участкаларида янги кичик саноат зоналари яратилди. Шу жумладан, 75 та кичик саноат зоналари яратилди, умумий қиймати 510 млрд.сўм бўлган 1021 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. Республикамизда кўпгина ислоҳотлар амалга оширилмоқда, шу билан бирга иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш учун қуйидагилар тавсия этилади:

- жадал ишлаётган корхоналарни давлат томонидан рағбатлантириш ва уларга имтиёзлар бериш ;

---

[48]. 2017 йил – шиддатли ислоҳотлар йили. – Т.: "Адолат", 2018. – 41 б.

- республикамизда қайта ишлаш саноатини йўлга қўйишда қайта ишлаш корхоналари сонини кўпайтириш яхши натижалар беради, бунда хориж тажрибаларидан фойдаланиб ҳамкорликдаги корхоналарни ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда тадбиркорлар учун кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратиш.

Ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий ривожланиб боришида хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланади. Хориж тажрибаси кўп ҳолларда мамлакат ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, кичик саноат худудларини ҳамда қайта ишлаш саноати корхоналарини ташкил этиш ва бунда халқаро андозалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритиш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожанишига ва дунёдаги мавқеини янада ошиб боришига олиб келади.

Норбоев О.А.
ТДИУ кат.ўқ

## БОЗОР ТИЗИМИДА ТУРЛИ МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ТАРКИБ ТОПИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ

Мулкнинг тузилиши ва шакли хилма-хиллиги сабабли, бу мулкни ўзлаштирувчи юқорида кўрсатилган субъектлар ҳам турли даражада бўлади. Масалан, давлат мулкининг бевосита субъектлари республика ҳокимияти ва бошқарув органлари, давлат корхоналари ва муассасалари ҳамда уларнинг меҳнат жамоалари аъзолари бўлиши мумкин.

Жамоа мулк субъектлари (тасарруф этувчилар) сифатида жамоа корхоналари, коперативлар, хўжалик жамияти ва ширкатлари, акционерлик жамиятлари, хўжалик бирлашмалари (уюшмалари), жамоат ва диний ташкилотлар бўлиши мумкин.

Аралаш мулк, яъни ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг мулки ҳам мавжуд бўлиши сабабли, бу мулк субъектлари сифатида қўшма корхоналар, хорижий фуқаролар, хорижий ташкилотлар ва хорижий давлатлар чиқади.

Шундай қилиб, мулк субъектлари кўп даражали бўлиб, шу субъектлардан биронтаси ўзини мулк эгаси сифатида юзага чиқара олмаса, унда мулкчилик муносабатлари расмий ва юзаки тус олади.

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шаклларининг хилма-хил бўлишини талаб қилади, чунки товар муайян мулк объекти бўлгандагина олди-сотди қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади», деб таъкидланади.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида бу мулк ўз ичига давлат мулкидан ташқари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва матлубот соҳаларидаги жамоа мулкининг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкини, уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларнинг шахсий мулкини, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк шаклларини ва хусусий мулкларни олади.

Шу сабабли «Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида»ги қонунида турли-туман мулклар қуйидаги мулк шаклларига киритилади: давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк. Бу мулкчилик шаклларининг турли мезонлар асосида таснифланиши расмларда келтирилган.




**1-расм. Мулкчилик шаклларининг таснифланиши**




**2-расм. Мулкчилик шаклларининг турли мезонлар бўйича таснифланиши[49]**

[49] Манба: Основы экономической теории. Политэкономия: Учебник / Под ред. д-ра экон. наук, проф. Д.Д.Москвина. – М.: Едиториал УРСС, 2003, с.53.

Мулкчилик турли шаклларининг мавжуд бўлиши ва уларнинг иқтисодий мезони, аввало, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг умумлашуви даражаси билан боғлиқ. Шу билан бирга мулкчилик шакллари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳолати, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ташкилий-иқтисодий муносабатларининг етуклик даражаси билан мос келиши зарур.

**1-жадвал**

**Мулкчиликнинг асосий шакллари мазмунини тавсифловчи жиҳатлар**

| *Мулк шакллари* | *Асосий тавсифи* | *Шаклланиш манбалари ва йўллари* | *Аниқ намоён бўлиш шакли* |
|---|---|---|---|
| Давлат мулки | Мулкка эгалик, фойдаланиш ва уни тасарруф этишнинг давлат томонидан амалга оширилиши | - хусусий мол-мулкни миллийлаштириб, давлат қўлига олиш;<br>- давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш;<br>- давлатга қарашли корхона ва ташкилотларда инвестицияларни амалга ошириш | Давлат корхона ва ташкилотлари мулки, республика ва муниципал мулки |
| Жамоа мулки | Муайян мақсад йўлида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларнинг ҳамжиҳатлик билан ўзлаштирилиши | - корхона жамоаси томонидан давлат мулкини сотиб олиш;<br>- бадалларни жамлаб, янги корхонани ташкил этиш;<br>- акция чиқариш ва сотиш | Кооперативлар, ижара ва жамоа корхоналари, акционерлар жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, жамоа ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг мулки |
| Шахсий мулк | Фуқароларнинг шахсий ёки оилавий эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган мулк | - шахс ёки унинг оила аъзоларининг меҳнати;<br>- дивиденд;<br>- банк фоизи;<br>- хусусий соҳибкорлик даромади | Турар жой, боғ-ҳовли ва уйлар, транспорт воситалари, пул жамғармалари, уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари, ишлаб чиқариш воситалари, ҳосил қилинган маҳсулот ва ҳ.к. |
| Хусусий мулк | Айрим соҳибкорларга қарашли, ёлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулк | - ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш асосида мустақил хўжалик юритиш;<br>- давлат корхоналари, кооператив фирмалар, магазин, ошхона ва шу кабиларни сотиб олиш | Хусусий шахсларнинг турли кўринишдаги мол-мулклари, хусусий корхоналар мулки ва бошқалар |

Турли шаклдаги мулкларнинг бирикиб кетиши натижасида аралаш мулк пайдо бўлади. Бу мулк алоҳида олинган объектнинг турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мулкчиликнинг турли хил шаклларини вужудга келтириш асосий мақсад эмас. Бу фақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, ташаббускорлик ва соғлом рақобатни вужудга келтириш учун қулай муҳит яратишга қаратилгандир.

Мулкчилик шаклларининг турли-туманлиги ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий негизи бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, давлат ва жамият қурилишида ҳақиқий мулкдорлар синфининг тутган ўрнига қараб жамиятдаги умумий барқарорлик ва мустаҳкамлик қарор топади. Маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ўзгартириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш ишлаб чиқарувчининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида мулкчиликнинг барча таркибий тузилмаси ва уни рўёбга чиқариш шаклларида чуқур ўзгаришларни тақозо этади. Мамлакатимизда ҳар бир алоҳида шахснинг манфаатларини амалга оширишнинг самарали механизмини ҳамда қулай муҳитини яратмай туриб янгиланиш ва тараққиёт йўлидан бориб бўлмас эди. Шу сабабли Ўзбекистон иқтисодиётида бозор ислоҳотларини амалга ошириш ҳақиқий мулкдорлар синфини қарор топтириш ва ривожлантириш муаммолари билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши мамлакатимиздаги бозорларни зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан тўлдириш, янги ишчи жойларини яратиш, ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳақиқий мулкдорлар синфининг қарор топиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий негизнинг шакллантирилиши 1991 йил февралда «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан бошланди. Мазкур қонун:

- мамлакатда тадбиркорликнинг қарор топиши, амал қилиши ва ривожлвнишининг ҳуқуқий асосларини белгилаш;

- тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий эркинликларини таъминаш;

- тадбиркорларнинг бошқа корхона ва ташкилотлар, давлат бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатларини кафолатлаш;

- мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини танлаш эркинлиги, уларнинг амал қилиш тенглиги, ўзаро ҳамкорлиги ва эркин рақобатини таъминловчи шарт-шароитларни яратиш имконини берди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурини босқичма-босқич амалга ошириш натижасида 1991-2000 йилларда 83,5 мингдан ортиқ давлат мулки объектлари хусусийлаштирилган бўлса, 2001-2014 йиллар мобайнида 10700 га яқин давлат тасарруфидаги корхона ва объектлар хусусийлаштирилиб, улардан тушган пул маблағлари ҳажми 797,8 миллиард сўмни ташкил этди. Саноат маҳсулотларининг қарийб 85% и, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг салкам 100% и, чакана савдо айланмаси эса тўлиқ ҳолда ана шу сектор ҳиссасига тўғри келди. Бу рақамлар ортида миллионлаб оддий меҳнат кишилари турганлигини эътиборга олсак, масаланинг туб моҳияти, яъни инсоннинг мулкка эга бўлиши

натижасида меҳнатга муносабатнинг қай даражада яратувчанлик омилига айланаётганини яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган марралар, истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, жаҳон бозоридаги реал ва юзага келиши прогнозлаштирилаётган вазиятлардан келиб чиқиб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи қатор дастурлар амалга оширилмоқда. “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури”, “Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури”, “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури”, “2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш дастури”, “2015 — 2016 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури”, “Корпоратив бошқарув тизимида тамойиллар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш чора-тадбирлари дастури”, “2015 — 2019 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастури” кабилар шулар жумласидандир.

Ушбу дастурларни амалга ошириш иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни янада кенгайтириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилишни, саноатни янада ривожлантириш ва унинг рақобатдошлигини оширишни таъминлайди, республикада иқтисодиётни изчил ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуши сифатини оширишнинг энг муҳим асоси сифатида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

А.Темиров, доц. кафедры «Банковское дело»
А. Холматов, магистр ТГЭУ.

## СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В национальной экономике банковская система является важнейшим институтом, обеспечивающим общую экономическую стабильность и безопасность ее развития. Мировой опыт свидетельствует, что полноценное развитие банковской инфраструктуры дает решающий импульс росту национальной экономики. Через банковские системы образуются крупнейшие инвестиционные ресурсы и государства заинтересованы в их направлении на нужды национальной экономики.

Как отметил Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев, “В развитии экономики важную роль играет надежная и стабильная банковско-финансовая система. Без повышения доверия к ней населения и субъектов предпринимательства мы не сможем полностью освободиться от «теневой»

экономики.[50]” В реализации в 2018 году намеченных задач по развитию банковской системы основное внимание необходимо уделять обеспечению плодотворного и взаимовыгодного сотрудничества между банками и субъектами предпринимательства, в частности в кредитных отношениях.

В настоящее время в Узбекистане действует двухуровневая банковская система. В нее входят Центральный банк Республики Узбекистан и кредитные организации, к которым относятся коммерческие банки и небанковские кредитные организации, а также филиалы и дочерние банки иностранных банков. Часть коммерческих банков, организованных на базе бывших государственных специализированных банков, даже войдя в этап подлинной экономической самостоятельности и провозгласив курс на универсализацию своей деятельности, сохранили за собой не только собственный экономический потенциал и создававшуюся на протяжении многих лет инфраструктуру, но и свою клиентуру и своеобразие выполняемых функций по ее обслуживанию.

Развитие сети новых банков частным капиталом является другим приоритетным направлением в реформировании банковского сектора Узбекистана. Стимулирование развития частных банков в республике способствовало повышению конкуренции, улучшению качества предоставляемых банковских услуг, эффективному рыночному распределению финансовых ресурсов. Это, в свою очередь, должно позитивно сказаться на процессах развития и стимулирования частного предпринимательства в стране.

Развитию конкуренции на финансовом рынке также способствует открытие банков с участием иностранного капитала. На сегодняшний день в пяти банках республики участвует иностранный капитал.

Функции надзора за кредитными организациями в стране возложены на Центральный банк Республики Узбекистан, который призван осуществлять постоянный контроль за соблюдением коммерческими банками банковского законодательства, нормативных актов Центрального банка.

При осуществлении реформ в банковской системе основное внимание было уделено обеспечению качественного исполнения поставленных задач по дальнейшему совершенствованию денежно-кредитной политики, внедрению рыночных механизмов валютного регулирования, укреплению финансовой стабильности коммерческих банков и повышению доверия населения к банковской системе на основе передового международного опыта.

Комплексные меры по либерализации валютной политики и валютного рынка, осуществленные в 2017 году, несомненно, стали одними из важнейших реформ в денежно-кредитной сфере. В течение 2017 года Центральным банком и Правительством страны была осуществлена масштабная работа по подготовке к либерализации валютной политики. Начиная с сентября 2017 года, был внедрен механизм определения обменного курса национальной валюты на основе спроса и предложения на иностранную валюту в экономике, а также были отменены ограничения по покупке, продаже и распоряжению

[50] Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. –Т.: Узбекистан, 2018.-96 с.

валютными средствами, ранее установленные для населения и субъектов предпринимательства.

Реформы в сфере валютной политики, в свою очередь, стали одним из факторов, стимулирующих рост объемов экспорта и повышения его конкурентоспособности. В отчетном году при осуществлении денежно-кредитной политики основное внимание уделялось снижению инфляционного давления в экономике и предотвращению инфляционных рисков, связанных с либерализацией валютной политики, за счёт обеспечения умеренных темпов роста денежной массы.

Высокий уровень капитализации коммерческих банков считается одним из основных критериев устойчивости банковской системы и является уровнем обеспеченности банков собственными средствами. Высокий уровень капитализации банков создает необходимые условия для удовлетворения потребности национальной экономики в финансовых ресурсах, а также для надлежащей защиты вкладов населения и средств кредиторов. В результате проведенных мероприятий по повышению капитализации банков совокупный капитал коммерческих банков в течение 2017 года вырос в 2,3 раза, и на 1 января 2018 года составил 20,7 трлн. сумов, в том числе общий размер уставного капитала увеличился в 2,8 раза и составил 16,3 трлн. сумов. При этом капитал банков с государственной долей вырос на 11,7 трлн. сумов[51].

При проведении денежно-кредитной политики основное внимание уделяется снижению влияния на уровень инфляции монетарных факторов, возникших в результате резкого роста объемов банковского кредитования, а также снижению инфляционных рисков в период либерализации валютного рынка.

Меры денежно-кредитной политики были направлены на поэтапное усиление действенности и повышение эффективности её инструментов. Предпринятые меры по либерализации валютного рынка послужили основой для совершенствования механизмов денежно-кредитной политики Центрального банка. В частности, было принято Постановление Президента Республики Узбекистан от 13 сентября 2017 года №ПП-3272 «О мерах по дальнейшему совершенствованию денежно-кредитной политики». Утвержденный данным постановлением комплекс мер по дальнейшему совершенствованию денежно-кредитной политики на 2017-2021 годы способствовал повышению роли денежно-кредитной политики в обеспечении макроэкономической стабильности и устойчивости национальной валюты. В целях обеспечения устойчивости внутренних цен в среднесрочной перспективе были определены задачи по поэтапному переходу на режим инфляционного таргетирования, который широко применяется центральными банками развитых стран.

Сегодня перед банковским сообществом Узбекистана стоит много непростых задач, но перспектива развития этого сектора представляется весьма

[51] Отчет Центрального банка Республики Узбекистан за 2017 г

оптимистичной. Естественно, что столь необходимое развитие банковской системы не произойдет само по себе, а будет результатом повышения эффективности банковской бизнеса, дальнейшей ее либерализации, которые, в конечном итоге, и создадут реальную основу для обеспечения устойчивого роста всей экономики.

“Корпоратив бошқарув”кафедраси
ассистенти Исмаилов Аллаёр Рашидович
Корпоратив бошқарув факультети талабаси
Мамадалиев Позилжон Мансуржон ўғли

## ЎЗБЕКИСТОНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг тизимини ривожлантиришдан асосий мақсади акциядорлик жамияти барқарор ривожланиши учун самарали бошқариш тизимини яратишдан иборат. Унинг вазифалари эса акциядорлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият бошқарув органлари ваколатларини аниқ белгилаган ҳолда шакллантириш, инвестицион жозибадорликни ошириш, маълумотларни тезкорлиги ва ҳақиқийлигини таъминлашга қаратилган.

Яна бир муҳим жиҳати корпоратив бошқарувда шаффофлик ва ҳаллоллик, ҳисобдорлик ҳамда масъулиятлиликдан иборат тамойилларга таянилади. Бундай бошқарув жорий қилинганда ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланади, пул маблағларидан оқилона фойдаланилади, меҳнат унумдорлиги кўтарилади, инвестицион ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш учун керакли маблағларни жалб қилиш ҳамда жамият рентабеллик даражаси юксалади.

Акциядорлик жамиятларида мулк эгалари яъни акциядорлар жамият бошқарувидан ажратилган. Мулк эгалари ўзларининг мулкини бошқарув хуқуқларини ёлланма менежерларга топширганлар. Менежерлар фаолиятини назорат қилиш эса корпоратив бошқарув органлари  таркибига кирувчи институтлар зиммасига юклатилган. Акциядорлар умумий йиғилиши кузатув (ёки директорлар) кенгаши, тафтиш комиссияси, корпоратив котиб, корпоратив бошқарув институтлари ҳисобланади.

Иқтисодиётмизни барқарор ривожлантириш йўлларидан бири сифатида корхоналарда самарали корпаратив бошқарувни тизимини такомиллаштириш хисобланади.

Мамлакат реал сектор корхоналарида корпапратив бошқарувни такомиллаштириш миллий иқтисодиёт ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Чунки корхоналарда амалга оширилган самарали корпаратив бошқарувнинг натижаси ҳам миллий, ҳам глобал миқёсда кўринади. Чунончи корхона миқёсида-самарали корпоратив бошқарув корхона учун акциядорлар ва барча манфаатдор шахслар манфаатларини ҳимоя қилишда юқори фойда олишни таъминлайди. Мамлакат миқёсида самарали корпаратив бошқарув хусусий сектор фонд бозори ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишига имкон беради.

Глобал миқёсда самарали корпаратив бошқарув молиявий-иқтисодий инқирознинг юзага келиш ва ривожланиш бориш хавфини камайтиришга имкон беради.

Корпоратив бошқарув тизими корхоналарга ва шу билан бирга миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш узоқ муддатли иқтисодий ривожланиш ва турли соҳаларда рақобатбардошликни таъминлаш асосини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Буни яна қуйидагилар билан кенгроқ изохлаш мумкин.

- корхона фаолиятида ошкоралик ва шаффофликни амалиётга киритиш, бухгалтерия хисоби ва аудит принципларидан тўла фойдаланиш шартномаларни жойлаштириш тартиботини ва корхонанинг бошқа фаолият турларини олиб боришда яхши корпоратив бошқарув корхонада коррупция муносабатларини йўқ қилиб ташлайди. Чунки коррупция корхона ресурсларини оздириб қўяди, унинг рақобатбардошлигини йўқотади ва инвесторларни корхонага инвестиция киритиш йўлидан қайтаради.

- корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш корхонани бошқариш сифатини ошишига олиб келади корхона раҳбарлари ва кузатув кенгашига корхона фаолиятининг пухта ўйланган стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради, корхона бошқарувчиларини корхона фаолияти натижалари билан боғланган ҳолда мукофотлашни таъминлайди. Корпоратив бошқарувга бундай амалиётни жорий этиш корхоналарга ўзаро манфаатли шартлар асосида инвестицияларни жалб қилишга хамда корхона фаолиятининг умумий самарадорлигини ошишига ёрдам беради.

- инвесторлар ва кредиторларга нисбатан ошкора муносабатда бўлиш орқали мустаҳкам корпоратив бошқарув тизими ҳатто акциядорлик корхоналарининг акциялари фонд бозорларида фаол бўлмаган мамлакатларда ҳам молиявий инқирозни олдини олишга ёрдам беради. Банкротлик тамойилини тартибга солиш қоидаларини жорий қилиш ҳам корхона барбод бўлишига тез таъсир қилиш усулларини пайдо бўлишига имкон беради. Акс ҳолда эса муайян банкротлик тарғиботи айниқса хуқуқни қўллаш механизмининг мавжуд бўлмаслиги инсайдерларга ночор корхонанинг қолган активларини ўз фойдаларига йўналтирилиши мумкин. Бундай амалиёт кўпгина ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида хусусийлаштириш дастурларини амалга ошириш жараёнида кенг тарқалган.

Бу эса бизга маълумки ниҳоятда салбий натижаларга олиб келган.

- корпоратив бошқарув тизимига эга бўлган ҳамда миноритар акциядорлар манфаатларини кучли ҳимоя қилиш воситаларини йўлга қўйган мамлакатлар анча ликвидли бўлган капитал бозорларига эга бўлишади. Заиф ҳимоя механизмига эга бўлган мамлактларда кўпгина корхоналар ҳукмрон инвесторлар томонидан назорат қилинади ва бундай мамлакатлар кенг мулкчилик базасига эга бўлмайди. Махаллий ёки хорижий майда инвесторларни жалб қилишни мақсад қилиб қўйган мамлакатларда корпоратив бошқарув тизимининг мавжуд бўлиши салоҳиятли инвесторлар маблағларини жалб қилишга катта роль ўйнаши мумкин. Умуман олганда бундай инвесторлар миллий иқтисодиётга узоқ

муддатли йирик инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

- корпоратив бошқарув тизимини жорий ишончини мустахкамлайди ва мамлакат учун қўйилган инвестициялар хисобидан юқори фойда олишни таъминлайди, бу эса, ўз навбатида миллий иқтисодиётда бандлик ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

- самарали корпоратив бошқарув тизими доирасида корхона ишловчилари манфаатлари инобатга олинган холда корхонадаги ижтимоий мехнат муносабатлари тўғри йўлга қўйилади. Корпоратив бошқарув тизими корхона рахбарларининг ишловчилар билан ўзаро муносабатларни олиб бориш тамойилларига (мехнат қонунчилигига шу жумладан мехнатни мухофаза қилиш ва гигиена нормаларига риоя қилиш, ишга қабул қилиш, мехнатга хақ тўлаш, ходимларни хизмат бўйича кўтариш, аниқ тартибнинг мавжудлиги, касаба уюшмаси фаолиятида иштирок этишда ишловчилар хуқуқларини хурмат қилиш кабилар) риоя қилишга ундайди. Корхона корпоратив бошқарув тизимининг ижтимоий меҳнат муносабатларини инобатга олиши миллий иқтисодиётда бандлик муаммоларини ҳал қилишда ёрдам беради.

Бугунги кунда Республикамизда 600 дан ортиқ акциядорлик жамиятлари фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда ана шу корпоратив тузилмаларда корпоратив бошқарувни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари амал қилмоқда. Улар хорижий мамлакатларда кенг тарқалган корпоратив бошқарув тамойилларини ва амалий тўплаган тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Халқаро эксперт фикрига кўра, улар корпоратив бошқарувнинг жахон андозаларига мос келади.

Жаҳон иқтисодиётининг кундан кунга ривожлашиниб бориши, рақобатбардошлигини ошиб бориши сабабли корпоратив бошқарув амалиётига янгича ёндашув зарурлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, “Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти”, Европа тараққиёт ва тикланиш банкининг корпоратив бошқарув тизими бўйича асосий тамойиллари, Евроакциядорлар гуруҳининг корпоратив бошқарув бўйича тавсиялари, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг корпоратив бўйича тамойилари, БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференциясининг корпоратив бошқарувга оид ахборотни ошкор этиш бўйича яхши амалиёт тавсиялари ва Молиявий барқарорлик кенгаши хулосалари ва талабларида акциядорлик жамиятлар Кузатув (Директорлар) кенгашиниг, янги таркибини шакллантиришда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ваколатларини компанияда адолатлиликни, шаффофликни, ҳисобдорликни, жавобгарликни, маъсулиятликни таъминлашга қаратиш лозимлиги кўрсатилган. Бунинг учун лавозимларга тайинлаш мукофотлаш ҳамда рискларни бошқариш бўйича махсус ихтисослашган қўмиталар ташкил этиш тавсия қилинмоқда. Ушбу тоифадаги қўмиталарни ташкил этиш зарурияти мақсад ва вазифалари хамда фаолияти тамойиллари хорижий хамда мамлакатимиз тадқиқотчилари илмий ишларида кенг ёритилган.

Ҳозирги вақтда корпоратив бошқарувнинг Халқаро корпоратив бошқарув тармоғининг глобал бошқарув тамойиллари тавсия этган тамойилларини амалиётга кенг жорий қилинмоқда. Халқаро корпоратив бошқарув тармоғи бу

ташкилот (International Network of Corporate Governanse) 1995 йилда Вашингтонда институционал инвесторлар, уларнинг вакиллари,компаниялар, молиявий воситачилар ҳамда корпоратив бошқарув жаҳон амалиётини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган бошқа шахслар орасида ташкил этилган. Ушбу ташкилот ИҲТТ тамойилларини тан олиб маъқуллаган ҳолда, уларни жаҳонда компания ва инвесторлар учун корпоратив бошқарувнинг минимал стандартлари сифатида қабул қилади.

Замонавий корпорацияларда, акциядорлик жамиятларида Директорлар кенгашига яъни директор сўзига таъриф берилганда, Директор (лотинча сўз бўлиб dirigere, directum- бошқармоқ) – бошқарувчи, раҳбар компания бошлиғидир. Директор – бу ташкилотдаги юқори лавозим ҳисобланиб, у ташкилотни ривожлантириш стратегиясини танлаш,кадрлар билан ишлаш,корхона молиявий оқимини белиглаш каби ваколатларга эга бўлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари компания раҳбарлари ва барча манфаатдор шахслар учун мажбурий тусга эга бўлиши ва бундай корпоратив кодекс жамоатчилик хамда хорижий инвесторлар олдида компаниянинг ижобий жиҳатдан обрўсини ошириш лозим. Корпоратив бошқарув кодексида кузатув кенгашининг аъзоси учун мустақиллик мезонлари белиглаб берилган.

1). Сўнги беш йил мобайнида АЖ, унинг шўъба ва аффилланган корхоналарида ишламаган шахслар;

2). АЖ, унинг шўъба ва аффилланган корхоналарида акциядори бўлмаган шахслар;

3). АЖ, унинг шўъба ва аффилланган корхоналари билан хизмат кўрсатиш юзасидан шартномага эга бўлмаган шахслар;

4). АЖни назорат қилувчи шахс бўлмаган шахслар;

5). АЖ билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома орқали боғлиқ бўлмаган ва АЖнинг соҳаси бўйича юқори турувчи ташкилоти ёки йирик акциядорининг ходими бўлмаган шахслар;

Бизнинг фикримизча кузатув кенгаши таркиби ва аъзоларини сайлашда эътибор қаратиши лозим бўлган мезонлар;

- кенгаш аъзолари ва ижрочи раҳбарларнинг хилма-хиллиги (жинси,миллати, ижтимоий келиб чиқиши) тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилиши лозим;
- ноижрочи директорларнинг кенгашда аъзо бўлиш муддати вақт-вақти билан кўриб чиқиш лозим;
- кенгаш аъзолигига номзодаларни қўйиш ва сайлаш тўғрисидаги тартиботини ошкор этиши лозим.

Демак юқорида келтирилган фикрлардан шундай хулоса ясаш мумкинки, корхоналарда самарали йўлга қўйилган корпоратив бошқарув тизими ҳам корхона миқёсида кохоналарни инвестицион фаоллигини ошириш йўли билан ривожлантиришда, миллий иқтисодиёт доирасида иқтисодий ўсиш барқарорлигига эришишда, хам глобал доирада молиявий-иқтисодий инқирозларнинг юзага келиш хавфини камайтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

М.Э.Пулатов – СамИСИ ректори, и.ф.д.
М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

# МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТИДА СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ ФАНИ МЕТОДИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил фани ҳам ўзига хос методига эга бўлиши керак. Шу туфайли метод, сўзининг маъносини аниқлашдан бошлаймиз. Метод қадимги грек тилидан олинган бўлиб, табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга қаратилган билиш усулларининг мажмуидир. Диалектикадан маълумки, табиат ва жамиятда содир бўладиган ходиса ва жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ ва алоқадордир. Бу жараён маркетинг тадқиқотларига ҳам бевосита дахлдордир. Чунки маркетинг жамиятнинг бир бўлагида, бўғинида содир бўлган ва бўладиган ҳодисаларни ўрганишга қаратилган.

Булардан келиб чиққан ҳолда маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил қилишда ҳам ундаги ҳодисаларни табиат ва жамиятда содир бўлаётган жараёнлар сифатида қараб, улар бир-бири билан боғлиқликда, алоқада деб қараш лозим бўлади. Бундай қарашни таъминлаш учун уларни ўрганишга диалектик нуқтаи назаридан ёндошиш, содир бўлаётган барча ҳодиса ва жараёнларни нафақат бир-бири билан узвий боғлиқликда ва алоқада, балки улар доим ўзгаришда, деб қарашни тақозо қилади.

Айнан худди шундай хулосага таянган ҳолда маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил қилиш фани методининг моҳиятини ҳам очиш лозим. Бизнинг фикримизча, ушбу фан методининг моҳияти назарий жиҳатдан ҳамон тўғри ҳал қилинган эмас. Чунки мазкур фан янги бўлганлиги учун ҳал у турли олимларнинг турли даврларда турлича ёндошишлари объектига айланган эмас..

Ҳар қандай фаннинг методини бўйича шундай таърифни яратиш лозимки, у объектнинг ёки тузумнинг ўзгариши билан ўзгармайдиган бўлсин, чунки ҳар қандай фан, хусусан, маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил қилиш фани ҳам қайси тузумдан ва қандай тармоққа қўлланилишидан қатъий назар, ўзининг назарий жиҳатдан асосланган методига ва мос равишда таърифига эга бўлиши лозим.

Ушбу хулосаларга таянган ҳолда қилинган тадқиқотларимиз натижасида маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил фанини методининг таърифини ишлаб чиқдик. Бунда иқтисодий таҳлил фанининг методини ишлаб чиқишда асосланган талабларни инобатга олдик. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) ҳар қандай фан методининг назарий асоси бўлиши керак;

2) унда нимани ўрганиши ва унинг қаерда ифодаланиши кўриниб турмоғи лозим;

3) қаерни, қайси объектни ва қайси даврни ўз ичига олишини ифодалаши даркор;

4) нима мақсадда амалга оширилиши кўриниб туриши керак;

5) шу мақсадни амалга ошириш учун нималар қилишниши алоҳида таъкидланиши лозим[52].

Агар қайси таъриф шундай талабларга тўлиқ жавоб берадиган бўлса, унда ҳар қандай фаннинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ ифода этади. Ушбу назарий хулосадан келиб чиқиб, маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил фанининг методига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил фанининг методи деганда, мазкур фан диолектик методга асосланган бўлиб, унинг предметини мокон ва замонда, ахборотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими асосида ҳар томонлама комплекс ўрганиш, товарларнинг (иш, хизматларнинг) сотилишини кўпайтириш бўйича мавжуд ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш орқали маркетинг тадқиқотлари самарадорлигини ошириш ва келгувси истиқболини белгилаш борасидаги бошқарув қарорларини қабул қилишга қаратилган статистик ва иқтисодий таҳлил усуллари мажмуи тушунилади. Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш ва инновацион омилларнинг кучайган шароитида маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил фанига қуйиладиган барча назарий ва амалий талабларга жавоб беради.

Ушбу таърифнинг назарий ва амалий жиҳатдан барча талабларга жавоб беришини қуйидагича асослаш мумкин.

Биринчидан, маркетинг тадқиқотларини статистик таҳлил фанининг методи деганда, мазкур фан диолектик методга асосланган бўлиб, унинг предметини мокон ва замонда ўрганилиши назарда тутилган. Чунки бирорта ҳодиса йўққи маълум бир қонуниятга асосланмаса ва бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмаса. Шу туфайли мазкур диалектик ёндошув масаланинг назарий мазмунини тўлиқ очиб беради.

Иккинчидан, ахборотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими асосида ҳар томонлама комплекс ўрганиш масаласи киритилган. Чунки статистик таҳлилга маркетинг бўйича фақат ахборотлар таҳлил қилинади. Шу туфайли ахборотлар масаласи айнан ўз ифодасини топган.

Учинчидан, ушбу таърифда товарларнинг (иш, хизматларнинг) сотилишини кўпайтириш бўйича мавжуд ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш масаласи ўз ифодасини топган. Чунки, маркетинг ва уни таҳлил қилиш масаласи асосан товарларнинг (иш, хизматларнинг) сотилишини кўпайтиришга қаратилган. Айнан ушбу жараён ҳар қандай фирма ёки компаниянинг яшовчанлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, юқоридаги тадбирларни амалга ошириш орқали маркетинг тадқиқотлари самарадорлигини ошириш ва келгувси истиқболини белгилаш масаласи қараб чиқилган. Товарни сотиш бўйича корхоналарнинг стротегияси аниқ бўлмаса, унинг мувоффақиятларга эришиши мураккаб бўлиб қолади. Шу туфайли мазкур масала ҳам ушбу фаннинг таърифида ўз ифодасини топган.

Бешинчидан, барча мақсадларни келгусида амалга ошириш учун бошқарув қарарларини қабул қилиш лозимлиги ҳам таърифда ўз ифодасини топган. Чунки мавжуд ҳолатни билиб қўйиш ҳали етарли эмас. Ушбу ҳолат тегишли бошқарув

[52] Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. – Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 2001. – 21 бет.

қарорларини қабул қилишга қаратилган бўлиши лозим. Айнан ушбу масаланинг ҳам таърифга киритилганлиги унинг назарий жиҳатдан кенг қамравлилиги ва масалани тўлиқ қамраб олганлигини кўрсатади.

Олтинчидан, барча ҳисоб-китобларни амалга оширишда, таҳлилнинг тўлиқлигини таъминлашда статистик ва иқтисодий таҳлил усуллари мажмуидан фойдаланиш лозимлиги кўрсатилган. Чунки таҳлил жараёнида жуда кўп ҳисоб-китоблар амалга оширилишини тақозо қилади. Ҳар бир рақамни ҳисоблаб чиқаришда тегишли мақсад қўйилган бўлиши керак. Акс ҳолда ҳаракат манзилсиз бўлиб қолади. Шу жиҳатдан олиб қараладиган бўлса, мазкур таъриф ушбу фанинг методининг мазмунини тўлиқ қамраб олган ҳисобланади.

ТДИУ, Банк иши кафедраси
катта ўқитувчиси
Назарова Муслима Назаровна

## КРЕДИТ АХБОРОТ БЮРОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бизга маълумки, кредит бюроси бу қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган ва кредит ахбороти алмашинувини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслардир.

Берилаётган кредитларнинг рискини олдини олиш, камайтириш асосан кредит бюролари томонидан амалга оширилади. Кредитларни қайтариш, ундан самарали фойдаланишда айниқса кредит ахборотининг ўрин муҳим ҳисобланади. Кредит ахбороти алмашуви, қонунда белгиланганидек, кредит бюроси, субъекти, кредит ахборотини етказиб берувчи ва ундан фойдаланувчининг кредит тарихини шакллантириш ҳамда кредит ҳисоботини тақдим этиш мақсадида кредит ахборотини йиғиш, унга ишлов бериш, уни таҳлил қилиш,сақлаш, тақдим этиш, ундан фойдаланиш ва кредит ахборотини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигидир.

Жаҳон банк тизимида кредит ахборот бюроларининг ўрни асосий иқтисодий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Кредит бюролари мавжуд кредит ахбороти асосида кредит ташкилотининг ҳар бир қарздори бўйича унинг охирги 5 йил мобайнидаги статистик, таҳлилий, молиявий-иқтисодий, ижобий ва салбий мазмундаги кредит ахборотини ўз ичига олувчи кредит тарихлари бўйича кредит ахбороти маълумотлар базасини ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида 2011 йил 11 августда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида” ги қонунга кўра, кредит ахбороти алмашинуви соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ушбу қонун 2012 йилнинг 1 январидан кучга кирди.

“Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида” ги Қонундан кўзда тутилган асосий мақсад республикамизда кредит ахбороти алмашинуви борасидаги муносабатларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш борасидаги ишларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Қонунда кўрсатилишича, кредит бюролари мавжуд кредит ахбороти асосида кредит ташкилотининг ҳар бир қарздори бўйича унинг охирги 5 йил мобайнидаги статистик, таҳлилий, молиявий-иқтисодий, ижобий ва салбий мазмундаги кредит ахборотини ўз ичига олувчи кредит тарихлари бўйича кредит ахбороти маълумотлар базасини ишлаб чиқади.

Қонун хужжатларида кўрсатилишича, кредит ахбороти бу кредит битимининг ҳолати, берилган таъминот бўйича (гаров, кафолат, кафиллик, кредитни тўламаслик хавфини суғурталаш ва таъминотнинг бошқа турлари бўйича) мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек кредит ахбороти субъектининг кредит қобилиятини, молиявий ҳолатини, тўлов қобилиятини, тўлов интизомини ва ўзга сифатларини аниқлашга кўмаклашувчи бошқа ахборот бўлиб, улар банк сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирлар тоифасига киради.

Шу жумладан:

- кредит ахбороти субъектини ва кредит ахборотини етказиб берувчини идентификациялаш имконини берадиган;
- кредит ахбороти субъектининг фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича пул суммасини тўлаш мажбуриятлари тўғрисидаги;
- кредит ахбороти субъектига алоқадор шахслар тўғрисидаги;
- кредит битими билан боғлиқ мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар.

Қонунда кредит алмашинуви билан боғлиқ асосий тушунчалар, кредит бюросига лицензия бериш ва давлат рўйхатига олиш тартиби, кредит бюросини қайта ташкил этиш ва тугатиш, Марказий банк ваколатлари, кредит бюроларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кредит ахборотини етказиб берувчилар ва ундан фойдаланувчилар, кредит ахбороти субъектлари, кредит ахборотини муҳофаза қилиш, ахборотлар алмашинуви ва уларни тақдим этишдаги чекловлар, кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ва низолар ечимининг механизмлари кўрсатилган бўлсада, ушбу йўналишларни кенг ёритадиган ва кредит ахбороти алмашинуви механизмини белгилайдиган қонуности хужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Кредиторлар кредит бюролари тармоқлари ёрдамида алмашадиган ахборотлар ҳажми анча каттадир. Масалан, АҚШ, Бельгия, Бразилия, Буюк Британия, Япония, Германияда тақдим этилаётган ҳисоботлар миқдори аҳоли сонидан ошади. Кредит ахбороти алмашинуви бўйича фаолиятнинг муҳимлиги шу даражадаки, унинг ривожланишини рағбатлантириш дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат органларининг доимий назоратида туради. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давлат органига ўзининг ахборот базаси мавжуд бўлиши ниҳоятда зарурлигини кўрсатди. Сабаби, ташқи аудиторлик ташкилотларининг хулосалари, рейтинг агентликларининг баҳолари, кредит бюроларининг ахбороти муайян бизнес субъектининг ҳақиқий аҳволини доим ҳам тўғри акс эттиравермаслиги аён бўлди. Шунинг учун Кредит ахборотининг давлат реестри тимсолида иштирок этувчи давлат мувофиқлаштирувчи органининг молия-кредит муассасалаларидаги вазият тўғрисида тезкор ва ҳаққоний ахборотга эга бўлиши ўта зарурдир.

Кредит бюроларининг кўплигига қарамай, ахборот хизматларини тақдим этиш соҳасида капиталнинг жамланиш даражаси анча юқори, масалан, АҚШ, Буюк Британия ва Японияда ахборотнинг барча мажмуасини тақдим этувчи икки-учта йирик кредит бюроси устунлик мавқеига эга. Баъзи мамлакатларда, мисол учун Бразилия, Финляндия ва Ирландияда фақат битта шундай универсал кредит бюроси фаолият кўрсатади. Бошқалари алоҳида турдаги ахборотларни тақдим этган ҳолда асосан бозорнинг кичик бўшлиқларини эгаллайди. Бу йирик компания ўз маълумотлар базасида максимал ҳажмдаги ишончли ва тўлиқ ахборотни жамлаши, шунингдек ўз фаолиятида энг илғор ахборот технологияларидан фойдалана олиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Айрим мамлакатларда, масалан, Австрия, Аргентина, Бельгия, Испания ва бошқаларда кредит ахбороти алмашинувининг икки босқичли тизими амал қилади, яъни керакли кредит ахборотини кредит бюролари ҳам, Кредит ахбороти давлат реестри ҳам тақдим эта олади. Мексикада кредит бюролари хусусий бўлиб, Марказий банк ва давлат уларнинг устав капиталида иштирок этмайди, қарздорлар тўғрисидаги барча кредит ахборотини улардан ҳақ эвазига олади.

Германияда барча кредит институтлари мижозлар тўғрисидаги маълумотларни банклар хусусий мижозларнинг кредит тарихи ҳисобини юритиш учун ташкил этилган “Кредит операциялари хавфсизлигини таъминлаш бўйича жамият”га жўнатади. Ахборотни йиғишга ёндашув ҳам турличадир. Масалан, Бразилияда кредит бюролари фақат салбий ахборотни тақдим этади (фаолият кўрсатаётган барча КБларнинг 32%и), бошқалари ҳам салбий, ҳам ижобий ахборотни тақдим этади (68%). Ҳозирги пайтда 70 дан ортиқ мамлакатларда Кредит ахбороти давлат реестрлари (КАДР) ишламоқда, лекин 40 та давлатда давлат реестри фаолият кўрсатиб, уларда кредит бюролари мавжуд эмас. Масалан, Хитой ва Францияда фақат КАДР тузилган. Бинобарин, Францияда қонунчилик Франция Марказий банкининг бўлинмаларидан бири бўлган ва давлат назорати остида турган Марказий хатарлар бюросига ахборотни мажбурий тарзда тақдим этишни назарда тутади.

Буюк Британияда иккита хусусий кредит агентлиги бўлиб, улар қарздорларнинг кредит тарихи бўйича маълумотлар базасини шакллантириш билан шуғулланди.

Яна бир аҳамиятли далилни келтирамиз: Европада 2003 йилда “Ҳисобот ташкилотларига топшириш мақсадида Марказий кредит реестрлари ўртасида ахборот алмашинуви масалаларида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандум” ни Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Италия, Португалия ва Испания имзолади. 2010 йилда Меморандумни Руминия ва Чехия Республикаси имзолади.

Ўзаро англашув, маълумотларни олиш, воситачилар орасида тарқатиш, назорат мақсадларида фойдаланиш ушбу ҳужжатнинг принциплари ҳисобланади. Амалда бу кредит ахборотининг давлатлараро алмашинуви тўғрисида дунёдаги биринчи ҳужжатдир.

МДҲ мамлакатларига келсак, бу ерда қарздор ҳақида ҳам ижобий, ҳам салбий ахборот қабул қилинади ва берилади. Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина, Молдова, Беларусь Республикаси ва Тожикистон кредит ахбороти

алмашинувини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган, бошқа давлатларда мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиляпти. Белоруссияда Миллий банк ҳузурида кредит бюроси фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти ва Банклараро кредит бюроси ташкил этилган.

Кредит операциялари тўғрисидаги стандарт ҳисоботлар ва статистик риск-менежментни тақдим этишдан ташқари, кредит бюролари рейтинг агентликларининг вазифаларини ҳам бажаради. Dan&Bradstreet дунёдаги энг йирик ва қадимги кредит агентликларидан бўлиб, унинг маълумотлар базасида 48 млн.дан ортиқ компания ҳақидаги ахборот жамланган, бу компанияларнинг 10 млн.таси АҚШда жойлашган. Кўпгина мамлакатларда хусусий кредит бюроларидан ташқари ёки улар ўрнида кредитларни давлат рўйхатидан ўтказувчи институт - Public credit registers (PCR) ишлайди. Бу ташкилот тарихан ипотека кредитлари битимлари ва кўчмас мулк закалатини рўйхатдан ўтказиш учун ташкил этилган эди, лекин ҳозирги пайтда ушбу институт бир қатор мамлакатларда кредит бюроси вазифасини бажармоқда. Ундаги барча ахборот стандартлаштирилган (масалан, муайян вақт оралиғида берилган, белгиланган ҳажмдан юқори даражадаги кредитлар) ҳамда маълумотлар асосан қарздорнинг ўзи ҳақида эмас, кредитлар ҳақидадир.

Хорижий стратегик техник ҳамкор билан йўлга қўйиладиган ҳамкорлик мамлакатимизда янгидан яратилаётган кредит ахборот алмашинуви тизими самарадорлиги ва имкониятларини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Натижада кредит бюроси фаолияти янада жонланиб, тақдим этилаётган кредитлар ҳажми ва миқдорининг ошишига ҳамда муаммоли кредитлар даражасининг пасайишига олиб келади.

Шуни қайд этиш зарурки, халқаро ташкилотларнинг кредит ахбороти алмашинуви тизимини шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишга бўлган эътибори ҳар қандай мамлакат рейтингида муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Бинобарин, кредит ҳар икки томон - ҳам банк, ҳам қарз олувчи манфаатларига хизмат қилади, шунинг учун уни тақдим этиш ва ундан фойдаланиш жараёни бутун дунёда кенг тарқалмоқда. Шу туфайли бугунги кунда дунё банк амалиётида кредит ташкилотлари ва банклар томонидан қарз олувчилар, уларнинг молиявий интизоми ва фаолияти тўғрисида иложи борича кўпроқ ахборот олиш долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3852-сонли Қарорининг тегишли иловасига мувофиқ, кредит ахборот алмашинуви тизимини такомиллаштириш ва кредит бюро фаолиятини ташкиллаштириш мақсадида, кредит бюро фаолиятини республикамиз ҳудудларида ўз хизматларни кўрсатишни ривожлантириш, кредит ахборотини етказиб берувчиларни кенгайтириш, кредит бюро ва бошқа ташкилотлар ўртасида замонавий электрон ахборот алмашинувини жорий қилиш вазифаси юклатилган. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур қарорни ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Марказий банкининг 2018 йил 16 июлдаги 25/1-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, “Кредит-ахборот тахлилий маркази” кредит бюроси МЧЖ томонидан ҳудудларда кредит ахборот алмашинуви фаол бўлмаган банклар билан биргаликда семинар ва тренинглар ташкил этиш бўйича республикамиз ҳудудларида соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини тушунтириш жойларда семинарлар ташкил этиш юзасидан ишчи гуруҳ ташкил этилган.

Кредит бюролари банклардаги кредит тарихига эга бўлганлиги сабабли кредитни қайтмаслик муаммосини олдини олишга асосланади. Агар фаолият олиб бораётган тижорат банклари мижознинг кредит тарихини яхши билсагина, кредит бўйича юзага келувчи хавф-хатарни олди олинади. Умуман олганда кредит бюроларининг мавжуд бўлиши, уларнинг фаолиятини қонун даражасида самарали ташкил этилиши банклар учун жуда яхши натижаларга олиб келишига сабаб бўлиши мумкин деб ҳисоблаш мумкин. Айниқса, республикамизда энди ривожланиб келаётган кредит бюролари фаолиятини янада такомиллаштиришда хориж тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйламиз.

Шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредит ахборот бюролари ва уларнинг ролини оширишда хориж тажрибасидан фойдаланиш зарур.Чунки республикамизда кредит бюролари талаб даражада бўлиши учун ривожланган хориж давлатлари тажрибаларидан фойдаланиш зарур ва шарт деб, ҳисоблаш мумкин.

Соқиев Шоҳижаҳон Ўткир ўғли
ТДИУ магистранти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш»[53] муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди.

Ўзбекистонда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, етакчи соҳа ва тармоқларни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Иқтисодиётда, турли мулк шаклларини кенгайтириш, инновацион ҳамда инвестицион фаолиятни жадаллаштириш мақсадида институционал ўзгаришлар такомиллаштирилди.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда ЯИМнинг жорий нархларидаги миқдори 1995 йилда 302,8 млрд.сўмни, 2005 йилда 15 923,4 млрд.сўмни, 2010 йилда 62 388,3 млрд.сўмни, 2015 йилда 171 808,3 млрд,сўмни, 2017 йилда 254 043,1 млрд.сўмни ташкил этди. Ўзбекистонда саноат тармоғини диверсификациялаш, модернизациялаш ва техник, технологик янгилаш бўйича чора-тадбирларнинг

[53] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

қабул қилиниши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиши ва ЯИМ таркибида саноатнинг қурилишни қўшган ҳолдаги улуши 1995 йилдаги 27,8 фоиздан 2017 йилда 34,1 фоизгача ошиши таъминланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 31,0 фоизни, 2005 йилда 38,2 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2015 йилда 54,5 фоизни, 2017 йилда эса 54,9 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда 2018 йил 1 январь холати буйича Пул массаси (М2) 73223 млрд.сўмни 2018 йил 1-май холати буйича 74633 млрд.сўмни ташкил этган. 2018 йил 1 январьга нисбатан май ойида 102 фоизга ошган. Ўзбекистонда 2018 йил 1 март ойидаги монетизация даражаси 112,98 фоизни ташкил қилди.

Маълумки, миллий иқтисодиёт ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қабул қилинган. Ушбу кўрсаткич муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўтган даврдагига нисбатан ошиши, тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англатади.[54]

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда ЯИМнинг 1991-2018 йилларда ўсиш суръати фоизда[55]**

| Йиллар | Мамлакат ЯИМнинг ўзгариш суръатлари фоизда | Ўткан йилга нибатан фарқи (+, -) | Йиллар бўйича иқтисодий ўсишнинг турлари |
|---|---|---|---|
| 1991 | -0,5 | - | Рецессия |
| 1992 | -11,1 | -10,6 | |
| 1993 | -2,3 | 8,8 | |
| 1994 | -5,2 | -2,9 | |
| 1995 | -0,9 | 4,3 | |
| 1996 | 1,7 | 2,6 | Мунтазам ўсишга эришилган |
| 1997 | 5,2 | 3,5 | |
| 1998 | 4,3 | -0,9 | |
| 1999 | 4,3 | 0 | |
| 2000 | 3,8 | -0,5 | |
| 2001 | 4,2 | 0,4 | |
| 2002 | 4 | -0,2 | |
| 2003 | 4,2 | 0,2 | |
| 2004 | 7,4 | 3,2 | Барқарор ўсиш рўй берган |
| 2005 | 7 | -0,4 | |
| 2006 | 7,5 | 0,5 | |
| 2007 | 9,5 | 2 | Иқтисодиётимиз юқори суръатларлар билан ривожланмоқда. |
| 2008 | 9 | -0,5 | |
| 2009 | 8,1 | -0,9 | |
| 2010 | 8,5 | 0,4 | |
| 2011 | 8,3 | -0,2 | |
| 2012 | 8,2 | -0,1 | |
| 2013 | 8 | -0,2 | |
| 2014 | 8 | 0 | |
| 2015 | 7,9 | -0,1 | |
| 2016 | 6,2 | -1,7 | |
| 2017 | 5,2 | -1 | |
| 2018 (режа) | 5,9 | 0,7 | |

[54] Кисилева Е.А. Макроэкономика: Курс лекций. – М.: Изд-во Эксмо, 2007. Б. 31-43.
[55] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларига асосан Ўзбекистонда ЯИМнинг энг кўп пасайиши 1992 йилда кузатилган. Шу йили ЯИМ -11,1 фоизга камайган, 1995 йилда эса фақат -0,9 фоизга пасайган ҳолос. 1996-2003 йилларда эса ЯИМнинг мунтазам ўсишга эришилган ўртача 3,96 фоизни ташкил этган бўлса, 2004-2006 йилларда эса ЯИМнинг барқарор ўсиш рўй берган ўртача 7,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръати бироз пасайди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 2007 йилдан буён ЯИМ нинг 8 фоиздан кам бўлмаган барқарор ўсиш даражасига эришилмоқда. 2017 йилда эса ЯИМ 5,2 фоизга ўсди 2018 йилда ЯИМ 5,9 фоизга ўсиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини, янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- макроиқтисодий ривожланишнинг бошқариладиган модели асосида барқарор, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;
- иқтисодиётни тўхтовсиз модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жихатдан янгилашни амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини барқарор иқтисодий ўсиш ва ахоли эхтиёжларини қондириш талабларига мувофиц ривожлантириш;
- банк-молия тизими барқарорлигини ошириш ва инвестиция миқёсини кенгайтиришдаги ролини кучайтириш;
- нодавлат секторининг, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини янада ошириш;

Бу каби тадбирлар янада такомиллаштирилиб, зарурий тадбирлар ва лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилса, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ўсишнинг узоқ вақт давом этиши таъминланади.

Х.Ғ.Хайдаров
ТДИУ мустақил изланувчиси

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Таркибий ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларининт таркибида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи муҳим жараён бўлиб, унинг натижасида ишлаб чиқариш такомиллашади ва тармоқларнинг жами ишлаб чиқаришдаги салмоғи ўзгаради. У такрор ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ва технологик тузилишини ҳам қамраб олганлиги сабабли ялпи ички маҳсулотнинг сифат жиҳатидан ўзгариши таъминланади. Ўзбекистонда миллий саноатнинг таркибий тузилиши мустақиллик даврида кескин ўзгарди. Бундай ўзгаришнинг асосий шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- мамлакатнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши. Бу давлат миқёсида, туб иқтисодий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, янги таркибий сиёсат юритиш имконини берди;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига қўшилиш жараёнининг бошланиши; Ўзбекистон жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйди. Бу мамлакатнинг хом ашё ва меҳнат ресурсларидан хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда фойдаланиш учун шарт-шароит яратди;

- мамлакатда бозор ислоҳотларининг амалга оширилиши; бозор муносабатларининг шакллантирилиши ва хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишнинг таркибий жиҳатдан ўзгаришига олиб келмоқда. Аҳоли ва фирмалар ресурсларининг саноат ишлаб чиқарилишига жалб қилиниши таркибий ўзгаришларнинг иқтисодий самарадорлигини оширмоқда.

Ўзбекистон ўзининг ривожланиш моделини изчил амалга ошириши натижасида, бошқа собиқ иттифоқ мамлакатларига нисбатан қисқа муддатларда, яъни 1996 йилдаёқ иқтисодий пасайишнинг олдини олди, макроиқтисодий барқарорликни таъминлади ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ асосий иқтисодий масалаларни амалга оширишга киришди. 1996-2017 йиллар давомида иқтисодий ўсишнинг ўртача йиллик суръатлари 6,4 % ни ташкил қилди.

Охирги 10 йилда (2008-2017 йиллар) ЯИМ 2,1 баробарга ўсди. Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари ва манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, охирги 10 йил давомида иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг 1,8 марта (2008-2017 йиллар учун ўртача йиллик ўсиш – 6,1 %), саноатда – 1,7 марта (5,4 %), қурилишда – 3,4 марта (13,4 %), хизматлар соҳасида – 2,3 марта (8,8 %) ўсганлиги ҳисобига таъминланди.[56]

Таркибий ўзгаришлар борасидаги сиёсатнинг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакат иқтисодиёти таркиби диверсификация қилинди. Натижада ялпи ички махсулотнинг иқтисодиётни етакчи тармоқлари бўйича таркиби сезиларли даражада ошди.

**Ялпи ички махсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жорий нархларда, млрд. сўм)*

| № | номланиши | 2010й | 2015й | 2017 |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 11 201,0 | 28 672,2 | 43 149,8 |
| 2 | Саноат | 18 875,3 | 51 646,7 | 74 876,1 |
| 3 | Қурилиш | 3 760,5 | 11 382,6 | 15 225,2 |
| 4 | Хизматлар | 26 595,1 | 76 412,1 | 101 224,8 |
| 5 | Бошқа хизмат тармоқлари | 13 274,7 | 41 108,6 | 54 631,1 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Мустақиллик йилларида саноат тармоғи ва хизматлар соҳасининг ривожланиш салоҳияти янада кенгайтирилиши натижасида ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг босқичма-босқич камайиши (1995 йилда 32,4 % дан 2017 йилда 19,7 % га) тенденцияси сақланиб қолди. Шу билан бирга, ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг камайиши қишлоқ хўжалиги

[56] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

маҳсулотларининг ижобий ўртача йиллик ўсиш суръатлари фонида содир бўлди. Саноат тармоғини диверсификациялаш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича чора-тадбирларнинг қабул қилиниши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиши ва ЯИМ таркибида саноатнинг (қурилишни қўшган ҳолда) улуши 1995 йилдаги 27,8 % дан 2017 йилда 34,1 % гача ошиши таъминланди.[57] Шу билан бирга, хизматлар соҳасининг ривожланиши мамлакат иқтисодиёти, бандлик ва аҳоли даромадлари ўсишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши натижасида, мазкур тармоқ қисқа муддат ичида иқтисодиётнинг энг жадал ривожланаётган секторига айланди.

Хизматлар соҳасининг ЯИМ даги улуши 1995 йилдаги 39,8 % дан 2017 йилда 46,2 % гача ошди.

2010-2017 йилларда саноат тармоғидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан намоён бўлди:

- саноатнинг ёқилғи-энергетика мажмуаси устун ривожлантирилди. Бу даврда тармоқнинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши ошди, натижада мамлакатнинг ёқилғи- энергетика мустақиллиги таъминланди ва тармоқнинг қайта ишлаш салоҳияти кенгайди;
- металлургия ва машинасозлик саноатининг жами саноатдаги улушининг ошиши ушбу тармоқдаги эски ишлаб чиқариш қувватларининг яроқсиз ҳолга келиши ва мутлақо янги, замонавий корхоналарнинг барпо қилиниши билан боғлиқ;
- кимё ва нефть кимёси, ёғоч ва қоғоз саноати, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил саноатининг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши кескин ўзгармаган бўлсада, уларда тармоқичи таркибий ўзгаришлари амалга оширилдики, бу саноат корхоналарининг замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан қуролланиши ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиши билан ифодаланади.

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асос бўлиб хизмат қилди. Кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодиётининг 2000-2017 йиллардаги ривожланишида энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланди. Унинг асосий ривожланиш кўрсаткичлари ушбу тенденциялар билан ифодаланади, яъни ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг қабул қилиниши натижасида унинг ЯИМ даги улуши 2000 йилдаги 31,0 % дан 2017 йилда 54,9 % гача ошди.

Якуний истеъмол йўналишлари бўйича ялпи ички маҳсулот таркиби тўғрисидаги маълумотлар ЯИМ нинг якуний истеъмол йўналишлари бўйича асосий пропорцияларини таҳлил килиш, шунингдек якуний истеъмолчилар

[57] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

талабини қондириш ва мамлакат миллий бойлигини ўстириш учун истеъмол қилинган товар ва хизматлар қиймати улушини аниқлаш имконини беради.

**ЯИМ нинг якуний истеъмол йўналишлари бўйича таркиби %да**

| № | | 2000 | 2005 | 2010 | 2015 | 2017 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Уй хўжаликлари | 60,9 | 47,4 | 47,9 | 54,3 | 52,3 |
| 2 | Давлат бошқаруви нлари | 18,7 | 15,9 | 15,8 | 17,6 | 16,7 |
| 3 | Асосий капиталнинг ялпи ғарилиши | 24,0 | 22,0 | 27,3 | 26,9 | 26,1 |
| 4 | Экспорт | 26,5 | 37,9 | 33,1 | 18,8 | 28,9 |
| 5 | Импорт | 26,7 | 30,2 | 23,4 | 18,5 | 26,4 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Якуний истеъмол харажатларида асосий улуш уй хўжаликлари харажатлари ҳиссасига тўғри келади ва уларнинг салмоғи 2005 -2017 йилларда 47,4 % дан 52,3 % гача ўсиш тенденциясига эга бўлди.

Кузатилаётган даврда ЯИМ таркибида давлат муассасаларининг якуний истеъмолга қилган харажатлари улуши сезиларли даражада ўзгариб турди ва 2000 йилдаги 18,7 % дан 2017 йилда 16,7 % га камайиш тенденциясига эга бўлди.

Мамлакатда инвестицион фаолият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари асосий капитал жамғарилишининг маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштириш ҳисобига барқарор ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Сўнгги йилларда (2001-2017 йиллар) асосий капиталнинг жамғарилиш меъёри ЯИМ га нисбатан 25,2 % ни ташкил этди, бу эса дунёнинг ривожланган ва жадал ривожланаётган мамлакатлари кўрсаткичларига мос келади.

2001-2017 йиллар давомида асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши 5,5 баробардан кўпроққа ошди, ўртача йиллик ўсиш суръатлари эса, 10,9 % ни ташкил этди. Бу эса, кузатилаётган даврда ЯИМ нинг ўртача йиллик ўсиш суръатларидан (7,1 %) юқоридир.[58]

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган таркибий иқтисодиёт доирасида саноатни технологик янгилаш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини жорий қилиш, инновацион маҳсулот турларини яратиш, инвестицияларни ишлаб чиқаришга кенг кўламда жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича изчил чора-тадбирларни самарали амалга оширилаётганидан дарак беради. Бунинг учун таркибий иқтисодиётдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш талаб этилади.

[58] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ахмедов И. А.
ТДИУ доценти

# ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИДА РАҚОБАТЛИ АФЗАЛЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАСИ

Жаҳон иқтисодиётининг шиддатли глобаллашуви даврида интеграцион жараёнлар янада катта аҳамият касб этмоқда. Чунки ҳозирги замонда жаҳон иқтисодиётининг интеграцияси аввола капитал, ишлаб чиқариш, меҳнат интеграциясининг уйғунлигида акс этади. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви эса ташқи бозор ва миллий иқтисодиётнинг тизимли интеграцияси билан намоён бўлиши натижасида иқтисодий ўсиш жадаллашади, замонавий технологиялар ва бошқарув механизмларининг жорий этилиши тезлашади. Бундай шароитда мамлакатлар ўзаро савдо муносабатларини ривожлантириш орқали ташқи савдони тобора кенгайтириш билан бир қаторда турли товар ва хизматларнинг сифати, нархи ёки брендининг бевосита таъсири асосида кучли рақобатга дуч келадилар.

Мамлакатимизда ҳам ташқи савдо муносабатларини ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, жумладан макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тадбирларга катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиеёвнинг 2017 йил 7 февралдаги билан тасдиқланган ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида стратегик йўналишлардан бири сифатида белгиланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” ижросини таъминлаш доирасида миллий иқтисодиётни ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бир қатор амалга оширилиши зикр этилган вазифалар белгиланган, жумладан[59]:

- иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;
- принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш.

Шу жиҳатдан олганда, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашда ички рақобат муҳитини замонавий талабларга мос қайта шакллантириш орқали ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва модернизация қилиш ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат

[59] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль сони

қилиши билан миллий иқтисодиётга савдо, молия, инвестицияларни жалб қилишга интилишида кўринади.

Иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи мавжуд рақобат муҳити эса тараққиётнинг ёрдамчи "двигатели" сифатида модернизациялаш ва техник янгиланиш жараёнларини жадаллаштиради. Рақобат шароитида ишлаб чиқариш муносабатлари субъектлари ўртасида унумлироқ технология, иш жойи, яхши бозорни қўлга киритиш, умуман, юқори даромад олиш имконияти учун кураш олиб борилади[60].

Бу борадаги жаҳон тажрибасини эътироф этган ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, бир қатор давлатлар жадал иқтисодий ўсиш суръатларига ҳамда ташқи бозорда муқим ўрин эгаллашига айнан рақобатли афзалликлардан фойдаланган ҳолда эришганлар ва ҳозирда ҳам ўзаро яқин ва бир-бирини тўлдирувчи тармоқларда иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлиб қолмоқда. Айнан шундай давлатлар қаторига Германия, Япония, Хитой, Корея Республикаси, Сингапур ва Туркиядир сингари давлатлар киради. Ушбу мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида ички ишлаб чиқарувчилар ўртасида кескин рақобат муҳитини яратишга оид дастурларни амалга оширишганлар. Натижада ушбу мамлакатлар товарлар таннархини пасайтиришга, сифати эса яхшилашга ва экспорт ҳажми оширишга эришганлар ҳамда энг асосийси ушбу мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий фаровонлиги ортиши кузатилган.

Ташқи бозорда айниқса, ривожланаётган мамлакатлар жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш учун янги бозорларга кириб боришга ҳаракат қиладилар. Шу боис, ушбу мамлакатлар асосан хорижий шериклар билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатишга ҳамда товарлар ва хизматларни турларини кенгайтиришга ва оптимал нарх сиёсатини шакллантиришга интиладилар. Бундай ташқи бозорни эгаллашга ва мустаҳкам ўрнашиб олишга қаратилган маркетинг стратегиясини Хитойлик ишлаб чиқарувчилар самарали қўллаб келмоқдалар, ушбу стратегияда шерикларга асосан нарх омилидан кенг фойдаланган ҳолда қулай шартномалар таклиф қиладилар. Хусусан, Хитойда ички бозордаги кучли рақобат туфайли телевизор учун юпқа экран ишлаб чиқариш 2013 йилга келиб 20 фоизга қадар арзонлашиши навбатида телевизор экспортини ҳажмини таннархни тушишига эвазига оширди.

Хитой Халқ Республикаси бир қатор рақобат афзалликларини берувчи омилларга эгадир, бу мамлакатнинг географик жойлашуви ва унинг ҳудудининг катталиги, бой тарихи ва жуда кўп аҳолига эгалиги, иқлими ҳамда рельефининг турли хиллиги каби омиллар шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда Хитой дунёда the World Competitiveness Scoreboard 2016 (IMD) рейтингида 25-ўринда[61] (79.351) ва The Global Competitiveness Index 2016-2017 (Institute for Strategy and Competitiveness, HBS) индексларида максимум 7,0 баллдан 4,95 балл тўплаб 28-ўринда[62] бормоқда. Агар ушбу кўрсаткични 2007-2008 йилги кўрсаткичлар

---

[60]Хошимов Э.А., Мингишов Л.Ў. Мамлакатда тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий омили // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2015 йил

[61]http://www.imd.org/uupload/imd.website/wcc/scoreboard.pdf

[62]http://www3.weforum.org/docs/GCR2016-2017/05FullReport/TheGlobalCompetitivenessReport2016-2017_FINAL.pdf

қиёслаганда Хитой 0,4 баллга кўтарилган, худди даврда Корея Республикаси кўрсаткичлари 0,4 баллга тушган, Хитойнинг бу каби ижобий натижаси иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги сабаб бўлган.




**4-расм. Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича GCI индекслари**

Хитой иқтисодиёти ташқи бозорга йўналтирилганлигидаги муаммолар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ва ундан чиқиш даврида янада кескинлашди. Хитой ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари тобора, 2015 йилда 6,8 фоизга қадар пасайиб бораётган вақтда экспорт ҳажми ижобий ўсиш тенденцияга эга бўлиши бирга соф сальдоси 674,0 млрд АҚШ долларига тенг. Аммо, мутахассисларнинг фикрига кўра, Хитойнинг экспорт ҳажмининг ўсиш суръатлари секинлашиши ҳозирда дунё ялпи талабининг тушиб кетиши билан боғлиқ муаммонинг тўлиқ бартараф этилмаганини англатади[63].

Хитой ишлаб чиқарувчилар учун муҳим бўлган омиллардан бири сифат ҳисобланади. Кучли рақобат шароитида, ишлаб чиқарилган бир турдаги товарларни бир хил нархларда сотилишида истеъмолчининг сифатга катта эътибор қаратишига катта эътибор қаратадилар. Бундай тактикани кўпроқ кенг истеъмол товарларида нисбатан ишлатилди.

Дунё бозоридаги Хитой компанияларининг энг оқсаётган тарафларидан бири бу маркетинг соҳасининг муҳимлигига эътибор қаратмаслик ҳисобланади. Хусусан, 2016 йилда “Interbrand” компанияси томонидан эълон қилинган чоп этилган йиллик 100 та энг машҳур савдо маркалари рўйхатига атиги 4 та Хитой компанияларининг киритилганлиги[64], ваҳоланки, The Wall Street Journal маълумотларига кўра Хитойга киритилаётган инвестицияларнинг ҳажми бўйича 2014 йилдаёқ АҚШ дан ўзиб кетди ва 127,6 млрд. АҚШ доллари этди[65].

Хитойнинг бир қатор компанияларининг халқаро брендга айланиш тажрибалари муваффақиятсиз чиқди. Бунга асосий сабаб сабаб, етарли йирик бозорлар савдони ташкил қилиш ва маркетинг тадқиқотларини етарли миқдорда молиялаштиришга эътибор қаратилмаганлигидадир. Спорт кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Li Ning компанияси ҳам ўзининг халқаро бренд сифатида ташқи бозорга чиқишининг дастлабки уриниши муваффақият келтирмади[66]. Маркетинг инструментларини тўлиқ ўзлаштирмаганлиги,

---

[63]www.wordbank.org

[64]http://reports.weforum.org/global-competitiveness-report-2016-2017/

[65] China Trumps U.S. for Foreign Investment // https://www.wsj.com/articles/china-trumps-u-s-for-foreign-investment-1422550982

[66] http://www.lining.com/

брендини истеъмолчиларга етказиб бера олмагани бунга сабаб бўлди. Компания маркетологлари янги маркетинг ёндошувни ишлаб чиқдилар ва унга кўра истеъмолчилар товарларини компаниянинг Интернет магазинларидан сотиб олиш имкониятини яратилди, бу эса истеъмолчилар компаниянинг янги халқаро брендга сифатида қабул қилишга олиб келди.

Аммо баъзида истиснолар ҳам кузатилиб туради: Lenovo бренди ҳозирда ташқи бозорда нуфузга эга компаниялардан ҳисобланади. Ушбу компания 1984 йилда New Technology Developer Incorporated номи билан ташкил этилган бўлиб, халқаро кооперация имкониятларидан кенг фойдаланди, дастлаб 2005 йилда Personal Systems Group компаниясининг бўлинмаларида бирини харид қилди ва 2010 йилга қадар IBM брендидан фойдаланди. Сўнг, 2010 йилдан Lenovo бренди билан ташқи бозорда ўз ўрнини эгаллашга интилди ва 2011 йилда компания Германиянинг компютер ишлаб чиқарувчи компанияси Medion компаниясини харид қилди ва 2012 йилда Япон компанияси бўлган NEC билан ҳамкорликда NEC Lenovo Japan Group янги компанияни ишга туширди. Бу каби стратегик ёндошув ташқи бозорни босқичма босқич эгаллаш, халқаро брендни дунё бўйлаб ёйиш катта натижасини берди. “Interbrand” компанияси баҳолашича ушбу компания 2016 йилдаги брендининг қиймати 4,045 млрд. АҚШ долларига тенгдир[67].

Хитой Халқ Республикасининг ташқи бозордаги миллий товарлар ва хизматларни рақобатбардошлигини таъминлаш имконини таъминловчи бир қатор омиллар ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Арзон ишчи кучи омили. Ишлаб чиқаришда меҳнат ресурслари билан боғлиқ харажатларни таннархдаги улушининг пастлиги, хорижий компанияларни Хитойда ишлаб чиқаришни жойлаштиришда қарорида муҳим омиллардан бири сифатида ўрин тутган. Чунки хорижий компаниялар ишлаб чиқаришни жойлаштиришда харажатларни ишчи кучини арзонлиги эвазига кескин қисқартириш интилдилар. Аммо сўнгги йилларда ХХРда иш ҳақи билан боғлиқ ижтимоий масалаларни долзарб муаммо бўлиши таннархни ўсишига ўз таъсирини ўтказмоқда;
- Ривожланган мамлакатлар билан боғлиқликнинг тарихий омили. Хитойда саноат ва транспорт коммуникациялари тизимининг шаклланишида тарихан Япония, Германия ва Буюк Британия каби давлатлар 19-20 асрларда муҳим ўрин тутиб келган ва ушбу мамлакатлар янги замонавий технологияларни Хитой томонидан ўзлаштирилишига замин яратди. Ўша даврнинг замонавий технологиялари Хитойнинг бир қатор минтақалари Чженцзян, Манчжурия ва Шанхай ҳудудларида кенг жорий қилинган;
- Кучли халқаро алоқалар омили. Ушбу омил ҳам Хитойнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади. Хитойнинг катта экспорт салоҳиятига эга эканлиги ташқи савдони кенгайтиришга асос бўлди. Хитойнинг ташқи савдони кучайиши тез ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига тўртки берди. Хитойнинг Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиши ташқи савдо имкониятларини бир неча бараобарга ошириб юборди. Ҳозирда

[67] http://interbrand.com/best-brands/best-global-brands/2016/ranking/

Хитой Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги, Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти, БРИКС, Осиё тараққиёт банкининг аъзоси ҳисобланади ва АСЕАН да кузатувчи мақомига эга;

- жаҳон йирик бозорларда етакчилик позицияси омили. Ҳозирда ташқи бозоридаги рақобатбардошлик Хитойнинг дунёнинг кўплаб бозорларида етакчи ўринда туриши билан характерланади ҳамда бутун дунё бўйлаб Хитой маҳсулотларига бўлган талаб юқори бўлиб қолмоқда;

- йирик молиявий ресурслар омили. Хитой тижорат вазирлигининг маълумотларига кўра 2015 йилда киритилган тўғридан тўғри инвестицияларнинг ҳажми рекорд даражага, 126,0 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, капитал қўйилмалар ҳажми эса 5,4 фоизга ошди. 2015 йилда 24 мингдан ортиқ хорижий капитал иштирокида янги компаниялар рўйхатдан ўтказилди, бу эса 2014 йилга нисбатан 11,0 фоиз кўпдир[68];

- қулай макроиқтисодий муҳит омили. Хитойда узоқ йиллардан бери юқори инфлация кузатилаётганига қарамасдан, макроиқтисодий муҳит кўрсаткичи бўйича у дунёда 11-ўринни эгаллайди. Жаҳон банкининг баҳолашича Хитойда ҳозирда жуда кичик бюджет дефицити, жуда кичик 26%ни ташкил қилувчи, аммо давлат қарзининг ЯИМга нисбати ўзгарувчанлиги кузатилмоқда, бундан ташқари умумий жамғармалар даражаси ЯИМнинг 50 фоизидан юқори бўлиб турибди[69];

- маъмурий тўсиқларнинг пастлиги омили. Маъмурий жиҳатдан тадбиркорликни ривожланишида давлатнинг компанияларига фаолиятига тегишли ташкилий масалаларни тезда бартараф эта олиши муҳим жиҳатдир. Хитойда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи ҳужжат жуда тез ва кам сонли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда тақдим этилади. Бу кўрсаткич бўйича Хитой дунёда 4-ўринда туради[70];

- ҳудудий ихтисослашув омили. Хитой саноатининг ҳудудий ихтисослашуви натижасида айрим ҳудудлар енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, бошқа ҳудудлар коммуникация жиҳозлари ишлаб чиқишга ёки яна бири уй жиҳозлари ихтисослашганини кузатиш мумкин. Шунингдек, ушбу омилнинг характерли жиҳати мунтазам ҳудудларнинг ўзаро кооперациясини яхши йўлга қуйилган ва бу эса ишлаб чиқариш муддатларини қисқартириш ва таннархни пасайтириш имконини беради харажатлар камайтириш учун ҳамкорлик қилиб келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Хитой Халқ Республикаси ўзининг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишда рақобатли афзалликлардан кенг фойдаланган, бундан ташқари уларда мавжуд ички бозор талаби ҳам замонавий молиявий-иқтисодий инқироз даврида Хитойни иқтисодий кўрсаткичларини бир маромда ушлаб туришда катта аҳамият касб этган. Хитойнинг энг йирик ишлаб чиқарувчилари дастлабки йилларда жаҳон

---

[68]http://www.finanz.ru/novosti/aktsii/obem-inostrannykh-investiciy-v-ekonomiku-knr-v-2015-godu-sostavil-ekordnye-$126-mlrd-1000983923

[69] www.wordbank.org

[70] Градобитова Л.Д. Теория международной конкурентоспособности государств // Международные отношения, М-2006

бозорларига чиқишда турли мураккабликларга дуч келишига қарамасдан, кейинчалик товарлар ва хизматлар сифатини оширишга ва халқаро маркетинг инструментларидан самарали жорий қилиш орқали АҚШ, Япония ва Европа йирик компаниялари билан рақобатлаша олмоқдалар.

Хусусан, Ўзбекистон бир қатор омиллар, жумладан, муҳим географик жойлашув, бой хом-ашё ресурслар, малакали ишчи кучи, иқлим шароити, ривожланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эвазига рақобатлик афзалликларга эришиши натижасида ташқи бозорда рақобатбардошлик даражасини янада мустаҳкамлашига замин яратади.

Шунингдек, ҳозирги кунда миллий компанияларимиз учун, ички бизнес муҳитини ташқи бизнес муҳитини уйғунлаштириш, халқаро маркетинг инструментларидан кенг фойдаланиш, товар ва хизматлар таннархини пасайтириш ва харажатларни қисқартириш, сотув ҳажмини барқарорлаштириш ва кенгайтириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва имиджини кўтариш мухим , миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини янада кўтариш борасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- миллий ишлаб чиқарувчилар учун ички рақобат муҳитини кучайтириш, илғор фан ва технологиялар ютуқларини кенг жорий қилиш эвазига товар ва хизматлар харажатларини камайтириш;
- мамлакат доирасида ҳудудий ихтисослашув жараёнини ҳудудий рақобат афзалликлари ҳамда жаҳон бозори конъюнктураси талабларидан келиб чиққан ҳолда оптималлаштириш;
- миллий брендларни халқаро доирага чиқариш дастурларини яратиш ва мамлакат товарлари ва хизматларининг ижобий имиджини шакллантиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Мамлакатимизда экспорт салоҳиятини оширишда ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулоти рақобатбардошлигини оширишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, бу эса ўз навбатида миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик тизимини мустаҳкамлашга ва имиджини яхшилашини таъминлайди.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ”Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль сони

2. Хошимов Э.А., Мингишов Л.Ў. Мамлакатда тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий омили // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2015 йил

3. Градобитова Л.Д. Теория международной конкурентоспособности государств // Международные отношения, М-2006

4. http://www.imd.org/uupload/imd.website/wcc/scoreboard.pdf

5.http://www3.weforum.org/docs/GCR2016-2017/05FullReport/TheGlobalCompetitivenessReport2016-2017_FINAL.pdf
6. http://reports.weforum.org/global-competitiveness-report-2016-2017/
7. China Trumps U.S. for Foreign Investment // https://www.wsj.com/articles/china-trumps-u-s-for-foreign-investment-1422550982
8. http://www.lining.com/
9. http://interbrand.com/best-brands/best-global-brands/2016/ranking/
10. http://www.finanz.ru/novosti/aktsii/obem-inostrannykh-investiciy-v-ekonomiku-knr-v-2015-godu-sostavil-rekordnye-$126-mlrd-1000983923
11. www.wordbank.org
12. https://atlas.media.mit.edu/ru/profile/country/jpn/

Муратова Ш.Н., и.ф. бўйича PhD,
Олий ҳарбий божхона институти ўқитувчиси

## БОЖХОНА АМАЛИЁТИДА ТОВАРЛАР ЭКСПЕРТИЗАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодийислоҳотларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мамлакатимиз истеъмол бозорини юқори сифатли товарлар билан таъминлаш, товарлар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шу билан бир қаторда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масалаларига урғу берилган.

Бугунги кунда божхона органлари фаолиятини замонавий ташкил этишда, шунингдек “товарларни ноқонуний олиб киришнинг асосий шакллари ва услублари ҳамда божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемалари ҳақидаги маълумотларни аниқлаш, ўрганиш ва умумлаштириш орқали божхона тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш, бюджетнинг даромад қисмини ошириш”[71] йўналишида ишларни амалга оширишда божхона органлари фаолиятида асосий объект – товарларнинг истеъмол қийматини билиш орқали уларни Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасида таснифлаш товарлар экспертизаси бўйича назарий ва амалий кўникмага эга бўлишни талаб этади.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодий манфааатларини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятининг ажралмас қисмидир. Республикамиз божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларнинг турли ассортименти ва уларнинг миқдори божхона органлари ходимлари олдига нафақат мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, балки товар истеъмолчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини қўймоқда.

[71] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

Товар иқтисодий категория сифатида инсоннинг эҳтиёжини қондиришга қаратилган ва олди-сотди объекти сифатида намоён бўладиган меҳнат маҳсулидир. Товар мазмун жиҳатдан икки хусусиятга эга: истеъмол хусусият, яъни истеъмолчининг эҳтиёжини қондириш қобилияти ва алмашув хусусияти – маҳсулот сифатида бир хил улушдаги маҳсулотга ёки пул эквивалентига алмаштирилиш қобилияти.

Шундай қилиб, товар – бу бирор-бир давлатнинг фойда олиши учун мўлжалланган асосий маҳсулот бўлиб қолмасдан, охир-оқибат у олди-сотди учун ишлаб чиқарилган истеъмол предмети ҳисобланади. Шу сабабли, товар тижорат фаолиятининг предмети сифатида товаршунослик фанининг объектидир.

Товаршунослик фани товарларнинг истеъмол қийматини аниқлаш, товарлар ассортименти ва сифатининг шаклланиши, уларни сақлаш шароитларини таъминлашга қаратилган фаолиятни ўрганадиган мажмуавий илмий фандир.

Замонавий ривожланиш жараёнида товаршуносликнинг асосий усули – объектларни тизим сифатида тадқиқ этишга асосланган илмий билиш услубиятини қамраб олган тизимли ёндашув усулидир. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида товаршунослик фанининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- товарлар истеъмол қийматининг шаклланиши ва намоён бўлишининг умумий қонуниятларини аниқлаш ва тадқиқ этиш;
- турли гуруҳ товарлари учун атамаларнинг шаклланиши, таснифланиши ва кодлаштиришининг илмий принципларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш;
- товарлар сифати ва ассортиментини бошқариш усуллари ва принципларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш;
- мамлакат ичида, шу билан бир қаторда халқаро миқёсда товар ҳақидаги маълумотлар билан алмашиш бўйича ижодий муносабатларни фаоллаштириш;
- истеъмол товарларининг божхона экспертизаларини ўтказиш.

Товарлар экспертизасининг олдига қўйилган вазифалар Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг асосий вазифалари – товарларнинг экспорти ва импортида самарали божхона назоратини амалга ошириш билан узвий боғлиқдир. Сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – уларнинг соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш каби сиёсий ва ижтимоий дастурларни ҳал этишда ҳам божхона органларининг роли янада ортди.

Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рағбатлантириш, шунингдек, бугунги кунда божхона органлари фаолиятини замонавий ташкил этишда хавфни бошкариш тизимида яширувчи товарлар ва хавф товарлари тушунчалари келтирилган бўлиб, яширувчи товарлар - хавф товарлари ўрнига декларацияланиши эҳтимоли етарли даражада бўлган товарлар; хавф товарлари - хавф аниқланган ёки потенциал хавф мавжуд бўлган божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар[72] деб таърифланган.

[72] Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Хавфни бошқариш тизимида хавф профиллари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2018 йил 13 июндаги 775 хфу-сон буйруғи.

Божхона экспертизасини амалга оширишда ҳам товарлар экспертизасининг аҳамияти каттадир. Божхона эксепертизасининг асосий мақсади – божхона расмийлаштирувига тақдим этилган товарларнинг реал тавсифининг божхона юк декларациясида кўрсатилган товар ҳақидаги маълумотларга мувофиқлигини текширишдир.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали турли хилдаги товарлар ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ божхона органларининг амалий фаолиятида товар тўғрисида қуйидаги тушунча мавжуд: "божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси, валюта бойликлари ва бошқа қимматли қоғозлар, электр, иссиқлик энергияси ва энергиянинг бошқа турлари, интеллектуал мулк объектлари, транспорт воситаси товардир, бундан ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган транспорт воситаси мустасно"[73]

Фойда олиш мақсадида тижорат учун мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган барча маҳсулотлар товар сифатида талқин қилиниши мумкин, жумладан:

қиймат баҳосига эга бўлган мол-мулк, масалан, мебель, маиший техника товарлари, пойабзал, гиламлар ва ҳ.к.;

валюта (пул) – мамлакатнинг пул бирлиги;

қимматли қоғозлар – давлат облигациялари, векселлар, чек, коносамент, акция, приватизацияланган қимматли қоғозлар;

валюта бойликлари – чет эл валюталари, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, турли ҳолатдаги ва кўринишдаги қимматбаҳо металлар;

транспорт воситалари – фақатгина эркин муомалага чиқариладиган ва реализация қилинадиган транспорт воситалари;

интеллектуал мулк – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси кодларига мувофиқ моддий дискларга туширилган интеллектуал мулк объектлари.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида мамлакат ички бозорини турли эҳтиёжларни қондириш имконига эга бўлган юқори сифатли ва рақобатбардош товарлар билан тўлдирилишини назарда тутади. Бунда юқори сифатли товарларни кафолатлашда давлатнинг роли ўсиб боради. Маҳсулот ва хизматларнинг сифати борасидаги истеъмолчиларнинг фаолиятини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси мамлакатимизда қабул қилинган "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Стандартлаштириш тўғрисида", "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида" ва "Метрология тўғрисида"ги қонунларда ўз аксини топган.

Товарларни ишлаб чиқариш, хизматларни кўрсатиш, уларни реализация қилиш ва истеъмол қилишда истеъмол бозорининг турли субъектлари орасида ҳуқуқий тартибни таъминлаш экспертизаларнинг пайдо бўлиши ва қўлланилишини тақозо этади. Хусусан, божхона экспертизасини ўтказишнинг ҳуқуқий асоси божхона органларининг асосий ҳужжати – Ўзбекистон

[73] Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси. – Т.: Адолат, 2016. – 576 б.

Республикаси Божхона кодексида акс этган. Айнан мана шу ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятига доир бўлган меъёрий ҳужжатларни, жумладан, божхона экспертизасини ўтказиш тартиби бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқади.

Божхона кодексига мувофиқ божхона экспертизасини ўтказиш товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини; товарнинг божхона қийматини; товарларни идентификациялашни; товарларнинг физик ва кимёвий тузилиши ва таркибини; товарларнинг маркаси, нави, тури ва сифатини; товарларни ишлаб чиқариш технологиясини; товарларни ишлаб чиқариш учун хом ашё манбаини; товарларнинг наркотик воситалар, кучли таъсир этувчи, заҳарловчи модда эканлигини; товарларнинг эксплуатацион ва технологик хавфсизлигини; товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг бадиий, тарихий, археологик бойлиги эканлигини аниқлаш бўйича, шунингдек махсус билимларни талаб этадиган бошқа масалаларни ҳал этади.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, божхона амалиётида товарлар экспертизаси ва божхона экспертизасининг боғлиқлик хусусиятлари товарларнинг истеъмол хусусиятини ўрганиш нуқтаи назаридан товар ҳақидаги маълумотларга қўйиладиган талабларнинг товарларни божхона экспертизасини ўтказишда уларнинг божхона юк декларацияларида келтирилган реал тавсифи билан солиштириш орқали намоён бўлади.

Адылова Зульфия Джавдатовна
д.э.н., заведующая сектором
научно-исследователского центра
“Научные основы и проблемы
развития экономики Узбекистана”
при ТГЭУ

## РОЛЬ ИНТЕГРАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ: ОТЕЧЕСТВЕННЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Уровень образования зависит от уровня экономического развития стран. Выявлено также, что образование дает дополнительные косвенные выгоды, стимулируя инвестиции в физический капитал, собственное технологическое развитие страны и адаптацию разработанных в других странах технологий. Имеются также доказательства того, что для экономического роста имеет значение все: тип, качество и эффективность образования, причем распределение ресурсов по уровням образования не только прямо влияет на экономический рост, но и увеличивает влияние образовательного потенциала на развитие[1].

Решение задач создания в стране инновационной экономики требует существенного роста инвестиций в человеческий капитал, в первую очередь увеличения государственных расходов на образование как минимум в два-три раза в ближайшие годы.

Всё больше интеграция науки, образования и производства имеет факторы государственной важности. Возрастает потенциал подготовки конкурентоспособных, отвечающих государственных стандартам научных кадров, способных защищать государственные интересы за счёт усовершенствования качества программ по дисциплинам, учебных планов, учебно-методической документации. Ещё одним из факторов государственной важности интеграции науки и техники является то, что она подготавливает почву для в рамках национальной программы серьёзного раннего изучения методик и методов проведения молодёжью научных исследований.

В данном направление необходимо обеспечить опережающую модернизацию образования и науки, увеличение доли затрат на активную часть (научно-лабораторное оборудование и экспериментальную базу, сплошную компьютеризацию учебного процесса, электронных библиотек, усиление в десятки раз каналов Интернет, повышение квалификации преподавателей и оплаты авторских гонораров за оригинальные электронные учебники и их переводы с иностранных языков), временное сокращение пассивных затрат, незначительно влияющих на инновации и качество образования (особенно инфраструктурных) [2].

Вместе с тем существуют всё еще ряд проблем связанных с процессом совершенствования интеграции не только науки и образования, но остаются не вполне решенными вопросы тесного взамидействия данного процесса с производстом.

В плане решения актуальных проблем 20 июля 2018 года состоялось встреча Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева с академиками, учеными и руководителями высших учебных заведений в Институте ядерной физики Академии наук Узбекистана. На встрече глава государства говорил о задачах и проблемах развития науки. В выступление руководителя страны было отмечено, что за последнее время наука отдалилась от реальных потребностей экономики, взаимодействие теории и практики осталось на бумаге. Десятки научных институтов были закрыты, потому как не выделялось финансирование. Отсутствие стимулов в работе повлекло за собой отток талантливых, перспективных ученых, которые стали искать себя за рубежом. В результате научно-практических исследований, проведенных за счет государственных средств, за последние пять лет получены патенты на более чем 700 научных разработок. Однако всего 18 из них были внедрены в производство [3].

Решение описанных выше проблем требует принятия кардинальных и нестандартных, но эффективных мер. В данном аспекте хотелось отметить ряд задач по совершенствованию деятельности ведомств, которые будут напрямую обеспечивать трансфер научных разработок и технологий в производство, обеспечивая тем самым востребованность научных разработок экономикой страны. Сегодня значительное количество ученых все еще занимаются давно потерявшими актуальность и востребованность проблемами. Нужно налаживать реальный механизм трансфера технологий в экономику вместо имитации данного процесса.

Эти меры должны составить основу «дорожной карты» развития конкурентоспособной науки и технологий в Узбекистане, которая будет содержать детальное описание первоочередных мер для развития науки и технологий, механизма их трансфера в индустрию, вопросы финансирования, международного сотрудничества, а также меры по интеграции науки и образования. Такая «дорожная карта» должна давать обоснование и описание шагов развития науки в краткой и среднесрочной перспективе.

Ключевым является решение проблемы кадрового дефицита, качества и научного менталитета кадров. Конечно, существующих кадровых ресурсов Академии наук и вузов далеко не достаточно для подобного обновления: в лучшем случае только 20% этого обновления можно обеспечить за их счет. Решить кадровые задачи можно было бы благодаря привлечению ученых из Узбекистана, работающих в университетах Европы, США, Кореи и Японии, которые составят 15–20% требуемого кадрового обновления. Подобная мера может быть осуществлена при содействии международных организаций (к примеру, JICA и KOICA), а также путем индивидуальных контактов отечественных ученых с зарубежными коллегами.

Другим способом решения кадровой проблемы является налаживание обменных программ между отечественными ведомствами, ответственными за науку и образование, и их зарубежными аналогами из развитых стран. В рамках таких программ можно эффективно наладить целевую подготовку магистров и PhD по приоритетным направлениям. Это будет способствовать решению еще одной проблемы, связанной с дефицитом конкурентоспособных научных кадров[4].

Однако нельзя говорить о его реализации поставленных задач без кардинальной реформы системы образования и науки путем принятия вышеизложенных мер.

Приближение высшего образования к требованиям международных стандартов, оптимизация структуры подготовки и внедрение новых механизмов обеспечения качества, развитие сетевых форм обучения, повышение мобильности позволят выработать оптимальный баланс между универсальностью знаний, их фундаментальным характером и ориентированностью на производство.

Реализация поставленных задач должна ориентироваться на повышение конкурентоспособности высшего образования в мировом образовательном пространстве. Таким образом, учитывая опыт стран СНГ и дальнего зарубежья концептуальными подходами являются следующие направления[5]:

- развитие сетевой формы взаимодействия учреждений высшего образования путем обеспечения практикоориентированности образования, углубление взаимодействия с организациями-заказчиками кадров;

- внедрение концепции образования, которая предполагает создание внутри университетов интегрированной образовательной, научно-исследовательской и предпринимательской среды;

- приведение профессионально-квалификационной структуры образования в соответствие с международными классификаторами в сфере образования и видами экономической деятельности.

- разработка и внедрение инновационных организационно-образовательных моделей и технологий, обеспечивающих повышение эффективности образовательной деятельности учреждений высшего образования;

- преобразование ведущих университетов в научно-образовательно-производственные кластеры, для системного решения вопросов инновационного развития отраслей и межотраслевых комплексов, учитывая опыт создания технологических парков при образовательных учреждений;

- формирование системы мотивации образовательных учреждений Республики Узбекистан, направленной на существенное повышение позиций в международных рейтингах, улучшение имиджа путем повышения конкурентоспособности научно-образовательного потенциала страны.

В заключение хотелось отметить, что каждая страна стремится обеспечить устойчивый экономический рост и в современных условиях становится все более очевидным, что понятия модернизации и инновационного развития как в национальном, так и региональном масштабе включают в себя не только предпосылки и результаты технологического характера, но имеют и социально-гуманитарное измерение.

Таким образом, как показывает зарубежный опыт, тесное взаимодействие наук, образования и производство играют значительную роль в процессе модернизации и инновационного развития, а результаты исследований могут способствовать развитию человеческого потенциала и созданию благоприятной среды для инновационных процессов.

Иначе говоря, все это направлено на достижение одной цели – это обеспечение устойчивого развития экономики страны, повышение и улучшение благосостояния людей.

## Список использованной питературы

1. А.В. Корицкий. Макроэкономическая оценка влияния образования на объёмы производства в регионах. [Электронный ресурс] https://creativeconomy.ru

2. Новости дня. [Электронный ресурс]. URL www.gazeta.uz (дата обращения 20.07.2018.)

3. Газета Народное слово. [Электронный ресурс]. URL http://www.narodnoeslovo.uz (дата обращения 20.07.2018.)

4. Новости дня. [Электронный ресурс]. URL www.gazeta.uz (дата обращения 20.07.2018.)

ТДИУ, “Макроиқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н
Исломов А.А

# ИҚТИСОДИШ ЎСИШНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Иқтисодий ўсиш сифати миллий иқтисодий тизим даражасида меҳнат самарадорлигининг мунтазам ортиб боришига асосланади. Ушбу кўрсаткич ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади ва иқтисодий тизимга ташкаридан таъсир этувчи омилларнинг узаро муносабатларини ташкил этишда сифатга алоҳида ахамият беришликни назарда тутади. Техника тараққиёти - юқори технологиядан фойдаланиш билан ишчи кучига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги ортади ва бу ҳолат ривожланган мамлакатлар тажрибасида узининг амалий жихатдан тўғрилигини исботлади.

“Иқтисодий ўсишнинг сифати” тушунчаси эса мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини ижтимоий йўналтирилганини кучайишини ифодалайди. Жумладан, иқтисодий ўсиш сифатини таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- ✓ аҳолининг моддий фаровонлигини яхшиланиши;
- ✓ шахснинг ҳар томонлама ривожланишини асоси ҳисобланган бўш вақтини кўпайиши;
- ✓ ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланиш даражасини ўсиши;
- ✓ инсон капиталига сарфланадиган инвестицияни кўпайиши;
- ✓ кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш;
- ✓ ишсизларнинг ва меҳнат қобилиятига эга бўлмаган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;
- ✓ меҳнат бозоридаги таклиф ўсиб бораётган шароитда тўла бандликни қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодий ўсишнинг янги сифатига ўтиш қуйидагиларни англатади:

- ➢ иқтисодий ривожланишга асосан илмий-техника тараққиётини омиллари ҳисобланган компютерлар, ресурсни тежайдиган юқори технологияларни қўллаш орқали эришилади;
- ➢ иқтисодий ривожланишга товар ва хизматларни сифатини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳисобига таъминланади;
- ➢ иқтисодий ривожланишга инсоннинг яшайдиган экологик мухитни химоя қилиш борасидаги талабларини бажариш ҳисобига эришилади;
- ➢ иқтисодий ривожланиш ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган бўлади.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллари иқтисодиётнинг жисмоний ўсиш лаёқатини белгилаб беради, улар таклиф омиллари деб ҳам аталади. Бу омиллар қуйидагилар:

- ❖ табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- ❖ меҳнат ресурслари миқдори ва сифати;
- ❖ асосий капитал (асосий фондлар)нинг ҳажми;
- ❖ технология ва фан-техника тараққиёти.

Мамлакат иқтисодиёти ҳақида аниқ тассавурга эга бўлиш, реал воқеликни тасаввур қилиш, кўрсаткичларни ўзаро таққослаш, иқтисодий моделлаштириш ва иқтисодий индиқаторларни бир бири билан ўзаро таъсирини баҳолашда иқтисодиётнинг сифат кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади. Одатда иқтисодиётнинг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш бир кишига тўғри келадиган меҳнат ҳажми, маҳсулот, реаурс ва капитал орқали ифодаланилади.

Иқтисодий ўсиш сифати миллий иқтисодий тизим даражасида меҳнат самарадорлигининг мунтазам ортиб боришига асосланади. Ушбу кўрсаткич ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади ва иқтисодий тизимга ташкаридан таъсир этувчи омилларнинг узаро муносабатларини ташкил этишда сифатга алоҳида ахамият беришликни назарда тутади. Техника тараққиёти - юқори технологиядан фойдаланиш билан ишчи кучига тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги ортади ва бу ҳолат ривожланган мамлакатлар тажрибасида узининг амалий жихатдан тўғрилигини исботлади.

Иқтисодий ўсишнинг меҳнат унумдорлигини ўсиш сифатига таъсири Э.Корсо, инклюзив ўсиш кўрсаткичлари ва уларни бахолашга эконометрик ёндашувларнинг илмий-услубий жихатлари П.Веллала, М.Мадала, У.Чхаттопадхай, ишсизликни камайтириш, савдони ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга каратилган макроиқтисодий сиёсатлар асосида баркарорликни таъминлаш асосида инклюзив ўсиш жараёнлари Ч.Аояги, Г.Ганелли, макроиқтисодий баркарорлик, инсон капитали, таркибий ўзгаришлар, хорижий инвестициялар ва ташки савдо эркинлиги асосида инклюзив ўсишни таъминлаш масалалари Р.Ананд, С.Мишра, Ш.Ж.Пейрислар томонидан ўрганилган. Юқоридаги тадқиқотларда эътибор берилаётган кўрсаткичлар ичида иш билан бандлик, меҳнат унумдорлиги, таркибий ўзгаришлар етакчи ўринни эгалламокда.

Мамлакатда иқтисодий ўсиш сифатини ижтимоий жихатларини таҳлил қилиш учун тармоқларда нисбий меҳнат унумдорлиги, капитал интенсивлиги, капитал кайтими кабиларни ўзгариши, уз навбатида иқтисодий ўсишнинг баркарор даражасини меҳнат бозорига, унумдорликка таъсири кабиларни бахолаш услублари ишлаб чиқилган бўлиб, уларда иқтисодий ўсиш суръати, тармоқларда яратилган ялпи махсулотни ҳажми ва ЯИМдаги улуши, тармоқларда иш билан бандлар сони ва иқтисодиётдаги улуши, тармоққа киритилган капитал ҳажми ва жами инвестциялардаги улуши, иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар сони ва ўсиш суръати,иқтисодиётда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати каби кўрсаткичлардан фойдаланилилади.

Ўзбекистонда мавжуд меҳнат ресурслари доимий равишда усувчи ҳолатни ифодалаб, 1996 - 2010 йилларда ўртача 2-2,5 %дан, 2001 - 2017 йилларда ўртача 3-3,5 %дан ўсиб борган бўлса, унинг таркибидаги иш билан банд бўлганларнинг ўсиш суръати эса тебранувчи ҳолатни ифода этиб, ўртача ушбу даврда 2,2 %ни ташкил этган.

Хорижий давлатларда иш билан бандликнинг ўсиш суръати 2000-2017 йилларда ўртача Хитойда 0,2 %, Жанубий Кореяда 1,4 %, Россияда 1,3 %, Қозоғистонда 2,3 %, Қирғизистонда 2,3 % бўлган. Ўзбекистонда эса ушбу даврда ўртача 2,5 % ҳолат кузатилган.

Иш билан банд бўлганларда хам бошқа соҳалар каби таркибий ўзгаришлар юз берди. 1997 йилда иш билан банд бўлганларни 41 % қишлоқ хўжалигида ва 40 % хизматлар соҳасига тегишли бўлса, қишлоқ хўжалигида жами иш билан бандлардаги улуши камайиб бориб, 2017 йилда 27 % ва аксинча, хизматлар соҳаси ўсиб 2017 йилда 51,0 % ни ифодалаган. Қурилишда иш билан бандлар улуши эса 1996 йилдаги 6,3 % дан 2017 йилда 9,5 % га етди. Саноат тармоғида иш билан банд бўлганлар улушида охирги йилларда ўсиш юз берди. 1996 йилда 12,9 % дан 1999 йилда 12,6 % га пасайган бўлса, кейинги йилларда ўсиб бориб 2015 йилда 13,0 % га тенг бўлган.

Иш билан банд бўлганларни тармоқ ва секторлардаги улуши ўзгариши билан бирга улардаги иш билан бандларнинг ўсиш суръати хам узига хос кўрсаткичларни ифодалаган. Асосий ўсиш суръатини тармоқлар нуктаи назаридан олинганда саноат, хизматлар соҳаларида ҳамда нодавлат секторида доимий ижобий ҳолатни ифодалаган бўлса, қишлоқ хўжалиги ва давлат секторида айрим даврларда салбий ҳолатни хам кузатиш мумкин. Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида 2017 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани айниқса эътиборлидир. Бозор ислоҳотлари шароитида меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари долзарб тус олади.

Республикада меҳнат ресурсларининг сони 2017 йилнинг январь-декабрь ойлари учун ўртача 18672,5 минг кишини ёки жами аҳоли сонидаги улуши 57,7 % ни ташкил килди.

Меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 14357,3 минг кишини (жами меҳнат ресурсларининг 76,9 %и), шунингдек, иқтисодий нофаол аҳоли сони - 4315,2 минг кишини ташкил килди (23,1 %и). Иқтисодий фаол аҳоли сонининг жами аҳоли сонидаги улуши 44,3 % ни ташкил килди.

Ҳудудлар кесимида энг куп иқтисодий фаол аҳоли сони Фарғона (1630,5 минг киши) ва Самарканд (1629,8 минг киши) вилоятларида кузатилди. Иқтисодий фаол аҳоли сонининг энг кам кўрсаткичлари Сирдарё (371,9 минг киши) ва Навоий (445,7 минг киши) вилоятларига тўғри келди.

Дастлабки маълумотларга кура, 2017 йил иқтисодиётда банд аҳоли сони 13520,3 минг кишини ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 1,7 % га ошган.

Иш билан банд аҳоли сонининг иқтисодий фаолият турлари кесимида таҳлил этилганда, бандлар сонининг 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсиши ташиш ва сақлашда (2,6 %), молиявий ва сугўрта фаолиятида (2,4 %), қурилишда (2,1 %), савдода (1,9 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (1,7 %) кузатилди.

Иш билан банд аҳоли сонининг асосий кисми қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалиги (27,3 %), саноат (13,5 %), савдо (11,0 %), қурилиш (9,5 %) ва таълим (8,2 %) соҳалари ҳиссасига тўғри келди.

Ушбу ҳолат мазкур соҳаларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда иш ҳақи даражаси орқали намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2017 йилнинг декабрь ойида 1983,4 минг сўмни[74] ташкил килиб, 2016 йилнинг декабрь ойига нисбатан 13,2 % га ошди. 2017 йил январь-декабрь ойлари учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1453,2 минг сўмни ташкил килиб, 2016 йил мос даврига нисбатан 12,3 % га ошди.

1-жадвал

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи *(минг сўм)***

| | ***Январь-декабрь*** | | ***Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да*** | |
|---|---|---|---|---|
| | ***2016й.*** | ***2017й.*** | ***2016й.*** | ***2017й.*** |
| Республика бўйича | 1 293,8 | 1 453,2 | 100,0 | 100,0 |
| **шу жумладан:** | | | | |
| саноат | 1 863,8 | 2 091,7 | 144,1 | 143,9 |
| қурилиш | 1 619,1 | 1 808,4 | 125,1 | 124,4 |
| савдо | 1 500,5 | 1 650,7 | 116,0 | 113,6 |
| ташиш ва сақлаш | 1 763,9 | 1 945,8 | 136,3 | 133,9 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 913,4 | 1 035,3 | 70,6 | 71,2 |
| ахборот ва алоқа | 2 042,2 | 2 498,5 | 157,9 | 171,9 |
| молиявий ва сугўрта фаолияти | 2 140,1 | 2 694,1 | 165,4 | 185,4 |
| таълим | 1 038,9 | 1 160,1 | 80,3 | 79,8 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 887,8 | 980,8 | 68,6 | 67,5 |
| санъат, кунгил очиш ва дам олиш | 1 272,1 | 1 367,0 | 98,3 | 94,1 |
| бошқа фаолият турлари | 1 109,7 | 1 239,4 | 85,8 | 85,3 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори даражаси молиявий ва сугўрта фаолиятида - 2694,1 минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан 85,4 % га куп), ахборот ва алоқада - 2498,5 минг сўм (71,9 % га), саноатда - 2091,7 минг сўм (43,9 % га), ташиш ва сақлашда -1945,8 минг сўм (33,9 % га), қурилишда - 1808,4 минг сўм (24,4 % га) ва савдода - 1650,7 минг сўм (13,6 % га) кузатилди.

Ҳудудлар кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори даражаси Тошкент шаҳри - 1986,5 минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақидан 1,4 мартага куп) ва Навоий вилояти - 1926,5 минг сўм (1,3 мартага куп) ҳиссасига тўғри келди. Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг паст кўрсаткичлари Наманган (1140,5 минг сўм), Самарқанд

[74] Бу ерда ва кейинги уринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ хужалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта хисобланган

(1157,3 минг сўм) ва Сурхондарё (1172,0 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Бу вилоятлардаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 21,5 %, 20,4 % ва 19,4 % га кам бўлган.

Иқтисодий ўсиш сифатини ижтимоий жихатларидан бири бўлган иш билан бандликни ўзгаришига қатор омиллар таъсири урганилганда асосий таъсир этувчи омиллар инвестицион тавсифдаги манбалар булиб, улар: жамгарма (0,859), тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши (0,631) ва капитал қуйилмалардаги улуши (0,606)[75].

Шу билан бирга, иш билан бандликни таъминлашга экспорт (0,784), иқтисодий ўсишнинг ҳисобот давридаги ҳолати (0,713), бир давр аввалги киймати (0,591), кичик бизнесни иш билан бандликдаги улуши (0,560) хам юқори боғлиқликда таъсир қилмоқда. Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ўсиш суръатини ҳисобот йилдаги кийматлари (0,292) ҳамда аввалги давр кўрсаткичлари (0,145) нисбатан кучсиз боғлиқликда бўлсада, таъсир этаётган омиллар гурухи ичида асосий омиллар инвестицион фаолликни ифодаловчи кўрсаткичлар эканлиги мазкур манбани алоҳида тадкик этишни талаб этади.

Меҳнат унумдорлигини иқтисодий ўсиш натижасида ўзгаришини бахолаш алоҳида ахамиятга эга ҳисобланади. Чунки, иқтисодий ўсишнинг меҳнат омили асосидаги сифатини тулик бахолаш учун унумдорликка таъсирини урганамиз. Жумладан, мамлакатда иқтисодий ўсишнинг меҳнат унумдорлиги ўзгариши билан боғлиқликдаги сифат жихати 1996-2015 йилларда ўртача 0,62 бирликни ифодалаб, охирги йилларда узида ижобий ўзгаришларни акс эттириб, 2015 йилда 0,8 бирликка тенг бўлган. Ушбу ижобий жараён ўсиш натижасида меҳнат унумдорлигининг ортиб бораётганлиги билан асосланади.

Юқоридагиларга асосланиб мамлакатда иш билан бандлик ва меҳнат самарадорлигини янада ошириш учун қуйидагиларни таклиф этамиз:

- қимматли когозлар бозорини ривожлантириш чора - тадбирларини куллаш асосида хизматлар соҳасидаги иш билан бандликни ва реал секторни капиталлашув даражасини ошириш;

- хорижий инвестицияларни рагбатлантирувчи асосий омиллардан бири ишчи кучи малакаси эканлигини ҳисобга олиб, унинг даражасини кичик бизнесда ошириш учун кичик бизнесдагилар малакасини ошириш бўйича махсус курслар ташкил этиш;

- тайёр рақобатбардош махсулотлар ишлаб чикарувчи кичик бизнес субъектларига узок муддатли кредитлар бериш жараёнини кенгайтириш, уларни капиталлашув даражасини ошириш учун Марказий банк томонидан ресурслар ажратиш;

- саноатда меҳнат унумдорлиги юқорилигини ҳисобга олиб ушбу соҳада иш билан бандлик даражасини оширишга каратилган чора - тадбирларни кенгайтириш;

[75] У.А. Мадраҳимов, Иқтисодиёт тармокларининг самарадорлигини баҳолаш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали № 3, май-июнь, 2017 йил

- саноат билан йирик молия муассасалари капиталини бирлаштириш ёрдамида саноат тармоғини капиталлашув даражасини ошириш оркали иш билан бандлик даражасини устириш асосида қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурсларини бир кисмини кайта тақсимлаш;

- бозор инфратузилмасини ривожлантириш (бу биринчи томондан, хизматлар соҳасидаги иш билан бандликни оширса, иккинчи томондан, саноатни ривожланиши асосида иш билан бандлик даражасини оширади);

- қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурсларини самарали бандлигини ривожлантириш;

- қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантиришга каратилган чора - тадбирларни кенгайтириш асосида меҳнат омилини тармоқлараро кайта тақсимотини амалга ошириш.

- турли корпоратив бошқарув шаклларини куллаш билан корхоналарда таркибий ўзгаришлар қилиш асосида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш;

- мамлакатда мавжуд иш фаолиятини тўхтатган саноат корхоналарини инвестиция киритиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун хорижий инвесторларга сотиш тизими инфраструктурасини кенгайтириш;

- кичик ва йирик бизнес ўртасида интеграцияни шакллантириш, кичик бизнесни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган интеграцион жараённи йўлга қўйган йирик бизнес вакилларига имтиёзлар кенгайтириш.

Hakimov Hakimjon Abdullo o’g’li,
TDIU “Makroiqtisodiyot” kafedrasi assistenti

## KENG QAMROVLI IQTISODIY O’SISH: ASOSIY ELEMENTLAR VA TARKIBIY QISMLAR

Daromadlarning tengsizligi va keng qamrovli (inkluziv) o'sish haqidagi xavotirlar global muammolarga aylandi. So'nggi 30 yil ichida ko'pgina mamlakatlarda tengsizliklar ko'p jihatdan texnologik o'zgarishlarga yuz tutdi. Ayni davrda barcha hukumatlar o'zlarining sa'y-harakatlari va resurslarini yanada Inkluziv o’sishga yo'naltirmoqda.

XVFning ushbu sohadagi tadqiqotlari o'sib borayotgan tengsizlik iqtisodiy o'sish kuchiga xavf tug'dirayotganini ko'rsatmoqda va hukumat siyosatining xususiyati daromadlar taqsimotiga ta'sir qiladi hamda davlat organlari vaziyatni yaxshilashga yordam berishi mumkin[76].

Kam tadqiqot olib borilgan ushbu yo’nalish 2017 yilda past daromadli rivojlanayotgan mamlakatlarda makroiqtisodiy siyosat asosiga aylandi. Shuningdek, makroiqtisodiy siyosatlar byudjet taqchilligi, mehnat bozorini liberallashtirish va transchegaraviy kapital oqimlarining ta'siriga qaratilmoqda.

So'nggi yigirma yil ichida yuqori o'sish sur'atlariga qaramasdan, ko'plab kam daromadli rivojlanayotgan mamlakatlarda daromadlar tengsizligi yuqori bo'lib qolmoqda, bu esa kelgusidagi o'sish sur'atlari va makroiqtisodiy barqarorlikka salbiy

[76] Содействие всеобъемлющему росту, Годовой отчет МВФ 2017.

ta'sir ko'rsatishi mumkin. Xususan, norasmiy sektorning yuqori darajasi, geografik va tarmoqlararo mehnat harakatining cheklanganligi, sohalardagi hosildorlik bo'yicha salmoqli farqlar, moliyalashtirishga kirish imkoniyatlarining kamligi va infratuzilmaning past darajasi mamlakatlar uchun iqtisodiy o'sish va tengsizlikni kamaytirish o'rtasida murosaga erishish muammolari hisoblanadi.

Moliyaviy islohotlar (soliq siyosati, davlat infratuzilmasiga investitsiyalarni ko'paytirish), moliyaviy va qishloq xo'jaligi sohasidagi islohotlar kabi o'sishga yo'naltirilgan siyosatlar kam daromadli rivojlanayotgan mamlakatlarda daromad taqsimotiga sezilarli ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Ushbu islohotlarning salbiy ta'sirini oldini olish uchun, o'sishni qo'llab-quvvatlovchi islohotlar bilan birlashgan maqsadli siyosatdan foydalanish zarur.

Iqtisodiyot o'sib bormoqda va qashshoqlik kamaymoqda, ammo kam daromadli mamlakatlarda tengsizlik yuqoriligicha qolmoqda.

O'sish jarayonlarini tavsiflashda «inkluziv» atamasi, asrimizning boshlanishiga qadar iqtisodchilar Kakvani va Perniya tomonidan (tengsizlikni bartaraf etishga yo’naltirilgan o'sish omillarini ta'kidlash uchun) ishlatilganini kuzatish mumkin.[77]

Inkluziv o'sish haqida juda ko'p tadqiqotlar yozilgan va u siyosat hamda siyosiy muhokamalarida tobora ko'proq tilga olinayotgan bo’lsada, inkluziv o'sishning yagona g'oyasi yo'q.

Masalan, Kakvani va Perniya “tengsizlikni bartaraf etishga yo’naltirilgan o'sishni “kambag'allarning iqtisodiy faoliyatda faol ishtirok etishiga va undan katta foyda olishiga imkon beradigan jarayon” sifatida belgilash hamda bunday o'sishining o'ziga xos xususiyatlarni aniq hisobga olish "inkluziv iqtisodiy o'sish"” deb ta’riflaydi.

Inkluziv o’sish kontseptsiyasi markaziy o’rinni qanday qilib egallaganligi va dolzarb qolayotganligi haqida Klasen “Inkluziv o’sish Osiyo taraqqiyot banki (OTB) ning amaldagi strategiyasida strategik asos bo'lib xizmat qiladi. Biroq, mamlakat, loyiha yoki dastur darajasida inkluziv o'sishni kuzatib borish uchun aniq ta'rif yoki indikator mavjud emas” – deb ta'kidlangan.[78] Shu bilan birga yaqinda Inkluziv o’sishda erishilgan yutuqlarni hisoblash uchun indikatorlarni o'rnatish bo'yicha sa'y-harakatlarni muvofiqlashtirish va tahliliy asoslarni yaratishga kirishildi[79].

Rivojlanish, tengsizlik va kambag'allik darajasini qisqartirish o'rtasidagi munosabatlar uzoq davom etadi va shuning uchun ularning "inkluziv o'sish"da rollari teng darajada saqlanadi.

Inkluziv o’sishning asosiy elementlari quyidagialar:

1. Daromadni va YaIMni ko'paytirishdan ko'ra kengroq maqsadlarga ega bo'lish, bunda hukumatlar ushbu maqsadlarga erishish uchun faol ish olib borishlari talab etiladi. Buning natijasida ijobiy natijalar yuksalishda davom etadi.
2. Inson taraqqiyotida erishilgan yutuqlarni targ'ib qilish va farovonlikni oshirish.
3. Barcha guruhlarga, jumladan eng quyi qatlamga ham naf keltirish.
4. Kambag'allik va tengsizlikni kamaytirish.
5. Iqtisodiyotda faol ishtirok etish.

---

[77] Kakwani and Pernia (2000)
[78] Klasen (2010: iii)
[79] Ianchovichina va Lundstrom, 2009; Klasen, 2010; McKinley, 2010

6. Tabiiy resurslardan barqaror foydalanish va iqlim muhofazasini rag'batlantirish.

Umuman olganda inkluziv o'sishning muhim tarkibiy qismlari quyidagilardan iborat:

- inson kapitaliga investitsiyalar;
- ish o’rinlarini yaratish;
- tarkibiy o'zgarishlar va keng qamrovli o'sish;
- progressiv soliq siyosati;
- ijtimoiy himoya;
- ijtimoiy izolatsiya va ayirmachilik qilmaslik;
- siyosiy institutlar.

Inkluziv o’sish maqsadlariga erishmoqchi bo'lgan hukumatlar yoki donorlar ushbu sohalar atrofida aniq strategiyalarga ega bo'lishi kerak.

*Inson kapitaliga investitsiyalar*. Inson kapitaliga investitsiyalar inkluziv o'sishga erishishning asosiy ustuni sifatida e'tirof etiladi. Sog'liqni saqlash va ta'lim sohasidagi investitsiyalar iqtisodiy rivojlanishning natijalari va inkluziv o'sishni amalda qo'llash bilan statistik jihatdan bog'liqdir.

*Ish o’rinlarini yaratish*. Salomatlik va ta'limning yaxshi darajasi kambag'al aholiga iqtisodiy o'sishga qatnashish va foyda olish imkonini beradi.

Tadqiqot shuni ko'rsatadiki, mehnat bilan bog'liq voqealar (masalan, yangi ish o’rinlari yaratish yoki ish haqining oshishi) qashshoqlikdan olib chiqadi. Aksincha, ish joylarining yetishmasligi uy xo'jaliklarining farovonlikni oshirishga qobiliyatini pasaytiradi.

2000 yillarning birinchi o'n yilligida kambag'allik darajasini qisqartirish yutuqlari, asosan, kadrlar bozorini yaxshilashga bog'liq edi. 2013 yilgi Jahon taraqqiyot hisobotiga ko'ra, ish joylari ham uy xo'jaliklari daromadlarini ta'minlash, iqtisodiy samaradorlikni oshirish, bolalar sog'lig'i va ta'limiga investitsiya kiritish, ijtimoiy va energetika munosabatlarini o'zgartirish va o'z qadr-qimmati va farovonligini ta'minlashda katta o’ringa ega[80].

*Tarkibiy o'zgarishlar va keng qamrovli o'sish.* Ko'pgina rivojlanayotgan mamlakatlar uchun inkluziv o'sish yo'nalishi yanada samarali iqtisodiy faoliyatga (tarkibiy o’zgarishga) o'tishga bog'liq. Bu esa, bir nechta sohalarga bog’liqlikni pasaytiradi, o'z navbatida, barqarorlikni oshiradi va ko'proq hamda yaxshi ish o'rinlari yarata oladi. Iqtisodiy islohotlarsiz, kambag'allar kambag'al bo'lib qolaveradi, va har qanday rivojlanish beqaror bo'ladi.

Ko'pgina iqtisodchilar tarkibiy o’zgarishlarning yuzaga kelishiga rozi bo'lishsa-da, uni eng yaxshi tarzda amalga oshirish va eng kambag'allarga foyda keltirishi haqidagi munozara hanuzgacha davom etadi.

Misol uchun, savdo ochiqligi va investitsiyalarni liberallashtirishning an'anaviy shakllari kambag'al uy xo'jaliklarining daromadlarini o’zgarishiga va oshishiga olib keladi.[81]

Inkluziv o’sish:

---

[80] World Bank (2013)

[81] Saadfilho (2010) From Washington Consensus to Inclusive Growth, UNDESA Working Paper 100

Birinchidan, kambag'allikni kamaytirishga olib keladigan qarorlar bilan afzalroq siyosatga erishishni emas, balki aniq natijalarga erishishni ko’zlaydi.

Ikkinchidan, u kambag'al aholi hamda ular uchun muhim bo'lgan qishloq xo'jaligi yoki norasmiy sektor kabi iqtisodiyotning sohalarida hoh bandlik uchun, hoh tovarlar va xizmatlarni yetkazib berish uchun to'g'ridan-to'g'ri ta'sirlarni aniqlashga alohida e'tibor beradi. Bu o'sishni kuchaytirish uchun yetarli emas, bunda kambag'allarning xarajat va daromadlarini hisobga olish muhim. Shu sababli ham iqtisodiyotni liberallashtirishga qaratilgan oldingi yondashuvlar siyosatning teng huquqliligiga e'tibor bermaganligi uchun tanqid qilinadi[82].

Va nihoyat, u barqarorlikka va o'tish davrini yumshatishni boshqarishga ko'proq e'tibor beradi.

Kambag'al aholi iqtisodiy inqirozdan va o'zgarish davridan ko'p zarar ko'radi.

O'sish komissiyasi (Growth Commission) ta'kidlaganidek, tarkibiy o'zgarish "yaratilish va yo'q qilishning mikroiqtisodi" ni o'z ichiga oladi va bu dinamika salbiy ta'sir ko'rsatadiganlarni himoya qilish muhimdir[83].

*Progressiv soliq siyosati.* Soliq siyosati bevosita qayta taqsimlashida katta rol o'ynaydi. Biroq, inkluziv o'sishda uning ahamiyati bundan ham ortadi. Soliqqa tortish- inson kapitaliga investitsiyalar, ijtimoiy transfertlar va inkluziv o'sishga zarur bo'lgan infratuzilmalar uchun juda muhimdir.

Soliq solish muayyan sohalar yoki tadbirkorlik sub'ektlari turlarini rag'batlantirishi va qo'llab-quvvatlashi mumkin.

Soliq tizimining tuzilishi iqtisodiyot ko’proq yoki kamroq kambag'al bo'lishiga olib kelishi mumkin.

Misol uchun, kapital oqimi va yuqori soliq imtiyozlari to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishga yordam beradi[84].

OECDning soliq bazasi va daromad almashuvi bo'yicha hisoboti (BEPS) transmilliy kompaniyalarning o'rtacha 5% korporativ soliqlar to'lashini, ammo kichik biznes sub’ektlari 30% to'lashini aniqlagan[85].

Inkluziv o’sish strategiyalari soliq siyosatining kambag'allik oqibatlariga olib keladigan natijalarni susaytirish yoki kamaytirish yo'llarini ko'rib chiqishi kerak va bu holat kambag'al odamlar ishlayotgan sohalarga nomutanosib salbiy ta'sir ko'rsatmasligi kerak.

*Ijtimoiy himoya.* Ijtimoiy himoya inkluziv o'sish ta’minlashda muhim siyosiy sohadir. U to'g'ridan-to'g'ri o'tkazmalar va qayta taqsimot orqali tengsizlik va qashshoqlikni ko'proq kamaytirishni rag'batlantirish vositasi bo'lishiga qaramasdan, inkluziv o'sishga erishishda dinamik rol o'ynaydi.

Ijtimoiy himoya, agar to'g'ri ishlab chiqilgan bo'lsa, kambag'al tadbirkorlarning yuqori daromadlariga ham hissa qo'shishi mumkin, Birlashgan Millatlar Tashkilotining savdo va rivojlanish bo'yicha konferentsiyasi (UNCTAD, 2006) ta’kidlashicha, “Uy xo'jaligi darajasidagi qashshoqlik bilan umumlashgan har qanday iqtisodiy

---

[82] Commission on Growth and Development (2008)
[83] Commission on Growth and Development (2008)
[84] Valpy Fitzgerald (undated)
[85] OECD (2013)

ishonchsizlik tadbirkorlikka salbiy ta'sir ko'rsatadi, chunki u qisqa muddatli risklar va cheklovlar bilan bog'liq”

*Ijtimoiy izolatsiya va ayirmachilik qilmaslik.* Garchi ijtimoiy izolyatsiya tengsizlik bilan bir xil tushuncha bo'lmasa-da, alohida guruhlarga nisbatan muntazam kamsitish iqtisodiy imkoniyat va natijalarga hamda qashshoqlikni bartaraf etish istiqbollari va farovonlikni yaxshilashga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Ma'lumki, agar har bir guruhga foyda keltiradigan inkluziv iqtisodiy o’sishni ta’minlash istagi qabul qilingan bo'lsa, siyosat ayrim guruhlar doimiy o'sishdan va qashshoqlikni bartaraf etishdan tashqarida qolib ketayotganligini e'tiborga olish kerak.

Ushbu tahlil asosida inkluziv o'sishni davom ettirishda mamlakatlar quyidagi tavsiyalarni hisobga olishlari maqsadga muvofiq:

1. Inkluziv o’sish nimani anglatishini aniq belgilash. Ta'riflar siyosat va sarf-xarajatlarni belgilaydigan maqsadlarni aniqlash va belgilash uchun muhimdir.

2. Inkluziv o’sish maqsadlari aniq belgilanganligini ta'minlash. Ular inson taraqqiyotidagi yutuqlar, qashshoqlik va tengsizlikni pasaytirish, iqtisodiy faoliyatda ishtirok etish va tabiiy resurslardan barqaror foydalanish hamda iqlim muhofazasini rag'batlantirish kabi daromadlarni yoki yalpi ichki mahsulotni oshirishdan ko'ra ko'proq inson taraqqiyoti maqsadlariga e'tibor qaratishlari kerak.

3. Inkluziv o'sishni ta'minlash uchun faol strategiyalarni ishlab chiqish - bu avtomatik ravishda ro'y bermaydi. Iqtisodiy siyosatni ishlab chiquvchilar ijtimoiy va ekologik manfaatlar darajasini maksimal darajada oshirishga intilishlari kerak.

4. Inkluziv o'sishga erishish va o'lchash bo'yicha aniq ko'rsatmalar, maqsadlar va ko'rsatkichlarni ishlab chiqish. Bunga taklif etilayotgan yondashuv ortida inkluziv o’sish nazariyasi va tatbiq qilish metodologiyasini aniq belgilash kiradi.

5. Eng kambag'al odamlar ishlaydigan kichik biznes - o'sishni yanada inkluziv qilishda muhim rol o'ynaydi. Shuning uchun uni inkluziv o'sish strategiyalarida birinchi o'ringa qo'yish kerak. Kambag'al aholi uchun ularning ahamiyatini hisobga olgan holda, kichik biznes va rivojlanish darajasi o'rtasidagi bevosita aloqalarlik kelgusida tadqiqotlar va siyosatni baholashga asosiga aylanishi kerak.

Турабеков М.У.
ТДИУ мустақил изланувчиси

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ

Мамлакатимиз мустақиллигининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурларлар қабул қилинди. Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш ва бошқа дастурлари қабул қилинди. Улар иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналарни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасида улкан ишларни амалга ошириш имкониятини берди.

Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника,

фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани кўп нарсадан далолат беради.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз кўламини қарийб олти баробарга ўсиши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошиши, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиши, кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларимизнинг амалий самарасини кўрсатади. Саноат улуши 14 фоиздан 34 фоизга етди, ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида камдан-кам давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурида "Макроиқтисодий мутоносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш" вазифаси қўйилган. Ушбу устивор вазифани самарали ҳал қилиш, мустақиллик йилларида ушбу йўналишларда амалга оширилган ислоҳотлар натижалари ва уларни янада чуқурлаштириш йўллари ҳамда воситаларини баҳолашни талаб этади.

Энг аввало, иқтисодиётимизда: таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш; модернизация қилиш; халқаро рақобатбардош ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни шакллантириш борасида бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш; давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириб, хусусий мулк улушини кенгайтириш ва унинг устуворлигини таъминлаш вазифалари тобора ҳал қилувчи ўринни эгалламоқда. Шулар қаторида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, замонавий, инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёзларни янада кенгайтириш вазифалари доимий эътиборни талаб этмоқда.

Жаҳон тажрибаси далолатига кўра, қайси кўламда бўлишидан қатъий назар асосланадиган ва юритиладиган иқтисодий сиёсатнинг сифат ва самара даражаси миллий иқтисодий тафаккур салоҳиятига бевосита боғлиқ. Яъни иқтисодчининг миллий иқтисодиёт олдидаги масъулияти: мамлакат миқёсида забт этилаётган марраларда яққол намоён бўлади; ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кишилар фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутади.

Бинобарин, чорак аср мобайнида эришилган юксак марралар, мустақиллик остонасида бошланган фаол ва аниқ йўналтирилган иқтисодий сиёсатнинг нақадар тўғри, узоқ муддатни кўзлаб белгиланганидан далолат бермоқда. Хусусан, кейинги ўн йилдаги жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда мазкур иқтисодий сиёсат энг муҳим омил ҳисобланди.

Шуни ҳам таъкидлашимиз зарурки, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишларимиз халқаро иқтисодий ташкилотларнинг рейтингларида ўзининг ижобий ифодасини топмоқда. Ўтган йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки “Бизнес юритиш рейтинги”ни эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

Алоҳида қайд этиш керакки, “янги бизнесни қўллаб-кувватлаш” деб аталадиган мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. “Кичик бизнес субъектларига кредит бериш” деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Ҳозирги кунда мустақиллик йилларида бошланган иқтисодий ислоҳотлар стратегияси изчил давом эттирилмоқда, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ортиб бормоқда. Бу ўринда, аҳолининг ёш таркибига оид маълумотлар таҳлилига кўра, 16 ёшгача бўлганларнинг салмоғи қарийб 35 фоиз, 30 ёшгача бўлганларнинг салмоғи эса 62 фоиз бўлган шароитда, кадрларнинг иқтисодий тафаккури миллий истиқлол ғояси талабларига айнан мос келиш зарурати, долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев белгилаб берган Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ҳаёт шароитларини яхшилашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар муҳим ўрин тутади. Улар жумласига уй-жой, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация, электр энергия таъминоти ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ва модернизация тадбирлари киради.

Ушбу чораларни амалга ошириш натижада муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси комплекси билан биргаликда янги лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ жойларда яшовчи 60-65 минг аҳолини замонавий уй-жой билан таъминлашга эришилади.

Қишлоқ жойларда барпо этилаётган намунавий массивлар аҳоли учун сифатли яшаш шароитлари ва қулайликлар яратиш мақсадида ичимлик суви, электр ва табиий газ тармоқлари, ички йўллар ва бозор инфратузилмаси объектлари билан таъминланади.

Айни чоғда, юртимиздаги барқарор, осойишта ва ўзаро ҳамкорликка таянган муҳит, ватандошларимизда тобора ўсиб бораётган иқтисодий фаоллик халқимиз салоҳияти янада юксалиб бораётганининг яққол ва амалий тасдиғидир. Бу мамлакатимизни тараққий эттиришнинг янги босқич ва уфқларни забт этиш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Эндиликда, мустаҳкам юксак маънавиятли, ирода ва шижоатли иқтисодчи ва мутахассисларнинг ибрати билангина моддий нуқтаи назардан энг ривожланган давлатлар эришган марралар забт этилишини кўхна дунё тамаддуни кўзгуси акс эттирмоқда.

ТДИУ “Макроиқтисодиёт”
кафедраси ассистенти
В.А. Баҳриддинов

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ ТАРМОҚ ТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Миллий иқтисодиётнинг ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қабул қилинган. Ушбу кўрсаткич муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўтган даврдагига нисбатан ошиши, тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узоқ муддатли кўпайиши тенденциясини англатади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади барқарор иқтисодий ўсишга эришишдир. Бу мақсадга эришмай туриб, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ижтимоий муаммоларни ечиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги иқтисодий ва сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш мумкин эмас. Бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ҳам барқарор иқтисодий ўсишга эришишни иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади қилиб белгилаб олди.

Айтиш мумкинки, сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиб, ҳукумат томонидан уни мустаҳкамлаш борасида янги устувор вазифалар белгиланмоқда. Мамлакат раҳбари таъкидлаганидек, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир[86].

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев тасдиқлаган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни янади ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган “макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш”[87] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни самарали амалга оширишда мамлакат ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг истиқболда ўзгариш тенденцияларини билиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг тармоқ тузилмаси таҳлил қилинган.

[86] Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. /// Халқ сўзи газетаси 01.16.2017 й.

[87] Ўзбекистон Республиаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон, 70-модда.

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда ЯИМнинг тармоқ тузилмаси[88]**

| Кўрсаткич номи | 2016йил | 2017йил | 2016 йилга нисбатан (%) | ЯИМ (Яқк) ўсишида тармоқлар ҳиссаси |
|---|---|---|---|---|
| | млрд.сўм | | | |
| **I. ЯИМ** | **199 871,6** | **249 136,4** | **105,3** | **6,3** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 178 053,1 | 223 829,8 | 105,3 | 4,8 |
| маҳсулотларга соф солиқлар | 20 818,5 | 25 306,9 | 105,3 | 0,5 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **178 053,1** | **223 829,8** | **105,3** | **6,3** |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 32 276,8 | 43 149,8 | 102,0 | 0,4 |
| саноат (қурилиш билан) | 58 546,0 | 74 876,1 | 104,8 | 1,5 |
| саноат | 45 398,0 | 59 650,9 | 104,6 | 1,1 |
| қурилиш | 19148,0 | 15225,2 | 105,6 | 0,4 |
| хизматлар | 87 320,3 | 105 803,9 | 106,9 | 3,4 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича чизматлар | 19833,2 | 25 773,9 | 103,9 | 0,4 |
| ташиш ва сақлаш, аҳборот ва аълоқа | 21 113,0 | 24,553 | 108,9 | 1,1 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 46,284,1 | 55,476,8 | 107,3 | 1,9 |

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 89,8 фоизини ташкил этди ва 5,3 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 4,8 % пунктни ташкил этди). Маҳсулотлар учун соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 10,2 % ни ташкил этди ва ЯҚҚ каби 5,3 % даражада ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,5 % фоизни ташкил этди).

Бугунги кунда барқарор иқтисодий ўсишнинг йўналишларидан бири сифатида мамлакатимиз томонидан ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Инветицияларнинг мамлакат иқтисодиётига кириши натижасида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаоллиги ошади. Бунинг натижасида аҳолининг иш билан бандлиги ва аҳоли даромадлари ошади.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш борасида улкан натижалар кўзланаётган экан, бу вазифаларни бажариш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

---

[88] Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

– иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари учун узоқ муддатли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва унинг изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш;

– мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди учун мавжуд салоҳиятни инобатга олган ҳолда махсус ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш;

– хусусий мулкчиликни ривжлантириш, ўрта бизнесни ва хусусий тадбиркорликнинг янада жадал ўсишини таъминлаш;

– нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида банк кредитларини айнан иқтисодиётнинг реал секторига жалб этилишини таъминлаш;

– аҳолининг истеъмоли учун зарур бўлган товар ва хизматларнинг таннархини ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш воситаларини (асбоб ускуналар ва бошқаларни) импорт қилишни аста секинлик билан камайтириб бориш ҳамда уларнинг ишлаб чиқарилишни маҳаллийлаштириш;

– иқтисодиётни модернизациялаш, туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик янгиланиш жараёнларини янада такомиллаштириш;

– ялпи ички маҳсулот ҳажми ошишини таъминлайдиган, бугунги кунда дунёда долзарб масалага айланаётган ахборот-коммуникация хизматларини кескин даражада ўстириш;

– малакатдаги мавжуд илмий ва инновацион салоҳиятлардан унумли фойдаланиш;

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибини ва сифатини яхшилаб, уларнинг жаҳон бозорларига кўпроқ сотилишини таъминлаш ва бошқалар.

Бу каби тадбирлар янада такомиллаштирилиб, зарурий дастурлар ва лойиҳалар ўз вақтида амалга оширилса, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодий ўсишнинг узоқ вақт давом этиши таъминланади.

Исканов Б., Исмоилхўжаев Х.
ТДИУ, магистрантлари

## МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА УНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган талаби табиий тарихий миллий ва бошқа шарт-шароитларга қараб турлича бўлади ва тез ўзгариб туради. Шунга биноан аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам турлича бўлади.

Инсоннинг турмуш даражаси ўсиб борувчи талаблар даражаси билан уни қондириш имкониятлари даражаси ўртасидаги диалектик боғланиш ва унинг ўзгариши билан боғлиқдир. Бунда инсоннинг танлаш эркин- лигининг ўсиши яъни унинг нималами истеъмол қилиши, қаерда, қан- дай яшаши, қандай ўқиб билим олиши кабилами бемалол танлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Демак, инсоннинг турмуш даражаси ўсиши учун унинг танлаш эркинлиги кенгайиши, узоқ ва соғлом ҳаёт кечириши, билим олиши учун зарур иқтисодий ресурсларга (имкониятларга) эга бўлиши лозим. Бунда тинчлик, хавфсизлик, экология ва ижтимоий адолат масалалари ҳам муҳим ўрин тутади.

Аҳоли турмуш даражасининг БМТ томонидан тавсия этилган кўрсаткичлари тизими ўз ичига қуйидаги гуруҳларни олади:

1) туғилиш ва ўлиш даражаси ҳамда бошқа демографик кўрсаткичлар;
2) ҳаёт кечиришнинг санитар-гигиена жиҳатидан шароитлари;
3) озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш;
4) турар жой шароитлари;
5) маълумот ва маданият;
6) меҳнат қилиш ва бандлик шароитлари;
7) аҳолининг даромадлари ва харажатлари;
8) ҳаёт кечириш қиймати ва истеъмол нархлари;
9) транспорт воситалари;
10) дам олишни ташкил этиш;
11) ижтимоий таъминот;
12) инсон эркинлиги.

Бу асосий кўрсаткичлардан ташқари яна баъзи бир ахборотга оид кўрсаткичлар ҳам ажратиб кўрсатилади: аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келувчи миллий даромад, аҳоли жон бошига тўғри келувчи истеъмол ҳажми ва бошқалар.

Кишилар ҳаёт фаолияти учун зарур неъматлар тўплами меҳнат шароити, таълим, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат ва уй-жой сифати каби хилма-хил эҳтиёжларни ўз ичига олади. Кишилар эҳтиёжларини қондириш даражаси жамият аъзоларининг алоҳида олган ва оилавий даромадлари даражасига боғлиқ. Турмуш даражасини мамлакат даражасида (бутун аҳоли учун) ва табақалашган микродаражада (аҳолининг алоҳида гуруҳи учун) қараб чиқиш мумкин. Биринчи ёндашув турли мамлакатларда аҳолининг турмуш даражасини аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи бўйича аниқлаб, қиёсий таҳлил қилиш имконини беради.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш истеъмолчи бюджети асосида амалга оширилади. Истеъмолчи бюджетларининг бир қатор турлари мавжуд: ўртача оила бюджети, юқори даражада таъминланган бюджет, минимал даражада моддий таъминланганлар бюджети, нафақахўрлар ва аҳоли бошқа ижтимоий гуруҳлари бюджети шулар жумласидандир.

Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, даромаднинг бундан паст даражасида ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида чиқади. Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад «ўртача синф» деб аталадиган табақалар даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳ истеъмол савати тўпламига уй, автомашина, дала ҳовли, замонавий

уй жиҳозлари, сайр қилиш ва болаларини ўқитиш имконияти, қимматли қоғозлар ва зебу зийнат буюмлари киради.

Бозор иқтисодиёти аҳолининг юқори таъминланган ёки «бой» қатламининг мавжуд бўлишини тақозо қилиб, уларга аҳолининг юқори сифатли товар ва хизматлар харид қилишга лаёқатли бўлган жуда оз миқдори киради. АҚШда аҳоли бу қисмининг шахсий имконияти 8-10 млн. доллар миқдорида баҳоланади.

Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирларини амалга оширилиши натижасида аҳолининг кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши йил сайин ошиб бориб, бу 2017 йилда 55,2 фоизни ташкил этди.

Аҳоли даромадларини ошиб бориши билан бир вақтда мамлакатимизда истеъмол товарларининг маҳаллийлаштирилиши ҳамда уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратиб келинмоқда.

Шунингдек, аҳолининг истеъмол харажатлари таркиби йилдан йилга оптималлашиб, озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар барқарорлашиб, ноозиқ-овқат ва хизматларга қилинаётган харажатлар улуши ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан тиббиёт соҳасида ҳам жиддий ислоҳотлар олиб бориш ишлари бошланди. Мазкур ислоҳотлар натижасида республикада ўлим даражаси кўрсаткичларининг пасайиш тенденцияси кузатилди ва бу ўз навбатида республикада туғилишда кутилган умр давомийлиги кўрсаткичининг ўсишига ўз таъсирини кўрсатди.

Юсупов М., ТДИУ доценти,
Абдурахмонова М., ТДИУ доценти

## ИНКЛЮЗИВ ЎСИШ: МЕТОДОЛОГИЯ ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

Инклюзив ўсиш ва ривожланиш амалиёти миллий иқтисодий стратегияларда устуворликлар белгиланадиган объективни кенгайтиришни талаб этади. Бироқ, бошқа соҳалар ҳам иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадлари учун жуда муҳимдир: турмуш даражасининг мустаҳкамланиши, кенг барқарор ўсиши. Инклюзив ўсишда фақатгина иқтисодий ўсиш эмас, балки турмуш даражасининг юксалиши, жамоатчилик ва хусусий секторнинг иқтисодий ўсиши кузатилади.

Жаҳон Иқтисодий Форумининг 2017 йилдаги “Инклюзив ўсиш ва ривожланиш” номли ҳисоботида инклюзив ўсишнинг еттита асосий сиёсат соҳасидаги устунлари ва ўн беш пастки устунлари ёритиб берилган[108]. Кучли ўрта синфни қуришда, қашшоқлик ва ижтимоий чекловларни камайтиришда алоҳида ютуқларга эришган жамиятлар, ушбу соҳаларнинг кўпчилигида самарали иқтисодий институтлар ва рағбатлантирувчи омиллар яратиб, мустаҳкам макроиқтисодий сиёсат ва самарадорликни оширувчи ислоҳотлар орқали ўсишни қуллаб-қувватламоқдалар.

1-устун. Таълим ва қобилиятни ривожлантириш;

2-устун. Асосий хизматлар ва инфратузилмалар;

3-устун. Коррупция ва ижара ҳақлари;

4-устун. Реал иқтисодиёт инвестицияларининг молиявий воситачилиги;

5-устун. Асосий воситаларни қуриш ва тадбиркорлик;

6-устун. Иш билан таъминлаш ва меҳнгатга ҳақ тўлаш;

7-устун. Фискал трансфертлар.

Ушбу устунлар замонавий иқтисодиётнинг таркибий ва институционал хусусиятларини таърифлайди, айниқса, турмуш даражасининг кенг кўламда такомиллашишига эришиш учун муҳимдир. Таркибий ислоҳот, одатда, бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва давлат молиясининг соғломлигини тиклаш йўли билан иқтисодий ўсишни оширишга қаратилган чора-тадбирларни назарда тутади, кўп ҳолларда солиқ ва тўлов баланси инқирозига жавобан улар кўпинча қисқа муддатда яшаш меъёрларини сиқиб чиқариши мумкин. Бироқ, ушбу устунларнинг айримларини ёки барчасини мустаҳкамлаш учун жиддий саъй-ҳаракатлар, шунингдек, "таркибий мослашув" зарурдир. Ушбу турдаги тизимли ислоҳотлар, энг аввало, ривожланиш жараёнининг ажралмас қисмини ташкил этувчи узоқ муддатли стратегия сифатида қабул қилинмоқда.

[108] The World Economic Forum, committed to improving the state of the world, is the International Organization for Public-Private Cooperation. 91-93 route de la Capite CH-1223 Cologny/Geneva Switzerland

Жамиятнинг ўсиш моделининг инклюзивлигининг муҳим ўлчови - бу бюджет трансфертлари ҳисобга олинмагунга қадар унинг ҳаётий меъёрларда кенг ютуқларга эришиш даражаси ҳисобланади. Шу сабабли, еттита устунидан олтитаси хусусий сектор фаолиятининг таркибига таъсир этувчи сиёсат ва институционал омилларга ва бозорнинг ўзида натижаларни тақсимлашга тааллуқлидир.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИҲРТ) инклюзив ўсиш тушунчасини “иқтисодий ўсишни аҳолининг барча қатламлари учун имконият яратадиган ва моддий ҳамда номоддий жабҳаларда фаровонликни оширишда жамият мулкини янада адолатли тақсимлашни” аниқлайди деб ҳисоблайди. Инклюзив ўсишнинг концепцияси, муҳим омил халқнинг фаровонлигини барқарор яхшилашни рағбатлантириш учун иқтисодий ўсишни етарли эмас деб ҳисоблайди. Ҳақиқатдан ҳам, у ижтимоий фаравонликни ошириш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва тенглик каби турли хил ижтимоий омиллар мажмасини ҳисобга олишни талаб қилади.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг 2014 йилдаги “Ҳамжамиятнинг барча аъзолари: амалиётда инклюзив ўсишни амалга ошириш” номли ҳисоботида “инклюзив ўсиш” “иқтисодий ўсишни тушунишнинг янги ёндашуви бўлиб, ижтимоий гуруҳлар ўртасида ортиб бораётган фойдани янада тенг тақсимлаш ва яшаш тарзини оширишга қаратилган ўсишини” англатади деб ҳисоблаганлар. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти анъанавий ёндашувдан ажралиб чиқиш зарурлигини таъкидлаб, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини иқтисодиёт фаолиятининг ҳал қилувчи кўрсаткичи сифатида даромад ва моддий турмуш даражасининг концепцияларидан ташқарига чиқадиган тушунчага ва фаровонлик учун асос бўлиб хизмат қиладиган номоддий қийматларни ўз ичига олади.

Ушбу ҳисобот мамлакатларининг иқтисодиётини тартибга солиш жараёнида инклюзив ўсишга боғлиқ масалаларни қамраб олиш бўйича тажрибасини ўрганиш орқали инклюзив ўсишни рағбатлантириш учун зарур бўлган сиёсат чораларини ва воситаларини аниқлаш учун ИҲРТ ишига ҳисса бўлиб ҳисобланади. Айниқса, тартибга солиш сиёсати учун (Тартибга солиш таъсирини баҳолаш) сиёсат чораларини ишлаб чиқиш учун муайян воситалардан фойдаланишга алоҳида эътибор беради. Назарий жиҳатдан, тартибга солиш таъсирини баҳолаш (кўп қиррали таҳлил воситаси сифатида) иқтисодий, ижтимоий ва экологик натижаларни потенциал тартибга солиш чора-тадбирларини аниқлаш ва бошқариш ҳамда турли сиёсий мақсадларни мувозанатлаш ва улар билан боғлиқ савдо-сотиқларни бошқариш учун зарур бўлган далилларни аниқлашда ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин. Шундай қилиб, тартибга солиш таъсирини баҳолаш сиёсий фаолиятнинг инклюзив ўсишнинг турли соҳаларига таъсирини таҳлил қилиш учун стратегик восита бўлиши мумкин. Амалиётда, ушбу ҳисоботда кўрсатилгандек, кўплаб мамлакатлар тартибга солиш таъсирини баҳолашни инклюзив ўсиш бўйича муайян таъсирларни таҳлил қилиш учун қўллашади, лекин инклюзив ўсишни қўллаб-қувватлаш учун сиёсатни ишлаб чиқиш учун маълумотлар манбаи сифатида

тартибга солиш таъсирини баҳолашни стратегик фойдаланиш далиллари ишончли эмас.

Бу билан таққослаганда, тартибга солиш таъсирини баҳолаш жараёнида мамлакатлар гендер тенглигига таъсирни ёки таъсирини тақсимлашни кўпроқ таҳлил қилишга мойил эканликлари ҳақида кўрсатмалар мавжуд. Шу билан бирга, давлатлар кам ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли ва мавжуд тенгсизликлар ёки қашшоқлик ва иш билан бандлик/иш ўринларини яратишга таъсирини баҳолашнинг аҳамиятини камроқ ҳис этишади. Бу сиёсат ва жамиятда ишсизликнинг ўсиб бориши муаммосининг босими ва иш ўринларини яратишни рағбатлантиришда сиёсий манфаатнинг юқори даражаси ҳисобга олинган бўлса-да, бундай таъсирнинг ҳажмини ўлчаш бўйича услубий муаммоларга боғлиқ бўлиши мумкин. Мамлакатлар инклюзив ўсиш учун муҳим бўлган таъсирларни баҳолашга ҳаракат қилса ҳам, улар томонидан танланган усуллар - ягона тасирни таҳлил қилиш ёки тартибга солиш таъсирини баҳолашдан алоҳида текширишнинг қисми сифатида, мунтазам равишда ёки махсус тартибга солиш соҳалари бўйича - мамлакатлар ўртасида сезиларли даражада фарқланади.

Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти даромад ва бойлик, иш билан таъминлаш, касбий кўникмалар ва таълим, соғлиқни сақлаш ҳолати, атроф-муҳит сифати, шахсий хавфсизлик, инфратузилма ва турар жой шароитлари каби инклюзивлик тушунчасини аниқлаш учун бир қатор чораларни таклиф қилади. Шундай қилиб, инклюзив ўсиш концепцияси кўп қиррали хусусиятга эга. Бироқ инклюзив ўсишни рағбатлантиришда ҳисобга олиниши керак бўлган ўлчамларини танлаш, бир вақтнинг ўзида моддий ва номоддий ўлчовларни ҳисобга олишда муросани ҳал қилишнинг мураккаблиги жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Пул ва солиққа тортиш билан бир қаторда, тартибга солиш ҳукуматлар фаровонлиги ва иқтисодий равнақ топишини таъминлаш учун ҳукумат қўлидаги асосий кучлардан биридир. Бироқ Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Ташкилотининг тартибга солиш сиёсати бўйича сўровномаси, мамлакатлар томонидан инклюзив ўсишни рағбатлантириш учун тартибга солувчи сиёсатининг таклиф этаётган имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш имконияти мавжудлигини кўрсатади. Агар асосий тамойиллар ва тартибга солувчи сиёсат воситалари мунтазам қўлланилса, улар тартибга солиш жараёнининг бошиданоқ тартибга солувчи гуруҳлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг қарашларини ҳисобга олиш ва инклюзив ўсишнинг сиёсий мақсадига эришишда тартибга солишнинг самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради. Улар муайян қоидаларнинг муайян гуруҳларга қандай таъсир қилишини аниқлашга, шунингдек, тузатувчи ҳаракатлар зарурлигини тушинишга ёрдам беради. Улар шунингдек, тартибга солувчи қарорлар ва инклюзив ўсишнинг турли ўлчамлари орасида афзалликлар ва камчиликларнинг потенциал мувозанатини кенгроқ белгилашлари мумкин.

Инклюзив ўсишни бошқаришни бошқариш жараёнлари билан боғлаш, айниқса қийин ишдир. Бошқариш мураккаб (ва тез-тез аниқланган) тушунчадир. Бундан ташқари, кўпинча мунозара қилинадиган кўплаб жиҳатларни қамраб олади. Инклюзив ўсишнинг бошқарув регистри бўйича тараққиётни баҳолаш

учун ишлатилиши мумкин бўлган "яхши бошқарув" нинг бир неча машҳур композицион индекслари мавжуд.

Ҳозирги вақтда фақатгина бошқарувнинг ривожланиш йўналтирилган жиҳатлари ва уларнинг тегишли кўрсаткичлари деб ҳисоблаймиз. Тавсия этилаётган иккита кўрсаткич: 1) даромаднинг ЯИМга нисбати ва 2) давлат инвестицияларининг ЯИМга нисбати. Ушбу кўрсаткичларнинг иккаласи ҳам, "яхши бошқарув" муҳокамаларида эътиборсиз бўлсада, Инклюзив ўсиш кун тартибига қўшилишда ҳукуматларнинг муваффақияти учун жуда муҳимдир.

Даромадларнинг ЯИМга нисбати давлатнинг ички молиялаштириш манбаларини сафарбар этишдаги муваффақиятларининг асосий барометри ҳисобланади. Катта ресурс базаси бўлмаса, ҳукуматлар Инклюзив ўсишни рағбатлантириш учун тавсия этадиган дастурлардан келиб чиқадиган кўплаб функцияларни бажаролмайдилар.

Давлат инвестицияларининг ЯИМга нисбати ҳам жуда муҳимдир, чунки у давлатнинг ривожланишга сармоя киритиш имкониятларини ва истакларини кўрсатади. Осиё ва Тинч океанининг кам даромадли кўплаб мамлакатлари учун муҳим иқтисодий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган инфратузилмани молиялаштириш учун давлат инвестициялари кучайтирилиши керак.

Давлат инвестициялари ёки умуман давлат харажатлари кўрсаткичи давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилманинг турли шакллари учун сарф-харажатларни қоплашини акс эттириш учун тегишли тарзда ажратилиши мумкин.

Ялпи ички маҳсулотга нисбати сифатида соғлиқни сақлаш ва таълимга йўналтирилган давлат харажатлари аниқ мисоллар. Бундан ташқари, Ижтимоий ҳимоя индексига кўра, ижтимоий ҳимояга сарфланадиган давлат харажатлари ЯИМга нисбати сифатида кўрсатилади. Бундан ташқари, камбағаллик даражасини қисқартириш дастурлари бўйича умумий харажатларнинг асосий кўрсаткичи сифатида марказлаштирилиши мумкин.

Бундан ташқари, муҳим, лекин кўпинча эътиборсиз кўрсаткичлардан бири, иқтисодий инфратузилмага харажатлар кўрсаткичларидир. Сув, санитария, йўллар ва электр энергиясига бўлган кескин харажатлар. Энг камида бундай харажатлар қишлоқ ва шаҳар ҳудудлари, шунингдек, ҳудудлар бўйича (даромад даражасига қараб) ажратилиши керак.

Academic advisor, Aziz Zikiryoev
Lecturer of Department of World Economy,
Alimov Abduqodir Abduvaxob o'g'li
student TSUE.

## OPTIMIZATION OF JURIDICAL FUNDAMENTALS OF MACROECONOMIC DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN

As a result of large-scale reforms in Uzbekistan during the years of independence, the system of administrative and command-based governance has been abandoned, gradual market reforms have been implemented, and macroeconomic stability, high

rates of the economy, maintaining inflation at the forecast level and facilitating the creation offavorable conditions for the development of small business and private entrepreneurship.

At the same time, in-depth analysis of the country's path of development, the current global market conditions, and the growing competition in the conditions of globalization create a completely new approach and the development of the principles for the development of our state in a more stable and rapid pace and to be fulfilled. In order to further improve the effectiveness of the ongoing reforms, create conditions for the comprehensive and dynamic development of the state and society, modernize the country and liberalize all spheres of life, address the pressing issues of concern to the population and entrepreneurs. In the five priority areas of the Republic of Uzbekistan's development in 2017-2021, which was developed as a result of public law discussion, analysis of existing legislation, law enforcement practices and advanced international experience. This strategic model, along with all the spheres, sets out a number of challenges facing the development of the economy. These include macroeconomic stability, aimed at further development and liberalization of the economy and to maintain high economic growth rates, to increase competitiveness of the national economy, to modernize and accelerate agriculture development, to continue institutional and structural reforms to reduce government participation in the economy, strengthening of priority positions, stimulating the development of small business and private entrepreneurship, complex and balanced socio-economic development of regions, cities and towns, active involvement of foreign investments into the national economy through the improvement of the investment climate was shown. It also includes measures for the protection of private property, the financial market, modernization of agriculture, the development of the jewelry industry, and the preparation of the initial placement of shares of some national companies on prominent foreign stock exchanges[109].

**Picture 1. Ease of Doing Business in Uzbekistan (2008-2018)**




**Source:** trading economics

[109]Uzbekistan's Development strategy for 2017-2021.PO 4947/07.02.2017

Uzbekistan is ranked 74 among 190 economies in the ease of doing business, according to the latest World Bank annual ratings. The rank of Uzbekistan improved to 74 in 2017 from 87 in 2016. Ease of Doing Business in Uzbekistan averaged 127.30 from 2008 until 2017, reaching an all time high of 166 in 2011 and a record low of 74 in 2017.

In 2017-2021, it is planned to implement network programs covering 649 investment projects totaling $ 40 billion. As a result, in the next five years the production of industrial products will increase by 1.5 times, its share in the gross domestic product will increase from 33.6% to 36%, the share of the processing industry will increase from 80% to 85%. I would like to emphasize that the slowdown in the development of the political system can be a serious obstacle to gradual economic reforms and economic growth. Moreover, the democratization economy is an important factor in further reforming all spheres of our life.

The initial results of large-scale reforms based on the strategy of action are clearly reflected in the life of the country's people. It is an important factor in their social activity, strengthening their confidence in the future.

On the whole, the consistent implementation of reforms in Uzbekistan should assist in the achievement of the Goals outlined in the 2030 Agenda for Sustainable Development, improve public welfare and address pressing social and economic challenges facing the country. Specific objectives are set forth in the third program document - implementation of priority directions of economic development and liberalization.

**Investor considerations**

- Foreign investment can be made in the form of participation in charter capital (equity) of business entities and partnerships, banks, insurance companies and other entities established jointly with Uzbek legal entities or individuals
- Foreign investment can be made in the form of acquisition of concession rights including rights for exploration and development of natural resources
- Foreign investments can be made in the form of acquisition of a right for exploration, prospecting and mining of mineral resources under production sharing agreements
- New edition of the Law on Joint Stock Societies was introduced in 2014
- One-window registration of companies
- ’Branch’ option of the legal set up is not available for foreign companies
- Dividends or profits distribution is restricted in cases when “net assets” are less than charter capital

**Legal framework**

- The Uzbek company law system consists of the Civil Code and a series of separate laws governing joint-stock societies, limited liability societies, business partnerships and private enterprises.
- Commercial activity of business entities is also subject to the law on legal contractual basis of activities of business entities setting the requirements for contracts preparation, conclusion and fulfilment.

**Forms of business entities**

- Foreign investors may choose from a number of different forms of organisation to conduct business and business-related activities in Uzbekistan, including: limited liability societies, joint stock societies, partnerships, subsidiaries, representative offices and branches of foreign enterprises.
- According to the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, founders/participants of a legal entity or owners of its property are generally not responsible for liabilities of the legal entity. Such responsibility arises when these persons' or a parent entity's actions have led to insolvency (bankruptcy) of this legal entity.

New edition of the Law on Joint Stock Societies and Protection of Shareholder's Rights (Law) was introduced with effect from 7 May 2014. We have summarized the most notable amendments below.

- The new edition of the Law no longer contains distinct concepts of open and closed joint stock societies (JSS).
- JSS is granted with the right to determine the place of its location in accordance with its Charter (previously it was based on the place of state registration). In addition JSS is now obliged to have an email address and inform the state registration authorities if it changes.

**Partnerships**

- Partnerships are governed by the Law on Partnerships, #308-II of 6 December 2001. Partnerships are considered to be legal entities.
- The minimum charter capital is established to be not less than 50 times the MMW. The foundation capital should be contributed within a term defined by foundation documents not to exceed one year from the moment of state registration.

**Subsidiaries**

- According to the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, subsidiaries are viewed as separate legal entities. A subsidiary is established by a parent economic society, provided that the latter, by force of its participation in the charter fund or appropriate agreement may influence decision-making process of the subsidiary. A subsidiary does not hold responsibility for any liability of its parent.

**Picture 2. Laws and State Regulation Doing Business**



While the share of exports in the development of the economy is high, some of the conveniences for foreign investors are also reflected in the legislation.

The Ministry of Justice is responsible for the registration of audit and insurance organizations, exchanges, enterprises with foreign investments and market places (bazaars) created in Tashkent[110].

As the head of our state noted, due to the technological obsolescence and non-modernization of our country's gas and electricity capacities, it is regrettable that natural gas production by up to 23% in gas production and up to 20% in electricity transmission. We must abandon the technological retardation and inefficient production process to avoid the loss of our precious assets. Until capital is renewed, there is no technological advancement. But as capital is new, its processing technology is outdated, and its effectiveness is not noticeable. Another consequence of this is that the demand for qualified personnel also declines[111].

Яхшимуратова А.Р.
ТДИУ, “Макроиқтисодиёт” кафедраси ассистенти
Хусниддинов Ё. ТДИУ талабаси

## МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. Иқтисодиётни ривожлантиришда эса инновацияларнинг ўрни беқиёсдир.

Иқтисодиётни ривожлантиришда инновациялар етакчи рўл ўйнайди, чунки инвестиция орқали корхоналарнинг капитал жамғарилишига, натижада мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва иқтисодий ўсишга эришилади.

Жаҳон бозорида кескин рақобат кураши авж олиб бораётган шароитда миллий иқтисодиётни ривожлантириш биринчи навбатда, тараққиётнинг хом-ашё йўналишидан инновация йўналишига ўтиши натижада бутун иқтисодиётда стратегик муҳим ўзгаришларни амалга оширилиши билан боғлиқ. Бунда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш қонуниятлари ва уни технологик модернизация қилиш йўналишлари мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш ва турмуш сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш имкониятини яратувчи ахборот-индустриал жамиятни қуриш учун ривожланишнинг янги инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

---

[110] Guide to doing business and investing in Uzbekistan,23-page

[111]https://economictimes.indiatimes.com/news/economy/foreign-trade/2018-will-be-the-year-of-entrepreneurship-innovative-ideas-and-technologies-uzbekistan/articleshow/62248301.cms

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида инновацион сиёсатни шакллантиришда тизимли ёндашувни қўллаш, айниқса жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг қуйидаги замонавий тенденциялари замирида, ўта долзарб аҳамият касб этди:

– сифатли инсон капитали учун рақобат жаҳон инновацион ривожининг муҳим хусусиятларидан бирига айланиб бормоқда, юқори малакали ходимлар мослашувчанлигининг ортиши ҳам билимларни ёйиш жараёнларини таъминламоқда;

– билимларни ёйиш жараёнларида ахборот технологияларининг роли инновацион фаолликни янада ошириш учун долзарб аҳамият касб этмоқда, билимларни ёйиш жараёнлари эса алоҳида иқтисодиётлар доирасидан ташқарига чиқмоқда;

– глобаллашув жараёнлари компанияларни технологияларнинг янада юқори даражаларида рақобатлашишга мажбур қилади ва шу билан бирга инновацияни ихтисослаштириш ва маҳаллийлаштириш жараёнларини рағбатлантиради.

Миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришда инновацион жараёнларни самарали бошқариш инновацион фаолиятнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Шу боис, саноат корхоналаридаги мавжуд моддий-техник базани янгилаш, ишлаб чиқариш объектларини ривожлантириш, янги фаолият турларини ўзлаштириш, илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхоналарда инновацион муҳитни яратиш, инновацион ишлаб чиқаришни рағбатлантириш доимий равишда амалга ошириб борилиши даркор.

Глобал иқтисодий рақобатда фақатгина фан-техника ривожига қулай шарт-шароитлар яратиб берилган мамлакатлардагина фаолият юритаётган хўжалик субъектлари катта устунликка эга бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрьь куни “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3365 сонли Қарори, 2017-йилнинг 29-ноябрьь куни “Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва бошқа кўплаб ҳужжатлар имзоланди.

Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Ҳужжатга мувофиқ, мазкур вазирликнинг давлат ва жамият қурилишига, иқтисодиёт тармоқларига, қишлоқ хўжалигига, ижтимоий ривожланишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимига инновацияларни жорий этиш ҳамда илғор технологиялар жорий этилишини ташаббус қилиш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш соҳасидаги асосий вазифалари белгилаб берилди. Вазирликнинг асосий фаолият ёъналишлари ҳам кўрсатиб ўтилди. Ушбу вазирлик Ўзбекистон Республикасини инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида жамият ва давлат ҳаётини ҳар

томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

Шунингдек, 2018-йил 1-январдан Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги, Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ҳамда унинг Ижро этувчи дирекцияси тугатилиб, уларнинг бўшаётган штат бирликлари Вазирликка ўтказилиши белгиланди.

Давлат дастури доирасида 37 та қонун (Сайлов кодекси, "Давлат хизмати тўғрисида", "Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида", "Фан тўғрисида", "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бугунги кунда жаҳоннинг қатор мамлакатларида инновацияларга жуда катта эътибор ва маблағ ажратилади, хусусан, АҚШ, Япония, Германия, Франция, Англия, Хитой, Россия мамлакатларида ЯИМга нисбатан 10 фоизгача маблағ ажратилади.

АҚШда бу кўрсаткич ЯИМнинг 2.8 фоизни ташкил қилган. Илмий-тадқиқот соҳасига ажратилаётган давлат харажатлари йилига 10 фоиздан ортиб бормоқда. Японияда эса ЯИМнинг 3 фоизи илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилмоқда. Мамлакатимизда ушбу соҳага ажратилаёиҳтган маблағлар эса ЯИМга нисбатан олганда 1 фоизга етмайди. Бу эса юртимизда ушбу соҳага янада кўпроқ эътибор қаратиш долзарб масала эканлигидан далолат беради.

Иқтисодиётимизни юксалтириш учун инновацион ғоялар ва технологиялардан фаол фойдаланиб ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларга амалий тадбиқ этиб боришимиз керак. Нимага деганда фан ютуқлари билан ишлаб чиқариш бир-бирига мос келса биз кўзлаган юксак марраларга эришамиз.

Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш ва янада кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

✓ республикамизда қулай инновацион ва инвестицион муҳитни янада ривожлантириш ва иноваторларни қуллаб-қувватлаш ишларини тизимли равишда такомиллаштириб бориш;

✓ иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари бўйича глобал рақобатбардошлик индекси бўйича керакли шарт-шароитлар яратиш ва мамлакат миллий рақобатбардошлик кўрсаткичини жорий қилиш ва тегишли статистикани олиб бориш;

✓ ҳар бир корхона ва ташкилотларда халқаро маркетинг ва ахборот хизматини жорий этиш;

✓ хизмат кўрсатиш соҳасида смс ва интернет хизматлари орқали мулоқот тизимини жорий этиш ва бу орқали орқали истеъмолчилар вақтини ва маблағини тежашга эришиш;

- ✓ яратилаётган инновацион маҳсулот ёки ғояларга патент бериш ва ҳуқуқий томондан муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш;
- ✓ мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарга инновацион фаоллиги даражасига қараб турли солиқ, кредит ва бошқа турдаги енгилликларни бериш;
- ✓ инновацияларни ривожлантиришда жаҳоннинг тараққий топган давлатлари тажрибасидан фойдаланиш, жумладан, инновацияларни яратишга ихтисослашган иқтисодий зоналар яратиш ёки “циликон водийси” га ўхшаш ҳудудлар барпо қилиш;
- ✓ мазкур соҳада кадрлар етиштириш ишларига, таълим соҳаси ва ёш олимларни илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирларини қўллаш ва уларнинг чет элда малака оширишларига янада кенг имкониятлар яратиш.

ТДИУ, “Саноат иқтисодиёти”
кафедраси доценти, и.ф.н.,
Хакимов Рашид

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг йирик ва муҳим тармоғи ҳисобланиб, у мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17 фоизга яқинини ишлаб чиқаради. Тармоқнинг жадал ва барқарор ривожланиши мамлакат иқтисодиётидаги ислоҳотларнинг натижасига салмоқли таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни, хусусан, қишлоқ хўжалиги тармоғини модернизациялаш стратегияси ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мамлакат қишлоқ хўжалигини модернизациялаш бу – давр талабидан келиб чиқиб, тармоқни, унинг субъектлари фаолияти учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни тубдан янгилаш, уларни янги сифат даражасига кўтариш, яхшилаш, такомиллаштириш тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги субектларининг моддий-техник базаси энг охирги фан ва технология ютуқлари асосида жиҳозланиши, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг энг прогрессив шакллари қўлланилиши, субъектда энг самарали менежментдан фойдаланишни йўлга қўйиш каби ўзгартиришларни киритиш модернизациялашнинг моҳиятини ифода этади. Қишлоқ хўжалиги тармоғини модернизация қилишдан асосий мақсад мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, ишчи ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг мамлакат агросаноат мажмуасини модернизация қилиш стратегиясининг асосида ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш ётади. Мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоғини ялпи маҳсулотини йилига камида 6-7 фоизга ўсишини таъминлаш айнан тармоқни иннновацион ривожлантириш йўлига ўтказишни объектив заруратга айлантирмоқда. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини юқори суръатларда ўсишини тармоқда сифат ўзгаришлар оқибатида таъминланиши муҳим ҳисобланади. Яъни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайиши энг аввало тармоқда ресурс тежовчи, унумдорлиги юқори техника ва технологиялар асосида юз бериши, қўл меҳнатини, айниқса оғир иш турларини техникалар зиммасига юклаш эвазига таъминланмоғи лозим.

Иқтисодий адабиётларда инновация тушунчаси ва унинг моҳияти кенг тадқиқ этимоқда. Инновация фан-техника тарққиётининг янги замонавий шаклдаги кўринишини ифода этади. Инновация ибораси, тушунчаси фанга америкалик иқтисодчи олим Й.Шумпетер томонидан киритилган бўлиб, унинг моҳияти ишлаб чиқариш технологияси ва уни бошқаришни ўзгартириш,

инқирозларни енгиш имконини берадиган ишлаб чиқариш ресурсларини янги комбинацияларда фойдаланишдан иборатдир деган фикрга келган. Инновация янгилик киритиш маъносини бериб, уни “янгилик” тушунчасидан фарқлаш мақсадга мувофиқ. Янгилик бу инновация эмас. Масалан, янгилик бу фундаментал ишланмаларнинг расмийлаштирил- ган натижалари бўлиши мумкин. Буларга патентлар, яратилган янгилик, нау-хауларни киритиш мумкин. Янгилик инновацияга айланиши учун у ишлаб чиқаришга жорий этилиши шарт. Бошқача айтганда инновация бу – яратилган янгиликни илмий-технологик, иқтисодий, ижтимоий, экологик наф, самара олиш мақсадида ишлаб чиқаришга жорий этишдир.

Мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5264-сонли Фармони ва 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим амалий аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 – сонли Фармонида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш йўналишлари белгилаб берилган. Унга кўра тармоқда:

- таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;
- пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинлар экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;
- фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ

хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

- касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш;
- глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш[112] вазифалари белгиланган.

Бу вазифаларни сифатли ва ўз вақтида самарали амалга ошириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш, автоматлаштириш, кимёлаштиришни талаб даражсида ривожлантириш зуруратини объектив талаб қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш-тиришдан асосий мақсад оғир ва кўп талаб қилинадиган қўл меҳнатини камайтириш, меҳнат унумдорлиги ошириш ҳисобланади. Тармоқда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, ҳосилдорликни ошириш, етиштирилган ҳосилни нобудгарчиликларсиз йиғиб-териб олиш имконини беради. Бугунги кунда иқтисодиёт соҳасида рақобатнинг кучайиб бориши сифат жиҳатдан фарқ қиладиган, ресурс тежамкор ва унумдорлиги юқори бўлган техника ва технологияларни яратишни, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни, яъни тармоқда ишлаб чиқаришни механизациялаштиришни инновацион ривожланиш йўлиги ўтказиш мақсадга мувофиқ. Юқоридагилардан келиб чиқиб қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаштиришни инновацион йўлга ўтказиш охир оқибатда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини, тармоқнинг рақобатбардошлигини ошишига олиб келади деган хулосага келиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш уни интенсивлаштиришнинг бош йўналишларидан бир бўлиб, фан-техника тарққиёти даврида унинг амалий аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги экинлари учун маъданли ўғитлар билан талаб қилинадиган меъёр даражасида ва ўз вақтида таъминлаш ҳосилдорликни оширишнинг таъсирчан омилларидан бири саналади. Экологик муҳитнинг қисман бузулиши, биологик хилма-хилликнинг камайиши оқибатида қишлоқ хўжалиги экинларининг турли касалликларга чалиниш, зараркунандаларнинг кўпайиш ҳоллари кенгайиб бормоқда. Бу муаммони самарали ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаштириш ҳисобланади. Кимёлаштириш амалдаги мавжуд йўналишларни тубдан янгилаш асосида, яъни инновацион йўл билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Ўзида таъсир қилувчи моддаларни максимал юқори улушда сақловчи, фойдаланиш учун қулай ва арзон маъданли ўғитларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалиги экинлари

[112] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

касаллик ва заракунандаларига қарши курашувчи самарали, бир пайтда экологик муҳитга зарар келтирмайдиган кимёвий воситаларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалиги таромоғини жадал ва барқарор ривожлантиришда биотехнологияларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Қишлоқ хўжалиги биотехнологияларига янги серҳосил, сувга, касалликларга чидамли, тезпишар, ташишга, сақлашга қулай, инсон учун фойдали хусусиятлари катта экин навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини яратиш киради. Бунда етиштирилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига (витамин ва микро элементларга бойлиги, тўйимлилиги ва х.з.) алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалиги тармоғини жадал ва барқарор ривожлантириш мақсадида уни инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш кўплаб шарт-шароитларни талаб қилади. Жумладан, ҳозирда қишлоқ хўжалигининг фундаментал илмий тадқиқотларини жиддий ривожлантириш зарурати мавжуд. Қишлоқ хўжалигининг илмий тадқиқот институтлари, марказларининг моддий техник базасини, таъминотини кескин яхшилаш, соҳа олимлари меҳнатини юқори баҳолаш талаб қилинади. 2017 йил якунларга кўра мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,21 фоизи илм-фанни ривожлантиришга сарфланаётгани бу борада маълум етишмовчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Бизнинг фикримизча мамлакатимизда илм-фанга ажратилаётган маблағларни ҳажмини ошириш йўлларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бу борада бизнес ҳамжамиятини илм-фанга маблағ ажратишини кенгайтиришга эътиборини кучайтириш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз. Илм-фанга маблағ ажратаётган бизнесга, ажратган маблағи миқдоридаги даромадлари ёки фойдасига солиқ имтиёзлари бериш ёки иқтисодий рағбатлантиришнинг бошқа усулларини қўллаш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш тармоқнинг юқори малакали олий маълумотлатли кадрлар билан таъминланиш даражасига ҳам боғлиқлигини инобатга олиб, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда йирик бизнеснинг олий таълим муассасалари билан кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим деб ҳисоблаймиз. Йирик бизнес, иқтисодий субъектлар буюрмалар асосида кадрлар тайёрлашнинг инновацион тизимига ўтиши муаммонинг муҳим ечимларидан бири ҳисобланади. Яъни, буюртма асосида кадрлар тайёрлашда бизнес вакиллари “аниқ бир шахсларни ўқитиб беринг” қабилида ишлашдан воз кечиш лозим. Бизнес вакиллари ўзлари учун зарур олий маълумотли кадрларни тайёрлаш мақсадида ўз дастурларини эълон қилиши мақсадга мувофиқ. Бу дастурда иштирок этиш учун талабалар унинг шартлари билан олдиндан танишишлари шарт. Бизнес субъектлари ўз комиссиясини тузиб, эълон қилинган дастурда иштирок этиш хоҳишини билдирган талабалар билан ўзларига турдош олий ўқув юртларида саралаш синовларини ўтказиши лозим. Синов натижалари бўйича юқори кўрсаткичларга эга талабалар билан шартнома тузиши, уларнинг ўқув контиракт тўловларини тўлаб бориши, уларга имкон бўлса стипендилар беришни йўлга қўйиши керак. Талаба ҳар йили бир ёки ҳар

ўқув семестридан кейин бизнес субъектининг махсус комиссиясида синовдан ўтиши лозим. Синовдан ўта олмаган талабалар билан тузилган шартномалар бекор қилиниши шарт. Бу уларни тинмай ўз устида ишлашга мажбур қилади. Шу усулда тайёрлаган кадрлар бизнес субъектига ўқишни тугатгандан кейин ишга қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бу усул кадрлар тайёрлашни янги сифат даражасига кўтарилишига олиб келади.

Б.Б.Беркинов и.ф.д.,
ТДИУ профессор

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтишнинг энг биринчи масаласи – бу мамлакатда муносиб инновацион муҳитни яратиш, қайсиким бундай муҳитда фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этиш имкони яратилиши лозим ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатимизда рағбатлантирувчи инновацион муҳитни шакллантириш бўйича ташкилий институтлар ҳамда ҳуқуқий – институционал нормалар яратилди[113,114].

Шу билан бир вақтда таъкидлаш лозимки, дунёнинг етакчи мамлакатларида хусусан АҚШ, Япония ҳамда ЕИ айрим мамлакатларида инновацион ривожланиш учун муносиб муҳит яратишда катта тажриба тўпланган. Ана шу тажрибалар негизини инновацияларни юзага келиш ва тарқалиши механизмлари ва қоидалар ташкил қилади.

Инновацион ривожланиш назариясининг асосчиларидан бири Й.Шумпетер ҳисобланади. Шумпетер ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» мавзусидаги ишида иқтисодиёт фанига «инновация» тушунчасини киритиб, инновацион жараёнга таъриф берган[115]. Й.Шумпетер мутлақо янгича ёндашувни қўллаган ҳолда, иқтисодий ўсишни таъминловчи ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган тадбиркорлик новациясига урғу беради. Й.Шумпетернинг фикрича, тадбиркордаги мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан янги комбинацияларни тузиш зарур, бунинг натижасида ривожланиш юз беради. Инновацион фаолият - ишлаб чиқариш омилларининг комбинациялари яъни янги технологиялар яратилиши ҳолатлари билан таърифланади. Й.Шумпетернинг фикрига кўра, ривожланган кредит бозори ва тадбиркорлар томонидан кредит маблағларидан фойдаланиш имконияти инновацион ривожланишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Шундай қилиб, Й.Шумпетер назариясига кўра янги комбинациялар (технологиялар) муайян ҳолатда амалга оширилиши, янги маҳсулот ва хизматларни яратиш; янги ишлаб чиқариш усулини жорий этиш; янги сотиш бозорини ўзлаштириш; янги хомашё манбаидан фойдаланиш имкониятини қўлга

[113] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ЎзР Қонун хужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон, 70-модда.
[114] Указ Президента Республики Узбекистан “Об образовании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан.” 29.11.2017 г.
[115] Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. С. 165.

киритиш; фирмани ташкил этишнинг янги (шу жумладан фирманинг бозордаги монопол ҳолатини ёки ўзга монополияга путур етказилишини таъминловчи) шаклини яратиш инновацион сиёсат концепциясининг давоми бўлиб ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда инновациялар технологик (янги самарали ишлаб чиқариш), ижтимоий (инсон ҳаётини яхшилаш жараёни), истеъмол маҳсулоти (янги ва фойдали хоссаларга эга маҳсулот яратиш), ташкилий (менежмент тизимини такомиллаштириш) ва маркетинг (янги ёки яхшироқ маркетинг усулларини амалга ошириш) турларига бўлинади.

Янги эҳтиёж ёки омилларнинг янги комбинацияси асосидаги илмий тадқиқот ҳамда тажриба конструкторлик ишлари натижалари сифатида янги технологиялар яратилади ва улар тажриба синовларидан муваффақиятли ўтгач ишлаб чиқариш бошланади. Маркетинг тадқиқотлари тайёр маҳсулотни қайси бозор сигментида сотиш (бозорга чиқариш) кўпроқ фойда бериши тўғрисида қарор қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, инновацион жараён бир қатор босқичлардан иборат бўлиб, ҳар бир босчиқ маълум ҳажмда инвестицияларни талаб этади ва янги ғояни (лойиҳани) амалга оширишга инвестиция киритиш энг мураккаб масала ҳисобланади. Хорижий давлатлар тажрибаларига кўра инвестицияларнинг катта қисми фанни ривожлантириш ҳамда тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини бажаришга йўналтирилган.

Дунёнинг ривожланган давлатларида илмий-техника тараққиётига (илмий ва инновацион фаолиятга) тоборо катта харажатлар қилиш тенденцияси мавжуд. АҚШ, Япония, Россия, Ҳиндистон давлатлари 2000-2005 йиллардаёқ ушбу соҳада илмий ҳамда тажриба – конструкторлик ишларини молиявий ва кадрлар билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар ҳажмининг ўсиш суръатларини тезлаштирган. Прогноз ҳисоб-китобларига кўра дунёнинг етакчи давлатларида хусусан, АҚШда 2030 йилда фанга сарфланадиган молиявий маблағлар ЯИМнинг 3,1 %ни, Японияда 3,5 %ни, Хиндистонда ҳам ЕИ давлатларида 2,5 %ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда (1-жадвал).

**1- жадвал**

**Етакчи мамлакатлар ва дунё минтақаларининг фанни молиявий таъминлаш прогнози (ИТТКИ харажатлар ЯИМ нисбатан фоиз ҳисобида)[116]**

| Йиллар | АҚШ | Япония | ЕИ | Россия | Ҳиндистон | Хитой |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **2000** | 2,72 | 2,90 | 1,89 | 1,05 | 0,95 | 1,01 |
| **2005** | 2,72 | 3,20 | 1,87 | 1,25 | 1,45 | 1,34 |
| **2020** | 3,00 | 3,50 | 2,40 | 2,25 | 2,40 | 2,50 |
| **2030** | 3,10 | 3,50 | 2,50 | 2,30 | 2,50 | 2,60 |

Хитой Халқ Республикаси ҳамда Ҳиндситонда фан ривожланишини молиявий таъминлаш суръатлари қариб 1-1,5 баробаргача ошиши мумкин.

[116] Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями./ Под ред. Б.З.Мильнера. – М.: Инфра – М, 2013. – С. 35-36; С. 64-67.

Бундай юқори ўсиш суръатлари тадбиркорлик сектори ҳамда хусусий бизнесни университетлар, давлатнинг илмий тадқиқот марказлари билан кооперацион инновацион ҳамкорлигини кенгайтириш ҳисобига юз беради.

Прогнозларга кўра дунё мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг илмий сиғимлилиги битта тадқиқотчига ҳисоблаганда ортади. Ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатларнинг фармоцевтика, алоқа, ускунасозлик, дастурий таъминот соҳалари маҳсулотларининг илмий сиғимлилик кўрсаткичи даражаси (ИТТКИТга харажатининг сотишга нисбати) анча юқори ҳисобланади. Бу ушбу тармоқлар маҳсулотлари баҳоси янада юқори бўлишидан дарак беради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фундаментал ва амалий давлат дастурлари асосида илмий – инновацион тадқиқотларни бажариш бўйича илмий-тадқиқот институтлари, университетлар, йирик корхоналар ва ташкилотлар қошидаги илмий марказларнинг кенг тармоғи фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда фақат 2017 йилда ИТТКИга 440,3 млрд. сўм маблағ сарфланган. Бу 2010 йилга нисбатан 3,6 мартага кўпдир. Ўзбекистонда инновацион интеллектал маҳсулот яратиш билан қариб 37 минг киши банд, улардан 32 мингтаси тадқиқотчилар ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг илмий салоҳияти ҳозирги кунда қариб 40 фоизга тенг келади. Бу кўрсаткич ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, у давлат томонидан кенг қўллаб – қувватланмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида илмий инновацион – корпоратив ҳамкорлик асосида илмий тадқиқот ишларини бажариш ва улар натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича амалий тажрибалар тўпланган. Ушбу соҳада ҳамкорликни амалда ижросини таъминлаш учун университет 70 дан ортиқ вазирлик, идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, ассоциациялар, компаниялар, йирик корхоналар билан илмий инновацион – корпоратив ҳамкорлик бўйича шартномалар имзоланган.

Ўзаро инновацион – корпоратив ҳамкорлик шартномасида кўзда тутилган устувор янги ғоя негизида илмий – инновацион маҳсулот яратилади ва корпоратив ҳамкорлик ҳаракатлари қуйидаги тартибда амалга оширилади: [Университет] - [корхоналар, компаниялар, вазирликлар] - [инновацион гуруҳлар (талабалар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар)] - [Илмий – инновацион натижалар]. Илмий инновацион натижалар ҳамкорлар билан биргаликда амалиётга жорий этилади. Шу тариқа фан – ўқув жараёни – ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлиги таъминланади.

Шундай қилиб, юқоридаги таҳлил ҳамда фикр-мулохазалар Ўзбекистонда самарали ва қулай инновацион муҳит яратилиши лозимлигига эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Янги ғоялар, ихтиролар, фундаментал билимлар ва ишланмалар фақат яхши муҳитда ҳаётга татбиқ этилади. Бунинг учун иқтисодий эркинлик ва рағбат; бюрократик тўсиқларни бўлмаслиги; рақобат; етарли капиталга ҳамда шартномалар ижросини таъминлашнинг самарали механизмига ва бошқа воситаларга эга бўлиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ф.Б.Шакирова, иқтисодиёт фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD),
С.И.Мирзаев, талаба, ТТЙМИ

# БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛИ

Бугунги кунда жаҳонда анъанавий, чекланган, такрор ишлаб чиқарилмайдиган иқтисодий ресурслар ҳажми қисқариб бораётган шароитда иқтисодиётни инновацион омиллар асосида барқарор ўсишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё аҳолисининг ўсиб бориши, экологияни ёмонлашуви, инвестицион фаолликнинг кучайиши, иқтисодий ўсиш сифатини яхшилаш, инсон капитали ва энг илғор, юқори технологияларга асосланган инновацион иқтисодиётга ўтишни тақозо этмоқда. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг қабул қилиниши,[117] 2018 йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам мазкур йўналишда қўйилган муҳим қадамдир. Зеро, «Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.»[118]

Лекин, қисқа вақтда эришилган ва эришилаётган ютуқларимиз билан бир қаторда жиддий муаммолар, яъни иқтисодиётимизда:

- ҳанузгача хом-ашёвий йўналиш устиворлиги сақланиб қолганлиги;

- ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктурааринг талаб даражасида ривожланмаганлиги;

-мавжуд менерал хом-ашёлар, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланмаслик;

-ЯИМда материал ва энергия сиғимининг ривожланган давлатларга нисбатан 2-2,5 мартага юқорилиги;

- меҳнат унумдорлиги ва самарадорликнинг ривожланган давлатларга нисбатан 2-3 мартагача пастлиги каби муаммолар борлиги ҳам уйлаймизки ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон улкан имкониятларга эга мамлакат ҳисобланади. Давлатимиз ҳудуди Буюн Британия, Бельгия, Дания, Швейцария ва Австрия каби бешта давлат ҳудудини биргаликда қўшиб ҳисоблаганидан каттадир. Ўзбекистонда жами 2800 та фойдали қазилма бойликлар конлари, 100 турдан ошиқ менерал хом ашёлар мавжудлиги аниқланган. 1000 дан ортиқ конларда геология-разведка ишлари ўтказилган ва уларнинг салоҳияти 3.5 трлн. долларга тенг.

Лекин, Халқаро валюта фондининг 2017 йил якунлари маълумотларига кўра юқорида келтирилган 5 та Европа давлатларининг ЯИМ жами 4,682 трлн. доллар

---

[117] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони, lex.uz.

[118] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. б.20.

ёки дунё ЯИМдаги улуши 3,7 фоизни ташкил этади. Улардан ҳудуд жиҳатдан катта, табиий бойликлар буйича бой бўлган Ўзбекистоннинг ЯИМ 223,0 млрд. доллар ёки дунё ЯИМдаги улуши эса 0,18 фоизни ташкил этган.

Демак, инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш юзасидан чуқур илмий тадқиқотлар ўтказилиши лозим. Мамлакат товар экспорти таркибида юқори технологияли тайёр маҳсулотлар улушини ошириш, инновацияларни амалиётга қўллашни жадаллаштириш ва тижоратлаштириш шулар жумласидан.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар[119] ўз тадқиқотларида ривожланаётган мамлакатлар инновациялар ҳисобидан жадал иқтисодий ўсишининг ички омилларини кўрсатиб бердилар. Уларнинг фикрича, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш омилларидан бири таълим ҳисобланади.

А. Арора ва А. Гамбарделалар олий маълумотли мутахассислар мавжудлигини инновацион ривожланишнинг асосий омили сифатида алоҳида қайд этиб, ушбу назария тарафдорлари ҳисобланишади. Уларнинг фикрича, иқтисодиётнинг юқори технологияли сектори ривожланаётган барча мамлакатларда минтақани ривожлантириш даражасига нисбатан олий маълумотли мутахассислар кўпроқ.[120]

К.Р. Макконнелл, С.Л. Брюларнинг фикрича, йирик компаниялар ташкил этиш иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўли, омили сифатида эътироф этилиб, бу ривожланиш янги технологияларга таянади ва қуйидаги тамойиллар асосида амал қилади: а) йирик капиталдан фойдаланиш; б) йирик бозорлардан фойдаланиш; в) комплекс, марказлашган ва қатъий интеграциялашган бозор ташкил этиш; г) бой ва ишончли хом ашё манбаларини талаб қилиш. Муаллифларнинг фикрича, фақат йирик компаниялар етарлича ресурс базасига эга бўлган ҳолда техник инқилобни таъминлаши, кичик бизнеснинг эса бунга қурби етмаслиги мумкин. Уларнинг инновацион ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этган техника тараққиёти инвестициялар билан ўзаро боғлиқликда амал қилиб, жадал иқтисодий ўсишни таъминлайди.[121]

Маълумки, жорий молия йили ўтган молия йилида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмига қўшимча ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор баҳоси ЯИМ мутлақ ўсишидир. Ушбу ўсиш ЯИМнинг мутлақ кўпайишидир, бироқ у самарали иқтисодий ўсишни англатмайди.

Нисбий иқтисодий ўсиш иқтисодий ўсиш барқарорлигини ифодалаб, у қандай фаолият ёки қандай ресурс харажати ҳисобига ЯИМнинг ўсишига эришилганлигини билдиради. Бу қандай ресурс харажатлари ҳисобига ЯИМнинг ўсишига эришилганлигини билдиради. Бундай ресурс харажатлари таркибига инновацион фаолият ва инновацион ресурслар сарфи ҳам киради.

---

[119] Innovation Policy and the Economy, Volume 5, National Bureau of Economic Research, Adam B. Jaffe, Josh Lerner, and Scott Stern: The MIT Press, Cambridge, Massachusetts – 2005.

[120] Arora A. and Gambardella A.: “ Bridging the Gap”. In A. Aurora and A. Gambardella, eds., From Underdogs to Tigers: The Rise and Growth of the Software Industry in Some Emerging Economies. Oxford, UK: Oxford University Press. - 2005.

[121] Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2т.: Пер. с англ. – М: 1997. Т.2. – С. 89.

Инновацион харажатлар самарадорлиги ва унинг, даражасини аниқлашда иқтисодий самарадорликни аниқлашнинг умум методологик, назарий асосларидан фойдаланамиз. Яъни инновацион фаолият “натижа”сини ушбу фаолият учун қилинган “харажатлар”га нисбати орқали аниқланади.

ЯИМнинг кўпайган қисми (ΔЯИМ) бу ҳисобот йилида ишлаб чиқарилган ($ЯИМ_2$) ЯИМ ҳажми билан базавий йилда ишлаб чиқарилган ($ЯИМ_1$) ЯИМ ҳажми ўртасидаги фарқ. Яъни:

$$\Delta ЯИМ= ЯИМ_2 - ЯИМ_1$$ [122]

ЯИМнинг мутлақ кўпайиши албатта ишлаб чиқаришга қилинган харажатларнинг ҳам кўпайиши, ортиши (ΔW) ҳисобига эришилади. Харажатларнинг ортиши (ΔW) жорий ҳисобот йилида ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми билан базавий йилда ЯИМ ишлаб чиқариш учун қилинган харажат ҳажми ўртасидаги фарқ. Яъни:

$$\Delta W= \Delta W_2 - \Delta W_1$$

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, инновацион фаолият самарадорлиги ΔЯИМнинг Δинновацион харажатларга нисбатида, унинг даражаси эса фоиздаги ифодаси сифатида аниқланади. Яъни:

$$\text{Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлиги} \quad \frac{\Delta\ ЯИМ}{\Delta\ \text{инновацион харажатлар}}$$

Ушбу формула инновацион фаолият учун қилинган харажатлар ҳисобига олинган ЯИМ ўсишини ифодалайди.

Агар шу нисбат аксинча нисбатда ифодаланса, инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини аниқ баҳолайди. Яъни:

$$\text{Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини баҳолаш} \quad \frac{\Delta\ \text{инновацион харажатлар}}{\Delta\ ЯИМ}$$

Ушбу баҳолаш инновацион харажат бирлигига олинган ЯИМ ўсимини ифодалайди.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг инновацион омиллар асосиди ривожлантириш юзасидан қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Инновацион иқтисодий ўсиш самарадорлигини ошириш ялпи ички маҳсулотни мутлақ ортишигагина боғлиқ бўлмай, инвестицияларни инновацион фаолиятни жонлантиришга йўналтирилиши асосида инновацион ривожланишга эришиш ва улар негизида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланади;

2. давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишнинг солиқ, бож-тариф, молия-кредит тизимини инновацион ривожланиш модели талаблари ва ривожланиш суръатларига зудлик билан мослаштириш зарур;

---

[122] Муаллиф ишланмаси

3. инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш субъектларига хорижий инвесторлар, миллий товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва давлат ташкилотларига солиққа тортиш, бож-тариф сиёсатини қўллаш, кредитлашда алоҳида рағбатлантирувчи ёндашув тизимни ишлаб чиқиш зарур.

Нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва кенг тадбиркорлар қатламини инновацион маҳсулотларни кенг қамровли ишлаб чиқаришга, тижоратлаштиришга жалб этиш учун давлат томонидан юқорида қайд этилган шароитларнинг яратилиши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бозор механизми ва дастакларининг фаоллашувига, самарали амал қилишига пировардида иқтисодий ўсишни жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Хотамов Ибодулло Садуллоевич,
и.ф.н., доц. "Саноат иқтисодиёти"
кафедраси мудири, ТДИУ

## ИННОВАЦИЯЛАР - БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш кучларининг интенсив ривожланиши ва иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви натижасида бозорда эркин бўшлиқларни топиш жуда мураккаб бўлиб бормоқда. Бундан ташқари, бизнес жуда барқарор ривожланиши мумкин бўлган, юқори фойда келтирадиган бозор сегментларида рақобат шунчалик даражада юқорики, унда етакчи мавқени эгаллаш учун тадбиркор жуда кучли ресурс салоҳиятига ҳамда амалга ошириш имкониятига эга бўлган самарали бозор стратегиясига эга бўлиши зарур.

Статистик таҳлиллар шундан далолат берадики, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳамда мамлакатнинг инновацион фаоллиги ўртасидаги боғлиқлик чизиқли хусусият касб этади. Бундай дейишимизга асосий сабабалардан бири ривожланган давлатлар (Япония, АҚШ, Хитой, Россия, Германия) ўз иқтисодиётларининг ривожланишини инновациялардан кенг фойдаланиш эвазига эришмоқдалар. Қуйидаги маълумотларга эътибор қаратайлик, АҚШ, Япония, ва Хитой давлатларида тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш асосан бизнес маблағлари асосида амалга оширилмоқда (70 %га яқини)[123], Россияда хусусан Ўзбекистонда ҳам илмий тадқиқотларни молиялаштириш асосан давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилмоқда (Россияда 67 % га яқин, Ўзбекистонда эса 74 % га яқин). Етакчи хорижий давлатларда яратилган ишланмаларни жорий этиш асосан таркибида кичик ва ўрта бизнес бўлган хусусий корхоналар томонидан амалга оширилади (умумий корхоналар сонига нисбатан 58 % га яқини), Ўзбекистонда эса асосан йирик корхоналар инновацияларни жорий қилади. Яна бир муҳим маълумот, АҚШ Миллий илмий жамғармаси маълуотларига кўра 100 кишигача ходими бўлган компанияларда илмий тадқиқот ва ишланмаларга сарф қилинган бир доллар 1000 кишилик компанияларга нисбатан 4 марта кўп инновацияларни бозорга чиқарар экан,

[123] Федорова Татьяна Александровна, Горбачев Андрей Юрьевич. Методика формирования пакета заказов научно-производственного комплекса. Научно-практический и теоретический журнал: Инновационное развитие экономики, № 3 (45) – 2018, стр. 118-129.

инновацияларни яратиш муддати кичик компанияларда ўртача 2 йил, йирик компанияларда эса 4 йилни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларнинг илмий салоҳияти йирик компанияларда мужассамлашганига қарамасдан кичик ва ўрта бизнес вакиллари янгиликларни тезроқ жорий этишда пешқадамлик қилади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича олиб борилаятган ислоҳотлар нафақат корхоналарда ишлатиладиган техника ва технологик жараёнларни янгилашни, балки бошқарувни ташкил этишда инновацион ёндашувни талаб этади. Шу нуқтаи назардан корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни баҳолашнинг амалиётда қўлланиладиган айрим жиҳатларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга. Шу ўринда айрим статистик маълумотларга мурожаат қилайлик. Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқарган корхона ва ташкилотлар сони 2010 йилдан 2017 йилга қадар 7,5 баробарга кўрайиб, 289 тадан 2171 тага етди. Жумладан биринчи марта инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирган корхоналар сони 1007 тага кўпайди. Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2017 йилда 18543,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 1,7 баробар, 2008 йилга нисбатан 14 баробарга кўрайган. Инновацияларга харажатлар 2008 йилга нисбатан 8 баробарга, 2016 йилга нисбатан 1,6 фоизга камайган. 2017 йилда ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (38,7 фоизи), Қорақалпоғистон Республикаси (21,2 фоизи), Тошкент вилояти (6,4 фоиз) ва Андижон вилоятига (20,3 фоизи) тўғри келмоқда, қолган 13,4 фоизи республиканинг бошқа вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

**1-жадвал.**

**Молиялаштириш манбалари бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар, млрд.сўм.**[124]

| | 2012 й. | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар | 311,9 | 4634,2 | 3757,4 | 5528,3 | 2571,4 | 4162,3 |
| шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: | | | | | | |
| ташкилотнинг ўз маблағлари | 213,4 | 2501,5 | 1381,5 | 1251,8 | 1180,0 | 2956,0 |
| хорижий капитал | 39,9 | 1228,7 | 32,3 | 156,6 | 314,9 | 799,1 |
| тижорат банклари кредитлари | 26,8 | 533,5 | 262,5 | 280,1 | 157,3 | 88,4 |
| бошқа маблағлар | 31,7 | 370,6 | 2081,0 | 3839,7 | 919,1 | 318,8 |

2010 йилда инновациялар асосан ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан (69,7 фоизи) молиялаштирилган. 2014 йилдан бошқа маблағлар ҳиссаси (55,4

[124] www.stat.uz

фоиз) ошган. 2017 йилда ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2010 йилга нисбатан 16,4 баробар ошган (1-жадвал маълумотлари).

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди. Жумладан:

илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун масъул вазирлик ва идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик лозим даражада эмас, илмий-тадқиқот муассасалар ва лабораториялар фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган;

илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш даражаси паст;

инновацион менежмент соҳасида технологиялар трансферини фаол илгари суриш ва амалга ошириш талаб даражасида эмас;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилаётган бюджет маблағлари етарли эмас;

илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш самарали ва шаффоф эмас, бюджетдан ташқари ва хусусий жамғармалар маблағларини жалб этишни рағбатлантириш механизмлари мавжуд эмас, қарзни молиялаштиришнинг ички манбалари етарли даражада ривожланмаган;

интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш лозим даражада эмас, ушбу соҳада, айниқса давлат органлари ва ташкилотларида малакали мутахассислар мавжуд эмас;

мамлакатда, айниқса давлат компанияларида корпоратив муносабатлар ва корпоратив бошқарув принциплари ривожланмаган, бунда хориждаги энг намунали амалиёт инобатга олинмаяпти.

Қайд этилган камчиликлар мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига, инвестицияларни жалб этишга, иқтисодиётнинг ўсишига ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатимизда “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси” қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ва Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш Стратегиянинг бош мақсади этиб белгиланди.[125] Бош мақсадга эришишда Стратегиянинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистонни 2030 йилга бориб, Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киритишдан иборат. Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар том маънода Стратегиянинг бош мақсадини амалга оширишга қаратилган, шу ўринда

[125] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентбрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон).

мавжуд иқтисодий ҳамда илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиши бежиз эмас. Шу ўринда мамлакатнинг 2018 йилнинг биринчи чораги натижалари бўйича Тўлов баланси маълумотларини таҳил қиладиган бўлсак хизматлар соҳасида ҳали жуда катта ишларни амалга ошириш лозимлиги яққол намоён бўлади (2-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўринадики, малакатнинг халқаро хизматлар экспорти соҳасидаги асосий йўналиши транспорт хизматларига (53,0 %) тўғри келмоқда, импортда эса туризм билан боғлиқ хизматлар (55,0 %) ни ташкил этмоқда. Мамлакатда интеллектуал мулкдан фойдаланганлиги учун тўловлар жуда паст даражада (200 минг долл.).

**2-жадвал.**

**Халқаро хизматлар баланси таркиби**
**(2018 йил биринчи чораги, млн. долл.)[126]**

| Хизматлар тури | 2018 йил биринчи чораги | | | | Қолдиқ |
|---|---|---|---|---|---|
| | экспорт | % | импорт | % | |
| ***Жами*** | ***1335,8*** | ***100%*** | ***2871,3*** | ***100%*** | ***-1535,5*** |
| Бошқа томонларга тегишли материал ресурсларни қайта ишлаш хизматлари | 24,1 | 2% | 1,3 | 0% | 22,8 |
| Бошқа турларга киритилмаган таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари | 3,7 | 0% | 7,4 | 0% | -3,7 |
| Транспорт хизматлари | 707,6 | 53% | 915,1 | 32% | -207,6 |
| Туризм билан боғлиқ хизматлар | 452,4 | 34% | 1583,1 | 55% | -1130,8 |
| Қурилиш | 11,8 | 1% | 73,1 | 3% | -61,4 |
| Суғурта ва нафақа таъминоти билан боғлиқ хизматлар | 5,3 | 0% | 214,8 | 7% | -209,5 |
| Молиявий хизматлар | 13,4 | 1% | 8,4 | 0% | 4,9 |
| Интеллектуал мулкдан фойдаланганлиги учун тўловлар | 0,2 | 0% | 7,9 | 0% | -7,7 |
| Телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари | 78,1 | 6% | 27,4 | 1% | 50,6 |
| Бошқа ишбилармонлик хизматлари | 27,0 | 2% | 31,3 | 1% | -4,3 |
| Хусусий шахсларга маданий ва дам олиш соҳасидаги хизматлар | 0,3 | 0% | 1,0 | 0% | -0,8 |
| Давлат товар ва хизматлари | 12,1 | 1% | 0,0 | 0% | 12,1 |

Қабул қилинган Стратегияда асосий эътибор интеллектуал мулкни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида “фан-таълим-ишлаб чиқариш” ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва натижадорлигини ошириш;

саноатни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, бу ўринда “инновацион мультипликатор” самарасини таъминлаш керак, яъни

[126] http://www.cbu.uz/. Платёжный баланс, международная инвестиционная позиция и внешний долг Республики Узбекистан за I полугодие 2018 года.

илмий, технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларни кенг жорий этиш имконияти вужудга келади;

давлат-хусусий шерикчилик асосида инновацион ишланмаларни молиялаштириш ва натижаларни трансфер қилиш тизимини йўлга қўйиш, моддий манфаатдорлигини ошириш;

замонавий инновацион бизнесни ташкил этувчи қуйидаги учлик(триада)нинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш: а) ҳududнинг инновацион ресурслари; б) инновацион технологиялар ва менежмент; в) инновацион маҳсулот (товар ва хизматлар).

Карабаева Гулнора Шарафитдиновна,
старший преподаватель ТГЭУ

## РОЛЬ ИННОВАЦИЙ В РАЗВИТИИ ПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА

В одном из своих выступлений наш первый Президент Ислам Каримов подчеркнул: «Отечественная наука создала мощный интеллектуальный потенциал, который находит своё практическое применение во многих сферах жизни, служит основой для укрепления государственной и экономической независимости республики. Мы не можем представить себе и наш сегодняшний день, и наше будущее без прогресса науки и техники».

Благодаря союзу науки и техники, называемому научно-техническим прогрессом, человечество располагает сегодня современными летательными аппаратами, надводными и подводными субмаринами, скоростным железнодорожным и автомобильным транспортом, успешно осваивает космос, ведёт строительство, повышает плодородие почв и т.д. Именно развитие науки и техники помогло совершить в конце 18 начале 19 веков промышленный переворот, сделать ряд открытий в области химии, физики и естествознания. Отсюда, очевидно, исходит известный среди экономистов тезис о превращении науки в непосредственно производительную силу общества.

В Узбекистане особое внимание уделяется поддержке исследовательской деятельности, укреплению связи между наукой и производством, формированию экономики инновационного типа. Эта тема, в частности, была затронута и нашим вторым президентом на встрече с американскими узбеками во время визита в США. Глава государства отметил своё доброжелательное отношение к желающим внести свой вклад в развитие нашей страны и призвал соотечественников с их потенциалом, знаниями и силой вместе поднять научно-технический уровень страны в свете проводимых широкомасштабных реформ. Также было сказано, что для достижения высоких результатов в осуществляемых в Узбекистане системных изменениях требуются новые подходы, новые идеи.

Без ориентации на научно-технический прогресс, без внедрения в производство инноваций сегодня не обходится ни одна отрасль или сфера экономики. Продукция, созданная на инновационной основе, не только обеспечивает предприятиям долгий жизненный цикл, но и служит своеобразным входным билетом на внешние рынки. Если в недавнем прошлом продукция с

маркой «MadeinUzbekistan»была чуть ли не исключением, то ныне она стала для отечественного производителя почти правилом. Инновации опережают и время, и технологии.

На основе инноваций создаются качественно новые технические средства, внедряется безотходная технология, растёт уровень автоматизации массовых производственных процессов. Всё это в общей сложности обуславливает повышение эффективности не только материального производства, но и непроизводственной сферы.

Таким образом, инновационный процесс сегодня представляет собой единый последовательно сопряжённый комплекс: «наука-техника-производство-потребление». Вне этой схемы инновации, как и любые другие производственные стремления хозяйствующих субъектов, не имеют большого практического смысла.

С целью углубления и расширения кооперации науки и производства создан уникальный механизм, который реализуется через ставшую традиционной Республиканскую ярмарку инновационных идей, технологий и проектов. Она аккумулирует все самые перспективные разработки учёных и даёт возможность предприятиям наладить на их основе выпуск технологичной, конкурентоспособной продукции, поднять на качественно новый уровень отечественное производство.В 2017 году сформирован банк данных для инновационных разработок для промышленности, сельского хозяйства, медицины и информационных технологий. Своеобразную роль «моста»между наукой и промышленностью играетМинистерство инновационного развития Республики Узбекистан и Фонд поддержки инновационного развития и новаторских идей, созданные по Указу Президента Республики Узбекистан от 29 ноября 2017 года № УП-5264,которые контролируют и способствуют внедрению научных разработок в промышленную и коммерческую среду, находя предприятия для внедрения представленных на инновационных выставках технологий и инвесторов, способных профинансировать отобранные проекты.

Однако, при всём этом, инновации и любые другие новшества и разработки не должны быть самоцелью и тем более временным явлением. Инновации- это не только начало, но и результат эффективной производственно-хозяйственной деятельности, проявляющийся, что особенно важно, кроме новизны и в таких свойствах, как производственная применяемость, возможность тиражирования, влияемость на снижение издержек производства, рост производительности труда и т.д. Наряду с этим, инновации важны и даже необходимы в общенациональном масштабе, особенно в условиях, когда сегодня взят решительный курс на модернизацию страны и её вывод на уровень развитых государств мира. Инновации позволяют, во-первых, обеспечить качественный прорыв на мировом рынке товаров и услуг, во-вторых, сделать экономику более устойчивой и конкурентоспособной, в-третьих, минимизировать, а с учётом перспективы, даже ликвидировать импортную зависимость и выпускать отечественную продукцию с высокой добавленной стоимостью.

В Послании Президента Ш. Мирзиёева Олий мажлису было отмечено, что у нас нет тщательно спланированной, долгосрочной единой концепции

формирования инвестиционных программ. «Мы полностью отказались от принятия фиктивных инвестиционных программ, спешно разработанных лишь для «галочки».Как известно, текстильная промышленность Узбекистана способна перерабатывать до 1 миллиона 400 тысяч тонн хлопкового волокна. Этого достаточно, чтобы полностью удовлетворить сырьевые потребности отечественных производителей готовой продукции. До настоящего времени мы продавали хлопковое сырье отечественным текстильным предприятиям только через акционерное общество "Узпахтасаноат". Теперь они смогут приобретать хлопок-сырец непосредственно в фермерских хозяйствах на основе прямых договоров.

В рамках организации хлопково-текстильных кластеров в Навоийской, Бухарской и Сырдарьинской областях начата апробация системы выращивания, ценообразования и реализации хлопкового сырья на основе рыночных механизмов. Однако в управлении переработкой хлопкового волокна существует еще множество проблем, что приводит к снижению рентабельности производства и переработки хлопка-сырца.

А в 9 районах страны до настоящего времени не было организовано ни одного предприятия с участием иностранных инвестиций. Прямые инвестиции в основном приходятся на город Ташкент, Ташкентскую, Самаркандскую области и Ферганскую долину. Само время требует освоения этого положительного опыта в масштабах всей страны.

К счастью, за возрождение инновационного духа сегодня агитировать особо не приходится. Многие предприятия достаточно отчётливо представляют себе, что инновации- это важный путь не только успешного осуществления мер по модернизации, техническому и технологическому перевооружению производства, но и достижения коммерческого успеха, получения высокой прибыли или дохода. А в масштабе страны инновации- это основа проведения структурных сдвигов в экономике, рационального размещения и эффективного использования имеющихся производительных сил, увеличения экспортных поступлений.

По большому счёту, инновациислужат прогрессу. На основе инноваций можно решать самые амбициозные задачи, придать экономике высокие темпы развития, а производимой продукции- мировую известность. Промышленно развитые государства, сделавшие инновации приоритетным направлением развития своей экономики, занимают сегодня передовые позиции в мире по многим научно-техническим и экономическим показателям. По разным оценкам вклад инноваций в экономический рост может колебаться в пределах 50-70%.

Сегодня, когда наша страна не только взяла решительный курс на модернизацию и обновление, но и многое уже претворяет в жизнь, инновации заметно превращаются из просто желаемого в объективную необходимость, в действенный рычаг вывода экономики на качественно новый уровень развития. Они находят своё отражение как в государственных, так и в отраслевых, региональных и других программах, предусматривающих модернизацию, локализацию и диверсификацию производства, углубление структурных

преобразований экономики, обеспечение её устойчивости и конкурентоспособности.

В результате активной инновационной политики, а также мер по повышению конкурентоспособности отечественной продукции и стимулированию её продвижения на внешние рынки,номенклатура импортных товаров прекращёна более чем на 100 товарных групп. При этом в два раза сокращён импорт по 350 позициям продовольственных товаров, чёрных и цветных металлов, машин и оборудования, строительных материалов, услуг и др.

Инновации-это, с одной стороны, барьер кризису и любым другим производственным угрозам, а с другой- успех и дальнейшее экономическое, научно-техническое и социальное процветание.

Вместе с тем инновации не дань моде. Жизненность инноваций во многом зависит, во-первых, от самихинновационных разработок и их соответствия требованиям времени и хозяйственной практики, а во-вторых, от источников финансирования. Первое условие является важным и определяющим. Финансирование же в условиях рынка не может осуществляться только за счёт государственных бюджетных средств. Необходимо создать новый механизм, опирающийся на частный сектор, гибкий, манёвренный и быстро реагирующий на конъюктуру рынка и требования научно-технического прогресса.

Султанов Рустам Бегдуллаевич
ТДИУ мустақил изланувчиси

## АСОСИЙ КАПИТАЛГА ҚИЛИНГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар маблағларини фаол жалб этиш бўйича изчил чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур чора-тадбирлар доирасида “иқтисодий жиҳатдан асослантирилган инвестиция лойиҳаларини уларнинг молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган ҳолда самарали амалга оширилишини таъминлайдиган, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича маблағларнинг ноокилона сарфланишини истисно этадиган, мамлакатни ривожлантириш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг сифат жиҳатдан янги тартиби жорий этилди”[127].

Бизга маълумки, инвестицион фаолият ҳар бир иқтисодий тизим ривожланишининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон

[127] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги “Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3796-сонли қарори. ҚҲММБ: 07/18/3796/1379-сон. 22.06.2018 й.

иқтисодий ривожланишининг бугунги кундаги замонавий босқичида реал инвестициялар муҳим рол ўйнайди. Бу ўз навбатида, реал инвестицияларга хос бўлган бир қатор устунлик томонлари билан боғлиқ. Масалан, реал инвестициялашни амалга ошириш кўп ҳолатларда бошқа инвестиция турларидан кўра кўпроқ сармоя қайтишини таъминлайди. Бундан ташқари лойиҳани амалга ошириш натижасида юзага келадиган объектлар нархларининг ўсиши инфляция суръатидан юқори бўлади.

Фикримизча, ҳозири кунда халқаро миқёсда шаклланган тенденциялар Ўзбекистон банклари учун янги, замонавий-инновацион имкониятлар бериши баробарида муайян рискларни юзага келишига ҳам олиб келади. Жумладан, қуйидагилар инвестицион кредитлаш амалиётини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи асосий омиллар ҳисобланади:

– корхоналарнинг кредитни тўлай олиш қобилияти етарли даражада эмаслиги, бу эса кўпинча амалдаги бошқарув тизимининг сифати талаб даражасида эмаслиги билан изоҳланади;

– мамлакатдаги валюта курси сиёсатининг жорий ҳолати. Валюта курси режимининг талаб ва таклиф асосида курс шаклланишига асосланганлиги;

– мамлакатдаги инфляцион кутилмалар даражасининг мақсадли кўрсаткичлар доирасида бўлишини таъминлаш мақсадида қайта молиялаш ставкасининг ўзгартирилиши;

– тижорат банкларида корхоналарнинг инвестицон лойиҳаларини молиялаштириш бўйича замонавий, ишончли механизмларнинг йўқлиги;

– инвестицион кредитлашдаги рисклар даражасининг юқорилиги;

– саноат корхоналари мутахассисларида инвестицион лойиҳларни амалга оширишда сифатли бизнес-режаларни тайёрлаш кўникмаларининг мавжуд эмаслиги;

– маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга бўлган талабнинг етарли дражада эмаслиги;

– инфляция суръати ва бошқа салбий ҳолатларни тўлиқ ҳисобга олишга тўсқинлик қилувчи қонунчилик базасидаги камчиликлар.

Юқорида келтириб ўтилган салбий таъсир этувчи омилларнинг мавжудлигига қарамай таъкидлаш мумкинки, ўрта муддатли истиқболда корхоналарни модернизациялаш бўйича кутилаётган эҳтиёжлар ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг молиявий имкониятлари яқин йилларда банк тизими жами кредит портфелида инвестицион кредитларнинг янада ўсишидан далолат беради.

Мазкур прогнозни асословчи дастлабки натижалар қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариш тенденцияларида ҳам кўринади. Жумладан, 2017 йилда Ўзбекистонда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 7,1 фоизга ошди ва 60,7 трлн. сўмни ташкил этди (1-расм).




**1-расм. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва инвестициялар таркибининг ЯИМга нисбати**[128]

1-расм маълумотларидан кўринадики, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМга нисбати 23-25 фоиз атрофида қолмоқда. Шу ўринда хорижий инвестиция ва кредит маблағларининг 2017 йилда кескин ўсганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунга банк-молия тизимини либераллаштириш билан боғлиқ тизимли ислоҳотлар самараси сифатида қараш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун хорижий маблағларга эҳтиёж кескин ортди. Бунинг натижасида халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликда кенг кўламли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашганлик даражасидан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 14,9 трлн. сўм ҳамда марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан 45,7 трлн. сўм инвестициялаш фаолияти амалга оширилиб уларнинг улуши мос равишда 25 ва 75 фоизни ташкил этди.

Марказлашган молиялаштириш манбаларининг салмоқли қисми яъни, 35 фоизи Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобига тўғри келди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар 26 фоизни, Республика бюджети маблағлари 22 фоизни, Давлат мақсадли жамғармалари 16 фоизни ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 1 фоизни ташкил этди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари асосан иқтисодиётнинг тоғ-кон саноатида амалга оширилмоқда. Бундай инвестиция лойиҳаларига Шўртангаз кимё мажмуасида тозаланган метан асосида синтетик суюлтирилган ёқилғи ишлаб чиқаришни

[128]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

ташкил этиш, газни десулфуризацияловчи 3 та янги блок қурилиши, Ёшлик-1 металл конини ўзлаштириш, қурилиш соҳаси учун энг асосий қурилиш материали ҳисобланган цемент заводининг қурилиши, аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа инвестиция лойиҳаларини санаб ўтиш мумкин.

Қарши-Термиз, Поп-Қўқон-Андижон темир йўл линияларини электрлаштириш, 450 МВт қувватга эга иккита буғгаз қурилмасидан иборат умумий қуввати 900 МВт бўлган янги иссиқлик электростанцияси қурилиши, Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексининг қурилиши, А-373 “Тошкент-Ўш” магистралининг “Қамчиқ” довони орқали ўтадиган 116-190 км.да жойлашган тоғли ҳудудларида 58 км. узунликдаги автомобил йўлини реконструкция қилиш, ерусти рақамли узатиш тармоғини ривожлантириш каби йирик инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳажми тобора ортиб бормоқда. 2017 йилда ушбу молиялаштириш манбаи ҳисобидан инвестициялар жами марказлашмаган молиялаштириш манбаларининг 27 фоизини ташкил этди. Бунда қуйидаги йирик инвестиция лойиҳаларининг улуши катта: Қандим конлар гуруҳини ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва газни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари (1 босқич), Хисор ва Устюрт инвестиция блоки ҳудудида углеводород конларида қазиб чиқаришни йўлга қўйиш, Қарши туманида текстил комплексини ташкил этиш (2 босқич), уяли алоқа тизимини кенгайтириш, миллий уяли алоқа оператори тармоғини шакллантириш ва бошқа инвестиция лойиҳалари.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак қуйидагича ҳолатни кузатиш мумкин (2-расм).




**2-расм. Ҳудудларнинг асосий капиталга киритилган жами инвестициялардаги улуши[129]**

---

[129] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти маълумотлари.

2-расм маълумотларидан кўринадики, ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳри ҳамон етакчилик қилмоқда. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида олиб борилаётган инвестицион фаоллик натижасида юқори ўсиш суръатлари қайд этилиб, мос равишда уларнинг республикадаги улуши ортиб бормоқда.

Иқтисодиёт тармоқларига инвестиция маблағларини йўналтириш манбаларига эътибор қаратадиган бўлсак, бунда тижорат банклари кредитлари салмоғининг паст даражада эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, 2017 йил якунида марказлашмаган инвестициялар таркибида тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағларининг улуши атиги 15 фоизни ташкил этди (3-расм). Ваҳоланки, хорижий мамлакатларда инвестициялар таркибида банк кредитларининг улуши 50 фоизга тенгдир.




**3-расм. Марказлашмаган инвестицияларнинг таркибий тузилиши[130]**

Фикримизча, тижорат банкларининг инвестицион салоҳиятини янада ошириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

– банкларнинг капиталлашув даражасини янада оширишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг учун аввало банкларнинг молиявий ресурслари таркибида узоқ муддатли маблағлар ҳажмини ошириш зарур.

– инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банкларининг иштирокини фаоллаштириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва рискни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг юзага келишини олдини олиш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели мутассил ўсиши ҳамда сифатини таъминлаш зарур ҳисобланади.

3-расм маълумотларидан кўринадики, марказлашмаган молиялаштириш манбаларининг 39 фоизини корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ташкил этади. Мазкур вазият корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми ўз фаолиятларини кенгайтириш ҳамда техник ва технологик қуроллантириш

[130] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти маълумотлари.

мақсадида инвестицияларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошираётганликлари билан боғлиқ.

Умуман олганда, республикамизда ҳар йили юзлаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар давлат бюджети маблағлари, халкаро кредит линиялари (Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки, Осиё Тараққиёт Банки, Халкаро Молия Корпорацияси ва бошқа Европа Банклари) маблағлари ҳисобига, бюджетдан ташқари фондлар, маҳаллий банклар, хорижий ва хусусий инвесторлар томонидан молиялаштирилмоқда. Иқтисодиёт тармоқларини бу каби жозибадор инвестиция манбалари ҳисобига молиялаштириш истиқболда маҳаллий ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиргани ҳолда инвестицион яратувчанликнинг ошишига хизмат қилади.

Азларова Дилноза Ахроровна
ТДИУ Аудит кафедраси катта ўқитувчиси

## ЁҒ-МОЙ САНОАТИ ПЕРСОНАЛИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

Бугунги кунда ёғ-мой саноати корхоналарида олиб борилаётган модернизациялаш жараёнлари мавжуд персонални бошқариш тизимини изчил янгилашни талаб этмоқда. Персонални бошқаришнинг барча даражаларининг таркиби ва моҳиятини тубдан такомиллаштириш иқтисодий тизимни ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб, персонални бошқариш ҳисобланади. Шу сабабли персонал корхонанинг асосий ресурси, бутун ташкилотнинг муваффақиятини белгиловчи асосий омил сифатида кўрилмоқда.

Бу борада Президентимиз Ш. М. Мирзиёев ўз маърузаларида “– охирги йилларда агросаноат комплексида ташкил этилган янги бошқарув органлари фаолиятидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўришимиз зарур[131]” деб таъкидлаб ўтганлар.

Ёғ-мой саноати корхоналарининг умумий иқтисодий ва молиявий барқарорлиги, тўлов қобилиятини ўрганиш натижалари мазкур корхонларда бошқарувни инновацион такомиллаштириш ва уни молиявий маблағлар билан таъминлашнинг ички манбалари йилдан-йилга камайиб бораётганлиги кўрсатиб бермоқда.

Аммо ёғ-мой саноати корхоналарини бозордаги мавқеи ва барқарор истеъмолчилар сегментига эга эканлигини ва йилдан-йилга тўла қувват билан ишлаши имконияти мавжудлигини ҳисобга олганда, тармоқни инновацион бошқарувини йўлга қўйиш имконияти мавжудлигини асослаб беради.

Бу борада, ёғ-мой саноати корхоналаридаги маънан ва жисмонан эскирган асосий восита ва жиҳозлар корхонани келажакда тўла қувват билан ишлашига монелик қилишини ҳисобга олиб, тармоқни бошқаришда янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этилишини амалга ошириш

[131] Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак . Т.Ўзбекистон 2017 й.

зарур. Бунинг учун ёғ-мой саноати корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқарувини рационаллаштириш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш талаб қилинади.

Мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда “Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда[132]”.

Ҳозирги вақтда саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда инновацион ривожланишнинг тўрт типдаги модели фарқланади[133]:

-ўз устувор йўналишларини илм-фанни ривожлантиришга, илмий-ишлаб чиқариш циклининг барча босқичларини қамраб оладиган йирик миқёсли мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга қаратган мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция);

-янгиликларни кенг тарзда оммалаштириш, мақбул инновацион муҳит яратиш, иқтисодиётнинг барча тузилмаларини рационализация қилишга йўналтирилган мамлакатлар (Германия, Швеция, Швейцария);

-янги ютуқларни инновацион инфратузилмаларни ривожлантириш йўли билан рағбатлантирувчи, жаҳон илмий-техник тараққиёти ютуқларига мойилликни ҳамда фан ва технологиялар соҳасига оид турли тармоқлар фаолиятида мувофиқликни таъминлашга ҳаракат қилувчи мамлакатлар (Япония, Жанубий Корея);

-инновацион омил ёрдамида ривожланган индустриал муҳитни яратишга йўналтирилган мамлакатлар. (Хитой, Ҳиндистон).

Иқтисодиётда инновацион тараққиётни жадаллаштириш ва уни янада такомиллаштириш турли усуллар орқали амалга оширилади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Дунё бўйича давлат инновацион сиёсатининг асосий йўналишлари таҳлили[134]**

| Инновацион сиёсат йўналишлари | Ўзига хос жиҳатлари | Мамлакатлар |
|---|---|---|
| Миллий инновацион тизимлар таркибини оптималлаштириш | Инновациялар соҳасида бошқарув ва режалаштириш давлат тизимини оптималлаштириш | Япония, Норвегия, Ҳиндистон, Чили |
| | Фан ва инновацион соҳаларни давлат томонидан молиялаштирилишини оптималлаштириш | АҚШ, Франция, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция, Тайвань, Австралия |

[132] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь

[133] Иванов В.В. Национальная инновационная система как институциональная основа экономики индустриального общества // Инновации. – СПб., 2004. - №5. //http://www.mag.innov.ru.

[134] Зверев А.В. Формирование национальной инновационной системы: мировой опыт и российские перспективы // Диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.05 – «Экономика и управление народным хозяйством (макроэкономика); (управление инновациями и инвестиционной деятельностью)» М.: 2009г.

| | | |
|---|---|---|
| | Фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш | Буюк Британия, Швеция, Словения |
| Мамлакат ичида фан (университетлар) ва бизнеснинг инновацион кооперациялашуви ни қўллаб-қувватлаш | Университетлар ва корпорацияларнинг симметрик яқинлашувини кучайтириш | АҚШ, Финляндия |
| | Инновациялар соҳасига давлат томонидан йирик маблағлар ажратиш ва миллий хусусий капиталнни жалб этиш | Исроил, Финляндия |
| | Инновациялар соҳасида хорижий капиталларни жалб этиш орқали хусусий секторнинг инновацион фаоллигини рағбатлантириш | Буюк Британия, Ирландия, Хитой, Корея, Малайзия, Индия, Исроил |
| | Илмий секторнинг инновацион ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш | Германия, Япония, Янги Зеландия, Дания |
| Халқаро инновация тармоғига интеграциялашиш | Комплекс интеграция | Финляндия, Исроил, Нидерландия, Хитой |
| | Технологик ихтисослашув | Корея, Малайзия, Сингапур, Тайвань, Ҳиндистон |
| Ички инновацион тармоқларни ривожлантириш | Инновациялар соҳасида алоқалар ўрнатиш учун алоҳида шарт-шароитлар яратиш | АҚШ, Норвегия, Ирландия |
| | Маҳаллий минтақалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш | Франция, Германия, Финляндия |
| Миллий инновацион тизим яратиш | Давлат фан соҳаларини қайта қуриш | Болгария, Польша, Литва |
| | Фан ва таълим интеграциялашувини қўллаб-қувватлаш | Латвия, Эстония, Чехия |
| | Кичик ва ўрта бизнесни инновацион соҳага жалб этиш | Руминия, Чехия, Словакия, Латвия, Эстония, Туркия, Чили |
| | Юқори технологиялар соҳасига оид экспортнинг устувор йўналишларни белгилаб олиш | Чехия, Руминия, Чили, Туркия |

Бошқача айтадиган бўлсак, инновацион тараққиёт – бу кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатдан янги усулидир.

Персонални бошқариш бўйича ривожланган мамлакатларда тўпланган тажрибалардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари хусусида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Ҳозирги вақтда республиканинг кўплаб корхоналарида персонални бошқаришнинг янги шакллари ва усуллари тобора фаолроқ жорий қилинмоқда. Ушбу жараёнлар иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни билан рўй бермоқда. Ўзбекистондаги корхона ва фирмаларга ҳам хос бўлган асосий хусусиятларга нисбатан маҳаллий мутахассислар қуйидагиларни таъкидлайдилар:

- ✓ бошқарувнинг авторитар усули;
- ✓ барча масалаларнинг шахсан раҳбар томонидан назорат қилиниши;
- ✓ бизнес ишларида анъанавий тарзда шахсий алоқаларга йўналтирилганлик;
- ✓ персоналнинг асосан қариндош ва танишлардан ташкил топиши;
- ✓ компанияда узоқ муддатли режаларнинг мавжуд эмаслиги;
- ✓ ваколатларнинг аниқ тақсимланмаганлиги.[135]

[135]Турдимов Ж. Национальные особенности управления //Экономическое обозрение. - 2006, № 5 (80). - с. 51-52.

Масалан, Ўзбекистон корхоналарида АҚШ корхоналаридаги каби қарорлар қабул қилиш индивидуал тарзда бўлиб, ягона раҳбар томонидан қабул қилинади. Япония компаниялари учун қарорлар қабул қилишнинг жамоавий усули хосдир. Айни пайтда Ўзбекистон корхоналаридаги раҳбарликнинг жамоага йўналганлиги кўпроқ Япония компанияларига хосдир.

Ўзбекистондаги персонални бошқариш хусусиятлари кўп жиҳатдан АҚШ ва Япония менежментига ўхшаса-да, ўзига хос хусусиятларга ҳам эгалигини кўрсатади. Масалан, АҚШда вазифалар тақсимланиши аниқ, Японияда жамоавий бўлса, Ўзбекистон корхоналарида кўп ҳолларда персонал ва бошқарувчиларнинг вазифалари ва ваколатлари аниқ тақсимланмаган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш асосида персонални бошқариш тизимини такомиллаштириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шу билан бирга, мамлакатнинг ҳамма корхоналари ҳам бу тажрибага мурожаат қилмасдан, одат бўйича, эски маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидаги ишчи кучини бошқариш концепциясига хос бўлган, эскириб кетган, персонални бошқариш усулларидан фойдаланмоқдалар.

Буни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон корхоналари иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатларда тўпланган, персонални бошқариш тизими соҳасидаги маълум халқаро тажрибаларни ўрганиб, ундан бошқарув амалиётида фойдаланишлари зарур. Персонални бошқаришни замонавий шакллари ва усулларини ўрганиш ҳамда ундан амалиётда фойдаланиш миллий корхоналарга юқори иқтисодий натижаларга эришиш имкониятини беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни бериш мумкин:

биринчидан, персонални бошқариш – комплекс, кенг қамровли тушунча бўлиб, бир қанча масалаларни: кадрлар менежменти концепциясини ишлаб чиқишдан тортиб, то аниқ корхона мисолида уларни амалга ошириш механизмини шакллантиришга ташкилий-амалий ёндашувларни ўз ичига олади;

иккинчидан, персонални бошқариш тизими деганда корхонанинг ишлаб чиқариш мақадларига эришиши учун ўз ходимларининг салоҳиятидан максимал фойдаланиш мақсадида уларга таъсир қилиш усуллари йиғиндиси тушунилади.

Персонални бошқариш тизимининг мазмунини бир қанча элементлар ташкил қилиб, уларнинг ичида энг муҳимлари - кадрлар таркибини сон ва сифат жиҳатдан шакллантириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, ишловчилар орасидаги ўзаро муносабатлар ва уларнинг корхонада мослашувидир;

учинчидан, корхоналарда персонални бошқариш хизмати кадрлар сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида иштирок этади. Кадрлар сиёсатини барча ходимларга тегишли мақсадлар, тамойиллар ва улардан келиб чиқадиган кадрлар билан ишлаш шакллари, усуллари, мезонлари тизими сифатида тушуниш мумкин.

ТДИУ, бакалавриат талабалари
Сатторов Мироншоҳ Шухрат ўғли.
Шодмонов Руслан Ғолиб ўғли.
Илмий раҳбар “Макроиқтисодиёт”
кафедраси ассистенти Ҳ.А. Ҳакимов

# МАМЛАКАТДА РАСМИЙ ВА НОРАСМИЙ БАНДЛИК ДАРАЖАСИДАГИ ТАФОВУДНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар бир мамлакатнинг ривожланиши, унинг юритаётган ижтимоий – иқтисодий сиёсатига боғлиқдир. Ҳар бир давлат ўзининг ривожланиш стратегиясига эга. Дунё мамлакатлари ривожланиш стратегияларининг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бор.

Ҳар бир давлат ўзи учун давлат кўпроқ инвесторларни жалб қилиш мақсадида, турли ҳил йўллардан фойдаланишади. Дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам мамлакат ҳудудига имкон қадар кўпроқ инвестицияни жалб қилишга интилишади.

Ҳозирда халқаро миқёсда инвестицион тушкунлик даври кетмоқда. 2017 йилда бутун жаҳон бўйлаб киритилган инвестициялар ҳажми, 2009 йилда юз берган рекорт натижани янгилади. АҚШнинг жаҳон мамлакатларига қарши қўллаётган санкциялари ва ХХР билан олиб бораётган савдо уриши бу ҳолатни келиб чиқишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жаҳон ялпи инвестицияларининг ҳажми қисқарган бўлишига қарамасдан, ҳозирда Марказий Осиё давлатларига инвесторларнинг қизиқиши ортиб бормоқда ва сўнги йилларда мазкур давлатларга киритилаётган инвестицияларнинг ҳажми сезиларли даражада ўсди.

Марказий Осиёга инвесторларнинг қизиқиши ошган бир вақтда, биз бу инвесторларнинг катта қисмини давлатимизга жалб қилишга асосий эътиборни қаратишимиз лозим.

Ҳар қандай инвестор ўз маблағларини бирор мамлакатга киритишдан олдин, ушбу мамлакатни яқиндан ўрганади. Инвесторларни асосан мамлакатнинг солиқ сиёсати, ижтимоий аҳволи, макроиқтисодий кўрсатгичлари, ташқи сиёсати ва шу каби муҳим соҳаларга эътибор қаратади.

Сўнги йилларда республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида, киритилаётган инвестицияларнинг ҳажми тобора ортиб бормоқда. Давлатимизнинг инвестицион салоҳиятини оширишда кўплаб ишлар олиб борилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, мамлакатдаги норасмий иқтисодиётнинг қанчалик даражада эканлиги ҳам инвесторларни қизиқтирувчи кўрсатгич ҳисобланади. Ҳеч кимга сир эмаски, мамлакатимизда норасмий иқтисодиёт анчагина юқори даражада. Биргина қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тармоғини кўриб ўтиш фикримизни тасдиқлайди.

Жорий йилнинг бошида Республикамизда фаолият юритаётган 146 мингдан зиёд фермер хўжалиги тасарруфидаги умумий экин майдони 6 миллион 200 минг гектарни ташкил этган. Бунда ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 42 гектар ер

майдони тўғри келади. Фермер хўжалиги тасаруфидаги майдонда қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш ва махсулот етиштириш учун 1 миллион 500 минга яқин ишчи кучи талаб этилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, фермер хўжаликларида 2 миллиондан ортиқ ишчи банд бўлиб, шундан фақатгина 522 минг нафари ёки 26 фоизи расман ишлайди. Бошқа 1 миллион 500 минг киши норасмий ишчилар ҳисобланади.

Юқоридаги сонлардан ҳам кўриниб турибдики мамлакатимизда норасмий бандлик даражаси юқори. Агар Республикамизда биргина норасмий бандлик тизимини расмийлаштиришга эришсак, бу ҳар томонлама иқтисодий ўсишга олиб келади.

Фақатгина норасмий тарзда фаолият олиб бораётган 1,5 миллион аҳолини, расмийлаштириш орқали республика макроиқтисодий кўрсатгичларида сезиларли ўсишга эришиш мумкин. Масалан, 1,5 миллион ишчиларнинг ҳар бири кунлик ўртача 40 минг сўм даромад қилишади. Бир ой мобайнида ўртача 20 кун ишлашиб, ишларининг мавсумийлиги туфайли бир йилда 8 ой давомида фаолият олиб боришади. Буни оддий арифметик тарзда хисоблаб чиқсак, бу бир йилда 9 триллион 6 юз миллиард сўмни ёки 1 миллиард 170 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Бу республикамиз ЯИМининг 4 фоизини ташкил қилади. Мамлакатимизда биргина норасмий бандликнинг қисқариши орқали ЯИМини 4 фоизгача ошириш имконияти мавжуд.

Кўплаб инсонларда “норасмий бандликни расмийлаштириш аҳолининг реал ҳаётида катта ўзгариш келтириб чиқармайди” деган фикр пайдо бўлиши мумкин. Бироқ норасмий бандликни тугатилиши кўплаб соҳаларда ижобий ўзгаришларна олиб келади. Расмий тарзда банд бўлган аҳоли ўзининг даромадидан давлат бюжетига даромад солиғи ва турли ижтимоий соҳалар учун пул ўтказмаларини амалга оширади ва келажакда кафолатланган қарилик нафақасига эга бўлади. Расмий банд бўлган аҳоли ҳозирда давлат томонидан берилаётган имтиёзли кредилар ва уйлар олишлари мумкин бўлади. Ишчиларнинг суғурта қилиниши ва доимий назорат остида бўлишлари кўплаб кўнгилсизликларни олдини олади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, норасмий меҳнат бозорларида банд бўлган аҳолининг аксарият қисми, 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилмоқда. Ёшларнинг бундай тарзда мутлоқо назоратсиз ҳолатда меҳнат фаолиятини олиб бориши баъзи ёмон холатларни келтириб чиқариши мумкин. Тасаввур қилиб кўрайлик, 14 – 25 ёшли қизлар соат 4 ва 5 оралиғида норасмий меҳнат бозорларидан ишларга олиб кетилади. Уларни ким, қаерга ва қандай ишлар учун олиб кетаётганлиги мутлоқо мавҳум. Бу каби ҳолатларни гувоҳи бўлииш, нафақат чет эл фуқороларига, балки республикамиз фуқоролари учун ҳам хунук ҳолат ҳисобланади.

Ёшларни назоратсиз бундай меҳнат фаолиятини олиб боришлар, уларнинг дунё қарашларига, билим савияларига ҳам қаттиқ тасир кўрсатади.

Норасмий меҳнат бозорларини расмийлаштиришда, мамурий буйруқбозлик усулларидан фойдаланиш ҳеч қандай самара бемайди. Шу боис ҳозирда бу бозорларни тугатиш ёки назорат остига олишда сезиларли натижага эриша олганлигимиз йўқ.

Бу тизимни тугатишнинг ягона йўли норамий меҳнат бозорларини ҳусусий секторларга ўтказиш чораларини амалга оширишимиз зарур.

Шахсий кузатишларимиз натижасида бу бозорлар билан яқиндан танишдим, бу бозорларни тугатиш бўйича қилинган ишларни ўрганиб чиқдик. Бази тадбиркорлар ушбу тизимларни расмийлаштириш бўйича ишлар амалга оширган бўлишларига қарамасдан ҳаммаси касотга учрашган. Улар бу тизимнинг қанчалар кенг кўламлигини ҳисобга олмаганликлари учун қасотга учрашган. Масалан, Самарқанд шаҳрида 2008 йилда “Хозяюшга” номли хизмат кўрсатиш фирмаси ташкил қилинган. Бу фирма турли тармоқларга ўзларининг хизматларини таклиф қилган бироқ, орадан ярим йил ўтгач ўзларини банкрот деб эълон қилишган. Чунки бу фирма Самарқанд шаҳридаги норасмий меҳнат бозорининг бир кичик бўлагинигина қамраб олган холос. Шу туфайли ҳам норасмий бозор ва фирма таклиф қилаётган хизматлар ўртасида нархларнинг тафовути вужудга келади. Фирма ўзининг шахсий харажатлари ва солиқларнинг хисобига хизматлар нархи ортиб кетади. Бу каби уринишлар бир неча бор амалга оширилган ва буларнинг барчаси омадсизликка учраган.

Бу каби бозорлрни йўқ қилиш учун биринчи навбатда, қайси ҳудуд бўлса ҳам, ўша ҳудуднинг норасмий бозорларини тўлиқ қамраб олишлари шарт, кейинги ўринда, норасмий меҳнат бозорини расмийлаштиришда фақат шу фаолиятни олиб борадиган корхона ташкил қилиш хато бўлади. Чунки норасмий меҳнат бозорларида ҳар бир ҳудудда 500 – 1000 киши фаолиат олиб боради. Бу ишчиларни корхонага жалб қилсак, уларни бошқариш ва назорат қилиш учун камида 40 – 50 киши талаб этилади. Бу ишчиларнинг ойликлар ўртача 1,5 миллиондан бўлса ҳам 60 – 75 миллион сўмни ташкил қилади. Бу ҳам хар ойда ишчилар зиммасига тушадиган харажатдир. Ундан ташқари солиқ тўловлари ва бошқаларни ҳисобга олсак, ишчилар ҳар ойда 500 – 600 минг сўмни йўқотишади. Шунинг учун ҳам бу тизимни бирор тизим ичида амалга ошириш мумкин. Масалан, кўп тармоқли хизмат кўрсатиш объектини олайлик. Унда кафелар, салонлар, савдо дўконлари, дорихона ва шунга ўхшаш хизматларни амалга ошириш мумкин. Бу объектнинг бир қисмига норасмий меҳнат бозорини жойлаштирсак. Ҳизмат кўрсатиш объектида, хисобчи ,ҳуқуқшунос, ошпазлар, сотувчилар, фаррошлар ва қоровуллар хизмат кўрсатишади. Шу боис норасмий ишчилар учун алоҳида бу штабни ташкил этиш талаб қилинмайди. Ҳозирги янги ташкил этилган корхоналарга яратилаётган солиқ имтиёзлари туфайли 2019 йилнинг 1 январидан ишчилар зиммасига фақатгина 12 фоизли даромад солиғи тушади.

Барчамизга маълумки норасмий меҳнат бозорларилаги шароитлар жуда оғир аҳволида. Агар корхоналар ўзларига ишчиларни жалб қилишни ҳоҳлашса, улар учун турли қулайликларни яратиб беришлари зарур.

Буларга, қулайликларга эга кутиш заллари, замонавий ювиниш хоналари, тиббий кўрик хоналари, хизмат кийимлари, ётоқ жойлари ва шу каби муҳим хизматларни таклиф қилишлари лозим.

Корхона бу ишчиларнинг сони кўплиги туфайли юқори даромад олади. Ишчилар кунлик топадиган пулларидан 3 – 4 минг сўм йўқотишлари юқоридаги ҳизматлар бўлса, йўл харажатларининг қисқариши билан ҳам сезилмайди. Ҳар

бир ишчидан олинадиган 3 минг пул 500 кишидан кунлик 1,5 миллион сўм миқдорида, бир ойда 45 миллион даромадни келтириб чиқаради. Агар бу ишлар давлат билан шерикчиликда амалга оширилса, тадбиркор учун фойда ва хавсизлик даражаси юқори бўлади.

Бу оддий рақамлар холос, муҳими оз бўлсада аҳолимизнинг ҳаётида ижобий ўзгаришларни юзага келтириш, ишлаш шароитларини енгиллаштириш ва уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Биз бугун ҳар томонлама ривожланган жамият қуришни ўз олдимизга мақсад қилган эканмиз ҳар бир кичик элементларга ҳам катта эътибор қаратишимиз керак. Жаҳон ҳамжаимятида мамлакатимизга бўлган эътибор кучайиб бораётган экан, биз ҳар бир жабхада ўзимизнинг ижобий томонларимизни кўрсата олишимиз керак. Биз камчиликларни яшириб эмас, у камчиликларни бартараф этиб кўрсатишимиз лозим.

А.А.Азларова
“Банк иши” кафедраси доценти и.ф.н.

## БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИОН БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мамлакатимиз банк-молия тизимининг барқарор ривожланаётгани, мижозларга таклиф этилаётган хизматлар сифати ва кўламининг ортиши ҳамда тижорат банклари томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти юксалаётгани натижасида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори[136] асосида яратилаётган кенг имкониятлар самараси бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Инновацион банк маҳсулоти – бу тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган илгари яратилмаган, замонавий техник-технологик янгиликларни қўллаган ҳолатда ишлаб чиқилган махсус янги банк маҳсулотларидир. Инновацион банк хизмати эса ушбу тижорат банкида аввал кўрсатилмаган, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда махсус шартларни ва имтиёзларни ўзида қамраб олган, кўпроқ ахборот технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланилган ҳолатда яратилган хизмат турларидир. Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларининг инновацион фаолияти бу инновацион маҳсулотлар ва инновацион хизматларни амалиётга татбиқ этган ҳолда юритилаётган фаолият саналади.

Бугунги кунда иқтисодиёт ва банк тизимининг ривожланганлик даражасига қараб давлатларда банк фаолиятидаги инновацион маҳсулотлар турли мамлакатларда турлича ҳисобланади. Масалан, Европанинг баъзи давлатлари учун онлайн хизматларнинг биометрик пароль ва калитларига ўтиши инновацион янгилик сифатида қаралса, Африканинг айрим мамлакатлари учун

[136]www.Lex.uz. Ўзбекистон республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 3620 –сонли Қарори. 23.03.2018 й

пластик карточкаларнинг қўлланилиши инновацион маҳсулот сифатида қаралиши мумкин. Бундай ҳолатда мамлакатимизда яратилаётган инновацион банк маҳсулотларининг кўпчилик қисми ҳам баъзи давлатлар учун нисбатан янгилик, баъзилари учун эса ҳали қўлланилмаган воқелик сифатида кўрилиши табиий. Бироқ, айнан қандай кўринишда бўлса ҳам банклар фаолиятида инновацион маҳсулотларнинг кўпроқ жорий қилиниши ушбу соҳадаги ривожланиш даражасини белгилаб берувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Шундай экан, тижорат банклари фаолиятидаги жорий қилинаётган инновацион маҳсулотлар ва хизматлар энг долзарб масаладир.

Ҳозирда республикамизда тўлов тизимларини ривожлантириш борасидаги илғор хорижий тажриба таҳлили ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматлари кўрсатишнинг кенгайтирилиши аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш даражасининг ошишига, тўловларни ўтказиш билан боғлиқ банк хизматларининг шаффофлиги ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Бу борада мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет-банкинг, мобиль-банкинг, sms-банкинг ва бошқалар)ни республика миқёсида кенг жорий қилишни жадаллаштириш бўйича ҳар йиллик мақсадли кўрсаткичлар режаси ишлаб чиқилиб, мазкур тизимлар босқичма-босқич ривожлантириб борилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларини кенг жорий қилишда айниқса мобиль телефонлар орқали тўловларни амалга ошириш тизимлари жадал ривожланмоқда.

Ушбу тизимлар орқали, асосан, мобиль операторлар, интернет провайдерлар хизматлари учун тўловлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, табиий газ, электр энергия, жарима ва бошқа коммунал тўловлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, юқорида айтиб ўтилган хизматларнинг барчаси эндиликда янада соддалаштирилиб, бугунги кунда масофадан туриб кредитни сўндириш, депозитларга пул маблағларини жойлаштириш ҳамда мобиль илова орқали чет эл валютасини конверсия қилиб “Visa” картага тушириш имконияти мавжуд.

Бунинг натижасида, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 2017 йилнинг бошига нисбатан қарийб 2,2 баробарга ошиб, 4,5 млн. тага етган. Шундан банк пластик карточкалари ва банк депозит ҳисобварақлари бўйича банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 4,2 млн.дан ортиқни, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 228 мингтани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.(1-расм).




1-расм. Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони, мингда (1 январь ҳолатига[137])

Ҳозирги кунда барча тижорат банклари томонидан рақамли банкинг технологияларини, жумладан, мобиль-банкинг хизматларини реал вақт режимида кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш, барча банкларнинг банк пластик карталарини тўлиқ қамраб олиш мақсадида жисмоний шахслар учун мобиль-илова тўлов дастурларини яратиш ва жорий қилиш бўйича режа-графиклар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, мобиль-илова тўлов дастурлари имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг Клиринг тўлов тизими асосида банклардаги ҳисобварақларини бошқариш, банк пластик карта ҳисобварағидан банк пластик карта ҳисобварағига, депозит ҳисобварағидан депозит ҳисобварағига тўловларни амалга ошириш, онлайн кредитлар бериш (кредитларни сўндириш) ва тўловларни амалга ошириш, онлайн жамғармалар очиш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига онлайн тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи механизмлар жорий қилинган.

Юқоридаги янги мехнизмларнинг ягона платформада жорий қилиниши, банк мижозлари – жисмоний шахсларга банкдаги ўз ҳисобварақларини ҳар куни 24/7 тамойили асосида бошқариш ҳамда пул маблағларини тасарруф этиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали ТИФ Миллий банки, «Қишлоқ қурилиш банки», «Агробанк», «Hamkorbank», «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ипак Йўли» АИТБ, «Туронбанк», «Туркистонбанк» мижозлари P2P-тўловларини ўтказиш имкониятига эга бўлиб, бу рўйхат мунтазам равишда кенгайиб бормоқда.

Накд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш борасида 2018 йилда банклар томонидан мобиль-илова тўлов дастурлари ёрдамида QR code ва NFC каби замонавий технологиялар асосида контактсиз тўловларни амалга ошириш ва қабул қилиш имкониятини яратиш кўзда тутилган. Ушбу имкониятлардан

[137] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумоти

бозорларда, сайёр ярмарка ва айниқса, транспортда тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиш аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамиз банк тизимига ахборот коммуникация технологияларни жорий этиш, ҳисоб-китобларнинг ва тўловларнинг электрон шаклини жорий қилиш, масофадан туриб пул маблағларини тасарруф этиш имкониятларини яратиш, уларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали мамлакатимизда ҳам накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожланишига, қолаверса, тижорат банклари томонидан ахборот коммуникация технологиялар асосида мижозларга янги турдаги сифатли хизматлар кўрсатишнинг такомиллашишига асос бўлаяпти деб ҳисоблаймиз.

Албатта, юқоридаги сингари инновацион банк маҳсулотларини қўллаш учун авваламбор, ахборот ресурсларининг мосланиши, махсус дастурларнинг банк фаолиятига мослаштирилиши сингари бир қанча масалаларни ҳал қилиш зарурияти хали хамон мавжуд. Шунинг учун, аввало, биз мамлакатимизда тижорат банклари фаолиятида маҳаллий ахборот технологиялари мутахассисларининг фаоллигини ошириш, янгидан-янги дастурий таъминотлар ва технологияларни яратиш бўйича имкониятларни яратиш ҳамда энг асосийси тадқиқотларни олиб борувчи базаларни имкон қадар кўпайтириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тижорат банкларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва инновацион маҳсулотларнинг турларини кўпайтириш ва амалиётга тадбиқ этиш банк мижозларининг ортишига, хизматлар кўламининг кенгайишига, замон талабига мос хизмат кўрсатиш даражасига етишишига сабаб бўлади.

ТДИУ “Банк иши” кафедраси доценти
и.ф.н. Абдурахмонова М.М.

## ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бугунги кунда банк тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлардан асосий мақсад, банкларнинг иқтисодиётдаги молиявий воситачилик ролини мустаҳкамлаш билан улар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланишига эришиш ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек, “Банк инвестиция фаолиятига ўз маблағлари билан бирга, ташқаридан молиялаштириш манбаларини жалб этиш бўйича чора-

тадбирлар ишлаб чиқиши керак.[138]"

Дарҳақиқат, банклар томонидан мижозларга қулайлик яратиш учун тақдим этилаётган хизматлар рўйхати мунтазам равишда кенгайтирилиб, банклар турли молиявий хизматларни кўрсатувчи мураккаб универсал институтларга айланиб бормоқдалар.

Тижорат банклари томонидан йирик корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва аҳолини кредитлаш, ҳисобварақлардан тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш ва кўрсатиладиган бошқа турдаги банк хизматларининг ортиши ҳисобига, жорий йилда, жалб қилинган ресурсларнинг кредит маблағлари сифатида иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлиги банклар томонидан ўтган давр мобайнида ажратилган кредит қўйилмаларига нисбатан юқори суръатларда (35 фоиз[139]) ошиб, уларнинг асосий қисмини инвестицион ва аҳолининг реал даромад манбаларини яратиш мақсадларига йўналтирилган кредитлар ташкил қилганлиги алохида эътиборга молик масаладир.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш борасида кенг кўламли ва катта ҳажмдаги капитал маблағларни талаб этувчи дастурлар ҳамда устувор вазифалар белгиланганлиги республика банк тизими мазкур лойиҳаларни молиялаштириш чора-тадбирларини кучайтириш бўйича янада изчил иш олиб бориши кераклигини тақозо қилмоқда.

Маълумки, тижорат банклари ўз фаолияти давомида турли хил хизматлар кўрсатиб, мазкур хизматлари улар учун маълум даромад олади. Бу даромадлар воситачилик, комиссион мукофот, ўтказмалар ва йиғимлар шаклида бўлиши мумкин. Кейинги йилларда банк хизматларининг турлари ва миқдори ўсиб, бу соҳа банк фаолиятининг сезиларли йўналишига, уларнинг даромадининг манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда тижорат банклар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи банклар даромадлари таркибида асосий ўринни ҳар хил яъни воситачилик хизматлардан келадиган тушумлар ташкил қилади.

Банкларнинг даромад олишга ва банк балансида риск акс этмайдиган катта ҳажмдаги хизматларни амалга оширишларига интилиши, уларнинг умумий ҳажмдаги хизматлари таркибида воситачилик операциялари улушини ва тегишли равишда улардан олинадиган даромадини оширишига имкон яратади.

Охирги йилларда, ҳам банклар томонидан, ҳам мижозлар томонидан воситачилик операцияларига бўлган қизиқиш қуйидаги сабабларга кўра ортмоқда:

-биринчидан, банкларнинг воситачилик операциялари бошқа муассасалар томонидан олдиндан амалга оширилган хизматларга асосланади, шунинг учун банклар томонидан ушбу операцияларни ўтказиш механизми йўлга қўйилган;

-иккинчидан, банкларнинг кўпгина мижозларида ушбу операцияларга эҳтиёж бор. Шунинг учун тижорат банкларининг қўшимча воситачилик

---

[138] Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т.Ўзбекистон 2017 й

[139] www.cbu.uz. Ўз. Рес. Марказий банки расмий сати маълумоти.

операцияларини амалиётга киритиш, уларнинг эҳтиёжларини кенг миқиёсда қондиришга ёрдам беради, ҳамда банк хизматларидан олдин фойдаланмаган янги мижозларни жалб қилади;

-учинчидан, банкларнинг мижозларга кўрсатадиган воситачилик операциялари ўзида бир қанча анъанавий хизматларни бирлаштиради. Бу ўз навбатида оҳир-оқибатда банк фаолиятининг универсаллашувига ва рискларнинг диверсификациясига олиб келади;

-тўртинчидан, воситачилик операцияларини банк соҳасига кенг миқёсда киритилиши, умумий банк даромадини шакилланиш имкониятларини кенгайишига олиб келади;

Бугунги кунда мамлакатимизнинг банк хизматлари бозорида баъзи муаммолар ҳам мавжудки, жумладан, тижорат банкларида ҳукумат қарорлари асосида ўртача бозор даражаси ва ресурс қийматидан паст фоизларда кредитлар берилиши натижасида тижорат банкларининг кредит ресурслари учун фоиз тўловлари қопланмай қолиши ва бу банкларнинг рентабеллиги ҳамда молиявий ҳолати ёмонлашишига сабаб бўлаётган эди.

Ушбу муаммоларга республика раҳбарияти томонидан эътибор қаратилиб, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш имкониятларини кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ва республика молия-банк тизими фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида янги жамғарманинг тузилди.

Ушбу жамғарма томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан тижорат банклари орқали имтиёзли кредитлар ажратиш, кредитлар бўйича кафиллик бериш ва фоиз харажатларини қоплаш орқали амалга оширилмоқда.

Фикримизча Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида воситачилик фаолиятини янада ривожлантириш учун қуйидаги жихатларни инобатга олиш лозим:

- Ўзбекистонда банкларининг янги молиявий хизматлари бозори ривожланиш босқичида, банклараро рақобатнинг кучайиши, ахборот технологияларининг тараққиёти ҳамда банк хизматларига бўлган талабнинг ошиши янгидан-янги банк хизматларини кенг миқёсда жорий этишни заруратга айлантиряпти. Ўзбекистон тижорат банклари анъанавий тушуниладиган банк фаолиятининг «соф» соҳасини сақлаб қолган ҳолда, янги молиявий хизматлар, яъни воситачилик операциялари соҳасида фаолият юритиши мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- тижорат банкларининг мижозларида воситачилик операцияларга эҳтиёж бор. Шунинг учун тижорат банкларининг қўшимча воситачилик операцияларини амалиётга киритиш, уларнинг эҳтиёжларини кенг миқиёсда қондиришга ёрдам беради, ҳамда банк хизматларидан олдин фойдаланмаган янги мижозларни жалб қилади;

- банкларнинг мижозларга кўрсатадиган воситачилик операциялари ўзида бир қанча анъанавий хизматларни бирлаштиради. Бу ўз навбатида оҳир-оқибатда

банк фаолиятининг универсаллашувига ва рискларнинг диверсификациясига олиб келади;

- воситачилик операцияларини банк соҳасига кенг миқёсда киритилиши, умумий банк даромадини шаклланиш имкониятларини кенгайишига олиб келади;

- тижорат банкларининг активларини диверсификация қилиш мақсадида ва юқори даромадли банк хизматларининг янги турларини, шу жумладан андеррайтинг, траст ва бошқа банк операцияларни турларини ўзлаштиришга етарли молиявий ресурсларни ажратиш учун имконият яратиб бериш лозим;

- траст операцияларини ривожлантириш орқали тижорат банклари хатар даражаси паст бўлган банк операцияларини бажариш имкониятлари юзага келади ва бу, ўз навбатида, тижорат банкларининг самарадорлик кўрсаткичларини оширишга ёрдам беради;

- тижорат банкларнинг лизинг операцияси жараёнида мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ва у тақдим этган лойиҳани текширувдан ўтказиш ишларига катта урғу бериш лозим. Шунда берилган тижорат банкларнинг лизинг операциясидаги кредитлар самарали бўлиши мумкин;

- мижозларга молиявий хизмат кўрсатиш универсал тизимидан фойдаланиб, тижорат банклари қошида факторинг хизматини ривожлантиришни жорий этиш. Бунда фактор-банк нафақат кредитлашни, балки мижозга у ишлаб чиқариш ва савдо тезкор вазифаларни бажаришга қаратилиши учун бухгалтерия, сотиш, реклама, суғурта хизматлари ҳам кўрсатишни ўз зиммасига олишида банк мижозларига янада қулайликлар яратилади;

Умуман олганда, банкларнинг иқтисодиётдаги молиявий воситачилик ролини мустаҳкамлаш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланишга хизмат қилувчи тизимни шакллантиришга эришилади.

Назарова Р.Р. профессор ТГЭУ,
Шахназаров Т.М. магистрант ТГЭУ

## АНАЛИЗ ВСТУПЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА ВО ВСЕМИРНУЮ ТОРГОВУЮ ОРГАНИЗАЦИЮ

Вступление Узбекистана в ВТО подтверждается тем, что однозначного мнения в обществе нет. Экономисты и предприниматели говорят, что это благо для народа, другие считают, что вступление в ВТО нанесет серьезный удар отечественным производителям.

Узбекистан, как и все страны мира, имеет цель – привлечь иностранные инвестиции, что сделать без вступления в ВТО невозможно. Потенциальные инвесторы желают получить понятные и предсказуемые «правила игры» на узбекском рынке. Им важно, чтобы действия правительства подчинялись общим для всех стран правилами.

На сегодня Всемирная торговая организация (ВТО), которая начала свою деятельность с 1 января 1995 года, объединяет 164 страну мира, на долю которых приходится более 95% мирового товарооборота.

С момента подачи заявления о вступлении Республики Узбекистан в ВТО, проводится целенаправленная поэтапная работа, направленная на обеспечение достижения приемлемых условий по присоединению в ВТО.

Разумные и взаимоприемлемые условия вступления окажут позитивное влияние на экономическое развитие Узбекистана, создадут благоприятные условия для развития двустороннего и многостороннего торгово-экономического и инвестиционного сотрудничества.

В Республике проводится регулярная работа, направленная на обеспечение достижения приемлемых условий по присоединению Узбекистана в ВТО, в том числе по приведению национального законодательства в соответствии с нормами и правилами Организации. За сравнительно недолгий период в Республике были приняты меры, направленные на дальнейшую либерализацию внешнеторгового режима.

Вместе с тем, либерализация доступа на рынок товаров и услуг не должна наносить ущерб соответствующим секторам экономики страны, прежде всего тем, которые находятся на этапе модернизации и реструктуризации или имеют перспективу развития в предстоящие годы.

В принятой «Стратегии действий Узбекистана на 2017-2021 гг.» третий раздел посвящен «Приоритетным направлениям развития и либерализации экономики». Предпринимаемые Узбекистаном меры в данном направлении, во многом созвучны с основными положениями и принципами, принятыми во Всемирной торговой организации.

Всемирная торговая организация (ВТО) является единственной глобальной международной организацией, занимающейся правилами торговли между странами. В основе его лежат соглашения ВТО, согласованные и подписанные большинством мировых торговых стран и ратифицированные в их парламентах. Цель состоит в том, чтобы помочь производителям товаров и услуг, экспортерам и импортерам вести свой бизнес.

Задачей ВТО провозглашено не достижение каких-либо целей или результатов, а установление общих принципов международной торговли. Согласно декларации, работа ВТО, как и ГАТТ до него, опирается на основные принципы, среди которых: равные права, взаимность, прозрачность, создание действующих обязательств и защитные клапаны.

Участие в ВТО дает стране множество преимуществ. Их получение и является в практическом смысле целью присоединения к ВТО. Основная доля в объемах внешней торговли Узбекистана по-прежнему приходилась на страны с развитой рыночной экономикой. Рост торговли с такими странами происходит за счет роста покупок их продукции. Вступив во Всемирную торговую организацию, Узбекистан рассчитывает увеличить долю экспорта своей продукции.

За 1991 – 2017 годы произошло существенное изменение структуры экспорта Узбекистана:

Главным товаром республики стала сфера услуг (её доля в экспорте составляет 25,1%), при этом доля хлопкового волокна в экспорте снизились с 59,7% до 3,4%, возросла доля продовольствия (с 3,9% до 6,52%), химической

продукции (с 2,3% до 6,52%), черных и цветных металлов (с 4,6% до 6,83%), машин и оборудования (с 1,7% до 2,59%).

Положительное сальдо торгового баланса в 2017 году составило – 945,5 млн. долларов.

Среди стран СНГ основными внешнеторговыми партнерами являются Россия, Казахстан, Украина, Кыргызстан, Украина, Азербайджан, Белоруссия и Таджикистан на долю которых приходится 28,7% внешнеторгового оборота, среди других стран – Китай, Турция, Республика Корея, Германия, Афганистан, Бразилия, Индия, Иран, Латвия, Польша Литва, Франция, США, Италия на долю которых приходится 41,6% всего внешнеторгового оборота (рис 1).




**Рис 1. Рост экспорта в разрезе основных стран по итогам 2017г. (%)**[140]

Одним из основных торговых партеров Узбекистана является Россия. В торговых отношениях между Республикой Узбекистан и Российской Федерации действует полноценный режим свободной торговли. Согласно экономической статистике, в 2016 товарооборот составил 4 192,7 млн долл., в то числе экспорт - 1 794,9 млн. долл., импорт – 2 397,9 млн. долл.

Еще одним из крупнейших торгово-экономических партнеров Узбекистана является Китайская Народная Республика.

По итогам государственного визита Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева в КНР 11-13 мая 2017 г. подписаны 105 межгосударственных, межправительственных и межведомственных документов, а также соглашений в торговой, инвестиционной и финансово-технической сферах на сумму 23 млрд. долл .

В рамках Комитета действуют 7 подкомитетов по торгово-экономическому сотрудничеству, по сотрудничеству в области безопасности, энергетики, транспорта, сельского хозяйства, по культурно-гуманитарному и научно-техническому сотрудничеству.

Узбекский экспорт в Китай текстильная продукция, переработанная плодоовощная продукция, медь, кожевенное сырье, природный газ, услуги, пластмассы играет важную роль для китайской экономики.

---

[140] www.mft.uz

За январь-сентябрь 2017 г. товарооборот составил 3,49 млрд.долл., экспорт – 1,5 млрд. долл., импорт – 2,0 млрд. долл.

В декабре 1994г. Узбекистан подал заявление о намерении Узбекистана вступить в ГАТТ/ВТО в качестве полноправного члена.

С момента представления в ВТО Меморандума поступили вопросы от ЕС, Австралии, Новой Зеландии и США, на которые подготовлены ответы и направлены в Секретариат ВТО.

В ходе заседания был представлен доклад узбекской стороны о состоянии и перспективах социально-экономического развития Республики Узбекистан в контексте предстоящего вступления в ВТО.

В рамках визита были также проведены многостороннее заседание по вопросам сельского хозяйства, встреча с Председателем РГ Х.Чоем и директором отдела вступлений ВТО А.Хусейном, двусторонние встречи с представителями ключевых стран-членов ВТО (США, ЕС, Австралия, Канада, Швейцария, Корея).

С февраля 2013г. председателем Рабочей группы по вступлению Узбекистана во Всемирную торговую организацию является постоянный представитель Республики Корея при отделении ООН и других международных организациях в г.Женева Сок-йонг Чой.

Между тем, анализ опыта участия развивающихся стран в ВТО свидетельствует о том, что членство Узбекистана в Организации будет иметь как положительные, так и отрицательные моменты.

В качестве положительных аспектов можно выделить следующее:

- повышение международного имиджа и влияния Узбекистана в мире;

- получение более благоприятных условий доступа на мировые рынки товаров и услуг на основе предсказуемости и стабильности развития торговых отношений со странами-членами ВТО, включая транспарентность их внешнеэкономической политики;

- устранение дискриминации в торговле путем доступа к механизму ВТО по разрешению споров, обеспечивающему защиту национальных интересов в случае, если они ущемляются зарубежными партнерами;

- приход на национальный рынок крупных международных банков и как следствие формирование здоровой конкурентной среды и снижение кредитных ставок для населения, предприятий малого и среднего бизнеса;

- увеличение притока прямых иностранных инвестиций и новых технологий в экономику Узбекистана;

- взаимное предоставление странами-участниками Организации режимов наибольшего благоприятствования в торговле;

- взаимное предоставление «национального режима» товарам и услугам иностранного происхождения;

- обязательство обеспечить доступ иностранных поставщиков к системе государственных закупок Узбекистана будет вынуждать госкомпании и госорганы выбирать партнеров не из протекционистских соображений, а исходя из коммерческой выгоды;

- повышение рейтинга страны в «Глобальном индексе конкурентоспособности».

В то же время, вступление Узбекистана в ВТО сопряжено с рядом существенных рисков и издержек, среди которых можно выделить следующее:

- снижение установленных ставок таможенных платежей на импортные товары повлечет сокращение денежных поступлений в государственный бюджет Узбекистана;

- смягчение торгового режима и утрата государственного влияния на ввоз импортных товаров приведут к неконтролируемому оттоку валютных средств из страны;

- неспособность отдельных отраслей национальной экономики составить конкуренцию ввозимой из ведущих стран-членов ВТО продукции нанесет ущерб производственному потенциалу Республики с вытекающими последствиями (безработица, рост социальной напряженности и др.);

- членство в ВТО будет обязывать Узбекистан ограничить выделение средств государственной поддержки отраслям национальной экономики (прежде всего, сельское хозяйство и сфера промышленности).

- увеличение импорта и сокращение экспорта (практически все страны СНГ на начальном этапе после присоединения к ВТО имели рост отрицательного внешнеэкономического торгового баланса).

- в условиях низкой конкурентоспособности узбекских производителей, страны с развитой экономикой будут рассматривать Республику, преимущественно в качестве производителя сырьевой продукции и основного потребителя своих товаров с высокой добавленной стоимостью;

- процедура выхода страны из ВТО возможна лишь при уплате крупных штрафов, определяемых величиной ущерба, который могут понести компании других стран-членов Организации.

Для узбекской экономики в условиях вновь сложившихся задач нужно выработать приоритеты, которые могли бы иметь четкую конкурентоспособность в тех сферах, в которых наше государство не только не отстает, но и опережает своих партнеров по ВТО.

Зачем же нам членство в ВТО? Без этого нам не защитить национальные интересы на мировых рынках. Кроме того, и внутри страны не решить многие задачи экономики без мировой конкуренции с самыми передовыми производителями. Но нет никаких общих условий в ВТО.

Существует определение, что ВТО – это организация, в которой каждая из стран должна продать столько товаров в денежном выражении, сколько купит. Но в этой фразе существуют некоторые нюансы:

во-первых, четко распределенный рынок сбыта товаров, который экспортирует каждая из стран-участниц;

во-вторых, не застрахованность от форс-мажорных обстоятельств (стихийных бедствий, неурожаев, природных катаклизмов), которые существенно влияют на цены на продукцию мирового рынка;

в-третьих, новые государства-конкуренты, которые стремятся застолбить нишу вопреки отдельным государствам-поставщикам;

в-четвертых, неустойчивость мировой экономики, которая подвержена кризису перепроизводства.

Нужно продолжать работать над улучшением положения наших производителей, повышать производительность труда, создавать новые товары, такие, которые никто не выпускает и которые будут нужны всем.

Мы считаем, что вступление в ВТО – оправданный шаг к развитию нашей страны.

М.С. Қосимов.
ТДИУ “Макроиқтисодиёт” кафедраси доценти,и.ф.н.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТ БЮДЖЕТИНИ ЮҚОРИ ТУРУВЧИ БЮДЖЕТ АЖРАТМАЛАРИГА ҚАРАМЛИГИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Вилоят аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш - вилоят иқтисодиётининг барқарор ўсишига ва вилоят бюджетининг даромадлар базасини кенгайтиришга кўп жиҳатдан боғлиқ (1-расм). Бугунги кунда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш вилоят иқтисодиётига инновацион технологиялар, лойиҳалар ва ишланмаларни тадбиқ этишни ҳамда самарали инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақазо этмоқда.

Вилоят бюджетининг барқарорлиги эса унинг даромадлар базасини кенгайтириш инновацион ёндашувни ва молия тизимини инновацион бошқарувини тадбиқ этилиши билан боғлиқдир. Жумладан вилоят бюджетининг янги бошқарув модели – ўрта (уч йиллик) муддатли махаллий бюджет тизимини шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш тажриба сифатида таклиф этилмоқда. Халқаро тажрибаларнинг кўрсатишича бундай ёндашувнинг бир қатор афзалликларга эга. Синов- тажриба сифатида Наманган вилоятининг танланишида эса аниқ асослар мавжуддир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” фармонида кўрсатиб ўтилганидек “ўрганишлар натижалари мазкур соҳада бир маромда иқтисодий ўсишга, ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни оширишга, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлашга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни кўрсатди”[141].

Шуни таъкидлаш лозимки, молия ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш узоқни кўзлаб, комплекс ва интеграллашган ёндашувни, муаммоларга тизим форматида қаралишини тақазо этмоқда. Концепцияда тизимли муаммолар қуйидагича ифодалаб берилган:

“биринчидан, умумбелгиланган солиқларни тўловчилар учун солиқ юки даражасининг юқорилиги, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги фарқнинг сезиларлилиги;

иккинчидан, қўшилган қиймат солиғини ундиришнинг самарасиз тизими, солиқ тўловчиларнинг айланма маблағларини жалб қиладиган, шунингдек,

[141] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” www.uza.uz. 30.06.2018 й

истеъмол маҳсулотининг оралиқ ва якуний қиймати қимматлашишига олиб келадиган ҳамда йирик ва кичик бизнес ўртасидаги кооперациянинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган мажбурий тўловларнинг мавжудлиги;

учинчидан, солиқ тўловчилар томонидан ходимларнинг реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яширишга олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш фонди солиқ ставкаларининг юқорилиги;

тўртинчидан, имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш бўйича таъсирчан тизимнинг мавжуд эмаслиги сабабли соғлом рақобатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи, хўжалик юритувчи субъектларни солиқ ва божхона, шу жумладан индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш амалиётининг кенг тарқалганлиги;

бешинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш механизмларининг, электрон солиқ маъмуриятчилиги ҳамда солиқ назоратини амалга ошириш шакл ва услубларининг такомиллашмаганлиги;

олтинчидан, ўтказиладиган назорат тадбирларининг сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ва инсофли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашишларни камайтиришга тўсқинлик қилувчи назорат фаолиятини амалга оширишда хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг аниқ тизими йўқлиги;

еттинчидан, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маъмуриятчилиги механизмларининг самарасизлиги оқибатида уларнинг йиғилувчанлик даражаси етарли эмаслиги, шунингдек, кўчмас мулк ва ер участкаларини тўлиқ ҳисобга олиш ва қийматини объектив аниқлашнинг мавжуд эмаслиги”[142] таъкидлаб ўтилган.

Солиқ ва молия сиёсати (фискал сиёсат) давлат сиёсати бўлиб, олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ундан оқилона, узоқни кўзлаб унинг самарали механизмларини яратиш ва амалга ошириш билан боғлиқдир. Солиқ ва молияни ягона тизим деб олсак, солиқ тизими ва молия тизими тизим ости тизимларидир. Бошқача сўзлар билан айтганда соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларни ҳал қилишда молия ва солиқ идоралари тизим ости тизимидир (1-расм). Тизимли таҳлил методологияси нуқтаи назаридан, ҳар икки тизим ости тизими алоҳида декомпозиция қилинса уни таҳлил қилиш осонлашади, тизимли таҳлил муаммонинг илдизлари ва келиб чиқиш сабабларини далиларда асослаб беради. Таҳлилдан сўнг функционал алоқалар синтез қилиниши натижасида узоқни кўзланган ечими аниқланади.

Шу сабабли солиқ тизимини алоҳида ўрганиш (декомпозиция қилиш), унинг атрибутларини соддалаштириш, халқаро илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни маҳаллий шарт-шароитларга адаптация қилиш ҳамда имплементация қилиш зарур бўлмоқда. Муаммони ҳал қилишда халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш, халқаро валюта фонди ва жаҳон банкининг экспертларини жалб этишга алоҳида урғу берилди.

---

[142] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” www.uza.uz. 30.06.2018 й

1-расм

**МОЛИЯ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИ АҲОЛИНИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНЛИГИ**




Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда қабул қилинган солиқ концепцияси, “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидги” Ўзбекистон Республикасининг Президентининг Фармони, “2017-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бу борада аниқ вазифалар белгилаб берилган ва уларнинг ижросини таъминлашга республика олимлари ҳам бевосита алоқадордир. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорини асос қилиб олиш зарур.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Наманган вилояти хокимлиги ўртаси 2018 йил январь ойида “Наманган вилояти бюджети даромадлар базасини кенгайтириш, туманлар бюджетининг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига бўлган қарамлигини босқичма-босқич қисқартириш” бўйича шартнома асосида

ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ҳамкорлик натижасида вилоятнинг иқтисодий-ижтимой ривожланишининг хозирги ҳолати тизимли таҳлил этилиб, маҳаллий бюджетнинг юқори турувчи бюджетлардан қарамлигини босқичма-босқич камайтириш бўйича конструктив таклифларни вилоят хокимлигига таклиф этиш мақсад қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишида олимлар ва мутахассислардан ташкил этилган ишчи гуруҳга аниқ топшириқлар берилиб унда "умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартлар талаблари ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб берадиган нормалар яратилиши; солиқ назоратининг хорижда кенг қўлланилаётган илғор ва синалган шакл ва усулларини жорий этишни ҳисобга олган, жумладан, халқаро эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда солиқ маъмуриятчилиги механизмларини қайта кўриб чиқиш; республика стратегик манфаатлари ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичини ҳисобга олган ҳолда, солиқ соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий солиқ қонунчилигига имплементация қилиш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва йиғимларнинг тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлаш, солиққа тортилишдан бўйин товлаш имкониятини истисно қилиш; хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий солиқ юкини пасайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, кичик ва йирик бизнес субъектларининг солиқ юкини максимал даражада баробарлаштиришга хизмат қиладиган усулларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратсин, -деб кўрсатиб ўтилган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети олимлари халқаро тажрибаларни (Япония ва Буюк Британия мисолида) ўрганиб, таҳлил қилди ва солиқ механизмини янги усулларидан бирини ишлаб чиқди.

Буюк Британияда солиқ-кредит/"tax-credit" механизми орқали янги ташкил этилган корхоналар, кичик корхоналар ва инновацион корхоналар қўллаб қувватланади.

Буюк Британияда қўлланилаётган солиқ-кредит/"tax-credit" усулини Ўзбекистон хусусиятига мослаб қўллаш ва ундан наф олиш имкониятлари мавжуд.Солиқ-кредит усулида янги ташкил этилган корхонага дастлабки йиллардаги корхона кўрган зарарлар, кейинчалик фойдага кириши билан тўлаши керак бўлган солиқдан кечиб қоплаб берилади.Натижада ёпилиб кетиши мумкин бўлган кичик корхоналар сақлаб қолинади.

Наманган вилоятида 2016 йили 1400 дан ортиқ, 2017 йили 1000 яқин кичик бизнес ва тадбиркорлар ўз фаолиятини тўхтатгани ва баъзи корхона ва тадбиркорлар хуфёна бизнес фаолиятига ўтиб кетаётгани аниқланди. Шунингдек вилоят иқтисодиётини ва туманлар иқтисодиётини тизимли таҳлили ва хулосалари солиқ – кредит тизимини қўллаш ва ундан наф кўриш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Суннатов М. Н.
ТДИУ “Макроиқтисодиёт”
кафедраси катта ўқитувчиси
Неъматов Д.М. ТДИУ талабаси

# МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР МАЖМУИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгандан кейин ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кескин ижобий сифат ўзгаришлари рўй берди. Мамлакат иқтисодий тизими тубдан янгиланиб интеллектуал мулк бозорини тартибга солиш механизмини институционал асосалари ислоҳ қилинди. Бозор иқтисодиёти тизимини шакллантириш фуқоролик қонунларини тубдан қайта кўриб чиқишни, мутлақо янгидан-янги қонунлар қабул қилинишини тақазо қилди. Жамиятда мулкчилик ва мулкий муносабатлар мазмуни ва моҳияти ўзгарди. Хусусий мулк ўз қонуний асосларига эга бўлди ва иқтисодиётда тадбиркорлик негизи вазифасини бажармоқда.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни муваффақиятли амалга оширилмоқда, мулкдорлар синфи шакллантирилмоқда. Мулкий ҳуқуқлар мазмуни ўзгариш билан бирга мол-мулк объектлари доираси ҳам кенгайди. Жумладан инсон ижодий фаолияти натижалари, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг индивидуаллаштириш воситалари мол-мулк сифатида тўла эътироф этилди. Натижада мулкий ҳуқуқлар мажмуида янги тизим-интеллектуал мулк институти вужудга келди. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соф моддий мулк ҳуқуқидан фарқли равишда жамиятнинг иқтисодий, ҳам маънавий турмушида ўз илдизларига эга.

Мулк ҳуқуқлари назарияси доирасида “мулк” тушунчаси одатда турли шахслар ўртасида ҳар хил улушларда тақсимланган ҳуқуқлар тўплами сифатида талқин этилади. Мулк ҳуқуқларининг инглиз ҳуқуқшуноси А.Оноре томонидан таклиф этилган (Оноре рўйхати) ва қуйидаги 11 та унсурни ўз ичига олган таърифи “тўлиқ” ҳисобланади:[143]

1) эгалик қилиш, яъни ашё устидан мутлақ назорат қилиш ҳуқуқи;
2) фойдаланиш, яъни ашёдан шахсий фойдаланиш ҳуқуқи;
3) бошқариш, яъни ашё ким томонидан ва қандай фойдаланилиши мумкинлигини ҳал этиш ҳуқуқи;
4) даромад олиш, ашёдан аввалги шахсий фойдаланишдан ёки бошқа шахсларга ундан фойдаланишга рухсат этишдан келиб чиқадиган неъматларни олиш ҳуқуқи (бошқача айтганда – ўзлаштириш ҳуқуқи);
5) ашёдан ўзгалар фойдасига воз кечиш, уни истеъмол қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи “капитал қиймат” ҳуқуқи;
6) хавфсизлик ҳуқуқи, яъни экспроприацияга қарши иммунитет;
7) ашёнинг мерос бўйича ёки васиятнома бўйича ўтиши ҳуқуқи;
8) муддатсизлик;

[143] Беркинов Б.Б. Институцонал иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 78-80 бетлар.

9) зарарли фойдаланишни таъқиқлаш, яъни ашёдан ўзгалар учун зарарли усул билан фойдаланишдан ўзини тийиш;

10) ундириш кўринишидаги жавобгарлик, яъни ашёни қарзни тўлаш учун олиб қўйиш имконияти;

11) қолдиқ хусусият, яъни кимгадир ўтказилган ваколатларнинг уларнинг ўтказиш муддати тугагач ёки исталган бошқа сабабга кўра ушбу ўтказиш ўз кучини йўқотган ҳолларда, “табиий” равишда қайтарилишини кутиш.

Мулкий ҳуқуқлар мажмуида интеллектуал мулкни тақсимланган ҳуқуқлар тўплами сифатида талқин этишимиз мумкин.

Иқтисодий шарт-шароитлар интеллектуал мулк институти мавжуд бўлишини тақазо этар экан, ўз новбатида бу институт тизими иқтисодий омиллар турткилари остида доимий такомиллашаб боради. Бошқача айтганда интеллектуал мулк институти ғоят тез суръатлар ва шиддат билан ривожланаётган илмий-техника тараққиёти орқасидан юрмасдан, балки уни доимий равишда ўз таъсир доирасида бўлишга имкон берувчи институционал майдон бўлиши лозим. Интеллектуал мулкнинг умумий муаммолари, уни тартибга солишни институционал механизмларини ривожлантириш масаларлари ҳамон назарий ҳам амалий аҳамиятга эга масала сифатида долзарб бўлиб келмоқда. Интеллектуал мулк объектларининг бозор муносабатлари тизимида товар сифатида ҳаракати иқтисодий-илмий жиҳатдан ўрганилиб чиқилмаган.

Интеллектуал мулк субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, улар ваколатларининг таркибий қисмлари ҳам чуқур таҳлил этилмаган. Интеллектуал мулк бозорини ҳимоя қилиш, бундай иқтисодий ҳуқуқларни амалга оширилишига кўмаклашувчи ташкилотларнинг фуқаролок-ҳуқуқий мақоми ҳам атрофлича ёндашув ва тизимли тадқиқотлар асосида ўрганиб чиқилмаган. Айни вақда интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми, объектларга нисбатан ҳуқуқ соҳибларининг ваколатлар ҳажми ва мазмуни бозор тизимида мутлоқ янгича оҳанг касб этмоқда, бу эса ўз навбатида баъзи бир эскирган конструкциялар, қарашлар ва тасаввурларни қайта кўриб чиқишни, мутлақо ўзгача характердаги ташкилий, қонунчилик, меъёрий ечимларни ишлаб чиқишни тақазо этмоқда. Бу ўз новбатида трансакция ва трансформация харажатларини келтириб чиқаради.

Иқтисодиёт субъектлари фаолияти жараёнида мулкчилик ҳуқуқининг алмашиниши, бошқа шахслар томонидан мулкка нисбатан ғайриқонуний(эгоистик) хатти-ҳаракатлар содир этилган шароитларда уни ҳимоя қилиш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аввал фаолият юритиб турган институтлар ва нормаларни янгилари билан алмаштириш зарурияти юзага келади. Бундай вазиятларда иқтисодиёт субъектлари ўзаро трансакция муносабатларини амалга оширишга киришади ва бу трансакция харажатларини келтириб чиқаради. Иқтисодиёт субъектларининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан трансакция харажатларининг вужудга келиш омиллари ва улар ўзгаришига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан такомиллашиб борувчи институционал муҳитда трансакция харажатларининг шаклланиши, уларни камайтириш ва оптималлаштириш миллий иқтисодиётнинг барқарор

ривожланишини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.[144] Шу қатори интеллектуал мулк бозорини тартибга солишни институционал механизмларини ривожланитиришда-ҳам.




1-чизма. Интеллектуал мулк объектлари ва иқтисодиёт субъектларида трансакция муносабатлари ва улар билан боғлиқ харажатлар турлари[145]

Шу билан бир вақтда улар ўткинчи харажатлар эмас, бундай харажатлар кўлами давлатнинг макро даражадаги институционал ислоҳотлар сиёсати ҳамда мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар ривожи билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Шу боис трансформация жараёнлари билан боғлиқ бўлган давлат ҳамда корхоналар миқёсидаги харажат турлари ва таснифларига алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида қараш мумкин.

Юқоридаги муаммоларни бозор муносабатларини концепцияси нуқтаи назаридан мушоҳада қилиш илмий тадқиқотларнинг янги йўналишини очиб берибгина қолмасдан мавжуд қонун меъёрларини моҳиятини англаб етиш, янгидан-янги меъёрлар ва ҳуқуқий ечимларни ишлаб чиқиш учун назарий негиз бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу эса илмий-ижодий тафаккурни ўсишига, интеллектуал мулк мулкдорлари қатламини вужудга келишига, уларнинг ҳуқуқлари кафолатланишига, интеллектуал мулк объектларининг иқтисодиётимиз салмоғидаги ҳиссасини ўсишига ва охир-оқибатда моддий ва маънавий ривожланишига олиб келган бўлар эди.

---

[144] Маматова Ф.Х. Трансакция харажатларини таҳлил қилиш асослари. -Т.: “Фан ва технология”, 2014й., 3-13 бетлар.

[145] Му Таъкидлаш жоизки, интеллектуал мулк бозорида трансформация харажатлари ҳам трансакция харажатлари каби иқтисодий тизимнинг барча поғоналарида юзага келади. Айникса, интеллектуал мулк бозорини тартибга солишни институционал механизамларини ривожланинтиришда мулкий ҳуқуқлар мажмуида янги тизим-интеллектуал мулк институти ва ҳамда янги институционал муҳитни яратишда нисбатан катта ҳажмларда бўлади.
аллиф томонидан тузилди

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий монополини тадқиқ этиш қуйидаги муаммолар билан ҳам узвий равишда боғлиқ:

Биринчидан, дунё ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда яхлит ва ягона интеллектуал товарлар ва у билан боғлиқ хизматлар бозорини вужудга келтириш;

Иккинчидан, илмий-ижодкор ва бадиий-ижодкор субъектларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларни аниқ-равшан белгилаб қўйиш, уларни амалга оширилишини кафолатлаш;

Учинчидан, интеллектуал мулк бозоридаги тадбиркорлик субъектлари ўзаро муносабатларини шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

Тўртинчидан, республикамизда илмий-тадқиқот ва бадиий ижодиётни ташкил этиш, рағбатлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва тизимини қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилиш.

Интеллектуал мулк объекти товар сифатида намоён бўлар экан, у бозорда ўз қийматига эга бўлиши лозим. Бунда интеллектуал мулк объектларини баҳолаш мезонлари амалга оширилиши зарур. Шнингдек, мулкий ҳуқуқлар мажмуида интеллектуал мулк объектларини юридик шахслар устав фондларига улуш сифатида киритиш долзарб масала хисобланади.

Тоймухамедов И.Р.-ТДИУ Банк иши
каф.доценти. Мухторов М.– ТДИУ талабаси

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Иқтисодий - сиёсий ривожланишнинг сифатан янги даражасида турган Ўзбекистон Республикаси, бутун маърифатли дунё сингари, ўз тараккиётининг янги истиқболлари, янги стратегиясини белгиламокда.

Шу сабабли, ислоҳотларнинг босқичма-босқич ўтказилиши, демократик ва бозор ислоҳотлари юлидан изчил ва оғишмай бориш, кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг энг ночор катламларини ҳимоя килиш билан биргаликда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг ижобий натижаларини, уларнинг қўллаб-кувватланиши ва эътироф этилишини олдиндан белгилаб берди.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари йилдан – йилга ўз мавқейини мустахкамлаб бормоқдалар. Улар махалий хомашё негизида экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, истеъмол бозорини сифатли товарлар билан тўлдириш, аҳолини иш билан банд қилиш, жамиятга эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш орқали катта наф келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 15.05.2017 йилдаги ПФ-4725-сон Фармони ва “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сон Қарорининг бажарилиши борасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай муҳит

яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулайликлар ва имтиёзлар туфайли, янги ташкил этилган субъектлар сони сезиларли ортди ва 2017 йилдаги 226,0 мингдан 2016 йилда 233,3 мингтага етди[146].

Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, уй хўжалиги даромадларининг шаклланиши каби ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш амалиётининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантирилишида молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар асосий ўринни эгалламоқдалар. Уларнинг молиявий кўмаклари эвазига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва тадбиркорлик фаолиятини бошламокчи бўлган аҳолининг иқтисодий фаол қисми ўз бизнесларни йўлга қўймоқдалар, чунки мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кредитнинг аҳамияти каттадир.

Сўнгги йилларда республикада нобанк кредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг сони, аҳолининг кенг қатламларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш имконияти ҳам кенгайиб бормоқда.

2017 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони 76 тани, шундан микрокредит ташкилотлари сони 29 тани ҳамда ломбардлар сони 47 тани ташкил этмоқда. Хусусан, 2016 йил мобайнида республикамиз ҳудудларида 15 та янги нобанк кредит ташкилотлари ташкил этилди. Шулардан 5 таси микрокредит ташкилоти ва 10 таси ломбардлардир.[147]

Бугунги кунда микрокредит ташкилотлари микрокредит ёки микроқарз бериш, қарз мажбуриятини сотиш ёки сотиб олиш(факторинг), микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок етадиган микролизинг (молия ижараси) ва қонун хужжатларига мувофиқ бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан истеъмол кредит бериш билан шуғулланмоқдалар. Микрокредит ташкилотлари кредит сиёсатига мувофиқ ўртача йиллик 60 % гача микрокредитлар бермоқдалар.

Шу билан бирга мамлакатимизда тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган микрокредитларнинг таъминоти сифатида кредит қайтарилмаслиги хатарини суғурталашда суғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтириш, якка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан, касб-ҳунар билим юртлари битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкини гаровга олиш амалиёти кенг жорий қилинди.

[146] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.
[147] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

2017 йилда, тижорат банклари томонидан саноат тармоғига жами ажратилган кредитларнинг 46,05 фоизи тўғри келган, кейинги ўринни қишлоқ хўжалигига тўғри келиб жами кредитларнинг 5,1 фоизи берилган. Бироқ бу олдинги йилга нисбатан 1,0 фоиз кам улушни ташкил этган. Берилган кредитларнинг 14,3 фоизи транспорт ва коммуникаци тармоғига тўғри келган. Жисмоний шахслар томонидан еса ажратилган кредитларнинг 12 фоизи фойдаланилган. Аммо бу олдинги 2016 йилган нисбатан 5,9 фоизга пасайганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2022-сонли Қарорига мувофиқ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида республика минтақаларида ҳудудий филиаллари бўлган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ташкил этилди.

Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг объектив зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади.

Кредитларнинг ҳажми ва сони ошган сайин кредитнинг қайтармаслик хатари ҳам ортиб бориши банк амалиётида маълум ҳодисадир. Бундай хатарларни олдини олиш учун кредит ташкилотларида мижозларнинг кредитнинг қайтариши қобилиятини аниқлаш мақсадида молиявий кўрсаткичлари (молиявий ҳисоботи), таъминот, кредитланаётган лойиҳа (бизнес режа, техник иқтисодий асос) таҳлил қилинади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиялаш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

- бозор инфратузилмаси, шу жумладан, микромолиявий инфратузилманинг тўлиқ шаклланмаганлиги ва етарли даражада ривожланмаганлиги, ушбу хизмат бозорининг ҳудудлар бўйича нотекис жойлашганлиги;

- тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашдаги муаммоларнинг мавжудлиги;

- Республикада молиявий ва микромолиявий хизматлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция, бошланғич ва айланма капиталини тўлдириш учун катта ҳажмдаги кредитларга эҳтиёж мавжудлиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада кенгайтиришда хорижий мамлакатлар халқаро молия институтлари ва ҳукуматлари имтиёзли кредит линиялари ва грантларини жалб этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтларнинг маблағларини миллий тижорат банкларида жойлаштириш ва субъектларга тақдим этишда молиявий харажатлар даражасининг юқорилиги.

Ҳар қандай тараққиёт жараёни қарама-қаршиликлар, муаммолар асосида мукаммаллашиб боради. Мамлакатимиз тижорат банклари тараққиёти жараёнида ҳам бир қатор ечимини кутаётган муаммолар мавжуд:

1. Тижорат банклари депозитлари асосий қисмининг муддациз ёки қисқа муддатлилиги. Тижорат банклар депозитлари таркибида талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларнинг улуши кўп (63%) ва улар арзон бўлишига қарамасдан, риски юқори ресурс ҳисобланади. Маблағларни жамлаш операцияларининг ҳажми ва таркиби банкларнинг кредит ва инвестиция портфели ҳолатини белгилайди ҳамда инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи асосий омил ҳисобланади.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг равнақ топиши учун тижорат банклари ўз кредит ресурсларини қуйидаги йўналишлар бўйича такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир:

- инвестицион мақсадлар – корхоналарни модернизациялаш ва технологик янгилаш, замонавий юқори технология асосида инновацион ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда бошланғич капитал ва айланма маблағларни тўлдириш;
- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларига хомашё ва материаллар сотиб олиш, факторинг хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш;
- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда соҳа вакилларига кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажмини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит операцияларидан фойдаланишда, улар томонидан кредит сиёсатини тўғри ташкил килинганлигига бахо беради.

Бу ўз навбатида тижорат банкларининг кредит тизимидаги ўрни, уларнинг кредит бериш механизми ва рискларни пайдо бўлиш сабаблари, унга таъсир этувчи омиллар, ундаги муаммоларни ҳал этишда барча имкониятлардан ўз вақтида фойдаланишни тақазо этади.

М. К. Абдуллаева – ТДИУ
“Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси доценти, и.ф.н.

## ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йилларга мўлжалланган бўлиб, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ҳамда технопаркларни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий изланишларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олимларнинг илмий-технологик

ишланмаларини амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини яратиш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион иқтисодиётни шаклланишида инновацияларни жорий этиш орқали иқтисодий ўсишни ва бозорнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим йўналишлардан бирига айланди. Илмий-техник салоҳият тез суръатларда ривожланиши ўз навбатида қаторда ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришга, харажатларни пасайтиришга бўлган уринишларга туртки бўлмоқда. Айнан шунинг учун ҳам кўплаб давлатлар томонидан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга катта миқдорда инвестициялар йўналтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги 2018 йил 21 сентябрида тасдиқланган ПФ-5544 сонли фармонининг 3.2. пункти - инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштиришда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган давлат харажатларини кўпайтириш ва 2021 йилга бориб бу кўрсаткични ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 0,8 фоизига етказишга асосий эътибор қаратилган.

Республикамизда 2016 йилда жами 933 та корхона ва ташкилотларда инновациялар жорий қилинган бўлиб, уларнинг асосий қисми, яъни 893 нафари (жами ташкилотларнинг 96 %и) ўзларининг фаолиятига технологик инновацияларни, қолган 40 нафари эса маркетинг ва ташкилий инновацияларни жорий қилишган.[148]

Ҳозирги кунда инновацион иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини белгилайдиган ҳал қилувчи омил – бу мамлакатнинг инновацион муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришда маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш ва ишлатиш ҳамда ички ва ташқи бозорда уни реалиция қилишдир.

Инновацион бошқарувда илмий ва технологик салоҳиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва бошқа давлатлардан инвестиицияларни жалб этишга ёрдам берди. Шундай қилиб, давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги иқтисодий ривожланишнинг инновацион принциплари устуворлиги билан янги фан-техника ва технология сиёсати билан таъминланиши керак.

Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда корхоналарни асосан маҳсулот нархини пасайтириш ва сифатини оширишга, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга эътибор қаратиш рақобатбардош маҳсулотларни рақобатдошлигини таъминлаш орқали эришилади. Ишлаб чиқаришда инновацион фаолиятни такомиллаштиришда амалдаги ресурслар ва молиявий ресурсларга асосланган фаолиятнинг янги йўналишларини ривожлантириш учун потенциал имконият яратади. Янги ривожланиш жараёнларини жадаллаштиришда қуйидагиларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим:

- янги маҳсулотнинг хусусиятларини ўрганиш керак;

---

[148]Сиддиқов А.Ж. "Инновацион ривожланиш-бу келажак пойдевори"// https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3581-innovatsion-rivozhlanish-bu-kelazhak-pojdevori

- ишлаб-чиқариш моддий-техника базасини такомиллаштириш;
- ташкилий тузилмамаларни яратиш;
- инновацион бошқарувнинг самарали шакллари ва усулларидан фойдаланиш;

Инновацияларни ривожлантиришда чекланган инвестиция фондларидан янада самарали фойдалоаниш учун корхоналрани янги билим ва технологияларга ўз вақтида етказиб беришни таъминлаш муҳимдир.

Ишлаб чиқарувчининг рақобатбардошлиги янги маҳсулотнинг сотушда бозорда етакчилик мавқеини эгаллаши учун ўзларининг илғор ишланмаларини тезкор тадбиқ этиши талаб этилади.Бунинг учун корхоналарнинг ташкилий имкониятларини иқтиқболли ривожлантиришда кенгайтирилган ахборотни олиш ва қайта ишлашнинг замонавий воситаларидан фойдаланишни талаб этади. Ишлаб чиқариш фаолиятига турли омилларнинг таъсирини монитиринг қилиш, уларнинг янги ахборот киришини кенгайтириш, вазиятни таҳлил қилишни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш инновацион харажатларни камайтириш ва янги инновацион лойиҳаларни самарадорлигини оширишга ёрдам беради.Ушбу стратегия асосида ишлаб чиқаришда янги ғояларни кузатиб бориш, илғор технологияларни ишлаб чиқариш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

Бир қанча иқтисодчи олимлар инновацион лойиҳаларга турлича таъриф беришган. Жумладан Россия иқтисодчи олимлари Нагорный Б.Г. ва Климов Б.Т. инновацион лойихаларга қуйидагича таъриф келтиришган: “йирик ва мураккаб лойиҳалар бўлиб, технологик ва янги инновацион характерга эга бўлиб, маҳсус илмий ташкилотлар шу билан бир қаторда конструктор-технологик ва таълим марказлари томонидан аниқ корхона, шунингдек иқтисодиётнинг минтақавий, тармоқ ва умумдавлат даражасида буюртмалар асосида амалга оширилади”[149]. Бизнинг фикримизча инновацион лойиха муайёян мақсадларга эришишни таъминлайдиган ҳар қандай инновацион мақсад, ташкилий-ҳуқуқий, бошқарув ва молиявий ҳужжаларни тизимлашган фаолият ҳаракати бўлиб, инновацион ғояларни жорий этишдан бошлаб уни реализация қилишгача бўлган жами харажатларни ҳисобга олиши лозим.

Инновация терминини биринчи истеъмолга киритган иқтисодчи Й. Шумпетер инновацияни тадбиркорликка асосланган ишлаб чиқариш омилларининг янги илмий-ташкилий мажмуаси сифатида изоҳлаган. Унинг инновацияга бўлган ёндошуви беш турдаги инновациядан иборат:
- муомалага янги маҳсулотни киритиш;
-янги ишлаб чиқариш усулларини жорий этиш;
-янги бозорларни очиш;
-хом-ашё ёки бошқа бошланғич бойликлар билан таъминловчи янги манбаларни ўзлаштириш;
-саноат тармоғи учун янги бозор тузилмаларини яратиш.

[149] Нагорный Б.Г., Климов Б.Т. Социально-экономические проблемы инновационных процессов в промышленности. – М.: ИЭ РАН, 2013. – 172 с.

Юқорида келтирилган барча инновацияларда эса харажатларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилсак, инновацион лойиҳаларнинг харажатлар қисмида инновацион жараёнларнинг ҳар бир кесими инновацион ғоялардан тортиб тайёр инновацион маҳсулотга еткунгача бўлгунга жараёнларни ўз ичига олади.

Инновацион жараённинг барча босқичларида корхона ресурсларни инвестициялаш, яъни харажтлар билан боғлиқдир. Харажатлар нуқтаи назаридан инновацион жараённ икки гуруҳга ажратиш мумкин: амалга ошириш ва эксплуатация харажатлари. Операцион харажатларни ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар амалга оширилаётган инновацион лойихадан даромадлар билан тезда қопланади. Шу нуқтаи назардан қуйидаги хавфларни ҳисобга олиш зарур:

- ресурслар қийматидан лойиҳани амалга ошириш харажатларининг ортиқлиги;
- сметада кўрсатилмаган харажатларнинг юзага келиши;
- лойихани эрта ёпилганлиги муносабати билан асосий воситаларнинг талаб қилинмаслиги.

Умуман олиб қараганда, инновацион харажатларни бошқариш муаммоларни етарли даражада ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам, инновацион лойихаларда харажатларни бошқаришда бизнинг фикримизча қуйидаги икки жиҳатга эътибор қаратиш лозим: мавжуд ресурслар салоҳиятини баҳолаш; инновацион лойиҳа параметрларини баҳолаш.

Мавжуд ресурслар салоҳиятини баҳолашда:

- молиявий ресурслар;
- ишлаб чиқариш ресурслари;
- кадрлар ресурслари ҳисобга олиниши зарур.

Инновацион лойиҳа параметрларини баҳолашда эса:

- лойихани амалга ошириш харажати;
- лойихани амалга оширишдан соф даромадни ҳисобга олиши зарур.

Инновацион фаолиятда харажатларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини бошқариш деганида субъектларнинг инновацион фаолиятда харажатларни оптималлаштиришга бўлган қизиқишини тушунишимиз мумкин. Бу механизмнинг таркибига инновацион лойихаларни харажатларни ҳисоблашнинг эгилувчан усулини жорий этиш, амалга ошириш харажатларини оптималлаштириш, инновацион лойихаларни кузатиб бориш усулини жорий этишни ўз ичига олиши зарур. Инновацион лойиҳаларни бошқариш механизми шу билан бир қаторда инновацион фаолиятнинг минимал рискини таъминлаши лозим. Яъни амалга оширилаётган иинннoвацион лойихалар ёпиқ тизимда эмас, балки харажатларни пасайтириш мақсадида ресурслардан параллел фойдаланиш учун имконият туғдириши лозим. Энг муваффақиятли инновацион фаолият шундай инновацияларни танлаши лозимки, қайсики ишлаб чиқарувчи корхонанинг фаолият юритишда ички ва ташқи муҳитнинг шартларига жавоб бериши керак. Буни амалга ошириш учун ҳар бир корхонада инновацион ғоялар банкини яратиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида инновацион ғояларни яратишга кетадиган вақти қисқаради ва аниқ инновацион лойиҳа бўйича ишлашга шароит яратади.

Яхшиева Мавлуда Турсуновна
и.ф.н., ТДИУ, “Иқтисодиёт назарияси”
кафедраси доценти,
Рахмонов Бекзод Шарибжон ўғли
Магистрант
Бурхонова Шахноза Ботир қизи
магистрант

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш инновацион жараёнларни фаоллаштириш билан узвий боғлиқ. Рақобатбардошликка эришишнинг замонавий моделлари иқтисодиётни ривожлантиришнинг умумий тусга эга ва рақобат мухитини шакллантириш хусусиятларидан иборат. Бу омиллар қуйидагилар: ишлаб чиқаришнинг сифат нуқтаи назаридан аҳволи ва унинг самарадорлиги; ходимларнинг илмий салоҳияти, малакаси, илмий-техник ютуқлари; асосий рақобатбардош тармоқларда турдош ва хизмат кўрсатувчи кичик тармоқлар аҳволи; талаб шартлари; корхона стратегияси ва таркиби.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилган, қайта ишланган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорлардаги улуши салмоғи сезиларли бўлсада, уни янада ошириш имкони мавжуд. Бу эса ички бозорни тўйинтириш ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга эътибор қаратишни долзарб қилиб қўяди. Барқарор ривожланишга эришиш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш илғор инновацион иқтисодиётга эга бўлишни талаб этади. Бунга эришиш учун эса барча товар ишлаб чиқарувчилар учун ички бозорда тенг рақобат имкониятларини, яъни қулай макроиқтисодий муҳит яратиш, миллий ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозорларда қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичида давлат миллий манфаатлардан келиб чиқадиган ва жаҳондаги вазиятни ҳисобга оладиган узоқ муддатли рақобат сиёсатини ишлаб чиқиши лозим.

Қулай макроиқтисодий муҳит билан маҳсулотни рақобатбардошлиги ўртасида барқарор ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги замонавий иқтисодий назарияни асосий қоидаларига мос келади ва кўп сонли амалий тадқиқотлар томонидан исботланган. Мамлакат рақобатбардошлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири – барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий мувозанатликни таъминланишидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, таркибий ва институционал ўзгартиришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларини модернизация ва

диверсификация қилиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган 649 та инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутувчи тармоқ дастурларини ўз вақтида амалга ошириш белгиланмоқда.[150]

Демак, ҳозирги кунда республикамиз саноат корхоналарини технологик янгилаш билан бир қаторда, инновацион жараёнларни стратегик бошқариш, рақобат муҳитини шакллантиришни давом эттирилишини тақозо этмоқда. Бу эса, ҳозирги иқтисодиётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви, мамлакатлар иқтисодиётининг интеграциялашуви ҳамда товарлар бозорида рақобатнинг кескинлашуви шароитида янада долзарб масалага айланмоқда. Замонавий ривожланиш ва унинг яқин келажакдаги истиқболининг ўзига хос хусусияти шундаки, инновацион жараёнларни стратегик бошқариш тобора зарурий воситага айланиб бормоқда. Бу тенденция иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам, бозор ислоҳотлари яқинда амалга оширилаётган мамлакатларда ҳам кенг намоён бўлмоқда.

Пировард маҳсулотнинг рақобатбардошлигини янада кенгроқ таъминлашнинг зарур шарти инновация фаолиятини бошқаришни, ақлий фаолият натижасини халқаро бозордаги кескин рақобатга дош бера оладиган товар даражасигача олиб чиқиш механизмини такомиллаштиришдан иборат. Илмий-техникавий ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий-саноат уюшмалари ва бошқа йирик марказларнинг Ўзбекистондаги фаолияти самарадорлиги улар қошида кичик илмий-ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш йўли билан оширилиши мумкин, уларнинг асосий вазифаси илмий ишланмалар ва ихтироларнинг кенг кўламлилигини таъминлашдир.

Ўзбекистон шароитида инновацион корхоналарнинг муваффақиятли фаолиятини таъминлаш ишида қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш катта аҳамият касб этади:

-асосан мааҳаллий менежерларнинг малакасига боғлиқ бўлган, янгиликларни излаш ва ўзлаштиришга мойил мухитни яратиш;

-бутун инновация фаолиятининг истеъмолчи эҳтиёжларига бўйсундирилиши;

-"тадқиқот - ишлаб чиқариш - сотиш" жараёнини тезлаштириш мақсадида бошқармада даражалар сонини қисқартириш;

-янгиликларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш муддатларини қисқартириш.

Инновация мухитининг бугунги ахволи қисқа муддатларда маҳаллий бизнеснинг инновацион йўналганлигининг юқори даражасига эришишга имкон бермайди. Шу боис, уни ривожлантириш давлатнинг турли йўналишлардаги самарали ҳаракатини тақозо этади. Жамиятнинг инновацион ривожлантиришга ўтишни янги товарларни ўзлаштиришда стандартлаштириш ва сертификатлашнинг буйруқбозлик қонун-қоидалари, янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш бўйича техник хизматларга идоравий монополия тўсқинлик қилади.

[150] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Шундай қилиб, инновацион вектор (нарх, солиқ, тузилмавий, минтақавий ва ҳоказо) давлат иқтисодий сиёсатининг ҳар бир йўналишида ҳисобга олиниши керак. Иқтисодиётнинг инновацион ривожига тўсқинлик қиладиган бошқа омил амалдаги стандартлаштириш ва сертификациялаш тизимидир. Сўнгги йилларда давлат томонидан кўрилган чоралар мазкур жараённинг ошкоралигини таъминлади, норасмий тўловларга "эҳтиёж"ни камайтирди ва ҳужжатларни ўтказиш муддатини қисқартирди. Шу билан бирга, мазкур чо-ралар ҳали кўпгина муаммоларни хал қилишга замин яратгани йўқ.

Ўзбекистон саноатида инновация фаолиятини кенгайтириш учун саноат тармоғини таркибий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун энг самарали тармоқларга алоҳида урғу бериш лозимдир.

Фирма доирасида махсус ташкилий тузилмаларни яратиш, турли хизматлар вакиллари билан ҳамкорликда илмий-техникавий лойихаларни, тадқиқотчилар стажировкаларини мухокама қилиш каби усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион фаолиятни кенгайтириш ва рағбатлантириш, инновацион иқтисодиётни, “билимлар иқтисодиёти”ни шакллантириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифалари жумласига киради. Жаҳон тажрибасида миллий иқтисодиётни таркибий модернизациялашнинг жуда кўп усуллари ва эришилган ижобий натижалари маълум. Улар орасидан иккитасини асосий замонавий йўналиш сифатида алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

–“билимлар иқтисодиёти” талабларига мувофиқ, модернизациялаш ҳамда таълим, фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш;

–тадбиркорлик фаолиятини, айниқса, инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий ишлаб чиқарувчилар дуч келаётган қуйидаги муаммолар иқтисодиётни модернизациялашни тақозо этади:

– асосий фондлар эскиргани;

–ишлаб чиқариш ускуналари хизмат муддатини ўтаб бўлгани ва маънан эскиргани;

–самарасиз технологияларнинг қўлланилиши;

–устувор тармоқларда малакали кадрлар етишмаслиги;

–рақобатга бардош беролмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларга ижобий ечим топиш учун амалиётга татбиқ этиладиган модернизациялаш дастурларида асосий эътибор миллий иқтисодиёт даражасида бир қатор вазифаларни беками кўст адо этишга қаратилиши лозим. Булар қуйидагилар:

1. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

2. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш ва сифатини ошириш;

3. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантириш;

4. Меҳнат унумдорлигини ошириш;

5. Ишлаб чиқаришнинг турли ички ва ташқи омиллар таъсирига тез мослашувчанлигини ошириш.

Миллий корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уларга хизмат қиладиган инновация инфратузилмаларини шакллантиришга қаратилган давлат сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламининг аста-секин кенгайиши ҳамда миллий корхоналар рақобатбардошлигини ошишига шароит яратмоқда. Бу эса, мамлакатимизда инновация инфратузилмаларини шакллантириш ва уларни самарали бошқаришни талаб этади. Чунки инновация инфратузилмасини шакллантириш эвазига жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда инновацион иқтисодиёт шаклланишига замин яратилса, иккинчидан, республикамизнинг интеллектуал салоҳиятининг яхшиланиши ва ялпи ички маҳсулот улушида инновацион маҳсулотларнинг ҳажми кўпайишига олиб келади.

Xujamkulov Dilmurod Yusupaliyevich,
TDIU "Jahon iqtisodiyoti" kafedrasi dotsenti, i.f.n.

## O'ZBEKISTONNING BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISHINI TA'MINLASHNING INVESTITSION OMILLARI

Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va uning raqobatbardoshligini oshirishda investitsiyalar alohida o'rin egallar ekan, ulardan samarali foydalanishda, albatta, mavjud imkoniyat, salohiyatlardan samarali foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, bugungi globallushv davrida O'zbekistonning jahondagi rivojlanish sur'atlari eng yuqori bo'lgan davlatlar qatoridan o'rin olishida ichki va tashqi investitsiyalarni milliy iqtisodiyotga jalb etish eng dolzarb masalalardan hisoblanadi. Xususan, mamlakatimizning 2030 yilga borib jahondagi eng rivojlangan 50 ta davlatlar qatoriga kirishini ta'minlash strategiyasini amalga oshirishda investitsion omillardan keng va samarali fodalanish muhim vazifalardan hisoblanadi.

Bo' o'rinda milliy iqtisodiyotga jalb etilayotgan investitsiyalarning hajmini oshirishga alohida e'tibor qaratilayotganligini quyidagi rasm ma'lumotlari tasdiqlab turibdi.




**Manba:** www.stat.uz rasmiy ma'lumotlari asosida tuzildi.

**1-rasm. O'zbekiston iqtisodiyotiga jalb etilgan investitsiyalar dinamikasi**

Agar tahlil etilayotgan davrda milliy iqtisodiyotga jalb etilgan investitsiyalar dinamikasiga nazar tashlasak, unda 2011-2017 yillar davomida milliy iqtisodiyotga jalb etilgan investitsiyalar hajmi o'sib borish tendentsiyasiga ega bo'lganligi va milliy valyuta hisobida 2017 yildagi miqdor 2011 yildagiga nisbatan 3,32 martaga ko'payganligini ko'rish mumkin. Mazkur investitsiyalarning qat'iy valyutadagi qiymatiga nazar tashlasak, u holda 2016 yilgacha o'sib borish holati kuzatilib, 2017 yilda o'tgan yilga nisbatan pasayish yuz berib, bir qator ob'ektiv omillar ta'siri natijasida 71,4% hajmiga teng bo'lganligini ko'rish mumkin.

Shunday bo'lsada, jalb etilgan investitsiyalarda uzluksiz o'sish sur'atlari saqlanib qolgan. Bu o'sish sur'ati YaIMning o'sish sur'atlaridan yuqori bo'lib kelganligi bilan xarakterlidir. Buni quyidagi rasm ma'lumotlari ham tasdiqlab turibdi.




**Manba:** www.stat.uz rasmiy ma'lumotlari asosida tuzildi.

**2-rasm. O'zbekiston iqtisodiyotiga jalb etilgan investitsiyalarning o'sish sur'atlari**

YaIM o'sish sur'atlariga nisbatan investitsiyalarning o'sish sur'atlarining yuqoriligi saqlanib qolishi ularning iqtisodiyotning barqaror o'sishini rag'batlantiruvchi kuch sifatida muhim o'rin tutishini ta'minlaydi. Demak, milliy iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilish hajmi qanchalik o'sib borsa, uning barqarorligi va raqobatbardoshligini mustahkamlash shunchalik kuchayib, ta'minlanib boradi. Bunda investitsiyalarning hududlar va tarmoqlar miqyosida ham faol, samarali jalb etilishini ta'minlash, shu asosda ularning rivoji, raqobatbardoshligi, modernizatsiyasi, eksport salohiyatini oshirishga erishish oldimizda turgan dolzarb vazifalardan hisoblanadi. Buning uchun iqtisodiyotning ustuvor soha va tarmoqlariga xorijiy investitsiyalar va kreditlarni keng jalb etishga ham jiddiy e'tibor qaratish maqsadga muvofiqdir. Quyidagi jadvalda esa iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha asosiy kapitalga xorijiy investitsiya v kreditlarni jalb etish holati keltirilgan.

**1-jadval.**

**Alohida iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha asosiy kapitalga xorijiy investitsiya v kreditlar hajmi**

| Ko'rsatkichlar | 2015 y. | | 2016 y. | | 2017 y. | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | mlrd. so'm | jamiga nisbatan foizda | mlrd. so'm | jamiga nisbatan foizda | mlrd. so'm | jamiga nisbatan foizda |
| **Jami** | **8309,5** | **100** | **10611,4** | **100** | **16309** | **100** |
| qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi | 64,8 | 0,8 | 171,8 | 1,6 | 260,9 | 1,6 |
| tog'-kon sanoati | 4350,9 | 52,4 | 3296,6 | 31,1 | 9296,1 | 57 |
| ishlab chiqarish sanoati | 469,6 | 5,8 | 2905,4 | 27,4 | 2120,2 | 13 |
| elektr energiyasi, gaz, bug' va konditsiyalangan havo | 1119,1 | 13,5 | 1306,3 | 12,3 | 326,2 | 2 |
| suv bilan ta'minlash, kanalizatsiya, chiqindilarni yig'ish va qayta ishlash | 144,1 | 1,7 | 318,8 | 3,0 | 326,2 | 2 |
| tashish va saqlash | 1088,0 | 13,1 | 1390,9 | 13,1 | 1467,8 | 9 |
| axborot va aloqa | 620,7 | 7,5 | 761,3 | 7,2 | 1630,9 | 10 |
| sog'liqni saqlash va ijtimoiy hizmatlar ko'rsatish | 62,9 | 0,8 | 182,9 | 1,7 | 489,3 | 3 |
| boshqa faoliyat turlari | 389,4 | 4,4 | 277,4 | 2,6 | 391,4 | 2,4 |

**Manba:** www.stat.uz rasmiy ma'lumotlari asosida tuzildi.

Jadval ma'lumotlariga ko'ra, 2017 yilda nisbatan katta hajmdagi xorijiy investitsiya va kreditlar quyidagi iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha o'zlashtirildi: tog'-kon sanoati (jami xorijiy investitsiya va kreditlardagi ulushi 57 foizni tashkil etigan), keyingi o'rinni ishalb chiqarish sanoati – 13 foiz, axborot va aolqa – 10 foizni tashkil etigan. Agarda tahlil etilayotgan davrdagi jalb etilgan asosiy kapitalga xorijiy investitsiya va kreditlar hajmi taqqoslansa, u holda 2017 yilda 2015 yilga nisbatan qariyb 2 martaga ko'p o'sishga erishganligini, bunda tog'-kon sanoatida undan ham yuqori o'sish yuz berganligini kuzatish mumkin. Biroq, elektr energiyasi, gaz, bug' va konditsiyalangan havo sohasida aksincha holat yuz berib, 3 barobardan ziyodga kamayish kuzatilgan. Shuningdek, eng katta o'sish sog'liqni saqlash va ijtimoiy hizmatlar ko'rsatish sohadada amalga oshgan. Ya'ni bu sohada 2015 yilga nisbatan 2017 yilga kelib jalb etilgan xorijiy investitsiya va kreditlar hajmi 7,8 martaga oshgan.

Buni yana shu bilan izohlash mumkinki, iqtisodiyotimiz tarmoqlariga xorijiy investitsiyalarni jalb etishda 2016 yilda 11,3 foizga o'sishga erishilgan bo'lsa, 2017 yil yakuniga kelib uning 28,3 foizga chiqishiga erishildi. Bunga mamlakatimizda 2017-2021 yillarga mo'ljallangan Harakatlar strategiyasining samarali ijrosi ta'minlanayotganligi, jumladan, tadbirkorlik faoliyati uchun keng imkoniyatlar yaratilayotganligi, 17 ta erkin iqtisodiy hududlarning tashkil etilganligi, erkin valyuta konvertatsiyasining joriy etilganligi kabilar muhim omil sifatida o'z ta'sirini ko'rsatmoqda.

Milliy iqtisodiyot barqarorligini oshirishda investitsiyalardan samarali foydalanishda xorijiy investitsiyalar va kreditlarni jalb etishga e'tiborning so'nggi yillarda yanada ortishi va mamlakatda qulay biznes yuritish muhitining shakllanib borayotganligi xalqaro moliyaviy tashkilotlar tomonidan ijobiy e'tiroflarga sabab bo'lmoqda. Xususan, Jahon banki va Xalqaro moliya korporatsiyasining (XMK)

"Biznesni yuritish 2018" yangi reytingida O'zbekiston 74-o'rinni egalladi va o'tgan yilga nisbatan o'z reytingini 13 pozitsiyaga yaxshiladi. Qolaversa, mamlakat biznes yuritish uchun eng qulay sharoitlar yaratish bo'yicha islohotchi davlatlarning birinchi o'ntaligiga kirishga muvaffaq bo'ldi.

Bunga mamlakatimizdagi ishlab chiqarish korxonalarini modernizatsiya qilish va yangilash, zamonaviy innovatsiyalarga asoslangan va yuksak samarali texnologiyalarni joriy etish va unga ichki va tashqi investitsiyalarni keng jalb etishni yanada faollashtirishga qaratilgan davlat investitsiya siyosatini amalga oshirish bilan erishilganligini va bugungi kunda uni takomillashtirishga qaratilgan muhim chora-tadbirlarning amalga oshirilayotganligini asos qilib keltirish mumkin.

Innovatsion rivojlanishga erishish rivojlangan davlatlarda jiddiy ahamiyat kasb etadi. Xususan, "Amerika bozorida raqobat natijasida tovar bozoriga investitsiyalar importi (jalb etilishi)ning salbiy ta'sirini pul oqimlarining pasayishi bilan izohlamoqda. Shu sababli Amerika bozorlarida ham investitsiyalar oqimiga tashqi raqobatning salbiy ta'sirini yumshatish maqsadida mahalliy korxonalarning innovatsion imkonriyatlarini ilgariga surishga jiddiy e'tibor qaratilmoqda"[151].

Jalb etilayotgan xorijiy investitsiyalar tarkibida to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar hajmining yuqoriligi yangi tashkil etilayotgan qo'shma korxonalar sonining ham ortib borishiga olib kelmoqda (2-jadval).

**2-jadval**

**O'zbekistonda xorijiy investitsiyalar ishtirokida tashkil etilgan qo'shma korxonalar soni, dona**

| Hududlar | 2012 y. | 2013 y. | 2015 y. | 2016 y. | 2017 y. | 2017 yilda jamiga nisbatan ulushi, %da |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Jami** | **486** | **472** | **494** | **503** | **863** | **100** |
| Toshkent shahri | 347 | 326 | 330 | 351 | 535 | 62 |
| Toshkent viloyati | 65 | 38 | 44 | 48 | 88 | 10,2 |
| Samarqand viloyati | 19 | 27 | 23 | 19 | 56 | 6,5 |
| Farg'ona viloyati | 10 | 16 | 21 | 14 | 45 | 5,2 |
| Namangan viloyati | 8 | 12 | 8 | 4 | 17 | 2 |
| Sirdaryo viloyati | 7 | 11 | 7 | 9 | 15 | 1,7 |
| Jizzax viloyati | 7 | 8 | 7 | 3 | 13 | 1,5 |
| Buxoro viloyati | 4 | 6 | 7 | 9 | 18 | 2,1 |
| Qashqadaryo viloyati | 4 | 6 | 3 | 3 | 6 | 0,7 |
| Navoiy viloyati | 4 | 6 | 3 | 3 | 3 | 0,4 |
| Qoraqalpog'iston Respublikasi | 3 | 5 | 8 | 10 | 14 | 1,6 |
| Surxondaryo viloyati | 3 | 4 | 11 | 7 | 9 | 1 |
| Xorazm viloyati | 3 | 4 | 2 | 5 | 10 | 1,2 |
| Andijon viloyati | 2 | 3 | 20 | 18 | 34 | 3,9 |

**Manba:** www.stat.uz rasmiy ma'lumotlari asosida tuzildi.

[151] //https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0261560618302110.

2-jadval ma’lumotlariga ko’ra, 2017 yilda tashkil etilgan xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar soni eng ko’p miqdorni – 863 tani tashkil etgan. Uning 62 foizi esa Toshkent shahriga to’g’ri kelgan. Bunda eng kichik ulush Surxondaryo viloyatiga (9 ta) to’g’ri kelib, jamiga nisbatan 1%ni tashkil etgan. Bu kabi kichik ko’rsatkich 2012 yilda Andijon viloyatida kuzatilgan. Bu esa hududlarga xorijiy investitsiyalarni jalb etishni yanada oshirish zarurligini keltirib chiqaradi.

O’z navbatida, milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi va raqobatbardoshligini ta’minlashda investitsiyalarning ishtirokini yanada oshirish maqsadida quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

– jahon bozorida teng raqobatlasha oladigan va keyingi bosqichda iqtisodiy o’sishning, iqtisodiyotni yanada modernizatsiya va diversifikatsiya qilishning lokomotiviga aylanishi mumkin bo’lgan tarmoq va korxonalarni jadal rivojlantirish hamda aniq yo’naltirilgan holda qo’llab-quvvatlashni ta’minlash zarur;

– xususiy mulk va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish maqsadida bu sohaga to’liq erkinlik berish, bu yo’lda g’ov bo’lib turgan barcha to’siq va cheklovlarni bartaraf etish;

– iqtisodiyotimizda davlatning ishtiroki qay darajada ekanini tanqidiy baholash, uni strategik hamda iqtisodiy asoslangan darajaga qadar qisqartirish zarur;

– korporativ boshqaruv tizimidagi tamoyil va yondashuvlarni tubdan o’zgartirish, ishlab chiqarish, tashqi iqtisodiy va investitsiya jarayonlariga zamonaviy xalqaro korporativ menejment standartlarini joriy etish;

– ishlab chiqarishni mahalliylashtirishni chuqurlashtirish va tarmoqlararo sanoat kooperatsiyasini kengaytirishni iqtisodiy o’sish va iqtisodiyotni tarkibiy jihatdan o’zgartirishning eng muhim manbai va omili sifatida rivojlantirish;

– iqtisodiyotning istiqbolli bo’lgan tarmoqlari, jumladan, yoqilg’i-energetika, neft-gaz, ta’lim, qishloq xo’jaligi, qurilish, axborot texnologiyalari, farmatsevtika, engil sanoat, turizm kabi tarmoqlariga investitsiyalarni jalb etishni yanada faollashtirishga erishish.

Амонов Ш.
ТДИУ магистри

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ҳамда янада эркинлаштириш шароитида миллий валютанинг халқаро мавқеини белгилаш, мамлакатнинг жорий ва келажакдаги иқтисодий муносабатлари тизимининг ривожлантиришда самарали фаолият юритувчи валюта бозори муҳим аҳамият эгадир. Зеро, валюта бозорининг тараққий этиши мамлакат ташқи савдосининг барқарор суръатларда ривожланиши, хорижий инвестициялар, капиталлар ва кредитларнинг халқаро ҳаракатини таъминловчи асосий дастаклардан биридир.

Шу ўринда, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари жуда ўринлидир: “Миллий валютамизни эркин конвертация қилишга киришдик. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Чет эл

валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди[152]”.

Республикамизда, валюта сиёсатини либераллаштириш борасидаги дастлабки қадам сифатида республика экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳаллий экспортқилувчи корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиштўғрисида»ги 449-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра биржадан ташқари валюта бозоридаги валюта олди-сотди операциялари тижорат банкларитомонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида бозор курси бўйича амалга оширилиши тартиби жорий қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйичақўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3157-сонли Қарорига биноан 2017 йил 1 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 25 фоизини мажбурий сотиш талаби бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрьдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши билан эса мамлакатимизда валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича ислоҳотларнинг фаол босқичига ўтилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, 2017 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб миллий валютанинг алмашув курсини фақатгина бозор механизмлари асосида, яъни валюта бозорида чет эл валюталарига бўлган талаб ва таклифга асосан белгилаш тартиби жорий қилинди.

Шунингдек, юқоридаги Фармон билан тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун қуйидаги қулайликлар яратилди:

• юридик шахсларга товарлар импорти, даромад репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа носавдо ўтказмалар (жорий халқаро операциялар) учун тижорат банкларида чет элвалютасини чекловсиз сотиб олиш имкони яратилди;

• резидент-жисмоний шахсларга чет эл валютасини тижорат банкларининг конверсион бўлимлари орқали сотиб олиш ва уларни чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиш имкони яратилди;

• мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортёрларнинг чет элвалютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди;

• якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда сотиб олишга ҳамда банк ҳисобварағи орқали товарлар ва хизматлар импорти учун тўлашга рухсат берилди;

---

[152]www.Norma.uz.ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентиШавкатМирзиёевнингОлийМажлисгаМурожаатномаси/ 22/12/2017й

• чет эл валютасида даромад олувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликларига ўз банк ҳисобварақларидаги чет элвалюталарини накд кўринишида олиш ҳуқуқи берилди;

• юридик шахсларга дивидендларини чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, юридик ва жисмоний шахслар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган бир қатор қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилди ҳамда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирилди.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан мижозлар учун:

• чет элга пул жўнатмаларини амалга оширишда жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, уларнинг банк карталаридаги сўм маблағларини чет элвалютасига автоматик тарзда конвертация қилиш;

• халқаро пул ўтказмалари орқали жисмоний шахсларга келиб тушаётган чет эл валютасидаги пул маблағларини уларнинг хоҳишига кўра миллий валютада бериш;

• конверсион карталар орқали меҳмонхона, авиачипта ҳамда онлайн-магазинлардаги харидлар ва бошқа мақсадларда интернет-тўловларни амалга ошириш каби янги қулай хизмат турлари жорий этилди.

Шу билан бирга, Фармонда Марказий банкка 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича мазкур Фармонда белгиланган нормалар таъсирининг таҳлилидан келиб чиқиб ҳамда валюта сиёсатининг иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан, бизнес ва инвестициявий муҳитни яхшилашгахизмат қилишини таъминлаш мақсадида «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топшириғи берилди ва ҳозирда бу борада тегишли ишлар амалга оширилаётганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг бошланғич даврида валюта бозори ва айирбошлаш курси барқарорлигини таъминлашҳамда ички валюта бозорида спекулятив операцияларни олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрда «Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини тартибга солишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3333-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор ижроси юзасидан Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритилди ҳамда «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилингунга қадар:

• 10 000 АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган суммада чет элдаинвестиция фаолиятини амалга ошириш (резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларидан чет элдаги корхоналарнинг устав капиталини ёки улушли иштирокини шакллантириш, чет элдаги ўзфилиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш);

• резидентлар томонидан кредитлар ва пул, товарлар (хизматлар) кўринишида қарз ажратиш ҳамда норезидентларга лизинг объектларини бериш;

•	резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларидан маблағларни чет элдаги ҳисобварақларга (омонатларга) жойлаштириш ҳамда кўчмас мулк сотиб олиш учун кўчириш бўйича валюта операцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ёки Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасига асосан амалга оширилишини назарда тутувчи вақтинчалик тартиб белгиланди.

Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича ислоҳотлар доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун хорижий валюталарни ҳеч қандай чекловларсиз сотиш ва сотиб олиш механизмининг жорий этилиши натижасида Республика валюта биржасида амалга оширилган валюта савдолари ҳажмининг кескин ошиши кузатилди.

Хусусан, 2017 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида Республика валюта биржасида чет эл валютасини сотиб олиш бўйича амалга оширилган операциялар ўртача ойлик миқдори 2017 йилнинг январь-июнь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 60 фоизга, яъни 461,5 млн. АҚШ долларидан 740,8 млн. АҚШ долларигача ошган. (1-расм)




1-расм. 2017 йилда юридик шахслар томонидан ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операциялари ҳажми тўғрисида
МАЪЛУМОТ, (млн. АҚШ доллари[153])

Юқоридаги тахлил маълумотларига асосланиб, ҳукуматимиз томонидан жорий валюта бозорини ривожлантириш ва янада эркинлаштириш, шунингдек, биржадан ташқари банклараро валюта бозорини такомиллаштириш, сўм алмашув курсларини унификациялашга доир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганини, ҳамда  турли валютавий чекловлар амалиёти бекор қилинаётганлиги, натижасида республикамизда валюта сиёсати миллий валюта алмашув курси кескин тебранишлари олдини олишга, инфляцион жараёнларни жиловлашга ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиб, жорий валюта операцияларини ривожлантириш учун муҳим замин яратмоқда.

Умуман олганда, валюта бозоридаги ижобий ўзгаришлар валюта

[153]Ўзебекистон Республикаси Марказий Банкининг 2017 йил натижалари бўйича ҳисоботи маълумоти.

сиёсатининг эркинлаштирилганлиги ва бунинг натижасида аҳолининг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончининг ортиши, шунингдек, уларнинг норасмий сектордан банк секторига ўтишлари билан баҳоланиб, бу жараён тобора жадаллашиб бормоқда.

Алимов И.И. ТДИУ доценти, и.ф.н.
Нарзуллаева Д.Б. ТДИУ магистранти

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ИПОТЕКА КРЕДИТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда аҳолининг уй-жойга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, республикамизда ўтган йиллар давомида бу борада бир қанча, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари қабул қилинди. Мазкур меъёрий ҳужжатлар мамлакатимизнинг миллий банк тизимида ипотека кредитлари соҳасида ўзига хос ривожланиш босқичларини ташкил этади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, кеинги йилларда республикамизда ахолини уй-жой билан таъминлаш соҳасида эришилган ижобий натижаларга қарамай, бу соҳада ўз ечимини кутган муаммолар борлиги аниқланди. Мамлакат аҳолиси, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга мухтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш масаласини ҳал этиш муаммоси мавжудлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли фармони эса, бу соҳани моҳиятан янги босқичга олиб ўтди. Мазкур фармонда ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сонли қарорига асосан қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида “Ғаллабанк" акциядорлик-тижорат банки негизида "Қишлок қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

Бунинг натижасида республикамиз қишлоқ худудларида истиқомат қилувчи фуқаролари хам ипотека кредитидан фойдаланиш хуқуқига эга бўлдилар.

Мамлакатимизда, авваламбор ёш оилаларга муносиб уй-жой ва ижтимоий – маиший шарт шароитларни яратиб бериш, рўзғорни бутлаш учун маблағ ва кредитлар билан таъминлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом болаларни тарбиялаб вояга етказиш йўлида зарур имкониятларни яратиб беришга харакат қилишмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ипотека кредитининг аҳамияти каттадир. Шунинг учун, республикамизда ипотека кредидитлар бозорини ривожлантириш билан бирга аҳоли турмуш даражасини сақлаб туриш мақсадида ушбу йўналишда бир қатор солиқ имтиёзлари тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасида 2009 йилда бошланган, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган якка тартибдаги турар жой массивларини комплекс қуриш ишларига катта эътибор берилмоқда. 2017 йил давомида республикамизда 14,6 мингта якка тартибдаги уй-жой қурилганлиги сўзимизнинг исботидир. Агарда, хозир дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларидан банк тизимида ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича қайтарилган кредитлар ҳажмининг ўсиши оқибатида банкротликнинг давом этаётганлигини ҳисобга олсак, мамлакатимизда ипотекали кредитлар бозорида барқарорлик сақланиб турибди деб ҳисоблашга асосимиз бор деб ҳисоблаймиз.

Республикамиз миқёсида бугунги кунда банклар томонидан 3 хил кўринишдаги ипотека кредитлари аҳоли ихтиёрига таклиф этилаётганини кузатишимиз мумкин, яъни, булар:

- хар қандай оддий оила учун мўлжалланган умумий тартибдаги нисбатан юқорироқ фоиздаги ипотека кредитлари;
- ёш оилалар учун мўлжалланган имтиёзли ипотека кредитлари;
- намунавий лойихалар асосида уй-жой қурилиши учун имтиёзли ипотека кредити.

Ҳозирда мамлакатимиз банк тизимида фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги 27 та тижорат банкидан 20 та тижорат банки томонидан 53 турдаги ипотека кредити жорий қилинган бўлиб, улар 3 йилдан 20 йилгача бўлган муддатга берилади. 2018 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, декабр ойида 7 та янги турдаги ипотека кредитлари жорий этилди ва 4 турдаги ипотека кредитларининг шартлари ўзгартирилиб, қўшимчалар киритилиши натижасида қўшимча 4 та ипотека кредити юзага келди[154]. Шунинг учун ҳам уларни алоҳида ипотека кредит турлари деб қараш мумкин. Янгидан муомалага қўйилган 7 турдаги ипотека кредитларининг барчаси ёш оилалар учун мўлжалланган. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан ёш оилалар учун мўлжалланган ипотека кредитлари одатда 10 йилгача ёки 20 йилгача бўлган муддатга ажратилади. Деярли барча тижорат банкларида йиллик фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенгдир.

[154] www.cbu.uz маълумотлари

Республикамизда ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш бўйича АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини, уй-жой қурилиш массивларини зарурий муҳандислик коммуникациялари билан таъминлаган ҳолда молиялаштирилиш давом эттирилиб келмоқда.

Шунингдек, бошқа тижорат банклари фаолиятида АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»да қўлланадиган уй-жой қурилиш-жамғарма омонатлари моделини тадбиқ этган ҳолда қурилиш ва қайта қуриш, айниқса қишлоқ жойларда кредитлаш фаолияти янада кенгайтирилмоқда. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўзбекистон Республикасида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан унинг ўз маблағлари ва Осиё тараққиёт банкининг заём маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун кредитлар қишлоқ аҳолисига имтиёзли шартларда берилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ипотека кредитлари ставкасидан қарийиб икки баробар паст бўлиб, моҳият эътибори билан қишлоқда яшаётган оилаларга катта имтиёз ва имконият яратиб беришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2639-сонли Қарорига асосан 2017 йилда республикамиз ҳудудларидаги қишлоқ жойларида 15 мингта янги намунадаги уйларнинг қурилиши амалга оширилди. Ўз навбатида, ушбу мақсадларда жами 2,1 тлрн. сўм, шу жумладан, 1,6 трлн. сўмдан зиёд миқдордаги кредит маблағларининг йўналтирилиши белгиланган бўлиб, мазкур кредит ресурсларининг уй-жойларни қуриш ва таъмирланишини амалга оширувчи буюртмачи ташкилотларга кредит линиялари очиш ҳамда аҳолига ушбу хонадонларни харид қилиш учун ипотека кредити сифатида ажратишга йўналтирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2660-сонли Қарорига мувофиқ, 2018 йилда республикамиз шаҳарларида 9,1 минг хонадонга мўлжалланган 200 тадан ортиқ кўп қаватли уйларнинг қурилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу мақсадларга тижорат банклари орқали 673 млрд. сўм миқдоридаги молиявий ресурсларнинг йўналтирилиши мўлжалланмоқда. Мазкур вазифаларни бажариш учун ҳозирги даврда мамлакатимиз тижорат банкларининг ипотека кредити фаолиятига маъсул бўлган ташкилий тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, уларнинг ишларини ташкиллаштиришни ва самарасини яхшилаш, кадрлар потенциалини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли фармонидаги республикамизда арзон

уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, мамлакат аҳолиси, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш, аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш бўйича жуда кенг аниқ ўйланган ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур вазифаларни бажаришда фикримизча, тижорат банклари томонидан ипотека кредити билан боғлиқ фаолиятини янада кенгайтириш лозим. Бу эса, мамлакатимиз фуқаролари учун уларнинг турмуш даражасини янада юксалишини таъминлайди деб ҳисоблаймиз.

Атаниязова М.Б. ТДИУ
“Банк иши” кафедраси ассистенти

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Дунёда 2008 йилдан бошланиб, ҳозирги кунда тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози нафақат дунёнинг тараққий топган мамлакатлари, балки ривожланаётган, айниқса, бозор муносабатлари қарор топаётган мамлакатларга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади. Айни вақтда, амалга оширалаётган жараёнлар жаҳон молия – банк тизимида ҳам жиддий нуқсонлар мавжудлигини ва уни тубдан ислоҳ қилишни зурурлигини кўрсатиб берди. Дунёнинг ҳар бир мамлакатида юзага чиққан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этишда турли чора-тадбирлардан кенг фойдаланмоқдалар. Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятининг ва жаҳон молиявий-иқтисодий бозорининг ажралмас қисми ҳисобланар экан, жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз мамлакат иқтисодиётида ўз таъсириникўрматди. Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикасида ҳам чуқур ўйланган дастур асосида кенг чора-тадбирлар амалга оширилиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларига қарши кураш йўлида миллий банк-молия тузилмаларига қўшимча ёрдам бериш ва банкларнинг фаоллигини кучайтириш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишга солиш кўзда тутилган. Чунки, банк тизими, хусусан тижорат банклари, ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг молиявий тизимини ташкил этувчи муҳим элементлардан бири ҳисобланади. Ушбу тизим иқтисодиётнинг ўсишини

таъминлаётган асосий молиявий маблағлар манбаи ҳисобланади. Тижорат банклари молиявий маблағларни сотувчилар ва ҳаридорлар ўртасида, солиқ тўловчилар билан давлат бюджети ўртасидаги муносабатларни , хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни тўхтовсиз ҳамда доимий равишда амалга оширилишини бажарувчи воситачи бўлиб иштирок этадилар. Ушбу вазифалардан ташқари тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларнинг вақтинча пул маблағларига бўлган эҳтиёжни кредит бериш орқали қондирадилар. Шунинг учун юқори даражада ташкил этилган ва самарали фаолият кўрсатувчи банк тизимисиз миллий иқтисодиётни барқарор фаолият кўрсатиши чекланган ҳисобланади. Бу омил эса тижорат банкларини иқтисодиётдаги аҳамиятини янада оширади. Тижорат банкларининг ликвидлиги деганда уларнинг активларини ўз мажбуриятларини муддатида ҳамда тўлиқ бажарилиш қобилиятини англатади. «Ликвидлик» атамасининг келиб чиқиши лотинча «liquidus» сўзидан олинган бўлиб, у моҳиятига асосан «оқувчан», «суюқлик» маъносини англатади ва ликвидлик у ёки бу объектнинг харакати, жойини ўзгартиришдан енгиллигини таснифлайди. Россияда «ликвидитет» атамаси немис тилидан XX асрнинг бошларида олинган бўлиб, у ўз моҳиятига асосан фақатгина банк аспектида фойдаланилган. Ликвидлик тушунчаси активларнинг тез ва енгил мобилизация қилишлик имкониятини англатган.

Банк фаолиятини ривожланиб бориши, ундаги юз берган инқирозлар банк ликвидлиги атамасининг моҳиятини кенгайтириб борган. Чунки тижорат банкларининг балансининг актив қисмида пуллар, қимматбаҳо тошлардан ташқари қимматли қоғозларнинг (акциялар, вексель, чек, облигация) пайдо бўлиши ва банк хизматлари бозорининг кенгайиши банк ликвидлигига ўз таъсирини кўрсатади. Тижорат банкларини ликвидлигини таъминлашда уларнинг капиталлашув даражаси катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда бутун дунёга тарқалиб кетган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг асосий сабабларидан бири, бу тижорат банкларининг барқарорлиги, яъни уларнинг ўз мажбуриятлари бўйича тўловга қобилиятининг заифлиги билан бевосита боғлиқ. Айни ушбу омил дунёдаги кўплаб йирик ва нуфузли тижорат банкларининг “синиши”га олиб келди. Ҳеч кимга сир эмаски, бугун кенг кўламда тарқалиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг асосий сабабларидан бири – бу банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилиятининг заифлиги билан боғлиқ муаммонинг кескинлашуви, кредит бозоридаги танглик, содда қилиб айтганда, пул маблағларининг етишмаслиги билан изоҳланади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг давлат томонидан молиявий қўллаб - қувватлаш бўйича жуда кенг кўламда иш олиб бориши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш республикамизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юз беришидан олдин бошланди ва бу тижорат банкларининг ўртасида ўзаро мустахкам ишончининг сақланиб қолишини ва ликвидлик муаммоларини юз бермаслигини таъминлади.

Мамлакатимизда миллий банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислоҳотлар 2016 йилда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қароридаги белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилади. Ушбу қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда олиб борилади.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодиётни либераллаштириш ва унинг барқарор юқори суръатларда ривожланишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишда давом этишини таъминлади.

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда устав капиталида давлат улуши бўлган тижорат банкларининг 2018 йил 1 январь ҳолатига устав капитали тўғрисида МАЪЛУМОТ**[155]

| т/р | **Банкларнинг номланиши** | **Капитал хажми (млрд.сўмда)** | **Тармоқдаги улуши %** |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўз.Р.ТИФ Миллий банки | 4806.8 | 23.25 |
| 2 | “Асака” АТБ | 3083.2 | 14.91 |
| 3 | “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ | 2241.3 | 10.84 |
| 4 | “Агробанк” АТБ | 1373.9 | 6.65 |
| 5 | АТ Халқ банки | 1351.4 | 6.54 |
| 6 | “Ипотека банк” АТИБ | 1257.8 | 6.08 |
| 7 | “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ | 1168.4 | 5.65 |
| 8 | “Микрокредитбанк” АТБ | 545.8 | 2.64 |
| 9 | АТ “Алоқабанк” | 398.4 | 1.93 |
| 10 | “Туронбанк” АТБ | 368.9 | 1.78 |
| 11 | “Ўзагроэкспортбанк” | 75.8 | 0.37 |
| | **Жами кредит портфели** | **16672.0** | **80.65** |

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, Ўзбекистонда устав капиталида давлат улуши бўлган тижорат банкларининг жами устав капитали 2018 йил 1 январ холатига 16672.0 млрд сўмни ёки республикадаги барча тижорат банкларининг жами капитал таркибида 80.63 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган устав капиталида давлат улуши бўлган тижорат банкларидан Ўзбекистон Республикаси ТИФ

[155] www.cbu.uz маълумотлари асосида тайёрланди

Миллий банкини устав капитали 4806.8 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 23.25 фоизни ташкил этди. АТБ "Асака" банкнинг устав капитали 3083.2 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 14.91 фоизни ташкил этди. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ устав капитали 2241.3 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 10.84 фоизни ташкил этди. "Агробанк" АТБ устав капитали 1373.9 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 6.65 фоизни ташкил этди. АТ Халқ банки устав капитали 1351.4 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 6.54 фоизни ташкил этди. "Ипотека банк" АТИБ устав капитали 1257.8 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 6.08 фоизни ташкил этди. "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ устав капитали 1168.4 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 5.65 фоизни ташкил этди. "Микрокредитбанк" АТБ устав капитали 545.8 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 2.64 фоизни ташкил этди. АТ "Алоқабанк" устав капитали 398.4 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 1.93 фоизни ташкил этди. "Туронбанк" АТБ устав капитали 368.9 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 1.78 фоизни ташкил этди. "Ўзагроэкспортбанк" устав капитали 73.8 млрд сўмни ёки тармоқдаги улуши 0.37 фоизни ташкил этди.

**2-жадвал**

**Ўзбекистонда тижорат банкларининг жами капиталининг таркиби ва динамикаси[156]**

| Кўрсаткичлар | Давлат улушига эга тижорат банклари | | | Капиталида давлат улуши бўлмаган тижорат банклари | | | Жами | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2016 йил | 2017 йил | фоизда | 2016 йил | 2017 йил | фоизда | 2016 йил | 2017 йил | фоизда |
| Жами капитал | 6573 | 16672 | 253.6 | 2408 | 4005 | 166.3 | 8981 | 20676 | 239.2 |
| Шу жумладан Устав капитали | 4616 | 14195 | 307.5 | 1189 | 2111 | 177.5 | 5805 | 16307 | 280.9 |
| Захира капитали | 12 | 14 | 116.7 | 29 | 54 | 186.2 | 41 | 68 | 163.9 |
| Тақсимланмаган фойда | 1062 | 1269 | 119.5 | 406 | 524 | 129.1 | 1468 | 1793 | 122.1 |

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлили шундан далолат берадики, республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банкларининг жами капитали 2018 йил 1 январь холатига 20676 млрд сўмни ташкил этди. Жами капитал таркибида устав капитали 16376 млрд сўмни ёки 78.9 фоизни, захира капитали 68 млрд сўмни ёки 0.3 фоизни ва тақсимланмаган фойда 1793 млрд сўмни ёки 8.7 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда валюта сиёсатини либераллаштириш шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётни кредитга бўлган ўсиб бораётган эхтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ 2017 йилда давлат улушига эга бнклар капиталига Ҳукумат томонидан 670 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилди.

[156] www.cbu.uz маълумотлари асосида тайёрланди

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида инқирозга қарши чоралар дастурида миллий банк тизимини янада мустахкамлашда давлат бюджети сиёсатини олиб боришда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада оширишни давом эттириш билан бирга республикамиздаги турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб этишини кўпайтириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши борасидаги чора тадбирлар тижорат банкларининг ликвидлик муаммосини юз бермаслигини таъминламоқда.

А.А.Темиров, доц. кафедры
"Банковское дело" ТГЭУ,
Н.А.Олимжонова, студент ТГЭУ

## УПРАВЛЕНИЕ КРЕДИТНЫМ РИСКОМ КРЕДИТНОГО ПОРТФЕЛЯ

В современных условиях развития экономики возрастает потребность в сфере управления качеством кредитного портфеля, в поиске новых методических подходов и инструментальных средств содержания работы с заемщиками. Для этого необходимо в полной мере изучить специфику условий, в которых функционирует и осуществляет кредитную деятельность современный банк, а также проанализировать сущность и содержание базовых понятий кредитный портфель банка, качество кредитного портфеля банка и качество кредита и других.

Кредитный портфель - это совокупность остатков задолженности по основному долгу по активным кредитным операциям на определенную дату, т.е. под портфелем кредитов можно понимать все ссуды, выданные клиентам. Среди основных видов современной банковской деятельности предоставление кредитов - главная операция, обеспечивающая доходность и стабильность существования банков. Выдавая кредиты определенным физическим или юридическим лицам, банк тем самым формирует свой кредитный портфель.

Формирование качественного кредитного портфеля является для банка достижимой целью, а управление ссудными операциями банка служит ее достижению. В системе мер управления кредитным портфелем в коммерческих банках Республики Узбекистан немаловажную роль играет «Положение о порядке классификации качества активов и формирования резервов на покрытие возможных потерь по активам, а также их использования в коммерческих банках», за № 2696 от 14 июля 2015 г.[157]

В управлении кредитным портфелем коммерческого банка большое значение имеет изменение системы управления сроками активов и пассивов и, следовательно, разницей процентных ставок и, в конечном счете, доходностью. Каждый источник ресурсов обладает своими уникальными характеристиками, изменчивостью и резервными требованиями. Подход к их управлению метод

[157] Положение о порядке классификации качества активов и формирования резервов на покрытие возможных потерь по активам, а также их использования в коммерческих банках. № 2696 14 июля 2015 г.

конверсии финансовых ресурсов, который рассматривает каждый источник средств индивидуально.

Методы управление кредитными рисками в Республике Узбекистан в основном связаны с анализом соответствующих финансовых документов, которые представляет в банк клиент для рассмотрения вопроса о выдаче кредита. Кредитный риск – это непогашение заемщиком основного долга и процентов по ним, риск процентных ставок и т.д. Избежать кредитный риск позволяет тщательный отбор заемщиков, анализ условий выдачи кредита, постоянный контроль над финансовым состоянием заемщика, его способностью (и готовностью) погасить кредит. Выполнение всех этих условий гарантирует успешное проведение важнейшей банковской операции – представление кредитов.

Решение о целесообразности выдачи кредита принимается Кредитным комитетом, как специальный орган, уполномоченной рассматривать документы и принимать решения по большинству вопросов, связанных с кредитованием, и лишь в особых случаях выносить их на рассмотрение правления. У коммерческих банков существует несколько способов анализа представляемой заемщиком информации:

-проведение полной проверки клиентов;

-проведение проверки бухгалтерской отчетности предложению банка аудиторской фирмой;

-получение «пакетной» информации от авторитетной информационно-консалтинговой организации.

Кредитный риск это всегда существующий для кредитора риск неуплаты заемщика основного долга и процентов по нему. Управление данным риска (его минимизация) осуществляется в основном следующими способами:

-диверсификации портфеля ссуд и инвестиций банка;

-предварительного анализа кредитоспособности, т.е. возможности заемщика погасить кредит;

-оценки стоимости выдаваемых кредитов и контроля над кредитами, выданными ранее.

Диверсификация кредитного портфеля, и тем самым рисков связанных с его управлением предполагает рассредоточение имеющихся у банка возможностей по кредитованию и инвестированию в ценные бумаги. Кредитный риск банка возрастает по мере увеличения общего объема кредитования и степени концентрации кредитов среди ограниченного числа заемщиков. Поэтому банки должны стремится при постоянном объеме кредитных вложений предоставлять кредиты на более мелкие суммы большему числу независимых друг от друга клиентов.

В соответствии с Положением Центрального банка Республики Узбекистан «О порядке классификации качества активов и формированию резервов на покрытие возможных потерь по активов также их использования в коммерческих банках» активы коммерческих банков в зависимости от качества классифицируются по категориям «стандартные», «субстандартные», «неудовлетворительные», «сомнительные» и «безнадежные».

По результатам классификации ссуд, банк определяет свою программу действий по обеспечению снижения кредитного риска и взыскания начисленных процентов. Общая сумма классифицированных активов и размер резервов на покрытие потерь по ссудам должны быть скорректированы банком (филиалом), если в результате проведенной проверки Центральным банком или уполномоченными аудиторами установлено, что банк неправильно классифицировал свои ссуды.

В целях поддержания стабильности и устойчивого функционирования, коммерческие банки обязаны классифицировать свои активы и создавать адекватный резерв на покрытие возможных потерь по ссудам. Классификация ссуд создают основу для расчета резервов на покрытие убытков по ссудному портфелю. Банк диверсифицирует кредитный портфель по степени риска в зависимости от финансовой характеристики заемщика на основе изучения истории обслуживании долга.

В целях диверсификации осуществляется рационирование кредита - банки устанавливают плавающие лимиты кредитования или кредитные потолки для заемщиков, сверх которых кредиты не предоставляются вне зависимости от уровня процентной ставки. При этом важное значение имеет норматив, устанавливаемый Центральным банком в отношении выдачи кредитов одному заемщику. При установлении данного норматива необходим дифференцированный подход к специализированным банкам с учетом специфики хозяйственной деятельности и их клиентов.

Коммерческие банки Республики Узбекистан должны стремиться к наращиванию своих кредитных портфелей в пределах разумных лимитов. Указанный рост должен контролироваться таким образом, чтобы избежать неприемлемой концентрации риска, например, по отраслям, по заемщику, по территории, по виду и цели и т. д.

Для достижения цели наилучшего размещения своих кредитных ресурсов в процессе формирования кредитного портфеля банк должен следовать следующим критериям:

- соблюдение обязательных требованиям Центрального банка Республики Узбекистан;
- соответствие миссии и целям коммерческого банка, включая поддержание высоких этических стандартов;
- формирование высокого уровня кредитной культуры в коммерческом банке;
- соблюдение безопасности и разумной осторожности, что означает участие только в законных и разумных по риску сделках.

Все кредитные процедуры и кредитная политика (меняющиеся со временем) должны соответствовать утвержденной концепции деятельности банка по управлению рисками.

Mamanazarov A.A
O‘zbekiston Respublikasi
Oliy va o‘rta maxsus
ta’lim vazirligi
OTRDM etakchi mutaxasisi
Akramov B.F. TDIU talabasi

# IQTISODIYOTGA XORIJIY SARMOYALARNI JALB ETISHNING NAZARIY JIHATLARI

Iqtisodiyotga xorijiy sarmoyalar jalb etish maqsadida 2017-yil 31-mart kuni O‘zbekiston Respublikasi Investitsshyalari bo‘yicha davlat qo‘mitasi tashkil etildi. Qo‘mita xorijiy investitsiyalar jalb etish bo‘yicha asosiy yo‘nalishlarni belgilash va amalga oshirish, shuningdek, xalqaro moliya institutlari va chet el investorlari bilan investitsiya sohasidagi hamkorlikni amalga oshirishda O‘zbekiston Respublikasining davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari, mahalliy davlat hokimiyati organlari, xorijiy davlatlardagi diplomatik vakolatxonalarining savdo-iqtisodiy masalalar bo‘yicha maslahatchilari, xalqaro tashkilotlardagi doimiy vakillarining faoliyatini muvofiqlashtirish bilan shug‘ullanishi farmon asosida belgilab qo‘yilgan

Investitsiya o‘zi nima? Investitsiyalar –asosiy va aylanma kapitalni qayta tiklash va ko‘paytirishga, ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirishga qilingan sarflarini pul shaklidagi ko‘rinishidir. U pul mablag‘lari, bank kreditlari, aksiya va boshqa qimmatli qog‘ozlar ko‘rinishida amalga oshiriladi. Investitsiyalar investitsiyalarni ro‘yobga chiqarish bo‘yicha amaliy harakatlar investitsion faoliyat investitsiyalarni amalga oshiruvchi shaxs investor deyiladi.

Investitsiyalar mazmun-mohiyati bo‘yicha zamonaviy qarash nuqtai-nazarlarining o‘rganilishi shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy fanlarning turli bo‘limlari va amaliy faoliyatida ular turlicha talqin etiladi. Investitsiyalar maqsadlari, sohalari, safarbar etish ob’ektlari harakat yo‘nalishlaridan kelib chiqib investitsiyalash tushunchasi o‘ziga xos ma’noda ishlatiladi. Moliya nuqtai-nazaridan faqat kapitalni yo‘qotish xavfi mavjud bo‘lgan pul shaklidagi investitsiyalar yangi aktivlarni vujudga keltiradi. Investitsiyalarning tasnifi (klassifikatsiyasiga) muvofiq va ular moliyalashtirish manbalarining ishonchliligiga qarab xavflar majmuisi o‘zgarib boradi. Investitsiyalar kapitalning barcha shakllari (ssuda, aksiyadorlik, tadbirkorlik)dan farqli o‘laroq butun xavflar majmuini xis etadi va kapital qiymatini yo‘qotishi xavfini kamaytirishni nazarda tutadi. Kapitaldan farqli o‘laroq, investitsiyalar aniq va noaniq bo‘lgan xavflar bilan ongli ravishda to‘qnashadi va bog‘lanadi. Investitsiyalarning millatlararo ko‘chib yurishi noaniq xavflar va noaniqlik darajasini oshiradi. Har bir muayyan holatda kapitalning hozirgi qiymatini jiddiy yo‘qotish xavfini kamaytirishga investitsiyalarning maqsadlari ya’ni ularning xavfsizligi, daromadliligi, kapitallashuvi va likvidligini ta’minlash orqali erishiladi.

Investitsiyalar haqida qaror qabul qilish investor loyihalari xavfliligini, manbalarning muvaqqat qiymatini, muqobil imkoniyatlarga ko‘ra, loyihalarning jozibadorligini e’tiborga oladi. Bunday qarorga u xavfning maqbul darajasida kutilayotgan daromadlilikning tahlili asosida keladi. Investitsiyalarning mohiyati bo‘yicha xulosa chiqarilsa, ular aniq va noaniq bo‘lgan xavflar kelajakdagi daromadlari

bilan bog‘liq. Investitsiyalar haqidagi loyiha tanlanar va bo‘lajak investitsiya daromadliligini hisobga ola bilishga qaratilishi zarur. Investitsiyalar qiymatini naqadar samara keltirish, yo‘nalishlarini aniqlash asosida ular manbalarni ishonchliligini tanlab olish investitsiyalash bilan bog‘liq aniq va noaniq xavflarni o‘lchash bilan bog‘liqdir. Investitsiyalarning mazmuni, aniq manbalardan mablag‘ olishga, kapital qiymatini saqlash xavfi darajasi va bo‘lajak samaraga erishishni hisobga olgan holda ularning asosiy quyilishini bildiradi. Ana shu belgilarga ko‘ra investitsiyalar boshqa quyilmalardan farq qilishi mumkin. Bular barchasining asosida kapitalning harakatlanish jarayoni yotadi. Kapitalning harakat qilish jarayonida jalb etilishi investitsiyalar mohiyatini aks ettiradi. Investitsiyalash joriy qiymatni saqlash, kelgusi jamg‘armalarni ta’minlash maqsadida kapitallashuviga qaratiladi. Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, investitsiyalar nazarda tutilgan va tutilmagan, ammo ehtimoli bor xavflar hamda ko‘zlanayotgan samaralarni baholash asosida o‘z va o‘ziga mablag‘lar qiymatining kapitallashuvi va jamg‘arilishining ta’minlash maqsadida moliyaviy va real aktivlarga bog‘lanishdan dalolat beradi.

Hozirga qadar “investitsiya” tushunchasi mohiyatini iqtisodchi olimlar turlicha talqin qilib keladilar. Ayrim iqtisodchilar uni “Tadbirkorlik faoliyatiga daromad olish maqsadida safarbar etiladigan barcha turdagi boylik” deb tushunilsa, ayrimlari esa lotincha “investitsiya” so‘zining aynan tarjimasi “solish” degan ma’nodan kelib chiqqan holda “kapital solish” degan ma’noni birday qilib ta’riflaydilar.

Xususan, Nobel mukofotining iqtisodiyot bo‘yicha laureati bo‘lgan U.F.SHarpning eng ommabop hisoblangan “investitsiya” darsligida – “investitsiyalar kelgusida (extimoli nomuayyan) qiymatli olish maqsadida hozirgi vaqtda muayyan qiymatlikdan voz kechishdir”[158]-deb ta’riflaydi. “Investitsiyalash” atamasining ma’nosi quyidagicha sharhlaydi: “kelajakda foyda olish uchun bugun puldan ajralishdir va hisoblanadiki, yo real yoki moliyaviy aktivlarga investitsiyalash mumkin”.

SHved iqtisodchi olimi Klos Eklundning fikricha, “investitsiya-bu kelajakda ko‘proq iste’mol qilish sharoitiga ega bo‘lish uchun ertangi keunga qoldirilgan narsa. Uning bir qismi hozirda ishlatmasdan zahiraga qoldiriladigan iste’mol buyumlari bo‘lib, boshqa qismi esa bu ishlab chiqarishni kengaytirishga yo‘naltirilgan resurslardir”.[159]

Bu iqtisodchi olim investitsiyalarning mohiyatini soddaroq talqin qilgan bo‘lib, u “kapital quyilmalar”ga berilgan ta’rifga ko‘ra mos tushadi.

Samara keltiradigan mulkiy va intelektual boyliklar, ya’ni investitsiyalar quyidagi shakllarda bo‘lishi mumkin:

- pul mablag‘lari, banklardagi maqsadli jamg‘armalar, paylar, aksiyalar va boshqa qimmatli qog‘ozlar;
- harakatdagi yoki harakatda bo‘lmagan mulklar (bino, inshoatlar, asbob-uskunalar);
- mualliflik huquqi, ixtirolardan foydalanish huquqlaridan (nou-xau) tashkil topgan mulkdorlik huquqlari, boshqa intelektual boyliklar;

[158] У.Шарп, Г.Александр, Дж.Бейли. Инвестиция, Пер. С. Анг.-М.: “Инфра”. 2000. 979б.
[159] Клас Эклунд. Эффективная экономика: Шведская модель. М. “Экономика” 1991, 96стр.

- er va boshqa tabiiy resurslardan foydalanish huquqlari hamda mulkchilik huquqlari;
- boshqa boyliklar

Investitsiya tushunchasiga ta'rif berilayotganda, bu atamaning barcha jihatlarini umumlashtirib quyidagicha ta'rif berish mumkin. "investitsiya" –bu foyda (daromad olish) yoki ijtimoiy samaraga erishish maqsadida, davlat, huquqiy va jismoniy shaxslar (investorlar ) tomonidan cheklangan imkoniyatlardan samarali foydalanib, cheklanmagan ehtiyojlarini qondirish uchun iqtisodiyotning turli sohalariga ma'lum muddatga sarflangan barcha turdagi boyliklar.

Har bir mamlakatdagi investitsiya muhiti birinchi navbatda uning siyosiy barqarorligidadir. Huddi ana shu omil chet el investorlarining boshqa mamlakatlarga uzoq muddatli shartnomalar asosida resurslar kiritish imkonini beradi.

Investitsiya muhitiga ta'sir etuvchi omillardan yana biri huquqiy me'yoriy hujjatlarning mavjudligidadir. Bu esa investorning investitsiya faoliyatini amalga oshirish uchun kafolat vazifasini bajaradi.

Investitsion loyiha tushunchasi uning yo'naltirilgan maqsadini amalga oshirish uchun texnologik jarayonlarni, texnik va tashkiliy hujjatlashtirish jarayonini, ob'ektlarini barpo etish va ishga tushirish jarayonini, moddiy, moliyaviy mehnat resurslarining harakatlarini shuningdek, tegishli boshqaruv qarorlari va tadbirlari o'zida mujassamlashtiruvchi tizim sifatida qaralishi mumkin.

To'liq shakllangan, yakuniga etgan investitsiya loyihasini tuzish va amalga oshirish umumiy holda quyidagi bosqichlarni o'z ichiga qamrab oladi:

-investitsiya g'oyasini shakllantirish;
-investitsion imkoniyatlarni taqdim etish;
-investitsiya loyihasini texnik-iqtisodiy asoslash;
-shartnoma hujjatlarini tayyorlash;
-loyiha (ishchi) hujjatlarini tayyorlash;
-qurilish-montaj ishlari ;
-ob'ektni ishga tushirish va investitsiya loyihasi (iqtisodiy ko'rsatkichlari) monitoringini olib borish.

Investitsiya loyihasi o'z maqsadi yo'nalishi amal qilish sohasi muddati chegarasiga ega bo'lgan alohida faoliyat turi hisoblanadi. U tashkiliy, huquqiy, ijtimoiy, ekologik, iqtisodiy, jihatidan to'liq va mukammal hisob-kitoblar yordamida asoslangan yuridik hujjat bo'lib hisoblanadi.

Investitsiya loyihasining o'ziga xos hususiyati uning amalga oshirilishi moliyalashtirishning turli shakllariga mos tushishi bilan izohlanadi. Bunday investitsiya loyihasini amalga oshirishda turli manbalardan mablag'larni jalb etish mukinligi uning qulayligining, foydaliligini, samaradorligini va afzalligini oshiradi.

Umuman olganda, investitsiya loyihasini investitsion tadbirkorlik va tashabbusning mevasi natijasi sifatida yaratilgan investitsion hujjat bo'lib, investitsiyalar bilan ta'minlangan har qanday tadbirlar majmui hisoblanadi. YA'ni u cheklangan muddat va ijtimoiy samaraga erishish maqsadida bir biri bilan bog'liq, bir biri bilan aloqadorligidagi murakkab doiradagi tadbirlar yig'indisidir.

Холматов Б.А – ФарДУ катта ўқитувчиси,
иқтисод фанлари номзоди.

# ТИЖОРАТ БАНКИ РЕСУРСЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бозор иқтисодиётига ўтилиши туфайли мамлакатда янги молиявий сиёсат ишлаб чиқилди ва ҳукумат томонидан реал ҳаётда амалга оширилмоқда. Жамиятдаги ҳар бир иқтисодий фаолиятнинг бошланиши давлатнинг яқиндан туриб берган молиявий ёрдами туфайли ривожланиб, такомиллашиб бормоқда.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисоб рақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимояси ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Банк тизимининг мустаҳкамланиши ва унга нисбатан аҳоли ишончининг ортиши натижасида омонатлар ҳажми сезиларли равишда ортиб бормоқда. Бугунги шароитда бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари бўйича дунё бозорларидаги нархларнинг беқарорлиги шароитида давлат ва хусусий секторнинг сезиларли даражадаги капитал қўйилмалари, активлари сифати ва капиталнинг ўсиш тенденцияси, тизимда ликвидлилик ҳолатининг яхшилиги, капиталнинг ички ресурслар ҳисобига ошиб бориши, иқтисодиётнинг ўсиши ҳисобига банклар даромадининг ошиб бориши, ҳукуматнинг банкларни фаол қўллаб-қувватлаши банк тизимининг ривожланиш истиқболи барқарорлиги омили бўлиб қолмоқда.

Ўрганиш объектимиз бўлган Фарғона вилояти "Ўзсаноатқурилишбанк"и ўз фаолияти давомида Марказий банк томонидан тавсия этилган ва амалиётда қўлланилаётган корпоратив бошқарувнинг шаффофлик, вазифа ва функцияларни мазкур тизим элементлари ўртасида ўзаро тенг тақсимлаш тамойилларини қўллайди. Шу билан бирга, аниқ ва кучли билим ва тайёргарликка эга бўлган жамоани шакллантириш ҳамда шунинг баробарида ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам енгиб чиқа оладиган персоналлар гуруҳини тузиш муҳим бўлиб қолмоқда.

2018 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк"да мижозлар билан ишлаш тизимини оптималлаштириш, йирик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда бизнес-технологияни такомиллаштириш мақсадида бир қатор жиддий тузилмавий ўзгаришлар юз берди. Профессионал таьлим ва квалификацияни ошириш тизими мақсадлари аниқ натижаларга эришишни тақозо қилмоқда. Шу боисдан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, рисклар даражасини тушириш, рақобатбардошликни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жорий этилган юқори стандртларга амал қилинишини таьминлашни ошириб бориш тобора долзарб бўлиб бормоқда.

2017 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг ходимлар захира таркиби билан ишлаш борасида олиб борилган ижобий ишлари ўз самарасини берди. Чунки кадрлар сиёсати асосида захира танлаш ва улар билан ишлаш борасида банк томонидан танланган тўғри йўналиш замирида раҳбарлик лавозимларига тайинланган ходимларнинг қарийб 50 фоизи банкнинг захирага олинган ходимларини ташкил этди.

Банк ривожининг асоси бўлган ходимлар билими, малакаси ва уларнинг тажрибаси ҳисобланишини назарда тутган ҳолда ҳисобот йилида ўзининг асосий йўналишларидан бири бўлган банк ходимлари малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ишларини ҳам давом эттирди. Мазкур йўналишда олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида банк тизимида фаолият юритаётган соҳа мутахассисларининг малака оширишлари учун зарур шароитлар яратилди. Ёш ходимларнинг хорижда ва республика ҳудудида малака оширишларига шароит яратиб бериш, уларнинг замонавий банк иши бўйича чет эл банклари тажрибасини ўрганишлари ва амалиётга татбиқ этишларини йўлга қўйиш мақсадида бир қатор банк мутахассисларининг чет давлатларда малакаларининг оширилишига эришилди.

**1-жадвал.**

**Тижорат банклари ходимлари қобилиятларини таснифлаш усули**[160]

| | |
|---|---|
| **А – етакчилик қобилиятлари ривожланганлик даражаси** | Юқори малакали менежмент ишлари учун талаб этилади. Қобилиятлар ривожланганлигининг мазкур даражаси фақат ўз лавозим мажбуриятларига кўра, стратегик қарорлар қабул қила оладиган раҳбарлар учун зарур. |
| **В – кучли қобилиятларнинг ривожланганлик даражаси** | Раҳбарлик қилувчи бўғин учун талаб этилади. Ушбу даража фақат ўрта бўғин раҳбарлар учун керак. У кўникмаларнинг алоҳида юқори ривожланганлик даражасини назарда тутади. |
| **С – қобилиятли бўлишнинг таянч даражаси** | Мутахассис учун зарур ва етарли даража. Таянч даража мазкур қобилият эгаси қандай хулқ-атвор ва қандай имкониятларга эга бўлиши ҳақида тасаввур беради. |
| **Д – етарли даражада ривожланмаган қобилият** | Нормал даража – қобилиятни ривожлантириш талаб этилади. Ушбу даража ходим қобилияти таркибига кирадиган кўникмаларни қисман намоён этади. У керакли кўникмаларни намоён қилишга ҳаракат қилади, интилади, уларнинг зарурлигини англаб етади, лекин доим ҳам бунинг уддасидан чиқмайди. |
| **Е – умуман ривожланмаган қобилият** | Қониқарсиз даража – ривожланиши зарур. Ушбу даражадаги ходим зарур кўникмаларга эга эмас, уларни эгаллашга ҳаракат ҳам қилмаслигидан далолат беради. Е - даража қониқарсиз ҳисобланади, чунки ходим ҳеч қандай кўникмаларни намоён қилмаслик билан бирга, уларнинг муҳимлигини тушунмайди ва уларни ривожлантиришга ҳам интилмайди. |

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан

[160] Фарғона вилояти АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” маълумотлари асосида тузилган.

шуғулланиш ҳар кимнинг мутлоқ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлолмайди.

Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик корхоналарининг ҳаёти ва иқтисодий фаолияти валюта операциялари билан боғлиқлиги маьлум. Тадбиркорлик корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишда ҳам миллий валюта, ҳам хориж валютасида операцияларни бажаришига тўғри келмоқда. Айниқса, ташқи савдо жараёнлари бевосита валюта операциялари билан боғлиқ.

Умуман, бозор иқтисодиёти жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг муомаладаги валюталарини мамлакат ички бозорида ҳаракатланиши учун ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Тадбиркорлар валюта билан боғлиқ фаолиятларидан самарали фойдаланиб, хориж валютасига янги техника ва замонавий технология харид қилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат сифатини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида сифатли товарлар ишлаб чиқариб, уни сотишдан катта фойда олиш имкониятларига эга бўладилар.

Тижорат банклари ресурслари манбаларини назарий жиҳатларини ўрганиш натижасида хулоса қилиш мумкинки, банк ресурсларини жалб этишда банкнинг депозит операциялари муҳим аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти банкларнинг депозит операциялари кўламини, айниқса, муддатли депозитлари ҳажмини кескин оширишни талаб этмоқда. Шунингдек, банкларнинг ресурсларини шакллантиришда банклараро пул ресурслари бозоридан етарли равишда фойдаланилмаяпти, улар ўртасидаги битимларнинг асосий қисми ўзаро келишувлар тарзида амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий босқичда банк ресурсларининг манбалари жуда кўп қиррали бўлиб, мамлакатда молия бозорларининг кенг кўламда ишлашининг таьминланиши улардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Қаххоров Аваз Жамолович, ДБА PhD
Умаров Дониёр Шавкатович, ТДИУ магистранти

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ

Иқтисодиёти инновацияларга асосланган мамлакатларда инновацион фаолиятнинг муваффақиятли кечиши айнан, давлат ва бизнеснинг ўзаро таъсир моделида шаклланиб, дастлаб давлат инновацион ривожланиш ташаббускори сифатида намоён бўлади, унинг стратегияси, устуворлиги, қўллаб-қувватлаш шаклларини белгилайди ва start-up лойиҳаларни молиялаштиришни амалага оширади. Ўтган асрнинг 60-йилларини бошида АҚШда, 70-йиллар бошида Тайванда, Исроилда, Жанубий Кореяда, 80-йилларда Сингапур ва Финляндияда давлат инновацион ривожланиш дастурлари ташаббускори сифатида юзага чиқиб, "Жадаллашиш даври" муддати Сингапурда 10 йил, АҚШ ва Тайванда 25 йилни ташкил этди.

Маълумки, ҳозирги кунда Сингапур давлатининг нафақат иқтисодий балки инновацион жиҳатдан ҳам тараққий этганлиги биргина ривожланган Ғарбий Европа ва АҚШ каби мамлакатларни ҳам ўзига жалб этиши барчага аёндир. Сингапурнинг инновацион ривожланишдаги тараққиётидаги тажрибаларни ўрганар эканмиз, биринчи навбатда, Сингапур давлатининг собиқ бош вазири Халқ ҳаракати партияси етакчиси “юқори технология” инқилобининг асосчиси Ли Куан Юни алоҳида эслаб ўтиш лозим. Эътиборлик жиҳати шундаки, Сингапурнинг инновацион ривожланиш йўлига дастлабки қадамлари айнан мамлакатнинг 1965 йилда қўлга киритган мустақиллик йили билан бошланиши ҳам алоҳида характерга эга. Албатта бу даврда инновацион соҳада катта “инқилоб”нинг бошланиши бу давр учун ўзига хос аҳамиятга эга.

Шуниси эътиборлики, Сингапурдаги ҳозирги инновация тараққиётининг пойдевори деярли нолдан ҳамда босқичма-босқич амалга оширилган. Бу борада айниқса, 2008 йилда Сингапур ҳукумати томонидан тасдиқланган Инновация, тадқиқот ишлари ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастури муҳим аҳамиятга эгадир. Бунга қадар Сингапур ҳукумати томонидан инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича турлича йўналишлар мавжуд бўлган. Хусусан, 1960-70 йилларда Сингапурни инновацион ва иқтисодий ривожлантириш дастури асосан ташқи бозорларга чиқишга қаратилган бўлса, 1965 йилда мустақилликка эришилгандан сўнг эса мамлакатда кўпроқ барқарорни сақлаш ҳамда мамлакат фуқароларини иш ўрни билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу даврга келиб кичик ички бозор ҳамда қўшни мамлакатларнинг рақобати натижасида Ҳукумат томонидан мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини қайтадан кўриб чиқиш эҳтиёжини юзага келтирди ҳамда шу билан янги иқтисодий устувор вазифа инновацияни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш ғояси юзага келди.

1980 йилларга келиб эса хорижий инвестициялардан фаол фойдаланиш, Сингапур ҳудудидаги хорижий компанияларнинг тажрибаси ва уларнинг технология ютуқларини ўзлаштириш даври бўлиб тарихга кирган. Албатта бу ҳаракатлар натижасида инновацион, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ва уларнинг маблағлари ва активларини бошқарадиган тузилмалар вужудга кела бошлади. Агарда биз Сингапур саноатига киритилган хорижий инвестицияларнинг географик жиҳатдан бўлинишига эътибор қаратадиган бўлсак, бу ерда биринчи биз АҚШнинг трансмиллий корпорацияларининг алоҳида ўрнини кўришимиз мумкин.

Собиқ Сингапур Бош вазири Ли Куан Ю ўзининг “Учинчи жаҳон давлатидан биринчисига” деб номланган китобида қуйидагиларга тўхталиб ўтган. “60-йилларда Сингапур бозорига Гонконг ва Тайвандан тадбиркорлар келган ва улар ўзлари билан анчагина содда технологиялар билан ясалган турли хил буюмларни келтиришган. Бу маҳсулотлар анчагина меҳнат талаб қиладиган лекин катта ҳажмда бўлмаган. Америка ТМКлари эса ўз ўрнида қўшимча ишчи ўринларини яратадиган ва катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни йўлга қўядиган юқори технолгияларни олиб келишган. Бизнинг яъни Ҳукуматнинг асосий вазифаси Сингапурнинг икки миллионлик аҳолисини бандлигини таъминлаш эди. Агарда Америка ТМКлари бизнинг аҳолини бандлигини таъминлаб,

уларнинг техник, муҳандислик ва бошқарувчилик қобилиятларини ўқитишга ҳаракат қилган экан, албатта биз нима учун ТМКлар билан ҳамкорлик қилмаслигим керак”. Юқорида кўрсатилганидек, давлатнинг миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўналишида тутган ўрни билан бирга инновацияни ҳам ривожлантиришга туртки бўлган албатта.

Сингапурда инновацион фаолият иштирокчиларини молиявий, техник ва бошқа қўллаб-қувватлашларини амалга оширади. Сингапурнинг инновацион модели қуйидаги жиҳатлари билан характерланади.

- инновацион сектор авторитар режимдаги давлат бошқаруви тузумида ривожланган;
- инновацион йўналишдаги ислоҳотлар давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати натижасида ўтказилган;
- инновацион секторнинг ривожланиши аҳолининг маданий ва миллий анъаналари асосида ривожлантирилган;
- инновацион ислоҳтлар молиявий секторнинг ривожланиши билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилган;
- асосий эътибор хорижий тажриба ва компанияларни жалб этган ҳолда миллий кадрларни ривожлантиришга қаратилган;
- давлат институтлари асосий фаолиятини инновацион тизимни назорат қилиш, мувофиқлаштириш, ривожлантириш ва қайта ташкил этишга қаратишган;
- давлат инновацион фаолиятнинг асосий молиялаштирадиган манбаси;
- давлатнинг сиёсий элитаси мамлакат инновацион тараққиётининг бош ислоҳотчиси сифатида қаралган.

Рахмонов Зафар Яшинович, ДБА PhD
Ташходжаев Мухаммад Юнусхон Юсуфхон угли,
ТДИУ магистранти

## СИНГАПУР ИҚТИСОДИЁНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА БИР НАЗАР

Инновацион ривожланишнинг асосий ғояси шундаки, иқтисодиётнинг мазкур ривожланиш жараёнида, аввало, билимларни янгилаш тезлиги кескин ортиб боради, бошқа томондан эса, технология ва маҳсулотларнинг мураккаблашуви кўплаб фаолият турлари бу жараёнга жалб қилинади. Бундай шароитда шахс ёки давлатнинг муваффақияти учун нафақат ихтисослашган билимлардан фойдаланиш, балки билимларни янгилаш ва тезкор ўқитиш қобилияти учун кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Маълумки, XX асрнинг охирларига келиб Ғарб мамлакатлари инновацион соҳадаги ўзларининг юқори ўринларини аста-секинлик билан бу борада катта силжишларни амалга ошираётган ХХР, Жанубий Корея ва албатта Сингапур каби Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига бўшатиб бера бошлашди. Яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки, юқорида санаб ўтилган

мамлакатлардаги айниқса Сингапурда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши авторитар сиёсий режим остида рўй берганлигидадир. Биламизки, Ғарбча қарашларга кўра, фан ва инновация давлат ҳокимиятининг кенг либерал тизимида, яъни мамлакатдаги демократиянинг юқори даражасида ривожланади. Лекин, ушбу даврда Сингапурда мамлакат бошқарув тизимининг авторитар тизими мавжуд бўлишига қарамасдан, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда олиб борилган ислоҳотлар натижасида Сингапур XX аср охирига келиб Жанубий-Шарқий осиё мамлакатларининг иқтисодий маркази ҳамда инновацион ривожланиш соҳасида жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари қаторига кирди.

Сингапур охирги 50 йил ичида ривожланиш йўлининг барча босқичларидан ўтганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Хусусан, ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталаридан қайта экспорт қилиш марказидан токи 90-йиллар бошидаги Жанубий-Шарқий Осиёнинг инновацион марказигача бўлган давр. 1965 йилдан буён Сингапур коррупцияга қарша курашиш бўйича стратегияни ҳар томонлама кенг тарзда амалга ошираётганлиги ҳам эътиборга моликдир. Шу билан бирга мамлакатдаги инновацион тараққиёт рейтингини аниқлашда “глобал инновацион индекси” ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, 1960-70 йилларда Сингапурни инновацион ва иқтисодий ривожлантириш дастури асосан ташқи бозорларга чиқишга қаратилган бўлса, 1965 йилда мустақилликка эришилгандан сўнг эса мамлакатда кўпроқ барқарорни сақлаш ҳамда мамлакат фуқароларини иш ўрни билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу даврга келиб кичик ички бозор ҳамда қўшни мамлакатларнинг рақобати натижасида Ҳукумат томонидан мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини қайтадан кўриб чиқиш эҳтиёжини юзага келтирди ҳамда шу билан янги иқтисодий устувор вазифа инновацияни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш ғояси юзага келди. 1980 йилларга келиб эса хорижий инвестициялардан фаол фойдаланиш, Сингапур ҳудудидаги хорижий компанияларнинг тажрибаси ва уларнинг технология ютуқларини ўзлаштириш даври бўлиб тарихга кирган. Албатта бу ҳаракатлар натижасида инновацион, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ва уларнинг маблағлари ва активларини бошқарадиган тузилмалар вужудга кела бошлади.

Юқорида кўрсатилганидек, давлатнинг миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўналишида тутган ўрни билан бирга инновацияни ҳам ривожлантиришга туртки бўлган албатта.

**1-жадвал**

**Сингапур миллий инновацион тизимининг ривожланиш йўли**

| № | Йил | Амалга оширилган ишлар |
|---|---|---|
| 1. | 1980 й. | - Сингапур миллий университети ташкил этилди.<br>- “Сингапур миллик парки” номли технопарк очилди. |
| 2. | 1981 й. | - Халқаро аэропорт очилди. |
| 3. | 1988 й. | - Сингапур миллий парки ҳузуридаги тадбиркорлик маркази очилиши. |

| | | |
|---|---|---|
| 4. | 1991 й. | - Технологиялар, фан ва тадқиқотлар Агентлиги ташкил этилди.<br>- Наньян технологиялар университети очилди. |
| 5. | 1996 й. | - Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновациялар бўйича кенгаш ташкил этилди. |
| 6. | 1999 й. | - Тадбиркорлик ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилди. |
| 7. | 2000 й. | - Techno Venture Investment (венчур инвестицияси) компанияси билан ҳамкорлик ўрнатилди. |
| 8. | 2001 й. | - Интеллектуал мулк бошқармаси ташкил этилди. |
| 9. | 2006 й. | - миллий тадқиқотлар фонди ташкил этилди. |
| 10. | 2008 й. | - Инновацияни ривожлантириш, тадқиқотлар ва тадбиркорлик бўйича миллий давлат дастури қабул қилинди. |
| 11. | 2010 й. | - стартаплар тизимининг ривожланиши (ахборот технологиялари йўналишидаги тадқиқотлардан биотиббиёт, экологик тоза маҳсулотлар технологияси, биомуҳандислик каби йўналишларга ўтиш. ) |
| 12. | 2011 й. | 2011-2015 йилларга мўлжалланган Инновацияни ривожлантириш, тадқиқотлар ва тадбиркорлик бўйича дастур қабул қилинди. |
| 13. | 2016 й. | "Инновацион кластер" дастури ишга туширилди. |

Сингапурда миллий инновацион тизимини яратишдан мақсад қуйидагилардан иборат эди:

- иқтисодиётни диверсификация қилиш (АКТ, машинасозлик, биология ва тиббиёт технологиясини ривожлантириш);

- иқтисодиётни рақобатдошлигини ошириш (Шанхай, Гонконг, Сеул каби савдо марказлари билан рақобатлашиш мақсадида ривожланишнинг АКТ, биотехнология каби бошқа бир йўналишларини топиш ва ривожлантириш зарур эди);

- илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш (малакали кадрларнинг етишмовчилиги Ҳукуматни хорижий мутахассисларни жалб қилиш, уларнинг илмий тадқиқот фаолиятига кўмаклашиш ва уларнинг натижаларини жорий этиш ундаган);

- халқаро инновацион марказларнинг ташкил этилиши (инфратузилмаларнинг ривожланиши турли халқаро ташкилотлар хусусан, илмий-тадқиқот марказ ва институтларнинг Сингапур ҳудудида филиаларини очилиши ёки Сингапур университетлари билан режаларни биргаликда амалга оширилиши кўзланган).

Р.А.Аллаёров, СамИСИ,
Маркетинг кафедраси ассистети

# ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАРНИНГ ЎРНИ

**Аннотация.** Мақолада туристик-рекреацион эркин иқтисодий зоналар рақобатбардошлигини оширишда инновацион кластерли ёндашув кўриб чиқилади. "Инновацион кластери" тушунчаси ва унинг хусусиятлари, шунингдек туристик кластерларни ташкил қилишнинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олинган.

**Калит сўзлар:** туристик эркин иқтисодий зоналар, кластер, инновацион кластери, кластерли ёндашув, туристик-рекреацион эркин иқтисодий зоналар рақобатбардошлилиги.

**Аннотация.** На статье рассматривается инновационно-кластерный подход к повышение конкурентоспособности туристко-рекреационноесвободных экономических зон. Раскрывается сущность и особенности понятия «инновационный кластер», цели и задачи формирование туристических кластеров.

**Ключевые слова:** туристические свободные экономические зоны, кластер, инновационный кластер, кластерный подход, конкурентоспособность туристко-рекреационное СЭЗ

**Annotation.** In the article is considered the innovation-clustered approach to increasing the competitiveness of tourist-recreational free economic zones. The concept of "innovation cluster" and its features, as well as the goals and objectives of organizing touristic clusters have been taken into consideration.

**Key words:** tourist free economic zones, cluster, innovation cluster, cluster approach, tourist-recreational free economic zones competitiveness.

Бугунги кунда туризм жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи маҳсулотнинг 10 фоизи, товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг 6 фоизи, жами хизматлар экспорти ҳажмининг 30 фоизи, умумий бандлик кўрсаткичининг эса 9,5 фоизини таъминлаб, жаҳон иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда улкан туристик салоҳият мавжуд бўлишига қарамасдан дунё бўйича туристик оқимнинг атига 0.16% ташкил қилади.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти UNWTO), прогнозларига кўра 2020 йилда мамлакатимизга кирувчи халқаро туристлар сони 2014,4 минг киши., туристик хизматлар экспорт хажми эса 104,01мли. АҚШ долларини ташкил этади.

Бунда туристик эҳтиёжни тўлақонли қондириш туристик-рекреацион эркин иқтисодий зона объектлари, воситалари, мижозларга хизмат кўрсатиш усуллари ва механизмларининг ҳар томонлама мувофиқлашган фаолиятини талаб қилади.

Ушбу вазифаларни ҳал қилишда ҳудудларда туризм соҳаси, туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияларининг чуқур таҳлилий натижаларидан келиб чиқиб, уларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш механизмларини инновацион ёндашув асосида

такомиллаштириш иқтисодиётимизни модернизация қилишнинг ҳозирги шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Туристик-рекреацион эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ривожлантириш мазкур соҳа ва унга турдош тармоқларни комплекси ривожлантиришни талаб этади. Кластерлар бу муносабатларни ривожлантирришнинг оптимал шаклларидан биридир.

М. Портернинг кластер назариясига кўра, “кластер –географик жиҳатдан яқин бўлган, муайян соҳада фаолият юритувчи ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар (таъминотчилар, ишлаб чиқарувчилар ва бошқ) ҳамда улар билан боғлиқ ташкилотлар (транспорт, таълим муассасалари, давлат бошқарув органлари ва бошқ.) гуруҳдир[161].

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатларида кластерлар энг самарали ва мослашувчан тузилмалардир. Кластер асосида кооперация ва рақобат ётади.

М. Портернинг асосий ғояси шундаки, рақобат устунликлари ташқи бозорда эмас, балки ички бозорларда вужудга келади. Ҳукуматнинг бош вазифаси дастлабки босқичларда инфратузилмани яхшилаш ва қулай муҳит яратиш, кейинги босқичларда инновацияларнинг ривожланишини чекловчи омилларни бартараф этиши лозим. Кластернинг базавий тармоғини аниқлашнинг асосий мезони жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда туристик-рекреацион эркин иқтисодий зоналар барпо қилиш ва такомиллаштириш, шунингдек давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан транспорт, муҳандислик ва коммунал инфратузилмани молиялаштириш орқали уларда мавжуд муаммоларни камайтиришни ўз зиммасига олади. Хусусий бизнес туристик объектларни ташкил қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш тадбирларини амалга оширади. Бу ҳар иккала томон учун ҳам нафли бўлиб, давлат нафақат туристик-рекреацион эркин иқтисодий зоналар шакллантиради, балки ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишини ҳам рағбатлантиради. Тадбиркорлар эса инфратузилма билан боғлиқ харажатларини камайтиришлари ва давлат томонидан берилган кафолат асосида капитал қўйилмаларни киритиш имкониятига эга бўлади.

Туристик кластерларни ташкил қилишнинг мақсад ва вазифаларини таҳлил қилиш орқали қуйидагиларни аниқлашимиз мумкин:

– иқтисодиётнинг турдош тармоқларидаги хўжаликлараро муносабатлар асосида ривожланишга шарт-шароитлар яратиш;

– кластер таркибига кирувчи туризм индустрияси ва турдош тармоқ корхоналарининг рақобат устунлигини мустаҳкамлаш;

– туризм индустрияси корхоналари ривожланиши учун қулай муҳит яратиш, шу жумладан туристларни жалб қилиш;

– дестинациянинг жозибадорлик даражасини ошириш;

[161] Портер М. Конкуренция: исправленное издание / Пер. с англ. О.Л. Пелявского, А.П. Уриханяна, Е.Л. Усенко, И. А. Шишкиной. — М.: Вильямс, 2005. — С. 217.

– иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарнинг ривожланиши учун қулай креатив муҳит яратиш;

– турли тоифадаги туристларни жалб қилиш имкониятига эга янги туристик маҳсулот ва хизматларни шакллантириш;

– маҳалий аҳоли ва туристик-рекреацион эркин иқтисодий зоналар фаоллигини ошириш орқали туристик дестинациянинг янги имижини шакллантириш ва самарали силжитиш.

Туристик бизнесни ривожлантириш учун компаниялар бошқарувнинг инновацион стратегияларини қўллаш механизмлари ва воситаларига эга бўлиши лозим. Туристик компанияларни ва уларнинг ҳамкорлик муносабатларини стратегик бошқариш тажрибаларини ўрганиш натижасида корхонанинг туристик хизматларга йўналтирилган инновацион стратегик бошқариш тизимини яратиш зарурати аниқланди. Туристик индустрия таркибига кирувчи корхоналар таклиф қилаётган маҳсулот ёки хизматларига боғлиқ ҳолда инновацияларни ташкил қилишнинг қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин: янгиликлар бўйича кенгаш, ИТТКИ бўлимлари, лойиҳа гуруҳлари, янги маҳсулот бўлинмалари, қўмита, бошқарма, ишчи гуруҳлар, ривожлантириш марказлари, маслаҳат ва таҳлилий бўлимлар.

Туристик кластерга бирлашиш натижасида туристик-рекреацион эркин иқтисодий зоналарни бошқаришнинг инновацион маҳсулотларидан кенг фойдаланади ва туристлар эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи рақобатбардош маҳсулотлар яратишда рақобат устунлигига эга бўлади ҳамда туристик бозорнинг ички ва ташқи муҳити ўзгаришига тезда мослашиш, ҳудудга янги инвесторлар, бозор сегменти учун туристик маҳсулотнинг потенциал истеъмолчиларини жалб қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, кластерли ёндашув бир томондан аҳолининг туристик талабини тўлиқ қондириш, бошқа томондан туристик-рекреацион эркин иқтисодий зоналар ҳамда иқтисодиётнинг турдош тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантиради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни (1999 йил 20 август). Ўзбекистоннинг янги қонунлари. – Т.: Адолат, 2000 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги

“Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо етиш тўғрисида”ги 210-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 августдаги “Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил етишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 346-сонли Қарори.

6. Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник для вузов. Второе издание. - М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2002. – 1063 с.

7. Портер М. Конкуренция: исправленное издание / Пер. с англ. О.Л. Пелявского, А.П. Уриханяна, Е.Л. Усенко, И. А. Шишкиной. — М.: Вильямс, 2005. — С. 217.

8. Қудратов Ғ.Х., Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Услубий қўлланма.- С.: СамИСИ., 2007. – 84 б.

9. Пардаев М.К. Туристик корхоналар фаолиятини тахлил килишда кулланиладиган математик моделларнинг типлари. ИАК, Самарканд, 2008.

10. Рахимов З.О. Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. н. … диссертация. Т.: 2012. – 190 б.

11. Сафаров Б.Ш. Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Иқт. фан. н. … диссертация. Самарқанд, 2011.

12. Ташмуратов Т.Т. Халқаро туризм. – Т.: Турон – Иқбол., 2007. – 320 б.

13. Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов управления региональным туризмом. Дисс. ... док. экон. н. Ташкент – 2011.

14. Хамидов О.М. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана. Диссертация … канд. экон. н. Самарканд, 2006. – 155с.

Мурадова Наргиза Улжаевна
Ассистент кафедры Маркетинга
Самаркандского института экономики и сервиса

## НЕОБХОДИМОСТЬ ПРОДВИЖЕНИЯ ИННОВАЦИЙНА РЫНКЕ ЛИЗИНГОВЫХ УСЛУГПОСРЕДСТВОМ МАРКЕТИНГА

**Аннотация.**Статья раскрывает потребность использования потенциала рынка лизинговых услуг с учетом инструментами маркетинга. Кроме того, в ней отражены уникальные аспекты лизинговых услуг, позволяющие способствовать решению инновационных лизинговых вопросов.

**Ключевые слова:**рынок лизинговых услуг; инновационные инвестиционные проекты; инновационные лизинговые услуги; лизинг.

Сегодняшний день требует активного участия инновационных подходов во всех сферах социально-экономического развития государства и в свою очередь по отдельным инфраструктурам рынка. Здесь хотелось бы отметить требования, поставленные правительством в целях повышения и совершенствования всех

экономических систем посредством инноваций, в особенности рыночных отношений, т.е. например«…систематический анализ рынка и изучение спроса на инновационную продукцию (работы, услуги), оценку срока окупаемости, рентабельности и рисков, связанных с коммерциализацией инновационных продуктов»[162] определяет осуществление единой государственной политики в сфере инновационного и научно-технического развития республики.

Несомненно, современный этап мирового экономического развития требует формирование экономических стратегий, основанную на распространение и использование модернизированных подходов.

Лизинг является, одним из востребованных финансовыми услугами, так как ее наличие дает массу благоприятных условий развития привлечения капитала и конкурентоспособности. Несомненно, что формирование и развитие рынка лизинговых услуг требует максимального удовлетворения ожиданий как лизингополучателя, так и лизингодателя. В связи с этим, в последнее время можно заметить тенденцию инновационных подходов перспективного развития рынка лизинговых услуг.Данная тенденция была замечена и подчеркнута указом Президента Республики Узбекистан«О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»: «…расширение объемов страховых, лизинговых и иных видов финансовых услуг за счет внедрения их новых видов и повышения качества, а также развитие фондового рынка как альтернативного источника привлечения капиталов и размещения свободных ресурсов предприятий, финансовых институтов и населения»[163].

Наблюдая тенденции развития рынка финансовых услуг замечется, что процесс оказания инновационных лизинговых услуг становится менее предсказуемым. А это, нередко негативно влияет не только на устойчивость лизингополучателей, но и на уязвимость всего лизингового отношения лизингополучателя. Поэтому постоянное изучение лизингового рынка и лизинговых сделок, хорошее знание работниками лизингодателей специфики создаваемых ими элементов лизинга или услуг, умелое прогнозирование развития и определение перспектив развития рынка приобретают особую актуальность. Большое значение при этом имеет учет внешних и внутренних факторов, влияющих на уровень уязвимости лизинговых операций лизингополучателей.

Механизм регулирования лизинговых операций в Узбекистане во многом связан с уровнем развития маркетинга и устойчивой концепции маркетингового исследования в реальном секторе экономики, способным снизить риски заемщиков на разных стадиях реализации инновационно-инвестиционных проектов.Устойчивая концепция, которая должна поддерживаться составителями лизинговой сделки, должна составляться в зависимости от их финансового состояния. Поэтому реализация комплекса маркетинговых

[162]Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики» №ПП-3698 от 7 мая 2018 г.www.lex.uz – национальная база данных законодательства Республики Узбекистан. Дата обращения 20 августа 2018 года.

[163]Указ Президента РУз «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354.

исследований в рамках осуществляемых лизинговых сделок должна базироваться на комплексе взаимосвязанных эффективных действий лизингодателя и лизингополучателя.

Особенности эффективных их действий заключается в: необходимости, наряду с мониторингом и контролем его реализации, создания условий для рентабельной работы лизинговых компаний в рамках лизингового рынка; обеспечении их ликвидности; максимальном удовлетворении потребностей лизингополучателей, структуре и качестве лизинговых услуг в целях достижения максимальной устойчивости деловых связей между лизингодателем и лизингополучателем.

В условиях усиливающейся конкуренции усилия лизингодателей должны быть направлены на своевременное налаживание каналов сбыта предмета лизинга. При этом лизинговые компании должны как можно шире использовать как собственные, так и несобственные каналы сбыта предмета лизинга.

Активная деятельность лизинговой компании по продвижению предметов инновационного лизинга согласно лизинговой сделки или услуг будет предопределяться:

– значимостью предоставляемых инновационно-лизинговых услуг для лизингополучателей;

– ценами на предметы инновационного лизинга;удобством использования предмета инновационного лизинга или услуг;

– качеством и уровнем устойчивого обслуживания предмета инновационного лизинга или услуг;

– репутацией и имиджем лизинговой компании в деловом мире.

В целях удержания и увеличения доли на рынке лизинговых услуг или услуг специалистам лизинговой компании необходимо осуществлять постоянную сегментацию рынка лизинговых услуг путем их анализа и возможных клиентов по определенным характеристикам, которые предлагают отдельным сегментам востребованные ими оборудования или лизинговые услуги и занимаются расширением их видов и повышением качества.В основе сегментации рынка лизинговых услуг должны лежать содержание и характер создаваемых лизинговых услуг, клиентурный признак (юридические и физические лица, предприятия), а также географическая, демографическая, психокультурная и поведенческая сегментация.

Таким образом, качественное формирование инновационных лизинговых сделок должно начинаться с принятия взвешенных бизнес-планов, которые характеризуют не столько виды или этапы деятельности лизингополучателя, сколько его цели и стратегию освоения рынка лизинга или услуг. Если лизингополучатель выбрал их правильно, он может использовать самые разные формы организации работы по реализации лизингового оборудования в зависимости от конкретных внутренних обстоятельств и тех внешних условий, в которых осуществляет свою деятельность лизингополучатель.

Маркетинговое исследования инновационного развития лизинговых услуг, как правило, исходят из разграничения двух исторически сложившихся и хорошо изученных моделей использования имущества на условиях аренды и на условиях

лизинга. При этом отождествление аренды с лизингом приводит к резкой поляризации взглядов на проблему выбора пути развития и характер проводимых мероприятий модернизации экономики.

**Литература:**

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики» №ПП-3698 от 7 мая 2018 г. www.lex.uz – национальная база данных законодательства Республики Узбекистан. Дата обращения 20 августа 2018 года.
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354.

М.Қ. Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
О.М. Пардаев – СамИСИ доценти, и.ф.д.
С.Ш. Халилов – ТДИУ ўқитувчиси

## ИННОВАЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Инновацияларни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш лозим. Тадқиқотларимиз натижасида ушбу белгиларнинг 7 та эканлиги аниқланди. Шу туфайли инновацияни қуйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Инновацияни яратувчилари бўйича таснифлаш.
2. Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш.
3. Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи.
4. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш.
5. Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш.
6. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш.
7. Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш.

Инновацияни яратувчилари бўйича таснифлаш. Шу нуқтаи назардан ушбу белгиси бўйича инновацияни қуйидаги турларга бўлишни лозим, деб топдик:

- илмий ходимлар томонидан яратилган инновация;
- тажрибали амалиётчилар томонидан яратилган инновация;
- махсус ихтирочилар томонидан яратилган инновация.

Шундай қилиб, инновацияни яратувчилари бўйича таснифлаш ҳам унинг ким томонидан ва қандай яратилаётганлигини аниқ белгилашда катта аҳамиятга эга экан.

Инновацияни рақобатбардошлик омили бўйича таснифлаш.

Ушбу груҳ омилларни учта гуруҳга бўлиш мумкин экан. Буларга:

- товарларни такомиллаштиришга қаратилган инновация;
- техника ва технологияни такомиллаштиришга қаратилган инновация;
- бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган инновация киради.

Инновациянинг рақобатбардошлик билан боғлиқ омиллари таркибида нархни арзонлаштиришга қаратилган инновациялар ҳам мважуд. Аммо ушбу

омил бошқа гуруҳларга кўпроқ яқин бўлганлиги тфайли ушбу гуруҳга киритилмади.

Инновациянинг манфаатдорликни ифодалаши бўйича таснифи. Шу нуқтаи назардан инновацияни бешта гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- мулкдор (инвестор) манфаатини ифода этувчи инновация;
- ихтирочилар манфаатини ифода этувчи инновация;
- давлат манфаатини ифода этувчи инновация;
- жамият манфаатини ифода этувчи инновация;
- меҳнат жамоаси манфаатини ифода этувчи инновация.

Инновациянинг манфаатдорликни ифода этиши билан боғлиқ кўрсаткичлар ўртасидаги яқинлик, ҳар қандай жамиятда, ҳар қандай миллат ва ҳудудда мавжуд. Манфаатдорлик олдин ҳам бўлган, бугун ҳам бор ва келажакда ҳам бўлади.

Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш. Инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳар қандай янгилик амалиётга жорий қилинсагина тегишли самара бериши мумкин. Инновацияга маълум даражада харажат қилинади. Бу эса, уни амалиётга жорий қилиб, иш самарадорлигини ошириш эвазига қопланади ва мулкдорга тегишли даражада фойда олишини таъминлайди. Пировардида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустаҳкамлиги ошади ва рақобатбардошлиги таъминланади. Шу туфайли, инновацияни амалиётга жорий қилиш нуқтаи назаридан таснифлашни ҳам мақсадга мувофиқ, деб топдик ва уни икки гуруҳга бўлишга қарор қилдик:

- амалиётга жорий қилинган инновациялар;
- амалиётга жорий қилиниши кўзда тутилган инновациялар.

Амалиётга жорий қилинган инновация инновациянинг сотилиши бўлиб ҳисобланади. Чунки инновация ҳозирги пайтда тезлик билан жорий қилинмаса, эскириб қолиши мумкин. Эскиргач, ушбу инновациядан ҳеч қандай наф бўлмайди. Шунингдек, амалиётга жорий қилиниши кўзда тутилган инновация ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳам тараққиётнинг ички омили мавжудлигидан далолатдир.

Шни эътироф этиш кераккки, инновация амалиётга жорий қилинсагина тегишли кўзда тутилган самарани бериши мумкин. Шу туфайли инновациянинг бозорини янада жонлантириш ва ни такомиллаштириш лозим. Зеро жда кўп ғоялар ва улар асосида яратилган инновациялар амалиётда ўз тасдиғини топмасдан қолиб кетмоқдалар. Б ҳолат ҳозирги тез ўзгаришлар замонида кечирилмайдиган ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш. Ҳозирги шароитда инновацияни иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан таснифлаш албатта керак. Чунки, кенгайтирилган ишлаб чиқариш қанчалик тез амалга оширилса, шунчалик иқтисодиётнинг ўсишига эришилади. Шу туфайли кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг бир фазазини тезлаштириб, қолган қисмини шунчаки қолдириб бўлмайди. Шу туфайли унинг барча фазасини тезлаштиришни тақҷозо қилади. Бу эса ўз навбатида ушбу белги

бўйича ҳам инвестицияларни таснифлашни тақозо қилади. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу белгиси бўйича инвестициялар тўртта гуруҳга бўлинар экан. Буларга:

-ишлаб чиқаришга мўлжалланган инновация;

-тақсимотга мўлжалланган инновация;

-айирбошлашга мўлжалланган инновация;

-истеъмолга мўлжалланган инновациялар киради.

Инновация иқтисодий мазмуни бўйича кенгайтирилган ишлаб чиқариш бўғинлари нуқтаи назаридан ҳам таснифланади. Буларнинг энг биринчиси, истеъмолга мўлжалланган инновациядир. Инновация иқтисодиётнинг барча бўғинларида амалга оширилади. Улардан бири, ишлаб чиқаришга мўлжалланган инновациядир. Бу ушбу соҳани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш имконини беради. Айрибошлашга мўлжалланган инновация асосан хизмат соҳасининг савдо тармоғига кўпроқ қўлланилади. Тақсимотга мўлжалланган инновация ҳам ишлаб чиқариш билан тақсимот ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Хуллас, инновация барча соҳаларни ривожлантириш имкониятини яратади.

Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш. Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлаш ҳам ушбу ишнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайди. Чунки ҳар бир тармоқ ўзига хос хусусиятга эга. Бу хусусиятлар уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш лозимлигини тақозо қилади. Масалан, саноатга жорий қилиниши мумкин бўлган инновацияни қишлоқ хўжалиги корхоналарига жорий қилиш мумкин эмас. Ёки савдо соҳасига мўлжалланган инновацияларни молиявий соҳага ёки хизмат кўрсатишнинг бошқа тармоқларига жорий қилиб бўлмайди. Шу туфайли ушбу гуруҳ инновацияларни қуйидагича бўлишни тавсия қиламиз:

- саноатга мўлжалланган инновация;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган инновация;
- транспорт соҳасига мўлжалланган инновация;
- савдо соҳасига мўлжалланган инновация;
- молиявий соҳага мўлжалланган инновация;
- хизматнинг бошқа соҳаларига мўлжалланган инновация.

Инновацияни тармоқлар бўйича таснифлашда аҳамият берилиш лозим бўлган жиҳат ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Саноатга мўлжалланган инновация бевосита соҳадатехник ва технологик жараёнларни модернизация қилиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган инновация нафақат техника ва технологияларни, балки агротехник жараёнларни ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Транспорт соҳасига мўлжалланган инновация ҳам техника ва технология билан боғлиқ. Бироқ, савдо соҳасига мўлжалланган инновация бевосита савдо жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Молиявий соҳага мўлжалланган инновация ҳисоб-китоб жараёнларини, пул айланиши каби ҳолатларни такомиллаштиришга қаратилган.

Шуни инобатга олиш жоизки. хизматнинг бошқа соҳаларига мўлжалланган инновация ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қарайдиган

бўлсак, барча жараёнларни такомиллаштиришда ва иқтисодиётни ривожлантиришда инновациядан фойдаланилади.

Инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш. Барча мувоффақиятлар ва мағлубиятлар вақт ўтиши билан сарҳисоб қилинади ва аниқланади. Бу ерда вақт жуда катта аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлаш ҳам объектив заруратдир. Ҳеч нарса доимий бўлмаганидек, инновация ҳам абадий эмас. Бугунги янгилик эртага эскириб қолиши ва инновацияни жорий қилиш зарурятини туғдириши мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, инновацияни вақт нуқтаи назаридан таснифлашни ҳам устувор вазифа сифатида қараймиз. Ушбу тушунчани вақт нуқтаи назаридан қуйидаги учта гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

-қисқа муддатли инновация;

- мавсумий инновация;

- узоқ муддатли инновация.

Инновацияни вақт нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолдаги таснифлашда уларнинг боғлиқлигини қуйидагича тасвирлаш ҳам мумкин.

Қисқа муддатли инновация кўпинча хизмат кўрсатиш жараёнларида қўлланилади. Мавсумий инновация асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Узоқ муддатли инновация асосан техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш жараёнида фойдаланилади.

ТДИУ, Банк иши кафедраси
катта ўқитувчиси
Назарова Муслима Назаровна,
Банк иши йўналиши талабаси
Бабамуродов Бехруз Бахрамович

## ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИНГ КРЕДИТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдир. Бизга маълумки, республикамиз аҳолиси бир маромда ўсиб бормоқда. Аҳоли сони ошиб борар экан уй-жойга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб боради. Айниқса, бугунги кунда аҳолининг замонавий, қулай ва барча шароитлар билан тўлиқ таъминланган яшаш жойларига бўлган талаби бунга яққол далилдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги кундаги энг долзарб иқтисодий муаммолардан бири аҳолининг ўсиб бораётган уй-жой эҳтиёжини қондириш ҳисобланади. Аҳолини айниқса, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда имтиёзли ипотека кредитлари беришда тегишли зарур вазифалар белгилаш бу борадаги муаммоларни ҳал этишнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура-режалаштириш қиёфасини янада яхшилаш, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини

кенгайтириш, қишлоқ жойларда транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини жадал ривожлантириш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида бирқанча вазифалар белгиланган ва бу вазифаларни амалга ошириш учун Дастурлар ишлаб чиқилди.

Устувор вазифалар қаторида жорий 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурини амалга ошириш доирасида аҳоли билан доимий ва очиқ мулоқотни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини, унинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатни фаол давом эттириш масалалари марказий ўринни эгаллади.

Қабул қилинган Дастурларда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириш, уларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналишиларидан бири этиб белгиланаган.

Мамлакатимизда барқарор иқтисодий ривожланиши аҳоли даромадларининг ўсишига хизмат қилмоқда. Бу, ўз навбатида, банк хизматларидан фойдаланувчилар сонининг йил сайин кўпайишига, пировардида банкларнинг мазкур йўналишдаги хизматлари кўлами кенгайишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 феврал кунги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқланди. Унга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишларидан бири бўлган, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишда аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш алоҳида дастурга киритилган.

Бизга маълумки, ривожланган мамлакатларда аҳолига кредит хизматлари кўрсатиш банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Кредитлар орқали иқтисодиётдаги номутаносибликка барҳам берилади.

Давлатимиз томонидан тегишли қарорларнинг қабул қилиниши аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ҳам ошириб бормоқда. Банклар томонидан ажратилаётган ипотека кредитларига бўлган қизиқиш фуқароларнинг кредитга бўлган қарашларини ҳам ўзгартирди, дейиш мумкин. Чунки ушбу кредитлардан фойдаланганларнинг мамнун бўлиб билдираётган фикрлари бунга ёрқин мисолдир. Айниқса, банклар билан аҳолининг манфаатларини мос келиши бу борада амалга оширилаётган ишларнинг тўғри эканлигидан далолат беради.

Банкларни ҳам аҳолини ҳам ўз мажбуриятларини таъминланиши бундай кредитлардан фойдаланишга кенг йўл очиб беради.

Бугунги кунда ипотекавий кредитлаш маҳаллий банклардаги талабгор хизмат турларидан бири ҳисобланади. Бу Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисидаги" Қонунида, Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарорида ҳам ўз аксини топган. Давлатимиз раҳбарининг "Ёш оилаларни моддий ва манавий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан ёш оилаларни ипотекавий кредитлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Айниқса, бугунги кунда уй-жойга бўлган талабнинг ошиши, аҳолини фаровон турмуш сари илдам қадами, қолаверса, давлатимиз томонидан халқнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уй-жойга бўлган талабни қондириш мақсадида амалга ошираётган саъий-ҳаракатлари ҳамда турли Давлат дастурларини қабул қилиниши ёш оилаларни уй-жой қурилишини, уларни реконструкция қилинишини зарурлигидан келиб чиқади.

Шундай экан, уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни кредитлаш бугунги кунда муҳим ва зарур бўлган масала ҳисобланиб, биринчидан, уй-жойга бўлган эҳтиёжлар қондирилса, иккинчидан, муомала чиқимлари камайиб, маблағларни каттагина қисми унумли ишлатилишига ва бу билан пул айланишида ҳам ижобий натижаларга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида ипотекали кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитларни яратилганлиги тижорат банклари томонидан берилаётган ипотека кредитлари ҳажмини сўнгги йилларда сезиларли даражада ўсишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда турмуш фаровонлигини оширишда ипотека кредитларининг аҳамияти ўзига хос ўрин тутмоқда.

Республикамизда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш учун замонавий уй-жойлар билан таъминлаш учун бирқанча ишлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан ёш оилалар учун уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни молиялаштириш ҳамда кредитлаш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш бўйича қилинаётган ишлар кўлами кенгаймоқда. Айниқса, мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини ҳаёт даражасини янада сифатини ошириш бўйича қилинган ишлар буни ёққол ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги Қарор ижроси қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари учун замонавий ва шинам уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан оширишга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга ва қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожланишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фаровонлигини ошириш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш Дастури тўғрисида"ги ПҚ-2639-сонли Қарорига асосан 2017

йилда республикамиз ҳудудларидаги қишлоқ жойларида 15 мингта янги намунадаги уйларнинг қурилиши режаси амалга оширилди.

Ўз навбатида, ушбу мақсадларда жами 2,1 тлрн. сўм, шу жумладан, 1,6 трлн. сўмдан зиёд миқдордаги кредит маблағларининг йўналтирилиши белгиланган бўлиб, мазкур кредит ресурсларининг уй-жойларни қуриш ва таъмирланишини амалга оширувчи буюртмачи ташкилотларга кредит линиялари очиш ҳамда аҳолига ушбу хонадонларни харид қилиш учун ипотека кредити сифатида ажратишга йўналтирилиши кўзда тутилмоқда[164].

Барча соҳада муаммолар бўлганидек, ёш оилалар учун уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлашда ҳам муаммолар йўқ эмас. Шулардан бири, эскирган уй-жойлар муаммосидир.

Ҳисоб-китобларга кўра, пойтахтимизда 76 мингга яқин хонадон 60 йил аввал қурилган ва яшаш учун хатарли бўлган эски уйларда ҳаёт кечирмоқда[165].

Айнан шу боис, бу борада мутлақо янги дастурни амалга ошириш бўйича, яъни 7 ва 9 қаватли, кўп хонадонли арзон уй-жойлар қуриш тўғрисида қарор қабул қилинган. Даромади юқори бўлмаган, шунингдек, эски уйларда яшаётган оилалар имтиёзли ипотека кредитлари ва солиқ имтиёзлари асосида бундай уйлардан квартира харид қилиш имкониятига эга бўлади. Хусусан, Қарорга мувофиқ, дастлабки босқичда ушбу мақсадларга келгуси 5 йилда жами 2,5 триллион сўм маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Жумладан, 1,8 триллион сўм банкларнинг имтиёзли кредитлари ва 615 миллиард сўм аҳолининг бошланғич бадаллари ҳисобига шакллантирилиши ҳам таъкидланган.

Ёш оилалар учун уй-жой қурилиши ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлашдаги эски уйларни реконструкцияси муаммосидан кейинги муаммо бу **уй-жой фондидан самарали фойдаланиш муаммосидир.** Шаҳарда уй-жой фонди янада кенгайишини эътиборга олсак, уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, таъмирлаш ва фойдаланиш ишларининг тизимли равишда олиб борилишини таъминлаш юзасидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини мувофиқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевни шу йилнинг 7 феврал кунги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Унга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳужжатда ҳаракатлар стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг бирламчи вазифаси ва бош устувор йўналиши ҳисобланиши белгиланган.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишида арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва

---

[164] www.cbu.uz. сайти маълумотларидан олинди. 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.

[165] www.Google.uz сайти маълумотларидан олинди.

ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш ҳам киритилган бўлиб, унда асосан:

• аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш;

• аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаб ва эҳтиёжини таъминлашни тубдан яхшилаш;

• одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш;

• аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш, ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш, автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструксия қилиш;

• янги электр энергия ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш, паст кучланишли электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини янгилаш, шунингдек, аҳолини бошқа ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш асосида аҳолини электр энергияси билан таъминлашни яхшилаш, ва ҳакозалар.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлашни кучайтириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2660-сонли Қарорига мувофиқ, аҳолининининг замонавий ва арзон уйларга бўлган эҳтиёжи асосида имтиёзли кредит беришнинг янги босқичи жорий этилди.

Умуман олганда, ҳар қандай соҳада бўлгани каби ипотека кредити беришда ҳам муаммолар мавжуд бўлиб, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда, улар ўртасидаги расмийлаштириладиган хужжатларда ҳамда кредитларни қайтишида айрим муаммолар учрайди. Бундай муаммоларни олдини олишда асосан ҳуқуқий саводхонликни янада ошириш лозим, деб ўйлаймиз.

Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш ва уй-жойларни реконструкция қилиш ҳали энди ривожланиб бораётганини ҳисобга олсак, бу борада юзага келадиган муаммолар ечими ҳам маълум давр ичида ҳал этиб борилади.

Rahmatullayeva Shahnoza Xamidovna
TDIU, "Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi"
kafedrasi katta o'qituvchisi
Mahmudov Jahongir Kamolovich
TDIU, talabasi

## O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINI BARQAROR O'SISHINI TA'MINLASHDA INVESTITSIYALARNING O'RNI

Bugungi tez o'sib borayotgan dunyoda har bir mamlakat o'z makroiqtisodiy barqarorligini ta'minlash va o'z iqtisodiyotini rivojlantirishda turli xil yo'nalish va modellarni qo'llamoqda. Kimdadir bu foyda bersa kimdadur unchalik ham iqtisodiy samara bermayapti. Lekin, qanday yo'nalish va iqtisodiy model tanlanmasin har bir tanlovda investitsiyalarga ya'ni iqtisodiyot sektorlariga hoh ichki hoh tashqi bo'lmasin investitsiyalarni jalb etishga katta ahamiyat qaratiladi. Chunki iqtisodiyot sektorlariga kiritilayotgan investitsiyalar mamlakat iqtisodiyotini barqaror o'sib borishini, mamlakatda yangi ish o'rinlari yaratilishini ta'minlaydi. Bundan tashqari jismoniy va yuridik shaxslar tamonidan kiritiladigan investitsiyalar davlat budjetidagi og'irlikni kamaytiradi, budjetdagi mablag'larni boshqa bir ishga sarflash imkonini beradi. Agar rivojlangan xorijiy mamlkatlarni iqtisodiyotini o'sish tendensiyalarini kuzatadigan bo'lsak asosiy rivojlanish faktori bo'lib xorijiy investitsiyalar xizmat qiladi. Biz doim maqtaydigan AQSH, Yevropa Ittifoqi mamlakatlari, Yaponiya kabi mamlakatlarda ham iqtisodiyotini rivojlanishida investitsiyalarning ayniqsa xorijiy investitsiyalarning o'rni beqiyosdir. Ushbu xorijiy investitsiyalar yuqorida qayd etilgan mamlakatlarning har bir soha va tarmoqlariga yo'naltirilgan. Bu tarmoqlar safida ijtimoiy sohada, iqtisodiyotning barcha sektorlari, xizmat ko'rsatish, infratuzilma obyektlarini qurish va ta'minlash kabilar kiradi. Bu bugun mamlakatimizga xorijdan olib kelmoqchi bo'lgan texnologiyalarning barchasini yaratilishiga inson kapitali, ilmiy-tadqiqot ishlari va ta'limga yo'naltirilgan investitsiyalar sababchi bo'lgan. Bular orasida ayniqsa inson kapitaliga yo'naltiriladigan investitsiyalar muhim o'rin egallaydi. Bundan tashqari investitsiyalarni jalb qilish mamlakatga xorijiy aktivlar va xorijiy valyuta oqimini kuchaytirib, mamlakat oltin valyuta zahirasini ko'payishiga olib keladi. Yuqoridagi faktorlarni yaxshi tushungan holda O'zbekiston ham mustaqilligining dastlabki yillaridan boshlab mamlakatga invstitsiyalar oqimini jalb etishga harakat qilmoqda. Bu borada anchagina ko'p ishlar qilindi. Jumladan mamlakatimizda 1996-1997 yillarda bir qancha investitsiya faoliyatiga oid qonunlar qabul qilingan, bundan tashqari 2008-yilda Prezident qarori bilan respublikadagi birinchi "Navoiy" EIZ tashkilk etilgan, bundan tashqari, ya'na "Angren" va "Jizzax" EIZ ham tashkil etilgan bo'lib ushbu erkin iqtisodiy zonalarga investitsiya kiritgan investorlarga katta imkoniyat va sharoitlar yaratilgan. 1991-yildan boshlab O'zbekistonga kiritilayotgan to'g'ridan-to'g'ri investitsiyalar oqimi yildan yilga oshib bormoqda. 2016-yilda bu ko'rsatkich 3 mlrd AQSH doll. tashkil etgan bo'lsa 2017-yilda bu ko'rsatkich 4.5 mlrd doll. tashkil qildi. Xorijiy investitsiyalarning salmog'i oshishiga birinchi navbatda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tamonidan boshlangan iqtisodiy islohotlar va mamlakat iqtisodiyotini liberallashtirish harakatlari sabab bo'lmoqda. O'zbekiston bozorini tashqi dunyo uchun ochilishi, investorlar uchun

qulay sharoitlarni yaratilishi bu boradagi dastlabki qadamlar bo'ldi. 2017-yil 7-fevralda Prezident farmoniga mamlakatimizda "2017-2021 yillarda O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini" qabul qilinishi bu boradagi keying qadam bo'ldi. Ushbu strategiyaning uchinchi yo'nalishi bevosita iqtisodiyotni rivojlantirishda investitsiyalarning o'rnini oshirish va mamlakatga ko'proq investorlarni jalb qilishni nazarda tutadi. Shundan ham ko'rinib turibdiki hukumatimizni o'zi mamlakatga investitsiyalarni jalb qilishga e'tibor qaratmoqda. Xorijiy investorlarni jalb qilishdagi asosiy qadamlardan biri bu mamlakatimizda xorijiy valyutalarning erkin konvertaatsiyasini oshilishi bo'ldi. Bu investorlarga birinchi navbatda o'z foydalarini mamlakatdan olib chiqib ketishlari uchun kerak bo'ladi. Oldin investorlar olgan foydalarini olib chiqb keta olmaganlari uchun ham O'zbekistonga kelishni hohlamas edilar. Endi esa, vaziyat o'zgardi. Bundan tashqari mamlakatimizda investorlar haq-huquqlarini himoya qilish borasida ham bir muncha muammolarning mavjudligi ularni O'zbekistonga kelmasliklariga yana bir sabablardan biri hisoblangan. Xorijiy va ichki investitsiyalarning iqtisodiyotga kam kirishi va iqtisodiyotdaagi investor bo'lib davlatning o'zi ko'p yillardan beri xizmat qilayotgani ham anchayin jiddiy muammolardan biridir. Bunga misol qilib 2016-yilda mamlakatimiz iqtisodiyotiga 16 mlrd doll. miqdorida investitsiya kiritilgan bo'lsa, shulardan 13 mlrd dollari davlat tamonidan kiritilayotgan va budjetdan ajratilayotgan investitsiayalar edi. Bu o'z navbatida hamma sohal;arni ham moliyalashtirishga va ishlab chiqarishni zamon talablaridan kelib chiqib yangilash imkonini bermagan. Bunday holat xususiy sektorda ham bor edi. Xususiy sektor vakillari konvertatsiya yopiqligi tufayli o'z vaqtida yangi uskunalar xarid qila olmaganlar. Yuqorida davlat asosiy investor bo'lib xizmat qilgan dedik nega deganda 2016-yilda davlat korxonalarining ulushi iqtisodiyotda yuqori edi. Shu bois ham davlat o'z korxonalarinigina moliyalashtirgan. Davlat korxonalari ko'pligi uchun ham hamma korxonalar birdek moliyalashtirilmagan. Shu bois ham ham davlat ham xususiy sektor mamlakatdagi investitsion muhitni jozibador emasligidan zarar ko'rgan. Bugungi kundagi milliy ishlab chioqaruvchilar bino-inshoatlari, texnika va texnologiyalari juda eskirib ketgan va modernizatsiyaga muhtoj, iqtisodiyotimizni bugungi ahvolida ularning bir o'zlari bu ishlarni bajara olmaydilar, texnika va texnologiyalarni eskiligi birinchi navbatda sifat jihatdan raqobatbardoshlikni tushirib yuborsa, ikkinchida eski uskunalar energiya sarfini ko'paytiradi, mahsulot tan narxini ortib ketishiga sabab bo'layotgan edi. O'zbekiston tashqi savdosida eksport darajasi pastligi ham yuqoridagi omillarga bog'liq.

Tabiiy savol tug'ilishi mumkin biz o'z kuchimiz bilan ham ko'tarilib olishimiz mumkinmi?

O'ylashimizcha bu juda qiyin bo'ladi va ko'p harajatli bo'ladi. Yuqorida ta'kidlaganimzdek bu birgina mamlakat budjeti uchun og'irlik qiladi shu boisdan bunday ishlar qo'shimcha moliyalashtirish manbaalaini jalb qilgan maqul bu qo'shimcha mablag'ni davlatga ichki yoki tashqi investorlar berishi mumkin.

Bunday investorlarni mamlakat hududlari bo'ylab yoyib yuborish darkor, shunda bu investorlar butun mintaqalarni rivojlantirib boradi. Xodijiy investorlarni mamlakatimizga kelishi mamlakat uchun juda foydalai bo'ladi.

Birinchidan – mamlakatga valyuta mablag'lari kirib kelishi yuz beradi;

Ikkinchidan - mamlakatga yangicha boshqaruv uslublari, yangicha texnologiya va nihoyat yangicha qarashlar kirib keladi;

Uchinchidan – mamlakatda infratuzilma obyektlari qad rozlaydi va ta’mirdan chiqariladi.

Bugungi kunda hududlar miqyosida qaraydigan bo’lsak asosiy investorlarni jalb qilishi va ishlashiga ta’sir o’tkazuvchi investitsion jozibadorlik darajasi juda pastligi ayon bo’lib qolmoqda.

Quyida keltiriladigan jadvalda mamlakatimiz hududlarining investitsion jozibadorligi ko’rsatkichlari keltirilgan




**1-rasm O’zbekiston Respublikasi hududlarini investitsion jozibadorlik koefitsenti**[166]

Yuqoridagi rasmdan ko’rinib turibdiki investitsion jozibadorlik koefitsenti asosan infratuzilma yaxshi rivojlangan Toshkent shahri va Toshkent viloyatida yuqori o’rinlarda turibdi. Eng past ko’rsatkich aholisi kam va unchalik ham rivojlanmagan Jizzax va Sirdaryo viloyatlarida. Andijon va Xorazm viloyatlarida ham investitsiyalarni jalb qilishda yetarlicha muammolar borligini ko’rishimiz mumkin.

Shu o’rinda biz andoza olishimiz mumkin bo’lgan xorijiy davlatlar haqida ham gapirib o’tmoqchimiz, jumladan Singapur, Xitoy, Malayziya.

Singapur davlati 80-90 yillarda hozirgi O’zbekiston holatida hattoki, undan ham pastda edi. Bugungi kunda esa, ushbu mamlakat investitsion jozibadorlik bo’yicha birinchi o’rinda turadi. Xo’sh bu qanday ro’y berdi.

Dastlab Singapur hukumati investorlarni jalb qilish uchun ularga soliqlardan imtiyozlar bera boshladi, undan keyin bir necha yilga investorlarni turli soliq yig’imlari va boshqa to’lovlardan ozod qildi, davlat mulki aktivlarini xususiy investorlarga sota boshladi, qimmatli qog’ozlar bozorini rivojlantirdi. Keyingi o’rinlarda soliq solish yuklamasini pasaytirdi, hozirda Singapur soliq yuki eng past o’nta davlatlar qatoriga kiradi. Ulardan so’ng esa infratuzilmani va xizmat ko’rsatish darajasini yaxshilash

[166] Stat.uz- O’zbekiston Respublikasi statistika qo’mitasi rasmiy sayti.

orqali bugungi kunda jadal rivojlanib kelmoqda. Singapurga har yili 100-150 mlrd doll. atrofida investitsiya kiritiladi. YaIM kishi boshiga 25 ming doll. dan to'g'ri keladi.

Xitoy Xalq Respublikasi ham 80-90 yillarda juda og'ir ahvolda edi. Xitoyni investitsion faoligini sabab asosan arzon ishchi kuchi va investorlarga yaratilgan qulay soliq siyosati va turli xil ko'rinishdagi yuzlab Erkin Iqtisodiy zonalarni barpo etkanidir. Xitoyda hozirda EIZ har qanday shakli va turini uchratish mumkin, bu ularning yutuqlari desak ham bo'ladi. Xitoy investitsiya kiritilishi bo'yicha dunyoda yetakchi hisoblanadi. Xitoy 2017-yilda umumiy jalb qilingan investitsiya hajmi 27.4% ga o'sib 136 mlrd doll. tashkil etdi.

Tayvan va Vietnam mamlakatlarti ham bugungi kunda investorlani jalb qilishda ancha faol hisoblanadi, bunga asosiy sabab sifatida arzon ishchi kuhi va soliq stavkalarining past darajada ekanligi bilan izohlash mumkin. Vietnamdagi xorijiy investitsiyalar hajmi 2017-yilda 25.4 mlrd doll. tashkil qildi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsa, mamlakatimizning investitsion joziba dorligini oshirish va investitsion faollikni oshirish uchun quyidagi chora-tadbirlarni bajarishni taklif qilgan bo'lar edik:

1. O'zbekistonda investorlar huquqlarini ta'minlash va investitsiyalarni daxsligini ta'minlovchi va turli xil investitsiyaga oid qonunlarni birlashtirgan holda yagona Investitsiya Kodeksini ishlab chiqish;
2. O'zbekistonda investorlar kirib kelishi va faoliyat ko'rsatishi uchun mualliflik huquqlarini himoya qilish jarayonlarini yanada takomillshtirish;
3. O'zbekistonda Soliq Kodeksi va Bojxona Kodeksi shuningdek, bojxona bojlari stavkasini qayta ko'rib chiqish va ularni jahon tajribasidan kelib chiqqan holda qayta belgilash;
4. Mamlakatimizda davlat mulkini xususiylashtirishni jadallashtirish va monopol kompaniyalar salmog'ini kamaytirish;
5. Investor va tadbirkorlar uchun ochiq va haqqoniy statistic, moliyaviy va h.k ma'lumotlar portalini yaratish;
6. Sarmoyadorlar va tadbirkorlarni mamlakatda faoliyat ko'rsatishlari uchun ruxsatnomalar olish tamoyilini soddalashtirish, ayrim ruxsatnoma turlarini olib tashlash yoki qo'shib yuborish kerak.
7. Investorlarni jalb qilish va jozibador investitsion muhitni yaratishda yetakchi va rivojlangan mamlakatlar tajribasidan foydalanish, ularni o'rganib chiqish.

Ш. Нуруллаева, М. Муминова,
Н.Рузметова, С.Сайдуллаева
ТДИУ катта ўқитувчилари

## ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи ва ишлаб чиқаришда амал қиладиган кучлар унинг омиллари ҳисобланади. Ўсиш юз бермаса иқтисодиѐт статик (ўзгармас), аксинча бўлса динамик (ривожланувчи) ҳолатда бўлади. Иқтисодий динамикани эса ишлаб чиқаришни ўстирувчи омиллар таъминлайди. Энг сўнги

иқтисодий ўсиш назарияларига кўра омилларнинг асосийлари: табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати; мехнат ресурсларининг микдори ва сифати; ишлаб чиқаришдаги асосий капитал (фонд) миқдори ва таркиби; ишлаб чиқаришнинг технология даражаси. Бу ишлаб чиқариш омилларининг хажми ва сифатини билдиради, иқтисодий ўсиш имкониятларини англатади.

Иқтисодий ўсишни таъминлашнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

- ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш;
- фан-техника тараққиѐтини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник - иқтисодий даражасини кўтариш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш муддатини қисқартириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперациялаш, комбинатлаштириш ва ҳудудий жойлаштириш даражасини ошириш;
- бошқаришнинг структурасини, молиялаш, баҳолаш ва кредитлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- инсон омилини кучайтириш асосида меҳнаткашларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббусини оширишни йўлга қўйиш;
- инвестицияларни кенг жалб қилиш.

Иқтисодий ўсишини таъминлашнинг ҳал қилувчи йўлларидан яна бири фан-техника тараққиѐтини жадаллаштириш орқали инновацияларни жорий қилишдир.

Инновациялар қўллаш хусусиятларига кўра иккита гурухга ажратилади:

- янги маҳсулотларни, буюмларни, моддаларни, ярим фабрикатларни, бутловчи қисимларни қўллашни жиддий янги ѐки мукаммаллаштирилган маҳсулотларни яратишни қамраб олган маҳсулот кўринишидаги инновациялар;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш янги усулларни, янги жараѐнларни, янги технологияларни ва улар билан боғланган янги жихозлар ва асбоб-ускуналарни қамраб олган жараѐн кўринишидаги инновациялар.

Инновацияларни қуйидаги турларини ажратилади:

1. Қатъийлигига (янгилигига) кўра: йирик ихтироларни амалга оширадиган ва техникани янги бўғинларини ва ривожланиш йўналишларини шакллантирилишга асос бўладиган базис инновациялар; одатда майда ва ўрта ихтироларни амалга оширадиган ва илмий-техник ривожланиш даврни тарқалиш ва барқарор босқичларида устунлик қиладиган яхшилайдиган инновациялар; эскирган техника ва технология бўғинларини қисман яхшиланишига қаратилган сохта инновациялар.

2. Қўлланиш хусусиятларига кўра: янги маҳсулотларни ишлаб чикаришга ва ишлатишга йўналтирилган маҳсулот инновациялари; янги технологияни яратишга ва татбиқ қилишга қаратилган технологик инновациялар;

янги тузилмаларни қуриш ва ҳаракатлантиришга мосланган ижтимоий бир неча ўзгаришларни ифодалайдиган комплекс инновациялар; янги бозорларда маҳсулотларга, хизматларга бўлган эҳтиѐжларни қондирадиган бозор инновациялари.

3. Келиб чиқиш сабаби ва манбаси бўйича: фан ва техника ривожланишидан келиб чиккан инновациялар;

ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларларидан келиб чиккан инновациялар; бозор эҳтиёжларларидан келиб чиккан инновациялар.

4. Қайта ишлаб чиқариш жараёнидаги ахамиятига кўра: истеъмол инновациялар; инвестицион инновациялар;

5. Инновацияни масштаби бўйича: мураккаб (синтетик) инновациялар; содда инновациялар.

Ўзбекистонни иқтисодий салохиятини ривожланишининг асосий омилларидан бири - иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказишдир. Бу йўналишни асосий мақсади ишлаб чиқаришни технологик даражасини ва рақобатдошлигини ошириш, инновацион маҳсулотни ички ва ташқи бозорларига чиқишини таъминлаш, ички бозорда импорт маҳсулот ўрнини эгаллаш, экспортга мосланган иқтисодиёт тизимини яратишдир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида миллий инновацион тизимини яратиш нафақат илмий-техник соҳанининг муҳим вазифаси, балки миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш вазифаси хамдир.

Ўзбекистондаги макроиқтисодий ўсиш суратларининг юқори натижаларга эришилишида мамлакатнинг модернизация қилинаётганлиги ҳам катта ўрин тутади. Унинг натижасини барқарор иқтисодий ўсиш суратларидан ҳам яққол кўрса бўлади. Иқтисодиётни модернизация қилиш унинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришда техника технологияни янгилаш, энергия манбаларини тежаш, ишлаб чиқарилаётган товар турларини кўпайтириш мақсадлари ётади.

Мамлакатимизда иқтисотиётни модернизация қилишга фақатгина макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш сифатида эмас балки аҳоли даромадлари манбалари турларининг кўпайиши, аҳолини иш билан таъминлаш, маҳаллийлаштириш, ички бозорни товарлар билан тўлдириш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш масалалари сифатида ҳам қаралмоқда. Масалан, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Асосан даромад шакллари ўзгариши, даромадларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан таркибий қисмлари ўзгариши, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналишлари пайдо бўлиши аҳолини моддий жиҳатдан рағбатлантириб, интилиши ва изланиши учун стимул вазифасини ўтамоқда. Ўз навбатида модернизация жараёнлари ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам рағбатлантиради, ҳам янги товар турларини ишлаб чиқариш, маҳсулот сифатини яхшилаш талабини қўяди.

Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнлари иновацияларнинг жорий қилиниши билан бирга юз беради. Бирини иккинчисисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Модернизация янгилаш, замонавийлаштириш маъноларини билдирса, иновация янгиликларни жорий қилиш деган маънони билдиради. Иновация жараёнлари модернизациянинг ичида кетади. Агар модернизациялашни стратегия деб олсак, иновация жараёнларини стратегияни амалга ошириш борасидаги тактик фаолият деса бўлади.

Иқтисодиётни модернизация қилинишида иновацион жараёнларнинг асосан учта йўналиши муҳим ҳисобланади:

1. Хорижий техника технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши.

2. Мамлакатнинг илм-фан слоҳияти, илм фан ютуқларини, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги.

3. Ишчи кучининг сифат даражасининг юқори бўлиши, тайѐрланаѐтган кадрларнинг билим даражаси ва уларнинг янгиликка интилиши, янги техника технологияларни ўзлаштириш кўникма ва қобилиятларининг шакллантирилганлиги.

Ўзбекистон шароитида хорижий техника-технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинишида қулай ивестицион муҳит, хорижий ивесторларнинг ҳуқуқларининг кафолатланиши, қулай ички ва ташқи бозорнинг бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Иқтисодиѐтнинг модернизация қилинишида мамлакатнинг илм-фан салоҳияти, илм фан ютуқларини, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзаро ҳамкорлиги катта рол ўйнайди. XX асрнинг 50 йилларида АҚШда бошланган илмий техника инқилоби илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорлиги ва боғланиши натижасида вужудга келган эди ҳозиргача давом этмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида давлатнинг илмий технологик тараққиѐт соҳасида инновация ва инвестиция фаолияти учун зарур иқтисодий имкониятлар яратиш ўз таркибига солиқ, молия, амортизация, кредит ва божхона сиѐсати кабиларни қамраб олувчи билвосита тартибга солишни амалга ошириш давлатнинг асосий вазифаларидан саналади.

Давлат томонидан инновация жараѐнларини тартибга солишнинг зарурати, аввало, уларнинг иқтисодиѐт ва жамият учун аҳамияти ошаѐтганлиги билан боғлиқдир. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиѐти экстенсив ва интенсив омилларнинг мослигига таянади. Ҳозирги даврда ишлаб чиқаришга янги ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий ўсишга эришиш имконияти чеклангандир. Шу сабабли иқтисодий тараққиѐтда интенсив омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Демак, инновацияларнинг умумижтимоий моҳиятининг асосий жихати уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга ҳал қилувчи таъсири ҳисобланади. Бундан ташқари, инновациялар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишига, институтционал иқтисодий механизмларга, ижтимоий барқарорликка, атроф-мухитга, иқтисодий хавфсизлик даражасига ва энг асосийси жаҳон хўжалиги тизимидаги миллий иқтисодиѐтлар рақобатбардошлигига таъсир этади.

Демак, давлат инновация жараѐнларини бугунги кунда айнан улар мамлакат тараққиѐти истиқболини белгилаганлиги туфайли ҳам тартибга солиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, давлат инновация сиѐсати 3 асосий йўналишга ажратилади:

- Инновация фаолиятини фаоллаштиришни таъминлаш. У ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: фундаментал тадқиқотларни қўллаб-кувватлаш, мамлакатда корхоналар томонидан амалга ошириладиган тижорат инновациялари учун зарур иқтисодий-ижтимоий мухитни яратиш;

- Таълим, маънавият, экология, ижтимоий химоя, мудофаа каби соҳаларда давлат маъсулияти талабларига жавоб берувчи инновацияларни яратиш ва тарқатиш борасидаги мақсадли дастурлар бўйича давлат буюртмаларини молиялаштириш;

- Алоҳида корхоналар учун манфаатдор, аммо зарур даражада юқори даромад келтирмайдиган ишланмалар ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва танлаб рағбатлантиришни амалга ошириш.

Юқорида берилган йўналишларни биринчиси, умуман, миллий корхоналар рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган, жумладан, корхоналарда ишчи ўринларини сақлаш ва яратиш бўлиб, мазкур мақсадлар учун солиқ тўловчилар ҳисобидан тушувчи маблағлар сарфланади.

Иккинчи йўналиш таъминотчилар ва индивидуал истеъмолчилар ўртасида бевосита икки томонлама келишувлар асосида ўзлаштирилиши ѐки сотилиши мумкин бўлмаган истеъмол бозорига хизмат кўрсатади.

Учинчи йўналиш иккинчи йўналиш билан муносабатга эга, аммо унча кучли бўлмаган оралиқ ҳодисалар учун мос бўлиб, уларнинг ташқи ижтимоий самаралари ўз ўрнига эга ва давлатнинг нотижорат меъзонлари у ѐки бу инновацияларга нисбатан қўлланилади.

Айни дамда, инновацион фаолиятини анъанавий ишлаб чиқариш фаолиятидан ажратувчи тамойиллар тавсифи мавжудлигини ҳисобга олиш зарур:

1. Инновация характерига эга бўлган ва фақат келгусида қопланиши мумкин бўлган қўшимча харажатларга эхтиѐжнинг мажудлиги. Шуни такидлаш лозимки, ҳар бир алоҳида олинган инновацияларда бу сарфлар индивидуал характерга эга бўлади – улар ҳажми, қайтариш тезлиги кўпгина объектив ва субектив холатларга боғлиқ бўлади;

2. Инновацияга сарфлар ва уни жорий этишдан олинадиган самара вақт бўйича мос келмайди. Жумладан, қандайдир янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бутун даври давомида амалга оширилган сарфлар уни сотиш бошланиши билан қопланмай, маълум муддат ўтишини талаб этади. Инновацияларнинг қопланиш ҳисоб-китобида вақт омили дисконтлаш усулини қўллаш оқали амалга оширилади. Бу ҳўжалик субъектининг жорий ва истиқболдаги манфаатлари бирлигини бузувчи хусусият бўлиб, инновация фаолияти билан шуғулланиш истагига салбий таъсир кўрсатади.

Шаропова Нафосат Раджабовна
ТДИУ “Маркетинг” кафедраси
таянч докторанти

## ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Замонавий иқтисодиётда таълим хизматлари бозори муҳим роль ўйнайди, чунки, таълим хизматларини кўрсатиш орқали ходимларнинг билим савияси ва малака даражаси оширилади ва шу орқали меҳнат бозорида меҳнат сифатини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли,

бугунги кунда таълим тизимининг рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган сезиларли ўзгаришларни амалга оширилмоқда ва бу мактабгача таълим хизматлари бозорига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳукуматимиз томонидан давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлган замонавий билимни янада оширишга асосланган янги иқтисодиётни ривожлантириш, хусусан мактабгача таълим тизимига катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларнинг ижросини таьминлаш бугунги кунда ушбу йўналишнинг қанчалик даражада долзарблигидан далолат беради.[167]

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мамлакат аҳолисининг ўсиб боришини эътиборга олганда болаларнинг мактабгача таълимга зарур даражада қамраб олинишини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини қуриш-таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим хизматларини такомиллаштириш мақсадида мактабгача таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш ишлари изчил даражада амалга оширилмоқда.

Мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш ва ота-оналарнинг фарзандларига кўрсатилаётган мактабгача таълим хизматларидан қай даражада мамнун эканликлари ва мактабгача таълим хизматларининг сифатидан қониқишларини оширишга таъсир этувчи омилларни ўрганишга оид замонавий стратегиялари Sh.Wolfa, E.Tsinigob, J.Behrmanc, J.Aberd, D.Libent, L.-F.Jang, L.Moore, Y.-M.Lin, A.M.Barriers, E.Nitecki ва S.Waltonларнинг илмий изланишларида кенг ёритилган.[168]

Мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг асосий мақсади - истиқболли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг қониқтирилганлик даражасини баҳолаш, истеъмолчилар хулқ-атвори гипотезасини текшириш ва уни башоратлашдан

---

[167] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 29.12.2016 й.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3651-сонли қарори. 5.04.2018 й.

[168] Sharon Wolfa, Edward Tsinigob, Jere Behrmanc, & J.Lawrence Aberd. Testing and Scaling-up Supply and Demandside Interventions to Improve Kindergarten Educational Quality in Ghana. SIEF Midline Report. New York. 2017. p. 67.; Daphina Libent. Early childhood studies department. Determinants of parents' satisfaction with the quality of pre-primary education in ilala district, Dar Es Salaam region, Tanzania. 2015. p.166.; Jang, L.-F., Moore, L., & Lin, Y.-M. Parents' perspectives on child care quality and satisfaction in Taiwan. // International Journal of Research Studies in Education. 2014 December, Volume 3. Number 5. pp 3-19.; Menon A. Barriers to parental involvement in early childhood education classrooms in Mumbai slums as perceived by parents. // Literacy Information and Computer Education Journal 2013, pp. 1314-1318.; Elena Nitecki. Looping and Attachment in Early Childhood Education: How the Applications of Epigenetics Demand a Change. //Journal of the Scholarship of Teaching and Learning. April 2017, pp. 85-100.; Sam M. Walton. Estimating the Demand for and Supply of Early Childhood Education in Northwest Arkansas. Center for Business and Economic Research Sam M. Walton College of Business. 2016. p 40.

иборатдир. Чунки, мактабгача таълим хизматлари бозорида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш орқалигина мактактабгача таълим хизматлари ҳақидаги ота-оналарнинг фикр-мулоҳазаларини, ота-оналарнинг таълим сифатидан қониқиш даражасини ва айнан қандай таълим хизматларига талаблари мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Шу сабабли, Ўзбекистон бўйича тасодифий тўрт балли Ликерт шкаласи асосида 446 нафар ҳозирда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 3-6 ёшли болаларнинг ота-оналаридан ижтимоий ***сўровнома*** ўтказилган. Сўровнома натижалари қуйидаги диаграммада тасвирланган. (2-расм).




**2-расм. Ўзбекистон бўйича ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари.**

Ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига кўра, ота-оналарнинг мактабгача таълим хизматлари сифатидан “**қониқарли**” деган жавобни 46% респондент, **“қониқарсиз**” деган жавобни 27% респондент, “**жуда қониқарли**” деган жавобни 15% респондент ва “**жуда қониқарсиз”** деган жавобни 12% респондентлар жавоб берган. Демак, мактабгача таълим муассасаларида кўрсатилаётган мактабгача таълим хизматлари сифатидан **аксарият ота-оналар мамнун ва уларни қониқтирар экан** деган хулосага кела оламиз.

***Хулоса қилиб айтганда***, мактабгача таълим тизимида зарур инфратузилмани яратиш ва рақобат муҳитини яратиш учун ***хусусий секторни ривожлантириш***га алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Айни пайтда биз мактабгача таълимнинг давлат секторини тадбиркорлик фаолиятига интеграциялашуви босқичига ўтиши ва пулли таълим хизматлари бозорини ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, ***“Корпоратив нодавлат мактабгача таълим муассасалари***”ни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш. Бунда корпоратив мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқган ташкилот ва компанияларга давлат томонидан ҳуқуқий ва молиявий кўмак бериш лозим.

Мактабгача таълим хизматлари бўлган талаб ва кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифатидан ота-оналарнинг қониқиши ва қай даражада мамнун эканликларини аниқлаш мақсадида ҳар йили маркетинг тадқиқотларига асосланган ***ижтимоий сўровномалар*** ўтказиш.

Хамидов Обиджон Ҳафизович,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент,
Халқаро алоқалар бўйича проректор
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугунги кунда жадал ривожланаётган ва юқори даромад келтираётган экологик туризм соҳаси, жаҳон туризм саноати таркибидаги энг оммавий йўналишлардан бирига айланди. Экологик туризм соҳасининг ривожланиш истиқболлари Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) томонидан белгилаб берилган: Экотуризм 2020 йилгача бўлган даврда туризм соҳасини ривожлантиришнинг бешта асосий стратегик йўналишлари жумласига киради, шу даврда экологик туристларнинг сони йилига 30 % кўпайиб бориши кутилмоқда.

Бутунжаҳон туризм ва сайёҳлик кенгашининг маълумотларига кўра, ушбу тармоқда 292 миллиондан зиёд иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳиссаси 7,6 трлн. долларни, ЯИМдаги улуши эса 10,2 фоизни ташкил этмоқда[169]. Бундан ташқари, туризм хизматлари экспорти жаҳон товар ва хизматлар экспортининг етти фоизини ташкил этади. Дунё экспорти таркибида туризм ёқилғи, кимё саноати, озиқ-овқат ҳамда автомобиль саноати экспортидан кейин бешинчи ўринни эгаллаганлиги унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланишига ўзига хос тарзда ижобий таъсир кўрсатаётганидан далолат беради.

Кейинги 20 йил мобайнида ривожланаётган мамлакатларга экологик туристлар оқими келиши анча кўпайди, чунки бу мамлакатлар энг ноёб экологик тизимлар, биохилма-хилликларга эга эканлиги кўпчиликка маълум. Мазкур мамлакатларда экотуризм рекреация соҳасидаги даромадларнинг катта ҳажмини ташкил этади. Кения, Эквадор, Коста-Рика, Непал каби мамлакатларда экологик туризм қатъий валютадаги даромадларнинг асосий манбаи бўлиб, ундан келадиган фойда йилига 1140-1550 млн. АҚШ долларидан иборат. Масалан, фақат Коста-Риканинг ўзида экотуризмдан олинадиган даромад йилига 650 млн. долларни ташкил этади.

АҚШ, Канада, Мексика, Аргентина, Янги Зеландия, Австралия, Индонезия, Жанубий Африка Республикасининг миллий боғларида ноёб табиат объектларини кишиларнинг дам олиш эҳтиёжларини таъминлаш йўналишида муҳофаза этиш, улардан шунга мос ҳолда экотуризмда фойдаланиш тартиби ҳамда бошқариш белгиланган. Америкача типдаги миллий боғларда асосий эътибор туризм ва дам олишни ташкил этишни табиат муҳофазаси билан боғлаб олиб боришга қаратилган. XIX аср охиридаёқ “Ғарб ёввойи” табиатининг ноёб бурчакларида шимолий америкача классик андозага мувофиқ миллий боғлар мажмуаси таркиб топган эди. Чунончи, 1885 йилда Банф, 1886 йилда – Йохо,

[169] Travel & tourism global economic impact & issues 2017, // World travel & tourism council, United Kingdom, 2017.

1890 йилда – Йосемит, 1895 йилда – Ватертон-Лейк, 1910 йилда – Глейшер миллий боғлари ташкил этилган.

1950 йилда дунёнинг 39 мамлакатида икки юзга яқин миллий боғ фаолият юритган бўлса, 1982 йилда уларнинг сони мингтага, ҳозирги вақтда икки мингтага етди. Миллий боғлар фаол реклама қилинди, уларни жиҳозлашга катта эътибор берилди, шу жумладан пиёдалар сўқмоқлари, автомобиль, темир йўл тармоқлари барпо этилди, дам олиш жойлари, кузатиш майдончалари, меҳмонхоналар, овқатланиш шоҳобчалари, туризм анжомларини ижарага бериш базалари, алоқа корхоналари қурилди. Булар миллий боғларга келадиган кўплаб туристлар оқимининг кескин ошишига олиб келди. Масалан, Йеллоустон миллий боғига ташриф буюрганлар сони 1895 йилда атиги 5,5 минг кишини ташкил этган бўлса, XX асрнинг 50-йилларида бу кўрсаткич 1,5 млн. кишига, 60-йилларда 2 млн. киши, 70-йилларда 3 млн., 2000 йилда 4 млн. кишига етган.

Ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўз ҳудудларининг 20-30%ини қўриқхоналар ва миллий боғларни ташкил этишга ажратмоқда, экологик туристларни, ишбилармонларнинг капиталларини жалб этиш билан шуғулланувчи махсус ташкилий тузилмаларни ташкил этмоқда.

Экологик туризмдан олинадиган даромад АҚШда ҳар йили 220 млн. АҚШ долларидан ошиб кетади ва бу кўрсаткич жадал ўсиб бораётир. Миллий боғлардан Кения оладиган даромад 450 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Эквадор фақат Галапагос оролларида экотуризмни ташкил этиш ҳисобига ҳар йили 180 млн. доллардан кўпроқ даромад олади. Осиё, айниқса Жануби-Шарқий Осиё, Африка, Лотин Америкасининг кўп мамлакатларида экологик туризмни ривожлантириш афзалликлари анча илгари англаб етилган ва уларда экологик туризм асосий даромад манбаларидан бирига айланмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон экологик ҳамжамияти дунё мамлакатларининг ҳар бирида ўртача улар ҳудудининг 10-15 фоизини муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга, уларнинг 10-12 фоиз ҳудудини эса рекреация зонасига айлантириш керак деган тавсияни бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда экологик туризм ресурслари салоҳиятини бошқариш ва ривожлантиришнинг энг асосий шарти ва муаммоси уни муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд (МЭТҲ)лар барча категорияларининг ресурс салоҳияти имкониятларидан самарали фойдаланиш ва уларни асраш ҳамда муҳофаза қилишга асосланиб ривожлантиришдан иборат. Бу муаммонинг ечими МЭТҲлар турли категорияларида рекреация-экотуризм зоналарини ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини оширишни оширишни талаб этади.

Мамлакатимизда МЭТҲлар 2604,1 минг га майдон ёки умумий мамлакат ҳудудининг 5,8 фоизини эгаллайди. Улар таркибига 8 та қўриқхона, 3 та миллий табиий боғ, 1 давлат биосфера резервати, 13 та давлат буюртмахоналари, 10 та давлат табиат ёдгорликлари киради (1-жадвал). МЭТҲлардан экотуризм учун энг аҳамиятлиси миллий табиий боғлар, биосфера резерватлари, қисман буюртмахоналар ва табиат ёдгорликлари ҳисобланади.

**1- жадвал**

**Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари (2016 йил)**[170]

| № | Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар | Сони | Майдони минг га | МЭТҲ лардаги улуши |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Давлат қўриқхоналари | 8 | 201,7 | 7,7 |
| 2. | Давлат миллий боғлари | 3 | 598,7 | 23,0 |
| 3. | Қуйи Амударё давлат биосфера рвати | 1 | 68,7 | 2,6 |
| 4. | Табиий питомниклар | 1 | 158,9 | 6,1 |
| 5. | Давлат буюрмаҳоналари | 13 | 1572,4 | 60,4 |
| 6. | Табиат ёдгорликлари | 10 | 3,7 | 0,2 |
| | **Жами** | **36** | **2604,1** | **100,0** |

Экотуризмни ривожлантиришни бошқариш самарадорлигини ошириш методологик ёндашув ва баҳолаш мезонларини белгилашнинг энг муҳим йўналиши бўлиб, у фаолиятнинг қўйилган мақсад ва вазифаларига мувофиқ келишини аниқлаш ва эришилган натижаларни ўлчашни билдиради. Умумий кўринишда бошқариш самарадорлиги зарур ресурслар ва улар билан таъминланганлик даражаси, фаолият йўналишларини белгилаш ва режалаштириш (бошқаришнинг асосий механизм ва усуллари), натижаларни назорат қилиш ва баҳолаш, уларнинг кўрсаткичларини табиатни муҳофаза қилиш кабиларини ҳисобга олиб аниқлашни ўз ичига олади.

Экологик туризм оммавий туризмдан ўзининг афзалликлари билан катта устунликка эга. У соф табиат (“ёввойи табиат”), табиий ва маданий ландшафтлар билан мулоқотда табиат қўйнида саёҳат ва фаол дам олиш билан боғлиқ бўлиб, қизиқарли табиат объектлари, ҳодисалари, манзаралари билан таништиришга йўналтирилади ва бир вақтнинг ўзида табиат муҳофазасини ҳам ўз ичига олади ва кўп сонли сайёҳларни ўзига жалб этади ҳамда тегишли даромад олиш имконини беради.

Экологик туризмнинг ўзига хос бўлган ва Ўзбекистон шароитида устуворлигини белгилаб берадиган қуйидаги афзалликларини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.

---

[170] Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.




**1-расм. Экологик туризмнинг ўзига хос ва мамлаатимиз шароитида устуворлигини белгилаб берадиган афзалликлари**[171]

Ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд МЭТҲларда экологик туризм ва туристик фаолиятни ташкил этиш кўп ҳолларда бошқарув (менежмент) нуқтаи - назаридан илмий асосланиб ташкил этилмаган, режалаштириш ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш, фаолият натижаларини назорат қилиш ва оқилона бошқариш йўлга қўйилмаган, натижада Ўзбекистоннинг мавжуд табиий ва экотуристик имкониятларидан фойдаланиш даражаси мавжуд талаб ва эҳтиёжларга жавоб бермайди. Шу сабабдан тармоқни ривожлантиришни бошқариш механизмларини комплекс ўрганиш, унинг рақобатбардош турлари ва йўналишларини излаб топиш ва амалиётга жорий этиш, жаҳон туризм бозорида юз бераётган ўзгаришлар ва ижобий тажрибалар ва андозаларни ҳар томонлама тўла ҳисобга олишни объектив заруратга айлантирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда экотуризм ривожланишнинг бошланғич босқичида эканлиги сабабли ҳозирги вақтда фирмалар тақдим этаётган турлар рўйхати ва маршрутлар чекланган хусусиятига эга. Мавжуд ҳолатни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш,

[171] Муаллиф ишланмаси.

экотуризмнинг йил фаслларига кучли боғлиқлиги ва мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

**Адабиётлар**

1. Хамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2016 й. 190 б.
2. Progress in Tourism, Recreation and Hospitality Management. Vol. 2. Edited by C.P. Cooper. Belhaven Press London and New York, 2004, 33 p.
3. Khamidov O. State policy of eco-tourism industry in the development of tourism destinations: a case of Uzbekistan // International journal of economics, commerce and management. United Kingdom. Vol. IV, issue 11, 2016 y. ISSN 2348 0386.
4. www.ecototourism.org
5. www.lex.uz
6. www.unwto.org

Н.Т.Шоюсупова
ТДИУ доценти
С.С.Амирджанова
ТДИУ талабаси

## ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ёшларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашлари, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш юзасидан кенг кўламли чоралар кўрилмоқда.

2016-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасига доир етмишга яқин фармон, қарор ва фармойиши қабул қилинди. Ушбу ғоя муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатда таълим тизимини том маънода сифат жиҳатдан тубдан ўзгариш ва янгилашлар жараёнлари учун асос бўлди[172].

Таълим сифатини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар талабларига мувофиқ юксак даражага кўтариш, шунингдек узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини назорат қилишни янада такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлигининг холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилди.

[172]Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган маърузаси, 29 сентябрь, 2017 йил. http://www.uza.uz

Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги таълим муассасалари қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш баробарида уларни замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш бўйича кенг кўламли чоралар кўрилмоқда.

Таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида мамлакатда Мактабгача таълим вазирлиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилди.

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим мактабларида, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактабларда, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатларида, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида ҳамда академик лицейларда узлуксиз ва 11 йиллик муддатда амалга оширилиши белгиланди.

Касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактабларининг 11-синфлари битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун 6 ойдан 2 йилгача бўлган ўқитиш муддатларида амалга оширилади

Эндиликда касб-ҳунар коллежлари аксарият ҳолларда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда йирик корхоналар тармоқ бўйсунуви бўйича кадрларга буюртмачилар таркибида фаолият юритади[173]. Коллежларда талаб этилган касблар бўйича иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий техника ва технологик тенденцияларни ҳисобга олган ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилган ҳолда ишлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлган ўрта бўғиннинг малакали мутахассисларини тайёрлаш амалга оширилади. Бу касбий меҳнат бозорида рақобат устунлигига эга бўлган кадрларни тайёрлашга хизмат қилади.

Олий таълим зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда юқори малакали, меҳнат бозорида рақобатбардош, кучли илм салоҳиятига эга мутахассислар тайёрлашга даъват этилган.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёв таъкидлаганидек, “Афсуски, аксарият олий ўқув юртларида таълим сифати халқаро мезонларга ва реал иқтисодиёт талабларига жавоб бермайди. Ишлаб чиқаришда иш бошлаган кўпгина битирувчиларни аксарият ҳолларда қайта

---

[173]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Халқ сўзи, 2018 йил 26 январь.

ўқитишга тўғри келмоқда"[174].

Олий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар ушбу муассасаларнинг таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар аниқланди.

Шу билан бирга иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки ҳам талабга жавоб бермайди. Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаяпти.

Олий таълим-илм-фан-ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган. Илмий-тадқиқот институтлари олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига зарур даражада жалб этилмаган, уларда илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг тизимли тайёрланмаслиги олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятининг пасайишига олиб келмоқда[175].

Ўзбекистонда олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Ушбу дастурга мувофиқ 48 та олий таълим муассасасида жами 180 та ўқув, илмий-лаборатория биноси, спорт иншоотлари ва ижтимоий-муҳандислик инфратузилмалари объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 53 та олий таълим муассасасида 400 та ўқув лабораторияси босқичма-босқич энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланади, 7 та олий таълим муассасасида барча олий таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда фойдаланадиган илмий лабораториялар ташкил этилади.

Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун йўналтириладиган молиявий

[174]Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқи // Тошкент оқшоми, 2016 йил 26 ноябрь.

[175] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислартайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 729-модда.

маблағлар 1,7 триллион сўмдан зиёд бўлиб, улардан 1,2 триллион сўми ўқув-лаборатория бинолари, спорт заллари ва талабалар турар-жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашга, 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эса ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва инвентарь билан таъминлаш, умумий тартибда фойдаланишга мўлжалланган, барча таълим муассасаларига хизмат кўрсатадиган лаборатория комплексларини ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга сарфланади[176].

Олий таълим тизимида талабалар сонини кўпайтириш билан бир қаторда мамлакатнинг замонавий иқтисодиёти учун юқори малакали мутахассилар тайёрлаш учун таълим сифатини ҳам тубдан яхшилаш керак. Ана шу мақсадда замонавий инновациявий педагогика услубларидан самарали фойдаланиш, айниқса муҳимдир. Улар учта таркибий қисмдан: дарсни бошқариш, ахборотни етказиш воситаси турлари ва билим олишни бошқаришдан иборатдир. Ушбу изчиллик педагогик технологиялар номини олган.

Шунинг учун талабаларда ҳам назарий, ҳам касбга доир компетенцияларни шакллантирилишга йўналтирилган замонавий таълим дастурлари қуйидагиларни қамраб олиши зарурлиги уқтирилади:

• ресурслар (педагог кадрлар, моддий-техника базаси, таълим фаолиятини ва амалий машғулотларни ўтказиш шароитлари ва бошқалар). Ҳар қандай таълим дастурини амалга ошириш учун бу ресурслар етарли ва сифатли бўлиши шарт;

• таълим дастурининг талабга мутаносиблиги. Бунинг учун касбий таълим муассасалари таълим дастурини ишлаб чиқишга иш берувчиларни албатта жалб қилишлари керак;

• таълим жараёнини баҳолаш. Бунда таълим дастурларининг самарадорлигининг мезонлари сифатида ижтимоий шериклар-иш берувчиларнинг таълим сифатини, мустақил экспертлар томонидан талабалар билимлари ва амалий кўникмаларининг баҳоланиши билан бир қаторда битирувчиларнинг ишга жойлашиши мониторинги натижалари қабул қилиниши керак[177] .

Олий таълим сифатини ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар талабларига мувофиқ юксак даражага кўтариш, шунингдек узлуксиз таълим тизимида таълим сифатини назорат қилишни янада такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш сифати ва ўқув жараёни самарадорлигининг холисона баҳоланишини назорат қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадидаташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси шу мақсадга хизмат қилади. Унинг таълим сифатини назорат қилишдаги асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

---

[176] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 313-модда.

[177]Competence-based learning.A proposal for assessment of generic competences / Ed. A.V. Sanchez & M.P. Ruiz. – Bilbao: university of Deusto, 2008.-334 p.

• таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларга малака тоифаларини бериш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

• идоравий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, таълим муассасаларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш;

• ўқувчилар, талабалар ва тингловчилар билимларининг Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари, давлат талаблари ва малака талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш[178].

Ҳозирги кунда таълим тизими олдида қуйидаги муаммолар учрамоқда:

-олий таълим тизимида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаган, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганишига тўғри келади;

- қатор олий таълим муассасаларида илмий-педагогик салоҳият паст даражада, таълим жараёнининг ўқув-методик ва ахборот таъминоти замонавий талабларга мос эмас, моддий-техник база тизимли равишда янгиланишга муҳтож;

- олий таълим тизимида ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.

Шу муносабат билан олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланиб, уларнинг ўқув ва моддий-техник базасини тубдан мустаҳкамлаш, бакалавриат ва магистратурага талабалар қабул қилишнинг умумий кўрсаткичларини босқичма-босқич равишда ошириш ва юқоридаги муаммоларни ечиш бўйича кенг кўламли тадбирлар белгиланди.

Сингапурский институт развития менеджмента (СИРМ)
в Ташкенте, Ишанходжаева Д.А.

## СПЕЦИФИКА ОРГАНИЗАЦИИ И УПРАВЛЕНИЯ В СФЕРЕ ТУРИЗМА

В последние годы туристическая индустрия Узбекистана все более активно включается в мировой рынок. Развитие туризма стимулирует создание рабочих мест и развитие бизнеса, перераспределяет ресурсы между странами. Данная сфера оказывает стимулирующее воздействие на такие секторы экономики, как транспорт, связь, торговля, строительство, производство товаров народного потребления и др.

[178] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 698-модда.

Туризм является одним из факторов, влияющих на развитие других областей общественного производства, так как удовлетворение потребностей в отдыхе, которое является важной целью туризма, осуществляется не только туристскими предприятиями, но и предприятиями других отраслей общественного производства.

Сфера туризма является важнейшей и составной частью экономики любого демократического государства, а в наших условиях имеет ключевое значение в социально – экономических преобразованиях, направленных на либерализацию экономического развития страны.

С древнейших времён туризм явление, известное каждому. Но лишь недавно туризм возник как специфическая форма деятельности людей, которой обязательно нужно управлять. Грамотное управление туристским рынком требует глубокого понимания отраслевых характеристик и проблем всей региональной экономики в целом.

Труд в управлении туризмом специфичен и существенно отличается от деятельности работников других отраслей, хотя на первый взгляд можно предположить, что менеджмент туристского региона и туристской организации опирается на ту же базу, что и менеджмент любого предприятия.

Первая особенность туризма заключается в большой глубине его проникновения и сложности взаимосвязей между его составными элементами. В туристской индустрии много туристских предприятий и организаций, которые, так или иначе, должны вписаться в единую систему управления, где преследуется цель обеспечения длительной дееспособности и конкурентоспособности на рынке.

Вторую особенность туризма как объекта управления можно представить в виде неясных и трудно измеримых целей. Для менеджмента частных туристских предприятий, которые в своей деятельности ориентируются на получение прибыли, характерны четкие и измеримые цели - накопление ценностей, движение наличности, прибыль и др. Для менеджмента туристских организаций таких целей не существует ни на уровне предприятия, ни на уровне региона.

Следующая особенность туризма заключается в сильном влиянии со стороны заинтересованной клиентской среды. Туристские организации не могут ожидать от своих участников того, что все они будут вести себя одинаково, поскольку существуют определенного рода противоречия между владельцами гостиниц, местными жителями и туристами. Именно поэтому нормативному менеджменту (на уровне туристской организации – политике предприятия, на уровне региона – планированию и координации деятельности путем разработки ведущего образа) уделяется очень большое значение.

Важнейшей особенностью туризма как объекта управления является специфика туристского продукта, его неотделимость от источника формирования. Товар в материальном виде существует независимо от его производителя, туристская услуга (а это тоже товар) неотделима от источника ее создания.

**Также процесс управления в сфере туризма должен опираться на ряд особенностей данной отрасли. В соответствии с этим можно выделить ряд общих черт, характерных для управления в сфере туризма смотрим рис. №1**




**Рисунок 1. Особенности процесса управления в сфере туризма[179]**

Как видно из рисунка процесс управления должен делать акцент на следующие особенности:

- приоритет желаний конечных потребителей при планировании туристской деятельности;
- непервичность туристской услуги;
- большое значение маркетинга в туристской отрасли;
- уникальность туристской услуги.

В связи с тем, что при реализации туристского продукта усиливается личностный аспект, процесс предоставления туристской услуги может быть автоматизирован в гораздо меньшей степени, чем, например, процесс производства товаров. По этой причине в менеджменте туризма неизмеримо больше внимания должно уделяться управлению персоналом и регулированию межличностных отношений.

Указ Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан» от 2 декабря 2016 года служит важным фактором обеспечения дальнейшего развития туристической сферы, придания туризму статуса стратегического сектора экономики, эффективного использования в регионах туристического потенциала[180].

В целях определения и координации выполнения целевых задач и приоритетных направлений, намеченных в указе, был организован Государственный комитет Республики Узбекистан по развитию туризма.

Как видно из рисунка №2 структура и сфера деятельности комитета очень обширна.

---

[179] Разработка автора

[180] http://uza.uz/ru/documents/o-merakh-po-obespecheniyu-uskorennogo-razvitiya-turistskoy-o-06-12-2016




**Рисунок 2. Структура Государственного комитета Республики Узбекистан по развитию туризма**[181]

Несомненным достоинством структуры комитета является учет уникальности данной сферы и широкий обхват области инвестиций, научных исследований, подготовки кадров, рекламно-информационной работы и др.

Деятельность министерства туризма также направлена на поощрение туристических путешествий и обеспечение необходимого уровня их безопасности, упрощение пограничных и таможенных формальностей, стимулирование строительства средств размещения и других предприятий туристической индустрии, создание общенациональной сети для экономических и социальных наблюдений в сфере туризма.

Таким образом, туризм является специфической формой деятельности людей, которой обязательно нужно управлять. Поэтому процесс управления в сфере туризма должен опираться на ряд особенностей данной отрасли.

## Список использованной литературы

1. Баранников А. Ф. Теория организации. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. - 701 с.
2. Лойко О. Т. Туризм и гостиничное хозяйство: Учебное пособие. – Томск: Изд-во. ТПУ, 2007. – 152 с.
3. http://uza.uz/ru
4. www.uzbektourism.uz/ru/

[181] www.uzbektourism.uz/ru/

Рўзиева Дилобар Исомжоновна, и.ф.н., доцент
ТДИУ “Саноат иқтисодиёти” кафедраси доценти

# МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС

Мамлакатимизда инновацияга йўналтирилган иқтисодиёт шакллантирилиб, инновацияларни миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ соҳаларга кенг жалб этиш учун шарт-шароитлар яратилган.

Бизга маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этади. Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан кичик бизнеснинг ривожланишига катта эътибор берилмоқда ва бу йўлда кенг ва салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Буни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва келгусида рағбатлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасидан кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. 2017 йил 1 январь ҳолатида республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони (деҳқон ва фермер хўжаликлардан ташқари) 218170 тани ташкил этб, 2000 йилга нисбатан 118731 тага ёки 2,2 баробар[182] кўпайди. Буни қуйидаги диаграммадан кўриш мумкин.




2017 йилнинг 1 январь ҳолатида иқтисодий фаолият турлари бўйича 61220 та кичик бизнес субъектлари (жами субъектларнинг 28,1 фоизи) савдо соҳасида, 42862 таси (19,6 фоизи) саноатда, 21796 таси (10,0 фоизи) қурилишда, 18051 таси (8,3 фоизи) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 15355 таси (7,0 фоизи) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатиш соҳасида, 10639 таси (4,9 фоизи) юк ташиш ва сақлаш соҳасида ва 48247 таси (22,1 фоизи) [183]бошқа соҳаларда фаолият кўрсатди.

---
[182] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Stat.uz
[183] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Stat.uz

2017 йил 1 январь ҳолатида фаолият кўрсатиб келаётган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
*(жамига нисбатан фоизда)*




Шу соҳа бўйича 2016 йил ва 2017 йилларнинг таҳлилий ҳолати натижаларига эътиборни қаратсак кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес субъектлари сонининг ошиши юртимизда шу соҳани ривожлантирилишига яратилаётган имкониятлардан дарак беришини кўриш мумкин.

Бизга маълумки, 2018 йил “Фаол тадбиркорлик ва инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. Йил номига бағишланган Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, бунда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, “Смарт” технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига ўтиш кўзда тутилган. Шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологияларни жорий этиш борасидаги рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилиши, венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш, улардан келажакда хусусий тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш ёки хўжалик фаолиятининг самарадорлиги инновацион фаолият орқали амалга оширилади. Унда янги ғояларни шаклланади, ишлаб чиқариш эса янги техника ва технологиялар билан қуролланади натижада рақобатдош маҳсулотлар яратилади.

Мамлакатимизда 2017 йилда 1083 та корхона ва ташкилотлар томонидан 2216 турдаги технологик инновация жорий этилган. Жорий қилинган технологик инновацияларнинг 975 таси яъни 44 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келади. Бу кўрсаткичлардан яққол кўриниб турибдики,

инновацияларни жорий қилишнинг салмоқли қисми кичик корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Кичик бизнес жамиятни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Кичик корхоналар фақатгина янги иш ўринлари яратибгина қолмай, шунингдек иқтисодий барқарорликка ҳам катта таъсир кўрсатади. 2000-2016 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 31,0 фоиздан 56,9 фоизга ўсиб, 25,9 фоиз бирликка ортганлигини кўриш мумкин.

Дунё амалиётига бир назар солсак, бир қатор чет эл давлатларида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини олиб қарайдиган бўлсак, Францияда бу кўрсаткич 62 фоизни, Италияда - 60 фоизни, Японияда - 55 фоизни, Германияда - 54 фоизни, Буюк Британияда - 53 фоизни, АҚШда - 52 фоизни, Қозоғистонда - 25,6 фоизни, Россияда – 20,0 фоизни ташкил этади[184].

Чет эл давлатлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг биргина ЯИМдаги улуши орқали таҳлил қилсак, юртимизда мустақиллик йилларида шу соҳани ривожлантириш борасида давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигини ёки шу юртда кичик бизнес субъекларининг самарали фаолият олиб боришлари учун имконият яратилганлигини унинг ЯИМдаги улушини 31,0 фоиздан 56,9 фоизга ошганлигидан кўриш мумкин.

Буни республикамиз вилоятлари мисолида таҳлил қилсак, 2016 йилда республикамиз худудлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши Наманган ва Жиззах вилоятларида юқори даражага етиб, 80,3 фоизни ташкил этган. Шунингдек, Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич 78,0 фоиз, Сурхондарё вилоятида 75,3 фоиз ва Хоразм вилоятида 74,2 фоизни ташкил этган. Сирдарё, Бухоро, Андижон, Фарғона, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 50-70 фоизлар оралиғида бўлиб, ўрта даражани қайд этган. Шу билан бирга, паст даражада қолаётган Навоий вилоятида бу кўрсаткич 37,6 фоизни ташкил этган. [185]

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар таҳлилидан шуни кўриш мумкинки, кичик бизнес мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамият касб этиб, у мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ҳам алоҳида ўрин тутар экан. Биз кичик бизнесни даромад келтирувчи манбаа сифатида қарамасдан, балки, унинг жамият учун қуйидаги афзалликларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим:

**Биринчидан:** айнан кичик корхоналар шарофати билан истеъмолчиларнинг танлов имкониятлари ошади;

**Иккинчидан,** кичик корхоналарда катта компанияларга нисбатан меҳнат унумдорлигини ошириш анча осонроқ;

**Учинчидан,** кичик бизнес инновацион фаолият билан чамбарчас боғлиқ.

Кичик бизнес бозорга осон кириб бориб, ўз ишлаб чиқараётган маҳсулотларини тез-тез турларини ўзгартириши, истеъмолчиларнинг

---

[184] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Stat.uz

[185] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Stat.uz

ўзгарувчан талабларига кўра товарлар ишлаб чиқариш билан бозор ҳолатини ўзгаришига тез жавоб қайтариш қобилиятига эга.

Бундан ташқари, кичик бизнеснинг молиявий пойдевори нисбатан кам, бошланғич сармоялар билан шахсий ишни бошлаш ҳамда қисқа муддатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконияти мавжуд. Айниқса, кичик бизнес орқали маҳаллий аҳоли учун анъанавий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини ривожлантириш борасида бозорни эгаллаш имкониятига эришиш мумкин.

Бизга маълумки, Япония ўзининг «Сони», «Панасоник», «Тошиба», «Мицубиси», «Сейко» корпорациялари билан дунёга машҳур бўлиши билан биргаликда бу корпорациялар унинг умумий иқтисодиётида бир фоизни ташкил қилади, 99 фоизи эса бу кичик корхоналардир. Япон иқтисодиётининг муваффақияти кўпроқ кичик бизнеснинг фаолиятига боғлиқ.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда кичик бизнес алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун:

- кичик бизнес субъектлари фаолиятида “Смарт” технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига ўтиш;
- янги маҳсулот яратиш учун бозор сиғимини шу маҳсулот турига нисбатан ўрганиш;
- янги маҳсулот турини яратиш учун тезкор тайёргарлик ҳолатини ўрганиш,;
- ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш ячейкасии ташкил этиш;
- маҳсулот харажатларини камайтирилишига алоҳида эътиборни қаратиш,;
- ишлаб чиқаришнинг улуксизлигини таъминлашга эришиш;
- юқори мослашувчан ва тез қайта қурилувчи ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- ички ва ташқи логистиканинг максимал самарадорлигини оширишга эришиш лозим.

Abdurahimova S.A. TDIU dotsent,
Akramov Kamoliddin TDIU magistri

## FARG’ONA VILOYATI OLTIARIQ TUMANIGA JALB ETILGAN XORIJIY INVESTITSIYALAR TAHLILI

Bugungi kunda mamlakatimizning jadal isloh etish va modernizatsiya qilishning yangi davri – milliy taraqqiyotimizning keyingi mantiqiy bosqichi izchil ravishda davom etmoqda. Shuning uchun, Oltiariq tumanida xorijiy investitsiyalarni jalb etish bo’yicha tumandagi korxona va tashkilotlar bilan birgalikda ish olib borib, tumandagi “LOLA-S” qo’shma korxonasi tashkil etildi hamda 1,5 mln. dollarlik xorijiy investitsiyalar jalb qilindi.

Shuningdek, Oltiariq tumaniga jalb etilgan xorijiy investitsiyalar va tashqi iqtisodiy faoliyat sohalarini tahlil qiladigan bo’lsak, bunda barcha kerakli sohalarni rivojlantirish hisobiga xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar 2014-2018 yillar uchun kiritilganlarini quyidagi jadvalda keltirilgan.

**1-jadval**

**Oltiariq tumaniga kiritilgan xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar**

| Ko'rsatkichlar | O'lchov birlik | 2014-yil | 2015-yil | 2016-yil | 2017-yil | 2018-yil |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar soni** | **Dona** | **1** | **1** | **2** | **2** | **3** |
| Shu jumladan | | | | | | |
| Respublika tasarrufidagi korxonalar | Dona | - | - | - | - | 1 |
| Xududiy tasarrufdagi korxonalar | Dona | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 |
| Ulardan faoliyat ko'rsatmayotgan korxonalar | Dona | 1 | - | - | - | - |

Manba: Oltiariq tumani hokimyati statistika bo'limi

Ushbu jadval ma'lumotlaridan foydalangan holda Oltiariq tumaniga kiritilgan xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar 2014-yilda 1 tani, 2018-yilda 3 tani tashkil etgan bo'lsa, xududiy tasarufdagi korxonalar soni 2018-yilda 2 tani, respublika tasarufidagi korxonalar 1 tani, jumladan, ularning barchasi faoliyat ko'rsatmayotgan korxonalar hisoblanadi.

Shuningdek, Oltiariq tumanida tashqi savdo aylanmasi mahsulot va xizmatlar eksporti prognoz ko'rsatkichi 3,6 mln dollar bo'lib, u amalda 2,0 mln.dollarga yetgandir. Jumladan, eksport xajmini ko'paytirish maqsadida tumandagi "Framoda tekstil" MChJda ishlab chiqarish kengaytirish uchun qo'shimcha 1 gektar yer maydoni ajratildi, 150 mln. so'm o'z mablag'laridan, 150 mln. so'm bank krediti mablag'laridan bo'lib, jami 300 mln. so'mlik investitsiya kiritilib ishlab chiqarish kengaytirilib 2018-yilda eksport xajmini o'sishiga erishish rejalashtirilgan.

2018-yilda Oltiariq tumanida bo'sh turgan va qurilishi tugallanmagan ob'ektlarni ishga tushirish bo'yicha 3 ta loyiha amalga oshirilgan.

2014-yilda tumanda 2 ta, 2015-yilda 1 ta bo'sh turgan binolarni ijaraga berish, 1 ta nochor korxonalarni sog'lomlashtirish belgilangan. Tuman xokimligi hamda viloyat mulk qo'mitasi, tijorat banklari tomonidan amalga oshiriladi.

Tumandagi qurilishi tugallanmagan Fayziobod bolalar shifoxonasi 2 yil muddatda 1,0 mlrd.so'm investitsiya kiritildi va 100 ta ishchi o'rinlari yaratildi.

2018-yilda Oltiariq tumanini ijtimoiy iqtisodiy rivojlantirish maqsadida investitsiya dasturiga asosan 42,8 mlrd. so'mlik investitsiyalar jalb qilinishi ko'zda tutilgan. 2017-yilning yanvar-dekabr oylari davomida jami 47,7 mlrd. so'mlik investitsiyalar o'zlashtirildi.

Tumanda so'nggi 2 yil mobaynida 37,0 mlrd.so'mdan ko'proq investitsiyalar kiritildi. Shundan 20,0 mlrd.so'mdan ko'prog'i xorijiy investitsiya xissasiga to'g'ri keladi. Bular tumanda 16 dan ziyod yangi ishlab chiqarish korxonalar, 122 dan ziyod aholiga savdo va maishiy xizmat ko'rsatish shaxobchalari tashkil etish hisobiga kiritildi. Jumladan, yengil sanoat sohasida "Hamza" shaharchasida pishiq g'isht ishlab chiqarish korxonasi, Zilxa qishlog'idagi "S-LOLA" MChJ korxonasi, Bo'rbonliq qishlog'ida sog'lomlashtirish majmuasi, Qapchug'ay qishlog'ida sutni qayta ishlash

korxonasi va boshqa korxonalar tashkil etilib, ular tomonidan 1,0-1,2 million AQSh dollari miqdorida chet va MDX davlatlariga ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar eksport qilinmoqda.

**2-jadval**

**Oltiariq tumaniga kiritilgan investitsiyalarning turkumlanishi**

| Ko'rsatkichlar | O'lchov birligi | 2014-yil | 2015-yil | 2016-yil | 2017-yil | 2018-yil | 2018/2014 nisbati | 2018/2017 nisbati |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Jami kapital qo'yilmalar** | mln. so'm | 14758 | 32811 | 27520 | 37650,1 | 43461 | 2,9 marta | 115,4 |
| *Shu jumladan* | | | | | | | | |
| **Markazlashtirilgan investitsiyalar** | | | | | | | | |
| - byudjet mablag'lari | mln. so'm | 5801 | 604 | 2414 | 618,4 | 864 | 14,9 | 139,7 |
| - byudjetdan tashqari fondlar mablag'lari | mln. so'm | 2628 | - | - | 316,1 | 461 | 17,5 | 145,8 |
| - xukumat kafolati ostidagi xorijiy investitsiyalar va kreditlar | mln. so'm | - | - | - | - | - | | |
| **Markazlashmagan investitsiyalar** | | | | | | | | |
| - korxonalarning o'z mablag'lari | mln. so'm | 266 | 5462 | 1236 | 1038,2 | 1174 | 4,4 marta | 113,1 |
| - tijorat banklari kreditlari | mln. so'm | 888 | - | 8657 | 13247,2 | 15985 | 18 marta | 120,7 |
| - to'gridan-to'gri xorijiy investitsiyalar va kreditlar | mln. so'm | - | 13491 | - | - | - | | |
| - aholi mablag'lari | mln. so'm | 5174 | 13254 | 15213 | 22430,2 | 24165 | 4,6 marta | 107,7 |
| - boshqalar | mln. so'm | - | - | - | - | - | | |
| **Investitsion loyixalar soni** | birlik | 1 | 1 | 2 | 2 | 3 | 3,0 marta | 150,0 |
| Qiymati | mlrd.so'm | 1,2 | 1,7 | 2,2 | 2,4 | 3,7 | 3,08 marta | 154,2 |

Manba: Oltiatiq tumani hokimyati statistika bo'limi

2-jadval ma'lumotini tahlil qiladigan bo'lsak, tumanga kiritilgan jami kapitallar miqdori 2014-yilda 14758 mln. so'mni, 2015-yilda 32811 mln. so'mni, 2015-yilda 27520 mln. so'mlik, 2018-yilda bu ko'rsatkich 43461 mln. so'mni tashkil etganligini ko'rish mumkin. Shuningdek, tuman kesmidagi investitsiyalarni ikkinta bo'lib o'rganiladi. Bular markazlashtirilgan investitsiyalar, markazlashmagan investitsiyalar bo'lib ko'rib chiqilgan. Jumladan, markazlashgan investitsiya tarkibi bo'yicha tahlil qiladigan bo'lsak, bunda byudjet mablag'lari 2014-yilda 5801 mln.so'm, 2018-yilda 864 mln.so'mni tashkil etgan. Bu ko'rsatkich 5 yil oralig'ida 7 martaga qisqargan. Byudjetdan tashqari fondlar mablag'lari 2014-yilda 2628 mln.so'mni, 2018-yilda 461 mln.so'm bo'lgan. Bu ko'rsatkich 2014-yilga nisbatan nisbiy ko'rsatkichlarda 5,8 marta kamaygan. 2017-yilga nisbatan esa 45,8% ga oshganligini ko'rish mumkin.

Markazlashmagan investitsiyalar tarkibini tahlil qiladigan bo'lsak, korxonalarning o'z mablag'lari 2014-yilda 266 mln.so'mni, 2018-yilda 1174 mln so'mni yoki 4,4 martaga oshganligini ko'rish mumkin. Jumladan, tijorat banklari kreditlari ham sezilarli darajada ortgan, ya'ni 2014-yilda 888 mln.so'mni, 2018-yilda esa bu ko'rsatkich 15985 mln.so'mga yoki 18 martaga, 2017-yilga nisbatan solishtirilganda 20,7 foizga oshgan. Aholi mablag'lari esa 2014-yilda 5174 mln.so'mga, 2018-yilda 24165 mln.so'mga bajarilgan yoki 2014-yilga nisbatan olinganda 4,6 martaga, 2017-yilga nisbatan olinganda 7,7 foizga oshgan. Bunga asosiy sabab yillar mobaynida o'z sarmoyalarining ortishidir.

Ishlab chiqarishga joriy etilgan yangi texnologik jihozlar **5 yil** muddatga mulk solig'idan ozod etiladi. Yangi tashkil etilgan xorijiy investitsiyali korxonaning ustav jamg'armasi qiymati 50 mln.dollar bo'lgan investitsiya loyihasini amalga oshirayotgan xorijiy investitsiyali korxona agarda loyiha qiymatidagi ulushi 50 foizni tashkil etsa, loyihaning tashqi muxandislik-kommunikatsiya tarmoqlari davlat byudjetidan yoki boshqa manbaalar hisobidan amalga oshiriladi.

Qo'qon shaxrida o'tkazilgan Biznes forumda "Hamza art tekistil" MChJ Xitoy davlatining korxonalari bilan 850 ming AQSH dollari miqdoridagi me'yoriy xujjatlar ijro etilib jihozlar olib kelindi va o'rnatildi.

Tumanda tashqi savdo aylanmasi 2,6 mln.AQSh. doll tashkil etdi, shundan eksport 0,6 mln AQSh dol, import 1,7 mln AQSh dollar qarorda eksport bilan shug'illanuvchi korxonalarga bir qator imtiyozlar berilish ko'rsatib o'tilgan, jumladan korxonalar ishlab chiqargan mahsulotini eksport ulushi 15 foiz bo'lganda yagona soliq to'lovi 30 foizgacha, eksport 30 foiz bo'lganda soliq stavkasi 2 marotaba kamaytiriladi, eksport qilishdan tushgan valyuta tushimini 50 foizini majburiy sotishdan ozod etildi.

O'rtacha yillik doimiy aholi soni 192 ming kishi bo'lishi kutilmoqda, shunga ko'ra mehnat resusrslari 111.77 ming kishi, yangi ish o'rinlari yaratish 4 ming 373 kishi tashkil etadi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda tumanda xorijiy investitsiyani yanada oshirish maqsadida quyidagi takliflarni bildirish mumkin:

-tumanda xorijiy investorlar faoliyatini sug'urtalash, ya'ni eksportga yo'naltirilgan mahsulotlarini ham ichki, ham tashqi sug'urta tizimini takomillashtirish;

-tumanda sanoat korxonalar foydasini oshirish maqsadida birinchidan, korxona o'zini moliyalashtiruvchi asosiy manba, ikkinchidan investitsiyalash qarorini qabul qilishni rag'batlantiradi, uchinchidan, foyda investitsion loyiha samaradorligini belgilovchi markaziy ko'rsatkich ekanligidan kelib chiqib davlat soliq siyosatini korxona va firmalar foydasini o'stirishga qaratishi lozim;

-davlat tomonidan xorijiy investitsiyalarni jalb etuvchi xo'jalik sub'ektlarida mulk qiymatidan to'lanadigan imtiyozli soliq stavkasini belgilash orqali uning mulkini qisqa muddatda qayta baholashga qiziqtirish;

- milliy firma va korxonalar tomonidan xorijiy sheriklarni bozor haqidagi marketing tadqiqotlari, ishlab chiqarish infratuzilmasi, ijtimoiy infratuzilma, xom ashyo, energiya va mehnat omillari harajatlari haqidagi axborotlarni to'la yetkazish;

- xorijiy investorlar tez va to'g'ri qaror qabul qilishlari uchun firma va korxonalarda hisob va hisobot tizimi samaradorligini oshirish tadbirlarini amalga oshirish uchun ular shaklini xorijiy mamlakatlardagi kabi tuzishni yo'lga qo'yish.

Ҳ.Ҳ. Ашурова, докторант (PhD)
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

# ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистонда кейинги йилларда таълим тизимини ривожлантишга кенг эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим тизимига инновацияларни, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этишга кенг эътибор берилмоқда. Бу бўйича ҳукуматимиз томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, олий таълим тизимида масофавий таълимни ривожлантириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда ихчам ва арзон бўлган notebook, netbook, i-pad, i-phone ва smartphone ва бошқа ахборот воситалари кенг ривожланмоқда. Шу сабабли таълим жараёнида бундай воситалардан фойдаланишга бўлган қизиқиш ва талаб ортиб бормоқда. Масофавий таълим эса айнан шу технологиялар воситасида амалга ошириладиган жараёндир[186].

Масофавий таълим – бу таълим берувчи ва таълим олувчи турли жойларда бўлгани ҳолда масофада туриб ўқитиш воситасидир[187]. Масофавий таълим аудио, видеотехника, интернет ва спутникли алоқа каналини қўллайдиган таълим шакли ҳисобланади. Масофавий таълимда билимларни бериш жараёни (унга таълим берувчи ва таълим муассасси масъул бўлади), билимларни олиш жараёни (унга таълим олувчи масъул) ҳисобга олинади.

Масофавий таълимда ўқув ахборотларни олиш воситалари қуйидаги турларга бўлинади[188]:

синхрон ўқув тизимлари (ҳақиқий вақтда on-line тизими), асинхрон ўқув тизимлари (off-line тизими).

Синхрон тизимлар бир вақтнинг ўзида ўқув жараёнида таълим олувчи ва таълим берувчининг қатнашишини таъминлайди. Бундай тизимларга: web-чат, ICQ, IRC (Internet Relay Chat), интерактив TV, web-телефония, NetMeeting, Telnet телеконференциялари киради.

Асинхрон тизимлар бир вақтнинг ўзида таълим олувчи ва таълим берувчининг қатнашишини таъминламайди. Масофавий таълимда бундай тизимларга босма материаллар, аудио/видео кассеталар, дискеталар, CD-ROM, электрон почта, web-саҳифалар, FTP, web-форумлар (эълонларнинг электрон доскаси), меҳмонлар китоби, Usenet телеконференциялари (янгиликлар гуруҳига обуна)га асосланган курслар тегишли.

---

[186] Ибрагимов И.М. Информационные технологии и средства дистанционного обучения. М.: «Академия», 2007 г. с. 68.
[187] Домрачеев В.Г. Дистанционное обучение возможности и перспективы // Высшее образование в России № 3, 1994 г.
[188] Гулямов С.С., Романов А.Н., Алимов Р.Х., Торопцов В.С.,Ходиев Б.Ю., Алимов К.А., Бегалов Б.А., Григорович Д.Б. Дистанционное экономическое образование. Т. «Шарк», 2004, с. 15

Масофавий таълим жаҳон амалиётида кенг қўлланилмоқда. Масалан, АҚШда 50 фоиздан ортиқ олий ўқув юртлари таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатида масофавий онлайн ўқитиш дастурини қўллайди. Масофавий таълим жараёнида таълим олувчилар барча турдаги ахборот-коммуникация воситалардан кенг фойдаланадилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон олий таълим тизимида масофавий таълимни йўлга қўйиш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Ўзбекистонда масофавий таълим жараёнини ташкиллаштириш ва бошқариш, электрон ўқув ишланмалар яратувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоясини асослаш, масофавий таълимнинг моддий-техник таъминот талаблари, иқтисодий механизмлари, меъёрий ва ҳуқуқий таъминоти, Интернет муҳитида ўқиш технологиясининг талаблари, телекоммуникацион муҳитнинг талаблари, масофавий таълим институтлари, виртуал университетларни яратиш уларни сертификатлаштириш тадбирлари амалга оширилиб бошланди.

Хусусан Ўзбекистонда масофавий таълимни ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни ечиш ва мамлакатда масофавий олий таълимни йўлга қўйиш бўйича 2018 йил 21 майда Ўзбекистон Республика Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг «Махсус сиртқи таълимда ўқув жараёнини электрон таълим ресурслари асосида қўллаб-кувватлашни ташкил этиш тўғрисида»ги 447-сонли буйруғи қабул қилинди. Унда янги ўқув йилидан бошлаб педагогика йўналишидаги махсус сиртқи бўлим талабалари учун ўқув жараёнини ташкил этишда уларнинг масофадан туриб мустақил таълим олишлари белгиланди. Бу орқали Ўзбекистонда электрон таълимнинг илк бор олий таълим тизимида амалиётга жорий қилиниши расман эълон қилинди. Электрон дарсларни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар олий таълим тизими амалиётида илк бор қўлланилаётгани сабабли, масофавий таълимни йўлга қўйиш билан боғлиқ бир қатор ташкилий жараёнлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда электрон таълимни йўлга қўйишдаги ташкилий жараёнлар бешта босқичда амалга оширилди.

**Биринчи босқичда** олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари ва ходимлари электрон ўқув ресурсларни яратишга ўргатиш учун вебинар технологиясидан фойдаланилган ҳолда масофавий ўқув курслари орқали ўқитилди.

**Иккинчи босқичда** масъул профессор-ўқитувчилар ва ходимлар томонидан 8 хил педагогика йўналишидаги ўқув ресурслари яратилди. Бунда видео маърузалар, мустақил ўрганиш учун назарий маълумотлар, лабаратория ишларини бажариш учун интерфаол элементлар, билимни назорат қиладиган интерфаол элементлар ва тест саволлари ишлаб чиқилди.

**Учинчи босқичда** масъул профессор – ўқитувчилар томонидан яратилган ўқув ресурслар Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан кўриб чиқилади. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан тасдиқланган Электрон ўқув ресурслар профессор-ўқитувчилар томонидан платформага (mooc.edu.uz) жойлаштирлди.

**Тўртинчи босқичда** олий таълим муассасалари махсус сиртқи бўлимида дарс бераётган профессор-ўқитувчиларни электрон таълим тизимидан фойдаланиш бўйича масофавий тарзда ўқитилди.

**Бешинчи босқичда** махсус сиртқи бўлим талабалари электрон таълим тизимидан фойдаланди. Махсус сиртқи бўлим талабаларининг ўқув машғулотлари ўқув жараёни жадвалига асосан бошланди. Ҳозирги кунда барча электрон ресурслар яратилиб, платформага киритиш бошланган[189].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида Ўзбекистонда масофавий таълимни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Мазкур Қарор асосида мамлакатдаги олий таълим муассасаларига, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларига, уларнинг мулкчилик шакли ва бўйсунувидан қатъи назар, масофавий ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқи берилди. Мазкур қарор асосида лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда «Олий таълим муассасаларида, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида масофавий ўқитишни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистонда масофавий олий таълим муассасаси — «Келажак университети»ни ишга тушириш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистонда масофадан ўқитиладиган олий таълим муассасаси — «Келажак университети» CityU MOOK (Гонконг), UdacityX (АҚШ), Open Polytechnics (Янги Зеландия) ва MOOC Iversity (Нидерландия) каби хорижий инвесторлар иштирокида очилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур Лойиҳа доирасида олий таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини ва техникаларни жорий қилиш назарда тутилган. Бунинг учун электрон ахборотларни ва таълим ресурсларини ўз ичига олган ҳамда талабалар (йилига 50 минг нафар атрофида) томонидан таълим дастурларини, уларнинг қаерда бўлишларидан қатъий назар, ўзлаштиришларини таъминлайдиган электрон ахборот-таълим муҳитининг ишлаши учун шарт-шароитлар яратилиши бошланди.

Статистик маълумотларга қараганда 2016 йили Ўзбекистонда 663 минг абитуриент ОТМга ариза топширган, улардан атиги 57,9 минг нафари ўқишга кирган (бу истовчиларнинг 9 фоизини ташкил этади). Ўқишга кириш кўрсаткичи Жанубий Кореяда 93, АҚШда 85, Эронда 71, Германияда 68, Тожикистонда 28 ва Озарбайжонда 25 фоизни ташкил этади. Мамлакатимиздаги аксарият олий таълим муассасалари пойтахтда жойлашганини инобатга олсак, Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларининг ётоқхоналари етарли бўлмаганлиги сабабли 73,4 минг нафар талаба ижарага туриб, турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларга дуч келмоқда. «Келажак университети»нинг очилиши бу муаммони инобатга олган бўлиб, ҳудудларда зарур ускуналар ўрнатилиши, компьютерлар ва бошқа

[189] Ўзбекистон Республика Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг маълумотлари.

техникалар, Интернетга кириш тизими билан жиҳозланган филиаллар очилишини назарда тутади.

Ўзбекистонда масофавий таълимни йўлга қўйиш бошланган ҳозирги шароитда биз мамлакатимизда масофавий таълим тизимини самарали йўлга қўйиш учун очиқ кодли Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment) дастуридан фойдаланишни таклиф этамиз. Бу дастур ахборотли ўқитиш тизимлари стандартлари бўйича қурилган ва Европада қўлланиладиган масофавий таълим тизими ҳисобланади. Moodle тизимида турли фойдаланувчилар учун кириш ҳуқуқи ва ахборот хавфсизлиги таъминланади. Бу тизимдан администраторлар, курс яратувчилари ёки оддий фойдаланувчилар бир хилда фойдаланишлари мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда замонавий инновацион технологиялар асосида масофавий таълимнинг жадал ривожланиши таълим соҳасида ягона ахборот маконини яратиш ва таълим олувчиларга ахборотларни тезкор етказиш, таълим муассасаларининг моддий-техника ва ўқув-моддий базаларидан самарали фойдаланиш ва уларни кенгайтириш имкониятини яратади ҳамда таълим тизимининг самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Акбаров Ахрол Махмудович
ТДИУ “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”
кафедраси катта ўқитувчиси
Шакирова Нигора Ахроловна
ТДИУ “Статистика” кафедраси ассистенти

## МЕҲНАТ СОҲАСИДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида 4.1-бандида “...жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш” устувор йўналишлар сифатида белгиланган[190].

Ижтимоий шериклик тизимининг энг муҳим элементи – шериклик муносабатлари механизми бўлиб, унинг асосини ўзаро алоқа усуллари, шакллари ва жараёнлари, тузилган шартнома ва келишувларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тизими, ташкилий-функционал тузилмалар ташкил қилади[191].

Меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик фақат бозор иқтисодиётига хос бўлган ижтимоий-меҳнат муносабатларининг алоҳида бир тизими бўлиб, у давлат, иш берувчилар ва ходимлар манфаатлари мувозанатини таъминлайди.

Ижтимоий шериклик – давлат тузилмалари, тадбиркорлик субъектлари ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро манфаатли учбурчагидир (1-расм).

[190] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
[191] Максимцева И.А., Горелева Н.А. Управление человеческими ресурсами – 2-изд. – М.: Юрайт 2016 – С.128.




**1-расм. Ижтимоий шерикликнинг таркиби***

*Манба: Ижтимоий шериклик - давр талаби // Маърифат газетаси, №5 (8765) 2015 йил 11-февраль

Ижтимоий шериклик механизми доимий амал қиладиган музокаралар жараёни, манфаатларни мувофиқлаштириш жараёнларининг норматив белгиланиши ва сиёсий-ҳуқуқий таъминоти, шартнома ва келишувларни ишлаб чиқишда жамоат ташкилотлари вакилларининг иштироки билан тавсифланади. Иерархик даражалар бўйича ижтимоий шериклик механизми бош, тармоқ ва ҳудудий даражаларга тақсимланади. Асосий мақсадлар, ривожланиш йўналишлари, корхона, ташкилот, тармоқ, соҳа ва бутун жамият фаолиятининг самарадорлиги борасида жамоатчилик билан муросага (ҳамжиҳатликка) эришишнинг умумлаштирилган кўрсаткичлари ижтимоий шериклик механизмининг самарадорлик мезонлари ҳисобланади.

Уларнинг ҳамкорлиги қанчалик кучайса, жамият шунчалик кучаяди. Фуқаролик жамияти жамоатчилик назоратини ўрнатади, одамларга миллий умуминсоний қадриятларга риоя қилиш, ижтимоийлашув ва тарбиялашувга қаратилган, барча учун фойдали ечимларни таклиф қилади[192].

Бундай шерикликни амалга ошириш механизми жамоа шартномалари ва келишувлари, қўшма қарорлар, локал ҳужжатлар, касаба уюшмалари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ҳужжатларни тузиш ва тадбиқ этишга асослангандир.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳужжатларида бу тамойил “ижтимоий мулоқот” деб номланган бўлиб трипартизм (яъни давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги уч тарафлама ҳамкорлик) асосида амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тўртта, яъни умуммиллий, тармоқ, худудий ва локал миқёсларда амалга оширилади. Ҳар бир поғонада ижтимой шериклик ҳужжати мавжуд бўлиб, булар бош, тармоқ (тариф), ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва жамоа шартномаларидир.

---

[192] Исмаилов А.Р. Бандликни тартибга солишда ижтимоий шерикликнинг аҳамияти // Ж. Иқтисод ва молия журнали. - №12. Тошкент, 2013 йил. – 31-б

Ижтимоий шериклик хусусиятларини ҳамда иқтисодиётни бошқаришнинг турли даражаларида ижтимоий-меҳнат муносабатлари субъектларининг ижтимоий ўзаро алоқаларини амалга ошириш механизмини шакллантириш хусусиятларини ҳисобга олиш, ғарб мамлакатлари амалиёти билан таққослаганда ностандарт бўлган ёндашув – ижтимоий мулоқот зарурлигини асослаб беради[193].

Фикримизча, бундай ёндашувлардан бири ижтимоий шериклик маркази ташкил қилиш ҳисобланади. Уни ташкил қилишдан мақсад – ижтимоий шериклик субъектларига ижтимоий мулоқотни ривожлантириш бўйича, минтақавий, тармоқ ва ҳудудий даражаларда ижтимоий-меҳнат муносабатлари ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа иқтисодий масалалар бўйича музокаралар олиб бориш йўли билан меҳнат муносабатларини тартибга солиш тамойиллари, ёндашувлари ва жараёнларини тушунтириш ва тарқатиш бўйича турли йўналишдаги зарурий ва малакали ёрдам кўрсатиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг замонавий тизимида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича уч томонлама комиссиялар фаолият кўрсатади. Улар фаолиятининг мақсади ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқишда касаба уюшмаларининг ҳудудий бирлашмалари, иш берувчиларнинг ҳудудий бирлашмалари ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш ҳисобланади. Бироқ уч томонлама комиссиялар ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш воситасида алоҳида корхонада иш берувчи ва ходимлар ўртасида ижтимоий мулоқотни ривожлантиришга билвосита таъсир кўрсатади, холос. Ҳар бир алоҳида олинган ташкилотлар ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш уларнинг функциялари қаторига кирмайди.

Бундай шароитларда ижтимоий шериклик марказларини ташкил қилиш “трипартизм” тамойилига, яъни давлат, бизнес ва ёлланма ходимларнинг уч тарафлама иштирокига асосланади.

Ижтимоий шериклик маркази ижтимоий ўзаро муносабатлар субъектларининг барча ташаббусларини жамлайдиган ва уларга нафақат музокаралар жараёнини ривожлантиришда, балки услубий ва ахборот материаллари билан таъминлашда, шунингдек, ижтимоий мулоқотнинг амалий жараёнларини бажариш учун маслаҳат ва таълим хизматлари тақдим этишда ҳам ёрдам кўрсатадиган ижтимоий шериклик тизими органини ифодалайди.

Кўриниб турибдики, горизонтал бўйича ҳам (корхона миқёсида), вертикал бўйича ҳам (корхона-минтақа-марказ) ижтимоий шерикликнинг турли субъектлари ўртасида нисбатан барқарор ўзаро муносабатларни таъминлаш муаммосининг ечими минтақада ижтимоий шерикликни амалга ошириш манбалари ва йўналишларини шакллантиришга, шунингдек ижтимоий-меҳнат

[193] Боржели Н.П. Ижтимоий шериклик ва давлат қарорларини қабул қилишда жамоатчилик иштироки масалалари бўйича халқаро тажриба. - Тошкент: ART FLEX, 2012. – 544-б.

соҳасида барча институционал ўзгаришларнинг кафили сифатида давлатнинг янгича ролини белгилашга янада мослашувчан ёндашувни қўллашдан иборат.

Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг самарали механизмини яратиш учун қуйидагилар талаб этилади:

– ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун зарур иқтисодий шарт-шароитларни яратиш (энг аввало, мулкчилик ҳуқуқини қайта таркиблаш ва институционал бириктириб қўйиш);

– меҳнат низоларини тартибга солиш ҳамда ижтимоий шериклик муаммолари бўйича амалдаги қонунчилик базасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш (ўзгарувчан шароитларга мослаштириш);

– ижтимоий шериклик субъектларининг ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солишда иштирок этиши мотивациясини ошириш;

– ижтимоий зиддиятларни бартараф қилиш ва ижтимоий тинчликни таъминлаш мақсадида фуқаролик жамиятини шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш.

Ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг жамоа шартномалари билан қамраб олинган иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ортиши ушбу механизм самарадорлигининг асосий мезони сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий шериклик тизимини ривожлантиришнинг белгилаб қўйилган йўналишларини бевосита амалга ошириш учун қисқа муддатли истиқболда қуйидаги чора-тадбирлар кўзда тутилган бўлиши лозим: ижтимоий шерикликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш; ижтимоий шериклик масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш; ижтимоий шерикликнинг ваколатли органларини шакллантиришни тартибга соладиган қонунлар қабул қилиш; музокаралар жараёнларини такомиллаштириш; меҳнат низоларини тартибга солиш механизмлари ва судгача бўлган институтларини такомиллаштириш; ижтимоий шериклик тажрибасини тарғиб қилиш, маслаҳат ва экспертлар хизматлари тақдим этиш учун ижтимоий шериклик тизимида янги ташкилий тузилмалар барпо этиш; ходимларнинг корхона мулки ва ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этишининг самарали ва замонавий тизимини яратиш; ижтимоий шериклик томонларининг жамоа шартномалари ва келишувлари талабларини бажармаганлик учун жавобгарлигининг ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқиш; ижтимоий-меҳнат муносабатларини жамоа шартномалари асосида тартибга солиш бўйича ҳисоботларнинг статистика шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш; ижтимоий шериклик тизимида янги ахборот технологияларини жорий қилиш.

Абдураманов Х.Х.
ТДИУ “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси”
кафедраси доценти, и.ф.н.

# ДЕМОГРАФИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Демографик хавфсизлик – давлат ва жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг демографик хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолати, бунда уларнинг миллий демографик манфаатларга мувофиқ ривожланиши таъминланади.

Давлат ва жамиятнинг демографик манфаатлари аҳоли такрор барпо бўлишининг хилини шакллантиришни ўз ичига олади, унинг асосий ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат: депопуляциянинг мавжуд эмаслиги, ота-она авлодларининг тўлиқ ўрнини босишга йўналтирилган онгли равишда тартибга солинадиган туғилиш миқдори, барқарор пасайиб бораётган ўлим сони ва умр кўриш узунлигининг ошиши, аҳолининг ёш-жинсий таркиби, мақбул ички ва ташқи миграцион жараёнлар, фарзандларга бўлган эҳтиёжни амалга ошириш, уларни тарбиялаш учун энг қулай ҳисобланган ижтимоий институт сифатида оилани мустаҳкамлаш.

Демографик хавфсизликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: аҳоли ҳаёти ва фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш; меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсия таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасидаги давлат минимал ижтимоий стандартларини босқичма-босқич таъминлаш ва такомиллаштириш; аҳолининг ташқи ва ички миграцион оқимларини оптималлаш; хуфёна миграцияга қаршилик кўрсатиш; қишлоқ жойларига мутахассисларнинг жалб қилинишини ва ўрнашиб қолишини рағбатлантириш; фуқароларнинг оилавий муносабатлар, оиланинг жамиятдаги нуфузини ошириш соҳасидаги юксак маънавий-аҳлоқий стандартларини шакллантириш; фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини таъминлаш ва аҳолининг юксак репродуктив эҳтиёжлари шаклланишига кўмаклашиш.

Демографик хавфсизлик индикаторлари 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Демографик хавфсизлик индикаторлари**

| Т/р | Кўрсаткич | Чегаравий-чекланган қиймати | Ижтимоий-иқтисодий оқибатлар эҳтимоли |
|---|---|---|---|
| 1. | Туғилишнинг йиғинди коэффициенти (репродуктив ёшдаги аёлларда туғилган ўртача фарзандлар сони) | 2,14-2,15 | Авлодлар оддий такрор барпо бўлишининг йўқлиги |
| 2. | Депопуляция коэффициенти (ўлганлар сонининг туғилганларга нисбати) | 1,0 | Интенсив депопуляция: ўлимнинг туғилишдан ортиши |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. | Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги | Эркаклар – 69 ёш; Аёллар – 77 ёш. | Аҳоли ҳаёт қобилиятининг камайиши |
| 4. | Чақалоқлар ўлими (ҳар 1000 туғилганга тўғри келадиган ўлган чақалоқлар сони) | Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси | Чақалоқлар сонининг камайиши |
| 5. | Оналар ўлими (ҳар 100 000 тирик туғилганга нисбатан) | Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси | Янги туғилганлар саломатлигининг ёмонлашуви |
| 6. | Аҳоли жон бошига спиртли ичимликлар истеъмол қилиш даражаси, литр | 8,0 | Миллатнинг емирилиши |
| 7. | Аҳолининг руҳий касалликлар билан касалланиши (ҳар 100000 аҳолига нисбатан) | Кўрсаткичнинг ўсиши | Миллат саломатлигининг ёмонлашуви |
| 8. | Аҳолининг сил билан касалланиши (ҳар 100000 аҳолига нисбатан) | 35,0 (эпидемиологический порог) | Миллат саломатлигининг ёмонлашуви |
| 9. | Аҳолининг таносил касаллиги билан касалланиши (ҳар 100000 аҳолига нисбатан) | Кўрсаткичнинг ўсиши | Миллат саломатлигининг ёмонлашуви |

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Демографик хавфсизлик индикаторлари тизими ўзининг афзалликларига ҳам, камчиликларига ҳам эга. Унинг кучли тарафлари қуйидагилардан иборат:

1) ижтимоий ривожланиш жараёнига, шу жумладан умуман миллий хавфсизликка таъсир кўрсатувчи демографик жараёнларнинг ҳолатини баҳолашда тизимли ёндашувни қўллашни назарда тутиш;

2) миллатнинг саломатлигини тавсифловчи демографик ва ижтимоий индикаторларни ўзаро боғлашга уриниш;

3) замонавий жамият учун долзарб бўлган демографик таҳдидларни акс эттирувчи статистик кўрсаткичларнинг айрим мантиқий изчил занжирини тузишга интилиш;

4) статистик амалиётда ишлаб чиқилиши лозим бўлган ва расмий мақолалардаги мавжуд анъанавий ижтимоий-демографик индикаторларни қўллашни назарда тутиш (шу сабабли кўрсаткичларнинг қўшимча ҳисоб-китобларини ўтказишга зарурат қолмайди);

5) демографик хавфсизликнинг амалда мавжуд бўлган индикаторларини сифат жиҳатдан талқин этиш имконини берувчи чекланган ёки чегаравий қийматларни қўллашни назарда тутиш.

Демографик хавфсизликнинг алоҳида индикаторлари одатда муайян чекланган қийматларга боғланади. Улар юзага келган вазиятнинг ҳақиқий баҳосини олиш учун мўлжал бўлиб хизмат қилади (чунки агар туғилиш умумий коэффициенти даражасининг пасайиши жамиятнинг оддий такрор барпо бўлиши доирасида кечса, у ҳолда бу ушбу чегара кесиб ўтилганидан кейинги динамикага

қараганда камроқ жиддий сабаб бўлади). Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, демографик хавфсизлик даражасини интеграл баҳолаш муаммосини ҳал этишни демографик хавфсизлик у ёки бу жиҳатларининг чегаравий (критериал) қийматларини аниқлаш ва асослашдан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (2-жадвал).

Фикримизча, демографик жараёнларни тартибга солиш мақсадида демографик хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Демографик хавфсизлик концепциясида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

1. Ўтган давр ичида демографик ривожланиш ва демографик сиёсатни баҳолаш вада демографик вазиятни тавсифлаш.

2. Реал ва потенциал демографик хавф-хатарлар.

3. Концепцияда белгиланган давр учун мўлжалланган демографик хавфсизлик дастурларнинг асосий йўналишлари.

**2-жадвал**

**Демографик хавфсизлик кўрсаткичларининг чегаравий қийматлари**

| Кўрсаткичлар | Чегаравий қийматлари |
|---|---|
| Депопуляция коэффициенти, % | 0 |
| Аҳолининг кексайиш коэффициенти, % | 15 |
| Репродуктив ёшдаги аҳоли жинс таркибининг номувофиқлик даражаси, % | 0 |
| Оилалик коэффициенти, % | 51 |
| Туғилишнинг йиғинди коэффициенти, киши | 2,2 |
| Репродуктив ёшда абортлар интенсивлиги, ‰ | Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси |
| Аҳоли ўлимининг умумий коэффициенти, ‰ | Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси |
| Чақалоқлар ўлими коэффициенти, ‰ | Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси |
| Аҳолининг миграцион ўсиш коэффициенти, ‰ | 0 |
| Хуфёна миграция даражаси, ‰ | 0 |
| Туғилганда кутилаётган ўртача умр давомийлиги, ёш | Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси |
| Аҳоли такрор барпо бўлишининг нетто коэффициенти, киши | 1 |

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

4. Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш ҳамда уларнинг репродуктив эҳтиёжларини шакллантириш соҳасидаги давлат сиёсати, шу жумладан: эр-хотин ва шахсларнинг мавжуд репродуктив мақсадлари амалга оширилишига кўмаклашувчи шароитларни таъминлаш; оилани режалаштириш масалаларида профессионал тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш; ота-оналарга соғлом фарзанднинг туғилиши ва соғлом фарзандни

тарбиялаш учун жавобгарлик руҳини сингдириш; узоқ муддатли демографик истиқболда аёлларда репродуктив мақсадлар асосий кўрсаткичларининг ошишига кўмаклашувчи шарт-шароитларни яратиш; репродуктив ёшдаги оилалар учун тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, унинг шакллари ва турларини кенгайтириш.

5. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзгаришлар, шу жумладан: аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишига эришиш учун соғлиқни сақлашни такомиллаштириш; айниқса меҳнатга лаёқатли ёшда бевақт ва олдини олиш мумкин бўлган ўлим сонини камайтириш захираларини амалга ошириш ҳисобидан аҳоли умр кўришнинг узунлигини ошириш; саломатлик учун зарарли бўлган одатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, биринчи навбатда, хавф-хатар даражаси юқори бўлган гуруҳлар ўртасида руҳий касалликлар, алкоголизм ва наркомания профилактикаси, жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг тарқалишини камайтириш; касалликлар профилактикаси ва соғлиқни мустаҳкамлаш ҳақидаги билимларни шакллантириш ва тарқатишга доир маърифий ва таълим фаолиятини такомиллаштириш.

6. Турмуш даражаси ва сифати соҳасида давлат сиёсати, шу жумладан: меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб турмуш даражасини ўзи таъминлаши учун шароитлар яратиш; фуқароларни кексаликда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, касал бўлганида, ишсиз қолганида ва бошқа критик вазиятларда ижтимоий таъминлаш; кам таъминланган фуқароларнинг манзилли ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш; соғлом кун кечириш муҳитини таъминловчи шароитларни яратиш; фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш шароитларини яратиш; барча фуқароларга таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, спорт хизматларининг қулайлигини таъминлаш.

7. Халқаро ҳамкорлик, шу жумладан: демографик сиёсат чора-тадбирлари ва мақсадли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва баҳолашда тажриба алмашиш, уларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш; демография соҳасидаги миллий дастурлар ва режаларнинг амалга оширилишида иштирок этиш учун халқаро ташкилотлар ва донор мамлакатларни жалб қилиш.

ТДИУ “Макроиқтисодиёт” кафедраси
катта ўқитувчиси Суннатов М. Н.
ТКТИ талабаси Ярашев С.С.
ТДИУ талабаси Неъматов Д.М.

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ТИЖОРАТ ОПЕРАЦИЯЛАРИДА ХАЛҚАРО ИНСТИТУТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Бозор иқтисодиёти тизимида илм-фанни ташкил этиш, уни бозор стихиясига ташлаб қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш энг муҳим ижтимоий вазифалардан бири сифатида қаралмоқда, ижодкор зиёлилар ва тадбиркорлар илмий-ижодий уюшмалар интеллектуал мулк объектларини эгалари сифатида бозор муносабатларига фаол киришмоқлари лозим. Мамлакатимизда мулкдорлар

синифини шаклланитириш энг муҳим ижтимоий вазифалардан бири сифатида қаралмоқда, ижодкор зиёлилар ва тадбиркорлар илмий-ижодий уюшмалар интеллектуал мулк эгалари сифатида бозор муносабатларига фаол киришмоқлари лозим. Интеллектуал мулк объектлари мерос мол-мулк таркибига кириши ва мулкий ҳуқуқ сифатида ворисларга ўтиши лозим.

Миллий интеллектуал мулк тизимининг яратилгани ва унинг халқаро ташкилотлар билан уйғун фаолият олиб бораётгани янгиликларни амалиётга татбиқ этишга кенг шароит яратиб бермоқда. Шу билан бирга, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши ҳам соҳа ривожига туртки бермоқда.

Ўзбекистон ўтган вақт ичида Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси, Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун Мадрид битимига доир баённома ва протоколи, Патент кооперацияси тўғрисида шартнома (PCT), Товар белгиларига оид қонунлар тўғрисида шартнома (TLT), Патент ҳуқуқи тўғрисида шартнома, Ўсимликлар янги навларини муҳофаза қилишга оид халқаро конвенция (UPOV), Патент тадбирлари мақсадлари учун микроорганизмларни депонентлаштиришни халқаро эътироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси каби нуфузли халқаро шартномаларга қўшилди ва БИМТнинг фаол иштирокчисига айланди. Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти(БСТ)га аъзо бўлиб кириш учун ТРИПС Битимини имзолаш арафасида бўлиб Республикамиз қонунлари ушбу Битим билан уйғунлашуви давр талабига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан тадқиқотимизда ТРИПС[194] Битими мазмуни таҳлил этилиб, амалдаги қонунчилик билан таққосланади. ТРИПС Битими “маданий қароқчилик” учун жиноят-ҳуқуқий санкциялар БСТга аъзо давлатлар қонунларида мавжуд бўлишини шарт қилиб қўйган.

Бугун Ўзбекистонда БСТга аъзо бўлиб кириш учун зарур тайёргарликлар жадал олиб борилмоқда, БСТга аъзо бўлиб кириш мураккаб жараён бўлиб, мамлакатда амал қилинаётган қонунларни БСТ бўйича битимларга уйғунлаштириш талаб этилади. БСТнинг таъсис ҳужжатларига қилинган илова интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо соҳалари бўйича Битим ТРИПС битими деб аталиб, у 7 қисм, 73 моддадан иборат. Ушбу битимда асосий қоидалар ва тамойиллар, интеллектуал мулк ҳуқуқини мавжудлиги, ҳажми ва фойдаланишга нисбатан стандартлар, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш, интеллектуал мулк ҳуқуқини вужудга келиши ва амал қилиши билан боғлиқ процедураси, низоларни олдини олиш ва ҳал қилиш, ўтказма келишувлар, институционал тадбирлар, якуний қоидалар ўз ифодасини топган. Ушбу битим асосида Париж конвенцияси (1967 йил), Берн конвенцияси(1971 йил), Рим конвенцияси (1961 йил), Вашингтон шартномаси (1989 йил) ғоялари ётади. ТРИПС битими интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солмайди, балки интеллектуал мулк ҳуқуқи объектларини савдо-тижорат муомаласи товар сифатида ҳаракатда бўлиши билан боғлиқ муносабатларнигина тартибга солади. Шу сабабли интеллектуал мулк

[194] Соглашения по Торговым Аспектам Прав Интеллектуальной Собственности(ТРИПС).

объектларига нисбатан шахсий ҳуқуқларни муҳофаза қилиш масалалари битимда деярли ўз ифодасини топмаган. Битимда асосий эътибор объектларга нисбатан мулкий ҳуқуқларни амал қилиш, хусусан бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт-импорт қилишда бу ҳуқуқларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Маълумки, интеллектуал мулк объектлари ғоявий(идеал) негизга эга. Бинобарин, бир вақтнинг ўзи бир объектдан дунёнинг жойларида чексиз, номуайян доирадаги субъектлар фойдаланиши мумкин. Бундай фойдаланиш, афсуски кўп ҳолларда қонуний асосга эга бўлмайди, яъни объектга нисбатан мутлоқ ҳуқуқ соҳибидан рухсат олмасдан, ҳақ тўламасдан амалга оширилади.

ТРИПС[195] битимида худди шундай ҳолатларга барҳам бериш, бундай ҳуқуқбузарликларга қарши процессуал ва моддий ҳуқуқий меъёрларни қўллаш орқали фуқоролик-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш масалаларига алоҳида муҳим аҳамият берилади. Илмий-техникавий ахборотларни тарқатиш ва олиш, интеллектуал мулк объектларини тайёрлаш, кўпайтириш ва муомалага киритишнинг янгиган-янги усуллари вужудга келаётган ва такомиллашиб бораётган ҳозирги шароитларда маданий қароқчилик-интеллектуал мулк объектларини ғайриқонуний тайёрлаш ва фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш олиб боришни ҳуқуқий асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу ТРИПС битимини асосий шарти бўлиб, бусиз БСТга аъзо бўлиш мумкин эмас. Интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар кўп ҳолларда маданий қароқчилик деган умумлашма ибора билан ифодаланади. Бироқ ушбу иборани турли муаллифлар турлича талқин этадилар. Муаллифлик ҳуқуқи томонидан қўриқланадиган материлларни қонуний асосларсиз тижорат мақсадларида кўпайтириш ва қонуний асосларсиз ушбу кўпайтирилган материаллар билан тижорат операцияларини амалга ошириш қароқчилик ҳисобланади.

Бугунги кунда бутун дунёда интеллектуал мулк объектларини таркибларга ажратиш, объектларга ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали кодификация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда. Бизнингча, республикамизда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча қонунларни жамлаб, алоҳида кодексга киритиш вақти келди. Қонунлар сонининг кўплиги айрим нормаларнинг бошқа қонунларда такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги нормаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ихчамлашиб, кодексда яхлит илмийликка асосланган, назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган нормалар жамланиши мумкин. Энг асосийси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттириш имконияти янада кенгаяди.

Шундай экан, интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, давлат органлари ва манфаатдор ташкилотларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминлаш, энг асосийси жамиятнинг турли

[195] Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPS Agreement).

қатламлари, айниқса, ёш авлод орасида соҳага оид назарий, ҳуқуқий билимларни тизимли тарғиб қилиш долзарб вазифалардан биридир. Бундан ташқари, Европа патент идораси (Ўзаро патент ахборотини тақдим этиш масалалари бўйича, 2005 йил), Евроосиё патент идораси (Саноат мулкини ҳимоя қилиш соҳасида ўзаро ҳужжатларни алмашиш бўйича битим, 2000 йил) билан ҳамкорлик битими имзоланган. Ўзбекистон патент ҳужжатларини алмашиш бўйича бошқа хорижий давлатлар билан ҳукуматлараро ва идоралараро битим имзолаган ҳамда ҳамкорлик бўйича вербал нота алмашилган. Шунингдек, интеллектуал мулк соҳасида ҳамкорлик масалари бўйича МДҲ давлатлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб давлатлар томонидан имзоланган шартнома асосида тартибга солинади.

Шу ўринда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти тўғрисида маълумот берсак. Ҳозир 200 дан ортиқ давлат БИМТ аъзоси ҳисобланади. Мазкур ташкилот БМТ тизимида бўлиб, 1970 йилдан фаолият юритмоқда. 1974 йилда у ҳукуматлараро халқаро ташкилот номини олган. Айни вақтда БИМТ бутун дунёда интеллектуал мулк объектларини бир хил ҳимоя қилиш, соҳага оид қонунчилик тизимини яратиш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш, давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, ҳимояга олинган объектларни халқаро айирбошлашни қўллаб-қувватлаш, бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш орқали ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, соҳага оид турли халқаро шартномаларнинг маъмурий бошқарувини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Ҳар бир мамлакат иқтисодий-ижтимоий фаровонликка эришиш учун интеллектуал мулк муҳофазасининг мустаҳкам тизимига эга бўлиши лозим. Интеллектуал мулк муҳофазаси ихтирочилар ва ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг янгиликларидан фойдаланиш учун соҳага инвестицияларни жалб қилишни тақозо этади.

Иқтисодиётни ривожлантиришда эса барча тадбиркорлик субъектларини инновацион фаолиятга жалб этиш, олимлар ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашга эришиш, интеллектуал мулк объектларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг турли шакл ва воситаларидан кенг фойдаланиш, миллий патентлар бозорини ривожлантириш лозим. Юқорида кўрсатилган масалалар ўз ечимини топса, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати янада ошган, жаҳон иқтисодиётидаги салмоғи кенгайган бўларди. Зеро, бугунги авлод дунё тамаддунининг тамал тошини қўйган буюк аждодларнинг салоҳиятли ворислари эканини намоён этиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Интеллектуал мулк соҳасида қонунларни ривожлантиришда бу борадаги халқаро конвенциялар ва шартномалар ғоят муҳим манба бўлиши лозим. Баъзи бир Конвенцияларга қўшилиш масаласи келгусида ҳал этилиши лозим бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон ТРИПС Битимига тезроқ қўшилиши лозим. Халқаро Конвенцияларни мамлакатимизда интеллектуал мулк билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи манба сифатида аҳамиятига келганда шуни таъкидлаш лозимки, бу масалада биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясиининг муқаддима қисмида Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган меъёрларини устиворлигини тан олади деб белгиланган. Бироқ Ўзбекистон суверен давлат бинобарин унинг ҳудудида ўз юрисдикцияси

амал қилади. Бошқача айтганда барча халқаро конвенциялар ва шартномалар мамлакатимизда ўз-ўзича автоматик равишда эмас, балки давлатимиз томонидан қўшилиш ёхуд тасдиқлаш орқали, шунда ҳам кўпгина ўз қонунларимиз, меъёрий ҳужжатларимизда мужассамлаштириш орқали қўлланади.

PhD, Ф.Шакирова, Научный руководитель
Ким М.Г., студентка экономического факультета ТашИИТ

## СРЕДСТВА ВИРТУАЛЬНОЙ РЕАЛЬНОСТИ КАК ИННОВАЦИОННОЕ РЕШЕНИЕ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ

В годы независимости в нашей стране проводится масштабная работа по замене доставшихся в наследство от предыдущей системы морально и физически устаревших основных средств на самое современное оборудование и высокие технологии, переходу на инновационную экономику путем внедрения в производство технологических новшеств и достижений науки и техники. Принятие Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы[196], объявление 2018 года в нашей стране Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий также явилось важным шагом в данном направлении. Ибо, «Инновация – значит будущее. Если мы сегодня начинаем строить наше великое будущее, то должны делать это прежде всего на основе инновационных идей, инновационного подхода.»[197]

Необходимость введения инновационных технологий в деятельность различных отраслей экономики становится в последние годы всё более актуальной. Это является отражением возрастающего понимания обществом того, что процветание Узбекистана и улучшение экономического состояния страны, всех сфер её жизни невозможно без нововведений в производство, управление, финансы. Именно инновации ведут к обновлению рынка, улучшению качества и расширению ассортимента товаров и услуг, созданию новых методов производства, сбыта продукции, повышению эффективности управления. «Устойчивый социально-экономический прогресс невозможно представить без инновационного развития, широкой научно-технической кооперации и внедрения новых технологий, достижений науки и техники»[198].

Бундан ташқари, кўпгина иқтисодий адабиётларда “инвестициялар даромад (фойда) олиш мақсадларида тадбиркорлик ёки бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган пул маблағлари, мақсадли банк қўйилмалари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, техника-жиҳозлар, лицензиялар, шу жумладан, товар белгиларига лицензиялар, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлардир деган таърифлар учрайди. Бундай нуқтаи назарда турган муаллифлар турли активларнинг мулкий шаклини инвестициялашнинг манбалари билан чалкаштириб юбораётган кўринадилар, чунки мавжуд активлар ҳамиша ҳам инвестициялаш учун мавжуд капиталнинг умумий фондини кўпайтиравермаслигини унутмаслик лозим. Бошқа бир тоифа иқтисодчилар эса “инвестициялар – бу камида икки томон: тадбиркор (лойиҳа ташаббускори) ва инвестор (лойиҳани молиялаштирадиган)нинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятидир”деб ҳисоблайдилар. Бу таърифда инвестициялар шунчаки томонларнинг ҳамкорлиги жараёни эмас, балки капитални жалб қилиш ва уни муайян вақтда аниқ активларга банд этиш асосида мавжуд ёки уйғунлашган мақсадларга эришиш учун инвестиция қарорларининг қабул қилиниши эканлигини унутмаслик лозим.

Кўпгина иқтисодчи олимлар инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини ёритишда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига киритиладиган фойда (даромад), яратиладиган ёки ижтимоий самара берадиган мулкий ёки интеллектуал бойликларнинг ҳамма турлари инвестициялардир деган фикрни тасдиқлайдилар. Аммо биз биламизки, мулкий ва интеллектуал бойликлар молиявий ресурсларни инвестициялаш ҳисобига яратилади. Инвестицияларни

молиялаштиришда эса турли мақсадли молиявий ресурслардан фойдаланилади. Кўпгина ҳолларда аралаш молиялаштириш усули қўлланилади ва молиялаштириш манбаларининг жалб этилиши ўзига хос аниқ ва ноаниқ бўлган таваккалчиликлар билан боғлиқдир.

Иктисодиётни ривожлантиришда ишлаб чикарилаётган ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркибий қисмини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири хом ашёни экспорт қилишдан, тайёр маҳсулотларни экспорт қилишга ўтишдир. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш ҳам республикамиз олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

ишлаб чиқариш корхоналари маблағларининг марказлашмаган инвестицион маблағлар таркибидаги улушини оширишда инновацион-инвестицион фаолиятдан самарали фойдаланиш орқали вилоятда саноат ва ишлаб чиқаришини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, инновацион-инвестицион жараённи фаоллаштириш учун зарур бўлган бирламчи чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш таклиф этилиб, уларни қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– инновацион-инвестицион жараённи таьминоти, самарали тартибга солиш ва бошқариш учун маҳкамавий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат қонунчилик ҳужжатларини чиқиш;

– минтақада инновацион-инвестицион жараённи фаоллаштирувчи ривожланган инфратузилмани вужудга келтириш;

– ишлаб чиқариш корхоналарининг йиллик даромад ва бошқа молиявий манбалардан келадиган маблағларининг 30-35 фоизидан кам бўлмаган қисмини инновацияларга жорий қилиш соҳасига инвестициялаш бўйича мажбуриятларни қонуний белгилаб қўйиш;

– инновацион лойиҳалар ва ишланмалар молиявий қўллаб-қувватлаш учун, шунингдек, янгидан вужудга келтирилаётган инновацион-инвестицион инфратузилмаларни қўллаб-қувватлаш учун ички мақсадни инвестициялар, заёмлар ва кредитлар манбалари миқдорини оширишга эришиш;

– янги технологиялар трансфери ва миллий илмталаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш учун қўшимча инвестицияларнинг манбаларини қидириб топиш;

– ишлаб чиқариш учун миллий технологияларни ва ноу-хауларни танлаб олиш ва транферини интеллектуал мулкнинг устувор объектларини оптимал тижоратлаштириш, шунингдек, уларни босқичма-босқич амалга оширишнинг самарали механизмини яратишдан иборат.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда инвестициялар ролини ошириш ва улардан самарали фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш лозим. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларни иқтисодиётнинг машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика, кимё, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби мамлакатимиздаги истиқболли ва юқори

технологияли тармоқларга жалб қилишни рағбатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, инвестицияларни нафақат фаол жалб қилиш, балки улар билан бирга иқтисодиётга жалб қилинаётган замонавий техника ва технология, инновациялар, янгича бошқарув усулларидан унумли фойдалана олиш имкониятини берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш, инфратузилмани ривожлантириш, давлат институтлари сифатини ошириш ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

З.С. Дадабоева, Ф.М. Мирхакимова
магистры ТашИИТ,
научный руководитель Ф.Б. Шакирова

## АКТУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИИ

В условиях сокращения объемов традиционных ограниченных невоспроизводимых ресурсов обеспечение устойчивого роста экономики на основе инновационных факторов приобретает важное значение. В этом направлении в мировом масштабе богатый опыт накоплен в таких странах, как Швейцария, Швеция, Нидерланды, США, Великобритания, Дания, Сингапур, Финляндия, Германия и Ирландия (занимают ведущие места по глобальному инновационному индексу)[208]. Рост населения планеты, ухудшение экологической обстановки, усиление инвестиционной активности обуславливают необходимость улучшения качества экономического роста, человеческого капитала и перехода на инновационную экономику, основанную на самых передовых, высоких технологиях.

В годы независимости в нашей стране проводится масштабная работа по замене доставшихся в наследство от предыдущей системы морально и физически устаревших основных средств на самое современное оборудование и высокие технологии, переходу на инновационную экономику путем внедрения в производство технологических новшеств и достижений науки и техники. Принятие Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017—2021 годы[209], объявление 2018 года в нашей стране Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий также явилось важным шагом в данном направлении. Ибо, «Инновация – значит будущее. Если мы сегодня начинаем строить наше великое будущее, то должны делать это прежде всего на основе инновационных идей, инновационного подхода.»[210] Действительно, в основе инновационного развития должны быть проведены глубокие научные исследования по совершенствованию механизма устойчивого экономического роста. В их числе

[208]The Global Innovation Index 2017 «Effective Innovation Policies for Development». Tech Connection 2017, Taylor Vinters Eden Hall September 22, 2017
[209]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони, lex.uz.
[210]Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018. б.20.

повышение доли готовой высокотехнологичной продукции в структуре товарного экспорта страны, ускорение внедрения инноваций в практику и их коммерциализация.

Один из основателей классической теории экономики А. Смит особо отмечал важное значение перехода к новым технологиям, то есть к механизму эффективной конкуренции с помощью инноваций в обеспечении экономического роста[211]. Если учесть, что в условиях рыночной экономики предприятия ориентированы на привлечение инвестиций и их направление на разработку новой техники и технологий, повышение конкурентоспособности путем укрепления своих позиций на рынке, использования инноваций в качестве практического фактора в борьбе за новые рынки, то данное его учение и сегодня не потеряло своего значения.

Суть «инновации» впервые в экономической науке австрийский ученый Й. Шумпетер охарактеризовал следующим образом: «Инновация – новый взгляд, подход к имеющемуся процессу и предусматривает применение современного открытия, разработки или нового производства, связанного с деятельностью человека в определенном процессе». По мнению Й. Шумпетера, именно инновационный подход к экономической деятельности определяет уровень развития экономической системы каждого периода. В его теории предпринимательство рассматривается как четвертый фактор производства. Также задача предпринимателей использовать изобретения для выпуска новых товаров или преображения старых товаров, применять новое сырьё или источники материалов или открывать новые рынки, тем самым реформировать и совершенствовать производство. Ученый предсказывал, что благодаря инновациям и предпринимателям в экономике будут совершены революционные перемены[212].

Американский ученый, экономист С. Кузнец ввел в 1980-х годах понятие «эпохальных нововведений» в экономическую науку, согласно его учению, в определенный период развития экономики основу обеспечения устойчивого экономического роста и повышения его уровня должны составлять внедрение современных инноваций, а их источником является наука[213]. По мнению С. Кузнеца, внедрение инноваций, касающихся определенного времени или периода не только дает положительный эффект, но и может оказать отрицательное влияние. Именно поэтому в социально-экономических отношениях важным является участие государства в развитии инноваций и их внедрение в производство.

Постоянное внедрение научно-технических инноваций в экономику не только является важным фактором устойчивого экономического роста, но и приводит к возникновению в обществе таких проблем, как безработица, кризис, формирование специалистов новой формации.

---

[211] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз.1962. С.345.
[212] Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1983.С.278-285.
[213] Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция стр 105.// Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. Под ред. Ю.В. Яковца. Спб.: Гуманистика, 2003.

Отсутствие готовой продукции, произведенной в ведущих отраслях промышленности страны, способных конкурировать на мировом рынке, не разработанность эффективной системы, положительно влияющей на появление инноваций и другие проблемы оказывают негативное влияние на развитие национальной инновационной системы. Это подтверждает и низкая доля информационно-коммуникационных технологий, произведенных инновационных товаров, работ и услуг в структуре ВВП (табл.1).

Из данных, приведенных в таблице мы можем видеть, что один из важных критериев перехода на инновационную экономику это доля произведенной инновационной продукции в ВВП. В 2017 году в структуре ВВП доля произведенной инновационной продукции по отношению к 2012 году возросла всего на 1%, по отношению к 2014 году снизилась на 1,1%. Нужно отметить, что, хотя в сфере развития инноваций проводится большая работа, очень медленно осуществляется коммерциализация инноваций, поэтому трудно дается достижение практических результатов на макроэкономическом уровне.

Таблица 1

**Отдельные макроэкономические параметры Республики Узбекистан (%)**[214]

| **Показатели/годы** | **2012** | **2013** | **2014** | **2015** | **2016** | **2017** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Доля ИКТ в ВВП | 2 | 2 | 1,9 | 1,9 | 2,4 | 2,2 |
| Доля произведенных инновационных товаров, работ и услуг в ВВП | 3,7 | 3,8 | 4,8 | 4,6 | 4,4 | 4,7 |
| Доля валового накопления в ВВП | 31,1 | 30,3 | 20,1 | 28,1 | 27,4 | 29,0 |
| Доля валового накопления в ВВП | 25,7 | 26,7 | 27,1 | 26,2 | 26,4 | 26,6 |
| Доля совместных предприятий, форм собственности иностранных граждан и организаций в ВВП | 13,7 | 13,4 | 12,1 | 13,3 | 12,9 | - |
| Доля экспорта в ВВП | 26,3 | 24,9 | 21,5 | 18,8 | 18,1 | 29,4 |

Исходя из выше изложенного сформированы следующие выводы:

1. В условиях ограниченности ресурсов и неограниченности потребностей традиционный подход к организации производства, то есть экстенсивный метод не дает возможность удовлетворить валовый спрос общества. В условиях глобализации, во-первых, централизация и интернационализация производства, усиление взаимосвязи и единства национальных хозяйств, во-вторых ограниченность и уменьшение ресурсов, в третьих, тенденция стремительного роста населения мира превращает в жизненную потребность переход на инновационную экономику. Научно-технический прогресс является движущей силой мировой экономики, одним из важных факторов, обеспечивающих развитие, одной из форм ее проявления являются инновации и передовые

[214] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

технологии, инновационная деятельность в сфере управления и социальной сфере.

2. В Узбекистане целесообразно внедрять инновационную экономику не как в развитых странах во все отрасли экономики сразу, а с учетом его особенностей в разрезе отдельных приоритетных отраслей. В качестве приоритетных направлений усиления инновационной активности в национальной экономике, обеспечения инновационного развития можно обозначить систему электроэнергетики, автомобилестроения, машиностроения, легкой промышленности, химической, нефтегазовой отрасли, сельского хозяйства и информационно-телекоммуникационных технологий. Одна из приоритетных задач в этой отрасли – обеспечение бесперебойного электроснабжения всех производственных мощностей и организация их обеспечения соответствующими современными информационно-коммуникационными услугами, достоверной информацией.

3. Необходимо восстановить связь между наукой и производством, обеспечить их прочную взаимосвязь. Важным видится развитие международного и регионального научно-технического сотрудничества. Необходимо обеспечить участие в инновационной деятельности не только научно-исследовательских учреждений, проектно-конструкторских бюро, но и всех физических, юридических лиц. Разработка новых технологий и внедрение их в производство – сложный процесс, в этом процессе необходимо наладить эффективный механизм взаимовыгодного партнерства ученых, предпринимателей и государства. Необходимо добиваться открытости экономики, формировать класс владельцев частного капитала, частных инвесторов, вносящих инвестиции в инновации и развивать международные экономические связи.

ТДИУ “Эконометрика” кафедраси докторанти (PhD)
Юлдашев А.А.

## ЁҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим вазифаларидан бири озиқ-овқат хавфсизлиниги таъминлаш, аҳолининг ёғ-мой маҳсулотларинига бўлган талабини сифатли ва тўла қондиришдир.

Ушбу вазифани мувафақиятли бажариш жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг истисодий самарадорлиги тармоқни бозор муваффақиятли фаолият юритишини таъминлайди. Ишлаб чиқаришни янги техника ва технологиялар билан таъминлаш учун зарур шаротларни яратади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда чуқур таркибий ўзгартиришларга алоҳида эътибор берилди. Мустақилликача бир томонлама ривожлантирилган, асосан хом ашё

маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиётнинг таркиби янги, бозор иқтисодиёти талабларига мос келмай қолди. Иқтисодиётда саноат тармоқларини ривожлантириш заруратини ҳаётнинг ўзи объектив равишда талаб қилди. Натижада пухта ўйланган, кейинчалик тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган дастурий ислоҳотлар амалга оширилди. Олиб борилган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар юз берди.

Мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотида ёғ-мой маҳсулотларининг улуши 2017 йилда 5,4 фоизни ташкил этди. Ёғ-мой корхоаналарини истиқболга ривожлантириш вазифаси кун тартибидаги энг муҳим иқтисодий вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикасини кейинги беш йилда ривожлантириш зururатидан келиб чиқиб, 2017 йилнинг 7 февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ- 4947-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унинг қабул қилинишининг асосий мақсад ва зурурати қуйидагича белгиланган.

"Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани холисона баҳолашдан, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифаси турган эди.

Мазкур вазифани амалга ошириш йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий суҳбат ҳамда муҳокамалар олиб борилди, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маърузалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди."[215].

Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикаси ҳаётининг ҳамма томони 2021 йилгача қандай ва нималар эвазига ривожланишининг асосий йўналишлар ва кўрсаткичлари белгиланган.

Ҳаракатлар стретегиясида алоҳида эътибор халқ истемол товарлари ишлаб чиқариш саноатининг ривожланишига ва аҳолининг турмуш даражасининг сифатини ошириш масалаларига қаратилган. Аҳоли истеъмол қиладиган

[215]Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйич Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. //Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль 28 (6722)-сони.

товарлар ичида ёғ-мой маҳсулотлари алоҳида ўринга эга. Бу маҳсулотларсиз аҳолининг турмуш шароитини яхши бўлишини тасаввур этиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида ёғ-мой етиштириш учун катта имкониятлар мавжуд. Ёғ-мой саноати етарли даражада яхши ривожланган. Бугунги кунда республикада 23 та йирик ёғ-мой акционерлик жамиятлари бўлиб, ундан ташқари 42 та кичик ёғ ишлаб чиқарувчи цехлар ҳам мавжуд. Шундай катта қувватга эга саноат потенциали бўлишига қарамасдан республикада ёғ-мой ишлаб чиқариш бўйича жиддий ўсишга эриша олмаяпмиз. Бунинг асосий сабаби ёғ-мой етиштириш учун унинг хомашё базасининг камайиб бораётганидадир. Иккинчидан ёғ-мой олиш учун хом ашё базсининг таркиби ҳам ўзгармокда. Бу эса янги кўплаб муаммоларни юзага чиқаради. Жумладан, мавжуд ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг техника ва технологияларини ўзгартириш зарурати келиб чиқади. Бу эса ўз навбатида ёғ-мой саноатига йирик инвестицияларни киритишни талаб қилади. Бу инвестицияларни топиш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш жуда мураккаб масала ҳисобланади. Қуйидаги жадвалдан республикада етиштирилган мойли экинларнинг ялпи ҳосилини кўришимиз мумкин.

**1-жадвал**

**Республика бўйича мойли экинлар япли ҳосили (*тонна)***

| | **2013 й.** | **2014 й.** | **2015 й.** | **2016 й.** |
|---|---|---|---|---|
| Дон учун кунгабоқар | 39 386 | 46 488 | 50 132 | 53 839 |
| Соя | 439 | 395 | 1 480 | 232 |
| кунжут | 4 258 | 5 155 | 6 099 | 7 935 |
| махсар | 25 858 | 21 397 | 28 880 | 31 184 |
| ерёнғоқ | 6 399 | 6 380 | 7 170 | 9 342 |
| Бошқа мойли экинлар | 2 218 | 2 040 | 3 508 | 3 188 |
| Жами | 78 558 | 81 855 | 97 269 | 105 720 |

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Республикада мавжуд ёғ-мой корхоналари йилига 2700 минг тонна ёғ-мой ўсимликлаини қайта ишлаш қувватига эгадир. 2016 йилда жами республикада 105, 720 минг тонна ёғ-мой экинлари ҳосили йиғиб олинди (пахта чигитини ҳисобламаганда). Мамлакатимиз агросаноат комплексида интеграция жараёнларини такомиллаштириш ва чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатаётган ушбу тармоқ маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш, хом ашёдан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, аҳоли эҳтиёжи ва бандлигини таъминлаш масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги жадвалдан республикада ишлаб чиқарилган ёғ-мой маҳсулотлари тўғрисда маълумот кўришимиз мумкин.

**2-жадвал**

**Республикада ишлаб чиқарилган ёғ-мой маҳсулотлари тўғрисда маълумот (тонна)**

| | 2015 йил | 2016 йил | 2017 йил |
|---|---|---|---|
| Соя ёғи | 782,0 | 364,3 | 497,5 |
| Кунга боқар ёғи | 22 245,7 | 19 659,0 | 3 886,4 |
| Пахта ёғи | 194 965,2 | 203 799,3 | 202 372,5 |
| Канола ёғи | 30,9 | х | Х |
| Бошқа турдаги ўсимлик ёги | 2 870,9 | 3 542,6 | 1 117,6 |
| Жами | 220894,7 | 227365,2 | 207874 |

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2015 йилда республикамизда жами 220894,7 тонна, 2016 йилда 227365,2 тонна ва 207874 тонна ёғ-мой махсулотлари ишлаб чиқарилганлигини 2-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвалдан кўриниб турибдики 2017 йилда Кунга боқар ёғи ёғини ишлаб чиқариш 3 886,4 тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 19 659,0 тоннани ва 2015 йилда 22 245,7 тоннани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. 2017 йилда жами 207874 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилган. Агар ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғларини (207874 минг тонна) республика аҳолиси (32120,5 минг киши)га бўлсак унда, хар бир кишига 6,5 литр ўслимлик ёғи тўғри келишини кўришимиз мумкин. Ваҳоланки Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2017 йилда хар бир ахоли жон бошига 24,0 кг ўсимлик ёғи истеъмол қилинганлигини қўришимиз мумкин.

Демак, Республикада ишлаб чиқарилган ўсимлик мойлар ахолининг ўсимлик мойларига бўлган талабининг 27 фоизини ташкил қилар экан. Озиқ-овқат хавфсизлиниги таъминлаш учун ўсимлик ёғини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ҳамда мойли ўсимликларларни етиштириш керак.

Албатта иқтисодий масалаларни ечимини топиш ёғ-мой корхоналарининг иқтисодий самарадорлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигининг юқори бўлиши фойдасидан катта маблағларни ишлаб чиқариш техникаси ва технологияларини ўзгартиришга, ишчи ходимларни моддий рағбатлантиришни яхшилашга, давлат бюджетига солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашга асос бўлиб хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти шаротида, айниқса рақобат муҳитида фаолият юритиши учун корхона фойда билан ишлаши хал қилувчи аҳамиятга эга.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ўзбекистон Рсепубликаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасидан.

Рахимов Х.Ш.
ТДИУ таянч докторантура

# ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатади-ки, мамлакат иқтисодиётининг тармоқларидаги инновацион ривожланиш экспорт салоҳиятини оширишга катта ижобий таъсир кўрсатади. Жаҳон банки ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 2014 йилда чоп этилган "Жанубий Африка иқтисодий янгиланиши. Экспорт рақобатбардошлигига эътибор қаратиш" ("South Africa Economic Update. Focus on Export Competitiveness") номли ҳисоботида келтирилишича, яқин келажакда глобал интеграциялашув шароитида экспорт салоҳиятининг ошиши мамлакатнинг инновацион ривожланишига кучли боғлиқ бўлиб, юқори иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий ҳаракатлантирувчига айланади. Инновация юқори иқтисодий ўсишни таъминаш билан бир қаторда, товар ва хизматлар рақобатбардошлигини оширади, янги иш ўринлари яратилишини жадаллаштиради[216]. Шундай экан, инновация яқин келажакда тез ривожланиб бораётган жаҳон бозорларига кириб бориш, экспорт салоҳиятини ошириш, мамлакатимизда юқори барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини юқори даражага олиб чиқишда муҳим омил сифатида ўз аҳамиятини ошириб боради.

Олиб борилган кўплаб иқтисодий тадқиқотлар мамлакат экспорт салоҳиятининг ошишида ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, айниқса қайта ишловчи саноат тармоқларидага инновацион ривожланиш муҳим аҳамият касб этишини, хусусан, тармоқлардаги инновацион ривожланиш билан боғлиқ таркибий ўзгаришлар, экспорт салоҳияти ҳамда мамлакатдаги иқтисодий ўсиш орасида кучли боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатади. Биргина Бирлашган миллатлар университети (United Nations University) олимлари Сзирмаи ва Верспагенлар томонидан 2010 йилда амалга оширилган, ривожланган ва ривожланаётган 89 та мамлакатни ўз ичига олган иқтисодий таҳлилий тадқиқотлар 1950-2005 йиллар мобайнида мамлакатлардаги тармоқлардаги инноваицион ривожланиш билан боғлиқ таркибий ўзгаришлар ва экспорт салоҳияти, иқтисодий ўсиш ўртасида юқори даражадаги боғлиқлик аниқланган[217].

Мамлакатимизда мавжуд экспорт салоҳиятини яхшилаш ва янада ошириш учун иқтисодиёт тармоқларидаги инновацион ривожланишни жадаллаштириш зарур. Экспорт салоҳиятини ошириш учун самарали интеграцион тизим ўз ичига экспортни рағбатлантирувчи қонунчилик тизими, молиявий маблағлар ва уларни тақсимлаш самарадорлиги, истеъмолчилар эҳтиёжларини

[216] The International Bank for Reconstruction and Development and THE WORLD BANK. South Africa Economic Update. Focus on Export Competitiveness. –P. 2-3. http://documents.worldbank.org/curated/en/453211468101954705/pdf/843690NWP0P13100SAEU50for0web0final.pdf

[217] Adam Szirmai and Bart Verspagen. Manufacturing and Economic Growth in Developing Countries, 1950-2005. United Nations University. –P. 4. and Industrialisation as an engine of growth in developing countries, 1950–2005. Structural Change and Economic Dynamics 23 (2012) 406–420. UNDESA (2006a), CIC (2009), World Bank (2013b)

индивидуаллаштириш, ҳудудларда тармоқнинг ривожланиш даври ва хусусиятлари, ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши билан бир қаторда инновация манбалари ва унга очиқликни ўз ичига олиши зарур (1-расм). Самарали интеграцион тизим, яъни экспорт салоҳиятининг самарадорлиги мамлакатимиз экспорт таркибининг ҳам сифат жиҳатдан янада яхшиланишига олиб келади, миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига катта ҳисса қўшади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” номли 3.2 бандида келтирилган экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш, шунингдек, ушбу стратегиянинг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” номли 4.4 бандида келтирилган илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан бугун мамлакатимизда ииновацион ривожланиш ҳамда экспорт салоҳиятини янада оширишнинг тизимли йўналишлари яратилмоқда.




**1-расм. Экспорт салоҳияти самарадорлиги (интеграцион тузилма самарадорлиги) нинг омилли модели**

Мамлакатимизда инновацион ривожланишни жадаллаштириш орқали экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- экспорт ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни, НИОКР, инновация, илмий-техник ва технологик кооперация, кичик бизнеснинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш йўналишларини ривожлантирувчи барча миллий институтлар вазифаларини аниқ белгилаб олиш;
- юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниялар устав капиталида экспортни ривожлантирувчи институтларнинг тўғридан-тўғри иштирокини таъминлаш;
- инновацион лойиҳаларни амалга оширишда инвестициялар улушини ошириш;
- инновацион ечимлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва сотишнинг барча босқичларида миллий инновацион тизимни ривожлантириш;
- НИОКРни киритиш учун махсус инфратузилмаларни тақдим этиш ва молиялаштиришни кенгайтириш;
- давлат патент хизмати тизимини янада ривожлантириш;
- интелектуал фаолият натижалари айланмасини тартибга солишни оптималлаштириш;
- интелектуал мулк хуқуқини ҳимоялашни кучайтириш;
- амалиётга жорий қилиш фаолиятини ривожлантириш учун иқтисодий рағбатларни яратиш;
- инновацион жараённинг асосий иштирокчилари ўзаро фаолияти самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш учун технологик асосни ташкил қилиш;
- НИОКРни қўллаб қувватловчи махсус институтларни яхшилаш ва уларнинг натижаларини тижоратлаштириш бўйича бизнесни кучайтириш;
- миллий инновацион маҳсулотларни ташқи бозорларга ҳаракатлантирувчи, шунингдек, халқаро илмий-техник ва технологик дастурлар ва лойиҳаларда иштирокини таъминловчи дастурлар, механизмлар ва воситаларни ишлаб чиқиш;

Бобожонов Ж.А.
PhD докторант ТГЭУ

## АНАЛИЗ ТЕНДЕНЦИЙ ГРУППЫ ИНДИКАТОРОВ ДЛЯ БИРЖЕВОГО РЫНКА

В теории и практике исследования тенденций на рынке ценных бумаг разработаны и используются достаточно большое число показателей, называемых индикаторами или осцилляторами, и позволяющих выдвинуть определенные предположения относительно движения цены в ближайшей перспективе. При этом ряд авторов используют термины «осциллятор» и «индикатор» как синонимы, другие же более четко разделяют эти показатели на

две группы. В дальнейшем изложении под индикатором будет пониматься более высокий уровень обобщения данного множества показателей.

Индикаторы строятся как по фактическим данным, так и по данным, сглаженным на основе скользящих средних разных порядков (при этом сами скользящие средние следует рассматривать как один из индикаторов). В качестве оцениваемого показателя в большинстве случаев выступает цена, но ряд индикаторов также учитывают и объемы торгов.

В отличие от скользящих средних, которые обладают некоторой инерцией в описании динамики, особенность большинства других индикаторов заключается в том, что они более чутко реагируют на колебание цены в каждый конкретный момент времени. Именно поэтому скользящие средние и подобные им индикаторы более предпочтительны в трендовых рынках, а индикаторы другой рассмотренной ниже группы приводят к лучшим результатам при анализе боковых трендов, когда динамика цены часто и несущественно меняет свое направление. В подобных случаях биржевые операции в принципе возможны, однако требуют большей точности определения моментов трансакций. Кроме этого, при ослабевающем тренде такие индикаторы также полезны для определения момента смены тенденции.

При интерпретации значений индикаторов большое значение приобретают понятия перекупленности или перепроданности, а также расхождения.

Перекупленным считается такой рынок, на котором цена в короткие сроки достигла своего максимума и ее дальнейшее повышение маловероятно. Перепроданным называется такой рынок, на котором цена достигла такого минимального уровня, ниже которого ее движение также практически невозможна. Для каждого индикатора можно предположить некоторые границы, достижение которых сигнализирует о состоянии перекупленности рынка. Если индикатор находится в зонах перекупленности или перепроданности, с определенной вероятностью можно ожидать консолидации или разворота тенденции. Подчеркнем, что понятия перекупленности и перепроданности в большой степени теряют свое значение при анализе трендовых рынков.

Под расхождением понимается различия между значением индикатора и уровнем цен. Различают расхождение «бычье» и «медвежье». Если цена после прохождения некоторого минимального уровня и последующего подъема опускается до более глубокого минимума, а индикатор пройдя первый минимум и подъем не опускается вниз, то такое расхождение является «бычьим» расхождение наблюдается в том случае, когда рынок проходит максимум, снижается и затем поднимается на новую высоту, в том время как индикатор проходит первый максимум вместе с рынком, снижается и после этого не поднимается к новому максимуму. Как «бычье», так и «медвежье» расхождение является сигналом раннего предупреждения о том, что рынок, находится в процессе смены тенденции.

В теории биржевого анализа известны несколько десятков индикаторов, используемых для исследования тенденции и определения ключевых моментов в ее развитии. В наиболее полном, но не систематизированном виде они представлены в фундаментальной работе Р. Колби и Т. Мейерса «Энциклопедия

технических индикаторов рынка » .Из этого многообразия наибольшее применение находят несколько показателей, позволяющих решать основные аналитические задачи. Классифицируем предлагаемые в теории технического анализа индикаторы, опираясь при этом на такой классификационный признак как цель построения и использования индикатора или решаемая на основе его использования аналитическая задача.

Если рассмотреть особенности построения и анализы некоторых индикаторов данной группы, то инерционный осциллятор или момент представляет собой разность текущего значения цены и ее значения, зафиксированного несколько дней назад:

$$M_x = p_i - p_{i-x} \qquad (1)$$

где $p_i$-цена закрытия или средневзвешенная цена i-го дня;

$p_{i-x}$- цена закрытия или средневзвешенная цена x дней назад.

Данный осциллятор оценивает скорость роста или падения уровней цены. При этом, аналогично скользящей средней, с уменьшением временного интервала x он становится более чувствительным к изменениям исследуемой динамики. Отметим, что данный индикатор аналогичен показателю абсолютного прироста в теории статистического анализа с той лишь разницей, что в данном случае интервал, за который рассчитывается прирост, может быть любым, а не только единичным.

Инерционный осциллятор может принимать как положительные, так и отрицательные значения. Поэтому на графике он строится относительно линии, соответствующей нулевой отметке на шкале ОУ. При анализе графика осциллятора необходимо учитывать не только его расположение выше или ниже нуля, но и характер динамики. Так, при ослаблении повышательного тренда в изменении цены может еще сохраняться тенденция к росту, однако линия момента будет иметь понижательную динамику. В точке перелома тенденции инерционный осциллятор пересечет нулевую отметку.

Для повышения аналитичности инерционный осциллятор можно нормировать. Для этого за определенный временной интервал выбирается его максимальное по модулю значение и все другие значения соотносятся с этим максимумом. На графике нормированный инерционный осциллятор будет изменяться в интервале от -1 до +1. Приближение его к данным границам будет свидетельствовать о большой скорости изменения цены и, следовательно, о возможном приближении состояния перекупленного или перепроданного рынка.

Осциллятор нормы изменения ROC (rate of change) представляет собой отношение текущего значения цены к ее значению, зафиксированному несколько дней назад:

$$ROC_x = \frac{p_i}{p_{i-x}} * 100 \qquad (2)$$

Данный осциллятор принимает только положительные значения, которые на графике колеблются относительно центральной линии, соответствующей 100%. Кривая осциллятора примерно соответствует кривой осциллятора инерции. Однако, в отличие от последней, она характеризует не скорость, а интенсивность изменения уровней или потенциал роста.

Одновременный рост цены и осциллятора, если их кривые находятся над своими средними линиями, свидетельствует об усилении повышательного тренда. Превращение кривой осциллятора в горизонтальную линию означает ослабление потенциала роста. Приближение кривой осциллятора к центральной линии означает снижение интенсивности изменения цен. Однако отметим, что цена при этом еще продолжает расти. Пересечение центральной лини с кривой осциллятора указывает, что направление тенденции изменилось. Это пересечение можно считать сигналом для проведения операций в направлении среднесрочного тренда определяемого с помощью метода экспоненциальный скользящих средних.

Приводя итоги из изложенной выше, сформулируем особенности рассмотренных групп, выделим то основное, что присуще индикаторам каждой группы.

Индикаторы группы очень близки к классическим статистическим методам исследования тенденций. Более того, некоторые из них таковыми и являются (метод скользящей средней). Даже для случаев, когда для исследования курсов используется некоторый другой показатель (объем торгов или открытый интерес), можно подобрать аналог из практики общеэкономического анализа - доходы и расходы населения, стоимость основных фондов предприятия и объем производства и т.п.

ТДИУ
«Макроиқтисодиёт» кафедраси
катта ўқитувчиси Т. Х. Садуллаев

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт тушунчаси бир қатор мамлакатларнинг иқтисодий назарияси ва амалиётида пайдо бўлди. Бу рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажралиб турди. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётган билимга айлантирилди ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда. Бозор субъектларининг фаолиятида рақамли трансформацияларнинг асосий омили рақамли маданиятни ривожлантиришдан иборат. Жамиятни ижтимоий ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва бу асосда янги тушунчалар ва ёндашувларни шакллантиришга зарурат туғдиради.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожланишидаги иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга барқарор ривожланмоқда. Унга кўра ялпи ички маҳсулотни 100 % деб олсак, АКТ соҳасидаги улуши 2014 йилда 2,31 %, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 2.56 % ни ташкил этди. АКТ соҳасида ишлаб чиқариш 2014 йилда 0,08 %, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 0,07 % ни ташкил этди. АКТ соҳасида савдо 2014 йилда 0,13 %, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 0,13 ни ташкил этди.

Шунингдек, юқори технологияли ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият, молиявий хизматлар - интернет форматида ахборот ва коммуникация технологиялари ва шахсий ҳисоблаш қурилмалар, бизнес моделини ва бугунги иқтисодиётда истеъмолчилар нафақат ўзгарди, балки ижтимоий жараёнларни кенг ўзгартириш учун асос таълим концепциялари ва стандартлари, кўнгилочар ва дам олиш, электрон ўзаро асосланган, бу инфратузилмани, рақамли технологиялар асосида иқтисодий фаолият рақамли мақомга эга бўлган глобал иқтисодиётнинг янги тараққиёт вектори ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши халқаро бизнеснинг ички ва ташқи муҳитига таъсир кўрсатиши мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида катта ўзгаришлар рўй бермоқда, бу эса компаниялар фаолиятининг турли йўналишларида акс эттирилиши мумкин эмас. Интернет орқали бутун дунё бўйлаб ўз маҳсулотларини сотишлари мумкин. Кичик инвестицияга эга бўлган компаниялар тезда пайдо бўлиб, тез ўсиб ривожланиши мумкин.

Ахборот технологиялари ёрдамида харажатларни камайтириш ва айни пайтда иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш учун бундай имконият мавжуд. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда бозорда компанияларнинг позицияси тобора мураккаблашиб бормоқда. Стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнида хавф ва ноаниқлик даражаси ошади. Бу ҳолат технологик даражадаги динамик ўзгаришлар, рақобатнинг ўсиши ва иқтисодиётга давлат таъсири туфайли барқарор бозор ҳолатига боғлиқ бўлмайди.

Рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар учун янги бозор қоидаларини яратиши мумкин. Бундай муҳитда компаниялар янги рақобат стратегияларини қидириши ва рақобат самарадорлигини оширишлари керак. Омон қолиш ва айни пайтда янги шароитда ривожланиш учун компаниялар рақамли ахборот технологиялар соҳасида ўз ваколатларини оширишлари керак.

Рақамли иқтисоднинг самарадорлигини ҳар бир замонавий тадқиқотчи ва тажрибали тадбиркор кўрмайди. Аҳолига таҳдид солаётган томони шундаки, рақамли иқтисоднинг энг муҳим намойиши - роботларни ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатиш соҳасига кенг жорий этишдир. Сўнгги пайтларда ҳатто халқаро ташкилотлар ҳам иқтисодиётни роботлаштиришга олиб келиши мумкин бўлган хавфларни тушунишди, чунки роботлар деярли одамларни йўқ қилади. Башоратларга кўра, келгуси ўн йилликлар ичида учинчи дунё аҳолисининг учдан икки қисми ишсиз бўлади. Муаммо бу мамлакатларга тегишли бўлиши тасодиф эмас, чунки бу ерда роботлаштиришга дуч келадиган моддий ишлаб чиқариш устунлик қилади.

Ўтган асрнинг охирида ҳам накд бўлмаган рақамли пул расмийлаштирилган эди. Улар марказий банклар томонидан чиқарилган ва улар депозит пул деб аталар эди. Энди янги пул тўплами пайдо бўлади, бу шахсий рақамли пул деб аталади. Кўпгина мутахассисларнинг фикрига кўра, бу одамлар учун ҳаётни осонлаштирмайди. Шу билан бирга, ёшларнинг янги технологияларга мослашиши осонроқ бўлган рақамли иқтисоддаги ёшларнинг аҳамияти катта ёшдагиларга қараганда муҳимдир.

Шубҳасиз рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлиги соҳасига таъсир қилади. Келажакда қуйидаги касблар пайдо бўлиши мумкин:

• шахсий брендни бошқарувчи;

• виртуал адвокат;

• давлат органлари вакиллари билан мулоқот платформаси модератори;

• инфостйлеист;

• рақамли лингвист;

• муддатли брокер; • интерфейси услубчиси.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётни ривожланиши оқибатида миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш лозим. Институицонал ёндашиш нуқтаи назаридан “Миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизими” тушунчаси мураккаб сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, техник, ижтимоий-маданий тизим бўлиб, у миллий рақамли иқтисодий хавфсизликни таъминловчи объект ва субъектлар мажмуасидан иборат, бу рақамли иқтисодиёт субъектларининг миллий манфаатларини, амалдаги миллий қонунчиликни етарли даражада ҳимоя қилиш учун фойдаланилиши мумкин. Бу эса давлат сиёсати, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, норасмий норма ва ижтимоий хулқ-қоидаларини тартибга туширувчи меъёрий-ҳуқуқий тизимни яратиш кераклигини билдиради.

Рақамли иқтисод, ноёб функциянинг айрим хусусиятларининг мавжудлиги сабабли классик иқтисодга хос бўлган чекловларни енгишга имкон беради:

1. Бир нечта одамлар моддий маҳсулотлардан фойдалана олмайдилар, чунки рақамли маҳсулотларнинг бундай тўсиқлари йўқ: нусха кўчириш ва чексиз одамлар доирасига тақсимланиши мумкин.

2. Материаллардан фойдаланиш пайтида фойдаланиш тақиқланади. Рақамли маҳсулотлар асл хусусиятларини йўқотмайди, шунингдек, бу хусусиятлар биргаликда ишлаш ёки алмашинув жараёнида яхшиланиши мумкин.

3. Ахборот-коммуникация майдончалари одатий савдо биноларида мавжуд бўлган майдонларнинг ҳажмига чекловлар ва шу билан бирга бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатадиган мижозларнинг сони ва миқдори жиҳатидан чекланишларини олдини олади.

Иқтисодиётни рақамлаштиришни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни оқилона яратиш концептуал моделида ижтимоий-иқтисодий сектор ўсиш таҳлили фазо-вақт ривожлантириш режалаштириш усулларидан турли даражадаги назорат вазифаларини муқобил шакллантириш қуйидаги натижаларга олиб келади(1-расм):

- иқтисодиётнинг ҳолати таҳлил қилинади. Бунга иқтисодий бошқарув тизимини, унинг институционал қўллаб-кувватлашини ўрганиш киради;

- деҳқончилик даражалари аниқланади;

- оқилона иқтисодиётнинг субъектлари аниқланади;

- ижтимоий-иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатадиган оқилона иқтисодиётнинг айрим субъектлари кўрсаткичлари аниқланади;

- кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотлар тўпланади;

- аниқлик ва ноаниқлик, ички ва ташқи хавфларни аниқлаш учун ўрганиш;

- институионал деформацияларнинг ички ва ташқи таҳдидларидан оқилона иқтисодиётнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тузатувчи чоралар кўрилади.

Мамлакатимизда мавжуд махсус дастурий воситалар, умумий фойдаланувдаги дастурий воситалардан ташқари махсус дастурий воситалар ҳам мавжуд. Жумладан, илмий тадқиқотлар, лойиҳалаштириш, автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ёки алоҳида техник воситаларни ва технологик жараёнларни бошқариш, ташкилий, бошқарув ва иқтисодий вазифаларнинг ечими, товар (иш, хизмат)ларни сотиш ва сотиб олишни бошқариш, электрон шаклда молиявий ҳисоб-китобларни бажариш, Интернетни қўшган ҳолда глобал ахборот тармоғи орқали ташкилотингиз маълумотлар базасидан фойдаланиш, электрон ҳуқуқий-маълумотнома тизимлари, CRM-тизимлари, ERP-тизимлари, SCM-тизимлари, таҳририй-нашр тизимлар, антивирус дастурлари, ўқув дастурлари мавжуд. Қуйидаги 1-жадвалда махсус дастурий воситалар йиллар кесимида ўсиб бораётганини кўришимиз мумкин.




**1-расм. Иқтисодиётни рақамлаштиришни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни оқилона яратиш концептуал модели**

**1-жадвал**

**Мамлакатимизда тармоқ ва соҳаларда фойдаланилаётган махсус дастурий воситалар сони таҳлили**

| № | **Махсус дастурий воситалар** | **2014** | **2015** | **2016** |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Илмий тадқиқотлар учун | 202 | 189 | 159 |
| 2 | Лойиҳалаштириш учун | 178 | 177 | 168 |
| 3 | Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ёки алоҳида техник воситаларни ва технологик жараёнларни бошқариш учун | 235 | 267 | 249 |
| 4 | Ташкилий, бошқарув ва иқтисодий вазифаларнинг ечими учун | 550 | 532 | 513 |
| 5 | Товар (иш, хизмат)ларни сотиш ва сотиб олишни бошқариш учун | 284 | 313 | 304 |
| 6 | Электрон шаклда молиявий ҳисоб-китобларни бажариш учун | 1253 | 1350 | 1406 |
| 7 | Интернетни қўшган ҳолда глобал ахборот тармоғи орқали ташкилотингиз маълумотлар базасидан фойдаланиш имконини бериш учун | 303 | 320 | 304 |
| 8 | Электрон ҳуқуқий-маълумотнома тизимлари | 724 | 769 | 699 |
| 9 | CRM-тизимлари | 38 | 57 | 53 |
| 10 | ERP-тизимлари | | 40 | 62 |
| 11 | SCM тизимлари | 17 | 24 | 20 |
| 12 | Таҳририйнашр тизимлар | 195 | 125 | 98 |
| 13 | Антивирус дастурлари | 2151 | 2004 | 1723 |
| 14 | Ўқув дастурлари | 119 | 129 | 126 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳисоботларидан олинган.

Рақамли иқтисоднинг шаклланиши муайян базага эга бўлиши керак, бу қуйидагича бўлиши лозим:

- рақамли инфратузилмани ва алоқа стандартларини ишлаб чиқиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- On-Line хизматларни кенгайтириш;
- фуқаролар учун тармоқ ичидаги ва On-Line коммуникацияларга бепул киришни яратиш;
- рақамли экотизимларда ахборот оқимлари ва билимларни бошқаришни такомиллаштириш.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва амалга оширишнинг муҳим жиҳати, биринчи навбатда, қуйидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган давлат минтақавий сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади. Ҳудудларда

инвестицион жозибадорлигини ошириш ва улардаги инновацион фаолиятни ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, минтақаларнинг ижтимоийиқтисодий ривожланиш соҳаси-даги ҳудудий номутаносибликни минималлаштириш, минтақалараро муносабат-ларни мустаҳкамлаш ҳамда инсон салоҳиятидан оқилона фойдаланиш лозим.

Биз минтақавий ривожланиш соҳасида тўртта стратегик вазифани белгилашни таклиф қиламиз:

Биринчидан, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими сифатида ҳудудларнинг рақобатдошлигини ошириш ва уларнинг ресурс салоҳиятини мустаҳкамлаш;

Иккинчидан, инсон ресурсларини ривожлантириш;

Учинчидан, минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда минтақаларни ривожлантириш учун институционал шароитларни яратиш.

Тўртинчидан, жараёнларни самарали бошқариш ва ўз вақтида тўғри қарор қабул қилиш учун онлайн режимда хўжалик юритувчи субъект даражасида молиявий ва иқтисодий хавфсизликни мониторинг қилиш учун дастурий таъминотни тақдим этиш учун бевосита мулоқот қилиш ва алоқа учун алоқа тизимини яратиш керак.

**2-жадвал**

**Алоқа ва ахборотлаштиришнинг айрим кўрсаткичлари таҳлили**

| № | *Кўрсаткичлар номи* | 2014 | 2015 | 2016 |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Маълумотлар узатиш тармоғига уланган абонентлар сони | 17 372 816 | 18 339 669 | 19 532 122 |
| 2 | шу жумладан Интернет тармоғига уланган абонентлар сони | 7 904 040 | 8 339 069 | 9 626 764 |
| 3 | Операторлар (провайдерлар) тармоғида жойлашган Веб-сайтлар сони | 7349 | 8101 | 7570 |
| 4 | Юридик шахслар сайтлари сони | 6229 | 6938 | 6249 5. |
| 5 | Жисмоний шахслар сайтлари сони | 1120 | 1163 | 1321 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳисоботларидан олинган.

Ушбу вазифалар давлат томонидан тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиялаштиришни мақсадли йўналтиришда ўз вақтида жавоб бериш учун минтақавий ва давлат даражасида мунтазам равишда янгиланиши, қўллаб-қувватлаши, мониторингини амалга ошириши ҳамда мунтазам янгиланишини таклиф этади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари даражасида самарали узлуксиз ишлаш учун хўжалик юритувчи субъектлар интернетдан фойдаланишади. Шу билан бирга, "бизнесҳокимият" тизими субъектлари ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш модели ажралмас ва муҳимдир.

Алоқа ва ахборотлаштиришнинг айрим кўрсаткичлари таҳлилига кўра маълумотлар узатиш тармоғига уланган абонентлар сони 2014 йилда 17 372 816 тани ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич монанд 2016 йилда 19 532 122 тани

ташкил этди. Интернет тармоғига уланган абонентлар сони 2014 йилда 7 904 040 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилга келиб 9 626 764 тани ташкил қилган. Операторлар (провайдерлар) тармоғида жойлашган Веб-сайтлар сони 2014 йилда 7349 та 2016 йилда эса 7570 тани ташкил қилган. Юридик шахслар сайтлари 2014 йилда 6229 тани ташкил қилган бўлса 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 6249 тани ташкил қилган. Жисмоний шахслар сайтлари 2014 йилда 1120 тани ташкил қилган бўлса 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 1321 тани ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичларни тахлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қисман бўлса-да асос бўлади деб ҳисоблаймиз (2-жадвал).

Фикримизча, рақамли тизимлар учун технологиялар ва хизматларни ўз ичига қуйидагиларни олиши керак:

- ахборот-коммуникация тизимининг ривожланган тузилмаси;
- объектив йўналтирилган гуруҳларда иштирок этадиган интерактив жамоалар;
- ахборот ресурслари;
- маълумот базаси;
- электрон ўзаро таъсирларнинг янги шакллари;
- бизнес, ҳукумат ва жамиятни интеграциялашиш учун платформа; - рақамли муҳит.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, рақамли технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш, уларнинг мавжудлиги ва сифати, тайёргарлик босқичлари ва ривожланишнинг турли даражалари, мажбурий мактабгача таълимда техник кўникмалар олиш бўйича зарур таълимнинг даражасини оширишга алоҳида эътибор бериш керак ҳамда корхона ва ташкилотларда олий таълим ва докторантура таълим дастурларини таъминлашимиз керак.

Минтақавий даражадаги оқилона иқтисодий тизимни шакллантириш барқарор иқтисодий ўсиш нуқталарини аниқлаш, минтақанинг ривожланиш соҳалари ва йўналишларини нафақат замонавий шароитларда рақамли шакллантиришни эмас, балки биринчи навбатда, инсон ресурсларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш йўли билан давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги асосида иқтисодий ва инновацион ривожланиш сармояси шакллантирилади.

Асосий омилларни дастурий таъминотни фаоллаштиришга қаратилган оммавий ахборотлаштиришни ривожлантириш, аппаратни янгилаш, тармоқ технологияларини ривожлантириш, транзакцион секторнинг ўсиши ҳисобланади. Шу билан бирга, рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантиришнинг ғояларини тарқатиш, ахборот бозори сифатида тавсифланган ижтимоий - иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши соҳасида истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ўртасидаги савдоси ахборот маҳсулотлари бозорини шакллантиради. Ушбу ёндашув бир қатор мамлакатларда ахборот индустриясининг устунлигини кучайтиради, ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси борган сари билимга асосланган ва инновацион асосида ривожланади.

Қодиров Урал Сафар ўғли,
ТДИУ мустақил изланувчиси
Шералиев Жавохирбек Жахонгир ўғли
Макроиқтисодиёт кафедраси ассистенти

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎРНИ

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг замонавий ҳолати иқтисодиётда бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги инновацион-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш кўп жиҳатдан мамлакатни комплекс ривожлантиришда сезиларли аҳамиятга эга стратегик тармоқлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини топиш ва ҳудудий иқтисодий хўжаликлар фаолиятини диверсификациялаш жараёнларини амалга ошириш билан тавсифланади.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш бевосита юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган қувватларни техник янгилаш орқалигина таъминланланади.

Ушбу жараёнлар ва замоннинг ўзи иқтисодчи олимлар олдига миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини баҳолаш бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш вазифаларини қўяди. Шундай экан, миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини баҳолашнинг услубий асосларини тадқиқ қилиш, уларни тизимлаштириш ва жаҳонда мавжуд иқтисодий рақобатдошликни ўлчаш услубларини таҳлил этиш мазкур йўналишдаги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга, товар ва хизматларни кўплаб, сифатли ва арзон нархларда ишлаб чиқаришга, бозорда фаолият юритувчиларни янгиликлар ва инновацияларга интилишга ундайди, бу эса ўз навбатида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Мазкур вазифани амалга ошириш кўп жиҳатдан мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлик афзалликларидан самарали фойдаланишни долзарб қилиб қўймоқда.

Ҳар қандай мамлакат ички бозорида рақобатнинг мавжудлиги бозор хўжалиги муваффақиятли фаолият кўрсатишининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда рақобат тўғрисида қонунларнинг қабул қилинганлиги ва мазкур масалалар билан шуғулланувчи миллий ташкилотларнинг ташкил этилганлиги ушбу ҳолатни тасдиқлаб турибди. Хусусан, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти республика иқтисодиётида рақобат муҳитини яратиш, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар ва фирмалар хўжалик фаолиятини юритиш учун тенг рақобат имкониятларини барпо этиш ҳамда уларга кўмаклашишга йўналтирилган.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги хусусида сўз юритишдан олдин, аввало рақобат тушунчаси, рақобатбардошлик каби тушунчаларга тўталиб ўтамиз. Хусусан рақобат тушунчаси асосан мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён хисобланади. Фақат унинг иқтисодий моҳиятини ва амал қилишининг объектив асосларини чуқур англаб етиш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида рақобатни ривожлантириш шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни таъминлаш йўлларини ўрганиш мазкур механизмдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, унинг ижобий таъсирлари самарасини ошириш имконини беради. Айниқса, ўтиш даври иқтисодиётида рақобат курашининг намоён бўлиш шакллари ва усуллари ўзига хос хусусият касб этиб, улардан тўғри фойдаланиш иқтисодиётда амалга оширилаётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ва эркинлаштириш жарёнларига ҳамда миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишда аҳамиятли таъсир кўрсатади. Рақобатбардошлик –кўп қиррали тушунча, унинг замирида товар ва хизматларнинг бозор шароитларига ва истеъмолчининг талабларига ўзининг нафақат сифат, иқтисодий, техник, эстетик, эргономик жиҳатлари билан мувофиқлиги, балки унинг бозордаги савдо-сотиқ шароитларининг (етказиб бериш муддати, нархи, сотиш каналлари, сервис, реклама) мос келишлиги каби жиҳатлар ҳам ётади.

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида жойлашган Менежментни ривожлантириш халқаро институти ҳар йили дунёнинг етакчи 47 мамлакатига рақобатбардошлик нуқтаи назаридан баҳо беради. Таҳлиллар 287 мезон бўйича гуруҳланган 8 та омил бўйича амалга оширилади. Булар:

– миллий иқтисодиёт тавсифи – ЯИМ ҳажми, инвестициялар ва жамғармалар ҳажми, пировард истеъмол даражаси, аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиётнинг амал қилиш самарадорлиги даражаси;
– иқтисодиётнинг байналмилаллашув даражаси;
– сиёсий тизимнинг барқарорлиги;
– молия тизими;
– инфратузилма;
– бошқарувнинг самарадорлиги;
– фан ва технологияларнинг ривожланиш даражаси;
– меҳнат ресурсларининг тавсифи кабилар.

Юқоридан кўриниб турибдики, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси маълум бир жихати фан ва технологияларнинг ривожланганлик даражасига хам боғлиқ бўлиб, бу ўз-ўзидан инновациялар мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширувчи омил бўлибхизмат қилади деганидир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатлар рақобатбардошлигини таҳлил этувчи халқаро тадқиқотлардан бири – бу Жаҳон иқтисодий форумининг

методикаси ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида мамлакатнинг иқтисодий ўсишини баҳолашда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш динамикасини тавсифловчи муҳим макро ва микроиқтисодий кўрсаткичлар асосида рақобатбардошликнинг агрегат индекслари ҳисобланади. Ушбу методика 30 йилдан буён қўлланилади ва унинг натижалари Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик тўғрисидаги маърузасида чоп этилади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлигини баҳолаш кўп сонли маълумотларни йиғиш, гуруҳлаш, умумлаштириш асосида рақобатбардошлик кўрсаткичларини асосий омиллар бўйича ҳисоблашни кўзда тутади. Кейин барча омилларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи агрегат индекс ва субиндекслар ҳисобланади. Замонавий миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини аниқлаш методикасида 12 та асосий кўрсаткичлар ажратилади (1-расм).




**1-расм. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг гуруҳланиши**

Қайд этиб ўтилган кўрсаткичлар уч гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ базавий талабларни ўз ичига олади, иккинчи гуруҳ бизнес муҳит самарадорлигини оширувчи омилларни қамраб олади, учинчи гуруҳ эса бизнесни такомиллаштириш омилларини бирлаштиради. Ҳар бир гуруҳ муайян субиндекслар билан тавсифланади. Субиндексларни ҳисоблаётган вақтда ҳар бир гуруҳнинг вазни қуйидагича белгиланади биринчи гуруҳ – 25%, иккинчи гуруҳ–17%, учинчи гуруҳ –50% (1-жадвал). Рақобатбардошликнинг базавий

талаблари доирасида ёндашадиган бўлсак, унга кўра иқтисодиёт ресурсларга йўналтирилган босқичида 60 %, самарадорликни ошириш босқичида эса 40% натижага, иқтисодиёт ривожланиши инновацияларга асосланганда эса 20% натижага эришилади. Яьни ресурслардан оптимал даражада фойдаланиш ҳолати кузатилиб, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги таьминланади.

**1-жадвал**

**Ривожланишнинг ҳар бир босқичида асосий уч гуруҳ кўрсаткичларининг улуши, (фоиз ҳисобида)**

| Субиндекслар | Ресурсларга йўналтирилган босқич | Самарадорликка йўналтирилган босқич | Инновацияга йўналтирилган босқич |
|---|---|---|---|
| **Базавий талаблар** | 60 | 40 | 20 |
| **Самарадорлик кўрсаткичлари** | 35 | 50 | 50 |
| **Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари** | 5 | 10 | 30 |

Бунда ҳар бир субиндекснинг аниқ мамлакат учун ҳисобланган натижавий Глобал рақобатбардошлик индексига қўшган ҳиссасидан келиб чиқиб, ушбу мамлакатнинг иқтисодий ривожланишнинг қайси босқичида эканлигини аниқлаш мумкин бўлади. Ушбу ёндашув иқтисодий ривожланиш жиҳатдан турли даражадаги мамлакатларнинг рақобатбардошлигини таққослаш имконини беради.

Юқоридаги тахлилилардан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиёти ресурсларга йўналтирилган босқичда рақобатбардошликни таъминлашда инновацион салохият ва ривожланиш омилларининг ўрни атиги 5 фоизга тенг. Самарадорликка йўналтирилган босқичда эса бу кўрсаткич 10 фоизга тенг бўлиб, инновацияларга йўналтирилган босқичда 30 фоизгача етади.

2018 йилда Умумжахон иқтисодий форумида мамлакат иқтисодиётида инновацияларни ўрнини белгилаб берувчи қуйидаги омиллар ҳам алохида таъкидланган:

– мамлакатда яратилётган инновациялар сиғими;

– мамлакатдаги юқори салохиятга эга бўлган илмий-тадқиқот институтларининг сифати;

– мамлакатдаги компанияларнинг ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг илмий-тадқиқот изланиш ишларига қилаётган сарф харажатлари;

– илмий-тадқиқот ишларида университет-саноат алоқадорлиги;

– юқори технологияли илмий-изланиш ишланмаларини давлат томонидан сотиб олиниш даражаси;

– мухандислар ва илмий-изланувчи тадқиқотчиларни мавжудлик даражаси.

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири мамлакатларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичларига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Жумладан, глобал рақоатбардошлик индексида биринчи ўнликка кирувчи мамлакатлардан АҚШ, Гонконг мамлакатлари рейтинги кўтарилган бўлиб, Сингапур, Япония, Буюк Британия, Швеция кабилар 2016-2017 йилдаги рўйҳатдан пастга тушишган, шунингдек, Германия, Нидерландия

ҳамда Финляндия мамлакатлари ўз ўринларини сақлаб қолишган бўлиб, Германия бу кўрсаткич бўйича 5 ўриннни, Нидерландия 4 ўринни, финландия эса 10 ўринни бандэтган. Энг сезиларли кўтарилиш Гонконг (0.05 балл юқорига) мамлакатида кўзатилган бўлиб, бу мамлакат Халқаро рақобатбардошлик индексида 9 ўриндан 6 ўрингача кўтарилган. Балл бўйича солиштирганда энг юқори ўсиш кучли ўнталикда АҚШга (+0.15) насиб этган. Энг юқори ўринни эса Швецария банд этган. Хусусан, жаҳон рақобатбардошлик рейтингида Швейцария мамлакати охирги 7-8 йилликда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бунга асосий сабаб қилиб мамлакатда юқорида келтириб ўтилган омиллар бўйича етарлича ислоҳотлар, ишлар амалга оширилиши натижасида эришилмоқда.

**2-жадвал**

**2017-2018 йиллар учун глобал рақобатбардошлик индекси бўйича биринчи ўнликка кирувчи мамлакатлар**[218]

| Мамлакатлар | 2017-2018й | | 2016-2017 й | | 2016-2017 йиллар билан солиштирилганда фарқи (+;-) |
|---|---|---|---|---|---|
| | Ўрни (137 тадан) | Балл (1-7) | Ўрни (138 тадан) | Балл (1-7) | |
| **Швейцария** | 1 | 5.86 | 1 | 5.81 | +0.05 |
| **АҚШ** | 2 | 5.85 | 3 | 5.70 | +0.15 |
| **Сингапур** | 3 | 5.71 | 2 | 5.72 | -0.01 |
| **Нидерландия** | 4 | 5.66 | 4 | 5.57 | +0.09 |
| **Германия** | 5 | 5.65 | 5 | 5.57 | +0.08 |
| **Гонконг** | 6 | 5.53 | 9 | 5.48 | +0.05 |
| **Швеция** | 7 | 5.52 | 6 | 5.53 | -0.01 |
| **Буюк Британия** | 8 | 5.51 | 7 | 5.49 | +0.02 |
| **Япония** | 9 | 5.49 | 8 | 5.48 | +0.01 |
| **Финландия** | 10 | 5.49 | 10 | 5.44 | +0.05 |

Шунингдек, тахлилларга кўра, Осиё минтақаси мамлакатларидан Хитой Халқ Республикаси (5.00) 27 ўринни, Жанубий Корея (5.06) 26 ўринни, Қозоғистон (4.35) 57 ўринни эгаллаган.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, глобал рақобатбардошлик индекси 2016-2017 йилларда жами 138 та мамлакат ичида ўтказилган бўлса, 2017-2018 йилларда 137 мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлик кўрсаткичлари тахлил этилган.

Шу билан бирга,Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатдошлигини ҳисоблаш учун барча таянч кўрсаткичлар мавжуд, аммо Умумжаҳон иқтисодий форуми усулига асосан ҳисоблашда меҳнат бозори, молиявий кўрсаткичлар ва сўровномалар бўйича тўлиқ статистик маълумотларни шакллантиришда қийинчиликлар бор.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш учун хам қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда

218The Global Competitiveness Report 2017-2018 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2018. P. 13.

ва самарали ташкил қилинаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги таьминланмоқда.

Хусусан, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда қуйидаги омиллар асосий восита бўлиб хизмат қилади:

– макроиқтисодий барқарорликка эришиш;
– иқтисодиётни таркибий модернизация ва диверсификация қилиш;
– меҳнат унумдорлигини ошириш;
– кредитлаш тизимини яхшилаш;
– инновациялар яратиш ва амалётда қўллаш;
– инфратузилмани ривожлантириш;
– жозибадор ишбилармонлик муҳитини яратиш;
– давлат иқтисодий сиёсатининг очиқлиги;
– аҳолининг яшаш фаровонлигини яхшилаш ва бошқалар.

Юқоридан кўриниб турганидек, инновациялар яратиш ва уни амалиётда қўллаш ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омиллардан бири хисобланади. Хусусан, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини баҳолашда инновациялар яратиш ва уларни амалётда қўллашда қуйидаги омиллар алохида ўрин эгаллайди:

– Технология ва ускуналар импорти ҳажми;
– Саноат ишлаб чиқаришда тайёр махсулотлар улуши ортиши;
– Экспортда юқори технологияларга асосланган махсулотлар улуши ортиши.

М.Э. Пулатов – СамИСИ ректори, и.ф.д.
М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

## МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ЗАРУРЛИГИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Маркетинг тадқиқотларини интернет орқали амалга ошириш зарурлиги бевосита барча соҳалар сингари маркетингда ҳам ахборотларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетаётганлиги, уларни анъанавий бошқарув усуллари билан уддасидан чиқишнинг турли мураккабликлари билан боғлиқ.

Яна бир йўналиш бозорнинг кенгайиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг, шу билан бирга ахборот коммуникацион техноло-гияларнинг, уларга кўрсатиладиган хизматларнинг глобал масштабда амалга оширилиши билан ҳам боғлиқ бўлмоқда.

Барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий каби жараёнлар глобаллашган шароитда рақобат ҳам глобал аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларни, глобал рақобатдан сақланиб қолиши учун ахборот технологиялари ва интернетдан фойдаланишни тақозо қилади.

Маркетинг тадқиқотларини интернет орқали амалга ошириш учун катта имкониятлар яратилди. Ҳозирда замонавий компьютерлар, бошқа алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари бутунжаҳон тармоқ тизимида глобал

масштабда бемалол мулоқат қилиш имконини бермоқда. Ушбу ҳолат мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ташқи бозорлар билан алоқа қилиш имкониятини туғдириш билан бирга товар ишлаб чиқариш, сотиш, аҳолига етказиш, истеъмолчиларни манфаатларини ҳимоя қилиш каби ишларни ҳам интернет орқали амалга ошириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Интернетда маркетинг тадқиқотлари мамлакатимиз корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш масаласини амалга оширида ҳам хизмат қилмоқда. Бунда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини ўстириш, хусусий сектор улушини кўпайтириш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини янада эркинлаштириш орқали эркин савдони йўлга қўйишни ҳам тақозо этади. Бундай вазифаларни амалга ошириш учун тадбиркорлардан бизнесни халқаро миқёсда компьютер технологиялари орқали юритиш усулларини билиш ва улардан оқилона фойдалана олиш талаб этилади.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб ҳозирги пайтда интернет маркетинги, интернет реклама, интернет маркетинги тадқиқотлари каби фанлар ва алоҳида фанларда уларнинг йўналишлари пайдо бўлмоқда. Чунки, ушбу мавзу деярли барча иқтисодий мутахассислар учун зарур ҳисобланмоқда. Иқтисодиёт оламининг глобаллашуви ҳар бир иқтисодчини ҳам глобал иқтисодиётдан хабардор бўлишини талаб қилмоқда ва бу зарурият ушбу масалани ҳам ўрганишни тақозо қилмоқда.

Интернет орқали мулоқот: вақтни, маблағни, масофада юришни тежайди ва мос равишда инсонларнинг хавфсизлигини ҳам таъминлашга хизмат қилади. Шу туфайли интернет билан боғлиқ мавзуни ўрганишда албатта замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш лозим бўлади. Ҳозирги кунда талабаларнинг ушбу масалани ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги ахборот-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки интернетдан барча фанлар бўйича тегишли назарий ва амалий аҳамиятга молик ахборотларни ҳам олиш мумкин бўлади.

Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил фанида кўзда тутилган мавзуни ўзлаштириш бироз мураккаб, чунки ҳозиргача ушбу фан янги бўлганлиги туфайли дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилмаган. Шу туфайли услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлардан самарали фойдаланишни тақозо қилади.

Маркетинг тадқиқотларида ахборот-коммуникация воситалари-дан қуйидагилар фойдаланилади:

- маҳаллий телефон тармоғи;
- шаҳарлараро телефон тармоғи;
- халқаро телефон тармоғи;
- уяли телефон тармоғи;
- персонал радиочақирув тармоғи;
- кўчма радиотелефон алоқа тармоғи;

• маълумотларни ўтказиш тармоғи;
• интернет тармоғи;
• телерадиокўрсатувлар ўтказиш тармоғи кабилар.

Шулардан интернет тармоғи билан боғлиқ операторлар (провайдерлар)нинг сони бўйича биринчи ўринда туради, яъни 36,6%ни ташкил қилади. Келажакда ушбу кўрсаткичнинг миқдори яна ошиб бориш тенденциясига эга бўлиб бораверади.

Интернетда маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг умумий вазифалари билан бирга устувор вазифаларини ҳам қараб чиқиш мақсадга мувофиқ. Чунки, маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш фақат маркетинг бўлимининг иши эмас, балки у энг аввало, корхона раҳбари, инвестор ва мулк эгасининг вазифасига киради. Худди шунингдек, барча ходимлар маркетинг стратегиясидан воқиф бўлиши лозим. Шу талабдан келиб чиқиладиган бўлса, корхонанинг стротгик ва тактик вазифаларини белгилаб олишда ҳам айнан интернет тадқиқотидан фойдаланилади.

Интернетда маркетинг тадқиқотлари ушбу тадқиқотлар тизимида уларни амалга ошириш борасида устувор вазифалар сирасига киради. Чунки инттернет орқали товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сотиш, талаб ва таклифга баҳо бериш, нарх сиёсатини белгилаш, бозор сегментини аниқлаш, рақобат ва тадбиркорлик муҳитини баҳолаш, анъанавий ва ижтимоий маркетинг концепцияларини ишлаб чиқиш имконияти яратилади. Маркетинг концепциялари ва маркетинг фалсафасини аниқлашда ҳам асосий техник восита сифатида хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, интернетда маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг устувор вазифаларини белгилаш мумкин. Буларга:

- маркетинг бўлимларини маркетинг соҳасини яхши биладиган, интернет билан ишлай оладиган малакали кадрлар билан таъминлаш;
- интернет орқали реклама фаолиятини йўлга қўйиш ва тегишли ахборотларни олишни ҳам интернет орқали амалга ошириш;
- кадрларни тегишли компьютер техникаси ва услубий адабиётлар билан таъминлаш;
- корхонадаги барча бўлимларни тегишли ахборотлар билан ва маркетинг тадқиқотлари натижалари билан хабардор қилиб бориш;
- рақобатчи корхоналар ахборотларини олиш ва уларни мунтазам ўрганиб бориш, рақобат ҳақидаги ахборотларни тезкор тарзда ходимларга тарқатиш ва тегишли тадбирларни қўллаш йўлларини кўриш;
- интернет орқали талабни ҳар томонлама ўрганиш ва шунга мос таклифни ҳам реклама тарзида тезкор усулларда тарқатиш;
- маркетинг тадқиқотлари бўйича глобал масштабда содир бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлиб бориш.

Ушбу йўналишларни ва шу билан боғлиқ мавзуни ўрганишда интернет глобал тармоғининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларига алоҳида аҳамият берилиши лозим. Чунки, шу йўналиш орқали ахборот технологияларининг маркетинг соҳасига қўлланилиши объектив заруратдан келиб чиққанлигини билишимиз мумкин бўлади. Компьютер тармоқларининг

ривожланиши ва уларнинг маркетинг тадқиқотларига қўлланилиши World, Wide, Web каби дастурларнинг яратилиши катта аҳамият касб этганлиги ҳам масаланинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, ахборот технологияларининг ривожланишни таъминлаш билан бирга электрон бизнеснинг пайдо бўлиши ва ўсишига ҳам катта таъсир кўрсатганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Исмаилов Н.Н.
Соискатель ТГЭУ

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА ДЛЯ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКУ УЗБЕКИСТАН

С обретением независимости Узбекистан осуществляет свою собственную независимую внутреннюю и внешнюю политику, исходя из традиций и исторического прошлого узбекского народа, географического расположения и накопленного экономического потенциала.

Особое внимание правительство Республики Узбекистан уделяет совершенствованию инвестиционного климата и созданию благоприятных условий для привлечения иностранных инвестиций в экономику республики, активного участия иностранных инвесторов в процессе приватизации и денационализации, в производстве конкурентоспособной на международных рынках продукции.

Эффективным инструментом структурных преобразований приоритетных отраслей экономики республики выступает государственная политика по привлечению иностранных инвестиций. Привлечение и адресное использование иностранных инвестиций в экономику нашей страны является одним из направлений взаимовыгодного экономического сотрудничества между странами. С помощью иностранных инвестиций можно улучшить производственную структуру экономики, создать новые высокотехнологические производства, создать новые рабочие места, модернизовать основные фонды и технически перевооружить многие предприятия, подготовить специалистов и рабочих, внедрить передовые достижения менеджмента, маркетинга и ноу-хау, наполнить внутренний рынок качественными товарами отечественного производства с абсолютной энергетической независимостью. Недра одновременным увеличением объемов экспорта в зарубежные страны.

Республика Узбекистан - это одно из немногих государств в мире, экономика которого характеризуется Узбекистана обладают огромными запасами полезных ископаемых и природных ресурсов. Страна занимает лидирующие позиции в мире в плане золота, урана, меди, серебра, свинца, цинка, вольфрама, редких металлов и других запасов.

Наша страна входит в десятку стран по запасам газа и нефти, угля и урана. Производимая в стране электроэнергия по стоимости в 4 раза ниже средней цены, которую уплачивают промышленные потребители в развитых странах. Также Узбекистан обладает наиболее диверсифицированной экономикой в

Центральной Азии. Узбекистан является единственным в Центральной Азии государством, выпускающим широкую номенклатуру современных автомобилей, грузовиков, высококачественной сельхозтехники: от мини-тракторов до комбайнов, крупнейшим в регионе производителем химической, текстильной, пищевой продукции, строительных материалов, электроники и электротехники.

Под руководством Президента нашей страны Шавката Мирзиёева реализуются широкомасштабные реформы по привлечению иностранных инвестиций и созданию еще более оптимальных условий для ведения бизнеса. В процессе либерализации экономики приоритетное значение приобретает улучшение инвестиционного климата нашей страны. Как известно, Президент Республики Узбекистан 7 февраля 2017 г. утвердил комплексный Указ «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.», который также предусматривает задачи по расширению кредитования перспективных проектов субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, эффективное использование привлеченных иностранных инвестиций и кредитов в Республике Узбекистан.

В Узбекистане созданы широкие возможности для активной и свободной деятельности иностранных инвесторов. Но все же инвестиционный климат нашей страны нуждается в совершенствовании. При формировании общей инвестиционной стратегии возрастает необходимость учета факторов, влияющих на улучшение инвестиционного климата. Влияние оказывают такие факторы, как природно-климатические условия, географическое положение, состояние окружающей среды, наличие энергетических мощностей, экономическое положение, научный потенциал, законодательная и нормативная база, наличие трудовых ресурсов, степень развития социальной инфраструктуры. Для более широкого привлечения иностранного капитала призваны способствовать: государственная гарантия собственности в Узбекистане, стабильность развития экономики, развитие системы поощрения инвестиционной активности в стране, а также формирование и осуществление инвестиционного законодательства.

Для благоприятного инвестиционного климата в Республике Узбекистан следует:

-совершенствовать национальное законодательство, которое будет понятным и доступным для инвесторов;

-упростить процедуры ведения бизнеса и предоставление качественных государственных процедур для инвесторов;

-создать экономические предпосылки, такие как предоставление льгот по налогообложению прибыли, собственности и объектов инфраструктуры, для увеличения потока инвестиций в экономику;

- необходимо совершенствовать банковскую систему, которая до сих пор не стала по-настоящему действенным институтом привлечения инвестиций и мобилизации средств для последующего направления в экономику. Еще одним направлением по улучшению инвестиционного климата является необходимость развития фондового рынка;

-разработать инвестиционную стратегию, которая будет определять инвестиционные приоритеты регионов: территории, отрасли, технологии опережающего развития, осваиваемые виды продукции, работ и услуг, планируемые к реализации проекты;

-создать «Совет по улучшению инвестиционного климата» при Кабинете Министров Республики Узбекистан, который будет вырабатывать рекомендации по улучшению инвестиционного климата, по уменьшению административных барьеров, в том числе в части сокращения сроков и упрощения процедуры выдачи разрешительной документации; разрабатывать предложения по приоритетным направлениям развития регионов и координировать финансовые и инвестиционные ресурсов на наиболее важные направления;

-создать инвестиционный портал на 3-х и более языках, который будет обеспечивать наглядное представление инвестиционных возможностей инвестора, о потенциальных направлений инвестиций, а также сбор и оперативное рассмотрение жалоб, обращений инвесторов, будет содержать статистические данные, предоставлять полную информацию о льготах и преференциях, инфраструктуре, государственных объектах, услугах для инвесторов.

По данным 2017 года, доля инвестиций в основной капитал составила 24,4% ВВП. Следует отметить, что этот показатель превышает среднюю долю инвестиций рассчитанный по странам мира. Для того, чтобы объем инвестиций обеспечил стабильный экономический рост в экономике нашей страны, нужно увеличить не только объем иностранных капитальных вложений в национальную экономику, но и объем внутренних инвестиций. Так как снижение внутренних инвестиций может вызвать уменьшение темпов экономического роста. Внутренние инвестиции имеют наибольший потенциал, чем иностранные инвестиции. Необходимо мобилизировать и внутренние инвестиции. На сегодняшний день из-за отсутствия нормальных финансовых институтов, таких как биржи, инвестиционные и хедж-фонды, практически не вовлечены в экономику. Как мы знаем, на уровень и интенсивность инвестиций влияет и такой фактор, как степень организованности финансового рынка. Значительная часть инвестиционных ресурсов в современных условиях формируется за счет сбережений населения. Однако население практически лишено возможности непосредственно осуществлять инвестиции в производство. Его участие в основном осуществляется с помощью финансового рынка. И если финансовый рынок хорошо организован, то даже те денежные средства, которые оказываются свободными на незначительный срок, также вовлекаются в инвестиционный процесс. Слабость финансового сектора выступает сдерживающим фактором инвестиционного процесса. В этих условиях необходимы активная экономическая политика государства по стимулированию работы финансовых институтов.

Для увеличения объема инвестиций в национальную экономику на основе внутренних инвестиций, необходимо выполнить следующие меры:

- совершенствование существующего механизма в национальной экономике, по превращению сбережений в инвестиции

- привлечение коммерческими банками как в национальной, так и в иностранной валюте денежных средств населения, и предоставление их в качестве кредитов субъектам хозяйствования

- создать благоприятные условия по обеспечению гарантий сохранностей вкладов населения. Прежде всего, обеспечить население полной информацией, предоставить достоверные оценки и надежные прогнозы по инвестиционной инфраструктуре. Так как не зная результаты вложения капитала, приходится основываться на ограниченный спектр информации и принимать рисковые решения. При наличии полной информации, можно снизить рис и обезопасить себя.

- необходимо расширять спектр банковских услуг, разрабатывать дополнительные финансовые инструменты, способствующие привлечению средств населения и учитывающие региональные финансовые особенности

- вовлечение средств, накопленных у населения в инвестиционный процесс через фондовую биржу «Ташкент» и так далее

Очевидно, что привлечения дополнительных внутренних инвестиций в национальную экономику разработки стимулирующего механизма превращения сбережений в инвестиции. Однако, этот процесс связан и с изменением сознания населения для участии их в экономической деятельности страны, что связано с определенным временим.

Таким образом, для того, чтобы иностранные инвестиции способствовали увеличению темпов экономического роста Узбекистана, требуется решение следующих задач:

-Привлечение как можно больше числа иностранных инвесторов и создание благоприятного инвестиционного климата.

-Эффективное использование внутренних инвестиций наряду с иностранными, при том развивать финансовый рынок.

-Стимулирование иностранных капитальных вложений ради повышения эффективности предприятия

-Создание необходимой инфраструктуры для научного и инновационного прогресса ради повышения конкурентоспособности отечественных товаров на международном рынке

В заключении следует сказать, что положительное решение вышепоставленных вопросов содействует увеличению объема внутренних и иностранных инвестиций, направленных в национальную экономику, обеспечению устойчивого экономического роста и, в конечном итоге, ускорению развития страны и повышению благосостояния населения нашей республики.

Ҳакимова М.Ф.
ТДИУ Касб таълими (иқтисодиёт)” кафедраси профессори

# ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ СИФАТИНИНГ ТАЪСИРИ

Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни олий таълим даражасида баҳолаш; илмий салоҳият, мамлакатда ўқиётган хорижий талабалар сони; аҳоли жон бошига ЯИМ бирлигида 1 та талабага қилинадиган харажатлар; хизматлар кўрсатиш ҳолати таълим хизматлари экспортининг ўсиш суръатига таъсир кўрсатувчи ва олий таълим рақобатбардошлигини ифодаловчи асосий омиллар ҳисобланади. Халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон олий таълим тизимидаги жадал ривожланаётган соҳалардан биридир.

Мазкур барча омиллар олий таълим тизимининг ривожланиш даражаси билан боғлиқ. Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари томонидан амалга оширилаётган сиёсатда иқтисодиёт рақобатбардошлигини таълим хизматлари сифатининг ўсиш суръати ҳисобидан ошириш вазифалари қўйилмоқда.

Таълим хизматлари экспортининг мамлакат ЯИМдаги улуши аҳолининг таълим даражасига тўғридан тўғри боғлиқ бўлишини тушуниб етилиши натижасида, бугунги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларда олий таълим соҳасини ривожлантириш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида тушунилади.

Бугунги кунда тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, имкон даражасида таълим харажатларини ошириш, таълимга инвестиция жалб қилиниши, ишлаб чиқариш саноатига сарф қилинган харажатлар натижасида

олинадиган даромадларга нисбатан яхши самара беради. Шундай қилиб, таълимга ажратиладиган харажатлар энг самарали сармоя турларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда дунёда таълимнинг аҳамияти изчил ошиб, у нафақат иқтисодиётни, балки бутун жамиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда энг муҳим омиллардан бирига айланди. Таълимнинг роли инсон капитали таъсири ўсиши билан бирга муттасил юксалиб бормоқда. Таълим инфратузилмаси ҳар қандай мамлакат тараққиётининг энг муҳим омилларидан биридир.

Аксарият ташкилотларда ва ишлаб чиқариш корхоналарида кадрлар сиёсатида олиб борилаётган ислоҳотлардан ортда қолиш натижасида таълим даражаси паст бўлган ишчи кучидан фойдаланиш вужудга келмоқда. Мазкур ҳолатлар, авваламбор, истиқболли ривожланишга эмас, балки жорий натижаларга эришишга йўналтирилган ташкилотларда кузатилмоқда. Натижа эса равшан – ишлаб чиқаришда самарасиз харажатларнинг ўсишини келтириб чиқаради.

Айтиш жоизки, бугунги кунда нафақат Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Европа мамлакатларида, балки Индонезия, Малайзия, Туркия ва Яқин Шарқ

мамлакатларида ҳам олимлар, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларига ва тадқиқотчиларига юқори талаб вужудга келмоқда.

Иқтисодиёт рақобатбардошлигида инсон капитали ва таълим сифатининг таъсири бўйича тажрибавий тадқиқотлар таҳлили қуйидаги қарашларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- Таълим мамлакат иқтисодиётига технологик ривожланиш даражасига, аҳоли даромади даражасига боғлиқ равишда ижобий самара келтиради;
- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ЯИМ таълимга ажратиладиган давлат харажатларининг ўзгаришига боғлиқ;
- Инсон капитали мамлакат иқтисодий ўсиш суръатига юқори ижобий самара келтиради, аммо мазкур самара жиддий равишда давлатнинг таълим тизими сифатига боғлиқ равишда мамлакатлар бўйича фарқ қилади;
- Мамлакат иқтисодий ўсиш суръатига айнан таълимнинг сифат хусусиятлари ёрдам беради.

Мазкур қарашлардан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, мамлакат иқтисодий ўсиш суръати ва рақобатбардошлигини таъминловчи энг муҳим захира олий таълим ҳисобланади. Айнан олий таълим иқтисодий ўсиш суръатининг асосий омилларидан бирини, яъни меҳнат ресурслари сони ва сифатини кўрсатиб беради. Шунингдек, таълим хизматлари экспортининг ўсиш суръатини таъминловчи асосий пойдевор ҳисобланади.

Иқтисодиёт соҳасининг мутахассислари таълим экспортида мамлакат иқтисодиётига молиявий воситаларни ва иқтидорли хорижликларни жалб этиш каби икки масалани ҳал қилиш лозимлигини таъкидлашади.

Ғарб мамлакатларида таълим экспорти зиммасига нафақат иқтисодиётга муҳим даромад келтириш, балки таълимга, фанга, иқтисодиётга хорижий иқтидорларни жалб этиш вазифаси ҳам қўйилган.

Таълим хизматлари экспортининг кенг кўламда амалга оширилиши хорижий мамлакатларга "енгил" таъсир кўрсатиш йўли сифатида қаралиши мумкин. Масалан, хорижий талабалар ёрдамида ўзбек тилимиз, мамлакатимиз фан ва маданиятининг натижалари, шунингдек миллий бойлик ва қадриятларимиз тарқалиши эвазига амалга ошиши мумкин.

Жаҳон олий таълим хизматлар бозори – бу етакчи мамлакатлар ўртасидаги кескин рақобат муҳитидир. Аксарият мутахассислар таъкидлашича, ҳар бир мамлакат таълим хизматлари экспортининг ўсиш суръатини таъминлаш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига боғлиқ.

Бутун дунё мамлакатларида олий таълим тизими хусусиятларини таърифловчи кўрсаткичлар моҳиятини аниқлаш ва уларнинг мамлакат иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсирини баҳолаш мақсадида кўрсаткичларни солиштириш ва миқдорий ўлчашларга асосланган методикадан фойдаландик.

Мазкур методика қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Олий таълим тизимининг ривожланиши ва бозор омиллари нуқтаи назаридан жаҳон мамлакатлари рақобатбардошлигининг хусусиятларини таърифловчи кўрсаткичларни танлаш;

2. Олий таълим тизимининг ривожланиши ва мамлакат иқтисодиёт рақобатбардошлигининг хусусиятларини таърифловчи кўрсаткичлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаш;

3. Мамлакат иқтисодий рақобатбардошлигида олий таълим тизими таъсирини баҳолаш.

Бутун жаҳон рақобатбардошлик индекси иқтисодий ривожланиш турли даражаларда бўлган мамлакатлар рақобатбардошлигини ифодаловчи баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади.

Бутун жаҳон рақобатбардошлик индексини ташкил этувчи асосий омиллар қуйидагилар ҳисобланади: мамлакат инфратузилмалар ва муассасалар сифати, ижтимоий ва макроиқтисодий муҳитнинг ривожланиш даражаси, инновацион салоҳиятнинг ривожланиш даражаси, информацион ва технологик ривожланишнинг самараси, миллий компанияларнинг рақобатбардошлиги.

Изланишлардан олинган натижалар. мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига таъсири нуқтаи назаридан мамлакатларда олий таълим сифати даражасини таҳлил қилиш ва мамлакатда иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди. Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг таҳлили олий таълим тизимини ривожлантиришни ва таълим хизматлари экспортининг ўсиш суръатини таъминлаш учун кўрсаткичлар қандай қийматга эга бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Бизнинг фикримизча, таълимнинг самараси паст бўлиши иқтисодий ўсишни ва рақобатбардошликни таъминлашни секинлаштирувчи асосий омил ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчи эдикки, мамлакатни модернизация қилиш жараёнининг мазкур босқичида Ўзбекистонда олий таълим сифатини яхшилаш мамлакат рақобатбардошлиги ва иқтисодий ўсишини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

ТДИУ “Туризм ва сервис” кафедраси доценти,
и.ф.н. С.Сафаева
Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти
Д. Ишанходжаева

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг рақобатбардошлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш мақсадида соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор қаратилиб, мукаммал қонунчилик базаси

шакллантирилди ва бу борадаги ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" N ПФ-5326 сонли Президентнинг Фармони ва бошқалар.[219]

Ушбу қатор хужжатларни қабул қилиниши давлатимиз томонидан туризм соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳитни яратган ҳолда, энг самарали тартибни жорий этиш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юртимизга келадиган туристлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суришга қаратилган.

Охирги йиллар туризм соҳасини ривожлантиришда катта силжишлар амалга оширилди, булардан албатта давлатимизнинг очиқ эшик сиёсатига ўтганлиги, виза бериш тартибини енгиллаштирилганлиги ва қатор давлатларга визасиз тартиби ўрнатилганлиги, меҳмонхоналар қурилиши бўйича йирик инвесторларни жалб қилинганлиги, эркин туристик ҳудудларни барпо қилиниши, республиканинг нафақат пойтахт аэропортига балки Самарқанд, Навои, Урганч аэропотрларига ҳалқаро мақомини берилиши кабилар мисол бўла олади.

Афсуски, эришилган ютуқлар билан бирга бу йўналишда ўз ечимини кутаётган талай муаммолар ҳам мавжуд. Туризм соҳасида малакали гидларни, маркетологларни танқислиги, тарғибот материалларининг етарли эмаслиги, яъни реклама соҳасининг сустлиги, меҳмонхона ва ресторан хизматларининг жаҳон стандартларига мослигини таъминловчи айрим хизматларнинг етишмаслиги, мамлакатимизда мавжуд қадимий, тарихий обидалар, маданий мерос ёдгорликлар тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи қўлланмалар ва электрон дастурлар йўқлиги шулар жумласидандир.

Бугун Ўзбекистон 8 мингга яқин тарихий ва маданий ёдгорликлари мавжудлиги боис, дунёдаги 10 етакчи мамлакат қаторига киради. Бугун Юртимизда мавжуд 900 га яқин сайёҳлик ташкилоти, 600 дан зиёд замонавий меҳмонхона, 300 га яқин сайёҳлик компанияси ва бошқа сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини замонавий талаблар, жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш энг асосий вазифалардан бири бўлиб бормоқда. Республикамизга келаятган туристларни хохиш истагини инобатга олган холда таклиф этилаятган туристик махсулотларни диверсификациялаш зарур. Тарихий архитектура ва археологик обидаларни кўрастиш билан бир қаторда

[219] http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3077025

туризмнинг янги салоҳиятли турлари — экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ туризми каби турларини инобатга олган холда йўналишларга қўшиш, хаттоки мустақил тур сифатида таклиф этиш керак деб ўйлаймиз.

Ўзбекистондаги муқаддас қадамжоларга зиёрат туризми йўналиши бўйича сайёҳларни жалб қилишда логистика, жумладан, чартер рейсларни ташкил этиш масалаларини ҳал қилиш ва йирик дунё туроператорлари орқали тарғибот ишларини амалга оширилиши мақсадга мувофик деб уйлаймиз.

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3083792

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги 16.08.2017й. ПҚ-3217-сон Қарори. http://uza.uz/oz/documents/yillarda-turizm-so-asini-rivozhlantirish-b-yicha-b-17-08-2017

Хидоятов Д.
соискатель ТГЭУ

## МЕСТО И РОЛЬ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В настоящее время в Узбекистане реализуется Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития страны в 2017-2021 годах. Данной стратегией предусматривается развитие и либерализация экономики, направленные на укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышение ее конкурентоспособности, а также усиление защиты прав и приоритетное развитие частной собственности, стимулирование развития малого бизнеса и частного предпринимательства.

Понимая, что успешная реализация Стратегии действий во многом зависит от модернизации экономики и внедрения инноваций в стране приняты ряд Указов и Постановлений Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева. Так, Постановлением ПП-3698 от 07.05. 2018 г. «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики» предусматривается «обеспечить разработку по согласованию с Министерством инновационного развития Республики Узбекистан "дорожных карт" инновационного развития соответствующих отраслей и сфер на

следующий год с определением конкретных размеров и источников финансирования мероприятий, а также их эффективную реализацию.»[220]

В сентябре 2018 г. принят Указ Президента страны «Стратегия инновационного развития Узбекистана на 2019−2021 годы». Главной целью указанной Стратегии является развитие человеческого капитала. Одной из важных задач Стратегии инновационного развития Узбекистана является увеличение вложения государственных и частных средств в инновации, научно-исследовательские, опытно-конструкторские и технологические работы, внедрение современных и эффективных форм финансирования мероприятий в данных сферах.[221]

Качественное решение задач, предусмотренных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана, а также потребность решения ряда социальных проблем, вызывают необходимость институциональных изменений и создания предпосылок для эффективного партнерства государства и бизнеса в условиях динамично развивающейся инновационной среды.

Поступательное социально-экономическое развитие государства и обеспечение его конкурентоспособности на внешнем рынке зависит, прежде всего, от формирования и развития современной национальной инновационной системы. Создание и эффективное взаимодействие всех элементов национальной инновационной системы должна стать одна из главных целей государственной инновационной политики, направленной на обеспечение ускорения нововведений и создание благоприятных условий для стимулирования инноваций.

По нашему мнению, важным условием формирования и развития инновационной экономики является создание инновационной среды. Инновационная среда представляет собой условия, влияющие на инновационную деятельность экономических агентов. Инновационная деятельность выступает эффективным инструментом коммерциализации достижений науки, техники и технологий, становится определяющим элементом международной конкурентоспособности страны, основанной, кроме всего прочего, на благоприятном инвестиционном климате. В свою очередь, благоприятный инвестиционный климат позволит развивать инновационное предпринимательство.

В современных условиях ГЧП является механизмом, стимулирующим участие фирм и корпораций и частного капитала в инновационной деятельности, что позволяет государству и хозяйственным структурам объединять инвестиции, технологии и другие ресурсы, разделять прибыль и риски. ГЧП в инновационной сфере не основано на взаимодействии в рамках отдельных проектов, как при строительстве и эксплуатации объектов инфраструктуры, где все роли, права и обязанности, распределение рисков детально прописаны. В инновационной

---

[220] Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-3698 от 07.05.2018 г. «О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов внедрения инноваций в отрасли и сферы экономики»

[221] Указ Президента Республики Узбекистан от 21.09. 2018 г. «Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы»

сфере сущность ГЧП можно определить как товарищество или как основанные на исследованиях и инновациях отношения, посредством которых государственные и частные участники совместно способствуют инновационному процессу. Именно в инновационной сфере ГЧП может принимать различные модели и формы взаимоотношений, которые участники считают наиболее эффективными для достижения своих целей.

Инновационное предпринимательство выступает связующим звеном между научно-технической и производственной сферами в целях создания и развития предприятий, которые способны, оперативно реагируя на текущую конъюнктуру рынка, налаживать серийное производство конкурентоспособной наукоемкой продукции повышенного спроса.

Инновационная направленность экономического развития требует усиления внимания государства к вопросам развития государственно-частного партнерства (ГЧП) в инновационной сфере. ГЧП может оказаться чрезвычайно эффективным в рамках реализации стратегии развития инновационного типа экономики. Подобная модель предполагает действенное освоение научно-технических нововведений (инноваций), новых технологий, видов продукции и ресурсов, а также осуществление организационно-институциональных проектов в сфере национального воспроизводства.

Совместная деятельность ГЧП в научно-технической и инновационной сферах предполагает активное вовлечение всех участников ГЧП в процесс принятия решений, общий менеджмент и объединение ресурсов, направляемых на реализацию важнейших инновационных проектов государственного значения. Объединение ресурсов предполагает объединение финансовых средств, привлекаемых как из бюджетных, так и внебюджетных источников, оборудования, рабочей силы, нематериальных активов для создания единых технологий, их освоения и эффективной коммерциализации. Деятельность партнёрства осуществляется на основе добровольного принятия и исполнения участниками партнёрства стандартов, технических регламентов и правил, обеспечивающих организацию управления производством работ и качество инновационной продукции.

Для ГЧП в инновационной сфере характерны следующие признаки:
во-первых, стороны партнёрства должны быть представлены как государственным, так и частным сектором экономики;
- во-вторых, взаимоотношения сторон государственно-частного партнёрства должны быть зафиксированы в официальных документах (договорах, программах);
- в-третьих, у сторон государственно-частного партнёрства должны быть общие цели и чётко определённый государственный интерес;
- в-четвертых, стороны государственно-частного партнёрства должны объединить свои вклады для достижения общих целей;
- в-пятых. стороны государственно-частного партнёрства должны распределять

между собой расходы и риски, а также участвовать в использовании полученных результатов[222].

Привлекательность ГЧП для государства проявляется в повышении эффективности использования государственных средств, повышении инвестиционной и инновационной составляющих национальной экономики, снижении бюджетных затрат и увеличении доходной части бюджета, решении системных проблем развития приоритетных областей.

Цель государственно-частного партнерства (ГЧП) в инновационной сфере состоит в обеспечение развития научно-технического потенциала и формирование конкурентоспособной отрасли для функционирования на внутреннем и мировом рынках. В рамках данного партнерства роли участников распределяются следующим образом. Государство создает правовую основу, благоприятную институциональную атмосферу для деятельности всех участников, содействует производству фундаментального знания (в государственных научных центрах, академиях, университетах), обеспечивает необходимой базой данных по разработанным технологиям, а бизнес, в свою очередь, создает технологии на основе собственных исследований и разработок и материализует научные замыслы.

Таким образом, очевидна актуальность государственно-частного партнерства как в реализации национальных проектов и программ, так и в содействии к переходу экономики Узбекистана на инновационный тип развития. При этом потребуется разработать конкретные механизмы согласования интересов власти, бизнеса, науки, образования и общества с целью оптимального и рационального привлечения различных ресурсов и их источников, а также соответствующей корректировки правовой базы. Развитие взаимодействия бизнеса и государства в инновационной сфере является одним из важных, *необходимых* условий формирования эффективной экономической политики, повышения инновационной активности, развития экономической и социальной инфраструктуры.

Развитие взаимодействия бизнеса и государства в инновационной сфере является одним из важных условий формирования эффективной экономической политики, повышения инновационной активности, развития экономической и социальной инфраструктуры. По нашему мнению, в рамках новых организационных форм и механизмов взаимодействия бизнеса и государства, инновационный рост экономики получит дополнительное ускорение. Государственно-частное партнерство, на наш взгляд, может и должно рассматриваться, как акселератор инновационного развития экономики.

[222] Балашов Е. Б., Наумов Е. А. О корпоративных моделях ГЧП в сфере науки и инновационной деятельности//ГЧП в инновационных системах/под общ. ред. С. Н. Сильвестрова. – М., 2008. – С. 4–49.

**Аллаяров Вохиджон Жумабоевич**
«IP-Center» давлат унитар корхонаси
директор ўринбосари

# Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш муаммолари ва истиқболлари

Мамлакатимизда, тарихан ривожланиш босқичларида ижодий меҳнатни ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлашга эътибор қаратилиб келинган. Давлат ва жамият шаклланиши ҳамда тараққий этиши учун унинг ҳар бир жабҳаларида истеъдод номоёндалар етишиб чиқиши лозим. Фан, адабиёт ва санъат номоёндалари ҳам шулар жумласидандир ва айнан ушбу тоифа шахслар бизнинг таълим олишимиз, маданиятли ва маърифатли бўлишимиз қолаверса, иқтисодий жиҳатдан қарам бўлмаслигимиз учун номоддий манбалар яратадилар.

Фан, адабиёт ва санъат асари муаллифлари - ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахслар ўз қимматли вақтини, умрини ёинки шахсий ҳаёт ва соғлиғини нимага сарфлашади? Ҳамда бу турдаги меҳнат фаолияти иқтисодиётдаги бошқа фаолиятлардан нимаси билан ажралиб туради?

Муаллиф асар яратишда бор йўғи икки манфаатдан бири ёҳуд ҳар иккаласи кўзлайди:

**биринчидан**, умри давомида жамият аъзоларига манавий озуқа манбаларини қолдириш, келажак авлод учун ўз номини тарих зарварақларига муҳрлаш ва лозим бўлса таъкидлаш ўринли-ки, шон-шухратга эришиш;

**иккинчидан**, ҳар бир касб эгаси каби ўзи яратган (ишлаб чиқарган) маҳсулоти эвазига иқтисодий эҳтиёжларини қондириш.

Бугунки кундаги бозор иқтисодиёти шароитида жамиятдаги ҳар бир шахснинг эҳтиёжлари тобора ортиб бориши табиий бўлгани каби, муаллифларнинг ҳам шахс сифатида ўз иқтисодий эҳтиёжлари қондирилиши муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, бунда муаллиф оладиган иқтисодий манфаатдан кўра, давлат ва жамият кўрадиган номоддий ва моддий манфаат бир неча маротаба кўпроқни ташкил этиши алоҳида эътибор бериладиган жиҳатлардир.

Таъкидлаш лозимки, ривожланган ёки ривожланаётган давлатларда ҳам ижодий меҳнат билан шуғулланувчи фан, адабиёт ва санъат асарлари муаллифлари ва бошқа ҳуқуқ эгалари томонидан уларга қонунан кафолатланган муаллифлик ҳақларининг тўланмаслиги масаласида ҳақли эътирозлар кузатилади. Боиси, жамиятда ижодий меҳнат (креатив индустрия) маҳсулотларига бўлган мулкий ҳуқуқларга тажавуз қилиниши, рухсатсиз фойдаланилиши ҳар доим ҳам моддий мулк ҳуқуқи дахлсизлиги каби ёндашилмайди. Қолаверса, шу каби қонунбузилиш фактларини амалда тасдиқлаш ва исботлаш маълум бир вакт, куч ва маблағ сарфланишини тақазо этади.

Муаллифлар ўзи яратган асар – маҳсулот, агарда у “бозори чаққон” бўлса барча фойдаланаётган жамият аъзолари устидан назорат ўрнатиш ёҳуд муаллифлик ҳақи тўланишини талаб қилиш ва иқтисодий эҳтиёжларини

қондириш учун ҳақни бир жойга йиғиб боришдан иборат чора-тадбирлар – бу амалда бажаришнинг умуман имкони йўқ жараёнлардир.

«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар, қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан, ижродан, фонограммадан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Аксарият ҳолларда муаллифлар ўз асарлари фойдаланувчилар томонидан оммавий ижро этилганлигини амалда, индивидуал тарзда назорат қилишлари имконияти мавжуд эмас ва бу бир қатор қийинчиликлар келтириб чиқаради. Шу боис, миллий ва халқаро тажрибага мувофиқ муаллифларнинг мулкий ҳуқуқлари тегишли ташкилотлар томонидан жамоавий асосда бошқарилади.

Муаллифлар ва ҳуқуқ эгалари ўз ҳуқуқларини индивидуал тарзда амалга ошириши қийинчилик туғдирадиган ёҳуд қонунда асарлар ва турдош ҳуқуқлар объекларидан муаллифлар ва ҳуқуқ эгалари рухсатисиз, бироқ ҳақ тўланган ҳолда фойдаланиш мумкинлиги назарда тутилган тақдирда мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш учун ташкилот тузишлари мумкин.

Муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгаси ўз мулкий ҳуқуқлари ёки ҳуқуқини амалга ошириш ваколатларини тегишли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг мулкий ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи фақат битта ташкилотга беришга ҳақлидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, аксарият ҳолларда асарлар ва турдош ҳуқуқ объектларидан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақларни йиғиш ва тақсимлаш, яъни мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқаришнинг механизмлари амалда тўлақонли жорий этилмаганлиги боис муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг қонун ҳужжатлари талабларига кўра ҳақ олиш ҳуқуқининг таъминланмаслигига сабаб бўлмоқда.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар нотижорат ташкилотлар ҳисобланади ва ўз устави асосида фаолият кўрсатади.

Нодавлат нотижорат ташкилот сифатида - Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш билан ўтган давр мобайнида 3 та ташкилот шуғулланган:

- «Ўзбекистон муаллифлар ва ижрочилар гилдияси» жамоат бирлашмаси бирмунча самарали фаолият юритиб, ҳозирда унинг фаолияти тўхтатилган;
- «Ўзбекистон ҳуқуқ эгалари палатаси» нодавлат нотижорат ташкилоти тор доирада фаолият юритиб, ўз мажбуриятларини деярли бажармасдан келмоқда;
- «Артмадад» махсус жамғармаси Маданият вазирлиги тизимида ташкил этилган бўлиб, қисқа муддат давомида фаолият юритиб, ҳозирда фаолияти тугатилган.

Мазкур ташкилотлар томонидан фаолияти Республиканинг барча ҳудудларида амалга оширилмаслиги, тегишли ҳақ миқдори тўланмаслиги ҳамда фойдаланувчилар билан тузиладиган шартномаларда тенглик ва шаффофлик тамойилларига амал қилинмаслиги, ваколатли орган томонидан давлат назоратини амалга ошириш механизмаларининг мавжуд эмаслиги сабабли муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларидан ҳақли эътирозлар билдирилган.

Мамлакатимиз тараққиётида асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга мос равишда ижод аҳлига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш давлатимиз раҳбари ташаббусларидан биридир.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан сайловолди дастурларида ҳам, маданият, санъат, адабиёт ва матбуот оламига кириб келаётган иқтидорли ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, юртимизда ўтказилаётган ижодий танлов ва фестивалларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, бадиий асарлар учун тўланадиган қалам ҳақи миқдорини қайта кўриб чиқиш, ижодий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари диққат марказида бўлиши таъкидланган.

Қонун талабларига риоя этилишида мавжуд муаммоларни комплекс ҳал этиш, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг муносиб ҳақ олиш ҳуқуқларини таъминлаш, юксак бадиий савиядаги асарлар яратилишини рағбатлантириш, ушбу жараёнлар ва муносабатларда давлат назорати амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси тайёрланган.

Мазкур қарор лойиҳаси, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитида давлат бош ислоҳотчи сифатида мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқаришнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ташкилотни ташкил этиш ҳамда фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яхлит тизимга солинган ҳолда ҳал этишни ва ушбу муносабатларда махсус ваколатли давлат органи томонидан назорат амалга оширилишини назарда тутади.

Муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашда, ташаббус тартибида тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тизимини такомоллаштириш тўғрисида»ги қарори лойиҳаси қабул қилиниши ва қайд этиб ўтилган муаммоларнинг ечими бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 2005 йил 19 апрелдан кучга кирган, дунёдаги тарихий ҳалқаро шартномалардан бири бўлган – “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн конвенциясига қўшилди. Берн ковенцияси аъзо давлатлардан бирида яратилган асарлар аъзо давлатларнинг барча ҳудудларида муҳофаза қилинишини ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари амалга оширилишини назарда тутади.

Мазкур ўзгартиришлар жаҳон миқёсида, шу жумладан Республикамизда ҳам жадал суръатларда ривожланиб бораётган ахборот технологиялари даврида маҳаллий ва чет эл ҳуқуқ эгаларининг муаллифлик ҳуқуқи ва/ёки турдош ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг янги давр босқичига замин яратади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонун ҳужжатларини замон талабларига кўра такомиллаштиришга қаратилган изчил ишларнинг мантиқий давом эттирилиши, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро муносабатлардаги нуфузи ва мавқеини янада оширади.

М.Қ. Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
О.М. Пардаев – СамИСИ доценти, и.ф.д.
С.Ш. Халилов – ТДИУ ўқитувчиси

## ИННОВАЦИЯНИНГ ТАЪРИФИНИ АСОСЛАШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Инновация – бу мураккаб иш. Шу туфайли мазкур масалага жуда синчиковлик билан ёндошишни тақозо қилади. Ушбу ҳолат инновация билан шуғуллунадиган шахслардан, айниқса ўз маблағини тиккан тадбиркорлардан маълум даражада билим ва кўникмани талаб қилади. Шу туфайли инновация ҳар бир ўзини билган тадбиркорнинг ҳаётида устувор вазифалардан бири сифатида ҳамиша кун тартибида туриш лозим.

Шу нуқтаи назардан, ушбу атаманинг таърифига назарий жиҳатдан тўхталдик. Бу борада “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да жўяли гап айтилган. Унда “инновация” атамасини инглиз тилидаги “innovation” сўзидан олинган бўлиб, киритилган янгилик, ихтиро[223], деган маънoларни англатиши қайд қилинган. Шу жойнинг ўзида ушбу атамага учта изоҳ берилган.

1. Техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар.

2. Илғор техника ва технология, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланилиши.

3. Муайян тилда, асосан унинг марфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари)[224].

Ўзбек тилининг изоҳли луғати “Инновация” атамаси инглиз тилидаги “innovation” сўзидан олинган бўлиб, “киритилган янгилик, ихтиро”, деб кўрсатилган[225]. Худди шундай “Большая экономическая энциклопедия”да “Бозорнинг истиқболли талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга лойиҳавий, технологик, моддий, ташкилий жиҳатларга янгилик киритиш билан боғлиқ фаолият”[226] деган таъриф берилган. Булардан фарқли щларок, П.Ф. Друкер “Инновацтя – бу билимни, фавқулотда ихтиро ва қатъиятликни талаб қиладиган иш[227] деган таърифни берган. Шунга ўхшаш таърифни Б.Т.Бейсенгалиев ҳам

[223] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.II. Е-М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 213-бет.
[224] Ўша жойда. – 212 бет.
[225] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирик-маси. Ж.II. Е-М. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – 213-бет.
[226] Большая экономическая энциклопедия. - М.: Эксмо, 2007. - 257 с.
[227] Друкер П.Ф. Энциклопедия менеджмента. Пер с англ. – М.: ООО И.Д. Вильямс”, 2006. - 336 с.

“Илмий-техник ғоялар, ихтиро-лар ва ишланмаларнинг амалиётда қўлланилишгача бўлган тадбирлар тизими[228], деган фикр билан якунлаган.

Айрим соҳалар бўйича ҳам ушбу тушунчанинг таърифлари берилган. Жумладан, У.Ахмедов “Янги туристик хизматларни яратишга ёки мавжудларини ўзгартиришга қаратилган, янги бозорларни ўзлаштиришга, илғор ахборот телекоммуникацион технологиялардан фойдала-нишга, жойларни олдиндан бронлашни такомиллаштиришга, меҳмонхоналарнинг фаолиятига ташкилий бошқарувнинг замонавий шаклларини жорий қилишга йўналтирилган фаолият натижаси”[229] деган таърифни берган. Бундан фарқли ўлароқ И.Т.Абдукаримов ва Р.А.Абдуллаевлар “Янги техника ёки технологияларга, ишлаб чиқариш, меҳнат, хизмат кўрсатиш, бошқариш кабиларни янги шаклда ташкил қилишга қўйилган капитал (инвестиция) натижасида олинган моддий натижа”[230], деган таърифни берган.

А.Қ.Тўхтамишев “Инновацион хизматлар” деб объектив янгиликка эга бўлган, яъни илк маротаба истеъмолчига кўрсатиладиган ва янги бозорни ташкил этадиган хизматларга айтилади”[231], деган таърифни берган бўлса, О.А.Абдурахманов ва С.Ш.Халиловлар “Туризмда инновация – бу туристик маҳсулот ва хизматнинг ўзидаги янгилик ёки унинг таклиф этилиши, реализациясидаги такомиллашув, пировардида эса соҳа ходимлари профессионал малакасининг юксалишидир”[232], деган ғояни илгари сурмоқдалар.

Бундай ўзига хослик ҳали инновация бўйича назарий қарашларнинг шаклланмаганлигидан, бу борада олимларнинг бир тўхтамга келмаганлигидан далолат беради.

Кўриниб турибдики, инновациядан тўғри фойдаланиш учун ҳали ўз ечимини кутаётган нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга молик бўлган анча муаммолар мавжуд.

Ушбу назарий хулосаларга асосланган ҳолда ушбу тушунчанинг таърифини қуйидагича асослашимиз мумкин.

Биринчидан, инноқация дейилганда, энг аввало илғор ғоялар, ишланмалар инобатга олиниши лозим. Чунки, ҳар қандай жараённи такомиллаштириш учун олдин ғоя пайдо бўлади ва шу асосда ишланмалар шакллантирилади. Ана шу икки нарса барча бошқа инновацион жараёнларнинг пайдевори бўлиб ҳисобланади. Бу иқтисодиётми ёки ижтимоий ҳаётимизнинг бошқа йўналишими ҳаммасида бир хилда амал қилади.

Иккинчидан, фан ва техника ютуқлари, технология ва янги ихтиролар ҳам инновациянинг таърифида ифодаланиши кўриниб туриши керак. Чунки янгиликлар ғоя асосида яратилса, ишланмалар натижасида унинг назарий ва амалий аҳамияти исботланади. Бу эса фаннинг ривожланишига ва шу асосда янги техниканинг яратилиши ва унинг албатта олдингиларга нисбатан илғор

---

[228] Барқарор ижтимоий иқтисодий ривожлан-ишни таъминлашда туризмнинг роли. Хал-қаро ИАК материал-лари (Самарқанд: 2010 й. 24-26 ноябрь).-132 б.
[229]Ўша жойда. – 113-бет.
[230] Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар. Халқаро ИАК материаллари. (2012 й. 29 июнь-1июль) - 343-бет.
[231]Ўша жойда. – 48-бет.
[232] Ўша жойда – 110-бет.

технологичларга асос солиши инобатга олиниши лозим. Шу туфайли инновациянинг таърифида ушбу жиҳатларнинг бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда шуни инобатга олиш керакки, илғор технология гуё иқтисодиётга дахлдордек туюлади. Аслида тиббиётда ҳам, хизматнинг номоддий соҳасида ҳам, ижтимоий ҳаётимизнинг жуда кўп соҳаларида ҳам илғор технологияларсиз ривожланишни тасаввур қилиш қийин.

Учинчидан, ушбу янгиликларнинг турли соҳаларда (иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими кабиларда) қўлланилиши билан боғлиқ ҳодиса ўз ифодасини топмоғи лозим. Сабаби, инновация янгиликларни жорий қилиш билан боғлиқ жараён бўлганлиги туфайли, ҳамма соҳаларни қамраб олиши шарт. Чунки, уни фақат иқтисодиётга жорий қилиб, бошқарувни асл ҳолида қолдириб бўлмайди. Ёки иқтисодиётга жорий қилиб, ижтимоий ҳаётга тадбиқ қилинмаса ҳам жамиятнинг тўлақонли тараққиёти ва ривожланиши таъминлаш қийин бўлади. Масалан, илғор ахборот ва телекоммуникациянинг иқтисодиётга жорий қилинишини олайлик. Бундан ижтимоий ҳаётимизда фойдаланилмаса иқтисодий юксалишга эришишнинг ўзи мушкул бўлиб қолади. Шу туфайли инновацияни бир даврнинг ўзида барча соҳаларга жалб қилишга киришиш лозим. Бу эса, ушбу ҳолатни унинг таърифида беришликни тақозо қилади. Булардан кўриниб турибдики, инновация ҳам кенг қамровли тушунча экан.

Юқоридаги назарий асослардан келиб чиқиб инновацияга қуйидагича таъриф беришни тавсия қиламиз. Инновация деганда, илғор ғоялар асосида амалга оширилган ишланмалар натижаларининг фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва янги ихтиролар сифатида турли соҳаларда (иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув тизими кабиларда) қўлланилиши билан боғлиқ ҳодиса тушунилади. Бизнинг фикримизча, мазкур таъриф ҳамма соҳага, ҳамма вақтга ва ҳамма манфаатдор субъектларнинг манфаатларига мос келади. Шу жиҳатдан ушбу таърифни инновацияга берилган энг такомиллашган таъриф сифатида баҳоланиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Бунга бир қанча назарий асосларимиз бор. Биринчидан, инновация дейилганда, илғор ғоялар асос қилиб олинган. Чунки, ҳар қандай янгилик энг аввало ғоядан бошланади. Ҳар қандай жараённи такомиллаштириш учун энг аввало, унинг ғояси туғулган бўлиши керак.

Иккинчидан, энди яратилган ғоянинг амалга оширилиш механизми ишга тушиши лозим. Демак, ғоя асосида амалга оширилган ишланмалар натижаларига эътиборни қаратишга тўғри келади. Бунинг натижаси, таърифда келтирилганидек, фан ва техника ютуқларида ўз аксини топади.

Учинчидан, таърифда келтирилганидек, ғояларнинг амалга оширилиши илғор техника, технология ва янги ихтиролар сифатида намоён бўлади. Булар тажриба майдонида синалган ва маълум даражада самарадорликка эга ҳолатни таъминлаган бўлади. Булар бевосита иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимизга тадбиқ қилина боради. Натижада мазкур корхона ва унинг маҳсулотининг рақобатбардошлиги таъминланиб боради.

Тўртинчидан, тадбиқ қилиш соҳаси ҳам таърифда келтирилган. Булар турли соҳалар бўлиб, ўз ичига иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, бошқарув

тизими каби жараёнларда қўлланилиши билан боғлиқ ҳодисаларни олади. Таъкидланганидек, мазкур таъриф нафақат иқтисодий соҳа билан чегараланган, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ўз ичига олиши билан ҳам афзаллигини кўрсатиб турибди. Блардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур таъриф такомиллашганлиги билан ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Шундай қилиб, мазкур таърифда келтирилган инновация, унинг туридан ёки ким ихтиро қилишидан, ёки ким манфаатдорлигидан, қайси вақтда яратилганлигидан қитъий назар ҳамма соҳага дахлдордир. Ушбу ҳолат мазкур таърифнинг ўзидан олдинги таърифларга нисбатан ҳаммабоплиги, назарий жиҳатдан асосланганлиги билан ҳам ажралиб туради.

# 3- ШЎЪБА: ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА РЕАЛ СЕКТОР СОҲАЛАРИНИНГ МУТАНОСИБЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Тулаев Мирзакул Саламович, ТДИУ доценти,
Неъматов Дилшоджон, ТДИУ талабаси,
Абдукаримов Абдулла, ТДИУ талабаси

## ПЕНСИЯ ДАСТУРЛАРИГА ДОИР ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

Ҳар бир киши меҳнат қилиш ва меҳнатига яраша ҳақ олиши шарт. Ходимни ишга қабул қилиниши ва унинг натижасида мажбурият ва харажатлар пайдо бўлади. Келгусида тўланиши лозим бўлган ҳақ эвазига, ходим хизматлар кўрсатган бўлса – мажбурият, ходимнинг ҳақ эвазига кўрсатилган хизматлари учун ташкилот бу иқтисодий нафдан фойдаланиш натижаси – харажат деб ҳисобланиши лозим.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида[233] ходимларга меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар учун 6710 счёти тайинланган. Ходимларга кўрсатилган хизматлари учун қуйидаги тўловлар амалга оширилади:

– Иш ҳақи ва ижтимоий таъминот суммалари;

– Тўланадиган ҳар йиллик меҳнат таътили ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги учун тўланадиган нафақалар;

– Мукофотлар ва фойдадаги улушлари;

– Пулсиз кўринишдаги имтиёзлар (тиббиёт хизматлари, уй-жой ва автомобиллар билан таъминланиши, текинга ёки имтиёзли нархларда товар ёки хизматларни тақдим қилиш);

– Пенсия тўловлари (бир марталик ёки доимий);

– Ижодий таътиллар;

– Юбилей ва кўп йиллик хизматлари учун тўловлар;

– Узоқ вақт меҳнатга лаёқатсизлигини йўқотиш натижасида тўланадиган тўловлар ва бошқалар.

Ходимлар тўлиқ ёки қисман бандлилиги, доимий, бир марталик ёхуд вақтинчалик асосда хизматларини кўрсатиши мумкин.

Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга биноан ходим бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришда банд бўлса, меҳнатга ҳақ тўлашга доир харажатлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига борилади, маъмурий ходим бўлса, хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаси ҳисобидан қопланади.

Масалан, масъулияти чекланган жамиятда сентябрь ойида 15 нафар ишчи ходимга 30 000 000 сўм, 3 нафар маъмурий ходимларга 5 000 000 сўм иш ҳақи ҳисобланганда, бухгалтерия ҳисобидан қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дт 2010 “Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” счёти – 30 000 000

[233] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрьда 1181-сон билан рўйхатга олинган

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счёти – 5 000 000

Кт 6710 “Меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб–китоблар” счёти 35 000 000

Ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан кичик бизнес корхоналари 15% миқдорида ягона ажратма ҳисобланиши ва тўланиши лозим 35 000 000*15%=5250 000 сўм ва ушбу суммага қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт 2010 “Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” счёти – 4 500 000

Дт 9420 “Маъмурий харажатлар” счёти – 750 000

Кт 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” счёти 5 250 000

Ходимларга ҳисобланган иш ҳақи суммасидан 8% миқдорида ижтимоий суғурта бадали ушлаб қолинади 35 000 000 * 8% = 2800 000 сўм ва бу суммага қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт 6710 “Меҳнатга ҳақ тўлашга доир ҳисоб–китоблар” счёти 2 800 000

Кт 6520 “Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар” счёти 2800 000

Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурийдир[234].

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти — фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш ҳисобланади 2018 йилдан бошлаб 2%ни ташкил қилади (2018 йилгача 1% бўлган). Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ходимлардан ушлаб қолинадиган мажбурий ва ихтиёрий суммалар ҳисобидан шаклланади.

Бугунги кундаги барча ҳисоб-китоблар ходимнинг эртанги пенсия ёшига етганда унга давлат томонидан тўлаб бериладиган пенсияга қараб қолишидан бошқа ҳеч қандай имконияти қолмайди. Шунинг учун бу пенсия тизимини ўзгартириш таклиф этилмоқда.

Ходимга январь ойида 3 000 000 сўм иш ҳақи ҳисобланса, 2018 йилдаги ставка билан ундан 8% миқдорида ижтимоий суғурта бадали ушлаб қолинса ва унинг Ҳалқ банкидаги жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига ўтказиб борилса, бир йил ичида 2 880 000 сўм (3000000 * 8% = 240000*12ой), агар ходим 23 ёшдан меҳнат қилса ва у 63 ёшда пенсияга чиқса, умумий стажи 40 йилни ташкил қилади жамғариб борилган суммаси 2880000*40= 115 200 000 сўмни ташкил қилади.

Агар ходим кичик бизнес корхонасида ўз фаолияти олиб борса, унга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш суммасидан ягона ижтимоий тўлов (15%) суммаси 5 400 000 сўм (3000000 * 15% = 450000*12ой), агар ходимнинг умумий стажи 40 йилни ташкил қилса, жамғариб борилган суммаси 5400000*40= 216 000 000 сўмни ташкил қилади.

Ҳалқ банки ходимнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамидаги пул маблағларига марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида (16%) миқдоридан келиб чиққан ҳолда фоиз ҳисобланади.

---

[234] Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти” тўғрисидаги Қонуни 2004 йил 2 декабрь, 702-II-сон

Оддий аннуитетнинг келгуси қиймати n давр ичида даврнинг охирида i фоиз ставкасида амалга оширилиши қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\frac{(1+i)^n - 1}{i}$$

40 йилдан кейин ходимнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамидаги пул маблағлари 1 628 883 000 (690000 * 2360,7) сўмни ташкил қилади. Ушбу суммани пенсияга чиққан ходим банк билан тузилган аннуитент шартномасига биноан бемалол фойдаланиши мумкин.

Юқорида келтирилган пенсия тизимини ишга тушириш учун бир қанча қонун ва қарорларга ўзгартиришлар ҳамда сиёсий қарорлар қабул қилиш керак бўлади.

Биринчидан, энди меҳнат фаолиятини бошлаган фуқарога давлат томонидан унга 63 ёшга киргандан кейин унга пенсия тўламайди. Ўз пенсиясини ўз жамғариб бориши лозим. Юқоридаги ҳисоб-китоблар асосида. Бунинг натижасида 40 йилдан кейин давлат томонидан кафолатланган пенсия тизимига барҳам берилади.

Иккинчидан, бугунги кунда меҳнат қилаётган лекин иш ҳақини конвертда олаётган фуқаролардан давлат бюджетига даромад солиғи ва ижтимоий суғурта бадалларини тўламаётган ҳамда корхона ягона ижтимоий тўлов тўламагандан ҳолда, унга 63 ёшга кирганидан кейин умрининг охиригача пенсия тўлаш ортиқчалик қилади.

Учинчидан, бугунги кунда тўланаётган пенсияларнинг миқдори жуда кам. Бундай сумма билан ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун етмайди. Агар ходим ўртача 90 ёшгача яшаса, жамғариб борилган пул маблағларни 27 йил мобайнида ҳар ойда 5 027 417 сўмда олиб борса, унинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамидаги пул маблағлар тугайди (банк томонидан 27 йил давомида банк ҳисоб рақамдаги турган пуллар учун фоизларнинг ҳисобланиши ҳисобга олинмаган ҳолатда).

Тўртинчидан, давлат Ҳалк банкнинг барча мажбуриятларини билан суғурта қилиши лозим. Яъни, фуқаро пул маблағларини жамғариб бораётган банкни банкрот бўлиши ва ундаги пул маблағларининг йўқолмаслигига давлат томонидан кафолатлаши лозим. Давлат Ҳалқ банкидаги пул маблағларини инвестицион дастурлари асосида тармоқларни ривожлантириш учун фойдаланиш имкониятига эга бўлади ва ташқи қарзларга нисбатан эҳтиёж сезилмайди.

Бешинчидан, фуқароларнинг сиёсий онгини ривожлантириш ва тизимни тўлақонли қўллаш учун, нафақат даромадлар балки харажатларни ҳам декларация қилиш тизимини ҳаётга тадбиқ қилиш лозим.

ТДИУ профессори, и.ф.д. Беркинов Б.Б.
Тошкент шахар солиқ бошқармаси
ходими Абдурахимов М.М.
Абдурахимова Ё. ТДИУ талабаси

# ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЯНГИ СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Рспубликасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасидаги энг устувор вазифа бўлиб, солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари ҳисобланади[235].

Оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳам тадбиркорлик соҳасидаги ажиралмас ҳамда ўз навбатида ўта самарали тармоқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Рспубликасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида қуйидаги ўзгаришлар назарда тутилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Рспубликасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси дирасида солиқлар ва мажибурий тўловлар бўйича ўзгаришлар[236]**

| Солиқ турлари | Амалда | Концепцияга мувофиқ 2019 йил 1 январдан | Фарқи |
|---|---|---|---|
| Фойда солиғи | 14% | 12% | **- 2%** |
| Мол-мулк солиғи | 5% | 2% | **- 3%** |
| Давлат мақсадли жамғармалар | 3,2% | 0 | **- 3,2%** |
| Ягона солиқ тўлови | 5% | 4% | **- 1%** |
| **Иш ҳақидан солиқлар:** | | | |
| - Ягона ижтимоий тўлов | 15% | 12% | **- 3%** |
| - Суғурта бадали | 8% | 0 | **- 8%** |
| - Даромад солиғи | 0%, 7.5%, 16.5%, 22.5% | 12% | |

1-жадвал маълумотларига мувофиқ амалдаги фойда солиғи ставкаси 14%дан концепцияда кўзда тутилганидек 12%га, мол-мулк солиғи 5%дан 2%га камайтирилиши, давлат мақсадли жамғармаларига ажиратмалар тўлиқ бекор қилиниши, ягона солиқ тўлови 5%дан 4%га, иш хақи бўйича ягона ижтимоий тўлов 15%дан 12%га пасайтирилиши, суғурта бадаллари тўлиқ бекор қилиниши, даромад солиғи ставкалари 4 шкалали тартиб тўлиқ бекор қилиниб ягона 12% этиб белгиланишини назарда тутилган.

---

[235] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 29-июньдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги 5468-сонли Фармони.

[236] Ўзбекистон Рспубликасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ муаллифлар томонидан тузилган.

Концепциядаги ўзгаришлар дирасида барча юридик шахслар зиммасига тушадиган солиқ юки қарийб 2 бараварга қисқариши, солиқлар ва бошқа мажибурий тўловлар бўйича ҳисоб китобларнинг соддалашиши, ҳисобот шакллари ихчамлаштирилиши ҳамда уларга кетадиган сарф харажатлар салмоғи камайиши режалаштирилган.

Шунингдек, ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш, ҳамда барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан обороти (тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш белгиланди. Бу эса ресурс солиқларини барча турдаги табиркорлик субъектлари тўлиқ тўлаши шартлигини белгилаб улардан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида концепция бўйича ўзгаришлар оилавий корхоналарга солинадиган солиқларнинг ўзгаришини кўрсатади (2-жадвал).

2- жадвалда мисол сифатида оилавий корхона йиллик айланмаси 2 млрд. сўм, ходимлар сони 8 киши, ҳамда ойлик иш ҳақи ҳар бир ходим учун ўртача 550,0 минг сўмдан бўлганда амалдаги тартиб бўйича иш хақи фондидан жами 7,9 млн.сўм, корхона фаолиятидан ягона солиқ тўлови 100,0 млн.сўм тўланса, концепция бўйича иш ҳақи фондидан жами 6,3 млн.сўм, корхона фаолиятидан умумбелгиланган солиқлар жами 61,3 млн.сўм миқдорида тўланади, ҳамда 40,3 млн.сўм солиқларга йўналтириладиган маблағ янги солиқ тизими бўйича корхона ихтиёрида қолиши мумкин бўлади.

**2-жадвал**

**Оилавий корхоналар фаолиятига концепция доирасида солиқ солиш ўзгаришларининг таъсири (мисол)[237]**

| **Солиқ турлари** | **Амалда** | **Концепция бўйича** | **Фарқи** |
|---|---|---|---|
| **Товар айланмаси** | 2 млрд.сўм | 2 млрд.сўм | - |
| **Ходим сони** | 8 киши | 8 киши | - |
| **Иш ҳақи суммаси** | 52,8 млн.сўм | 52,8 млн.сўм | - |
| Ягона ижтимоий тўлов (15%, 12%) | 7,9 млн.сўм | 6,3 млн.сўм | - 1,6 млн.сўм |
| Ягона солиқ тўлови | 100,0 млн.сўм | 0 | - 100,0 млн.сўм |
| Фойда солиғи | - | 48,0 млрд.сўм | 48,0 млрд.сўм |
| Сув солиғи | - | 2,1 млн.сўм | 2,1 млн.сўм |
| Мол-мулк солиғи | - | 10,0 млн.сўм | 10,0 млн.сўм |
| Ер солиғи | - | 1,2 млн.сўм | 1,2 млн.сўм |
| **Жами солиқ юки:** | **107,9 млн.сўм** | **67,6 млн.сўм** | **- 40,3 млн.сўм** |

[237] Ўзбекистон Рспубликасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ муаллифлар томонидан тузилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасидаги ўзгаришлар барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан оилавий корхоналарга ҳам бир қатор қулайликлар ҳамда солиқлар бўйича енгилликлар беради.

ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит”
кафедраси катта илмий ходим-
изланувчиси Ҳакимов А.Л

## АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёни-да сифатли аудиторлик назоратидан ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш, текширишнинг биринчи босқичида ўзига хос назорат қилиш усули хисобданади. Аудиторлик ташкилотлари уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ молия-вий ҳисоботлар ҳамда у билан боғлиқ бўлган молиявий ахборотларнинг қонунчиликка мувофиқлиги ва ишончлилигини аудиторлик текширув-ларидан ўтказади, шунингдек профессионал хизматлар кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни(янги таҳрири)нинг 21-моддасида Аудиторлик фаолияти (профессионал хизматлар бундан мустасно) махсус рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилиши ва аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия махсус ваколатли давлат органи томонидан берилиши белгилаб берилган. Ушбу орган аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларини, шу жумладан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.[238]

Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензияларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Аудиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома асосида ўз фуқаролик масъулиятини суғурта қилиш полисига эга бўлган тақдирда аудиторлик фаолиятини амалга оширади. Аудиторлик текширувини ўтказиш учун штатдаги аудиторлар ёки аудиторлик ташкилоти билан фуқаролик-ҳуқуқий характердаги шартнома тузган аудиторларни жалб этади. Аудитор сифатсиз аудиторлик текшируви ўтказиши натижасида келтирган зарари, тижорат сирларини ошкор этганлиги ва аудиторлик ташкилотига зарар келтирган бошқа хатти-ҳаракатлари учун аудиторлик ташкилоти олдида қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда жавобгар

[238] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” (янги таҳрири) Тошкент ш., 2000 йил 26 май, 78-II-сон

бўлади.Аудиторлик ташкилотлари лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги текшириб туради.

Аудиторлик ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва қуйидагилар аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, аудиторлик фаолияти стандартлари, шунингдек бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш, лицензия олинаётганда ва аудиторлик фаолияти амалга оширилаётганда мазкур Низомда назарда тутилган тартибда тўлиқ шакллантирилган устав капиталига эга бўлиш;

фақат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ва аудиторлик ташкилоти масъулиятини суғурта қилиш полисига эга бўлиш;

аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат битта аудиторлик ташкилотида амалга ошириш, штатда аудиторлар сонининг мазкур Низомда назарда тутилган миқдорда бўлиши;

лицензия турига мувофиқ штатдаги аудиторларда халқаро бухгалтер сертификатининг бўлиши, аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган ахборотнинг сир сақланишини таъминлаш, аудиторлик фаолияти стандартларига мувофиқ аудиторлик ҳисоботи тузиш ва аудиторлик хулосаси бериш ва аудиторлик текширувларини амалга оширишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловларга риоя қилиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг 20.09.2018 йил “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори аудиторлик фаолиятини янада ривожлантиришга оид вазифаларни белгилаб берилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Эндиликда аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни янада яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартибга солишда халқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия лицензиатга барча турдаги аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини беради.

Аудитлрлик ташкилотининг устав капитали аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган мол-мулкдан, жумладан, пул маблағларидан шакллантирилади. Аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторларнинг энг кам сони камида тўрт нафар штатдаги аудитордан иборат бўлади. Айнан битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текшируви кетма-кет етти йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади[239].

Аудиторлик ташкилотлари ўзларининг веб-сайтларида ёки аудиторлар жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборотни хўжалик юритувчи субъектнинг

[239] Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг 20.09.2018 йил “Ўзбекистон Республикасида “Аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда эълон қилади. Молия вазирлиги томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда ҳар уч йилда камида бир марта аудиторлик ташкилотлари ишининг сифати ташқи назоратдан ўтказилади.

Аудиторлик фаолиятида сифатни оширишнинг асосий элементи бўлиб аудиторлик хизматларида сифат назоратини таъминлаш ҳисобланади.

Аудиторлик хизмати кўмагида ҳар қандай молиявий хато ва камчиликни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш йўлларини белгилаб олиш мумкин.Ушбу хизмат турли мулкчилик шаклидаги корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг самарали ташкил этилишида алоҳида аҳамият касб этиши билан бирга тадбиркорлик субьектларининг иқтисодий ривожида муҳим ўрин тутади. Чунки уларнинг манфаатини ҳимоялашнинг зарур воситаларидан бири сифатли аудитдир.

Мамлакатимизда халқаро тизимда хизмат кўрсатиш имконига эга бўлаётган аудиторлик ташкилотлари сони йил сайин ошмоқда. Улар орасида аудит хизматларининг ишончлилиги, рақобатбардошлиги ҳамда ходимлар-ининг малакаси халқаро сифат стандарти сертификатига лойиқ топилганлар сон кўпчиликни ташкил этмоқда ва жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда сифатли аудит хизматини ўтказишга эришмоқда.

Аудит амалларини ҳамда унинг сифатини тизимли асосда назорат қилиш имкониятини берувчи халқаро стандартлар асосида иш юритиш мумкинлигининг қонунан мустаҳкамланиши, мамлакатимиздаги аудиторлик ташкилотларини ягона қоидалар асосида фаолият юритишига имконият яратиб, уларни жаҳон аудиторлик тузилмасига интеграциялашув жараёнини осонлаштиради.

Аудит сифати тизимини яратишдан асосий мақсад ва йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

-аудиторлик ташкилотларида сифат нозоратини бошқариш тизими тўғри ишлаши учун шароитлар яратиш (сифатини таъминловчи ва аудит рискини камайтирувчи усуллар ишлаб чиқиш);

-аудиторлик ташкилотлари мижоз корхона билан тузилган шартномавий талабларни тўлиқ ва ишончли бажаришларини таъминлаш, аудит сифатини таъминловчи ишларни уларнинг амалий фаолиятига уйғунлаштириш билан аудиторлик ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати юқори бўлишига эришиш мумкин.

-аудит сифати назоратидан мақсад аудиторлик ташкилотлари ва индивидуал аудиторлар ўз фаолиятлари доирасида сифат меёрларига амал қилишларини таъминлашдир.

Аудиторлик фирмалари текширувларни тўғри ташкил қилишлари учун аудиторлар фаолиятини асосий фазаларини ва корхона иш кўрсатгичларини баҳолашнинг асосий мезонларини ҳисобга олиш керак.

Аудиторлар фаолиятини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

-содир бўлган хўжалик жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан тўғрилигини текшириш;

-баланс моддаларини қайта руйхатга олиш асосида ҳақиқийлигини текшириш;

-корхонадаги ички назоратнинг ҳолатини текшириш;

-хўжалик юритувчи субъектларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини ҳолатини текшириш;

-солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш;

-активлар сақланишини текшириш; аудитнинг тугалланиши ва хулоса ёзиш.

Аудиторлик фирмаларининг, шунингдек, аудиторларнинг иш сифати кўп жиҳатдан назарий ва амалий асосланган аудиторлик текширувларини ўтказиш усулларига боғлиқ бўлади. Аудит амалиётида фойдаланилаётган текширув усулларини мазмун ва моҳият жиҳатидан шартли тарзда асосий ва ташкилий усулларга ажратиш мумкин.

Асосий усулларга ҳақиқий текшириш; текшириш якунларини ҳужжатлар билан тасдиқлаш; кузатиш; сўров; механик жиҳатдан аниқланган текшириш; махсус текшириш; юзлаштириб текшириш каби усуллар кирса, ташкилий усулларига аралаш текшириш; танлаб текшириш; аналитик текшириш; комбинацион текширишларни киритиш мумкин.

Аудит текширишларни амалга оширишда текширишнинг кузатиш, сўраб чиқиш, ҳисоблаш, арифметик текшириш, аналитик ва танлаб текшириш шунингдек, инспекция текшируви каби турларидан фойдаланиш аудитни сифат самарадорлигини оширади. Аудиторлик текширувларини ўтказишда танлаб текшириш услуби муҳим аҳамият касб этади. Чунки у назорат ишларини арзонлаштиради. Аудиторлик танлаб текширишлар қуйи-даги 4 босқичда амалга оширилади:

биринчи босқич, танлашни режалаштириш;

иккинчи босқич, текшириш объектларини танлаб олиш;

учинчи босқич, аудит текширувини амалга ошириш;

туртинчи босқич, текширув натижаларини баҳолаш. Танлаб текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

Аналитик текширишлар жараёнида қуйидаги ишларни амалга ошириш кўзланган мақсадга эришишга олиб келади:

турли расмий ва норасмий молиявий маълумотларни таҳлил қилиш;

ҳақиқий маълумотлар билан таҳлил тавсияларини солиштириш;

охирги ҳисобот маълумотлари билан ўтган даврнинг ўхшаш кўрсаткичларини солиштириш;

кутилмаган четланишларни текшириш;

бошқа шахслардан олинган ахборотлар билан таҳлил натижаларини баҳолаш.

Аудитни режалаштириш босқичидаги аналитик текшириш корхона фаолиятига ички ва ташқи омилларни таъсири тўғрисидаги ахборотларга ҳамда бошқарув ва молиявий ҳисоботларнинг ўтган давр маълумотларига асосланади. Аналитик текширувларнинг бу босқичдаги мақсади башорат қилинган четланишларга аудитор эътиборини қаратишдир.

Юқорида келтириб ўтилган режаларни аудит сифатини таъминловчи тамоилларга мос холда бажариш билан мамлакатимизда аудиторлик касбига

бўлган эътиборнинг ошишига, аудиторлик бозорининг ривожланишига ва энг асосийси аудиторлик хизматлари сифатини таъминлашимиз мумкиндир.

Бу эса аудит сифатини тизимли асосда назорат қилиш имкониятини берувчи халқаро стандартлар асосида иш юритиш мумкинлигининг қонунан мустаҳкамланиши, мамлакатимиздаги аудиторлик ташкилотларини ягона қоидалар асосида фаолият юритишига имконият яратиб, уларни жаҳон аудиторлик тузилмасига интеграциялашув жараёнини осонлаштиради.

Норчаев А. Н. доцент. Туризм ва сервис кафедраси
Азларова Муштарийбегим Аброр қизи ТДИУ,

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ СОХАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, соҳа инфратузилмаси ва сервис хизматини янада яхшилаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоғини изчил ривожлантириш мақсадида янги-янги замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари барпо этилиб, сервис хизмати тубдан яхшиланмоқда.

Буларнинг самарасида юртимизга хорижий сайёҳлар оқими янада ошиб, соҳада хўжалик юритувчи субъектлар сони кўпайганлиги ҳам яққол исботидир. Юртимизга дунёнинг юзга яқин давлатидан сайёҳлар ташриф буюради ва сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми ҳам сезиларли даражада ошган.тиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида «Охирги йилларда туризмдек муҳим соҳа комплекс раҳбарининг зарур даражадаги эътиборидан четда қолиб кетди. Бу хатони сўзсиз ва энг муҳими, натижали равишда тўғрилаш керак[240]»

Мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз ташаббуслари билан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновастцион ғоялар ва технологияларни

[240] Ш.М.Мирзиёэв «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши кэрак». Т.Ўзбекистон 2017 й

қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, Ўзбекистонда туризм сохасини ривожлантириш масалалари тасдиқланган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда илмий туристик гуруҳлар учун мўлжалланган ва Ўзбекистон тарихини кўрсатувчи, ҳамда туризм учун янги бўлган «Қоялардаги расмлар» буклетини инглиз тилида, «Ўзбекистонда туризм» журналининг инглиз, немис ва француз тилларида, туризмнинг бутун дунёда маълум бўлган диний туризм соҳасига бағишланган «Ўзбекистондаги ислом дини қадамжолари» реклама брошюрасини инглиз ва араб тилларида, ҳамда «Ипак йўли» рўзномасининг инглиз тилида чоп этиш учун зарур ишлар амалга оширилган[241].

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳар йили ўртача 1,2 млрд. нафар киши саёҳатга чиқади. Ваҳолонки, бундан 10 йил муқаддам рўйхатга олинган туристлар сони 576 млн. нафарни ташкил этган, холос. Мазкур соҳа жадал ривожланишининг асосий омилларидан бири — бу дунёни билиш, тарбия ва соғломлаштиришни ўзида мужассамлаштирганидир. Шу билан бирга, туризм хизматларни ташкил этувчиларга катта даромад олиш имконини беришидир. Ҳозирги вақтда дунё туризмининг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10 фоиз, хизматлар экспортида 30 фоиз, савдо ҳажмида 6 фоизга етгани, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 8 фоизи шу жабҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол далилидир[242].

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2016 йил натижаларига кўра, туризмнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши жуда паст — атиги 2 фоиз атрофида. Туризм фаолиятини амалга оширган фирма ва ташкилотларнинг сони эса қарийб 400 та бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (73,4 фоиз), Самарқанд (13,1 фоиз), Бухоро (4,5 фоиз) ва Хоразм (1 фоиз) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Бошқача айтганда, Ўзбекистондаги сайёҳлик хизматлари кўрсатишга ихтисослаштирилган фирма ва ташкилотларнинг 92 фоизи, сайёҳларнинг 93,1 фоизи ушбу 4 та ҳудудга тўғри келмоқда[243].

Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳада учраётган хато ва камчиликларни бартараф этиб, уни изчил ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бинобарин, ушбу ҳужжатда туризмни мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида тараққий топтириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг ушбу йўналишдаги салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, тармоқни бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, Ўзбекистоннинг ижобий сайёҳлик қиёфасини шакллантириш йўналишлари белгилаб берилган. Уларнинг изчил ижроси юртимизни жаҳон туризмининг муҳим марказларидан бирига айлантириш имконини яратади.

---

[241] Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий сайти маълумоти

[242] http://www.turkistonpress.uz/article/33657 иқтисод фанлари номзоди, доцент О. Ҳамидов, Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиётининг бугунги аҳволи қандай?

[243] Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси расмий сайти маълумоти

Шунингдек, мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш, жумладан, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг рақобатбардошлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида[244]»ги Қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш соҳанинг асосий вазифасига айланди.

Ўзбекистонда «Ўзбектуризм» компанияси тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик соҳасини ривожлантиришни тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди. Фармон иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг вазифалари бщлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини беришга, туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепсияси шакллантирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

• туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга, Ўзбекистон Республикасининг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм маҳсулотлари ва брендлари халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

• ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, шунингдек халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

• туризм фаолияти ривожланишини мувофиқлаштириш, минтақаларда янги туризм йўналишлари ташкил этилишини таъминлаш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона

[244] Ш.Мирзиёев «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. 2017 йил 16 август

миллий реестрларни шакллантириш;

• туризм хизматларини ташкил этишда, энг аввало, туристлар жойлаштириладиган жойларда, овқатланиш пунктларида, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишда ва туризм объектларига ташрифларида туристларнинг хавфсизлиги ва соғлиғини таъминлашга йўналтирилган туризм хизматлари кўрсатиш сифати ва хавфсизлиги стандартлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, туризм соҳасида хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаштириш ҳамда туризм хизматларининг белгиланган стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш;

• туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор муносабатлари асосида тартибга солишни мақбуллаштириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризмни ривожлантиришга қаршилик қилаётган барча ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш, ушбу соҳага ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш;

• туризм фаолияти соҳасида биринчи навбатда БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти, туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хорижий компаниялар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;

• туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори сифат даражасида ташкил этиш, тармоқ туризм фанларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

R.S.Muratov-TDIU, “Infratuzilmani
rivojlantirish va logistika” kafedra dotsenti,
iqtisod fanlari nomzodi.

## IQTISODIYOTNI DIVERSIFIKATSIYALASH SHAROITIDA TRANSPORT LOGISTIK INFRATUZILMASINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ISTIQBOLLARI

Mamlakatimizda mustaqil taraqqiyot yo’liga o’tilgandan buyon ijtimoiy-iqtisodiy sohalarni tubdan isloh qilish, “...sifatli xizmat ko’rsatish imkonini beradigan zamonaviy infratuzilmalar barpo etish orqali avtomobil yo’llari va temir yo’l yo’nalishlarida yirik tranzit xablarini tashkil etish”- barqaror, samarali va raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish va rivojlantirish yo’lidan borilmoqda. Chunki, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotni ta'minlamasdan turib pirovard maqsadimiz – xalqimizning yuksak turmush farovonligini, avlodlarning baxtli kelajagini ta'minlab bo’lmaydi.

Hozirgi vaqtda respublikada 2015-2019 yillarda muhandislik-kommunikatsiya va yo’l-transport infratuzilmasini rivojlantirish hamda modernizatsiyalash Dasturi amalga oshirilmoqda, Dasturda yuksak xalqaro talablar va standartlarga mos keladigan milliy transport tarmoqini rivojlantirish sohasida yagona kompleks strategiyani ishlab chiqish, respublika mahsulot ishlab chiqaruvchilarining o’z mahsulotini mintaqa va jahon bozorlariga istiqbolda olib chiqish talab-ehtiyojlarini hisobga olgan holda uning

xalqaro transport kommunikatsiyalariga keng miqyosda integratsiyalashuvini ta'minlash nazarda tutiladi.

Ushbu Dastur doirasida umumiy qiymati 1580 million AQSh dollaridan oshadigan temir yo’l infratuzilmasini rivojlantirish va aviatransport sohasida bir qator loyihalar amalga oshirildi, shuningdek, umumiy uzunligi 695 kilomertli avtomobil yo’llari barpo etildi va rekonstruktsiya qilindi.[245]

Transport korxonalari faoliyati bilan turli mulkchilik shakllariga asoslangan xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning logistik xizmat ko‘rsatish sohalarini to‘g‘ri tashkil etish va bozor iqtisodiyotiga mos talablarni qo‘yadi. SHuning uchun ham respublikamizda ular bosqichma-bosqich, uzluksiz isloh qilinmoqda.

Bu albatta, tashkiliy-texnik ob’ektlarning murakkablik darajasini oshiradi. Shuningdek, integratsiya jarayonlari logistika jarayonlarining amal qilish darajasini oshirishga qaratilgan bo‘lib, bu iste’molchilarga xizmat ko‘rsatish darajasini yaxshilash, umumiy sarf-xarajatlar va tizimli xatarlarni kamaytirishda aks etadi.

Mazkur soha faoliyatini takomillashtirish vazifalari Jahon transport va logistika tizimi (The global transport and logistic system) tomonidan amalga oshiriladi. Jahon banki guruhi ma’lumotlariga ko‘ra, jahon transport xizmatlarining YAIM tarkibidagi miqdori 4,2 trln. AQSH dollari (6,8%) hajmida baholanib, yiliga 110 mlrd. tonna yuk va 1 trln. dan ortiq yo‘lovchilar tashilgan, transport infratuzilmasida band bo‘lgan xodimlar soni 100 mln. kishini tashkil etadi [246].

Transportda yuk va yo‘lovchilar manzilga etkazilgan holda unda xizmatlar ko‘rsatish hayot davri jarayonlarining o‘ziga xosligi bilan ajralib turadi. Turli-tuman transport vositalari, ishlab chiqarish va taqsimot tizimlari o‘zaro etarlicha birlashmagan, shu jumladan ularning infratuzilmalari faoliyatida aks etadi. Masalan, so‘nggi yillarda temir yo‘l transportida tashuvlar hajmi oshgani kuzatilmoqda, shu bilan birga ishlab chiqarish aktivlaridan (harakatdagi tarkib, konteynerlardan) foydalanishdan yo‘qotishlar xavfi ham mavjud.

**1-jadval**

**2012-2016 yillarda transport turlari bo‘yicha yuk aylanmasi va yuk tashish**

| Nomi | 2012y. | | 2013 y. | | 2014 y. | | 2015 y. | | 2016 y. | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | mlrd. t-km | mln. t. | mlrd. t-km | mln. t. | mlrd. t-km | mln. t. | mlrd. t-km | mln. t. | | mlrd. t-km |
| ***Shu jumladan transport orqali*** | | | | | | | | | | |
| Temir yo‘l transporti | 61,5 | 22,7 | 63,7 | 22,8 | 65,7 | 22,9 | 67,2 | 22,9 | 67,6 | 23 |
| Avtomobil transporti | 1203,2 | 27,5 | 1258,3 | 29,2 | 1327,4 | 31,5 | 1399,8 | 33,9 | 1473,7 | 36,0 |
| Havo transporti | 24,0 | 121,9 | 22,2 | 116,3 | 23,0 | 125,1 | 24,6 | 131,1 | 26,5 | 132,2 |
| ***Jami*** | **1329,3** | **83,4** | **1387,1** | **83,7** | **1458,9** | **85,7** | **1527,0** | **86,9** | **1603** | **88,0** |

Manba: Davlat Statistika Qo‘mitasining ma’lumotlari sayti.www.stat.uz

[245] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 2 dekabrdagi “2018 — 2022 yillarda transport infratuzilmasini takomillashtirish va yuk tashishning tashqi savdo yo’nalishlarini diversifikatsiyalash chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-3422-sonli Qarori

[246] The World Bank: World Development Indicators. http: //data.worldbank.org/indicator

Mazkur 1-jadvalda tasvirlangan yuk tashuvlari hajmi dinamikasiga ko‘ra, 2012-2016 yillarda mamlakat transport tizimi umumiy yuk aylanmasida temir yo‘l transportining ulushi 25-26 % darajasida barqaror saqlangan.

Qabul qilingan chora-tadbirlar natijasida, 2016 yilda yuk tashish hajmi o‘tgan yilga nisbatan 5,0 %ga, shu jumladan avtomobil transporti bo‘yicha 5,3 %ga va havo transporti bo‘yicha 8,8 %ga o‘sdi. YUk tashish aylanmasining hajmi 91172,6 mln.tonna-km.ni tashkil etib, yuk tashish aylanmasining umumiy hajmida eng yuqori ulush avtomobil transporti (39,4 %), quvur transporti (35,0 %) va temir yo‘l transporti (25,4 %) ga to‘g‘ri kelmoqda.

O‘zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirish istiqbollarini baholash va boshqa transport turlarining rivojlanishini hisobga olgan holda ko‘zda tutiladiki, temir yo‘l transporti bo‘yicha o‘sish har yili o‘rtacha 5 yoki umuman 2,3 foizni tashkil etadi, 2016 yildagi 83,7 mln. tonnadan 2030 yilda 146 mln. tonnagacha o‘sadi. [247]

Ta'kidlash joizki, yuklarni tashish hajmlarini oshirishdagi asosiy cheklovlar quyidagilar hisoblanadi:

- transport-logistika tizimining etarlicha rivojlanmaganligi;

-yo‘l tarmog‘i rivojlanish sur’atlarining jamiyatni avtomobillash-tirish sur’atlaridan sezilarlicha ortda qolishi;

-eksportga oid transport infratuzilmasining (chegaradagi o‘tish shoxobchalarining) etarlicha rivojlanmaganligi;

-temir yo‘l kompaniyalarining cheklangan o‘tkazish va tashish qobiliyati mavjudligi;

- aviatsiya yonilg‘isining o‘zini oqlamagan yuqori qiymati.

Yirik transport bog‘lamlarida O‘zbekiston temir yo‘llari tarmog‘i bo‘yicha multimodal terminal logistika markazlari (TLM) tarmog‘ining sust rivojlangani kuzatilmoqda. Natijada xususan, konteynerlar aylanmasi tezligi, shuningdek, ko‘plab yuk tashuvlari aloqasi va xilma-xil transport turlari transport infratuzilmasida yuk oqimlari taqsimotini oshirishni ta’minlashning iloji yo‘q.[248]

YUqorida qayd etilganidek, Transport-logistika tizimlari(TLT)ni tashkil etish va boshqarish samaradorligini oshirish usullaridan biri logistika injiniringi hisoblanadi. Ayrim loyihalar logistika injiniringida yoki loyihalarni infratuzilma doirasida tashkil etish uchun hamma jarayonlardan foydalanilmaydi, balki “ko‘plar-ko‘plarga” birlashtirish prinsipi qo‘llaniladi.

Bunday etkazib berish zanjiri texnologik yaxlitlik talablariga to‘liq javob beradi, bu transport faoliyatga xos jarayonlarning zanjir oxirida yuzaga keluvchi natijaga ta’sirini belgilash uchun juda muhim. Texnologik yaxlitlikka oraliq bo‘g‘inlarni shu tariqa birlashtirish hisobiga erishiladiki, bunda mahsulotni bir bo‘g‘indan “chiqishi” transportda jo‘natishga oqilona vaqt sarflanishida boshqasiga bir vaqtning o‘zida “chiqishi” bo‘ladi.

Transport bu holatda konveyer vazifasini bajarib, u uzluksiz texnologiya jarayonini yakunlaydi hamda hamma etkazib berish zanjirlariga xizmat ko‘rsatishni ta’minlaydi. Lekin bunday yondashuv yaxlit transport jarayonini baholash imkonini

---

[247] O’rtacha va uzoq muddatli istiqbolda iqtisodiy islohotlar nuqtai nazaridan O’zbekistonda transport sektori va tranzit: muammolar va echimlar, http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2.

[248] Миротина Л.Б. Транспортная логистика.- М.: Издательство —Экзамен, 2016-512 с.

beruvchi zamonaviy axborot, matematika va dasturiy ta’minotni talab etadi. YUk jo‘natish, yuk qabul qilish, TLM va yuk tashish jarayonlariga yondash axborot almashinuvi chizmasi, boshqaruv, savdo va transportda elektron ma’lumot almashinuvi standartiga asoslanib, u “raqamli logistika”da ko‘chuvchi texnologiya ko‘prigi sifatida ko‘rib chiqiladi.

Zamonaviy iqtisodiy sharoitda ishlab chiqarish, omborlar, iste’molchilarni joylashtirish va sarf-xarajatlar va buyurtmani bajarish muddatlarini maqbullashtirish maqsadida etkazib berish zanjirini modellashtiruvchi an’anaviy (funksional) logistika jarayonlarini moslashuvchan usullarga almashtirishni talab etadi. Nafaqat etkazib berish zanjiri, balki intellektual va internet-texnologiyalarda (“ashyolar interneti” singari) integratsiyalashgan boshqaruvning logistika mexanizmiga asoslangan alohida korxonada ham yangi qat’iy yondashuv talab etiladi.

Transport vositalarini ish faoliyati iste’molchilar ehtiyojini qondirishga qaratilgan bo‘lish kerak. Iste’molchilarga esa minimal muddatlarda yukni etkazib berish imkoniyati, yukni sifatini 100 % saqlash, yukni qabul qilish va topshirishdagi qulayliklar, tariflar to‘g‘risida, tashish sharoiti va yukni etib kelgan joyi to‘g‘risidagi doimiy ma’lumotlar berib turish lozim bo‘ladi.

Transport bog‘lamasining rivojlanish holatini baholash har bir xususiy belgisi bo‘yicha hisoblangan nisbiy cheklanishlar miqdorini «maqbo‘llik shkalasi» yordamida aniqlanadigan me’yoriy qiymatlarini solishtirish yo‘li bilan amalga oshiriladi.

**Transport xizmatini sifatini boshqarishni belgilashda quyidagi holatlarni hisobga olishni taqozo etadi:**

- ✓ iste’molchilarni ehtiyojlari bir necha xil bo‘lishi mumkin, bu esa ko‘rsatilayotgan transport xizmati xususiyatlari va tavsiflarini bir necha, ba’zan bir-biriga mos kelmaydigan talablarga javob berishni taqozo qiladi;
- ✓ transport xizmati borasida shartnomalar tuzilganda iste’molchilarni ehtiyoj va talablari aniq belgilanishi lozim;
- ✓ iste’molchilarni talab va ehtiyojlari odatda ishni ma’lum bir xususiyatlarini ta’minlashni ko‘zda tutadi va bunda ma’lum miqdoriy ko‘rsatkichlar bajarilishi talab etiladi: xavfsizlikni ta’minlash, funksional texnik tayyor holatda bo‘lish, ekspluatatsiyaga tayyorgarlik darajasi, ishonchliligi ehtiyojni qondirish, iqtisodiy faktorlar, ekologiya talablariga javob berish ;
- ✓ ko‘p hollarda iste’molchilarni ehtiyojlari vaqt mobaynida o‘zgaradi, bu esa tizimli ravishda marketing tadqiqotlari o‘tkazishni, har bir transport xizmati turi uni jiddiy ravishda o‘rganish va tahlil etishni taqoza etadi.
- ✓ alohida xususiy belgisi bo‘yicha ham va butun tizim ishining kompleks ko‘rsatkichlari bo‘yicha ham, tizim faoliyati samaradorligini va mavjud rivojlanishini baholashni va tahlilini bajarish;
- ✓ transport tizimidagi qoloqlik yo‘nalishlari «ojiz bo‘g‘in»ni belgilash imkoniyati;
- ✓ chegara bojxona postlarida naqd shakldagi hisob-kitoblar bilan bir qatorda naqdsiz shakldagi hisob-kitoblar tizimini joriy etish;
- ✓ O’zbekiston Respublikasi hududida xorijiy yuk tashuvchilar tomonidan avtomobillarda kabotaj yuk tashishlarini taqiqlash;

✓ O’zbekiston Respublikasining avtoyuk tashuvchilariga nisbatan xorijiy davlatlarning hududida kamsituvchi shart-sharoitlar joriy etilgan zarur hollarda ana shu davlatlarning avtotransport vositalariga nisbatan aynan bir xil tegishli choralar ko’rish.

Transport xizmatini doimo yaxshilab borish uchun transport xizmati borasida olingan axborotlar to‘plangan tajribalar va iste’molchilarni fikr-mulohazalari asosida jiddiy o‘rganilishi va tahlil etilishi lozim. Transport xizmatini namunali yo‘lga qo‘yish uchun strategik echimlardan foydalanish ham katta samara beradi.

Кучаров Аброржон Собиржонович д.э.н., профессор
Ишманова Динора Нурмамад қизи
докторант ТГЭУ

## ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ КОНКУРЕНТНЫХ ОТНОШЕНИЙ

**Аннотация:** Необходимым условием обеспечения конкурентоспособности предприятий являются осуществление государством специальной политики поддержки конкуренции и регулирование деятельности монополий.

**Annotation:** A necessary condition for ensuring the competitiveness of enterprises is the implementation by the state of a special policy to support competition and regulation of monopolies.

**Ключевые слова:** стратегия, конкуренция, конкурентоспособность, конкурентные отношения, монополия, государственное регулирование.

**Key words:** strategy, competition, competitiveness, competitive relations, monopoly, state regulation.

Важным условием динамичного развития Республики Узбекистан является ускоренное внедрение современных инновационных технологий в нефтегазовой отрасли экономики. Вместе с тем, проведенный анализ показал недостаточную работу по инновационному развитию процессов модернизации, диверсификации, увелечению объемов производства и расширению товарной номенклатуры конкурентоспособной продукции на внутреннем и внешнем рынках.

На сегодняшний день одной из основных стратегических проектов является «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, где говорится о реформирование системы государственного управления и государственной службы посредством децентрализации государственного управления, повышения уровня профессиональной подготовки, материального и социального обеспечения государственных служащих, а также поэтапного сокращения государственного регулирования экономики; внедрение современных механизмов государственно-частного партнерства, направленных на повышение эффективности

взаимовыгодного сотрудничества в реализации задач общественно-политического и социально-экономического развития страны».[249]

Микроэкономическая теория доказывает, что монополия приводит к потерям общественного благосостояния. Равновесная цена, превышающая предельные издержки, искажает относительные ценовые пропорции и не позволяет достичь эффективного размещения ресурсов между видами деятельности.(рис.1)




**Рис.1. Потери общества от монополии[250]**

Антимонопольная политика в узком смысле слова– борьба с картелями, предотвращение ограничения конкуренции со стороны крупных компаний, предварительный контроль сделок экономической концентрации– исходит из того, что, независимо от причины появления на рынке крупных продавцов, при определенных условиях они обладают стимулами и возможностями ограничения конкуренции и перераспределения выигрыша потребителей в свою пользу. Центральный метод борьбы с такой практикой признание ее нелегальной и введение санкций за нарушение антимонопольных норм.

**Результаты исследования**

В отличие от традиционного антимонопольного регулирования, конкурентная политика в отраслях естественных монополий направлена не только против действий монополиста, но и против традиционной модели ценового регулирования. При этом используются две группы методов. Первая связана с совершенствованием тарифного регулирования, внедрением– пусть весьма несовершенных– стимулирующих контрактов в тарифном регулировании.

Вторая состоит в выведении как можно большего числа рынков из-под режима тарифного регулирования. Это предполагает разделение видов деятельности в регулируемых отраслях на естественно-монопольные и потенциально конкурентные. Для последних конечной целью преобразований является полный отказ от тарифного регулирования. Однако прежде чем достичь этой цели, приходится проводить серьезные преобразования

[249] Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
[250] Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: Международные отношения, 1993. 896 с.

структуры ранее регулируемой отрасли и правил, которыми должны руководствоваться участники этой отрасли. Это вызвано в первую очередь тем, что сами по себе структурные преобразования действующей в отрасли компании не являются самой сложной проблемой. Монополия становится еще более опасной для общественного благосостояния. Даже при отсутствии производственной неэффективности монополия приносит обществу потери благодаря перераспределению выигрышей в пользу тех, кто ограничивает конкуренцию.

Антимонопольная политика приносит выигрыши обществу только в том случае, если выгоды от ее осуществления превосходят издержки на ее реализацию.

Закон «О защите конкуренции» существенно изменил содержание базовых понятий, используемых законодательством о конкуренции. В частности, под товаром в Законе понимается объект гражданских прав (в том числе работа, услуга, включая финансовую услугу), предназначенный для продажи, обмена или иного введения в оборот.

В отношении злоупотребления доминирующим положением Законом установлен перечень нарушений, наличие которых не требует доказательства негативного влияния на конкуренцию:

- установление, поддержание монопольно высокой (низкой) цены товара;
- изъятие товара из обращения, если в результате повысились цены;
- навязывание контрагенту условий договора, невыгодных для него или не относящихся к предмету договора;
- экономически или технологически не обоснованные отказ либо уклонение от заключения договора с отдельными покупателями (заказчиками) в случае наличия возможности производства или поставок соответствующего товара, а также в случае, если такой отказ или такое уклонение прямо не предусмотрены актами госорганов;
- экономически, технологически и иным образом не обоснованное установление различных цен (тарифов) на один и тот же товар, если иное не установлено федеральным законом;
- установление финансовой организацией необоснованно высокой или необоснованно низкой цены финансовой услуги;
- нарушение установленного нормативными правовыми актами порядка ценообразования.

Монополистическая деятельность определяется как злоупотребление хозяйствующим субъектом (группой лиц) доминирующим положением на рынке, заключение соглашений либо осуществление согласованных действий, запрещенных антимонопольным законодательством.

**Выводы**

Другим наиболее распространенным при осуществлении конкурентного взаимодействия хозяйствующих субъектов правонарушением является недобросовестная конкуренция, под которой понимаются любые направленные на приобретение преимуществ в предпринимательской деятельности действия хозяйствующих субъектов, которые противоречат положениям действующего

законодательства, обычаям делового оборота, требованиям добропорядочности, разумности и справедливости и могут причинить или причинили убытки другим хозяйствующим субъектам-конкурентам либо нанести ущерб их деловой репутации.

Одним из основных направлений осуществления государственной антимонопольной политики является проведение государственного антимонопольного контроля за экономической концентрацией на товарных и финансовых рынках, который включает предварительный антимонопольный контроль и последующий антимонопольный контроль. Объекты такого контроля на товарных и финансовых рынках можно дифференцировать следующим образом: а) объекты, связанные с осуществлением корпоративной политики хозяйствующего субъекта, финансовой организации (создание, реорганизация (слияние, присоединение), изменение состава участников хозяйствующих субъектов (втом числе финансовых организаций), изменение уставного капитала финансовой организации, избрание физических лиц в органы управления, советы директоров (наблюдательные советы) хозяйствующих субъектов); б) сделки, совершаемые на товарных и финансовых рынках.

Однако в целях обеспечения национальной и экономической безопасности, сохранения и развития диверсифицированной производственной системы, обеспечения стабильного функционирования социальной сферы, стимулирования деятельности предприятий государственного сектора экономики органы государственной власти используют инструменты прямого воздействия, выделяя бюджетные средства на поддержание конкретных отраслей промышленности и реализацию крупных инвестиционных проектов.

В настоящее время в мире сложились следующие основные типы промышленной политики:

- экспорта ориентированная промышленная политика;
- политика импорта замещения;
- инновационная промышленная политика.

В начале радикальных рыночных реформ концепция экономической политики базировалась на представлении о том, что общие экономические реформы институциональной среды, создание рыночных механизмов позволят решить проблемы отраслей и предприятий без вмешательства государства.

Однако либерализация процесса ценообразования при сложении государством с себя многих контрольных функций, присущих командной экономике, и при еще не развитых рыночных механизмах в полной мере выявила все структурные перекосы советского хозяйства, вылившись в высокую инфляцию, бюджетный дефицит, обнищание населения и стагнацию производства.

Что такое ориентиры нефтегазовой промышленности развития?

Стратегической целью, согласно Концепции долгосрочного социально-экономического развития Республики Узбекистан на период до 2020 г., является превращение Узбекистана в одного из лидеров мировой экономики.

Достижение этой цели предполагает диверсификацию экономики, в структуре которой ведущая роль переходит к «отраслям знаний» и высокотехнологичным отраслям промышленности.

Ориентиры промышленного развития предполагается сфокусировать:

1) на создании высоко конкурентной институциональной среды, стимулирующей предпринимательскую активность и привлечение капитала в экономику (развитие конкурентных рынков, последовательная демонополизация экономики, поддержка инновационного бизнеса; развитие финансового сектора, обеспечивающего трансформацию сбережений в капитал);

2) структурной диверсификации экономики на основе инновационного технологического развития (формирование национальной инновационной системы, включающей инжиниринговый бизнес, инновационную инфраструктуру, институты рынка интеллектуальной собственности; создание мощного научно-технологического комплекса; содействие повышению конкурентоспособности ведущих отраслей экономики путем использования механизмов частно-государственного партнерства, улучшения условий доступа компаний к источникам долгосрочных инвестиций, обеспечения отраслей экономики высокопрофессиональными кадрами);

3) на закреплении и расширении глобальных конкурентных преимуществ Узбекистана в традиционных сферах (энергетика, транспорт, аграрный сектор, переработка природных ресурсов)– развитии на территории Узбекистана крупных узлов международной энергетической инфраструктуры, использующих новые энергетические технологии; внедрении в промышленных масштабах экологически чистых технологий производства энергии и др.

На сегодняшний день низкий технологический уровень производства, не востребованность инновационной продукции предприятиями других отраслей промышленности, входящими в производственные «цепочки», отсутствие высококачественного человеческого капитала тормозят распространение и внедрение инноваций, ускоряя отток новаторов за рубеж. Для выхода на качественно новый этап инновационного развития промышленная политика должна быть направлена на грамотное заимствование, доработку технологий и их распространение среди предприятий всех отраслей индустриального сектора. При этом уровень приобретаемых технологий должен соответствовать степени технического и технологического развития страны.

Необходимость наличия значительных финансовых ресурсов для приобретения технологий, а также развитой научно-технологической базы для адаптации достижений определяет высокую долю инноваторов среди крупных предприятий, интегрированных в холдинги, а также компаний, входящих в состав государственных корпораций. Малый бизнес не в силах нести такие издержки. В данной ситуации задача государства– путем формирования институтов развития (венчурных фондов, технопарков, инновационно-технологических центров, центров трансфера технологий и т. д.) способствовать покупке лицензий отечественным компаниям, а также обеспечивать диффузию инноваций среди предприятий смежных отраслей.

Правительством в настоящее время выделено семь основных стратегических приоритетов развития экономики:

● улучшение инвестиционного климата;

● стимулирование инноваций;

● энерго эффективность;

● малый и средний бизнес;

●повышение эффективности внешнеэкономической политики, интеграция в рамках Единого экономического пространства и Таможенного союза;

● управление госсобственностью и приватизация;

● повышение эффективности государственного управления.

Все эти приоритеты связаны между собой идеологией создания среды для реализации потенциала модернизации и создания новых конкурентоспособных производств.

Литература:


1. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947
«О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
2. Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: Международные отношения, 1993. 896 с.
3. Авдашева С. Б., Шаститко А.Е., Калмычкова Е. Н. Экономические основы антимонопольной политики: российская практика в контексте мирового опыта // Экон. журн. ВШЭ. 2007. Т. 11, № 1. С. 89–123.
4. по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».
5. Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: Международные отношения, 1993. 896 с.
6. Авдашева С. Б., Шаститко А.Е., Калмычкова Е. Н. Экономические основы антимонопольной политики: российская практика в контексте мирового опыта // Экон. журн. ВШЭ. 2007. Т. 11, № 1. С. 89–123.



Илмий раҳбар: доц.Ходжаева М.
ТДИУ доценти, и.ф.н,
Иброхимхўжаев А.
ТДИУ магистри


## АСОСИЙ ФОНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Ислоҳотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги, булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қуйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражасини, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш.

Тармоқлар бўйича таннарх ўртача 10 фоизга қисқартирилган бўлса-да, кимё ва енгил саноат, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ва бошқа бир қатор тармоқларнинг айрим маҳсулотлари қимматлиги сабабли ташқи бозорларда рақобатдош бўла олмаяпти. Айрим корхоналар зарар билан ишламоқда. ”[251]

Иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришда тежамкорлик тизимини жорий этиш, инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлаш, корхоналарнинг рақобат мавқеини мустаҳкамлаш ва маҳсулотнинг рақобатдошлигини ошириш, асосий воситаларни янгилаш ва улардан самарали фойдаланиш, технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришда самарадорликни таъминлаш ва бошқа вазифаларни амалга оширишга тобора кўпроқ эҳтиёж сезилаётганлиги маълум бўлмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажариш нафақат асосий фондларнинг таркиби, тузилиши, техник ҳолати, балки улардан самарали фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Асосий фондлардан қанчалик яхши фойдаланилса, маҳсулот ишлаб чиқариш шунчалик кўп, меҳнат унумдорлиги шунчалик юқори, чиқарилаётган маҳсулот таннархи кам, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради: фонд самарадорлиги (қайтими), фонд сиғими, асосий фондлар рентабеллиги, машина ва ускуналар қуватидан фойдаланиш коэффициенти.

**Асосий фондлар фонд самарадорлиги** асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўми ёки минг сўми ҳисобига бир йил ичида қанча маҳсулот ишлаб чиқарганлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотни уларнинг ўртача (йиллик ўртача) қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Фс = \frac{Тм.}{Аф},$$

Бунда; Фс-фонддан олинадиган самара;

Тм.-товар маҳсулоти ҳажми;

Аф-асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона хўжалик фаолияти асосий кўрсаткичлардан бири сотилган маҳсуот ҳажми ҳисобланди, молиявий ахволнинг фойда ва рентабеллик каби кўрсаткичлари унга боғлиқ бўлади. Шунинг учун фонд самарадорлигини товар маҳсулоти ҳажмига кўра эмас, балки сотилган маҳсулот бўйича аниқлаш керак бўлади:

[251] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2017 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2018 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси .Тошкент “Халқ сўзи” газетаси 2018 йил 16 январ

$$Фс = \frac{С}{Аф},$$

Бунда: С-сотилган маҳсулот ҳажми.

Асосий фондларнинг йиллик ўртача суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади;

$$аф = \frac{Аф1/2 + Аф2 + ... + Аф12 + Аф13/2}{12},$$

Бунда, Аф1 ва Аф13-асосий фондларнинг йил бошига ва йил охирига бўлган қиймати:

Аф2;Аф3;...;Аф12- асосий фондларнинг ҳар бир ой бошига бўлган суммаси .

Асосий воситаларнинг турлари бўйича йиллик ўртача қийматини аниқлашда ўртачалик формуласини қўллашга тўғри келади, яъни

$$Аф = Аф1 + \frac{Аф_с \times Осйил}{12} + \frac{Аф_ч + Осйил}{12},$$

Бунда, Аф1 - йил бошига асосий фондлар қимати;

Афс - сотиб олинган асосий фондлар суммаси;

Ос.йил - асосий воситалар ишга туширилган ёки ишдан чиқарилган вақтидан бошлаб йил охиригача бўлган ойлар сони;

Афч - ишдан чиққан асосий воситалар суммаси.

**Фонд сиғими** кўрсаткичи фонд самарасига қарама-қарши кўрсаткич ҳисобланиб, асосий воситалар ўртача йиллик қийматининг товар маҳсулот ҳажмига нисбати тариқасида аниқланади.

**Фонд рентабеллиги** асосий воситаларнинг 1сўмига тўғри келадиган фойда улушини ифода этади. У соф фойданинг асосий воситалар йиллик ўртача суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$Rааф \frac{Сф \times 100}{Аф},$$

Бунда, Rаф-асосий фондлар рентабеллиги,%;

Сф-соф фойда, минг сўм.

Ушбу кўрсаткичлар таҳлилини олиб бориш ишлаб чиқариш корхонасига мавжуд асосий фондлардан қандай фойдаланилганликни аниқлабгина қолмай, балки улардан янада яхширoқ фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишга имконият яратади.

Бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги ҳисоб-китоб омалга оширилиши лозим (1 -жадвал)

1-жадвал

“IO MAX PLUS”МЧЖ да асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ўтган йилга қиёсан баҳолаш, минг сўм[252]

| **Кўрсаткичлар** | **ўтган йилда** | **жорий йилда** | **Фарқ (+,-)** |
|---|---|---|---|
| Сотишдан тушган соф тушум | 1 312 320 | 1 460 964 | +148644 |
| Товар маҳсулоти ҳажми | 6633386,1 | 9280697,2 | 2647311,1 |
| Асосий воситаларнинг йиллик ўртача суммаси | 410014 | 476223,5 | +66209,5 |
| Соф фойда | 476 743 | 68 667 | -408076 |
| Фонд самарадорлиги, сўм: Сотилган маҳсулот бўйича | 3.20 | 3.06 | -0,14 |
| Товар маҳсулоти бўйича | 0.19 | 1.57 | +1.38 |
| Фонд рентабеллиги % | 116.27 | 14.41 | -101,86 |

1-жадвал натижалари кўрсатишича, асосий фондлар фонд самарадорлиги сотилган маҳсулот бўйича ўтган йилга нисбатан жорий йилда 0.14 минг сўмга камайган ва 1.57 минг сўмни, рентабеллик эса 101.86% га камайиб, жорий йилда 14.41% ни ташкил этган.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини унга таъсир қилувчи омиллар билан давом эттирамиз. Таҳлил натижалари 2-жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Асосий фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражаси таҳлили[253]**

| **№** | **Кўрсаткичлар** | **ҳақиқатда ўтган йилда** | **ҳақиқатда жорий йилда** | **ўтган йилга нисбатан фарқ (+,-)** |
|---|---|---|---|---|
| **1** | Сотишдан тушган соф тушум | 1 312 320 | 1 460 964 | +148644 |
| **2** | Саноат ишлаб чиқариш асосий фондларининг ўртача йиллик қиймати (минг сўм) | 410014 | 476223,5 | +66209,5 |
| **3** | -жумладан: Машина ва асбоб-ускуналар | 13172 | 8974 | -4198 |
| **4** | Машина ва асбоб ускуналарнинг асосий фондлар таркибида тутган салмоғи (3-қатор:2-қатор)*0.01 аниқликда (коэффициент) | 0.032 | 0.018 | -0,014 |
| **5** | Минг сўмлик саноат ишлаб чиқариш асосий фондларидан олинадиган самара (1-қатор:2-қатор), сўм | 3.20 | 3.06 | -0,14 |
| **6** | Минг сўмлик машина ва асбоб- | | | |

252“IO MAX PLUS”МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

253“IO MAX PLUS”МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ускуналардан олинадиган самара (1-қатор:3-қатор), сўм | 99.62 | 162.79 | +63.17 |

2-Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, жами саноат ишлаб чиқариш асосий фондларидан фойдаланиш яхшиланган, яъни жорий йилда фонддан олинадиган самара ўтган йилга нисбатан -0,14 сўмга ошган. Машина ва асбоб-ускуналарнинг жами асосий фондлар таркибида тутган салмоғининг -0,014 бандга камайиши натижасида фонддан олинадиган самара 1.39 сўмга кам бўлади, яъни (-0,014*99.62). Машина ва асбоб-ускуналардан олинадиган самаранинг 63.17 сўмга ортиши жами асосий фондлардан олинадиган самаранинг 1.13 сўмга ортишига олиб келди, яъни (63.17*0.018). Шундай қилиб, бу икки омилнинг йиғиндиси((-1.39)+(+1.13))= -0.26 сўмни ташкил этди. Ҳисобот даврида соф тушум ўтган йилга нисбатан +148644 минг сўмга ошган. Бунда қуйидаги икки омил таъсир кўрсатади: саноат ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари йиллик ўртача қийматининг ўзгариши (экстенсив омил) ва асосий фондлардан олинадиган самаранинг ўзгариши (интенсив омил). Биринчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун саноат ишлаб чиқариш асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматида бўлган фарқ уларнинг ўтган йилдаги самарадорлик даражасига кўпайтирилади. Бизнинг таҳлилимизда асосий фондларнинг қиймати ўтган йилга нисбатан +66209,5 минг сўмга ошган, уларнинг ўтган йилдаги самарадорлик даражаси эса 3.20 сўмни ташкил этди. Демак, соф тушум хажмини кўпайтиришнинг 211870,4 минг сўмни ташкил этган, сумма интенсив омил эвазига ҳосил бўлди. Иккинчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун фонддан олинадиган самарадаги мутлақ фарқни жорий йилдаги асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига кўпайтириш керак. Бизнинг таҳлилимизда фонддан олинган самара ўтган йилга нисбатан 0.14 сўмга камайди. Демак, маҳсулот ҳажмига таъсирининг экстенсив омил бўйича суммаси 66671,29 минг сўмни (-0.14*476223,5) ташкил этади. Шундай қилиб, икки омил таъсирининг ўзгариши тахминан товар маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги умумий фарқини беради, яъни (211870,4 + (-66671,29) )= 145199минг сўмни ташкил этади.

Асосий фондлардан самарали фойдаланишнинг яна бошқа имкониятларини излаб топишда омилли таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

-чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми;

-асосий фондларнинг йиллик ўртача суммаси;

-ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги;

-асосий фондлар иш унуми;

-асосий фондлар айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Таҳлил жараёнида бу омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқиш, олдинги йил ва динамикасидаги ишлаб чиқариш дастури маълумотлари билан қиёслаш керак бўлади.

Илхамов Шавкат Исламович
ТДИУ, доцент.

# МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ

Ички аудит корхона молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашнинг энг қулай воситаларидан бири бўлиб, у, ўз навбатида, корхонанинг рақобат жиҳатдан устунлигини таъминлаши ҳамда мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш омили бўлиши мумкин.

Бизнинг назария ва амалиётимизда нисбатан янги тушунча ҳисобланган ички аудит Ғарб мамлакатларида ХХ-асрнинг бошида пайдо бўлган ва Иккинчи жаҳон урушидан сўнг операциялар хажмининг ортиши ва компанияларнинг марказлашмаган тизимга ўтишига жавобан ривожланиш учун кучли туртки бўлди. "АҚШ ички аудиторларининг касб ташкилоти 1941 йили Ички аудиторлар институти сифатида ташкил этилган эди. Бу муассаса ўз фаолиятини ички аудиторларнинг умумий касб манфаатлари, уларнинг амалий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, касб маҳорати даражасини узлуксиз ошириш дастури, иқтисодий кодекс, касб меъёрлари ва сертификациялаш дастурлари замирига қуради"[254]. "Бундай назорат (ўз-ўзини назорат қилиш) шакли АҚШда ўтган, ХХ - асрнинг 30- йилларида юзага келиб, кейинчалик Ғарбий Европа ва Японияга тарқалган"[255]. Бинобарин, "1941 йилда АҚШда ички аудитор касбини ривожлантириш ва оммалаштириш, касбий фаолият стандартларини ишлаб чиқиш вазифасини ўз олдига қўйган ички аудиторлар институти ва ички аудиторлар касбий уюшмаси ташкил этилди. Ҳозирги вақтда мазкур институт 72 минг нафарга яқин аъзога эга бўлиб, 120 та мамлакатда намоён этилган. Умуман олганда эса, жаҳонда ички аудит билан бир миллионга яқин киши у ёки бу даражада шуғулланади"[256].

Ички аудитни ташкил этиш зарурати нималардан иборат? Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-475-сон қарорига мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан кўпроқ бўлган корхоналарда кузатувчи кенгашлар томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобот берадиган ички аудит хизматлари ташкил этилиши белгиланди. Ушбу Қарорни амалга тадбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги "Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 215-сон қарори эълон қилинди. Ушбу

[254] Тулаходжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. Монография. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. 56-б.
[255] Дўсмуродов Р. Аудит асослари. Дарслик. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. 41 – бет.
[256] Сонин А. Внутренний аудит сегодня: и снова о рисках. Источник: Журнал "Акционерное общество: вопросы корпоративного управления" №1-2016. www.gaap.ru.

қарорнинг 2-иловаси билан "Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида" Низом тасдиқланди. Низом активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудитни ташкил этишга қўйиладиган ягона талабларни ҳамда унинг ишини ташкил этишнинг методологик асосларини белгилайди.

Ички аудитга бўлган эҳтиёж йирик корхоналарда раҳбарият қуйи бошқарув тузилмасининг кундалик фаолиятини ва умуман корхона фаолиятини назорат қилиш билан шуғуланмаганлигида намоён бўлади. Ички аудит ушбу фаолият ҳақида ахборот беради ва менежерлар ахборотининг тўғрилигини тасдиқлайди. Ички аудит асосан ресурслар йўқотилишининг олдини олиш ва корхона ичида керакли ўзгаришларни амалга ошириш учун зарур.

Жаҳонда ички аудитга нисбатан қизиқишнинг ортиб боришига қатор омиллар сабаб бўлган. Биринчидан, ички аудит ҳозирги шароитда фойдаланиш мумкин бўлган, лекин айни пайтда етарлича баҳоланмаган кам сонли ресурслардан бири ҳисобланиб, улардан тўғри фойдаланиш корхонанинг самарадорлигини ошириши мумкин. Иккинчидан, ташқи аудит институти жаҳонда содир бўлаётган молиявий-иқтисодий инқироз, корпоратив тортишув ва жанжаллар, улар оқибатида ҳатто йирик компаниялар ҳам банкротга учраши мумкин бўлган жиддий ҳатоларга йўл қўйиши мумкин, деб ҳисоблашга асос беради. Учинчидан, компанияда ҳозирда ички аудит унинг ажралмас бўғинларидан бирига айланиб бораётган яхши корпоратив бошқарувнинг йўлга қўйилиши потенциал инвесторлар ва кредиторлар учун компаниянинг инвестицион жозибадорлигини оширувчи ижобий ҳолат ҳисобланади.

Бутун жаҳон бўйлаб аксарият компаниялар турли хилдаги ресурслар – инсон, молиявий, моддий ресурслардан самарасиз фойдаланишдан, тўғри қарорлар қабул қилиш учун ахборотнинг етишмаслигидан, ҳисоботларнинг беихтиёр ва қасддан бузиб кўрсатилишидан, ходимлар ва бошқарувчилар томонидан тўғридан-тўғри товламачиликлардан азият чекмоқда. Корхоналарнинг ўзида ички аудитнинг самарали тизимини ташкил этиш йўли билан бундай муаммоларнинг олдини олиш мумкин. Чунончи, "Ички аудиторлар корхона, ташкилот, фирма ва компанияларда бошқарув вазифаларини мустақил эксперт баҳолашини ўтказадилар. Улар бошқарувни амалга ошираётган марказга таҳлил, баҳолаш натижалари, ўзлари текшираётган ташкилотнинг фаолияти тўғрисидаги тавсиялар, маслаҳатлар ва маълумотларни тақдим этадилар"[257].

Мутахассислар ўртасида ички аудит нимани ўзида намоён этиши, унинг мақсади ва функциялари нималардан иборатлиги, ички аудит функциялари қай тарзда амалга оширилиши ва унинг усуллари қандайлиги ҳақида ягона фикрга келинмаган. Ушбу масалаларни комплекс тарзда ҳал этмасдан туриб ички аудит

[257] Тулаходжаева М.М. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат тизими. Монография. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998. 55-б.

ҳолатини ва аудиторлик текшируви жараёнида ундан фойдаланиш имкониятини баҳолаш концепциясини белгилаб бўлмайди.

Мутахассислар томонидан ажратилган умумий белгилар ички аудит қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга, деб таъкидлаш имконини беради: 1) хўжалик субъекти ичида амалга ошириладиган мустақил фаолият; 2) хўжалик субъекти ишининг самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган фаолият.

Фақат К.Б. Ахмаджонов, С.И. Жминько ва Г.А. Юдина ишларида берилган таърифда "ички аудит – бу, биринчи галда, хўжалик ичидаги назорат", дея таъкидланади. Ички аудитни ташкил этишдан мақсад: "Ички аудит хизмати унинг ёрдамида ташкилот бозорда муваффақиятли рақобатлашиши учун ташкил этилади"[258], деб таъкидлайди Н.В. Парушина. Бироқ бундай мақсадни нафақат ички аудит хизмати, балки ташкилот маъмурияти ҳам ўз олдига қўйиши мумкин, яъни ушбу мақсадни махсус мақсад, дея эътироф этиб бўлмайди.

Ички аудит мақсадларининг барча муаллифлар томонидан ажратиладиган ўзига хос хусусиятлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) корхонани янада самарали бошқариш; 2) корхона ва унинг мулкдорларини қонуний манфаатларини ҳимоялаш; 3) корхонанинг жорий мақсадларини аниқлаш ва активларининг бутлигини таъминлаш.

Ушбу мақсадлар, шубҳасиз, маълум маънога эга, аммо ташқи аудит билан ички аудитнинг ўзаро ҳамкорлиги нуқтаи назаридан улар ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Ташқи аудит учун С.М. Бычкова ва Е.Ю. Итыгилова томонидан ажратилган ва бухгалтерия ҳисоботлари маълумотларининг тўғрилигини таъминлашдан иборат бўлган мақсад энг муҳим ҳисобланади. Муаллиф томонидан бер неча марта такрорланган ички аудитнинг бошқа мақсади-ташкилот ходимларига ўз функцияларини самарали бажаришга ёрдам бериш - ташқи аудитнинг шунга ўхшаш мақсадига мос келади.

Ички аудиторлар халқаро институти *(Institute of Internal Auditors,* АҚШ) "Ички аудит ташкилотга хатарларни бошқариш, назорат ва корпоратив бошқарув жараёнларини баҳолаш ва улар самарадорлигини оширишга нисбатан изчил ёндашувдан фойдаланган ҳолда қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам беради" деган фикрни эътироф этади.

Айнан шунинг учун ички аудитнинг энг аниқ таърифи низомда[259] келтирилган. Ушбу низомга кўра, "ички аудит - корхона бошқарувининг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан улар ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлилиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш

[258] Парушина Н.В., Суворова С.П. Аудит. Учебник. М.: ИД «ФОРУМ»: ИНФРА-М, 2015. – 288с

[259] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 2-илова "Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида" Низом.

принциплари жорий этилиши бўйича корхона таркибий бўлинмасининг (ички аудит хизмати) фаолияти” тушунилади.

Мутахассисларнинг ички аудит функциялари борасидаги фикрлари ҳам турлича. Бинобарин, Жминько С.И. бошчилигидаги муаллифлар “Назорат, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб-китоблар тизимини ташкил этишни яхшилаш, ишлаб чиқариш ва бошқарув таркибини ўзгартириш, ривожланиш дастурининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш” деб таъкидлайдилар. Н.Ф.Каримовнинг ёзишича “Ички назорат тизимларининг мувофиқлиги ва самарадорлигини текшириш ва баҳолаш” дир.

Шу билан бирга “Корхоналарда ички аудит хизмати тўғрисида” ги Низомга мувофиқ, “қуйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

-ҳар йили корхонанинг кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ кўрсатилган йўналишлар бўйича тегишли текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

-тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

-бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

-техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда корхонанинг кузатувчи кенгашига кўмаклашиш”[260].

“Ички аудит: ташкилот бошқарувининг юқори бўғинига унинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида ахборот беради; ички назорат тизимининг самарадорлигини оширади; унинг алоҳида таркибий бўлинмалари ҳисоботларининг тўғрилигини тасдиқлайди”[261].

Умуман олганда, деб ёзади Н. Каримов “ички аудит тизими молиявий-хўжалик назоратининг таркибий қисми сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида янги ҳодисаларни очиб беради, мазкур фаолиятни илмий асосларда такомиллаштириш мақсадида уларнинг қонуниятларини ўрнатади”[262].

Биз Б.А. Хасановнинг “халқаро амалиётга мувофиқ ҳолда ички аудиторлар хўжалик субъектлари (тизими) хизматчилари ҳисобланадилар. Шу муносабат билан ички аудитни ички хўжалик аудити деб аташ мумкин”[263] деган фикрига қўшиламиз. Ички аудит муайян бўлинмасининг функциялари ва вазифалари уни ташкил этилган бошқарув органини белгилаб беради.

---

[260] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорига 2-илова “Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида” Низом. 4-банд.

[261] Макальская А.К. Внутренний аудит. - М.: Дело и сервис, 2011. с.3.

[262] Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. Монография. Т.: Фан, 2006. 105-б.

[263] Хасанов Б.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. – Т.: Фан, 2003.

Бизнинг фикримизча ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳисобга олинадиган ва шаклланадиган ишончли ахборотни таъминлашга йўналтирилган функциялар, хусусан, қуйидагилар мутлақ қизиқтиради: 1) хўжалик операцияларини амалга оширишда назорат амалларининг меъёрий ҳужжатларга ва таъсис ҳужжатларига мос келишини текшириш; 2) активларнинг мавжудлигини, ҳолатини ва уларни баҳолашнинг тўғрилигини текшириш; 3) бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, уни юритиш услубиёти, техникаси, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини экспертиза қилиш; 4) молиявий натижаларни шакллантиришнинг аниқлиги, даромаддан фойдаланиш тартибини текшириш.

Хайитов Абдиманнон Бухарович к.э.н., доцент
Суюнова Фотима Мухсиновна., соискатель
Ташкентский государственный экономический университет

## ЗАНЯТОСТЬ МОЛОДЕЖИ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Особенность молодёжного предпринимательства проявляется в ограниченности экономических и производственных связей, материальной и финансовой зависимости от родителей и т.д.

Молодёжные предприятия в Узбекистане развивается, но, не хватает ресурсной базы материальной базы для развития бизнеса, недостаток опыта у молодого предпринимателя в организации бизнеса и примыкающих к нему сферах, недостаток коммуникативных способностей, этике предпринимательства. Молодежная предпринимательская деятельность связана с постоянным риском, неопределённостью условий и неизвестностью результатов заставляет молодёжь искать пути меньшего сопротивления, то есть выбирать такие сферы деятельности, в которых не требуется больших физических и материальных затрат. Следствием этого является недостаточная общественная эффективность предпринимательской деятельности молодёжи, получившей преимущественное распространение в непроизводственной сфере[264].

Для экономики в целом деятельность молодежных малых предприятий является важным фактором для повышения гибкости рыночной системы.

Особенно важны малые молодежных предприятия для регионов, так как, работая в основном на местных рынках, они способствуют решению целого ряда социально-экономических проблем, прежде всего занятости и увеличения доходов населения. Кроме того, они создают более благоприятные условия для регулирования региональной экономики, так как в большей степени зависимы от

[264] Шермухамедов А.Т. Роль России в развитии промышленных отраслей в Узбекистане. //XI заочная международная научно-практическая конференция, «Современные тенденции развития России: путь к эффективности» Липецкий филиал ФГБОУ ВО «Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте РФ», 20 апреля 2017 г.

региональных и местных администраций, чем крупные и средние предприятия. В каждом регионе предпринимательство развивается по-своему, в зависимости от физико-географической структуры, экономической составляющей, политико-административной структуры, этнической, социокультурной, правовой и политической составляющих региона. Основные факторы, которые определяют региональную специфику развития малого бизнеса в Узбекистане, связаны с социальными, экономическими и экологическими проблемами. Наряду со многими проблемами, проблема безработицы, именно та, в решении которой малое молодежное предпринимательство может играть важную роль. Среди мер по борьбе с безработицей нужно предусматривать меры по стимулированию притока в регионы частных отечественных и иностранных инвестиций, расширению программы переобучения молодежи, в том числе с привлечением различных школ бизнеса, а также по формированию рынка жилья, как условия перемещения рабочей силы из регионов с высоким уровнем безработицы[265].

Важной предпосылкой развития предпринимательства в регионах Узбекистане является здоровый социально-психологический климат и соответствие мотивационных установок формирующемуся рынку труда. Все это находится в прямой зависимости от формы производственной деятельности, ведомственной политики, движения кадров, уровня профессиональных качеств, уровня развития потребностей, отношения к инновациям, желания осваивать новые профессии и специальности и т.д.

Несмотря на заметную роль молодёжи в отдельных сферах жизнедеятельности общества, она является одной из влиятельных социальных групп. Ею нельзя манипулируют в достижении коммерческих, политических и других целей. Следует отметить, что в нынешних социально-экономических условиях молодёжь либо желает работать не только уже в существующих государственных или коммерческих структурах, а желание открыть своё дело, хотя для организации собственного малого предприятия необходимы значительные стартовые капиталы, личные связи и опыт, чего нет у молодых людей. Для большей же части молодёжи, способной заняться предпринимательской деятельностью, предпочтительнее коммерческое предпринимательство, где быстрее оборачивается капитал и больше прибыль, меньше затрат умственного труда и надобность организаторских способностей. Собственники малых предприятий больше склонны к сбережениям и инвестированию, у них всегда высокий уровень личной мотивации в достижении успеха, что, естественно, положительно сказывается на деятельности малых предприятия. Молодые представители малого предпринимательства лучше знают уровень спроса на местных рынках. Молодежное малое предпринимательство способствует занятости большего количества молодежи по сравнению с крупными предприятиями. На живучести малых фирм

---

[265] Шермухамедов А. Т., Абирова Г.Р. Совершенствование финансово-кредитной политики для поддержки малого предпринимательства в регионах Узбекистана// Материалы X Международной заочной научно-практической конференции «Россия и мир: экономические, правовые и социальные аспекты развития»,Липецк, 21 апреля 2016 г. – Липецк: РИО «Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте РФ», Липецкий филиал. - 263-267 стр.

сказываются и размеры финансирования на первом этапе. Чем больше первоначальный капитал, вложенный в малое предприятие, тем больше у этого предприятия возможностей сохранения деятельности в неблагоприятные периоды бизнеса[266]. В регионах с развитой инфраструктурой, расположенные рядом с устойчивыми рынками сбыта (Ташкент, Ферганская Долина), где имеются квалифицированные кадры, которые способствуют росту квалификации молодежи, открывающие малый бизнес, рост молодежного предпринимательства будет заметным. Здесь рентабельными и конкурентоспособными остаются в основном регионы свободных экономических зон. Группа факторов, которые оказывают влияние на территориальное развитие молодежного предпринимательства, связана с воздействием экологических условий на воспроизводство природных ресурсов, поддержание нормативного экологического состояния на процессы предпринимательства. Сырьевая направленность развития экспорта в Кашкадарьинской области связанная с нефтегазодобычей и природа подвержена экологическому ущербу, подвергаются поверхностные воды и земли. При буровых работах распространены при технологических и аварийных выбросах нефти – загрязнение территории региона мазутом. Все это, естественно, далеко неположительным образом влияет на природные ресурсы и сокращает территории, на которых ведется хозяйственная деятельность. Молодежный малый бизнес может развиваться в любой сфере и в любом регионе Узбекистана, если у молодежи есть желание работать, заниматься своим делом, особенно, в том случае, когда он использует те природные ресурсы, которые есть в наличии в том или ином регионе. Для Узбекистана сферу бизнеса можно развивать в ракурсе индустрии развлечений. Индустрия развлечений, которую и составляют парки аттракционов, - это во всем мире гигантская промышленность. Достаточно сказать, что в США ее оборот в три раза превышает военный бюджет. У нас эта индустрия только начинает развиваться, хотя имеются около 60 функционирующих парков, из них 30 можно назвать крупными. Особенностью развития индустрии развлечений в Узбекистане является то, что в ней активно задействован малый бизнес. Привлекательность этого бизнеса заключается в довольно-таки быстрой окупаемости затрат. Развитие его сдерживается, видимо, из-за одинаковых для всех предпринимателей проблем: отсутствия грамотных управленцев; подбора и обучения персонала; обновления материальной базы; кредитной политики. Молодежный малый бизнес развивается, набирает темпы роста, так как регионы Узбекистана отличается большим разнообразием экономических, природных и климатических условий, является особо привлекательным для частного сектора. Сферой молодежного малого бизнеса могут стать отрасли фермерские хозяйства по выращиванию сои, разведению редких лекарственных растений (женьшеня, аралии маньчжурской и др.),

[266] Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т. Государственная инвестиционная политики в Каракалпакстане. //Каракалпакский Государственный Университет им. Бердаха Международ. конф. «Орол бўйи зонасида кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий-экологик муаммолари». 2015г. 6-7 май. – Нукус: Каракалпакский Государственный Университет им. Бердаха, 2015. -45-46 стр.

имеющие спрос, как на внутреннем, так и на мировом рынке, создание туристических центров международного класса.

Кадиров Абдурашид Маджидович
и.ф.д., сектор мудури
“Ишлаб чиқариш кучларини рационал
жойлаштириш ва худудларни
комплекс ривожлантириш”
ТДИУ ҳузурида “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий
асослари ва муаммолари”
Ахмедиева Алия Тохтаровна
и.ф.н. доц. каф. “Макроиқтисодиет ТДИУ

## МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ БЎЙИЧА КОРХОНАЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШГА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВЛАР

Мамлакат ва минтақалар иқтисодиётининг ҳолати маҳаллий корхоналар ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш босқичига ўтишини таъминлаши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ташкил қилишнинг аоссий воситаларини танлашга бўлган ёндашувларни қайта ўйлаб чиқишни тақозо этади.

Иқтисодиётнинг аграр секторида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барча кўрсаткичлари бўйича деҳқон-фермер хўжаликларининг улуши йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Географик жойлашув ва табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олиб, мева-сабзавот маҳсулотлари асосан республикамизнинг Самарқанд (сабзавотлар етиштиришнинг республика бўйича ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши - 15,7%, мева - 13,6% ва узум - 32,3%), Тошкент (сабзавотлар-19,7% ва узум-10,3%), Андижон (сабзавотлар-14,1% ва мева-21,0%), Фарғона (мева-15,1%), Сурхондарё (сабзавотлар-8,7%, мева-5,0% ва узум-8,1%), Наманган (сабзавотлар-6,8%, мева-8,2% ва узум -7,9%) ва Бухоро (сабзавотлар-561%, мева-8,7% ва узум-10,3%) вилояти каби минтақаларида етиштирилмоқда [1].

Бироқ бунда таъминот мувозанатланганлиги объектив талабларини писанд қилмаслик ва давлат бошқаруви самарасизлиги кузатилади. Бу арзон қишлоқ хўжалик хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари импорти кўламини кенгайтириб, мева ва сабзавотларни мамлакатда қайта ишлаш рақобатбардошлигида салбий акс этади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий имкониятлари экспортчи-давлатларнинг бирлаштирилган саъй-ҳаракатларига қарши туради. Уларнинг эгаллаб турган ўрни заифлиги аграр ишлаб чиқаришни жойлаштириш масалаларида кластерли ёндашув йўқлиги ва техник-иқтисодий қолоқлик сабабли ишлаб чиқариш самарадорлиги етарли даражада эмаслиги ва энг йирик озиқ-овқат экспортчилари билан таққослаганда салоҳиятнинг пастроқ

эканлиги билан изоҳланади.

Кичик корхоналар қуриш йўли билан қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ва жойлаштириш қишлоқ хўжалик хомашё ресурслари кичик бўлган ва уни озиқ-овқат саноати ихтисослашган корхоналарига етказиб беришда қийинчиликлар юзага келадиган ҳолатларда мақсадга мувофиқ. Масалан, транспорт тармоғи ва ихтисослашган транспорт йўқ, ишлаётганлар эҳтиёжларини қондириш учун ички хўжалик қайта ишлаш зарурати мавжуд. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, кичик корхоналар қурилиши қайта ишлаш саноатининг иккиламчи ресурслардан оқилона фойдаланиши билан боғлиқ қийинчиликларга олиб келади.

Модернизациясиз, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналарни жойлаштириш ва озиқ-овқат товарлари рақобатбардошлигини оширишсиз истеъмол талабини ошириш истеъмол сруктурасининг импорт товарлар фойдасига ўзгаришига дуч келиши мумкин. Шу сабабли мамлакат озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасида аниқ ва молиявий таъминланган стратегия зарур бўлиб, бу озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини кутаришга имкон берган бўларди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлантириш механизмлари, уларни замонавий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда бошқаришни ташкил қилиш вилояларда ишлаб чиқилган.

Ғарб адабиётларида уларнинг яхлит бир бутунлик сифатида муҳимлиги синергетик самара берган ҳолда таркибий қисмлар оддий йиғиндисидан катта бўлган ўзаро боғлиқ фирмалар, ташкилотлар, ишлаб чиқариш ва тармоқлар тизимини ишлаб чиқиш келтирилади. Кластерлар номини олган бундай тизимлар деганда Майкл Портер назариясига мувофиқ, географик қўшни бўлган, бир-бири билан боғлиқ компаниялар ва маълум бир соҳада фаолият кўрсатиб, бир-бирини тўлдириб турадиган ва улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар гуруҳи (таълим муассасалари, давлат бошқарув органлари, инфратузилма компаниялари) тушунилади [2].

Агар кластерлар назарияси амалиётда синаб кўриладиган бўлса, бошқарув, таъминот ва сотувда биргаликдаги харажатларни пасайтиришга, бюджет билан ўзаро муносабатларга, рақобатбардош маҳсулот шакллантиришга, ФТТ билимлари билан бир-бирин бойитишга, ижтимоий масалаларни (яъни катор сабабларга кўра ширкат корхоналар ва ташкилотлар томонидан ҳозирча ҳал этилмайдиган вазифаларни) ҳал қилишга асосланган мотивация механизми тушунарли бўлади.

Бунда М.Портернинг асосий фикри ташқарида эмас, балки ички бозорларда яратиладиган истиқболли рақобатли устунликлардан иборат. Иқтисодиёт учун шаклланаётган кластерлар – бир-бирининг рақобатбардошлиги ўсишига хизмат қиладиган фирмалар, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тармоқлар гуруҳи ички бозорнинг ўсиш нуқталари ролини бажаради [3].

Биринчи кластер ортидан айнан алоҳида кластерларнинг кучли позициялари билан қўллаб-қувватланадиган давлатнинг халқаро рақобатбардошлигини оширган ҳолда янги кластерлар вужудга келади. улардан ташқарида

ривожланган иқтисодиёт фақат ўрта-миёна натижалар бериши мумкин. кластерда фойда юзага келадиган алоқаларнинг барча йўналишлари бўйича тарқалади.

М.Портернинг қоидаларини Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига мослаштирган ҳолда ишлаб чиқаришни жойлаштиришда, бизнингча, қуйидагиларни кўзда тутиш лозим[4]:

-биринчидан, товар-хомашё ресурсларини оптималлаштириш ва жойларда харажатларни пасайтириш вааҳоли бандлигини таъминлаш учун хомашёни бирламчи қайта ишлаш бўйича корхоналарни маҳаллийлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш мақсадида қайта ишлаш корхоналарининг юқори самарал ихтисослашган хомашё ҳудудларини шакллантириш;

-иккинчидан, уларнинг табиий-иқлим шароитлари, ишлаб чиқариш қувватлари ва меҳнат ресурслари мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда аграр туманлар бўйича бир ерга тўпланиши;

-учинчидан, илмий ҳажмдор технологиялар асосида хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича корхоналарнинг йирик саноат ва туман марказларида жойлашуви;

-тўртинчидан, озиқ-овқат корхоналарининг муҳандислик инфратузилмаси ривожланган ва транспорт тармоғи очиқ бўлган туман марказлари ва шаҳарларга йўналтирилганлиги.

Минтақада агро-озиқ-овқат сиёсати мақсадларига эришиш механизми миллий бозорда «ниша»лар эгаллаш учун ихтисослашувнинг фақат истиқболли тармоқларинигина ҳисобга олиш билан чекланмаслиги лозим.

Қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини юқори сифатли хомашё билан, аҳолини эса – озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳамда озиқ-овқат жамғармаси яратиш ва минтақалараро озиқ-овқат айирбошлашни фаоллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

-юқори ҳосилдорлик ва экологик барқарорликни биологик қимматли моддалар юқори таркиби билан бирлаштирадиган элита навлар ва гибридларни қўллаш;

-қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришнинг ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларининг сезиларли даражада пасайишини таъминлайдиган ва ўсимликларни биологик ҳимоя қилишдан максимал даражада фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларида қолдиқ намоён бўлишига йўл қўймайдиган замонавий технологияларини жорий қилиш;

-тармоқнинг биоиқтисодий захиралари ва чорва моллари генетика салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш негизида саноат турида жадал ишлаб чиқаришга ўтказишни кўзда тутадиган чорвадорлик юритиш тизимини ва қўлланадиган технологияларни тубдан ўзгартириш.

АСМ ташкилотларини техник қайта жиҳозлаш мумкин, жумладан:

-қишлоқ хўжалик корхоналари учун - технологик асосланган ишлаб чиқариш фондлари структурасини қисқа муддат ичида шакллантириш;

-озиқ-овқат саноати, қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар учун – маҳсулотни чуқур қайта ишлаш, сақлаш, транспорт воситасида ташиш ва сотиш бўйича янги қувватлар қуриш ва жорий қилиш, қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш.

Корхоналарни озиқ-овқат саноати ва қайта ишлаш саноати анъанавий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини янги биотехнологияларни кенг қўллаш асосида озиқ-овқат ва биологик қиммати оширилган янги авлод маҳсулотлари яратишга йўналиштириш мақсадга мувофиқ:

-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича корхоналар – жаҳон миқёсида ўхшаши бўлган истеъмол хусусиятларига эга маҳсулот чиқариш;

-таркибидаги озиқа моддалар бўйича мувозанатланган омихта ем кўринишида ем учун белгиланган (фураж) дондан фойдаланишга ўтиш билан омихта ем саноатида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини оптималлаштириш;

-ишлаб чиқаришнинг янги истиқболли йўналишларини яратиш, АСМ самарадорлигини оширадиган ва сотув бозорини кенгайтиришни таъминлайдиган мева-сабзавот ва резаворлар хомашёсини қайта ишлаш замонавий технологияларини ўзлаштириш;

Озиқ-овқат таъминоти асосий мақсади аҳолини озиқ-овқат мцлари билан ишончли (узлуксиз) ва етарли (тиббиёт меъёрлари бўйича) таъминлаш саналган, функционал, ташкилий, ресурслар ва технология аломатлар бўйича структураланган, ўзаро боғлиқ жараёнлар тизими ҳисобланиши сабабли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жойлаштириш стратегиясини шакллантиришда қуйидаги элементларни кўзда тутиш муҳим аҳамият касб этади:

-ушбу соҳада ривожланган хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг илғор технологияларидан фойдаланиш йўли билан ташқи иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш;

-молиявий-моддий ресурсларни марказлаштириш, чет эл инвестициялари иштирокида, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш учун омборларни жиҳозлаш билан боғлиқ корхоналар ташкил қилиш;

-экспорт фаолиятини тартибга солиш: халқаро бозорларда рақобатбардош бўлган маҳсулот (дон, буғдой, гуруч, балиқ, сут маҳсулотлари) олиб чиқишни рағбатлантириш, уни лицензиялаш ва квоталаш, солиқлар ва уларни ундириш тартибини тизимлаштириш;

-бозор турбулентлигини ҳисобга олган ҳолда олдини олиш характеридаги чора-тадбирлар: минтақалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича дифференциация қилган ҳолда ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

-институционал ўзгаришлар (қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперацияси, маҳсулотни қайта ишлаш, таъминот, сотув, кредит ва суғурта кооперацияси) ҳамда агротузилмалар ва бирлашмаларни жалб қилган ҳолда турли шаклларда технологик жараёнларни рағбатлантиришни ҳисобга олган ҳолда агро-озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириш;

-озиқ-овқат тизимини ислоҳ қилишга самаралироқ ёндашувлар жорий қилиш: давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш, ички сиёсатни шакллантиришда мувофиқлаштириш механизмини таъминлаш, қонунларга риоя қилиш, ахборот-маслаҳат ишларини фаоллаштириш.

Шубҳасизки, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастури, умумий давлат сиёсати юритиш, шунингдек, макро ва мезодаражада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида тор ихтисослашган дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш минтақалар озиқ-овқат таъминоти муаммоларини комплексли ҳал қилишнинг муҳим интеграторлар сифатида иштирок этади. Бироқ озиқ-овқат стратегиясини шакллантиришнинг замонавий концепцияси Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини оқилона жойлаштиришнинг концептуал қоидалари асосижа минтақавий иқтисодиётни кластерлаштиришни ҳисобга олиши, ижтимоий йўналтириган озиқ-овқат бозорини ривожлантириш ҳамда АСМ тармоқларида изчил иқтисодий ўсиш учун шароилар яратиш, минтақанинг стратегик озиқ-овқат салоҳиятини яратиш учун давлат агро-озиқ-овқат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни кўзда тутиши лозим.

Юқорида санаб ўтилган воситалар имкониятларидан фойдаланиш тартибга солинадиган иқтисодий тизимда кўп сонли алоқалар мавжудлиги билан асосланади:

-ишлаб чиқарувчи учун – ишлаб чиқариш омиллари ва тартибга солинадиган тавсифномалар ўртасида;

-бозор истеъмолчиси учун – сотув нархи, ўринбосар-товарлар нархи ва талаб ўртасида;

Барча санаб ўтилган омиллар потенциал жиҳатдан тартибга солиш учун яроқли саналади ва ташкилий-иқтисодий механизм структурасига киритилиши мумкин. Бироқ бундай механизмни ишлаб чиқишдан олдин Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб мавжуд қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш пухта таҳлил қилиниши, лойиҳалаштирилган жойлаштириш схемаси билан таққосланиши лозим.

Мева-сабзавот маҳсулотлари қайта ишлаш корхоналарининг иш билан максимал юкланганлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш улушини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар мажмуи қабул қилиниши зарур. Шахсий ёрдамчи ва майда деҳқон (фермер) хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда қишлоқ хўжалик кооперацияси орқали қайта ишлаш корхоналарига етказиб бериш тизимини шакллантириш зарур.

Экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулот чиқаришга қраатилган, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналар қуриш ва модернизация қилишда инвестиция харажатларини субсидиялаш лозим.

Озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалик хомашёсини ишлаш маҳсулотлари маҳаллий ва экспорт бренди яратишни рағбатлантириш, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулот экспортини устувор тартибда қўллаб-қувватлаш зарур. экспортга йўналтирилган озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналарни халқаро талаблар бўйича сертификатлашни ташкил қилиш, шунингдек, овқат саноати ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналар

раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

Юсупов Мухиддин Соатович
PhD, ТДИУ

## АГРАР СЕКТОРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Аграр сектор республикамиз иқтисодиётининг йирик ва таянч тармоқларидан бири саналади. Жумладан, 2017 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ялпи қўшилган қийматининг 19,2 %и ва иқтисодиётда банд аҳоли сонининг 27% дан ортиғи аграр сектор ҳиссасига тўғри келди. Мамлакатимиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда аграр сектор муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқданган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да аграр секторни модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича бир қатор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, тармоқда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва оптималлаштириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини янада ошириш энг муҳим вазифалардан саналади.

Кейинги йилларида аграр секторни ислоҳ қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Натижада 2006-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати 2016 йил нархларида 25446,6 млрд. сўмдан 47486,1 млрд. сўмга ёки 1,99 мартага ошди. Шу йилларда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 6,5 %ни ташкил этди.

Аграр секторнинг барқарор ривожланиб бориши натижасида 2006-2016 йилларда аҳоли жон бошига буғдой ишлаб чиқариш 12,6, сабзавотлар 118,4, мевалар 114,1, узум 79,9, гўшт 65,2, сут 66,2 ва тухум 140,6 %га ошди (1-жадвал).

1-жадвал

**Республикада аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси**

| **Маҳсулот турлари** | **Ўлчов бир-лиги** | 2006 йил | 2008 йил | 2010 йил | 2012 йил | 2014 йил | **2016 йил** | **2016 й. 2006 й.га нисб., %да** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Буғдой | кг | 230,3 | 225,1 | 236,1 | 222,1 | 226,2 | 259,4 | 112,6 |
| Сабзавот | кг | 162,1 | 191,2 | 222,2 | 260,9 | 301,9 | 354,0 | 218,4 |
| Картошка | кг | 38,5 | 51,2 | 59,3 | 69,1 | 79,7 | 92,9 | 241,3 |
| Полиз | кг | 28,1 | 35,9 | 41,4 | 47,6 | 55,1 | 64,2 | 228,5 |

| *1-жадвалнинг давоми* | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Мева | кг | 44,6 | 51,4 | 59,9 | 68,9 | 81,0 | 95,5 | 214,1 |
| Узум | кг | 30,3 | 29,0 | 34,6 | 40,5 | 46,9 | 54,5 | 179,9 |
| Гўшт (сўйилган вазнда) | кг | 25,6 | 28,1 | 29,9 | 32,6 | 36,6 | 42,3 | 165,2 |
| Сут | кг | 183,3 | 198,7 | 216,0 | 245,5 | 278,8 | 304,7 | 166,2 |
| Тухум | дона | 80,3 | 89,1 | 107,2 | 130,1 | 163,7 | 193,2 | 240,6 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аграр секторнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига бир қатор ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги мураккаб биотехнологик ва ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида тавсифланиб, унда ташкилий-иқтисодий, техник-технологик, ижтимоий-экологик характердаги омиллар билан бирга ер, сув, жонли организмлар, ёруғлик, иссиқлик, об-ҳаво, табиий иқлим ва географик жойлашув каби табиий омиллар ҳам иштирок этади. Бу эса тадбиркорликнинг таваккалчиликка мойиллигини кучайтириб, ишлаб чиқариш рентабеллигига салбий таъсир кўрсатиш орқали фермер ва деҳқон хўжаликларининг молиявий барқарорлиги ҳамда қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлиги даражасига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Маълумотларга кўра, 2005-2016 йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулотида аграр секторнинг салмоғи ўртача 20,0 %ни ташкил этган бўлишига қарамай, иқтисодиётнинг барча тармоқларида шаклланган фойдада тармоқнинг улуши ўртача 1,5 %ни, қишлоқ хўжалигида соф фойданинг сотилган маҳсулот таннархига нисбати сифатида аниқланган рентабеллик (зарарлилик) даражаси – 1,2 %дан 13,5 %гача ошиб, ўртача 5,7 %ни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал

**Аграр секторда фойданинг шаклланиши ва рентабеллик (зарарлилик (-)) даражаси,** %да

| **Кўрсаткичлар** | **2006 йил** | **2008 йил** | **2010 йил** | **2012 йил** | **2014 йил** | **2016 йил** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Иқтисодиётнинг жами тармоқла-рида шаклланган фойдада аграр секторнинг салмоғи | – 0,5 | 0,5 | 1,5 | 0,7 | 0,9 | 1,5 |
| Тармоқда соф фойдани (зарарни (–)) сотилган маҳсулот таннархига нисбатан рентабеллик даражаси | – 1,2 | 2,2 | 5,1 | 6,0 | 8,6 | 13,5 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Рентабеллик даражасининг пастлиги оқибатида қишлоқ хўжалигига инвестициялар, айниқса хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни

жалб этиш ҳажмини етарли деб бўлмайди. Жумладан, 2006-2016 йилларда иқтисодиётга киритилган жами инвестицияларда аграр секторга йўналтирилган инвестициялар салмоғи 4,4 дан 3,3 %гача қисқариб борди (3-жадвал).

3-жадвал

**Аграр секторда асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби**

| **Кўрсаткичлар** | **2006 йил** | **2008 йил** | **2010 йил** | **2012 йил** | **2014 йил** | **2016 йил** | **2016 й. 2006 й.га нис. ўзг., (+,-)** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Иқтисодиётга киритилган жами инвестицияларда аграр сектор салмоғи, %да** | 4,1 | 2,7 | 3,5 | 4,8 | 4,1 | 3,3 | – 0,8 п. |
| **Аграр секторга киритилган жами инвестицияларнинг манбалари, %да** | | | | | | | |
| - марказлашган давлат инвестициялари | 27,5 | 22,7 | 32,9 | 33,5 | 37,0 | 34,4 | + 6,9 п. |
| - корхона ва ташкилотлар маблағлари | 25,4 | 17,3 | 17,3 | 22,3 | 21,0 | 31,0 | + 5,6 п. |
| - аҳоли маблағлари | 0,4 | 0,2 | 2,4 | 0,5 | 0,4 | 0 | – 0,4 п. |
| - банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 23,1 | 45,6 | 27,8 | 23,8 | 22,3 | 22,5 | – 0,6 п. |
| - чет эл инвестициялари ва кредитлари | 22,6 | 14,2 | 7,1 | 12,2 | 10,9 | 10,4 | – 12,2 п. |
| - бошқа манбалар | 1,0 | - | 12,5 | 7,7 | 8,4 | 1,7 | + 0,7 п. |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қишлоқ хўжалигида юқори фойда олиш имкониятларининг чекланганлиги тармоққа хусусий сектор маблағларини жалб этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, 2006-2016 йилларда аграр секторга киритилган жами инвестицияларда марказлашган давлат инвестициялари салмоғи 27,5 дан 34,4 %гача (+ 6,9 п.), корхона ва ташкилотлар салмоғи 25,4 дан 31,0 %гача (+ 5,6 п.) ошиб боргани ҳолда, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари салмоғи 23,1 дан 22,5 %гача (– 0,6 п.), чет эл инвестициялари ва кредитлари салмоғи 22,6 дан 10,4 %гача (–12,2 п.), аҳоли маблағлари салмоғи эса 0,4 дан 0,0 %гача камайиб борди (3-жадвал).

Аграр секторнинг ривожланишига турли омилларнинг 2000-2016 йиллар бўйича таъсирини аниқлаш мақсадида бу омиллар қийматларининг келтирилган йиллар бўйича ўзгариши динамикаси ҳамда кўп омилли чизиқли эконометрик моделдан фойдаланамиз. Моделда амалга оширилган ҳисоб-китоблар асосида аниқландики, хусусий корреляция коэффициентлари, яъни натижавий омил – 2016 йил таққослама нархларида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати ($Y$) ва унга таъсир этувчи омиллар: қишлоқ хўжалиги экин майдони ($X_1$) ўртасида суст (0,5451), қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилган инвестициялар ($X_2$) ўртасида зич (0,9649), қишлоқ хўжалигининг асосий фондлари қиймати ($X_4$)

ўртасида зич (0,9912) ва қишлоқ хўжалигига сув сарфи ўртасида жуда суст (0,1559) тўғри боғлиқлик, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони ($X_3$) ўртасида ўртача (0,8567) ва экинларга минерал ўғит солиш ҳажми ($X_5$) ўртасида зич (0,9432) тескари алоқа мавжуд.

Улар асосида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг кўп омилли эконометрик моделини тузамиз ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$y = 39662{,}6759 + 2{,}6723x_1 + 4{,}1361x_2 - 11{,}2902x_3 + 1{,}5466x_4 - 2{,}7368x_5 + 0{,}074x_6$$

(3,222) (0,788) (2,039) (-4,093) (8,338) (-0,424) (1,214)

(1)

Мазкур моделга (1) кўра, унга киритилган омиллар таъсирида натижавий омил ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг (*Y*) ўртача ўсиш қийматлари аниқланган. Унга кўра қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг ($X_1$) бир минг гектарга ошиши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматини (*Y*) 2,6723 млрд. сўмга; асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ($X_2$) бир млрд. сўмга ошиши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматини (*Y*) 4,1346 млрд. сўмга; тармоқда асосий фондлари қийматининг ($X_4$) бир млрд. сўмга ошиши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматини (*Y*) 1,5466 млрд. сўмга сўмга ошишига олиб келади.

Бунда: $R^2 = 0{,}9945$, текисланган $R^2 = 0{,}9911$ га тенг. Демак, натижавий омил моделга киритилган омиллар билан етарлича зич алоқада. Яъни қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг ўзгариши 99,45 % моделга киритилган омилларга, қолган 0,55 %и эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсирига боғлиқ.

Моделнинг ўрганилаётган жараёнга мослиги ва статистик аҳамиятлилигини аниқловчи Фишернинг F-мезонини ҳисобланган қиймати $F_{ҳисоб.} = 299{,}61$, жадвал қиймати $F_{жадвал} = 4{,}74$ га тенг. $F_{ҳисоб} > F_{жадвал}$ бўлиб, модель шартини қаноатлантиради.

Корелляция коэффицентларининг ишончлилигини аниқловчи Стьюдентнинг *t*-мезонининг жадвал қиймати $t_{жадвал} = 1{,}28$ га тенг. Қаралаётган моделда қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ҳажми ($X_1$), асосий капиталга киритилган инвестициялар ($X_2$) ва асосий фондлари қиймати ($X_4$) омиллари юқоридаги мезонни қаноатлантиради.

Натижавий омилнинг қолдиқларидаги автокорреляцияни текширувчи Дарбин-Уотсон мезони қиймати $DW_{мезони} = 2{,}72$ га тенг (меъёр бўйича 2 атрофида). Бу эса натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичлар моделда олинган барча натижалар адекват эканлиги ва ишончлилигини тасдиқлайди.

Келтирилган модель (1) асосида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар сарфининг 2000-2016 йиллардаги қийматлари асосида вақт бўйича тренд моделлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг 2017-2021 йиллар бўйича ўсиш прогнозини ишлаб чиқдик (1-расм).




**2-расм. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг динамикаси ва прогнози** (2016 й. нархларида, млрд. сўм)

Прогноз асосида шу нарса аниқландики, агар 2000-2016 йилларда моделга киритилган омиллар ўзгаришининг тренди сақланиб қолса, 2021 йилга бориб, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати 53 864,0 млрд. сўмгача етиши мумкин.

Моделимизнинг аҳамияти шундаки, у бизга қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўсишига таъсир этувчи омилларнинг энг таъсирчанларини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу моделга кўра қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ва қишлоқ хўжалиги асосий фондларининг натижавий омил бўлган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўсишига таъсири бошқа омилларга нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг барқарор ўсишини таъминлаш учун асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажми ва асосий фондлар билан қуролланиш даражасини кескин ошириш мақсадга мувофиқ. Бу бугунги кунда қишлоқдаги энг асосий муаммолардан бири - тармоқда техника воситалари сони қисқариб, моддий ва маънавий жиҳатдан эскириб бораётган даврда катта аҳамият касб этади.

проф. Н. Махмудов,
PhD. С. Хамидов
катта ўқитувчи Л. Азимова

# ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ ТАРМОҚ ТУЗИЛИШИ ВА ДИНАМИКАСИНИНГ ЎЗГАРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

Ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг иқтисодий мазмунини бир хиллиги, ишлатиладиган хом ашё ва асосий материалларнинг ўхшашлиги, ишлаб чиқариш техник базаси ва технологик жараёнларининг ҳамда маълум касбдаги кадрлар таркибининг умумийлиги, ижтимоий меҳнатни ташкил этиш даражаси ва шаклларининг бир бирига ўхшашлиги, бир сўз билан айтганда умумий хусусиятга эга бўлган корхоналар мажмуи - тармоқни ташкил этади.

Саноатнинг тармоқ тузилиши турли мезонлар асосида турлича таснифланади. Масалан, мулк шаклларига қараб саноатнинг тармоқ тузилиши давлат, нодавлат ва аралаш секторга[267], саноат ишлаб чиқариш технологик нуқтаи назаридан таснифланганда юқори, ўрта юқори, ўрта қуйи ва қуйи саноат тармоқларига[268], маҳсулотнинг якуний истеъмолига қараб, саноат тармоқлари якуний истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларига, оралиқ товарлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларига, инвестиция товарлари ҳамда юқори технологияли инвестиция товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларига бўлинади[269].

Айрим манбаларда саноат 2 та йирик тармоққа ҳам ажратилади. Булар, ёқилғи - хом ашё тармоқлари ҳамда қайта ишловчи саноат тармоқлари. Бунда ёқилғи - хом ашё тармоғи таркибига, ёқилғи - энергетика мажмуи, металлургия, қурилиш материаллари саноати ва пахта тозалаш саноати кабилар киритилади[270].

Саноат тармоқлари одатда уч асосий мезон асосида ажратилади[271]:

- хом ашё бирлиги бўйича ажратилган саноат тармоқлари (машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза - қоғоз саноати ва ҳ.к.);
- истеъмол бирлиги, яъни муайян мақсадда маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар (енгил ва озиқ-овқат, қурилиш, электр энергетика ва б.);
- технологик жараён асосида ташкил этилган саноат тармоғи (кимё саноати).

Демак, саноатнинг тармоқ тузилмаси - унинг таркиби, тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси тушунилади. Тармоқ тузилмаси саноат тараққиёти даражасини белгилайди ҳамда унда юз берган ва юз берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

---

[267] Махмудов Э.Х. Промышленность Узбекистана: экономика, размещение, приоритеты развития (вопросы теории и практики) - Т.: Иқтисодиёт, 2013. - 39 с.

[268] Industrial Development Report 2018. Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development. Vienna, Austria. 2017. http://www. UNIDO.org. 219 p.

[269] Industrial Development Report 2018. Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development. Vienna, Austria. 2017. http://www. UNIDO.org. 221 p.

[270] Тенденции социально - экономического развития Узбекистана (2005 - 2014 гг.) / под общей редакцией д.э.н. А.М.Садыкова / Ташкент: IFMR, 2015. - С. 32-38., 87-88.

[271] Солиев А. Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Т.: М.Улуғбек номидаги ЎзМУ, 2006. - 39 б.

Тармоқ тузилмасига биноан қуйидаги жиҳатларни аниқлаш мумкин[272]:

- ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациянинг даражасини;
- саноат ва миллий иқтисодиётнинг илмий - техник салоҳиятини;
- мамлакат ва унинг вилоятлари саноатининг ривожланиш даражасини;
- меҳнат унумдорлиги ёки иқтисодий самарадорлик даражасини;
- аҳолининг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси ўсганлигини;
- ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари билан истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқлари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқадорлигини.

Ҳозирги кунда республикамизнинг умумий саноат тармоғи иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидаги секцияларга бўлинади[273]:

- тоғ - кон саноати ва очиқ конларни ишлаш;
- қайта ишлаш саноати (ишлаб чиқарадиган саноат);
- электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш;
- сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш.

Тоғ - кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати кўмир, лигнит, нефт, табиий газ, металл рудаларини қазиб олиш ва тоғ - кон саноатининг бошқа турлари билан шуғулланадиган корхоналар фаолиятини ўз ичига олади.

Қайта ишлаш саноатига озиқ - овқат маҳсулотлари, ичимликлар, тамаки, тўқимачилик, резина ва пластмасса маҳсулотлари, кийим - кечак, чарм ва кимёвий маҳсулотлар, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва дори дармонлар, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель, бошқаноруда минерал маҳсулотлар, машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмлар, ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш, қора ва рангли металлар ва улардан буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар киритилади.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари электр энергия, буғ, газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, тарқатишни таъминлайди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари сувни қайта ишлаш (тозалаш), сув билан таъминлаш, оқова сувларини тозалаш, транспортировка қилиш ва тозалаш, чиқинди ташлайдиган ўраларни тозалаш ва ишлов бериш, чиқиндиларни йиғиш, тозалаш ва утилизация қилиш, рекультивация қилиш хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадилар.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикамиз умумий саноатининг тармоқ тузилмасида ишлаб чиқарадиган саноатнинг ҳиссаси юқори бўлиб, кейинги йилларда мазкур саноатнинг улуши ушбу тузилмада ўсиб бориш тенденцияси билан характерланади. Жумладан, умумий саноат тузилмасида

---

[272] Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти (Дарслик). - Т.: ТДИУ, 2004. - 50 б.

[273]https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/3392-dunjo-mamlakatlari-va-zbekiston-respublikasi-i-tisodijotining-rivozhlanishida-sanoatning-rni.

ишлаб чиқарадиган саноатнинг ҳиссаси 2010 йилда 73,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу кўрсаткич 80,3 фоизни ташкил этгани ҳолда 6,5 фоизга ўсган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Республика умумий саноатининг тармоқ таркиби**

| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Саноат - жами | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 15,0 | 12,7 | 14,7 | 12,7 | 11,0 | 11,1 | 9,6 |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 73,8 | 77,2 | 75,8 | 78,3 | 79,9 | 79,0 | 80,3 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 10,7 | 9,5 | 9,0 | 8,4 | 8,5 | 9,2 | 9,4 |
| Сув билан таъминлаш: канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 0,5 | 0,6 | 0,5 | 0,5 | 0,6 | 0,7 | 0,7 |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016. Тошкент - 2017. - 118 б.

Дунёда қайта ишлаш саноати мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим ва аҳамиятга эга тармоқ сифатида қаралади. Саноатнинг кучли қайта ишлаш сектори мамлакатнинг технологик қудратини ифодалайди. Унинг камайиши ёки қисқариши иқтисодиётнинг пасайиши белгиси сифатида қаралади. Бу эса, ўз навбатида қайта ишлаш саноатининг муҳим тармоқ эканлигини ва аҳамиятлилигини ифодалайди[274].

Мамлакатимизда саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва диверсификациялаш, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш, жаҳон бозорида юқори рақобатдош бўлган ишлаб чиқаришларни манзилли қўллаб - қувватлаш, ишлаб чиқаришлар таркибида қайта ишловчи саноат тармоқларининг улушини оширишга бўлган интилишлар натижасида республикамиз қайта ишловчи саноат тармоқлари барқарор ривожланиш тенденциясига эга бўлди.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, қайта ишловчи саноат тармоғи (ишлаб чиқарадиган саноат) тузилмасида 2010 йилда тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш 19,7 фоизни, машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш 20,7 фоизни ҳамда озиқ - овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш 24,5 фоизни ташкил этгани ҳолда мазкур тузилмада етакчиликни қўлган киритган бўлса, 2016 йилга келиб ушбу тузилмада машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш 12,4 фоизни, тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш 21,0 фоизни ҳамда озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш 30,2 фоизни ташкил

[274] Lall S. (2000). Technological Change and Industrialization in the Asian Newly Industrializing Economies: Achievements and Challenges. In: Technology, Learning and Innovation: Experiences of Newly Industrializing Economies, eds. Kim L. and Nelson, R.R., Cambridge: Cambridge University Press.

этгани ҳолда мазкур тузилмада етакчиликни сақлаб қолди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Республика қайта ишловчи (ишлаб чиқарадиган саноат) саноатининг тармоқ таркиби**

| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 24,5 | 24,6 | 24,3 | 31,1 | 25,7 | 28,6 | 30,2 |
| Тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 19,7 | 20,9 | 20,3 | 23,6 | 19,0 | 20,3 | 21,0 |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш | 1,3 | 1,4 | 1,5 | 2,7 | 2,3 | 2,6 | 3,3 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 0,8 | 0,6 | 0,8 | 0,9 | 0,7 | 0,7 | 1,1 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 6,4 | 6,5 | 5,2 | 5,6 | 4,6 | 4,0 | 3,3 |
| Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш | 9,1 | 9,4 | 8,7 | 10,8 | 8,7 | 9,0 | 11,2 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш | 0,6 | 0,8 | 0,8 | 1,0 | 0,8 | 1,0 | 1,4 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш | 5,9 | 6,2 | 6,7 | 9,7 | 7,1 | 6,4 | 7,1 |
| Металлургия саноати | 11,1 | 10,2 | 10,0 | 11,9 | 9,6 | 9,2 | 9,1 |
| Машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш | 20,7 | 19,4 | 21,7 | 2,8 | 21,5 | 18,1 | 12,4 |
| **Ишлаб чиқарадиган саноат** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016. Тошкент - 2017. - 116 б.

Озиқ - овқат саноати. Республика қайта ишловчи саноатининг тармоқ тузилмасидан кўриниб турибдики, мазкур тузилмада озиқ - овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси жуда юқори бўлиб, ушбу саноат тармоғи бугунги кунда аҳолини озиқ - овқат ва кенг турдаги истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Саноатнинг ушбу тармоғи асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга асосланган бўлиб, бугунги кунда мазкур тармоқда гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, пишлоқ ва бринза, мол ёғи, ўсимлик ёғи, шакар, коньяк, газланган сувлар, маъданли сувлар, колбаса маҳсулотлари, маргарин маҳсулотлари, арoқ ва ликер арoқ маҳсулотлари, узум виноси, алкоголсиз ичимликлар, табиий чой, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари, атир совун, папирос ва сигареталар, консервалар, шу жумладан:

гўшт, балиқ, сут, мева - сабзавот консервалари, музқаймоқ, болалар озуқаси учун қуруқ сут қоришмаси, макарон маҳсулотлари, хўжалик совуни ҳамда озиқ - овқат спирти каби асосий турдаги озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда[275].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2010 - 2016 йиллар оралиғида озиқ - овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг энг юқори ўсиш суръатлари 2015 йилга тўғри келган бўлса, энг қуйи ўсиш суръатлари эса 2012 йилда кузатилди (1-расм).




**1-расм. Озиқ - овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари[276]**

Ҳозирда республика озиқ - овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси ўзида бирлаштирган бўлиб, у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, қайта ишлаш корхоналари, тайёрлаш ва сотиш ташкилотлари ўртасида бозор муносабатлари асосида, унинг тайёрланиши, сақланиши, янада чуқурроқ қайта ишланиши ва сотилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги озиқ - овқат хом ашёси ҳаракатининг замонавий логистикасини кенг жорий этиш ҳамда мева - сабзавот, гўшт - сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ - овқат хом ашёсини қайта ишлаш бўйича юқори унумли замонавий инновация технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ушбу мақсадлар учун, авваламбор, стратегик хорижий инвесторларнинг тўғридан - тўғри инвестицияларини жалб этиш каби бир қатор муҳим вазифаларни бажариб келмоқда.

Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи ҳам шунингдек бевосита истеъмол буюмлари ишлаб чиқаради. Лекин мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда юқоридаги тармоқлар етакчи эмас.

Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш, иқтисодий ўсишга эришиш учун машинасозлик, энергетика, кимё саноатини ривожлантиришга мақсадга мувофиқ.

---

[275] Ўзбекистон саноати 2014. Статистик тўплам. Б. 134 - 137.

[276] Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2010-2016. Тошкент - 2017. - 117 б.

Хусанов Муроджон Суннатуллаевич
ТДИУ, Макроиқтисодиёт кафедраси таянч докторанти

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини балансли ривожлантириш ва диверсификациялашни таъминлаш, улар кўрсатадиган хизматларнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февраль “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли қарори қабул қилинган[277].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги қуйидаги устувор йўналиш ва вазифалари белгиланди:

- хизматлар сохасини ривожлантириш хисобига ялпи ички махсулотни купайтириш, унинг республика иктисодиётидаги улушини 48,7 фоизгача етказиш:
- 2020 йилга бориб қишлок жойларда хизматларни 1,8 бараварга ўстириш;
- мухандислик-коммуникация, йул-транспорт инфратузилмасин ривожлантириш, тармокларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига хизматлар сохасини. таркибий ўзгартиришларни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- хизматлар соҳаси рақобат муҳитини шакллантириш. кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- турли инновацион хизматларини, янги алока воситаларини кенгайтириш:
- ахолининг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш техник имкониятларини таъминлаш. улар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш, телефон алоқаси ва телевидениенинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтиш, 2020 йилга бориб алоқа ва ахборотлаштиришнинг республика иқтисодиётидаги улушини 2,5 фоизгача етказиш;
- энг янги электрон, тўлов технологияларини жорий этган ҳолда молия хизматларини ривожлантириш;
- соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияли хизматларни янада ривожлантириш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги ялпи ички маҳсулотида хизматлар соҳасининг улуши 47,3 фоизни ташкил этди[278].

2017 йилда хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 116,8 трлн сўмни ташкил этди ва 8,9 фоизга ортди.

---

[277] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 9-сон, 89-модда, 27-сон, 326-модда, 2017 йил, 15-сон, 257-модда, 33-сон, 863-модда. http://www.lex.uz/docs/2909071

[278] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумоти асосида тайёрланган. http://www.stat.uz

Хизматлар соҳаси ҳажмнинг ошиши бир қатор омиллар таъсири билан изоҳланади, шу жумладан:

- ✓ бозорда янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши;
- ✓ кредит карталари орқали тўловлар;
- ✓ интернет-савдо;
- ✓ янги савдо-сотиқ марказлари;
- ✓ овқатланиш корхоналари;
- ✓ меҳмонхоналар очиш;
- ✓ таълим хизматларини кенгайтириш;
- ✓ дам олиш саноати.

Ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳрида 14,6 фоиз, Навоий 7,0 фоиз, Сирдарё 6,0 фоиз, Андижон 5,6 фоиз, Хоразм 5,3 фоиз, Жиззах 5,2 фоиз, Наманган вилоятларида 5,0 фоиз ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 6,0 фоизга ўсиш кузатилди.




**1-расм. Ҳудудларда хизматлар соҳаси ҳажмининг ошиш суръатлари.**

Турар жой ва озиқ-овқат хизмат кўрсатиш соҳасида озиқ-овқат ҳамда ичимликларни етказиб бериш бўйича хизматларда ўсиш 84,6 фоизга ва турар жой хизматларида ўсиш 15,4 фоизни ташкил этди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида телекоммуникация хизматлари (кабель ва мобиль алоқа хизматлари, интернет, сунъий йўлдош алоқаси хизматлари ҳамда бошқалар) энг катта улушга эга.

Транспорт хизматларининг асосий қисми юк ва йўловчилар ташиш бўйича хизматларга тўғри келади. Бу транспортнинг тезкорлиги ва ҳаво ҳамда темир йўллар билан солиштирганда хизматлар нархининг нисбатан арзонлиги билан боғлиқ.

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги турдаги хизматларни пайдо бўлиши ва кўрсатилаётган хизматлар турларининг шаклланиши мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ривожланишига хизмат қилади.

Янги хизмат турларининг ривожланиши мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий қудрати юксалишига, унинг интеллектуал салоҳияти ошишига ҳам катта хисса қўшади.

Т.И. Жўраев, ТДИУ доценти
Г.Т.Исмоилова, ТДИУ магистранти

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНИШИДА АГРАР СОҲАНИНГ ЎРНИ

Мамлакатимизда 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган дастлабки йилданоқ мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, аграр соҳада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг самарали натижаларини бермоқда. Эришилган бундай ютуқлар эса, бевосита узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жумладан аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Стратегиянинг бош мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасини инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитда иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар ва тизимли ислоҳотларни амалга ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида аграр соҳанинг ўрни муттасил тарзда ўсиб бормоқда, бу эса биринчи навбатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ортиши ва улар ассортиментининг кенгайиши, мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш ва реал даромадларининг ўсишида намоён бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда аграр соҳанинг мамлакат иқтисодиётида эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: 2017 йил якуни билан 67 трлн. 208 млрд сўмлик (2016 йилда 50,2 трлн. сўм) ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан 101,9 фоизлик ўсишга эришилган.

Якунланган йилда бошоқли дон ишлаб чиқариш 8 млн. 116 минг тоннани (2016 йилга нисбатан 98,2 %), сабзавот ишлаб чиқариш 11 млн. 434 минг тоннани (101,4 %), картошка 3 млн. 15 минг тоннани (101,9 %), полиз 2 млн. 95 минг тоннани, мева 3 млн 76 минг тоннани, узум етиштириш 1 млн. 749 минг тоннани ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги модернизациялаш дастурларида ўсимликчилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизациялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаларидан бири бўлмиш

чорвачиликни жадал ривожлантиришда мазкур соҳага ихтисослашган хўжаликларни наслдор чорва моллари билан таъминлаш, турли йўналишдаги зооветеринария ва зоотехник хизматлари кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантириш масалалари билан бир қаторда кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга қорамоллар бериш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Чорвачилик соҳасида ҳам барқарор ўсиш кўрсаткичлари таъминланди. Жумладан, гўшт етиштириш 2 млн. 281 минг тоннани, сут етиштириш 10 млн. 83 минг тоннани, тухум ишлаб чиқариш 6 млрд. 605 минг донани ташкил қилди.

Сир эмаски, республикамизнинг чорвачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлишига қарамай, соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, чорва молларининг маҳсулдордор ва касалликларга чидамли зотларини етишмаслиги, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда  чорвачилик тараққий этган мамлакатлардан зотдор молларни олиб келиб, урчитишни ташкил этишга жиддий эътибор бериляпти. Сўнги 5 йилда республикамизга четдан жами 18 минг 191 бош зотли қорамол олиб келинган бўлиб, улардан 21 минг 496 бош насл олинди.  Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хориждан зотдор моллар олиб келишдан ташқари асосий эътибор наслчилик ишларини яхшилаш, мамлакатимиз иқлим шароитларига мос қорамол зотларини ўзимизда кўпайтиришга қаратилиши лозим. Республикамиз шароитида олинган наслли авлодлар маҳаллий шароитларга чидамли ва нисбатан маҳсулдор бўлади.

Республикамиз ҳукумати томонидан мамлакатимизда чорвачиликнинг паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларини ривожлантириш борасида ҳам мақсадли дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини барқарор қондиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида таққослама баҳоларда 52 млрд. 515 млн. сўмлик  (2016 йилга нисбатан ўсиш 108,1%) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ҳисобот даврида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 443 млрд. капитал маблағлар ажратилиб, 464,1 млрд. сўмлик капитал қурилиш ишлари бажарилди.

2017 йилги Инвестиция дастури доирасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида республика Ҳукумати кафолати остида 13 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур лойиҳалар доирасида йил якуни билан режалаштирилган 181,5 млн. доллар ўрнига амалда 198,8 млн. доллар инвестиция маблағлари ўзлаштирилди ва прогноз кўрсаткичлар 109,5% га бажарилган. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг ривожланиши, самарали таркибий тузилмага эга бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги инвестиция фаолиятига боғлиқ. Чунки инвестиция фаолияти ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг муҳим манба ҳисобланади. Шу туфайли мамлакатимизда мустақилликка эришилган йилдан бошлаб янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва эскиларини модернизация қилиш, иқтисодиётнинг хом ашёга йўналтирилганлигини тугатиш

ва уни юқори сифат даражасига олиб чиқиш учун фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда. Шундан келиб чиқиб Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида амалга ошириладиган чора-тадбирлар инвестиция дастурига асосан ирригация объектларини қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиб, ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлаш учун янгидан бошланувчи объектда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни ва пудрат корхоналарини аниқлаш, лойиҳаларни тасдиқланган тармоқ жадваллар асосида ўз муддатида сифатли бажарилишини таъминлаш борасида зарур чора тадбирлар амалга оширилди.

"Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури" бўйича 2017 йилда жами 455,0 млрд сўмлик (2016 йилда 428 млрд сўм) бюджет маблағлари тўлиқ ўзлаштирилиб, кенг миқёсда мелиорация тадбирлари амалга оширилди. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг илғор, замонавий усулларини жорий этишнинг аҳамияти катта. Чунки, республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усулларини қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда республикамизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Натижада томчилатиб суғориш ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларни жорий қилишни кенгайтириш ва тизимли ташкил қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Биргина 2017 йилнинг ўзида томчилатиб суғориш технологиясини 6,5 минг гектар, ғўзани эгатга плёнка тўшаб суғориш усулини 12,0 минг гектар, ўқ ариқлар ўрнига кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиш усулини 33,0 минг гектар майдонда жорий қилиш дастурини бажарилиши учун зарурий жиҳозларни сотиб олиш бўйича кредитларни расмийлаштириш, замонавий суғориш технологиялардан фойдаланиш бўйича мутахассислар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта урғу берилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кичик бизнеснинг улуши 2005 – 2017 йиллар оралиғида 85,7% дан 98,3% гача ўсди.

Мамлакатимизда аграр соҳанинг иқтисодиётда банд бўлганлардаги улуши 27,4 фоизни, ЯИМни шакллантиришдаги салмоғи 19,2 фоизни ташкил этди.

Аграр соҳанинг жадал суръатлар билан ривожланиши кўп жиҳатдан таркибий ислоҳотларнинг муваффақиятини белгилаб беради.

Шундай қилиб, амалга оширилаётган аграр ислоҳотлар ва чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги ривожланишида ижобий натижаларига эришилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги сифат ўзгаришлари ва уни диверсификациялаш фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, имтиёзли мақсадли кредитлар ажратилиши, инфратузилма хизматлари кўламининг кенгайиши ва сифати ошиши билан боғлиқдир.

Айни вақтда, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қарор топган қулай тенденцияларга қарамай, бизнинг фикримизча, унинг

ўсишига ижобий таъсир қилувчи қуйидаги масалалар ечимига эътибор қаратсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жумладан:

- фермер хўжаликларининг таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқ корхоналаридан бўлган қарздорликларини доимий мониторинг қилиб боришни кучайтириш ва ўзаро дебитор-кредитор қарздорликларни камайтириш чораларини кўриш;
- қишлоқ хўжалигини моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш;
- давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлар ҳисобидаги насос агрегатларини ишлатиш учун сарфланадиган электр энергия харажатларини давлат ҳисобидан қоплаш;
- бир ўтишда бир неча агротехник тадбирларни бажарувчи кўп функцияли ишлаб чиқариш воситаларини яратиш;
- ҳудудлардаги ирригация-мелиорация тармоқларини ишчи ҳолатда сақлашни таъминлаш, бунда уларни ўз вақтида тозалаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бутун мавсум давомида сув тақсимоти қонун-қоидаларига тўлиқ риоя этиш, замонавий сувни тежаш технологияларини жорий этиб бориш;
- маҳсулот етиштиришнинг эришилган даражаси мамлакатимизнинг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш билан бирга уларнинг барқарор экспортини ҳам таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигига жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмларининг ялпи умумий инвестициялар ҳажмидаги улушини кўпайтириш. Ваҳолангки бу кўрсаткич 4 фоиз атрофида бўлиб, буганги кун талабларига жавоб бермайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ресурс тежовчи технологияларнинг жорий этилиши ва бошқа агроинновацион тадбирлар ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ошди, айнан мана шу кўрсаткич қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантиришга, унинг рақобатбардошлигини таъминлашга ҳамда аграр ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бунинг натижасида, Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олади.

Абдуллаев Мунис Курбонович,
ТДИУ таянч докторанти

# КОРХОНА БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЪМИНЛАШ

Доимий ўзгаришлар юз берувчи замонавий бозор муҳити шароити кўп поғонали мураккаб тизимларни ифода этадиган ишлаб чиқариш тузилмаларига кучли таъсир кўрсатади. Бундай тузилмаларни ахборот тизимларини қўлламай оптимал бошқаришнинг имкони йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тизимини кенг ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, барқарор тараққиётга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас.

Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз зарур”[279].

Маълумки, ҳар бир корхонада Ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш хизмати мавжуд бўлиб, ушбу бўлим томонидан корхона бошқарувида ахборот тизимларидан фойдаланиш жараёнлари, яъни локал, интернет, VPN тармоқларида ва ҳимояланган электрон почта (E-xat) тизими ёрдамида маълумотлар алмашинуви самарали йўлга қўйилган бўлса-да, корхонанинг ташқи муҳит билан интеграциялашмаганлиги, қарор қабул қилиш ва маълумотларни узатишда кўп вакт сарфланаётганлиги, АКТни қўллаш орқали бошқарувнинг янги шакллари ва усулларининг яратилмаганлиги ҳамда жорий қилинмаганлиги, корхона бошқарувига корпоратив ахборот тизимларининг жорий этилмаганлиги, корхонадаги ички маълумотларнинг айланишида ўзаро ахборот алмашиш тизимининг самарали йўлга қўйилмаганлиги каби муаммолар корхонанинг янада самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларнинг ечими сифатида биринчи навбатда АКТни жорий қилишда, бошқарув тизимини танлагандаги каби, корхона ўз эҳтиёжи, имкониятлари ва афзалликларини тушуниб етиш ҳамда фақат шундан кейингина вариантларни солиштиришга ўтиш лозим.

Бунинг учун, энг аввало, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги сўнгги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, уларни нафақат корхона бошқаруви, балки миллий иқтисодиётнинг бошқа йўналишларида ҳам самарали қўллашда алоҳида эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

АКТ базасида ташкил этилган ахборот тизимининг асосий мақсади корхонанинг ривожланиш стратегиясини шакллантириш ҳамда ахборотларни қўллаб-қувватлаш орқали юқори даражали бошқарувни таъминлашдан иборат.

---

[279] Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. http://www.uzlidep.uz/uzc/news/demokratik-islokhotlarni-izchil-davom-ettirish-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot

Ахборот тизимлари ва ахборот технологиялари корхона бошқаруви тизимининг функционал қисмини ташкил этиб функционал бошқарув вазифаларини ҳал этишни амалга оширади. Корхона ахборот тизимининг бошқарув функциялари бошқарув фаолиятининг нисбатан алоҳида соҳаларидир. Унда асосий ва қўллаб-қувватловчи функциялар мавжуд. Асосий функциялар корхонани шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясини амалга оширишга қаратилган бўлиб уларни амалга ошириш учун шароит яратишдир.

Маълумки, корхоналар, корпорациялар, банклар ва ҳудудий бошқарув органлари мураккаб тизимлар ҳисобланади. Улар ишлаб чиқариш ва бошқарув функцияларини амалга оширадиган кўплаб элементлардан иборат. Бундай иқтисодий объектлар кўп даражадаги тузилишга, шунингдек, ташқи ва ички кенг кўламли ахборот алоқаларига эгадир.

Бошқарув ҳар хил материаллар, ишлаб чиқариш ресурслари ва катта гуруҳлар ўзаро таъсир қиладиган мураккаб тизимларнинг нормал ишлашини таъминлаш учун алоҳида элементлар ва умуман тизимлар орқали амалга оширилади. Экспертизанинг технологик жиҳатларини қўллаш ахборот тизимида қуйидаги элементларни ажратиб кўрсатади:

- назорат қилиш аппаратлари;
- техник ва иқтисодий маълумот;
- бошқарув объекти;
- иқтисодий ахборотни технологик қайта ишлаш усуллари ва воситалари.

Корхона мақсадлари, зарур бўлган бошқарув ислоҳотларини шакллантириш ва уларга тайёргарлик даражасини аниқлаш каби босқичлардан кейингина муайян ERP-тизимни танлашга киришиш мумкин. Аввал бизнеснинг тизимга қўядиган қайсидир талабларини шакллантириш керак. Ахборот тизимларининг ривожланиш стратегияси бутун бизнеснинг ривожланиш стратегиясини қўллаб-қувватлаши лозим. Фикримизча Раҳбарият корхонанинг стратегик мақсадлари ва ривожланиш вазифаларини аниқ шакллантириши ҳамда корхона бир неча йилдан кейин қандай бўлишини кўра билиши керак. Яъни қандай ресурслар, шу билан бирга мос равишда уларни бошқариш учун қандай ахборот талаб этилишини тушуниб етиш зарур бўлади. Ихтиёрий тизим қўшимча ишловга муҳтож бўлади, чунки ҳар бир корхона индивидуалдир.

Шуни таъкидлаш керакки, тизимнинг йўналтирилганлигини ҳисобга олиш муҳимдир. Бу параметр бўйича улар соддалаштирилган ҳолда қуйидаги тизимларга бўлинади:

- алоҳида ишлаб чиқариш учун (масалан, автомобиль саноатида);
- доимий ишлаб чиқариш (нефт ёки пўлат);
- турли бизнес жараёнларни қамраб олувчи универсал тизимлар.

Бундан ташқари маслаҳатчилар гуруҳини танлаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади, бу ҳолат асосланган, чунки маслаҳатчиларнинг иши тизимнинг технологик созловчилари ишига нисбатан сезиларли даражада мураккаб, кўп қиррали ва масъулиятлироқдир. ERP-тизимини татбиқ этишга ахборот технологиялари негизидаги бошқарув технологияларини татбиқ этиш сингари қарайдилар. Бунинг учун бошқарув моҳиятини тушунувчи, ўзлари молиячи, бухгалтер, ишлаб чиқарувчи бўлган ва ахборот технологияларининг

имкониятларини яхши билувчи мутахассислар керак бўлади. Фақатгина ана шу билимлар асосида раҳбарнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ERP-тизимини татбиқ этиш вазифасини шакллантириш мумкин. Бу ерда бутун корхонанинг манфаати йўлида бизнес-жараёнларини ислоҳ қилиш билан шуғулланувчи консалтинг компанияси керак бўлади.

Қоидага кўра, тизимни татбиқ этиш – босқичма-босқич лойиҳа ҳисобланади, шунинг учун корхона учун муҳим бўлган модулларни ажратиб олиш ва қолганлари билан шошилмаслик лозим бўлади.

Барча экспертлар катта лойиҳаларни вақтли бўлакларга, масалан тўққиз ойлик бўлакларга бўлишни маслаҳат беришади. Корхонада эса ҳар бир татбиқ этиш босқичи ниҳоясида нимани олишни хоҳлаётганини аниқ кўз олдига келтириши керак. Назорат қилишнинг энг тарқалган амалиёти – мувофиқлаштириш кенгашларини тузишдир.

Тизимни татбиқ этиш натижаси – ҳар доим жуда нозик масала бўлиб келган. Тўғридан-тўғри қопланишни деярли ҳеч қачон ҳисоблаб бўлмайди, чунки татбиқ этиш натижасида корхонанинг ички тузилмаси оптималлашади, қийин ўлчанадиган транзакцион чиқимлар камаяди. Агар мутахассислар менежерларга тизимни татбиқ этишдан бирорта революцион ўзгаришларни кутишни маслаҳат беришмаса, айрим корхоналарда шунчаки ўхшаш ахборотнинг пайдо бўлиши бирданига кўп нарсага олиб келиши мумкин. Агар аввал ахборот шунчаки бўлмаган бўлса, ҳозирда заҳираларнинг якунланмаган қурилиш даражасининг реал манзараси мавжуддир. Гарчи биз учун албатта тизим имкониятларини ўрганиш учун ҳали жуда кўп вақт керак бўлса ҳам шунчаки корхона ишлашнинг янги даражасига чиққан бўлади.

Натижада раҳбариятнинг лойиҳани татбиқ этишдаги иштироки таъминланади, тез ва сезиларли унумдорликнинг юзага келиши амалга ошади, корхона стратегияси ривожланади, тизимни татбиқ этгунча бизнес жараёнларнинг режалаштирилиши амалга ошади, тизим ва тизим сотувчиси буйруқларининг сифати ошади, мижоз корхона томонидан татбиқ этувчиларнинг иштироки юзага келади ва корпоратив ахборот тизимларининг самарали йўлга қўйилиши таъминланади.

Корхоналардаги яна бир муаммо бўлимлар ва ходимлар ишини авотматлаштириш ва иш самарадорлигини ошириш учун автоматлаштирилган ахборот тизимининг ишлаб чиқилмаганлигидир.

Агар корхонадаги технология ўзгарган бўлса (масалан, дастурий таъминот), бу ўзгариш бошқа учта компонентга таъсир қилади, яъни ходимлар, иш усуллари (вазифа ва услубиётлар) ўзгариши мумкин, бунинг оқибатида эса корхона тузилмаси ҳам ўзгариши мумкин.

Бошқарув усуллари жуда кўп, биз мавзуга мос автоматлаштирилган усулларни кўриб чиқамиз. Автоматлаштирилган бошқарув усулларида корхона, унинг ташқи муҳит билан алоқалари ҳамда бошқарувнинг асосий функцияларини амалга ошириш, таҳлил қилиш, прогнозлаш, оптималлаштириш ва қарор қабул қилиш, ҳисобга олиш, назорат қилиш ва мониторинг учун электрон-ҳисоблаш, телекоммуникацион воситалар ва компьютер тармоқлари қўлланилади.

Корхонанинг автоматлаштирилган бошқариш тизими (КАБТ) қуйидаги саккиз компонентни ишлаб чиқишдан иборат :

- корхона модели ва автоматлаштирилган бошқариш тизими тармоқли таъминотини ишлаб чиқиш;
- КАБТ ахборот таъминоти;
- КАБТ математик таъминоти;
- КАБТ лингвистик таъминоти;
- КАБТ дастурий таъминоти;
- КАБТ техник таъминоти;
- КАБТ ташкилий таъминоти, (автоматлаштирилган тизимнинг кичик тизимлари ва локал тармоқлари фаолият юритувчи бўлинмаларнинг ўзаро алоқа қоидаларини белгилаб берувчи ҳужжатлар мажмуаси);
- КАБТ услубий таъминоти (автоматлаштирилган тизимнинг кичик тизимлари ва локал тармоқларидан тўғри ҳамда мувофиқлашган ҳолда фойдаланиш учун зарур бўлган йўриқнома, қоида, меъёр, стандарт ва ҳужжатлар мажмуаси).

Ушбу компонентларни ишлаб чиқиш ва корхона янада самарали фаолият юритишида ахборот технологиялари ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ахборот технологиялари корхонанинг тузилмаси, фаолият юритиш соҳаси, иш жараёнлари, маҳсулот ва хизматларни бошқариш ҳамда мулоқот воситаларини қайта лойиҳалаштириш учун қўлланилиши мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари корхонанинг янада рақобатбардош ва самарали фаолиятида қудратли восита бўлиб хизмат қилади. Ахборот технологиялари эса фаолият юритиш соҳаси, мулоқот қилиш воситалари ва ишни, меҳнат жараёнлари, маҳсулот ҳамда хизматларни бошқариш механизмларини ўзгартирган ҳолда ишлаб чиқариш корхоналари тузилмасини қайтадан лойиҳалаштиришда қўлланилади.

Амиров Л.Ф.
ТДИУ, катта ўқитувчиси (PhD)

# МАМЛАКАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Аграр соҳада сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришдан кўзланган асосий мақсад – сувдан мақсадли, самарали ва оқилона фойдаланиш, сув исрофгарчилигига барҳам бериш ва фойдаланилган сув самарадорлигини оширишдан иборат. Чунки, қишлоқ хўжалиги республикамизда иқтисодиётнинг асосий тамоқларидан бири ҳисобланади.  Республикада жами истеъмол қилинадиган сувнинг 91 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Ушбу соҳанинг ривожи бевосита қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, ишчи ҳолатини сақлаш ва бошқа агротадбирларни ўтказиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш сув ресурслари таъминоти билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февралдаги тасдиқланган Харакат дастурининг 3.3 бўлимида алоҳида таъкидланганидек, “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация обьектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш”.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг 2016 йилнинг асосий якунлари ва 2017 йилда Ўзбекистонни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “ ....экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ва ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш зарур”лигини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликда сувнинг қадри бебаҳо бўлиб, жами истеъмол қилинадиган сувнинг 10 фоизи республикада шаклланиши, қолган сув қўшни Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистон давлатларидан келиши ҳамда Марказий Осиёда фойдаланиладиган  жами сув заҳираларининг 45 фоиздан ортиғи Ўзбекистон улушига тўғри келиши эътиборга олинса, сув заҳиралари билан самарали деҳқончилик қилиш катта масъулият талаб қилишини кўриш мумкин.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ривожлантириш стратегиясини белгилаш, бошқарув қарорларни қабул қилиш жараёнини яхшилаш, бошқариш механизмларининг самарали турларини жорий этиш ҳамда фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари сув ресурслардан оқилона фойдаланишни даврнинг узи талаб қилмоқда. Бу ўринда сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тамойилларини ҳам ўрганмоғимиз даркор. Бир қатор олимларнинг фикрларига кўра,  “мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар дастурининг муҳим йўналишларидан бири тоборо бозор муносабатлари тизимига ўтиб бораётган иқтисоднинг бошқарув тизимини қатъий қайта қуришдир. Бу муаммо бозор иқтисодиёти шароитилари аҳволини тубдан

ўзгартираётган корхона даражасида айниқса алоҳида аҳамиятга эга". Шу боис ҳар соҳасида юқори самарадорлигига эришиш, рақобатбардошликни ва барқарор ривожланишини таъминлаб бераоладиган бошқарув тизимини шакллантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан сув хўжалигида ҳам иш фаолиятини менежмент асослари в а вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур.

Бу ўринда қайд этиш жоизки, қишлоқ хўжалигида дастлаб стратегик аҳамиятга эга пахта ва ғалла экинларини сув билан таъминлашга устуворлик берилмоқда. Қарийб 60 % сув ушбу экинларни суғориш учун сарфланмоқда. Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан пахта ва ғаллага сарфланган сувнинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқдир.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таҳлили нафақат тизимнинг таркибий қисмларини, балки тизимнинг фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятларини аниқлашни тақозо этади. Бу ҳолат айниқса, сув хўжалиги бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш ва унинг таъсир доирасини кенгайтириш, самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тизимининг асосий муаммоларидан бири мавжуд сув ресурсларининг истиқболдаги эҳтиёжларига мос келмаслиги, яъни эҳтиёжни қондира олмаслигидир. Ушбу муаммонинг ечимини сувдан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш орқали топиш мумкин. Бу тизим сув сифати ва ҳажмига бўлган эҳтиёжни, экологик хавфсизликни инобатга олган ҳолда қондириш имконини беради.

Бу ҳукуматимиз томонидан суғориш ишларига алоҳида эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Ушбу йўналиш учун давлат бюджетидан катта маблағлар йўналтирилаётганлиги бунинг исботи ҳисобланади. Хусусан, охирги 10 йилда соҳа тизимини техник ва технологик қайта қуриш, янгилаш учун умумий қиймати 1,2 млрд. доллардан ортиқ бўлган 20 дан ортиқ инвестицион лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу тадбирларнинг амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримовнинг 2013 йил 19 апрелдаги "2013–2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса ушбу майдонларда экинлар, хусусан пахта ва ғалла ҳосилдорлиги ҳам барқарор ўсиб боришга замин яратиб бермоқда.

Шу боис республикамизда сув ресурслари чекланган бир шароитда сувдан самарали фойдаланиш, сувни тежовчи технологияларни тадбиқ этиш ҳамда суғориш тизимини модернизация қилиш ишларини давом эттириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Сув исрофгарчилигининг давом этиши тармоқда иқтисодий ислоҳотлар суст давом этаётганлигидан далолат беради. Сувнинг йўқолишини бартараф этишга йўналтирилган ташкилий, иқтисодий ва маъмурий чора-тадбирларини қўллаш, бозор механизми ва тамойилларини кенгроқ жорий этиш давр талаби эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

2. Суғориш тармоқларининг эскириши ва улардан фойдаланиш коэффициентининг пастлиги сувни йўқотишдаги асосий манба бўлиб қолмоқда. Шу боис ирригация тизимларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш Давлат дастурини ишлаб чиқиш зарур. Уни амалга ошириш учун маҳаллий, хорижий инвестицияларни, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармалари маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқ.

3. Сувни тежовчи технологияларни жорий этиш сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишга йўналтирилган стратегик мақсаднинг бош омили бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Ушбу технологияларни кенг миқёсида жорий этиш мақсадида давлат томонидан рағбатлантириш ва қўллаб-кувватлаш механизмини яратиш зарур.

4. Фойдаланилган сув самарадорлигининг секин, сув таннархининг кескин ўсиб бориши, молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлигидан далолат беради. Сув истеъмолчилари уюшмаларининг сув хўжалигини бошқаришдаги иштирокини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлаш учун хўжаликлараро суғориш тармоқларини молиялаш ва бошқаришни фермер хўжаликлари ихтиёрига бериш лозим.

Салимов Баходир Бахтиерович,
докторант, ТДИУ

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК (КБХТ) САНОАТ СОҲАСИДА

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи таянч омиллардан бирига айланди. Масалан, Францияда корхоналарнинг 95 фоизида ишлайдиган ишчилар сони 20 тадан ошмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳақиқий бозор субъектлари бўлиб, маҳсулот турини, ишлаб чиқариш ҳажмини, нархини мустақил равишда белгилайди ва бор рискни бўйнига олган ҳолда фаолият юритади. Яна бир муҳим томони, унинг фаолияти давлатга катта ташвиш туғдирмайди, бордию банкрот бўладиган бўлса, бутун зарар тадбиркор бўйнида бўлади. Масалан, АҚШ да бир йил давомида минглаб кичик бизнес субъектлари синади, минглаб янгилари очилади. АҚШ олимларининг фикрича ўртача очилган 100 та кичик бизнесдан 60 таси ишлаб кетади, 40 таси эса шу йилнинг ўзида синади. Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг маьлумотларига кура 2016 – йилнинг ўзида вилоят бўйича янгидан ташкил қилинган КБХТ субьектлари сони 2305 та бўлган бўлса 1486 таси тугатилган, демак, 819 таси иқтисодиётда ривожланишни таьминлайди. Бундай ҳолат кичик бизнес соҳасида табиий ҳолат бўлиб ҳисобланади. Лекин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар бир давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўз ўрнига эга. Ўзбекистон шароитида ҳам КБХТ иқтисодиётнинг барча соҳаларини,

тармоқларини ривожланишига қўшаётган, ҳиссаси ниҳоятда катта ва бу қейинчилик ҳам сақланиб келади.

Мамлакатимиз бўйича 2017 йилниг статистик маълумотларига кўра КБХТ нинг иқтисодий фаолият турларидаги улуши катта бўлиб, юқоридаги айтилган фикрларни янада тасдиқлайди (1 – жадвал).

**1-жадвал.**

**2017 йилда КБХТ нинг иқтисодий фаолият турларидаги улуши, % да**

| № | Иқтисодий фаолият турлари | Улуши |
|---|---|---|
| 1 | **Ўзбекистон Республикаси ЯИМ** | **53,3** |
| 2 | Саноат | 39,6 |
| 3 | Қишлоқ хўжалиги | 99,0 |
| 4 | Инвестициялар | 32,0 |
| 5 | Қурилиш | 65,1 |
| 6 | Савдо | 88,4 |
| 7 | Хизматлар | 58,4 |
| 8 | Юк ташиш | 55,7 |
| 9 | Юк айланмаси | 77,9 |
| 10 | Пасажирларни ташиш айланмаси | 94,8 |
| 11 | Бандлик | 78,3 |
| 12 | Экспорт | 27,0 |
| 13 | Импорт | 50,0 |

- Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

КБХТ нинг энг юқори улуши иқтисодий фаолият турларининг, қишлоқ хўжалигига -99,0 %, пасажирларни ташиш айланмаси - 94,8 %, савдо - 88,4, бандлик – 78,3 %, юк айланишига - 77,9 % тўғри келади.

Мамлакатимиз ЯИМ тининг асосий компонентлари бўлган саноат ишлаб чиқаришда КБХТ нинг улуши 39,6 % га, хизматлар соҳасида -58,4 %, қурилишда 65,1 % ва экспортда -27,0 % ни ташкил этган.

2017 йилда ҳудудлар кесимида КБХТ нинг саноат, хизматлар, қурилиш ва бандлик соҳаларидаги улушини қараймиз (2-жадвал). Саноат ишлаб чиқаришда КБХТ нинг юқори улушини Тошкент шаҳрида (71,3 %), Наманган (68,4 %) ва Жиззах (61,3 %) вилоятларида кўришимиз мумкин. Демак, бу вилоятларда йирик саноат корхоналари, нисбатан, паст ривожланганидан далолат беради. Маълумки, ривожланган давлатларда кичик бизнес сони кўп блишига қарамай, йирик фирмалар саноат ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисмига яқинини беради, яъни, 65 % ни беради. Ушбу кўрсаткич паст бўлган ҳудудларга Қашқадарё (23,1 %), Навоий (18,8 %) ва Тошкент (29,6 %) вилоятларини киритиш мумкин. Бу вилоятларда йирик корхоналарнинг ўрни юқори эканлигини кўрамиз. Қолган вилоятларда ҳам, саноат ишлаб чиқаришда йирик корхоналарнинг ўрни нисбатан, юқорилигини кўрамиз. Самарқанд вилоятида КБХТ нинг саноат ишлаб

чиқаришдаги улуши 55,5 % га тенг бўлиб, бу ерда ҳам асосий ўринни КБХТ эгаллайди.

**2 - жадвал**

**КБХТ нинг соҳалар бўйича улуши 2017 йил, % да**

| Ҳудудлар | Саноат | Хизматлар | Қурилиш | Бандлик |
|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси | 39,6 | 58,4 | 65,1 | 78,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 18,0 | 61,3 | 79,2 | 75,2 |
| **Вилоятлар:** | | | | |
| Андижон | 34,4 | 73,7 | 94,3 | 84,5 |
| Бухоро | 43,4 | 74,9 | 67,8 | 78,5 |
| Жиззах | 61,3 | 74,2 | 91,3 | 82,0 |
| Қашқадарё | 23,1 | 71,9 | 76,8 | 80,0 |
| Навоий | 18,8 | 67,3 | 75,4 | 60,3 |
| Наманган | 68,4 | 73,7 | 93,9 | 83,4 |
| Самарқанд | 55,5 | 76,5 | 92,3 | 84,5 |
| Сурхандарё | 45,8 | 76,3 | 79,4 | 81,1 |
| Сирдарё | 44,9 | 66,4 | 91,4 | 79,5 |
| Тошкент | 29,6 | 76,2 | 79,2 | 77,0 |
| Фарғона | 41,4 | 75,9 | 89,0 | 80,5 |
| Хоразм | 40,6 | 71,4 | 87,2 | 82,9 |
| Тошкент ш. | 71,3 | 51,1 | 66,8 | 56,8 |

- Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

КБХТ нинг ҳудудлар кесимида хизматлар соҳасидаги улушини қарайдиган бўлсак, бу ерда КБХТ субъектларининг иқтисодиётда устун мавқийга эга эканлигини кўрамиз. Аҳоли даромадларининг ортиши хизматларга бўлган талабни ортишига олиб келишини ҳисобга олсак, КБХТ нинг бу соҳадаги устун мавқие келажакда ҳам сақланиб қолади деб айтишимиз мумкин.

КБХТ мавқиенинг устунлигини қурилиш соҳасида ва бандликни таъминлашда ҳам кўрамиз. Қайси ҳудудда иқтисодий фаолият турлари бўйича КБХТ улуши юқори бўлса ушбу ҳудудларга юқори бандлик даражаси тўғри келади. Наманган вилоятида бандлик - 83,4%, Андижон - 84,5%, Самарқанд - 84,5%, Хоразм - 82,9%, Жиззах - 82%. Энг паст бандлик Тошкент шаҳрига (56,8%) тўғри келади. Бу Тошкент шаҳрида ушбу соҳалар бўйича йирик компаниялар бирмунча кўплигини ва бошқа соҳаларнинг яхши ривожланганлигини билдиради.

КБХТ субъектлари томонидан 2013-2017 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини қараймиз (3 – жадвал).

**3-жадвал.**

**Ўзбекистон ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан** саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, млрд.сўм

| Ҳудудлар | Йиллар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **2013** | **2014** | **2015** | **2016** | **2017** |
| **Ўзбекистон Республикаси** | 23311,8 | 30907,1 | 39643,5 | 50020,8 | 57095,3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 533,1 | 713,3 | 1006,3 | 1188,2 | 1197,3 |
| Андижон | 1880,8 | 2446,8 | 3115,3 | 3880,7 | 4551,4 |
| Бухоро | 1117,7 | 1592,9 | 2121 | 2598,4 | 2758,8 |
| Жиззах | 461,3 | 579,4 | 773,6 | 1119,8 | 1402,1 |
| Кашқадарё | 1501,8 | 1754,2 | 2187 | 2643,8 | 2494,7 |
| Навоий | 992,4 | 1305,1 | 1802,9 | 2190,5 | 2460,9 |
| Наманган | 962,2 | 1385,7 | 1773,3 | 2347,6 | 2669,4 |
| Самарканд | 1865,3 | 2539,4 | 3415,3 | 4898,8 | 5088,7 |
| Сурхондарё | 449,2 | 608,2 | 747,6 | 964,1 | 1003,2 |
| Сирдарё | 628,5 | 873,9 | 1136,3 | 1599 | 1528,9 |
| Тошкент вил. | 2734,4 | 3665,6 | 4440,6 | 5503 | 6230,6 |
| Фарғона | 1721,1 | 2329,7 | 3075,3 | 3641,1 | 3978,9 |
| Хоразм | 575 | 687,7 | 1018,4 | 1330 | 1553,4 |
| Тошкент ш. | 7889 | 10425,2 | 13030,6 | 16115,8 | 20177 |

- Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Жадвалдан кўриш мумкинки 2013-2017 йилларда барча ҳудудларда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб борган. 2017 йилга келиб энг кўп саноат махсулот ишлаб чиқариш Тошкент шаҳрига (20177 млрд. сўм), Тошкент вилоятига (6230,6 млрд. сўм), Самарқанд (5088 млрд. сўм) Андижон (4551,4 млрд. сўм) вилоятларига тўғри келади. Энг паст ишлаб чиқариш Хоразм (1553,4 млрд. сўм), Сирдарё (1528,9 млрд. сўм), Жиззах (1402,1 млрд. сўм), Сурхондарё (1003,2 млрд. сўм) ва Қорақалпоғистон Республикасига (1197,3 млрд. сўм) тўғри келади. Қолган вилоятларда бу кўрсаткич ўртача бўлиб 2460,9 - 3978,9 млрд. сўм оралиғида. Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич 5088,7 млрд сўмни ташкил этади.

**4-жадвал.**

**Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг Республика жами саноат маҳсулотлардаги улуши, фоизда**

| Ҳудудлар | Йиллар | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **2013** | **2014** | **2015** | **2016** | **2017** |
| **Ўзбекистон Республикаси** | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2,3 | 2,3 | 2,5 | 2,4 | 2,1 |

| *4-жадвалнинг давоми* | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Андижон | 8,1 | 7,9 | 7,9 | 7,8 | 8,0 |
| Бухоро | 4,8 | 5,2 | 5,4 | 5,2 | 4,8 |
| Жиззах | 2,0 | 1,9 | 2,0 | 2,2 | 2,5 |
| Кашқадарё | 6,4 | 5,7 | 5,5 | 5,3 | 4,4 |
| Навоий | 4,3 | 4,2 | 4,5 | 4,4 | 4,3 |
| Наманган | 4,1 | 4,5 | 4,5 | 4,7 | 4,7 |
| Самарканд | 8,0 | 8,2 | 8,6 | 9,8 | 8,9 |
| Сурхондарё | 1,9 | 2,0 | 1,9 | 1,9 | 1,8 |
| Сирдарё | 2,7 | 2,8 | 2,9 | 3,2 | 2,7 |
| Тошкент вил. | 11,7 | 11,9 | 11,2 | 11,0 | 10,9 |
| Фарғона | 7,4 | 7,5 | 7,8 | 7,3 | 7,0 |
| Хоразм | 2,5 | 2,2 | 2,6 | 2,7 | 2,7 |
| Тошкент ш. | 33,8 | 33,7 | 32,9 | 32,2 | 35,3 |

●Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Ушбу кўрсаткични 2013-2017 йиллар бўйича ўзгариш динамикасини қарайдиган бўлсак, бу ерда жиддий, ёки кескин ўзгариш йўқ. Лекин, шу вақт оралиғида Самарқанд, Наманган, Хоразм, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг улуши ўсиш динамикасига эга бўлган. Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич оз бўлсада пасайиб борган. 2017 йилга келиб юқори улушга эга ҳудудларга Тошкент шаҳри (35,3%), Тошкент вилояти (10,9 %), Самарқанд (8,9 %), Андижон (8,0 %) ва Фарҳона (7,0 %) вилоятларини киритишимиз мумкин. Паст улушни Хоразм (2,7 %), Жиззах (2,5 %), Сирдарё (2,7 %) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикаси (2,1 %) да кузатиш мумкин. Ушбу кўрсаткични юқоридаги вилоятларда, саноат соҳасида КБХТ ни ривожлантириш имкониятлари борлигидан далолат беради. Бу ҳудудларда КБХТ ни ривожлантириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. 1. Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли корхоналарни истиқболи бўлмаса тугатиш, уларнинг урнига кичик саноат зоналарини ташкил этиш.

2.Хорижий инвесторларни худудга жалб қилиш, улар билан қўшма корхоналар қуриш ишларига эътибор қаратиш.

3. Янги технологияга асосланган , рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган махсулот ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицион лойихаларнии ҳудудаги кичик саноат зоналарига жалб қилиш.

# 4- ШЎЪБА: ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Д.Х. Асланова, СамИСИ илмий
ишлар ва инновациялар бўйича проректор
М.Т. Алимова, СамИСИ
Маркетинг кафедраси доценти

## САМАРҚАНДДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ

**Аннотация**: Мақолада давлат, хусусий бизнес ва илм-фаннинг самарали ҳамкорлик механизми сифатида Самаркандда инновацион ёндашувларга асосланган ҳудудий туристик кластерни шакллантириш таклифи илмий асослаб берилган.

**Калит сўзлар**: ҳудудий туристик кластер, инновация, кластерли ёндашув, рақобатбардошлик.

**Аннотация**: В статье научно обосновано предложение формирования регионального туристского кластера в Самарканде, основанного на инновационных подходах, как эффективного механизма сотрудничества государства, бизнеса и науки.

**Ключевые слова**: региональный туристский кластер, инновация, кластерный подход, конкурентоспособность.

**Annotation**: The proposal to form a regional tourist cluster in Samarkand, based on innovative approaches, as an effective mechanism for cooperation between the state, business and science is scientifically substantiated in the article.

**Key words**: regional tourist cluster, innovation, cluster approach, competitiveness.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида туризм тармоғининг ривожланиши ўзининг тўлиқ имкониятлари доирасидаги даражасига етгани йўқ. Ҳудуд миқёсида туризм тармоғининг иқтисодиётга таъсирини аниқлаб берувчи кўрсаткичлардан бири ушбу соҳада яратилган қўшилган қийматнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ҳисобланиб, 2017 йилда Самарқанд вилояти бўйича туристик-экскурсион ва меҳмонхона хизматлари ҳажмининг ЯҲМдаги улуши 0,7%ни ташкил этиб, республика миқёсидаги мос кўрсаткичдан (мазкур даврда ушбу хизматларнинг ЯИМдаги улуши 0,36 фоизга яқин[280]) юқори бўлишига қарамай, туризмни ҳудуд иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида ривожлантирувчи баъзи бошқа мамлакатлар алоҳида ҳудудлари кўрсаткичларига нисбатан анча пастдир. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида туристик ресурсларнинг бир текис тақсимланмаганлиги, ушбу тармоқ ривожланиш даражасининг унинг ҳудудлари миқёсида турличалигига олиб келмоқда. Маълумки, ҳар бир ҳудуд иқтисодиётининг бирор-бир йўналишда ихтисослашуви улардаги мавжуд ресурсларнинг нисбий, баъзан эса

[280] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

абсолют устунлигидан келиб чиқиши лозим. Халқаро амалиётда қабул қилинган ушбу тамойил, ҳар бир ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг самарали параметрларига эга миллий хўжаликларни яратиш имконини берувчи ресурслар дастаги мавжудлигини эътироф этади. Самарқанд вилоятида шундай кучли дастаклардан бири туризм ва мавжуд туристик ресурслар ҳисобланади.

Юзага келган ушбу ҳолат ҳозирги инновацион иқтисодиёт шароитида туризм соҳасини жадал ривожлантириш ҳамда туристик ташкилотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий-амалий ва илмий-услубий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Америкалик иқтисодчи-олим М.Портер дунё миқёсида турли тармоқлар доирасида фаолият юритувчи юқори рақобатбардошлик ўринларни эгаллаган ташкилотларнинг фаолиятини ўрганиш юзасидан илмий изланишлар олиб борган. У ўз тадқиқотлари натижасида, халқаро миқёсда битта тармоқ доирасидаги ўзаро рақобатбардош ташкилотларнинг географик жойлашуви жиҳатидан тизимсиз равишда турли хил давлатларда сочилиб кетмасдан, балки айнан битта давлат, ҳаттоки битта ҳудуд доирасида концентрациялашув хусусиятига эга эканлигини аниқлаган. Ушбу ҳолатнинг юзага келиши тасодифий эмас. Халқаро бозорда бир ёки бир гуруҳ ташкилотлар рақобатбардошликка эришгач, ҳудудий жиҳатдан ўзларига географик жиҳатдан яқин жойлашган хом-ашё етказиб берувчи ташкилотлар, рақобатчи ташкилотлар ва бир қатор бошқа ҳамкор ташкилотларнинг иқтисодий фаолияти ва ҳолатига таъсир эта бошлайдилар. Шу билан биргаликда, уларнинг ютуқлари мазкур ташкилотлар рақобатбардошлигининг ошишига ижобий таъсир этади. Бунинг оқибатида “кластер”, яъни бир-бири билан узвий боғланган, ҳамда рақобатбардошлигини ўсишига ўзаро кўмаклашувчи ташкилотлар уюшмаси вужудга келади. М.Портер, ҳудуд рақобатбардошлигини оширишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш кластерлар: “ташкилотлар, давлат тузилмалари ва бошқа ҳамкорлик ташкилотлари (университетлар) ўртасида ўзаро мулоқот ўтиши мумкин (ҳаттоки зарур) бўлган майдонни ташкил этади”[281], - деб таъкидлайди.

«Кластер» тушунчаси инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, “попук”, “бир шингил”, “тўп”, “тўплам” каби маъноларини англатади. “Кластер” тушунчасини биринчи бўлиб фанга Гарвард бизнес мактаби профессори Майкл Портер киритган. Портер эътироф этишича, «кластер – бу бир-бири билан рақобатлашувчи, лекин шу билан бирга бутун кластернинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорликда фаолият юритувчи, географик жиҳатдан яқин жойлашган ташкилотларнинг ўзаро боғланган гуруҳлари, улар фаолиятига ихтисослашган хизмат кўрсатиш ташкилотлари, жиҳозлар етказиб берувчи ташкилотлар, уларга ҳамроҳ тармоқ ташкилотлари, шунингдек уларнинг фаолияти билан боғлиқ турли соҳа ташкилотлари (илмий-тадқиқот институтлари, ОЎЮлари, стандартлаштириш

281 Портер М. Конкуренция. Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005, с. 256.

бўйича агентликлар, савдо уюшмалари ва ҳ.к.) ва бошқа бир қатор ташкилотлар гуруҳидир»[282].

Россиялик олим Н.А.Корчагинанинг фикрига кўра: «Кластерлар рақобатни рағбатлантируви очиқ тизимлардир. Уларнинг мақсади, белгиланган нархларни ушлаб туриш (фиксация) ёки рақобатни чеклаш эмас. Зарурий ахборотнинг ўзаро алмашинуви, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ёки экспортга қаратилган ҳаракатлар рақобатни чекламайди, аксинча ташкилотлар рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади. Горизонтал ва вертикал алоқалар орқали бир-бири билан узвий боғланган ташкилотларнинг талаб ва истакларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда ахборотлар ҳаракатини таъминловчи шароитлар кластерни самарали фаолият кўрсатишининг асосий механизмлари бўлиб хизмат қилади»[283].

Detailed regional economic security programs must have a clear social orientation. The quality of life in this aspect is the main criterion for the safety of social and economic development of the region. In accordance with the selected model of improving the standard of living of the population in the region development policies should be directed to the population growth, the growth of its real income, improve their living conditions.

So, one of the main criteria that characterizes the region interests in the sphere of security and acceptable for the majority of the population quality of life, includes the following:

- the growth of real incomes of the population;
- an increase in natural population growth;
- improvement of housing and infrastructure conditions.

As a basis for the construction of the region economic security a common approach to the formation of a mechanism to ensure the economic security of the country was taken.




**Figure 1. Specific problems of regional economic security system[314]**

[313] S.Y. Glazyev, The Basis of economic security of the country: alternative reformation rate, 2004.
[314] System performance indicators of regional economic security. Yuliya Lysenko and Janna Zelenskaya. SHS Web of Conferences 35, 01043 (2017).

The key factor determining the methodological approaches to the construction of an effective system of economic security is the integration of this system into the management of regional socio-economic development, which requires things in figure 2.




**Figure 2. Key factors the management an effective system of regional economic security[315]**

Being the subject of economic security, legislative regional authorities form the institutional environment through the development of legal acts, the regional programs and standards, a set of other tools and methods to ensure the economic security of the region. This requires regulatory legal space of the Federation, a mandatory feature which must be coherence and consistency of the provisions of the documents adopted in the particular priority of preserving and improving the level of economic security of the region.

The starting point for development of policies and programs to ensure the regional economic security is a monitoring and data analysis system. It covers various aspects of life in the region and is aimed at identifying threats to economic security. Regional authorities should always use a variety of tools to analyze associated with the definition of real and potential threats. At the same time a central place in the monitoring system should be allocated to internal threats,taking into account specific regional focus of policies related to the solution of problems of social protection and raising the standard of living of the population of the region.

At the same time, when taking into account the specific characteristics of the regional problems it is important to work out a clear methodology for containing the regional safety performance, purpose of use which can be summarized as follows:

- assess the crisis and the threat of their occurrence in the socio-economic sphere of the region;

---

[315] N.P. Vashchekin, M.I. Dzliev, A.D.Ursul, The Security and sustainable development of Russia (MGUK, 2005).

- assess the impact of crisis situations in the region to the national economic security of the subject of the Russian Federation and the country as a whole;
- develop and validate softwareand targeted activities to ensure economic security of the region;
- to establish an effective economic security of the region management system.

It is important not simply to evaluate the macro-economic indicators, which are difficult to affect in an expeditious manner, but also to use indicators that are able to influence the authorities in both the strategic and the operational order, using different methods of influence.

If the value of economic security indicators in the individual territories is crucial, it is not always indicative of the crisis situation in the socio-economic area or separate areas. This suggests the need to implement management bodies of measures to surgery in order to change and eliminate dangerous trends, as well as reducing the threat level.

Timely decision-making on minimization of various threats at the federal state level is based on the creation of a list of indicators mandatory for the submission of reporting forms by regional authorities.

Thus, the need to ensure economic security determines the priorities of the regional administration. In this context, the measures taken to increase the gross regional product should be considered as a tool for improving the standard of living. The economic development programs are necessary to correlate target prospects with indicators of regional economic security. In turn, the economic security of the system should be integrated into the socio-economic development of the regional management system.

ТДИУ, Эконометрика кафедраси кат. ўқ.
Маджидов Р.Р

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЖРОСИ

Тошкент шаҳрида 11 та туман, 505 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд жумладан, Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Олмазор, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой, Яшнобод туманларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўрганилмоқда.

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига шаҳар аҳолиси сони 2,5 минг кишини ташкил этиши ва шаҳар ялпи ҳудудий маҳсулоти аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 12987,4 минг сўмни ташкил этади.

Тошкент шаҳри мамлакатдаги энг йирик саноат, транспорт, маданият ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган туб сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар марказидир.

Бугун Тошкент нафақат стратегик халқаро мавқега эга бўлган сиёсий марказ, балки Марказий Осиёнинг йирик саноат-транспорт чорраҳасидаги муҳим иқтисодий мегаполисдир.

Тошкент-мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларида етакчи ўринга эга. Хусусан, республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 18,1 фоизи, саноат ишлаб чиқаришнинг 17,7 фоизи, инвестицияларнинг 20,1 фоизи, савдо айланмасининг 21,4 фоизи, хизматларнинг 31,7 фоизи, ташқи савдо айланмасининг 36,2 фоизи, экспортнинг 24,2 фоизи пойтахт ҳиссасига тўғри келади.

Тошкент шаҳрига сўнги 10 йил давомида умумий қиймати 4,9 млрд долларидан зиёд инвестиция жалб этилиб, уларнинг 3,6 млрд долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Тошкент шаҳри республика иқтисодиётининг, машинасозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва тиббиёт саноати бўйича етакчи ҳудудларидан бири ҳисобланади. Ҳудудда чарм-пойабзал ва электр-маиший рўзғор маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ривожланмоқда.

Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 56507 тага етди. Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 94,9 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 13,0 фоизи хусусий корхоналар, 6,0 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик жамиятлари, 75,5 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширишга оид Тошкент шаҳар ҳудудий дастури бўйича 319 та тадбирларни амалга ошириш белгиланган.Ушбу дастурдаги тадбирларни амалга ошириш учун 2017 йилда 4,67 трлн сўм ва 37,1 млн доллари миқдорида маблағ сарфланиши режалаштирилган.

2017 йилнинг 6 ойида Тошкент шаҳрида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 110,2 фоизга *(прогноз 110,2 фоиз)*, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 104,6 фоизга *(прогноз 112,5 фоиз)*, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 103,6 фоизга*(прогноз 103,0 фоиз)*, хизматлар 113,7 фоизга*(прогноз 113,5%)*, чакана савдо айланмаси 110,5 фоизга (прогноз 112,2 фоиз), асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 110,4 фоизга *(прогноз 105,0 фоиз)* ва пудрат-қурилиш ишлари 108,9 фоизга *(прогноз 112,2 фоиз)* ўсиши таъминланди.

Тошкент шаҳрида 2017 йил 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик бизнес субъектлари сони 51211 тани ташкил этди. 2017 йил 1 январь ҳолатига улар ҳиссасига ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 58,9 фоизи тўғри келган. Аввалги йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 1,9 фоизга ортган. Уларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш (67,6 фоиз), саноат (23,3 фоиз) ва қурилиш (8,0 фоиз) соҳаларида фаолият юритмоқда. Ҳар йили ўрта ҳисобда 10-11 мингта кичик бизнес субъектлари ташкил этилмоқда. Шаҳар корхоналарининг деярли 84,7 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги кунда кичик

бизнес субъектлари ҳиссасига саноат маҳсулотининг 67,4 фоизи, қурилиш ишларининг 77,2 фоизи, чакана савдо айланмасининг 78,8 фоизи, экспортнинг 17,2 фоизи тўғри келмоқда. Кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар томонидан бугунги кунда 653,7 мингдан зиёд кишининг бандлигини таъминламоқда.

2017 йилнинг олти ойи ичида Тошкент шаҳрида жами 12,5 трлн. сўмлик саноат махсулотлари ишлаб чиқарилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 112,5 фоизни ташкил этди.

Ушбу давр ичида истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 5,5 трлн.сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган шу даврга нисбатан 103,6 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 6 ойида хизматлар кўрсатиш ҳажми 15,3 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўсиш суръати 113,7 фоизни ташкил этди.

Махаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар2017йил январь-июнь ойларида 627,8 млрд. сўм миқдорида (ўтган шу даврга нисбатан 165,1 фоиз) бажарилди.

Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари сони 2017 йил 1 июль ҳолатига 1061 тани ташкил этиб, ушбу инвестициялар ҳажми 6 ойда 3,1 млрд долларини ташкил этди. Натижада 11319 та иш ўрни яратилди.

Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури бўйича 2017 йилнинг январь-июнь ойларида 873,3 млрд сўмлик 1061 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан 383 та лойиҳа саноат ва 678 та лойиҳа хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келди. Натижада жами 11319 та янги иш ўринлари яратилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун 461,3 млрд сўмдан ортиқ маблағ банк кредитлари сифатида жалб этилди. Шунингдек, ушбу йўналишда 2,33 млн доллари ҳажмига тенг хорижий инвестициялар жалб этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги “2017 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-2697-сонли қарорининг 5-бандига мувофиқ Тошкент шаҳрининг 2017 йилдаги “Ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш дастури” доирасида 20 тадан зиёд йўналишларда умумий қиймати 347,2 млн доллари миқдорида, шундан 233,8 млн доллари тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар маблағларига тенг жами 47 талойиҳалар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда 72 та лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Дастурга киритилган лойиҳалар тўлиқ амалга оширилиши натижасида 484,9 млрд сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати, шундан 18,6 млн доллари ҳажмида экспорт қилиниши ва 1000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Дастурга мувофиқ 2017 йил январь-июнь ойларида 114,3 млн долларига тенг инвестицияларни жалб этилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 161,4 млн долларига тенг инвестициялар ўзлаштирилди ва прогноз кўрсаткичлари 141,2 фоизга бажарилди.

Мисол учун,

- Бектемир туманидаги “UZAUTO-INZI” МЧЖ ҚК 13,5 млн долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, бунинг натижасида автомобил ускуналари ишлаб чиқарилиш моденизация қилинди;

- Миробод туманидаги “Тошэлектроаппарат” МЧЖ ХКда 6,68 млн доллари миқдорида туғридан-туғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайтирилди;

- Мирзо Улуғбек туманидаги “НКТ Транс” МЧЖда 2,0 млн доллари миқдоридахорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, бунининг натижасида полипропилен қоплари ишлаб чиқариш кенгайтирилди. Шу тумандаги “Nika Pharm” корхонасида 1,5 млн доллари ҳажмидаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, фармацевтика маҳсулотлар ишлаб чиқариш йулга қўйилди;

- Олмазор туманида “Nura Energo Jihoz Sanoat” МЧЖ ҚК 115,0 минг доллари ҳажмидаги инвестициялар ўзлаштириш натижасида иновацион светодиотли лампалар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Тошкент шаҳрининг 2017-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ 2017 йилда жами 1930 та лойиҳани амалга ошириш, ушбу мақсадда жами 3,7 трлн сўмлик ва 1,62 трлн сўмлик банк кредитларини жалб қилиш ва 27292 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Шундан:

- саноат йўналишида 870 та лойиҳага 2,38 трлн сўмлик ва 972,0 млрд сўмлик банк кредитларини жалб қилиш ва 15134 та янги иш ўрни ташкил этиш;

- хизмат соҳасида 1060 та лойиҳага 1,67 трлн. сўмлик ва 654,3 млрд сўмлик банк кредитларини жалб қилиш ва 12158 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Олиб борилаётган мониторинг натижаларига кўра жорий йил январь-июнь ойларида жами соҳалар кесимида қиймати 748,3 млрд сўмлик инвестицияларни ўзлаштирилиши натижасида 960 та лойиҳалар амалга оширилиши ва 9786 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Бугунги кунга қадар жами қиймати 873,3млрд сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши эвазига 1061 та лойиҳалар амалга оширилди ва натижада 11319 та янги иш ўринлари яратилди.

Шундан,

Саноат соҳасидажами қиймати 421,6 млрд.сўмлик инвестицияларни ўзлаштирилиши натижасида 342 та лойиҳалар амалга оширилиши ва 4842 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

2017 йил 1 июль ҳолатига қиймати 521 млрд сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши эвазига 383 та лойиҳалар амалга оширилди ва 5425 та янги иш ўринлари яратилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасидажами қиймати 326,6 млрд сўмлик инвестицияларни ўзлаштирилиши натижасида 618 та лойиҳалар амалга оширилиши ва4944 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

2017 йил 1 июль ҳолатига қиймати 351,9 млрд сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши эвазига 678 та лойиҳалар амалга оширилди ва 5894 та янги иш ўринлари яратилди.

2017 йил режаси бўйича ушбу лойиҳалар доирасида 25,83 млн доллари миқдорида маблағлар жалб этилиши белгиланган. 2017 йил январь-июнь ойи учун 12,28 млн доллари миқдоридаги маблағ жалб қилиниши ва 6,63 млн доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 5,0 млн доллари (40,7%) миқдоридаги маблағ жалб қилинди.

2017 йилги Давлат инвестиция дастури доирасида Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ҳамкорлигида "Қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш" лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 92,251 млн долларини ташкил этиб, шундан 69,0 млн доллари миқдори ОТБнинг маблағлари, 5,820 млн доллари миқдори Ўзбекистон Республикаси улуши, 17,431 млн доллари миқдори "Махсустранс" ДИЧБнинг маблағлари ҳисобланади. 2017 йил Инвестиция дастурига кўра 7,29 млн доллари миқдорида маблағ жалб этилиши ва 4,86 млн доллар миқдорида ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар январь-июнь ойларида мос равишда, 4,8 млн доллари ва 4,15 млн доллари белгиланган, ҳақиқатда 4,75 (98,9%) млн доллари миқдоридаги маблағ жалб қилинди ҳамда 4,5 (108,4%) млн доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган.

Инвестиция дастури доирасида "Бектемир металконструкциялари" қўшма корхонасида цинкланган ташқи ёритгич устунлари ва йўл тўсиқларини ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича "Yadrock Development L.P" (Шотландия) компанияси билан ҳамкорликда қурилиш ишлари якунланиб, жорий йилнинг апрель ойида тест синовида ишга тушди. Лойиҳанинг умумий қиймати 40,2 млн долларини ташкил этиб, шундан 23,5 млн доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга тўғри келади. Лойиҳа доирасида 2017 йил январь-июнь ойлари учун 2,0 млн доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 7,31 млн доллари (3,6 марта кўп) миқдоридаги маблағ ўзлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги ПП-2874-сонли қарори асосида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ҳамда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига "Тошкент металл заводи" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 317,2 млн долларини ташкил этади. Шундан 112,97 млн. доллари миқдори корхонанинг ўз маблағлари, 91,71 млн доллари тўғридан-тўғри чет эл инвесицияларига, 112,52 млн доллари Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига тўғри келади. Лойиҳа доирасида 2017 йил январь-июнь ойларида учун 34,884 млн доллари ҳажмидаги маблағлар жалб қилинган ва 0,414 млн доллари ҳажмидаги маблағ ўзлаштирилган.

2017 йил январь-июнь ойлари режалари бажарилмаганлигига қуйидаги муаммолар сабаб бўлмоқда:

- "Тошкент шаҳрининг ташқи ёритиш тизимида энергоэффектив технологияларни татбиқ этиш" лойиҳаси доирасида ўтказилган ҳалқаро тендер савдоларида маҳаллий ишлаб чиқарувчи "Toshelectroapparat" ғолиб деб топилган бўлиб, ишлаб чиқарувчига лойиҳа доирасида бутловчи қисмларни импорт қилиш учун божхона имтиёзлари тақдим этилмаганлиги;

- Яшнобод (76,7%) ва Мирзо Улуғбек (97,2%) туманларида 2017 йил январь-июнь ойларида инвестиция лойиҳаларининг прогноз кўрсаткичлари белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ амалга оширилмаганлиги сабабли бажарилмаганлиги;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини, жумладан хорижий ҳамкорларни излаш, улар билан ҳамкорлик ўрнатиш, туманларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ишларининг сустлиги сабабли жалб этилган хорижий инвестицияларнингҳажмини прогноз кўрсаткичларидан анчагина пастлиги (46,6%);

- Яккасарой (36,9%) туманида экспорт бўйича чораларни ўз вақтида кўрилмаганлиги, экспорт қилувчи корхоналар сонини камлиги сабабли прогноз кўрсаткичларининг бажарилмаганлиги;

- Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетига тушумлар 8 та туман, яъни Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Олмазор, Сергели, Учтепа, Яккасарой, Яшнобод туманларида ўз вақтида ва тўлиқ туширилмаганлиги;

- Тошкент шаҳри бўйича 17 та зарар билан ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги (кўрилган зарар 641,5 млрд. сўм);

- Тошкент шаҳри бўйича дебиторлик қарздорликнинг (35,9 трлн. сўм) мавжудлиги;

- 2017 йил 1-ярим йилликда саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улушини камайганлиги (-2,1%).

Ижодий-ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳрининг Ҳаракатлар стратегияси дастурини амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар банки шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан:

- инвестиция лойиҳаларини бажарилиши бўйича имтиёзларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда манзилли тақдим этиш зарур;

- пойтахт туманларининг инвестицон жозибадорлигини ошириш, уларнинг ички имкониятларини қидиришва инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларини янада яхшилаш;

- саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида кичик бизнес субъектларига қўшимча имтиёзлар бериш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

- аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишни кескин кўпайтириш;

- Тошкент шаҳар хокимлиги томонидан тақдим қилинган рўйхат асосида имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминлаш;

- маҳаллий бюджетга тушумлар тўлиқ ҳажмда туширишга хизмат қилувчи аниқ механизм ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш;

- туманларнинг тасдиқланган чора-тадбирлар комплексига мувофиқ тегишли тадбирларни амалга ошириб, маҳаллий бюджет тушумларини кўпайтиришни таъминлаш;

- экспорт қилиш бўйича юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда корхоналарга ўз вақтида амалий ва молиявий кўмаклашиш;

- экспортёр корхоналар фаолиятини чуқур ўрганган ҳолда, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

-2017/2018 ўқув йили олий таълим ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Туманларда меҳнат ярмаркалари, жумладан, доимий фаолият юритувчи электрон меҳнат ярмаркаларини алоҳида веб сайт орқали ташкил этиш.

Салимов Бахтиёр Тажиевич,
и.ф.д.проф.,
Бурхонов Актам
Усманович, и.ф.д., профессор, ТДИУ

## РЕСПУБЛИКА ВА ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА САНОАТ ТАРМОҒИ АСОСИЙ КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Саноат тармоқларни, корхоналарини модернизация қилиш, диверсификациялаш, унинг асосий фондларини янги технологиялар асосида янгилаш, уларни такрор ишлаб чиқариш, яъни янги корхоналарни қуриш, мавжудларини кенгайтириш, реконструкция қилиш, янги ускуна ва технологияларини, транспорт воситаларини сотиб олиш каби ишлар асосий капиталга инвестиция киритиш орқали амалга оширилади. Ҳудудлар бўйича саноат тармоғи асосий капиталига инвестицияни киритилиши ҳудудларда саноат тармоқларини ривожлантириш билан бирга, саноат корхоналарига хизмат кўрсатувчи бошқа соҳаларни ривожланишига олиб келади, вилоятлардаги ортиқча хом ашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб қилинишига ва натижада ЯИМ ни ортишига олиб келади. Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби, ундаги ускуна ва технологияларнинг самарадорлиги сўнгги фан-техника ютуқларига асосланганлиги, илғорлиги ҳудуд саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Республика ва ҳудудлар кесимида саноат тармоғи асосий капиталига киритилган жами инвестицияларни қарайдиган бўлсак (**1-жадвал)**, республика бўйича ушбу кўрсаткич 2013-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2013 йилда саноат соҳасида 10368,1 млрд.сўм инвестиция киритилган бўлса, 2017 йилда у 27157,4 млрд.сўмни ташкил этган ва 2,6 бароборга ошган.

Ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак, 2017 йилда 2013 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 14 ҳудуддан 12 тасида ўсган. Жиззах вилоятида у 47 % ни, Қорақалпоғистон Республикасида 82 % ни ташкил этган. Энг юқори ўсиш суръатини Бухоро (6,7 баробарга ошган) ва Наманган (5,3 баробарга) вилоятларида кўрамиз. Ўртача ўсиш суръатини Сурхондарё (3,8 баробарга ошган) ва Қашқадарё (3,7 баробарга) вилоятларида кўрамиз. Паст ўсиш Хоразм (1,3 баробарга) Фарғона (1,1 баробарга ошган) вилоятларига тўғри келади. Самарқанд вилоятида бу кўрсатгич 1,9 баробарга ошган. 2017 йилда саноат сохасида асосий капиталга киритилган инвестиция бўйича қарайдиган бўлсак, энг кўп инвестиция Бухоро вилоятига (8809,7 млрд.сўм), Қашқадарё (7057,8 млрд.сўм) вилоятига, Тошкент шаҳрига (2390,1 млрд.сўм) ва Тошкент вилоятига (2109,9 млрд.сўм) тўғри келмоқда.

**1-жадвал**

**Республика ва ҳудудлар кесимида саноат тармоғи асосий капиталига инвестициялар ва Республика бўйича жамига нисбатан улуши, фоизда**

| Ҳудудлар номи | 2013 | | 2014 | | 2015 | | 2016 | | 2017 | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Млн. сўм | Жамига нисбатан % да | Млн. сўм | Жамига нисбатан % да | Млн. сўм | Жамига нисбатан % да | Млн. сўм | Жамига нисбатан % да | Млн. сўм | Жамига нисбатан % да |
| **Ўзбекистон Республикаси** | **10368057** | **100** | **13874943** | **100** | **4434588,1** | **100** | **19605402,6** | **100** | **27157384,3** | **100** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1549510,3 | 14,95 | 2815478,6 | 20,29 | 4557095,8 | 102,76 | 2389803,8 | 12,19 | 726643,2 | 2,68 |
| Андижон | 387722,6 | 3,74 | 313155,4 | 2,26 | 437810,6 | 9,87 | 472586 | 2,41 | 625960,6 | 2,30 |
| Бухоро | 1315111,4 | 12,68 | 1850517,2 | 13,34 | 2055275,5 | 46,35 | 3778976,6 | 19,28 | 8809720,4 | 32,44 |
| Жиззах | 331553,1 | 3,20 | 273753,3 | 1,97 | 275861,8 | 6,22 | 269367,5 | 1,37 | 270467,3 | 1,00 |
| Кашқадарё | 1907915 | 18,40 | 2582568,4 | 18,61 | 3608703,2 | 81,38 | 4369444,6 | 22,29 | 7057753,6 | 25,99 |
| Навоий | 608532,2 | 5,87 | 807303,5 | 5,82 | 888216,2 | 20,03 | 1507012,9 | 7,69 | 1615433,4 | 5,95 |
| Наманган | 177722,5 | 1,71 | 193439,1 | 1,39 | 247589,1 | 5,58 | 650180,1 | 3,32 | 935078,3 | 3,44 |
| Самарканд | 421384,1 | 4,06 | 478116,3 | 3,45 | 660859,3 | 14,90 | 551344 | 2,81 | 790073,7 | 2,91 |
| Сурхондарё | 176528,9 | 1,70 | 153515,8 | 1,11 | 109382,6 | 2,47 | 304561,6 | 1,55 | 677214,9 | 2,49 |
| Сирдарё | 163343,4 | 1,58 | 279285,6 | 2,01 | 321569,3 | 7,25 | 371729,6 | 1,90 | 387894,8 | 1,43 |
| Тошкент вил. | 1482760,4 | 14,30 | 1758067,2 | 12,67 | 2068008,9 | 46,63 | 2042226,8 | 10,42 | 2109901,4 | 7,77 |
| Фарғона | 463235,7 | 4,47 | 468869 | 3,38 | 372880,9 | 8,41 | 497568,8 | 2,54 | 515697,9 | 1,90 |
| Хоразм | 190143,9 | 1,83 | 473345,6 | 3,41 | 255873,3 | 5,77 | 182277,6 | 0,93 | 245391,7 | 0,90 |
| Тошкент ш. | 1192593,3 | 11,50 | 1427527,5 | 10,29 | 1879226,5 | 42,38 | 2218322,5 | 11,31 | 2390152,9 | 8,80 |

Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Энг паст инвестиция Жиззах (270,5 млрд.сўм) ва Хоразм вилоятларига (245,4 млрд.сўм) тўғри келади. Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич ўртача бўлиб, 790,1 млрд.сўмни ташкил этади. Бухоро вилоятига катта инвестицияни киритилиши вилоятга Россия томонидан йирик Газкимё (Қандим газкимё комплекси) комплексини қурилиши билан изоҳлаш мумкин бўлади. Лекин Бухоро вилоятида 2013-2017 йиллар оралиғида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 2,1 баробарга ошган, Наманган вилоятида 5,3 баробарга ошган, Сурхондарё вилоятида 1,7 баробарга ва Қашқадарё вилоятида 1,7 баробарга ошган, Тошкент вилоятида эса 2,0 баробарга ошган. Энди ҳудудлар кесимида саноат тармоғи асосий капиталига киритилган инвестицияларнинг республика бўйича асосий капиталга киритилган жами инвестициядаги улушини кўриб чиқамиз. Жадвалдан кўриш мумкинки, 2013 йилда энг юқори улуш Қашқадарё вилоятига (18,40 %), Қорақалпоғистон Республикасига (14,95%), Тошкент вилоятига (14,30 %), Бухоро (12,68 %) вилоятига ва Тошкент шаҳрига (11,50 %) тўғри келганини кўришимиз мумкин. Энг паст улушга эга бўлган ҳудудлар булар Хоразм (1,83 %), Наманган (1,7 %) ва Сирдарё (1,58 %) вилоятлари ҳисобланади.

Қолган вилоятларнинг улуши ўртача бўлиб, у 3,20-5,87 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 4,06 % ни ташкил этган ва бу кўрсаткич бўйича вилоят 6-ўринда турибди. 2017 йилга келиб 14 ҳудуддан 9 тасининг улуши 2013 йилга нисбатан пасайган. Энг катта пасайишни Қорақалпоғистон Республикасида (5,6 баробарга пасайган) ва Фарғона вилоятида (2,4 баробарга) кўрамиз. 2017 йилда энг юқори улушга эга ҳудудлар булар Бухоро вилояти (32,44 %, 2,6 баробарга 2013 йилга нисбатан ошган) ва Қашқадарё вилояти (26,0 %, 1,4 баробарга ошган). Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич 1,4 баробарга камайган.

Республика ҳудудлар кесимида саноат тармоғи бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръатини қарайдиган бўлсак (**3-жадвал)**, 2013-2017 йилларда бу кўрсаткични Республика бўйича 2016 йилда кескин пасайиб, 2017 йилда 138,5 фоизга ўсган. Бу кўрсаткични ҳудудлар кесимида қараганда 14 та ҳудуддан 6 тасида, у йилдан-йилга ўсиб борган. Булар Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри. Қолган вилоятларда у айрим йилларда пасайиб, айрим йилларда ўсган. Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич 2016 йилда 83,4 фоизга пасайган бўлсада, қолган йилларда ўсиб борган. 2017 йилда энг юқори ўсишга эга бўлган вилоятлар, бу Бухоро (233,1 %) ва Сурхондарё (222,4 %) вилоятлари. Самарқанд вилоятида ўсиш 143,3 фоизни ташкил этган.

**3-жадвал**

**Республика ва ҳудудлар кесимида саноат тармоғи бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати**

| Ҳудудлар номи | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 |
|---|---|---|---|---|---|
| | %да | %да | %да | %да | %да |
| **Ўзбекистон Республикаси** | | 133,8 | 132,0 | 442,1 | 138,5 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | | 181,7 | 161,9 | 52,4 | 30,4 |
| Андижон | | 80,8 | 139,8 | 107,9 | 132,5 |
| Бухоро | | 140,7 | 111,1 | 183,9 | 233,1 |
| Жиззах | | 82,6 | 100,8 | 97,6 | 100,4 |
| Кашқадарё | | 135,4 | 139,7 | 121,1 | 161,5 |
| Навоий | | 132,7 | 110,0 | 169,7 | 107,2 |
| Наманган | | 108,8 | 128,0 | 262,6 | 143,8 |
| Самарканд | | 113,5 | 138,2 | 83,4 | 143,3 |
| Сурхондарё | | 87,0 | 71,3 | 278,4 | 222,4 |
| Сирдарё | | 171,0 | 115,1 | 115,6 | 104,3 |
| Тошкент вил. | | 118,6 | 117,6 | 98,8 | 103,3 |
| Фарғона | | 101,2 | 79,5 | 133,4 | 103,6 |
| Хоразм | | 248,9 | 54,1 | 71,2 | 134,6 |
| Тошкент ш. | | 119,7 | 131,6 | 118,0 | 107,7 |

●Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Республика ва ҳудудлар кесимида саноат тармоғи бўйича асосий капиталга жами инвестицияларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдорини қарайдиган бўлсак (4-жадвал), республика бўйича бу кўрсаткич 2013 йилда 337,8 минг сўм бўлган бўлса, у 2017 йилга келиб 831,7 минг сўмни ташкил этган, яъни 2,5 баробарга ошган. Бу кўрсаткич бўйича 2017 йилда ўртача республика

кўрсаткичидан (831,7 минг сўм) юқори ўсиш кўрсаткичига эришган худудлар қаторига Бухоро вилоятини (4711,1 минг сўм) Қашқадарё (2241,9 минг сўм), Навоий (1686,6 минг сўм) вилоятларини ва Тошкент шахрини (969,4 минг сўм) киритиш мумкин. Энг паст кўрсаткич Хоразм (136,0 минг сўм) ва Фарғона (142,5 минг сўм) вилоятларига тўғри келади. Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич. республика кўрсаткичидан паст бўлиб, у 212,4 минг сўмни ташкил этган ва вилоят бу кўрсаткич бўйича 10-ўринда турибди.

**4-жадвал.**

**Республика ва ҳудудлар кесимида саноат тармоғи бўйича асосий капиталга жами инвестицияларнинг аҳоли жон бошига салмоғи,минг сўмда**

| | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси** | 337,8 | 447,2 | 140,4 | 610,4 | 831,7 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 892,3 | 1596,9 | 2544,3 | 1314,9 | 394,4 |
| Андижон | 138,2 | 109,6 | 150,4 | 159,5 | 207,8 |
| Бухоро | 748,8 | 1036,5 | 1132,3 | 2049,9 | 4711,1 |
| Жиззах | 270,3 | 219,0 | 216,2 | 207,0 | 204,3 |
| Кашқадарё | 659,0 | 872,5 | 1192,7 | 1414,6 | 2241,9 |
| Навоий | 675,3 | 884,0 | 957,2 | 1598,4 | 1686,6 |
| Наманган | 71,0 | 75,7 | 95,1 | 245,1 | 346,5 |
| Самарканд | 122,3 | 136,0 | 184,4 | 151,0 | 212,4 |
| Сурхондарё | 76,5 | 65,1 | 45,4 | 123,7 | 269,5 |
| Сирдарё | 213,9 | 359,4 | 406,7 | 462,9 | 475,5 |
| Тошкент вил. | 544,0 | 637,4 | 740,1 | 721,8 | 737,3 |
| Фарғона | 136,8 | 136,1 | 106,4 | 139,6 | 142,5 |
| Хоразм | 112,9 | 275,9 | 146,5 | 102,6 | 136,0 |
| Тошкент ш. | 467,2 | 602,0 | 785,2 | 915,1 | 969,4 |

●Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Республикада мавжуд бўлган менерал хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги махсулотларини илғор технологиялар асосида қайта ишловчи корхоналарни қуришда, импорт ўрнини босувчи янги саноат тармоқларини ривожлантиришда, саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш орқали рақобатбардош, экспортбоп махсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда хорижий инвестицияларни республикага жалб этиш энг муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хорижий инвесторлар билан шерикликда ривожлантириш қўшма корхоналар тузиш, хорижий инвесторларни кичик саноат зоналарига жалб этиш ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ҳурматли Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам иқтисодиётимизга хорижий инвесторларни жалб қилишга катта аҳамият бермоқда.

TDIU “Makroiqtisodiyot” kafedrasi assistenti
Bahriddinov Viqorjon Akbar o’g’li.
TDUI bakalavriat talabasi
To’qliyev Abdirauf Baxodir o’g’li.

# XUFYONA IQTISODIYOTNING MAMLAKATDA VUJUDGA KELISH SABABLARI VA UNING FAOLIYATIGA CHEK QO’YISH

Qora bozor bu - tovar va xizmatlarning noqonuniy savdosi amalga oshiriladigan joy hisoblanadi. Qora bozorning ajralmas xususiyatlaridan biri unda haqiqiy bozor muvozanati vujudga keladi. Yana shuni aytib o’tish kerakki, uni to’g’ridan – to’g’ri davlat tartibga sololmaydi va soliqqa tortolmaydi. Ammo bilvosita yo’llar orqali davlat doim qora bozorni qonuniylashtirishga harakat qiladi. Qora bozorda butunlay yoki, chakana savdoda mavjud bo’lmagan mahsulotlar savdosi boradi. Qora bozor yuzaga kelishiga faqat savdosi taqiqlangan yoki savdoda kamyob bo’lgan mahsulotlar sabab bo’lmaydi, yana shunday qora bozor mexanizimining ajralmas detaliga aylanib ketgan odamlar borki, ular shunchaki tovar va xizmatlarga belgilangan boj, soliq va yig’imlarni to’lashdan qochish uchungina bu yerda faoliyat ko’rsatishadi.

Odatda qonuniy bozorlarda mavjud bo’lgan tovar va xizmatlarning qora bozordagi savdosining gullab yashnashiga shu mahsulotning qonuniy bozorda taklifining kamligi va unga bo’lgan talabning yuqoriligi sabab bo’ladi. Bu esa o’z-o’zidan qonuniy bozorlardagi tanqislikni vujudga keltiradi. Va bu kabi tanqisliklar evaziga insonlar qora bozorlarga oqib o’ta boshlaydi. Odatda tanqisliklar ikki omil evaziga kelib chiqadi 1- davlatning qonuniy bozorlarga aralashuvi, 2- taklif etilayotgan mahsulotning monopol ishlab chiqaruvchilar tomonidan taklif etilishi.

Davlatning bozorlarga aralashuvi ham ikki yo’sinda amalga oshiriladi tog’ri va egri yo’llar orqali. Keling buni avtoyonilg’i benzin misolida ko’rib chiqishga harakat qilamiz. Bizda o’tgan yillar mobaynida benzin tanqisligi vujudga keldi. Va ko’pchilik uzundan – uzoq navbatlardan charchab qora bozorlarga oqib o’tdi. Uning yechimiga to’g’ri yondoshish shundan iboratki, benzinni importini qo’llab –quvvatlash kerak, yani mamlakatga kirish uchun bojlarni kamaytirish yoki umuman olib tashlash kerak. Yana aynan benzin ishlab chiqaruvchilarga kuchli urg’u berish yoki uning o’rnini bosuvchisini bozorga olib kirish uning tanqisligini birdan bo’lmasada uzoq muddatda, ammo bozor mehanizmlariga salbiy tasir ko’rsatmagan holda bartaraf etadi. Bu chora tadbirlar samarali yakunlangandagina benzin tanqisligi tugatilib uning narxi tushishi kuzatiladi. Bu davlatning iqtisodiyotga to’g’ri aralashuvidir. Lekin uning narxini tushirishning bundan ham oson va oddiy yo’li bor. Istemolchilarni ijtimoiy himoya qilish uchun qo’llaniladigan bu usul narxning shunchaki maksimal ko’rinishini davlat tomonidan belgilab qo’yilishidir. Bu esa davlatning bozorga egri aralashuvi hisoblanadi va odatda shunday aralashuvlar qora bozorni vujudga keltiradi. Masalan benzinning bozordagi muvozanatlashgan narxi 3500 so’m bo’lsin, ammo bu holatda istemolchilarni qo’llab quvvatlash uchun davlat benzinga maksimal narx belgiladi masalan 2800 so’m . Talab qonuniga binoan bunday holatda, yani qancha narx tushsa uni oluvchilar shuncha orta boshlaydi, bu to’g’ridan to’g’ri istemolchilarning soni oshishiga olib keladi va tanqislikka sabab bo’ladi. Afsuski bu shunchaki muammoning bir tomoni, yana bir tomoni borki taklif qonuniga asosan narx qancha pastlasa bu

mahsulotni bozordagi taklif miqdori ham kamayib boradi chunki bu mahsulot bozorida belgilangan past narxlarda ham yaxshi foyda ololadigan ishlab chiqaruchilar qoladi. Qolganlar esa bu faoliyatni butunlay tugatadi yoki narx sal baland bo'lgan qora bozorlarga oqib o'tadi.

Tanqislikni, keltirib chiqaruvchi ikkinchi omilga kelsak. Yani, taklif etilayotgan mahsulotning monopol ishlab chiqaruvchilar tomonidan taklif etilishi. Buni O'zbekiston havo yo'llari misolida ko'rishga harakat qilamiz. Bugungi kunda O'zbekistonda yagona havo xizmatini taklif etuvchi bu tashkilot havo transporti yaqqol monopoliya. Buning natijasi o'laroq narxlar ularning o'zlari tomonidan belgilanadi va bu istemolchi uchun anchagina qimmat. Bu esa so'ngi yillarda Respublika miqyosidagi yo'lovchilarni havo transportidan voz kechib, haydovchilar xizmatidan foydalanishiga olib keldi. Barchamizga malumki bugungi kundagi viloyatlar aro yo'lovchi tashuvchi avtomobillarning 75% dan yuqori qismi noqonuniy tarzda ishlaydi. Bu esa qora bozor degani , ularning amaldagi olgan daromadlari esa hech qayerda ko'zda tutilmaydi va mamlakat YaIMiga kirgizilmaydi. Ular doim xufyona qora bozorlar gullab yashnashiga va mamlakatda xufyona iqtisodiyotni kengroq tarqalishiga yordam beradi.

Agar biz mamlakatda qora bozorlarni yo'qolishini, muvozanatlashgan narxlar o'rnatilgan bozorlarni ko'rishni xohlasak, bozorlarga yuqorida aytib o'tganimdek to'g'ri yo'l bilan aralashish, agar aralashish lozim bo'lsa va bozorlarda yaqqol monopollarga barham berib, raqobat muhitini yaratishimiz kerak.
Muvozanat narxni pasaytirish uchun esa to'g'ridan – to'g'ri buyruq berish usulini emas, o'sha sohadagi to'siqlarni olib tashlash , ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish kabi qunt talab qiladigan yo'llarni qo'llasak, narx albatta yanada past darajaga tushishi tayin.

ТДИУ магистри Парпиева Р. А.,
Акрамов Б.Ф.

## КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб вазифалар белгиланган. Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Саноатнинг синоатлари қанчалик кўплигини мустақиллик йилларида теран англадик. Узоқ даврлар мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши учун аввало серҳосил ер зарур деган қараш сингдирилган халқимиз Қўнғирот сода заводи,

Устюрт газ-кимё мажмуаси ва яна бошқа кўплаб замонавий саноат қувватлари қиёфасида қақраган чўлларни обод қилишнинг йўллари турфалигига гувоҳ бўлди. Энг муҳими, ушбу объектларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугунги кучли рақобат шароитида омборхоналарга етиб бормасдан харидорларини топаётгани, кўплаб турдош корхоналар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини рағбатлантираётгани бор гап.

Дарвоқе, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, сон-саноқсиз иш ўринларининг яратилиши, энг муҳими, одамлар онгу шуурида мулкка эгалик ҳиссининг кучайиши, ишбилармонлик кайфиятининг ортиб бориши чорак аср мобайнида қадам-бақадам шакллантирилган ва ривожлантирилган кичик бизнес секторининг хизмати эканига бугун ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва роли таҳлилчилар томонидан ҳар томонлама ўрганиб борилар экан, унинг устунликлари ва заиф жиҳатлари чуқур тадқиқ этилганини таъкидлаш зарур. Тез ўзгарувчан, ҳамиша янгиликка ўч бозор талабларини биринчилар қаторида илғаб олиб, истеъмолчига зарур товар ва хизматларни таклиф этиши баробарида таваккалчиликларни осон бошқариш, турли бўҳронлардан чапдастлик билан омон қолиш имкониятига эгалиги «кичик иқтисодиёт»нинг асосий афзалликлари ҳисобланади.

Кичик саноат зоналари – иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлигининг муҳим воситаси. Дунё саноат харитасига теранроқ назар ташласак, замонавий технологиялар асосига қурилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ривожланган ҳудудлар тараққиёт тизгинининг ҳақиқий эгалари бўлаётганига гувоҳ бўламиз. Энг ажабланарлиси, бундай жойларда одатда табиий бойликлар танқис бўлишига қарамай одамларнинг турмуш фаровонлиги ҳатто минерал ресурсларга бой ўлкаларнинг ҳам ҳавасини уйғотади. Қолаверса, арзон хомашёни қимматбаҳо тугал маҳсулотга айлантириш орқали улар инсоният тамаддунида инновацион фаолиятни, иқтисодиётда янги тармоқлар пайдо бўлишини, жамиятда фаровонлик ҳамда илмталабликни рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сон “Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг 7-бандига мувофиқ Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарида ташкил этилаётган ташкилотлар Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналари ҳудудида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки йил муддатга юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солиғи ва фойда солиғи, шунингдек ягона солиқ тўловидан (солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган субъектлар учун) озод қилинади.

Қарорга кўра, Тошкент шаҳрида Мирзо-Улуғбек кичик саноат зонаси, Олмазор кичик саноат зонаси, Миробод кичик саноат зонаси, Чилонзор кичик саноат зонаси ва Бектемир кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда.

Ҳозирда Юнусобод, Сергели ва Яккасарой туманларидаги фойдаланилмаётган корхоналар негизида кичик саноат зоналари ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳудудида тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат, электротехника маҳсулотлари, мебель, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи 513 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. 2016 йилда ушбу

корхоналар томонидан 1,1 трлн сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, 140 млн АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги товарлар экспорт қилинди, 11 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.(1)

Бугунги кунда мамлакатимиздаги кичик саноат зоналари 96 тага етди. Ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўринлари яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.(2)

Кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкалари тадбиркорлик субъектларига 10 йилга узоқ муддатли ижарага берилади, кейинчалик у тегишли келишувлар бажарилса яна 10 йилга чўздирилади. Таъминланиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг маҳаллийлаштириш даражаси йил давомида 60 фоиздан кам бўлмаса ва экспорт ҳажми ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий миқдоридан 10 фоизга кам бўлмаса тақдим этилади.

Кичик саноат зонаси иштирокчилари йиллик соф тушумини тасдиқлаш учун ҳисобот даври учун тақдим этиладиган Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китоби ёки Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобига 12 ойлик давр учун йиллик соф тушум тўғрисидаги маълумотномани илова қиладилар. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорт улуши реализациянинг умумий ҳажмида камида 30 фоизини ташкил қилса, солиқ имтиёзларнинг амал қилиш муддати яна икки йилга узайтирилади. Бунда имтиёзларни узайтириш даврида кичик саноат зонаси иштирокчиси ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган шартларни бажариши керак.

Агар қўшимча имтиёзли даврнинг биринчи йили якуни бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорт улуши реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоизидан кам бўлса, солиқ имтиёзлари ушбу давр учун бекор қилинади, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш мажбурияти тикланади ва кичик саноат зонаси иштирокчиси кейинчалик солиқ имтиёзларини қўллаш ҳуқуқини йўқотади. Агар қўшимча имтиёзли даврнинг иккинчи йили якуни бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг экспорт улуши реализациянинг умумий ҳажмида 30 фоизидан кам бўлса, солиқ имтиёзлари ушбу давр учун бекор қилинади, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш мажбурияти тикланади. Бунда қўшимча имтиёзли даврнинг биринчи йили учун солиқ имтиёзлари сақлаб қолинади.(3)

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарининг Кафолат жамғармаси ташкил этилди. Уни ташкил этишда Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 50 млн АҚШ доллари миқдоридаги бир марталик пули, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва донорлар маблағлари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалардан фойдаланилади. Қарорга кўра, Кафолат жамғармаси кичик саноат зоналари

иштирокчиларига тижорат банклари кредитларининг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлайди. Жумладан, тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун миллий ва хорижий валютада, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобидан ресурслар тақдим этилади. Жамғарманинг тижорат банклари томонидан берилаётган кредит миқдорининг 50 фоизигача (кредит миқдори 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган тақдирда) ёки унга эквивалент ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, жамғарма томонидан тижорат банклари кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.

Қабул қилинган ушбу имтиёзлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий ҳимоя қилиш ва кафолатларини таъминлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ҳаёт даражасини оширишга хизмат қилади.(4)

Шундай қилиб, йирик саноат тармоқларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар “кичик иқтисодиёт”нинг зарур хомашё ресурслари билан таъминланишига замин яратади. Демак, кичик саноат зоналари фаолиятини кенгайтириш ҳамда уларнинг иштирокчиларини рағбатлантириш механизмларининг такомиллаштирилиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ш. Мирзиёев. 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси 16 январь 2017 йил.

2. Ш. Мирзиёев. Аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш асосий вазифамиздир. “Халқ сўзи” газетаси 2017 йил 17 июнь.

3. “Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли Қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 384-модда).

4. Р. Юлдашев. Кичик саноат зоналари иқтисодий тараққиёт ва халқ турмуш фаровонлигининг муҳим воситасидир.//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2017 йил.

Алимов И.И. ТДИУ, и.ф.н. доц.
Султонов Ш.С. ТДИУ магистранти

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ХУДУДЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

